

## Ўн учинчи боб Парвардигор Варахнинг пайдо бўлиши

### Текст 1

Шукадева Госвами деди: Эй шох, донишманд Майтреядан ушбу пок илоҳий ҳикояларни тинглаб, Видура ундан Олий Шахс Худо ҳақида ҳикоя қилишни давом эттиришни илтимос қилди, чунки у Парвардигор ҳақида тинглашни бу дунёдаги ҳамма нарсдан яхши кўрарди.

Изоҳ: Мазкур шеърда Видурада туғилганиданок табиий равишда Олий Шахс Худо ҳақидаги ҳикояларни тинглашга чуқур ихлос борлигини, шу боис Парвардигор ҳақида қанча тингласа ҳам ҳеч қачон улардан тўймаслигини билдирадиган адрихта ибораси муҳим аҳамиятга эга. Парвардигор ҳақидаги ҳикоялар унга тобора кўпроқ бахт ва лаззат олиб келиши учун у бундай ҳикояларни тинмасдан тинглайверишга интиларди.

### Текст 2

Видура сўради: Эй буюк донишманд, Браҳманинг сеvimли ўғли Сваямбхува суюкли хотинга эга бўлгандан кейин нима ишлар қилди?

### Текст 3

Эй эзгу ишлар қилувчи зот, барча шохларнинг биринчи ҳукмдори(Ману) Худо Шахси Харининг буюк содиғи эди, шунинг учун унинг улуғвор сифатлари ва кароматларини таърифлаш диққатга сазовордир. Илтимос, менга улар ҳақида гапириб бер. Мен сенинг гапларингни тинглаш иштиёқида ёняпман.

Изоҳ: Бутун "Шримад Бхагаватам" Худо Шахсининг ва Унинг асл содиқларининг кароматлари ҳақидаги ҳикоялардан иборат. Мутлақ оламда Парвардигор ва Унинг асл содиқлари сифат жиҳатидан бир биридан фарқ қилмайдилар. Шунинг учун Парвардигор ҳақидаги ёки Унинг асл содиғининг сифатлари ва кароматлари ҳақидаги ҳикояларни тинглаш бир хил натижага – инсон қалбида Худога садоқат билан хизмат қилишга ихлос уйғонишига олиб келади.

### Текст 4

Узоқ вақт давомида қатъий шижоат билан руҳий устозига хизмат қилиб юрган кишилар Парвардигорнинг асл содиқлари оғзидан соф содиқларнинг сифатлари ва кароматлари ҳақидаги ҳикояларни тинглаши лозим. Асл содиқлар қалбининг тўрида ҳамиша Худо Шахсининг, Ўзининг содиқларини озодликка чиқарадиган Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойи ҳақида ўйлаб юрадилар.

Изоҳ: Илоҳий илм ўрганиб юрган кишилар ҳақиқий руҳий устозидан Ведаларни ўрганиб қаттиқ риёзат чекиб яшайдилар. Улар фақат Парвардигор ҳақидаги ҳикояларни эмас, балки ҳамиша қалбининг тўрида Парвардигорнинг нилуфар

қадамлари пойини ўйлаб юрадиган буюк содиқларнинг илоҳий сифатлари ҳақида ҳам тинглашлари лозим. Асл содиқ хизматкор Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойидан бир лаҳза ҳам айрилмайди. Албатта, Парвардигор ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида мавжуд, лекин, тирик мавжудотларни алдамчи моддий қувват адаштириб қўйгани туфайли уларнинг бундан ҳатто хабари ҳам йўқ. Лекин Худонинг содиқлари қалбида Уни ҳис қиладилар, шу боис улар ҳамиша ўзларининг қалбида Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойини кўриб юрадилар. Худонинг асл содиқлари ҳам Парвардигорнинг Ўзи сингари сажда қилишга муносиб зотлардир, бунинг устига Парвардигор айтадики, Унинг содиқлари сажда қилишга Унинг Ўзидан ҳам муносиброкдирлар. Шунинг учун илоҳий илм ўрганиб юрган кишилар асл содиқлар оғзидан Худонинг соф содиқлари ҳақидаги ҳикояларни тинглашлари лозим, чунки Парвардигор ёки Унинг содиқларининг ҳатти-ҳаракатларининг мазмунини фақат ўзи ҳам Худонинг асл содиқ хизматкори бўлган киши тушунтира олади.

### Текст 5

Шукадева Госвами деди: Олий Шахс Худо, Парвардигор Шри Кришна Ўзининг нилуфар қадамлари пойини мамнуният билан Видуранинг тиззаларига қўйди, чунки у итоаткор ва хушмуомала инсон эди. Видуранинг гапларини тинглаб туриб, донишманд Майтрея таърифлаб бўлмас даражада қувониб кетди ва илҳомланиб ҳикоя қилишда давом этди.

Изоҳ: Бу ердаги сахасра-ширснах ибораси муҳим аҳамиятга эга. Хилма-хил қувватларга эга, кўплаб кароматлар кўрсатадиган ва чуқур тафаккурга эга кишини шундай ибора билан ифодалайдилар. Ана шу сифатларнинг ҳаммаси Худо Шахси, Парвардигор Шри Кришнадан бошқа ҳеч қандай ёки. Худо Шахси, Парвардигор баъзан Видуранинг уйида у билан бирга лаззатланиб овқатланарди, дам олиб ҳордиқ чиқарар экан Ўзининг нилуфар қадамлари пойини унинг тиззаларига қўярди. Видуранинг тақдиридаги ғайритабиий бахтдан Майтрея чексиз илҳомланиб кетган эди. Унинг танасидаги туклари хурпайиб кетди ва хурсанд бўлиб Олий Шахс Худо ҳақидаги ҳикоясини давом эттирди.

### Текст 6

Майтрея деди: Инсоният отаси Ману ва унинг хотини дунёга келгандан кейин, улар хурмат-эҳтиром билан қўлларини қовуштириб, ведавий донишмандлик илмининг манбаи бўлган Браҳма олдида бош эгдилар ва шундай дедилар:

### Текст 7

Сен – барча тирик мавжудотларнинг отаси ва уларни ризқлантирувчи Раззоқсан, чунки уларнинг ҳаммасини ўзинг дунёга келтиргансан. Бизлар сенга қандай хизмат қилишимиз мумкинлигини айт.

Изоҳ: Ўғил фарзанд отасига фақат ўзининг эҳтиёжларини қондирадиган зот деб қарамаслиги керак; балоғатга етгандан кейин ўғил фарзанд отасига хизмат қилиши лозим. Бу қонун оламда маъбуд Браҳма замонидан бери ҳукм суриб келяпти. Ўғли

вояга етгунча ғамхўрлик қилиб уни тарбиялаш - отанинг бурчи, вояга етган ўғилнинг бурчи эса – отасига хизмат қилишдан иборат.

#### Текст 8

Эй хурматли зот, марҳамат қилиб бизларга ўзимиз бажара оладиган вазифа бер, уларни бажариб бизлар бу ҳаётимизда шон-шуҳрат қозонамиз, кейинги ҳаётимизда баркамолликка эришамиз.

Изоҳ: Маъбуд Браҳма Ведалар илмини бевосита Худо Шахсидан ўрганди, шу боис маъбуд Браҳмадан бошланадиган шогирдлар силсиласида ўзига юклатилган вазифани бажариб юрган ҳар қандай инсон албатта ҳозирги ҳаётида шон-шуҳрат қозонади ва кейинги ҳаётида руҳий баркамолликка эришади. Маъбуд Браҳмадан бошланадиган шогирдлар силсиласи Браҳма-сампрадая деб аталади. Бу сила таркиби маъбуд Браҳма, Нарада Муни, Вьяса, Мадхва Муни(Пурнапрагья), Падманабха, Нрихари, Мадхава, Акшобхья, Джаятиртха, Гьянасиндху, Даянидхи, Видьянидхи, Раджендра, Джаядхарма, Пурушоттама, Браҳманьятиртха, Вьясатиртха, Лакшмипати, Мадхавендра Пури, Ишвара Пури, Шри Чайтанья Махапрабху, Сварупа Дамодара, шунингдек Шри Рупа Госвами ва бошқалар, Шри Рагхунатха дас Госвами, Кришнадас Госвами, Нароттама дас Тхакур, Вишванатха Чакраварти, Джаганнатха дас Бабаджи, Бхактивинода Тхакур, Гауракишора дас Бабаджи, Шримад Бхактисиддханга Сарасвати, А.Ч. Бхактиведанта Свамидан иборат.

Браҳмадан бошланадиган шогирдлар силсиласи руҳий, Ману бошлаб берган генеалогик шажара(древо) эса, - моддий табиатга эга, лекин уларнинг иккаласи ҳам бир мақсад– одамларни Кришна онгига келтириш учун мўлжалланган.

#### Текст 9

Маъбуд Браҳма деди: Эй азиз ўғлим, эй олам ҳукмдори, мен сендан жуда мамнунман, шунинг учун сени ва хотинингни дуои фотиҳа қиламан. Сен бутун қалбинг билан ўзингни бутунлай менга топширдинг ва менинг кўрсатмаларимга сўзсиз амал қилишга тайёрсан.

Изоҳ: Ота билан ўғилнинг ўзаро муносабатлари ҳамиша улуғвор. Ота ҳамиша ўғлига фақат яхшилик қилишни истайди ва ҳаёт йўлида унга ёрдам беришга интилади. Лекин, отасининг эзгу ниятларига қарамай, баъзан ўғил ўзининг эркинлигини суистеъмол қилиб тўғри йўлдан адашиб кетади. Ҳар бир катта ёки кичик тирик мавжудотга мустақиллик ва танлаш эркинлиги берилган. Агар ўғил отасининг насиҳатларига самимий амал қилиб яшашни истаса, отаси унга тўғри насиҳатлар беришни ва унга раҳбарлик қилишни юз марта кўпроқ истайди. Маъбуд Браҳма билан Манунинг ўзаро муносабатлари ота билан ўғилнинг бошқаларга ўрناк бўладиган намунали муносабатларидир. Уларнинг ҳатти-ҳаракатлари ҳар томонлама бенуқсон, шу боис бутун инсоният улардан ўрнак олиши лозим. Ўғли Ману отаси Браҳмадан чин юракдан самимий илтимос қилиб, унга ҳақиқат йўлини кўрсатишни илтимос қилди, Ведалар илмининг манбаи бўлган отаси эса, ўғлига ана шундай насиҳатлар беришдан бахтиёр эди. Агар

одамлар ҳар бир ишда инсониятнинг отаси Браҳмадан ўрнак олиб яшасалар, жамиятда ота ва ўғиллар орасидаги ўзаро муносабатлар ҳам мукамал бўлади.

#### Текст 10

Эй қахрамон, сенинг одоб-ахлоқинг – ўғилнинг отага бўлган комил муносабати намунасиدير. Худди сен ҳозир қилаётгандай, кичиклар катталарни хурмат қилишлари лозим. Қалбидаги ҳасад туйғусини енган ва етарлича тафаккурга эга бўлган киши хурсанд бўлиб отасининг насиҳатларига кулоқ солади ва уларга амал қилиш учун бор кучини ишга солади.

Изоҳ: Аввал, Браҳманинг тўрт ўғли – донишмандлар Санака, Санатана, Санандана ва Санат-кумар - отасининг амрига бўйсунушдан бош тортиганида, маъбуд Браҳма уларнинг бу ҳатти-ҳаракатини ўзига нисбатан қилинган ҳақорат деб билган, унинг бундан юзага келган ғазаби Рудра қиёфасига кирган эди. Браҳма ҳали буни унутмаган эди, шунинг учун Сваямбхува Манунинг итоаткорлиги уни жуда хурсанд қилди. Дунёвий одамлар нуқтаи-наҳарида тўрт донишманд отасининг амрини бажаришдан бош тортиши, албатта, беодоблик сифатида қораланади, лекин улар улуғвор олий мақсадни кўзлаб отасининг амрини бажаришдан бош тортигани учун уларнинг бу беодаблиги ҳеч қандай ёмон оқибатга олиб келмади. Лекин, қандайдир моддий сабабларни баҳона қилиб отасининг амрини бажармайдиган киши албатта ўзининг бундай ўжарлиги учун жазо олади. Манунинг отасига итоаткорлиги моддий сабабга асосланган эди, лекин у барибир Манунинг қалби ҳасад туйғусидан поклигини кўрсатиб турарди, шунинг учун моддий оламда яшайдиган оддий одамлар Манудан ўрнак олиб яшашлари лозим.

#### Текст 11

Сен ҳар бир ишда отанга итоат қилганинг учун мен сендан хотининг билан худди ўзинг сингари эзгу ниятли фарзандларни дунёга келтиришни илтимос қиламан. Олий Шахс Худога садоқат билан хизмат қилиш қонун-қоидаларига риоя қилиб оламга ҳукмронлик қил, қурбонлик маросимлари ўтказиб Парвардигорга сажда қил.

Изоҳ: Мазкур шеърда Браҳма моддий оламни нима мақсадда яратганини айтади. Ҳар бир инсон хотини билан бирга муносиб фарзандларни дунёга келтириши лозим. Улар бу ишни Худога садоқат билан хизмат қилиш қонун-қоидалари асосида амалга ошириладиган қурбонлик маросими сифатида бажаришлари лозим. "Вишну-пурана"(3.8.9)да шундай дейилган:

“Олий Шахс Худо, Парвардигор Вишнуга инсон ўзининг варна ва ашрами доирасидаги вазифа ва бурчларини бажариш билан сиғиниши мумкин. Варнашрама тизими қонун-қоидаларига риоя қилиш – Парвардигорни мамнун қилишнинг ягона йўлидир”.

Парвардигор Вишнуга сиғиниш инсон ҳаётининг олий мақсади ҳисобланади. Ҳиссий лаззатланиш имконини берадиган оилавий турмуш кечириш имтиёзларидан фойдаланиб юрган киши Олий Шахс Худо, Парвардигор Вишнуни мамнун қилиш маъсулиятини ҳам ўз бўйнига олиши лозим, бу йўлда биринчи

поғона жамиятнинг варна-ашрама тизимидир. Варнашрама-дхарма тизими – инсоннинг Парвардигор Вишнуга сиғинишига имкон берадиган ижтимоий тизим. Лекин, бевосита Олий Шахс Худого сиғиниб юрган кишилар варнашрама-дхарманинг барча қонун-қоидаларига риоя қилишлари шарт эмас. Маъбуд Браҳманинг бошқа ўғиллари, Кумарлар, дунёга келганидан бошлаб Худого садоқат билан хизмат қилишни бошладилар, шу боис уларнинг варнашрама-дхарма қонун-қоидаларига риоя қилиб юриши шарт эмасди.

#### Текст 12

Эй шох, агар сен моддий оламда яшайдиган барча тирик мавжудотларни ҳимоя қилиб юрсанг, менга жуда ажойиб хизмат қилган бўлардинг. Сен шартланган руҳларнинг ишончли ҳимоячиси эканинга ишонч ҳосил қилгандан кейин ҳиссиётлар султони бўлган Парвардигор албатта сендан мамнун бўлади.

Изоҳ: Оламни бошқариш тизимининг ҳаммаси тирик мавжудотларнинг ўз уйига, Худонинг даргоҳига қайтиб боришига имкон бериш учун мўлжалланган. Маъбуд Браҳма Олий Шахс Худонинг вакили, Ману эса – Браҳманинг вакили. Ўз навбатида коинотнинг турли сайёраларида ҳукмронлик қилаётган ҳукмдорларнинг ҳаммаси Манунинг вакиллари ҳисобланади. Бутун инсониятнинг барча қонунлари қомуси "Ману-самхита" бўлиб, унда инсон фаолиятининг барча турлари Парвардигорга илоҳий хизмат қилиш билан боғлаб белгиланган. Шунинг учун ҳар бир шох шуни яхши билиб олиши лозимки, ҳукмдор сифатида унинг қиладиган иши фақат солиқ тўплашдан эмас, балки, биринчи навбатда қўл остидаги фуқароларнинг Парвардигор Вишнуга сиғинишни ўрганишини шахсан назорат қилишдан иборатдир. Ҳар бир инсон Парвардигор Вишнуга сиғинишни ва ҳиссиётлар султони бўлган Парвардигорга садоқат билан хизмат қилишни билиши лозим. Тирик мавжудотнинг вазифаси ўз ҳиссиётининг талабларини қондириш эмас, балки Олий Шахс Худо, Парвардигор Хришикешанинг, Олий Шахс Худонинг ҳиссиётини лаззатлантириш ҳисобланади. Оламни бошқариш тизимининг мақсади шундан иборат. Маъбуд Браҳманинг гапларидан кўриниб турибдики, ана шу сирдан хабари бўлган киши ҳақиқий ҳукмдордир, шу сирни билмайдиган ҳукмдор эса – шунчаки номигагина ҳукмдордир. Фуқароларни Худого садоқат билан хизмат қилиш руҳида тарбиялаш билан ҳукумат раҳбари ўз бурчини ҳалол бажариб юрган бўлади ва ҳукмдор бўлишнинг оғир маъсулиятини ўз бўйнидан соқит қилган бўлади. Акс ҳолда у ўзига ишониб топширилган вазифани бажара олмагани учун оғир жазога дучор бўлади. Бошқаларга ҳукмронлик қилиш маъсулиятни топширилган кишининг бундан бошқа йўли йўқ.

#### Текст 13

Олий Шахс Худо, Жанардана(Парвардигор Шри Кришна) – барча қурбонлик маросимларининг маҳсули аталадиган Зотдир. Агар У мамнун бўлмаса, тирик мавжудотнинг баркамолликка эришиш йўлида қилган барча уринишлари бекор кетади. У – Олий Рух, шунинг учун Уни мамнун қилишга интилмайдиган киши аслида ўз манфаатини ўйламай юрган бўлади.

Изоҳ: Коинотнинг олий ҳукмдори ваколатини олиб, маъбуд Браҳма ўз навбатида Ману ва бошқаларни моддий оламнинг ишларини бошқаришга вакил қилиб тайинлайди, лекин буларнинг ҳаммаси фақат Олий Шахс Худони мамнун қилиш мақсадида қилинади. Браҳма ҳам, маъбуд Браҳманинг режаларини амалга оширишда иштирок этаётганлар сингари Парвардигорни мамнун қилиш учуни нима қилиш кераклигини яхши биладилар. Парвардигорни фақат тўққиз турли фаолиятдан иборат бўлган Худого садоқат билан хизмат қилиш орқали мамнун қилиш мумкин: тинглаш, такрорлаш ва ҳоказо. Шастраларда берилган қонун-қонун қоидалар асосида Худого садоқат билан хизмат қилишдан ҳар бир тирик мавжудот манфаатдор, шуни инкор этадиган киши ўзининг шахсий манфаатини инкор этаётган бўлади. Бу дунёдаги ҳар бир тирик мавжудот ўзининг ҳиссиётини лаззатлантиришга интилади, лекин ҳиссиётдан ақл устун туради, ақлни тафаккур бошқаради, тафаккурни – алоҳида руҳ(жон), уни эса Олий Рух бошқаради. Лекин, Олий Шахс Худо, вишну-таттва, ҳатто Олий Рухдан ҳам устун туради. Азалий Парвардигор, барча сабабларнинг сабабчиси Парвардигор Шри Кришна бўлади, мукамал хизмат қилишнинг мутлақ тури – Жанардана деб аталадиган Парвардигор Шри Кришнанинг илоҳий ҳиссиётини лаззатлантириш мақсадида хизмат қилишдан иборат.

#### Текст 14

Шри Ману деди: Эй, барча гуноҳларни яқсон қиладиган қудратли ҳукмдор, мен сенинг амрингга итоат этаман. Энди мен яшайдиган жойни, шунингдек мен дунёга келтирадиган тирик мавжудотларнинг яшайдиган жойларини билиб олишимга руҳсат бер.

#### Текст 15

Эй фаришталар ҳукмдори, сендан илтимос, буюк уммон қаърига ғарқ бўлиб ётган Ер сайёрасини олиб чик, чунки у барча тирик мавжудотларнинг яшаш макони ҳисобланади. Бунинг учун сенинг интилишинг билан бирга албатта Худонинг марҳамати ҳам бўлиши лозим.

Изоҳ: Бу ерда гап бораётган буюк уммон - коинотнинг ярмисини эгаллаб турган Гарбходака уммонидир.

#### Текст 16

Шри Майтрея деди: Ер сайёраси уммон сувига ғарқ бўлганини кўриб, уни олиб чиқиш устида Браҳма узоқ вақт бош қотирди.

Изоҳ: Жива Госваманинг фикрига қўра, бу бобда аввалги даврларда бўлиб ўтган воқеалар ҳақида гап боради. Мазкур шеърда ҳикоя қилинаётган воқеалар Швета-вараха даврида бўлиб ўтган, бундан кейин Чакшуша даврида бўлиб ўтган воқеалар ҳикоя қилинади.

#### Текст 17

Маъбуд Браҳма ўйлай бошлади: Мен коинотни яратаётган пайтда Ер сайёраси буюк уммоннинг тошқин сувларига ғарқ бўлганди. Оламни яратиш ишларида

иштирок этаётган бизлар нима ҳам қила олардик? Биз фақат маслаҳат сўраб Парвардигорга мурожаат қила оламиз, холос.

Изоҳ: Парвардигорнинг ишончли хизматкорлари бўлган Худонинг содиқлари ўз бурчини бажарар экан, баъзан қийин вазиятга тушиб қоладилар, лекин бунда улар ҳеч қачон тушқунликка тушмайдилар. Уларнинг Худога бўлган ишончи ўзгармас, Парвардигор уларга ўз бурчларини бажаришга ёрдам бериб, бу йўлдаги барча тўсиқларни олиб ташлайди.

Текст 18

Эй бегуноҳ Видура, маъбуд Браҳма шундай фикр-мулоҳазаларга берилиб ўтирар экан, унинг бурнидан кутилмаганда кичкина тўнғиз пайдо бўлди. Бу мавжудот ўрта бармоқнинг юқори бўғинидан катта эмасди.

Текст 19

Эй Бхарата авлоди, Браҳма уни кўздан кечирар экан, тўнғиз осмонга кўтарилди ва бирданига баҳайбат филдай каттайиб кетди.

Текст 20

Осмонда муаллақ турган баҳайбат тўнғизнинг кўринишидан ҳайратга тушган маъбуд Браҳма ва Маричи бошлиқ буюк браҳманлар, Кумарлар ва Ману, ҳар хил тахминларни ўртага ташлаб, ўзаро баҳслаша бошладилар.

Текст 21

Бизларга тўнғиз қиёфасида қандайдир ғайритабиий тирик мавжудот ташриф буюрган кўринади. Лекин унинг менинг бурнимдан пайдо бўлгани ғалати.

Текст 22

Аввалига бу тўнғиз бармоқнинг бир бўғинича эди, лекин кўз очиб юмгунча У каттайиб, худди тоғ қоясидай катта бўлиб кетди. Менинг ақлим ҳайрон. Нахотки бу Олий Шахс Худонинг Ўзи, Парвардигор Вишну бўлса?

Изоҳ: Коинотдаги энг қудратли тирик мавжудот бўлган Браҳма аввал ҳеч қачон бундай зотни кўрмагани учун бу ажойиб тўнғиз Парвардигор Вишнунинг Ўзи мужассам бўлган Зот бўлса керак деб ўйлади. Парвардигор мужассам бўлган ғайритабиий қиёфалар ҳатто маъбуд Браҳмани ҳам ҳайратга солиб қўяди.

Текст 23

Маъбуд Браҳма ва унинг ўғиллари бу ким бўлди экан деб ўйлаб турар эканлар, Олий Шахс Худо, Парвардигор Вишну худди катта тоғ қоясидай наъра тортиб юборди.

Изоҳ: Мазкур шеърдан маълум бўлиб турибдики, катта қоялар ва тепаликлар наъра торта оладилар, чунки улар ҳам бизлар сингари тирик мавжудотлардир. Моддий тананинг ўзидан чиқарадиган товуши хамиша унинг ўлчамларига мос бўлади. Маъбуд Браҳма Парвардигорнинг тўнғиз қиёфасида пайдо бўлиши ҳақида

ўйлаб турар экан, Парвардигор Ўзининг кишини ҳайратга соладиган овози билан наъра тортиб, унинг тахминлари тўғри эканини тасдиқлади.

Текст 24

Ҳар нарсага қодир Парвардигор, Худо Шахси Ўзининг оламнинг ҳамма тарафига акс садо бўлиб таралган гулдурос овози билан яна бир марта наъра тортиб, Браҳма ва бошқа улугвор браҳманларнинг қалбини қувончга тўлдирди.

Изоҳ: Браҳма ва Олий Шахс Худони англаб етган бошқа билимдон браҳманлар Ўзининг сон-саноксиз қиёфаларидан истаган бирида келган Парвардигорни кўриб қувонадилар. Ғаройиб, қоядай баҳайбат тўнғиз қиёфасида келган Парвардигор Вишнунинг пайдо бўлиши, гарчи у даҳшатли наъра тортган ва Парвардигорнинг гулдурос овози Парвардигорнинг бутун борлиқ устидан ҳокимлигига қарши чиқадиган барча иблисларга қарши очик таҳдид сифатида оламнинг ҳамма тарафига таралган бўлса ҳам, уларнинг қалбида ҳеч қандай кўрқув туйғусини юзага келтирмади.

Текст 25

Жаналока, Таполока ва Сатьялока сайёраларида яшайдиган буюк донишманд ва мутафаккирлар Парвардигор Тўнғизнинг гулдурос овозини – ҳаммага меҳрибон Парвардигор чиқарган, ҳаммага саодат келтирадиган овозни эшитганларида, уч Ведаларда тўпланган шарофат келтирадиган мантраларни тиловат қила бошладилар.

Изоҳ: Мазкур шеърдаги майамайа ибораси алоҳида муҳим аҳамиятга эга. Майа ибораси “марҳамат”, “маҳсус илм” ва “алданиш” деган маъноларни билдиради. Шундай қилиб, Тўнғиз қиёфасига кирган Парвардигор ана шу сифатларнинг ҳаммасига эга; У чексиз марҳаматли, илмга тўла, айни пайтда алданиш, рўё бўлиб ҳаракат қилади. Парвардигор Тўнғиз қиёфасига кириб тортган наърасига Жаналока, Таполока ва Сатьялока сайёраларида яшайдиган буюк донишмандлар тиловат қилган ведавий мадҳияларнинг товушлаври акс садо берди. Ана шу сайёраларда коинотдаги энг доно ва такводор тирик мавжудотлар яшайдилар, тўнғизнинг бошқа бирор тирик мавжудотнинг овозига ўхшамайдиган овозини эшитиб, улар бундай овозда наъра тортишга фақат Парвардигор қодир эканини тушундилар. Шунинг учун улар Парвардигорнинг наърасига Уни ведавий мадҳиялар ёрдамида олқишлаш билан жавоб бердилар. Ўша даврда ер сайёраси океан қаърига ғарқ бўлган эди, лекин олий сайёраларнинг аҳолиси Парвардигорнинг овозини эшитиб яйраб кетдилар, чунки улар Парвардигор ер сайёрасини уммон қаъридан олиб чиқиш учун келганини билардилар. Шунинг учун Браҳма ва Бхригу бошлиқ донишмандлар, шунингдек, Браҳманинг ўғиллари ва билимдон браҳманлар илҳомланиб, хурсандчилик билан олий сайёраларнинг мадҳияларига жўр бўлдилар ва улар билан биргаликда Парвардигорни ведавий мадҳияларнинг илоҳий товушларида олқишлай бошладилар. Бу мадҳияларнинг энг асосийси "Брихан-нарадия-пурана"даги мана шу шеър ҳисобланади: Ҳаре Кришна Ҳаре Кришна Кришна Кришна Ҳаре Ҳаре \ Ҳаре Рама Ҳаре Рама Рама Рама Ҳаре Ҳаре.

#### Текст 26

Худонинг буюк содиқларининг илтижоларига жавоб берар экан, У яна наъра тортиб юборди ва худди қутурган филга ўхшаб сувга кирди. Ведавий мадҳиялар Парвардигорни олқишлайдилар, шунинг учун Парвардигор Худонинг содиқларининг илтижолари Унга қаратилган эканини тушунди.

Изоҳ: Парвардигорнинг танаси У мужассам бўлган қиёфаларнинг ҳаммасида илоҳий табиатга эга бўлиб, илм ва марҳаматга тўла. Парвардигор моддий иллатларни яксон қилади, чунки Унинг қиёфаси ведавий илмлар тимсолидир. Парвардигорнинг илоҳий қиёфасига барча Ведалар сажда қиладилар. Ведавий мантраларда Худонинг содиқлари Парвардигордан Унинг ҳақиқий қиёфасини уларнинг кўзидан тўсиб турадиган ёрқин нурни олиб ташлашни илтимос қиладилар. Бу ҳақда “Ишопанишад”да айтилган. Парвардигорнинг моддий қиёфаси йўқ, лекин Ведалар ёрдамида Унинг Унинг илоҳий қиёфасини англаб етиш мумкин. Ведалар – Парвардигорнинг нафасидир деб айтилган, ведавий донишмандлик илмини англаб етган биринчи тирик мавжудот Брахма Ведаларни ўз ичига тортиб олди. Тўнғиз қиёфасидаги Парвардигор маъбуд Брахма чиқараётган нафасда пайдо бўлди, шунинг учун Тўнғиз қиёфасидаги Парвардигор Ведалар тимсолидан бошқа нарса эмас. Олий сайёраларнинг аҳолиси, донишмандлар ҳақиқий ведавий мадҳияларни куйлаб Парвардигорни олқишлайдилар. Парвардигорни олқишлайдиган жойларнинг ҳаммасида ведавий мантралар куйланади. Шунинг учун ведавий мантралар товушини эшитиб, мамнун бўлган Парвардигор Ўзининг асл содиқларининг руҳини кўтарди. У яна бир марта наъра тортиди ва сув тагида ётган ер сайёрасини қутқариш учун сувга кирди.

#### Текст 27

Сувга кириб Ерни қутқаришдан олдин тўнғиз қиёфасида мужассам бўлган Парвардигор самога кўтарилди. У қуйруғини ликкилллатиб, ёлини силкиди, Унинг кўзларидан нур таралиб турарди. Ўзининг туёқлари ва ярқираган оппоқ кураклари билан У осмондаги булутларни тарқатиб юборди.

Изоҳ: Ўзининг илтижоларида Худонинг содиқлари Парвардигорга мурожаат қилиб Унинг илоҳий кароматларини шарафлаб куйлайдилар. Бу ерда илоҳий Тўнғиз қиёфасидаги Парвардигорнинг баъзи бир сифатлари таърифланган. Парвардигорга олий сайёраларнинг аҳолиси илтижо қилдилар. Бу шуни кўрсатадики, унинг танаси бутун осмонни қамраб олган, шу боис Уни Брахмамоладан то Сатьялокагача бўлган барча сайёраларнинг аҳолиси кўра олганлар. "Брахма-самхита"да айтилганки, Парвардигорнинг кўзлари қуёш ва ой, шунинг учун Унинг нигоҳи худди қуёш ва ой сингари бутун атрофни ёритиб юборди. Бу ерда Парвардигорни махидхраҳ деб атаганлар, бу ибора ё “катта тоғ”, ёки “Ерни кўтариб турган Зот” деган маънони билдиради. Бошқача қилиб айтганда, Парвардигорнинг танаси Ҳимолай тоғи сингари катта ва қудратли эди, акс ҳолда У қандай қилиб Ер сайёрасини Ўзининг оппоқ куракларида кўтариб чиққан бўларди? Парвардигорнинг буюк содиғи Жаядева Парвардигорнинг

мужассам бўлган ҳар хил қиёфаларига атаб ёзилган илтижоларида ана шу воқеаларни ажойиб ифодалаган:

“Тўнғиз қиёфасида пайдо бўлган Парвардигор Кешава(Кришна)га шон-шарафлар бўлсин, У Ерни Ўзининг худди Ой юзидаги чандиқларга ўхшаган куракларида кўтариб турарди”.

#### Текст 28

У моддий оламга нисбатан илоҳий табиатли бўлган Парвардигор Вишнунинг Ўзи эди, лекин Тўнғиз танасида бўлгани учун У Ер сайёрасини ҳидига қараб излай бошлади. Унинг кураклари кишини дахшатга соларди, нигоҳи эса, Унга итижо қилаётган браҳман-содиқларда эди. Шу тарзда У сувга кирди.

Изоҳ: Ҳамиша шуни эсда тутиш лозимки, гарчи оддий тўнғизнинг танаси моддий бўлса ҳам, Тўнғиз кўринишидаги Парвардигорнинг танаси моддий иллатга булганмаган эди. Ерда яшайдиган тўнғиз танасини баҳайбат ўлчамларгача каттайтириб, ўзи билан бутун осмонни тўсиб қўйишга, Сатьялокадан тортиб коинотнинг барча сайёралари аҳолиси кўзи олдида намоён бўлишга қодир эмас. Парвардигорнинг танаси ҳамиша, ҳар қандай вазиятда ҳам илоҳий табиатли бўлиб қолаверади, шунинг учун Унинг тўнғиз танасида мужассам бўлиши шунчаки Унинг эрмакларидан бири, холос. Парвардигорнинг танаси – барча Ведалар тимсоли, шунинг учун у илоҳий ҳисобланади. Лекин, тўнғиз қиёфасига кириб, У худди оддий тўнғизларга ўхшаб, ерни ҳидига қараб излай бошлади. Парвардигор таърифлаб бўлмас даражада моҳирлик билан истаган бир тирик мавжудотнинг ролини ўйнаши мумкин. Парвардигорнинг баҳайбат танаси албатта, имонсиз одамларни дахшатга солади, аммо асл содиқлар Унинг олдида ҳеч қандай қўрқув туйғусини ҳис қилмадилар; аксинча, У Худонинг содиқлари шунчалик меҳр билан нигоҳ ташладики, уларнинг ҳаммаси бундан илоҳий лаззат ҳис қилдилар.

#### Текст 29

Катта тоққа ўхшаб, Ўзининг танаси билан уммонни икки қисмга бўлиб, тўнғиз қиёфасидаги Парвардигор сувга шўнғиди. Баланд овозда Унга: “Эй, барча қурбонлик маросимларининг Парвардигори, менга раҳминг келсин, мени иккига бўлиб ташлама! Сендан ялиниб сўрайман, мени Ҳимоия қил!” – деб илтижо қилаётган Уммон юзида худди қўлларини самога чўзгандай, икки катта тўлқин пайдо бўлди.

Изоҳ: Илоҳий Тўнғиз қиёфасидаги Парвардигорнинг тоғдай баҳайбат танаси сувга тушганида ҳатто буюк уммон ҳам саросимага тушиб қолди. Гўё у муқаррар ҳалокатга учрагандай титраб турарди.

#### Текст 30

Ўзининг пайкондай ўткир туёқлари билан сувга кирар экан, тўнғиз қиёфасидаги Парвардигор гарчи Уммон чексиз чуқур бўлса ҳам, уммоннинг охиригача борди. Шу ерда У худди яратиш тонгида бўлганидек, барча тирик мавжудотларнинг яшаш макони бўлган Ер сайёрасини кўрди ва уни кўтариб олди.

Изоҳ: Баъзи бир изоҳловчиларнинг фикрига кўра мазкур шеърда ишлатилган расайам ибораси қуйи сайёралар тизимини билдирадиган Расаталани ифодалайди, лекин Шрила Вишванатха Чакраварти Тхакурунинг фикрига кўра, бу шеърни ундай талқин қилиб бўлмайди. Ўзининг коинотдаги ҳолатига кўра Ер сайёраси Тала, Атала, Талатала, Витала, Расатала, Патала ва ҳоказо сингари сайёралардан етти марта юқори туради. Шундай қилиб, Ер сайёраси Расатала сайёралар тизимида жойлашган бўлиши умуман мумкин эмасди. “Вишну-дхарма”да шундай дейилган:

Бундан кўриниб турибдики, Парвардигор Ерни Гарбходака уммонидан топган. Шу ерда маъбуд Браҳманинг ҳар бир куни тугаганда рўй берадиган, коинот қисман яқсон бўладиган қиёмат пайтида барча қуйи ва ўрта сайёралар тизими жойлашади.

#### Текст 31

Тўнғиз қиёфасидаги Парвардигор ғайритабиий осонлик билан Ерни Ўзининг кураклари устига жойлади, уни сувдан кўтариб олиб, Ўзининг бутун ажойиб гўзаллиги билан намоён бўлди. Кейин, ғазабдан худди Сударшана-чакрадай ловуллаб, Унинг ҳужумини қайтаришга қаттиқ уринаётганига қарамай, иблис(Хираньякша)ни бир зумда ўлдириб ташлади.

Изоҳ: Шрила Жива Госвами тасдиқлаганидек, Ведаларда Парвардигор Вараханинг икки марта мужассам бўлгани таърифланган бўлиб, улар моддий оламга турли даврларда— Чакшуша даврида ва Сваямбхува даврида келган. Парвардигорнинг мазкур шеърда таърифланаётган тўнғиз қиёфаси Сваямбхува Ману даврида, Жана-, Махар- ва Сатъя-лока олий сайёралардан бошқа барча сайёралар сув остига ғарқ бўлган сув тошқини пайтида келган. Парвардигорнинг ана шу қиёфада ташриф қилганига юқорида айтиб ўтилган сайёраларнинг бутун аҳолиси гувоҳ бўлганлар. Шрила Вишванатха Чакраварти Тхакурунинг тахминига кўра, донишманд Майтрея ана шу икки воқеани бирлаштирган ва икир-чикирларига берилиб ўтирмасдан Видурага Парвардигорнинг икки даврда келган қиёфалари ҳақида қисқача эслатиб ўтган.

#### Текст 32

Кейин Парвардигор Вараха сув устида турганча, худди арслон филни ўлдирганидай, иблисни ўлдириб ташлади. Парвардигорнинг ёноғи ва тиллари иблиснинг қонларига бўялди, фил ҳам қизғиш ерни кураганида ана шундай қизғиш рангга бўялади.

#### Текст 33

Кейин, қутурган филга ўхшаб, Парвардигор Ерни Ўзининг оппоқ кураклари устига ўрнатди. Унинг танаси тамала дарахтининг рангини эслатадиган кўкимтир тусга кирди. Буни кўриб, маъбуд Браҳма бошлиқ донишмандлар уларнинг кўз олдида Олий Шахс Худо, Парвардигорнинг Ўзи турганига қомил ишонч ҳосил қилдилар ва чуқур эътиром билан Унга сажда қилдилар.

#### Текст 34

Кўркув аралаш ҳаяжон билан донишмандлар илтижо қила бошладилар: Эй, барча қурбонлик маросимларининг енгилмас ҳукмдори, Сенга шон-шарафлар бўлсин! Сен Ведалар тимсоли бўлган қиёфанга коинот бўйлаб юрибсан, Сенинг танангнинг тешикларида буюк уммонлар жойлашган. Аниқ бир мақсадни кўзлаб, ҳозир Сен тўнғиз қиёфасида мужассам бўлдинг.

Изоҳ: Парвардигор Ўзи истаган ҳар қандай қиёфага кириши мумкин, лекин ҳамиша, ҳар қандай вазиятда ҳам У барча сабабларнинг бошланғич сабабчиси бўлиб қолаверади. Унинг танаси илоҳий табиатга эга бўлгани туфайли, У ҳамиша Сабаблар уммонида ястаниб ётган Маха-Вишнудан фарқ қилмайдиган Олий Шахс Худо бўлиб қолаверади. Унинг тана тешикларидан сон-саноксиз коинотлар чиқади, шу боис Унинг танаси Ведалар тимсоли ҳисобланади. У – барча қурбонлик маросимлари султони ва енгилмас Олий Шахс Худо. Ерни кўтариб олиш учун Унинг тўнғиз қиёфасига кириши Уни бошқа бирор мавжудот деб ҳисоблашга асос бўлмайди. Донишмандларнинг, Браҳманинг, олий сайёраларда яшайдиган буюк фаришталар ва бошқа аҳолининг ягона фикри ана шундай.

#### Текст 35

Эй Парвардигор, Худонинг содиқлари қурбонлик маросими ўтказиб Сенинг қиёфанга сажда қиладилар, аммо гуноҳкор одамлар уни кўра олмайдилар. Ведавий мадҳияларнинг ҳаммаси(Гаятри ва бошқалар) Сенинг теринг билан боғлиқ. Сенинг тананга ўсиб турган туклар – куша майсаси, Сенинг кўзларингга - сариёғ, Сенинг тўрт оёғинг – кармали фаолиятнинг тўрт туридир.

Изоҳ: Гуноҳкор одамларнинг "Бҳагавад Гита"да веда-вади деб аталадиган тоифаси бор. Улар Ведаларнинг ҳамма гапларига кўр-кўрона ишониш билан машхур, лекин айна пайтда улар, Парвардигорнинг барча содиқлар сажда қиладиган тўнғиз қиёфаси нари турсин, Парвардигор мужассам бўлган қиёфаларга умуман ишонмайдилар. Парвардигорнинг турли кўринишларига ва У мужассам бўлган қиёфаларга сажда қилишни улар антропоморфизм деб атайдилар. "Шримад Бҳагаватам"нинг мазкур шеърда айтилишига кўра, ундай одамлар гуноҳкор зотлардир, "Бҳагавад Гита"(7.15)да эса, Парвардигор Шри Кришна уларни шунчаки гуноҳкор деб эмас, балки нодон ва одамлар орасида энг пасткашлари деб ҳисоблайди; У айтадики, атеизмни тарғибот қиладиган ана шундай одамларнинг илмини майя, рўё ўғирлаб қўйган. Ана шу бахтиқаро одамлар Парвардигорнинг баҳайбат тўнғиз танасида мужассам бўлган қиёфасини кўриш имкониятидан маҳрумдилар. Ведаларнинг ана шундай, Парвардигорнинг мангу қиёфалари мавжудлигини инкор этадиган билимдонлари "Шримад Бҳагаватам"га асосан Парвардигорнинг мужассам бўлган қиёфалари Ведалар тимсоли эканини билиб қўйсалар ўзларига фойда бўларди. Тўнғиз қиёфасида мужассам бўлган Парвардигорнинг териси, Унинг кўзлари ва танасидаги тешиклар бу ерда Ведаларнинг турли қисмлари сифатида таърифланган. Шундай қилиб, Парвардигор ведавий мадҳиялар, хусусан Гаятри мантрасининг тимсолидир.

#### Текст 36

Эй Парвардигор, Сенинг тилинг – эхсон қилинадиган таомнинг бири, бурнинг – бошқа бир таом, Сенинг қорнингда таом солинадиган идиш жойлашган, Сенинг қулоқларинг - яна бир таом ҳисобланади. Сенинг оғзинг – Брахманинг эхсон қиладиган таоми, томоғинг – эхсон қилинадиган сома таоми, Сен чайнайдиган нарсаларнинг ҳиммасини агни-хотра деб атайдилар.

Изоҳ: Веда-вадиларнинг фикрига кўра, Ведалар ва уларда таърифланган қурбонлик маросимларидан устун турадиган амал йўқ. Яқинда улар ўзларининг жамиятида шундай тартиб ўрнатдиларки, унга кўра жамият аъзоларининг ҳаммаси ҳар куни расмий қурбонлик маросими ўтказишлари шарт; улар кичик гулхан ёқиб, дуч келган нарсани муқаддас оловга эхсон қиладилар. Бунда улар қурбонлик маросими ўтказиш қоидалари аниқ белгилаб қўйилган Ведаларнинг кўрсатмаларига риоя қилмайдилар. Қурбонлик маросими ўтказиш қоидаларига кўра бунинг учун ҳар хил таом ва идишлар керак бўлади: срак, срува, бархис, чатур-хотра, ида, чамаса, прашитра, граха ва агни-хотра. Ана шу қоидаларга қатъий риоя қилмагунча ўтказилган қурбонлик маросими ҳеч қандай натижа келтирмайди. Шунинг учун Кали-юга даврида, бундай қурбонлик маросими ўтказиш таъқиқланган; ҳозирги даврда одамларга фақат санкиртана-ягья ўтказиш буюрилган. Парвардигор Ўзини намоён этганида Уни Ягьешвара деб атайдилар, Парвардигор мужассам бўлган қиёфани тан олмайдиган киши қурбонлик маросими ўтказишга муносиб зот бўлолмайди. Бошқача қилиб айтганда, Парвардигорнинг паноҳига кириб, Унга сажда қилиш билан инсон барча қурбонлик маросимларини ўтказган бўлади. Мазкур шеърда тушунтирилганидек, эхсон қилинадиган ҳар хил таомлар Парвардигор мужассам бўлган тананинг турли қисмларига мос келади. "Шримад Бхагаватам"нинг Ўн биринчи Қўшиғида аниқ айтилганки, ҳозирги даврда яшаётган кишилар фақат санкиртана-ягья ўтказишлари лозим. Санкиртана ягья ўтказиш билан улар Шри Чайтаня Махапрабҳу қиёфасида намоён бўлган Парвардигорни мамнун қиладилар. Шунинг учун ҳақиқатан ҳам қурбонлик маросими ўтказишдан бирор натижага эришишни истаган киши Парвардигорнинг ана шу кўрсатмасини сўзсиз бажариши лозим.

#### Текст 37

Бунинг устига, эй Парвардигор, бу дунёга Сенинг такрор ва такрор келишларинг барча дуои-фотиҳалар истагининг асл мазмунидир. Сенинг бўйининг – уч истақнинг макони, Сенинг курак тишларинг – рухий фотиҳа олиш ва барча истақларнинг амалга ошиши натижасидир. Сенинг тилинг – фотиҳа олишдан олдин кўрсатилган фаолият тимсолидир. Қалланг – қурбонлик олови ва оддий олов, Сенинг ҳаёт нафасинг – барча истақлар бирикмасидир.

#### Текст 38

Эй Парвардигор, Сенинг уруғинг – сома-ягья қурбонлик маросими. Сенинг бўйинг – эрталаб ўтказиладиган маросим ва удумлар. Сенинг теринг ва тери орқали сезишинг – агништома қурбонлик маросимининг етти унсури. Сенинг тананг мушаклари ўн икки кун давомида ўтказиладиган бошқа қурбонлик маросимлари тимсолидир. Шундай қилиб, Сен барча қурбонлик маросимларининг мақсадисан,

фақат қурбонлик маросими ўтказадиган кишигина Сенинг марҳаматингга эриша олади.

Изоҳ: Ведалар маданиятига амал қиладиган кишиларнинг ҳаммаси етти турли қурбонлик маросими ўтказиши лозим: агништома, атиагништома, уктха, шодаши, ваджапейя, атиратра ва апторйама. Ана шу ягьяларни мунтазам равишда ўтказиб юрган киши Парвардигорга эриша олади. Лекин, Парвардигор билан Худога садоқат билан хизмат қилиш орқали бевосита боғланган киши ана шу қурбонлик маросимларининг ҳаммасини ўтказган ҳисобланади.

#### Текст 39

Эй Парвардигор, Сен - Олий Шахс Худосан, тирик мавжудотлар ҳамма нарсани камраб оладиган илтижолар билан Сенга мурожаат қилиб, Ведавий мадҳияларни куйлаб ва қурбонлик маросими ўтказиб Сенга сиғинадилар. Биз чуқур эҳтиром билан Сенинг олдинда бош эгамиз. Фақат ҳар қандай кўринар-кўринмас моддий иллатлардан бутунлай пок бўлган соф ақл ёрдамида Сени англаб етиш мумкин. Бизлар тирик мавжудотларга Худога садоқат билан хизмат қилиш илмини очиб берадиган олий рухий устоз бўлган Сенинг олдинда чуқур эҳтиром билан бош эгамиз.

Изоҳ: Бхакти, яъни Худога садоқат билан хизмат қилиш билан шуғулланиш учун содиқ хизматкор барча моддий иллатлардан покланиши ва барча моддий истақлардан халос бўлиши лозим. Истақлардан озод бўлган ана шундай ҳолат вайрагья, яъни “моддий боғланишлардан озод бўлиш” деб аталади. Барча қонун-қоидалар асосида Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган киши аста-секин барча моддий истақлардан халос бўлади, шунда у ақлининг ана шундай соф ҳолатида Худо Шахсини англашга эришади. Ҳар бир тирик мавжудот қалбида мавжуд бўлган ҳолда унга оқибат-натижада У билан бевосита мулоқот қилишга ёрдам бериб, Парвардигорнинг Ўзи содиқ хизматкорни Худога соф садоқат билан хизмат қилиш йўлидан етаклаб боради. "Бхагавад Гита"(10.10)да бу ҳақиқат шундай тасдиқланади:

“Худога чуқур имон, мухаббат ва садоқат билан бетиним хизмат қилиб юрган кишига Парвардигор унинг Худони англаб етишига имкон берадиган чуқур тафаккур ато этади”.

Биз ақлимизни жиловлаб олишимиз лозим, бунга ведавий удумлар ва қурбонлик маросими ўтказиш орқали эришиш мумкин. Мана шу урф-одатларнинг ҳаммасидан якуний мақсад бхактига, яъни Худога садоқат билан хизмат қилишга эришиш ҳисобланади. Бхактига эга бўлмай туриб, Олий Шахс Худони англаб етишнинг иложи йўқ. Шундай қилиб, барча ведавий урф-одатлар қурбонлик маросимлари фақат Олий Шахс Худони ёки Парвардигор Вишнунинг сон-саноксиз экспансияларидан бирини мамнун қилиш учун ўтказилади.

#### Текст 40

Эй Ерни кўтариб олган Зот, ўзининг кўплаган тоғлари билан бирга Ер сайёраси худди кутурган филнинг сувдан чиқаётганда узган, япроқларга ўралган нилуфар гулига ўхшаб, Сенинг ажойиб куракларингда чиройли жойлашган.

Изоҳ: Бу ерда донишмандлар Парвардигорнинг Ўзи кўтариб олган Ер сайёрасига кулиб боққан омаддан хурсанд бўляптилар. Улар Ер сайёрасининг бекиёс гўзаллигини тан олиб, уни худди сувда чўмилаётган филнинг хартомуида турган чиройли нилуфар гулига ўхшатадилар. Тўнғиз киёфасига кирган Парвардигорнинг куракларида турган Ер сайёраси ҳам барглар орасида турган чиройли нилафар гулига ўхшарди.

#### Текст 41

Эй Парвардигор, Ўзингнинг қудратли куракларинг билан Ерни кўтариб олганинда, Сенинг илоҳий тананг ҳам худди булутлар қоплаган тоғ қоялари сингари гўзал бўлиб кўринди.

Изоҳ: Бу ерда вибхрамаҳ иборасига алоҳида эътибор бериш керак. Вибхрамаҳ иборасининг маъноларидан бири – “алданиш”, “рўё”, яна бири “гўзаллик”. Тоғ қояларини булут қоплаганида гўё тоғ қояси булутларни кўтариб тургандай бўлиб кўринади, булутлар эса жуда чиройли бўлиб кўринади. Худди шундай, Парвардигор Ерни куракларида кўтариб юриши шарт эмас, лекин У ерни кўтариб олганида, худди Парвардигор ҳам ер юзида Худонинг асл содиқлари борлигидан яна ҳам гўзалроқ кўрингани сингари, Ер сайёраси ҳам бундан чиройли тусга киради. Гарчи Парвардигор ведавий мадҳияларнинг илоҳий тимсоли бўлса ҳам, У ерни кўтариб олганда яна ҳам гўзалроқ бўлиб кетди.

#### Текст 42

Эй Парвардигор, ўзида яшайдиган барча кўзгалувчан ва кўзгалмас тирик мавжудотларга паноҳ бериш учун Ер сайёраси Сенинг хотининг бўлди, Сен эса, олий ота вазифасини бажардинг. Биз Сенинг олдинда ва худди моҳир руҳоний арани тахтасидан олов чиқариб олгани сингари, Сен Ўз қудратингдан қувват ато этган она-ер олдида чуқур эҳтиром билан сажда қиламиз.

Изоҳ: Сайёраларни космик фазода ушлаб турадиган бутун олам тортишиш қонуни бу ерда Худонинг қудрати деб аталган. Худди моҳир руҳоний ведавий мантралар ёрдамида арани тахтасидан олов чиқариб олгани сингари, ана шу қудратни ерга Парвардигор ато этади. Шу туфайли Ер кўзгалувчан ва кўзгалмас тирик мавжудотларнинг яшаши учун ярқоқли ҳолга келади. Худди эркакнинг уруғлиги аёл қорнига тушгани сингари, моддий оламда яшайдиган шартланган руҳлар она Ер қорнига тушадилар. Парвардигор ва Ерни ота ва она сифатида тасаввур қилиш "Бҳагавад Гита"(14.4)да ифодаланган. Шартланган руҳлар она ерга, ўзлари дунёга келган жой(ватан)га жуда садоқатли, лекин улар ўзларининг отаси ким эканини билмайдилар. Отанинг ёрдамисиз она фарзандни дунёга келтира олмайди. Худди шунга ўхшаб, моддий табиат ҳам олий ота бўлган Олий Шахс Худосиз тирик мавжудотларни дунёга келтира олмайди. "Шримад Бҳагаватам" бизларни она ер ҳамда ота, Парвардигор олдида чуқур эҳтиром билан бош эгишга чақиради, чунки

фақат олий Ота бўлган Парвардигор она Ерни барча – кўзгалувчан ва кўзгалмас тирик мавжудотларни озиклантириб туриш имконини берадиган қувват билан таъминлайди.

#### Текст 43

Сендан, Олий Шахс Худодан бошқа ким ҳам Ер сайёрасини уммон қаъридан кўтариб чиқара оларди? Лекин Сен учун бунинг ҳайратланарли жойи йўқ, чунки оламни яратар экансан, Сен бундан ҳам бошқа кўплаб мўъжизалар кўрсатгансан. Ўз қувватинг ёрдамида Сен мана шу ғаройиб оламни яратиб қўйибсан.

Изоҳ: Агар қайсидир дунёвий олим ғофил одамларнинг тасаввурини ҳайратга соладиган бирор янгилик топса, унинг бу кашфиётини улар мўъжиза деб қабул қиладилар. Лекин, чуқур тафаккурга эга илми кишини ундай кашфиётлар билан ҳайратга солиб бўлмайди. Ундай киши бундай кашфиётларнинг ҳаммаси учун ана шундай олимнинг ажойиб миясини яратиб қўйган Зотни шарафлаш кераклигини билади. Оддий одамларни моддий табиатда рўй бериб турган воқеа-ҳодисалар ҳайратга солади, шунинг учун у моддий олам олдида бош эгади. Лекин, муқаддас китобларни биладиган ва Кришнани англаб етган кишига яхши маълумки, моддий оламда рўй бераётган барча воқеа-ҳодисалар ортида Парвардигор Шри Кришнанинг тафаккури туради. Буни "Бҳагавад Гита"(9.10) ҳам тасдиқлайди: майадхйакшена пакритих суйате са-чарачарам. Агар Кришна мана шу ғаройиб космик оламни бошқариб туришга қодир бўлса, Унинг баҳайбат тўнғиз киёфасига киришининг ва уммон қаъридан Ер сайёрасини кўтариб олиб чиқишининг нимаси ҳайратланарли бўлиши мумкин? Шунинг учун ажойиб тўнғизни кўрганларида Худонинг содиқлари ҳайратга тушмайдилар, чунки Ўзининг қуввати ёрдамида Парвардигор бундан ҳам ғаройиб мўъжизалар кўрсата олади, Унинг кўрсатган мўъжизаларидан ҳар бири ҳатто энг машҳур дунёвий олимни ҳам боши берк кўчага киритиб қўйиши мумкин.

#### Текст 44

Эй Парвардигор, бизлар коинотнинг энг олий сайёраларида – Жана-, Тапо- ва Сатья-локада яшаймиз, аммо, Сенинг силкинганда ёлларингдан сачраган сувлар ҳатто бизларни ҳам иллатлардан поклади.

Изоҳ: Тўнғизнинг танасини ҳаром деб ҳисоблайдилар, лекин, бу Парвардигорнинг Ўзи мужассам бўлган тўнғизнинг танаси ҳам ҳаром дегани эмас. Парвардигорнинг бу танаси Ведалар тимсоли ҳисобланади, яъни илоҳий табиатга эга. Жано-, Тапо- ва Сатья-локаларда яшайдиган тирик мавжудотлар – коинотдаги энг покдомон зотлардир, лекин, бу сайёралар ҳам барибир моддий оламда бўлгани учун улар ҳали моддий иллатлардан бутунлай пок эмаслар. Шунинг учун Парвардигорнинг ёлидан сачраган сув томчилари олий сайёраларда яшайдиган зотларнинг устига тушганида улар ўзларининг покланганини ҳис қилдилар. Ганганинг сувлари пок, чунки улар Парвардигорнинг оёғининг бармоғидан оқиб келади, Унинг оёғидан оқиб келадиган сув билан тўнғиз киёфасига кирган Парвардигорнинг ёлидан сачраган сув бир биридан умуман фарқ қилмайди. У сув ҳам, бу сув ҳам мулқ ва илоҳий табиатга эга.

#### Текст 45

Эй Парвардигор, Сенинг гаройиб кароматларинг ҳақиқатан ҳам чексиз, уларнинг чегарасини топишга уринадиган ҳар қандай кишини ақлсиз нодон деб ҳисоблаш керак. Моддий оламда яшайдиган ҳар бир тирик мавжудот қудратли сирли кучлар таъсири остида бўлади. Бизлар Сендан илтижо қилиб сўраймиз – ана шу шартланган руҳларга Ўзининг бесабаб марҳаматингни кўрсат.

Изоҳ: Чексиз Зотнинг чегарасини аниқлашга интилиб юрган эмпирик-файласуфлар ҳақиқатан ҳам ақлдан озган одамлардир. Уларни Парвардигорнинг ташқи қувватининг ранг-баранг жилоси кўр қилиб қўйган, шунинг учун улар қилиши мумкин бўлган энг маъқул иш – Парвардигорнинг англаб бўлмас Зот эканини тан олиб, Унинг олдида камтарин ҳолда бош эгиш, чунки шу тариқа улар Парвардигорнинг бесабаб марҳаматига эриша оладилар. Ана шундай илтижолар билан Парвардигорга олий сайёралар тизимида, Жанао-, Тапо- ва Сатья-локада яшайдиган, одамларга нисбатан анча қудратли ва ақллироқ бўлган зотлар мурожаат қиладилар.

Бу ерда вишвам самастам ибораси муҳим аҳамиятга эга. Парвардигор яратган борлиқ моддий ва руҳий оламдан иборат. Донишмандлар ўз илтижоларида шундай деяптилар: “Икки оламни ҳам Сенинг хилма-хил қувватларинг алдаб қўйган. Руҳий оламда яшайдиганлар Сенга муҳаббат билан хизмат қилиб Сени ҳам, ўзларини ҳам унутиб қўйганлар, моддий оламда яшайдиган зотлар эса, ҳиссий лаззатларга фарқ бўлганлар, шунинг учун улар ҳам Сени эсдан чиқариб қўйганлар. Ҳеч ким Сени англаб етишга қодир эмас, чунки Сен чексиз Зотсан. Самарасиз фалсафий изланишлар ёрдамида Сени англаб етишга ҳатто уришиб ўтиришнинг ҳам ҳожати йўқ. Шунинг учун илтимос, бизларни дуо қил, токи бизлар Сенинг олдинда сажда қилиб, ҳаётимизни Сенга холис хизмат қилишга бағишлайлик”.

#### Текст 46

Донишманд Майтрея деди: Буюк донишмандлар ва илоҳиёт кишиларининг Ўзига қилган илтижоларини тинглаб туриб, Парвардигор Ер сайёрасига Ўзининг туёқларини теккизди ва уни сув устига қўйди.

Изоҳ: Парвардигор Ўзининг англаб бўлмас қуввати ёрдамида Ер сайёрасини сув устига қўйди. Парвардигор ҳар нарсага қодир, шунинг учун катта-катта сайёраларни сув устида ёки ҳавода муаллақ ушлаб туриш Унинг учун қийин эмас. Инсоннинг арзимас даражада кичкина мияси Парвардигорнинг ана шу қувватлари қандай ҳаракат қилишини англаб етишга қодир эмас. Одамлар нари борса, ана шу воқеа-ҳодисалар асосида ётган қонунларни ҳар хил мужмал гаплар билан тушунтиришга уринишлари мумкин, лекин аслида уларнинг кичик миялари Парвардигорнинг кароматларини англаб етишга қодир эмас, шу боис Парвардигорнинг кароматларини “англаб бўлмас” деб айтадилар. Шунга қарамай, “қурбақа фалсафаси”нинг издошлари Парвардигорнинг кароматлари борасида ўзларича ҳар хил шубҳали тахминлар келтиришни сира тарк этмайдилар.

#### Текст 47

Шу тариқа Олий Шахс Худо, барча тирик мавжудотларнинг ҳимоячиси Парвардигор Вишну Ер сайёрасини уммон қаъридан олиб чиқди ва уни сув устига қўйиб, Ўзининг даргоҳига қайтиб кетди.

Изоҳ: Худо Шахси, Парвардигор Вишну моддий оламда Ўзини намоён қилишни истаганда У бу дунёга Ўзи мужассам бўлган сон-саноксиз қиёфалардан бирида келади, у ёки бу вазифани бажариб бўлиб, яна Ўзининг даргоҳига қайтиб кетади. Парвардигор моддий оламга келганида Уни аватара, яъни “нозил бўлган зот” деб атайдилар. Парвардигорнинг Ўзи ҳам, Унинг алоҳида вазифа билан келган содиқлари ҳам, бизларга ўхшаган оддий тирик мавжудот эмас.

#### Текст 48

Инсон бошқаларга гапириб беришга муносиб бўлган тўнғиз қиёфасида мужассам бўлган Парвардигор ҳақидаги мана шу шарофатли ҳикояни чуқур имон ва садоқат билан тинглаганида ва бошқаларга гапириб берганида унинг қалбида мавжуд бўлган Парвардигор бундан чексиз лаззат олади.

Изоҳ: Моддий оламга Ўзининг ҳар хил қиёфаларида келиб, унда ҳар хил кароматлар кўрсатиб, Парвардигор бу дунёда Ўзидан Унинг кароматларини таърифлайдиган асарларни қолдириб кетади, улар ҳам худди Парвардигорнинг Ўзи сингари илоҳий табиатга эга. Ҳар биримиз саргузаштларга бой ҳикояларни тинглашни ёқтираемиз, лекин аксарият ҳолларда бундай ҳикоялар бизга бирор фойда келтирмайди ва диққат-эътиборимизга муносиб эмас, чунки уларнинг ҳаммаси Парвардигорнинг қуйи қуввати – моддий табиат билан боғлиқ. Табиатан руҳий табиатга эга бўлган тирик мавжудотлар Парвардигорнинг олий қувватига мансуб, шу боис бирор моддий нарса уларга бирор манфаат келтира олмайди. Шунинг учун ақлли одамларнинг ўзлари Парвардигорнинг кароматлари ҳақидаги ҳикояларни тинглаши ва бошқаларни ҳам шунга илҳомлантириши лозим, чунки уларни тинглаган киши моддий ҳаёт мусибатларидан халос бўлади. Ўзининг бесабаб марҳамати билан Парвардигор ер юзига тушади ва содиқларига илоҳий саодат келтириш учун Ўзидан марҳамат тўла кароматларини қолдиради.

#### Текст 49

Олий Шахс Худони мамнун қила олган киши ҳамма нарсага эришган инсондир. Илоҳий поғонага кўтарилгандан кейин инсон ҳаётда эришган бошқа барча ютуқларининг арзимас нарса эканини англаб етади. Худога садоқат ва илоҳий муҳаббат билан хизмат қилиб юрган кишини ҳар бир тирик мавжудот қалбида мавжуд бўлган Парвардигорнинг Ўзи баркамоллик чўққисига кўтариб қўяди.

Изоҳ: "Бҳавад Гита"(10.10)да айтилганки, Парвардигор Ўзининг асл содиқларига уларнинг баркамоллик чўққисига кўтарилишга ёрдам берадиган чуқур тафаккур ато этади. Мазкур шеър шуни тасдиқлайдики, ҳамиша Парвардигорга илоҳий муҳаббат билан хизмат қилиб юрган асл содиқ Олий Шахс Худога эришиш учун зарур бўлган барча илмга ўзидан ўзи эга бўлади. Ана шундай содиқ хизматкор учун Худога садоқат билан хизмат қилишдан яхшироқ амал йўқ. Чуқур имон ва садоқат билан Худога хизмат қилиб юрган киши албатта баркамолликка эришади,

чунки бу йўлдан уни Парвардигорнинг Ўзи етаклаб боради. Ҳар бир тирик мавжудот қалбида мавжуд бўлган ҳолда, Парвардигор содиқнинг қандай ниятда ҳаракат қилаётганини яхши билади ва унинг Ўзи истаган ҳамма нарсага эришишига ёрдам беради. Бошқача қилиб айтганда, қандайдир моддий мақсадларни кўзлаб юрган сохта содиқ хизматкор ҳеч қачон рухий баркамолликнинг олий чўққисига эриша олмайди, чунки Парвардигорга унинг асл нияти маълум. Бизга қўйиладиган ягона шарт – самимий ният қилиш, шунда Парвардигорнинг Ўзи Унга эришишимизга ёрдам беради.

Текст 50

Инсон деган номга номуносиб бўлган одамлардан бошқа ким ҳам бу дунёда олий мақсадга интилмасдан яшай олиши мумкин? Худо Шахсининг кароматлари ҳақидаги ҳикоялар нектаридан – инсонни барча моддий мусибатлардан ҳалос этишга қодир бўлган нектардан ким юз ўгиради?

Изоҳ: Худо Шахсининг кароматлари ҳақидаги ҳикоялар бетиним оқаётган нектарга ўхшайди, фақат инсон деган номга муносиб бўлмаган кишиларгина ундан юз ўгиришлари мумкин. Парвардигорга садоқат билан хизмат қилиш ҳар бир инсоннинг олий мақсади бўлиб, бу хизмат Худо Шахсининг илоҳий кароматлари ҳақидаги ҳикояларни тинглашдан бошланади. Фақат ҳайвонлар ёки ҳайвонсифат пасткаш одамлар Парвардигорнинг илоҳий хабарини тинглашдан бош тортиши мумкин. Бутун жаҳонда ҳар хил ҳикоялар ва воқеа-ҳодисалар тарихи мавжуд, аммо Парвардигор билан боғлиқ бўлмаган ҳикояларнинг бирортаси моддий мусибатлар юқини енгиллатишга қодир эмас. Шунинг учун моддий олам тутқунлигидан озодликка чиқишга интилаётган ҳар бир инсон Худо Шахсининг илоҳий кароматлари ҳақидаги ҳикояларни тинглаши ва бошқаларга гапириб бериши лозим. Акс ҳолда у инсон деган буюк номга муносиб эмас.

"Шримад Бҳагаватам"нинг Учинчи Қўшиқ "Парвардигор Вараҳанинг пайдо бўлиши" деб аталадиган ўн учинчи бобига Бхактиведантанинг изоҳлари шундай яқунланади.

## **Ўн тўртинчи боб Дитининг бевақт ҳомиладор бўлиши**

Текст 1

Шукадева Госвами деди: Таркидунёлик қилишга қасам ичган Видура буюк донишманд Майтреянинг Парвардигорнинг Вараҳа қиёфасида мужассам бўлиши ҳақидаги ҳикоясини тинглаб бўлиб, камтарин ҳолда қўлларини қовуштириб Майтреядан унга Парвардигорнинг бошқа кароматлари ҳақида гапириб беришни сўрай бошлади, чунки у(Видура) ҳали қалбида тўла мамнуният ҳосил қилмаган эди.

Текст 2

Шри Видура деди: Эй буюк донишмандлар аълоси, шоғирдлар силсиласи орқали ўтиб келаётган ҳикояларга қараганда қурбонлик маросими тимсоли бўлган Худо Шахси, Парвардигор(Вараҳа) коинотдаги биринчи иблис Хираньякшани ўлдирган.

Изоҳ: Аввал айтилганидек, Парвардигор тўнғиз қиёфасида икки марта мужассам бўлган – Сваямбхува даврида ва Чакшуша даврида. У даврда ҳам, бу даврда ҳам Парвардигор тўнғиз қиёфасида келган, лекин Сваямбхува Ману даврида У Ер сайёрасини коинот уммони сувларидан қўтарган, Чакшуша Ману даврида эса, коинотдаги биринчи иблис Хираньякшани ўлдирган. Сваямбхува Ману даврида Парвардигор оқ тўнғиз қиёфасида мужассам бўлган, Чакшуша-манвантарада эса – қизил тўнғиз қиёфасида. Уларнинг биттаси ҳақида Видура тинглади, энди у Парвардигорнинг бошқа қиёфаси ҳақида тинглашни истаяпти. Парвардигорнинг бу икки қиёфаси ҳам ягона Парвардигор, Олий Шахс Худо.

Текст 3

О Брахман, Парвардигор эрмак учун Ер шарини коинот уммони қаъридан қўтарганда иблислар шоҳи билан Парвардигор Вараҳа орасида бўлиб ўтган жангга нима сабаб бўлган эди?

Текст 4

Менинг ақлим шуни билиш иштиёқида ёняпти, мен сендан Парвардигорнинг пайдо бўлиши ҳақида эшитганларимдан қониқмаяпман. Шунинг учун сендан илтимос, ҳикоя қилишда давом эт. Сенинг гапларингни қалби чуқур имонга тўла содиқ тинглаяпти.

Изоҳ: Олий Шахс Худонинг бу дунёга келиши ва кетиши билан боғлиқ бўлган илоҳий эрмаклари ҳақидаги ҳикояларни фақат ҳақиқатан ҳам чуқур имонга эга ва қалби илмга чанқоқ киши тинглашга муносиб бўла олади. Видура ана шу талабларнинг ҳаммасига тўла жавоб берарди, шунинг учун у Парвардигорнинг илоҳий кароматлари ҳақидаги ҳикояларни тинглашга тўла муносиб зот эди.

Текст 5

Буюк донишманд Майтрея деди: Эй жангчи, сен ҳақиқий содиқларга муносиб бўлган саволни бердинг, чунки сен мендан Парвардигорнинг мужассам бўлган қиёфаси ҳақида сўраяпсан. Фақат Унинг Ўзи ҳалокатга маҳкум бўлган одамларни туғилиш ва ўлиш чархпалагидан озодликка чиқара олади.

Изоҳ: Буюк донишманд Майтрея Видурани фақат у Курулар авлодига мансуб бўлгани учун эмас, балки у Вараҳа ва Нрисимха қиёфаларида мужассам бўлган Парвардигорнинг жасоратли кароматлари ҳақида тинглашга интилаётгани учун жангчи деб атаяпти. У берган саволлар Парвардигор билан боғлиқ, шунинг учун Худонинг содиқларига муносиб саволлар эди. Худонинг содиқ хизматкори дунёвий мавзулардаги ҳикояларга умуман қизикмайди. Дунёвий уруш ва жанглр ҳақида ҳикоя қиладиган жуда кўп асарлар бор, аммо содиқ хизматкор ҳеч қачон уларни тинглашга интилмайди. Парвардигор иштирок этадиган жанглр ҳақидаги

ҳикояларда одамларга ажал келтирадиган урушлар ҳақида эмас, балки тирик мавжудотни бу дунёда такрор ва такрор туғилиш ва ўлишга мажбур қиладиган майя чангалидан озодликка чиқиш учун бўлган кураш ҳақида ҳикоя қилинади. Бошқача қилиб айтганда, Парвардигорнинг жанговор қахрамонликлари ҳақида ҳикоя қиладиган асарларни лаззат билан тинглаган киши туғилиш ва ўлишлар чангалидан халос бўлади. Аҳмоқ одамлар Парвардигор Шри Кришнанинг Курукшетрадаги жангда иштирок этиши Унинг обрўсига путур етказди деб ҳисоблайдилар, лекин улар Парвардигор жанг майдонида иштирок этиш билан ана шу жангда иштирок этган жангчиларнинг ҳаммасининг озодликка чиқишини таъминлаганидан беҳабардирлар. Бхишмадеванинг гапига кўра, Курукшетрада жанг қилган жангчиларнинг ҳаммаси ўлганларидан кейин ўзларининг азалий руҳий ҳолатига эришганлар. Шунинг учун Парвардигор шахсан иштирок этган жанглар ҳақидаги ҳикояларни тинглаш ҳам инсонга худди Худога садоқат билан хизмат қилишнинг бошқа турлари сингари самара беради.

#### Текст 6

Шоҳ Уттанападанинг ўғли (Дхрува) Парвардигор ҳақида ҳикоя қилиб берган донишманд(Нарада)нинг гапларини тинглаб туриб, Олий Шахс Худони англаб етди ва оёқларини ажалнинг бошига қўйиб, Худонинг даргоҳига эришди.

Изоҳ: Шоҳ Уттанападанинг ўғли Махараж Дхрува танасини тарк этганида, уни Худонинг даргоҳига олиб кетиш учун Нанда, Сунанда ва бошқалар келишди. Гарчи бу вақтга келиб у отасининг тахтини эгаллаган ва фарзандлари бор бўлса ҳам, бу дунёни ҳали ёш вақтида тарк этган эди. Унинг моддий оламини тарк этиш вақти келгани учун ажал тимсоли кутиб турарди, аммо Дхрува унга умуман эътибор бермади; у ўзининг моддий танасида самовий ҳаво кемасига чиқди ва тўппа-тўғри Парвардигор Вишнунинг сайёрасига йўл олди, чунки бир вақтлар у Парвардигорнинг эрмаклари ҳақида ҳикоя қилиб берган донишманд Нарада Муни билан учрашган эди.

#### Текст 7

Парвардигор Вараха билан иблис Хираньякша орасида бўлиб ўтган жанг ҳақида мен қадим замонларда асосий маъбуд Браҳмадан эшитган эдим. Шунда у бошқа фаришталарнинг саволларига жавоб берган эди.

#### Текст 8

Бир куни кечкурун, Дакшанинг қизи Дити, фарзанд кўриш иштиёғида ёниб Маричининг ўғли, эри Кашьяпадан жинсий яқинлик қилишни илтимос қила бошлади.

#### Текст 9

Қуёш ботиб бораётган эди, унинг эри Олий Шахс Худога, тили муқаддас олов тимсоли бўлган Парвардигор Вишнуга қурбонлик маросими ўтказиб бўлиб, жазава ҳолатига тушиб ўтирарди.

Изоҳ: Оловни Худо Шахси Парвардигор Вишнунинг тили деб атайдилар. Парвардигор шу тарзда оловга қурбон қилинган эҳсонларни – дон ва сариёғни қабул қилиб олади. Барча қурбонлик маросимлари асосида мана шу қоида ётади, демак, Парвардигор Вишну Ягъешвара, яъни “қурбонлик маросимлари ҳукмдори” ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, Парвардигор Вишнунинг мамнун қилиш билан биз барча фаришталарни ва бошқа тирик мавжудотларни мамнун қилган бўламиз.

#### Текст 10

Эрининг олдига келиб, гўзал Дити унга ўзининг истагини изҳор қилди: Эй донишманд, севги фариштаси ўқдонидан пайконларини олиб, менга худди банан дарахтига ташланган филдай азоб беряпти.

Изоҳ: Эрининг жазава ҳолатида ўтирганини кўриб, гўзал Дити унинг диққатини ўзининг ҳатти-ҳаракати ва имо-ишоралари билан ўзига тортишга уриниб ҳам ўтирмасдан дарров унга баланд овозда гапира бошлади. У эрининг ёнида тургани сабабли танаси шахвоний эҳтирос азобидан худди кутурган филнинг оёғи остига тушиб қолган банан дарахтидай эзилиб, қийналиб кетаётганини эрига очиқ айтди. У эри жазава ҳолатида ўтирганида уни безовта қилишга одатланмаган, лекин ҳозир у вужудини қамраб олган шахвоний эҳтиросга бардош беролмаган эди. Бу эҳтирос кутурган филдай кучли эди, шунинг учун Дитининг эри биринчи навбатда хотинининг истагини бажариб, уни ҳимоя қилиши лозим эди.

#### Текст 11

Шунинг учун сен менга раҳм қилиб ўз марҳаматингни кўрсатишинг керак. Мен ўғил фарзандлар кўришни орзу қиламан, шунинг учун бошқа хотинларинг бахтиёр юрганини кўрганимда жуда қийналиб кетаман. Сен бу ишингдан кейин хурсанд бўласан.

Изоҳ: "Бхагавад Гита"да айтилганки, фарзанд кўриш ниятида жинсий алоқа қилиш гуноҳ ҳисобланмайди. Лекин, фақат ҳиссиётини лаззатлантириш мақсадида жинсий алоқа қиладиган киши одоб-ахлоқ қонунини бузган бўлади. Дити эридан у билан жинсий алоқа қилишини илтимос қилганида ўзини қийнаётган шахвоний эҳтирос азобидан қутулишни эмас, балки ундан фарзанд кўришни истаган эди. У бефарзанд эди, шунинг учун эрининг бошқа хотинлари олдида ўзини жуда ёмон ҳис қиларди. Шунинг учун Кашьяпа ўзининг садоқатли хотинининг истагини бажариши шарт эди.

#### Текст 12

Бу дунёда аёл зотини фақат уни эри яхши кўрсагина ҳурмат қиладилар, сенга ўхшаган эркаклар эса, ўзининг муносиб фарзандлари билан шон-шухрат қозонади, чунки сенинг бурчинг коинотдаги тирик мавжудотлар сонини кўпайтиришдан иборат.

Изоҳ: Ришабҳадева айтганки, токи инсон ўзлари дунёга келтирган фарзандларни туғилиш ва ўлишлар чангалидан озодликка чиқара олишига ишончи комил

бўлмагунча ота ёки она бўлмаслиги лозим. Тирик мавжудот учун инсон танаси – барча тирик мавжудотлар туғилиш, ўлиш, кексалик ва касаллик билан боғлиқ мусибатларга маҳкум этилган моддий оламни тарк этиш учун берилган ягона имкониятдир. Ҳар бир инсон ўзининг инсон танасидаги ҳозирги имкониятларидан тўла фойдаланиш имконига эга бўлиши лозим, Кашьяпа сингари ота эса, руҳий озодликка чиқариш мақсадида такводор фарзандларни дунёга келтириши лозим.

#### Текст 13

Бир вақтлар чексиз бойликка эга ва ўзининг қизларини жуда севадиган отамиз Дакша, ҳар биримизни алоҳида олдига чақириб, кимга эрга чиқишни исташимизни сўраган.

Изоҳ: Мазкур шеърдан кўриниб турибдики, ўша даврларда қиз боланинг ўзи ўзига куёв танлаган, лекин у буни эркаклар билан эркин мулоқотда бўлиб эмас, балки отасининг рухсати билан қилган. Отаси одатда қизларининг ҳар биридан алоҳида, ўзининг фазилатлари ва эзгу ишлари билан шуҳрат қозонган эркакларнинг қайси бирини у ўзига куёв қилиб танлашини сўраган. Лекин, бўлғуси куёвни танлашда барибир охирги сўзни қизнинг отаси айтган.

#### Текст 14

Бизларнинг истагимизни билиб, ҳар биримизнинг бахтли бўлишимизни тилаб, отамиз Дакша ўзининг ўн уч қизини сенга хотинликка берган, шундан бери бизлар ҳаммамиз сенга содиқмиз.

Изоҳ: Одатда қиз бола уятчан бўлади, шу боис у отасига кимни ўзига куёв қилиб танлашни очиқ айтолмайди; шунинг учун отаси қизининг кимни танлаганини бошқа биров орқали, масалан, неваралари билан очиқ гаплаша оладиган бувисидан билиб олган. Қизларининг истаklarини билгандан кейин шоҳ Дакша уларнинг ўн уч нафарини донишманд Кашьяпага берган. Агар Дити ҳам ўзининг эрига унинг бошқа хотинлари сингари садоқатли бўлса, нимага у бефарзанд бўлиб қолиши керак?

#### Текст 15

Эй нилуфар кўзли зот, илтимос, менинг истагимни бажариб мени бахтиёр қил. Бошига мусибат тушган киши ёрдам сўраб буюк зотга мурожаат қилганида у албатта унинг илтимосини бажариш керак.

Изоҳ: Эрига бемахалда илтимос қилиб тургани учун Кашьяпа унинг илтимосини рад қилишини Дити жуда яхши биларди, лекин у жуда зарур бўлганда ёки фавқулудда вазиятларда замон ва макон шароитларига эътибор бериб ўтириш шарт эмаслигини айтиб, ўзини оқламоқчи бўляпти.

#### Текст 16

Эй қахрамон, Дитига мулойим гаплар билан мурожаат қилиб, Маричининг ўғли шахвоний эҳтирос домига тушиб булганган, шу боис ўзини бахтсиз ҳис қилиб, жуда сўзамол бўлиб кетган хотинини овута бошлади.

Изоҳ: Эркак ёки аёл ҳис қиладиган шахвоний эҳтирос ҳаром, яъни гуноҳ ҳисобланади. Кашьяпа руҳий фаолият билан шуғулланарди, лекин шунга қарамай, шахвоний эҳтирос домига тушиб қолган хотинининг илтимосини рад этишга кучи етмади. У Дитининг истаги муҳим эмаслигини тушунтириб, хотинининг илтимосини қатъиян рад этса бўларди, лекин унда Видураники сингари кучли руҳий қувват йўқ эди. Майтрея бу ерда Видурани қахрамон деб атапти, чунки ҳеч ким ўзининг ҳиссиётини Худонинг содиқларидай жиловлаб ололмайди. Шунга қараганда Кашьяпанинг қалбининг тўрида хотини билан жинсий яқинлик қилишдан лаззатланиш истаги бор эди, етарлича кучга эга бўлмай, у хотини Дитини овутишга ва ақлини жойига келтириб қўйишга уринди.

#### Текст 17

Эй бечора аёл, мен сенинг ҳар қандай истагингни бажо келтираман, чунки фақат сен ўзинг мен учун озодликка чиқиш йўлидаги баркамолликнинг барча уч турининг манбаисан.

Изоҳ: Озодликка эришиш йўлидаги баркамолликнинг уч тури – диний фаолият, моддий фаровонлик ва ҳиссий лаззатлар. Шартланган руҳни хотини руҳий озодликка олиб чиқади, деб айтадилар, чунки хотини эрининг руҳий озодликка чиқиши учун ёрдам бериб унга хизмат қилади. Бу дунёдаги шартланган ҳаёт ҳиссий лаззатланишга асосланган, агар инсон ҳаётда яхши хотинга уйланиш бахтига муяссар бўлса, у эрига ишончли ва содиқ ёрдамчи бўлиши мумкин. Шартланган ҳаёт ташвишларига қаттиқ берилиб кетган киши моддий иллатларга чуқурроқ ботади, холос. Садоқатли хотин эрининг моддий истаklarини амалга оширишда ёрдам бериши керак, бу билан у эри хотиржам бўлиб ўзининг диққат-эътиборини руҳий фаолиятда жамлашига ва руҳий баркамолликка эришишига ёрдам беради. Лекин, агар эри ўз ҳаётини бутунлай руҳий фаолиятга бағишлаган бўлса, унда хотини эрига руҳий юксалиш йўлида ёрдам бериши лозим: шу тариқа улар иккиси – эри ҳам, хотини ҳам руҳий баркамолликка эришадилар. Шунинг учун ёш ўғил-қизлар каттайиб, оилавий турмушда ҳамкорлик қилиш керак бўлганида бир-бирларига руҳий манфаат келтира олишлари учун уларни ёшлигидан ҳаётда ўз бурчларини бажариб яшашга ўргатиш жуда муҳим. Ёш ўспиринларни брахмачарьи қондасига риоя қилишга, қиз болаларни эса покдомонликка, бокираликка ўргатиш лозим. Садоқатли хотин ва руҳий тайёргарлик кўрган брахмачари – инсон ҳаётининг олий мақсадига эришиш йўлида ажойиб ҳамкорлик қила оладилар.

#### Текст 18

Катта кемага чиқиб чексиз уммонни кечиб ўтиш мумкин бўлгани сингари, хотин билан бирга яшаб, моддий олам уммонида тирикчилик қилиш билан боғлиқ бўлган барча кийинчиликларни осонлик билан енгиб ўтиш мумкин.

Изоҳ: Инсонлар жамияти тўрт ижтимоий табақага бўлинади, бу тизим жамиятдаги одамларнинг моддий ҳаёт тутқунлигидан озодликка чиқишга бўлган интилишларини бирлаштиради. Барча табақаларга мансуб одамлар: шастраларни

ўрганишга бағишланган покдомон ҳаёт кечираётган брахмачарилар; оилавий ишларни тарк этган кишилар; таркидунё қилиб яшашга қасам ичган кишилар – уларнинг ҳаммаси асосан хотини билан бирга оилавий ҳаёт кечираётган кишиларга қарам бўладилар. Ҳар хил ижтимоий табақаларнинг ҳамкорлик қилиши тўрт ижтимоий табақага мансуб бўлган ва руҳий юксалишнинг турли поғонасида турган кишилардан иборат тизимнинг самарали фаолият кўрсатиши учун зарур. Ведавий варнашрама тизимини одатда жамиятни табақаларга бўлиш деб тушунадилар. Хотини билан бирга оилавий турмуш кечираётган кишига жуда катта маъсулият юклатилган – у жамиятнинг бошқа табақаларга мансуб аъзо(брахмачари, ванапрастха ва санньяси)ларининг ҳаётини таъминлаши лозим. Грихастха(оилали киши)лардан бошқа одамларнинг ҳаммаси фақат руҳий фаолият билан шуғулланиши лозим: брахмачари, ванапрастха ва санньясиларнинг тирикчилик қилиш учун пул ишлаб топишга вақтлари йўқ. Шунинг учун улар грихастхаларнинг берган садақаларига қаноат қилиб, ўзларининг эҳтиёжларини фақат ҳаёт учун энг зарур нарсалар билангина чеклаб, бутун вақтини руҳий фаолиятга бағишлаб яшайдилар. Жамиятнинг бошқа табақаларига руҳий кадрятларни яратишга ёрдам бериш билан оилали киши ҳам руҳий жиҳатдан юксала боради. Шундай қилиб, жамиятнинг барча аъзолари оқибат-натижада руҳий баркамолликка эришадилар ва қаттиқ қийинчиликларга учрамасдан ғофиллик уммонини кечиб ўтадилар.

#### Текст 19

Эй ҳурматли зот, хотин эрига шунчалик катта фойда келтирадики, уни эркак кишининг танасининг аъло ярмиси деб атайдилар, чунки у эркак кишига барча диний вазифаларни адо этишга ёрдам беради. Ана шу вазифаларни бажаришни хотинига топшириб, эркак киши ҳеч нарсадан ташвишланмасдан ўз ишлари билан шуғулланиб юриши мумкин.

Изоҳ: Ведалар маданиятига кўра, хотин эркак кишининг танасининг аъло ярми ҳисобланади, чунки унинг бурчи эрининг вазифаларининг ярмисини бажариш ҳисобланади. Ўз фаолиятида муқаррар бўладиган гуноҳ ишларнинг оқибатидан халос бўлиш учун оилали киши беш турли қурбонлик маросими – панча-ягья ўтказиб юриши лозим. Инсон тубанликка юз тутиб, ит ва мушуклар даражасига тушиб қолганида ўзининг руҳий мажбуриятларини унутди ва хотинини фақат ҳиссий лаззат келтирадиган манба деб қабул қила бошлайди. Хотинини ҳиссий лаззат манбаи деб ҳисоблаганда, унинг сифатларини баҳолашнинг асосий мезони унинг гўзаллиги бўлади, хотини эрига лаззат келтирмай қўйган захоти улар ажралиб кетадилар. Эр билан хотин бир бири билан руҳий баркамолликка интилиб ҳамкорлик қилганларида улар бир бирларининг ташки кўринишига эътибор бермайдилар, уларнинг ўзаро муносабатлари ўткинчи дунёвий “муҳаббат”га боғлиқ бўлмайди. Аслини олганда моддий оламда ҳеч қандай муҳаббат ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Аслида никоҳ – эркак билан аёлнинг руҳий баркамолликка эришиш ниятида муқаддас китобларнинг қонун-қоидаларига риоя қилиб ҳамкорликда бажарадиган бурчидир. Шундай қилиб, никоҳ аслида инсон тубанликка юз тутиб, руҳий ўзлигини англаш имкониятидан маҳрум бўлган ит ва мушуклар қаторига қўшилиб қолмаслиги учун зарур бўлган маросимдир.

#### Текст 20

Кўрғонни ҳимоя қилиб турган қўшин саркардасига қароқчилар ҳужумини қайтариш қийин бўлмагани сингари, ўз хотинининг ҳимояси остида бўлган киши ҳам, сезгиларининг хуружини осонлик билан бартараф қилади, бошқа табақага мансуб кишилар бундай хатардан ҳимояланмаган.

Изоҳ: Инсонлар жамиятининг тўрт табақаси – шогирдлар(брахмачари), оилали кишилар(грихастха), оилавий ишларни тарк этган киши(ванапрастха) ва таркидунё қилган кишилар(санньяси) – ичида фақат оилали кишиларнинг ҳолати тўла бехатар ҳисобланади. Бизнинг сезгиларимиз худди тана кўрғонига ҳужум қилаётган қароқчиларга ўхшайдилар, хотин эса ана шу кўрғонни ҳимоя қиладиган қўшин саркардаси вазифасини бажаради, шунинг учун ҳар гал сезгилар танага ҳужум қилганларида, бошқа биров эмас, айнан унинг хотини эрининг танасини қароқчилардан ҳимоя қилади. Ҳеч ким жинсий яқинлик қилиш истагидан бутунлай халос бўла олмайди, лекин ёнида қонуний хотини бор киши сезгиларининг хуружини босишга қодир. Ўзининг яхши хотини бўлган киши жамият тинчлигини бузиб, бокира қизларни йўлдан уриб юрмайди. Лекин, яхши тарбия кўрган хотини бўлмаса, эркак киши тузатиб бўлмас хотинбозга ва жамият тинчлигини бузадиган тартибузарга айланади. Агар брахмачари тажрибали руҳий устоз раҳбарлиги остида мунтазам ва жиддий таълим-тарбия олмаган ҳамда ўзининг итоаткор шогирд эканини амалда кўрсата олмаган бўлса, ундай брахмачари албатта шахвоний эҳтирос қурбони бўлиб, тубанликка юз тутди. Бундай ҳолатларга тарихдан жуда кўп мисоллар келтириш мумкин, ҳатто Вишвамित्रа сингари буюк йоғлар ҳам тубанликка юз тутганлар. Лекин грихастха бехатар ҳолатда бўлади, чунки унинг ёнида ҳамшира садоқатли хотини бор. Жинсий ҳаёт моддий оламда тутқун бўлиб қолишнинг асосий сабаби ҳисобланади, шунинг учун у қолган уч ашрамда таъқиқланган бўлиб, фақат грихастха-ашрамда руҳсат этилган. Грихастхалар эса, аъло брахмачари, ванапрастха ва санньясиларни дунёга келтиришлари лозим.

#### Текст 21

Эй уйимизнинг маликаси, биз сен қилиб юрган ишларни қилишга қодир эмасмиз, биз агар бутун умримиз давомида ишласак ва ўлгандан кейин ҳам меҳнат қилишда давом этсак ҳам, сенинг қилган хизматларинг қарзидан қутула олмаймиз. Сенинг қарзингни узишнинг иложи йўқ, бунга ҳатто ўз хотинларининг сифатларига қойил қолишдан чарчамайдиган зотлар ҳам қодир эмаслар.

Изоҳ: Эркак киши ўзининг хотинини олқишлай бошласа, демак, у ё хотинининг гапидан чикмайдиган иродасиз, ё у билан шунчаки ҳазиллашаётган бўлади. Кашьяпа Муни уйда хотини билан бирга яшайдиган эркакларнинг ҳозир ўз ҳиссиётини лаззатлантириб жаннатдагидай роҳатланиб яшаётганини, лекин бунда улар дўзахга тушиш хавфидан ҳимояланганини назарда тутган. Таркидунё қилиб яшашга қасам ичган кишининг хотини йўқ, агар у шахвоний эҳтирос домига тушиб қолиб, қандайдир бир аёл билан ёки бегона хотин билан яқинлик қилишга интилса, албатта дўзахга тушади. Бошқача қилиб айтганда, агар уйини ва

хотинини ташлаб кетган санньясининг қалбида яна шахвоний лаззатланиш истаги уйғонса ва онгли ёки онгсиз равишда шундай лаззатларга интила бошласа у албатта дўзахга тушади. Бу борада оилали кишининг ҳолати анча бехатарроқ. Шунинг учун эркак киши хотинининг олдида қарздор ҳисобланади. Улар хотинининг қарзидан қутулиш учун ҳатто бутун умри давомида ишласалар ҳам бу қарздан қутула олмайдилар. Хотинининг эзгу ишларини муносиб қадрлашга ҳамма эркак ҳам қодир бўлавермайди, ҳатто бунга қодир эркаклар ҳам улар олдидаги қарзидан қутула олмайдилар. Эркак киши хотинини ана шундай бетиним олқишлай бошласа, демак у хотини билан ҳазиллашаётган бўлади.

#### Текст 22

Гарчи мен сенга муносиб миннатдорчилик изҳор этолмасам ҳам, сенинг истагингни дарров бажо келтираман ва сенга фарзандлар ато этаман. Лекин, кейин бошқалар менга таъна қилмасликлари учун сен бироз кутиб туришинг керак.

Изоҳ: Хотинининг оёғи остида бўлган эркакнинг хотинидан кўрган яхшиликлари учун қарзидан қутулиши жуда қийин, лекин ҳар қандай эркак, агар у бепушт бўлмаса, хотинининг истагини қондириб, у билан жинсий алоқа қилиб, унга фарзанд ато этишга қодир. Ҳар қандай соғлом эркак учун бунинг қийин жойи йўқ. Кашьяпа хотинининг истагини қондириш иштиёқида ёниб туришига қарамай, барибир кейинчалик бошқалар унга таъна қилмасликлари учун хотинидан бироз вақт сабр қилишни илтимос қилди. У ўзининг бу илтимосининг сабабини қуйидагича тушунтирди.

#### Текст 23

Ҳозир зурёд қолдириш учун энг ноқулай, шарофатсиз вақт, чунки айни шу пайтда ер юзи бўйлаб одамларни даҳшатга соладиган жин-арвоҳлар ва жин арвоҳларнинг ҳукмдорининг ўзгармас ҳамроҳлари изғиб юрибди.

Изоҳ: Кашьяпа Дитидан бироз кутиб туришни илтимос қилди, энди уни, агар улар куннинг ҳозирги пайтининг барча хусусиятларини ҳисобга олмасалар, ўзларининг ҳукмдори Рудра билан биргалликда ер юзи бўйлаб изғиб юрган жин-арвоҳлар уларни жазолаши мумкинлигидан огоҳлантиряпти.

#### Текст 24

Ҳўкиз устида ўтирган ҳолда, жин-арвоҳлар ҳукмдори бўлган маъбуд Шива, ўзларининг бахти учун у билан бирга юрган жин-арвоҳлар ҳамроҳлигида ҳозир бутун олам бўйлаб сайр қилиб юрибди.

Изоҳ: Маъбуд Шива, яъни Рудра ажина ва арвоҳларнинг шоҳи ҳисобланади. Вақти келиб маъбуд Шива уларни ўзликни англаш йўлига олиб чиқиши учун жин-арвоҳлар Унга сиғинадилар. Шунингдек, маъбуд Шивага майявади-файласуфларнинг кўпчилиги сиғинади, майявади-файласуфларга атеизм таълимотини тарғибот қилган Шрипада Шанқарачарьяни эса, маъбуд Шиванинг мужассам бўлган қиёфаси деб ҳисоблайдилар. Жин-арвоҳлар ўзлари содир қилган оғир гуноҳлари, масалан, ўз жонига суиқасд қилгани сабабли жисмоний танадан

махрум бўлганлар. Инсонлар жамиятида ўз жонига ё моддий ё руҳий жиҳатдан суиқасд қилиш – арвоҳ-одамларнинг охириги умиди. Жисмоний жиҳатдан суиқасд қилиш натижасида тирик мавжудот моддий танасидан маҳрум бўлади, руҳий суиқасд эса ўзининг алоҳида руҳ(жон) сифатидан маҳрум бўлишга олиб келади. Файласуф-майявадилар ўзларининг алоҳида шахс сифатини йўқотишга ва брахмажйотининг шахсиятсиз руҳий борлигига ғарқ бўлишга интиладилар. Жин-арвоҳларга нисбатан ғайритабiiий равишда меҳрибон бўлган маъбуд Шива уларнинг олган қарғишларига қарамай, барибир уларнинг жисмоний тана олишини истади. Маъбуд Шива уларни замон ва макон шароитига қарамасдан жинсий алоқа қилаверадиган ахлоқсиз аёллар қорнига киритиб қўяди. Дити бироз кутиб туришга рози бўлиши учун Кашьяпа унга шуни тушунтириб қўймоқчи эди.

#### Текст 25

Маъбуд Шиванинг танаси қизғиш рангда; у пок, лекин кул билан қопланган. Дафн гулхани устидан кўтарилган кул унинг сочларига тўкилган. У – сенинг эрининг укаси бўлади, у оламни ўзининг уч кўзи билан кузатиб туради.

Изоҳ: Маъбуд Шива – оддий тирик мавжудот эмас, лекин барибир у Вишну тоифасига кирмайди, яъни Олий Шахс Худо эмас. У ҳар қандай тирик мавжудотдан, ҳатто маъбуд Браҳмадан ҳам қудратлироқ, лекин Парвардигор Вишнуга тенг эмас. Маъбуд Шива ўтмиш, ҳозир ва келажакни билади. Унинг бир кўзи қуёшга, иккинчиси – ойга, қошлари ўртасидаги учинчи кўзи – оловга ўхшайди. Унинг ўрта кўзи олов уфуриб туради. Ана шу олов билан Шива ҳар қандай қудратли тирик мавжудотни, шу жумладан маъбуд Браҳмани ҳам яқсон қилишга қодир, лекин шунга қарамай у ҳашаматли ажойиб саройларда яшамайди, ўзи учун ҳар хил қулайликлар яратмайди, гарчи бутун моддий оламнинг ҳукмдори бўлса ҳам, ҳеч қандай моддий бойликларга эгалик қилмайди.

У ўзининг вақтини асосан ўлган одамларнинг танаси ёқиб юбориладиган жойларда ўтказди, дафн гулханларидан кўтарилган чанг ва кул унинг либоси ҳисобланади. Маъбуд Шивага моддий иллат таъсир қилмайди. Кашьяпа уни ўзининг укаси деб билади, чунки Дитининг синглиси маъбуд Шивага турмушга чиққан. Опасининг эри унга ака ҳисобланади. Ана шу жиҳатдан маъбуд Шива Кашьяпанинг укаси бўларди. Кашьяпа хотинини огоҳлантириб айтдики, у танлаган вақт жуда хатарли, чунки маъбуд Шива уларнинг жинсий алоқасига гувоҳ бўлиши мумкин. Дити жинсий алоқа билан хилват жойда шуғулланишини айтиб, бунга эътироз билдириши мумкин, шунинг учун Кашьяпа унга маъбуд Шиванинг уч кўзи – қуёш, ой ва олов кўзи борлигини, шу боис худди Парвардигор Вишнунинг назари сингари, унинг зийрак нигоҳидан ҳеч нарса четда қолмаслигини эслатиб қўйди. Баъзан полиция жиноятчи ҳатто унинг кўз олдида жиноят қилса ҳам, уни дарров жазолмайди, лекин уни ҳибсга олиш учун қулай пайт пойлайди. Кашьяпа билан Дити бехосият вақтда жинсий алоқа қилганини маъбуд Шива албатта билади, бунинг учун Дити жазо олади ва ажина ёки имонсиз-имперсоналист табиатига эга бўлган фарзандларни дунёга келтиради. Кашьяпа буни олдиндан билган эди, шунинг учун у хотинини огоҳлантирмоқчи эди.

## Текст 26

Гарчи барча тирик мавжудотлар маъбуд Шива билан боғланган бўлса ҳам, у ҳеч кимни ўзининг қариндоши деб ҳисобламайди; маъбуд Шива ҳеч кимга қаттиқ боғланиб ҳам қолмаган, ҳеч кимдан нафратланмайди ҳам. Бизлар эҳтиром аралаш чуқур ҳаяжон билан у еган таом қолдиқларига сажда қиламиз ва ундан қолган ҳамма нарсани қабул қилишга қасам ичганмиз.

Изоҳ: Кашьяпа хотинига айтдики, гарчи маъбуд Шива унинг божаси бўлса ҳам, бу унга ҳеч қандай жазосиз уни ҳақорат қилиши мумкин дегани эмас. Кашьяпа хотинини огоҳлантириб айтдики, аслида Шива ҳеч ким билан қариндошлик ришталари билан боғланган эмас ва ҳеч кимни ўзининг душмани деб ҳисобламайди. Коинотнинг уч ҳукмдоридан бири сифатида у барча тирик мавжудотларга бир хил муносабатда бўлади. Ҳеч ким унга тенглаша олмайди, чунки у – Олий Шахс Худонинг энг буюк хизматкори. Худо Шахсининг барча содиқлари ичида маъбуд Шива – энг буюк ҳисобланади. Шунинг учун у қолдирган таом қолдиқларини Худонинг содиқлари маха-прасад, буюк руҳий таом деб ҳисоблайдилар. Кришнага таклиф қилинган таом қолдиғи прасад деб аталади, лекин ана шу прасаддан қайсидир бир буюк содиқ хизматкор, масалан маъбуд Шива тотса, ундан қолган прасад маха-прасад бўлади. Маъбуд Шива шундай буюк содиқ хизматкорки, у бу дунёда ҳар биримиз интилиб юрган орзу - моддий фаровонликка умуман бефарқ қарайди. Қудратли моддий табиат тимсоли бўлган Парвати Шиванинг хотини ва бутунлай унинг ҳукми остида, лекин у ҳатто ўзи учун бирор бошпана қуриб олиш учун ҳам унинг имкониятларидан фойдаланмайди. У ҳеч қандай бошпанасиз юришни афзал билади, унинг буюк рафиқаси ҳам ҳаётдан нолимасдан, камтарин ҳолда эри билан бирга ана шундай оғир шароитда яшайди. Оддий инсонлар моддий фаровонликка эришиш ниятида маъбуд Шиванинг рафиқаси бўлган фаришта Дургага сиғинадилар, аммо Маъбуд Шива унинг хизматини ўзига ҳеч қандай моддий манфаат кўзламасдан қабул қилади. У ўзининг буюк хотинига тушунтирадики, барча сиғинишлар ичида энг буюғи Парвардигор Вишнуга сиғиниш ҳисобланади, аммо Худонинг буюк содиқ хизматкорига ва Парвардигор Вишну билан боғлиқ нарсаларга сиғиниш ҳатто ундан ҳам устун туради.

## Текст 27

Моддий оламда ҳеч ким маъбуд Шивага тенг ёки ундан устун бўлолмайди, Шиванинг бенуксон хулқи эса, ғофиллик зулматидан озодликка чиқишга интилаётган барча буюк руҳлар учун намуна бўлиб хизмат қилади, шунга қарамай у Парвардигорнинг барча содиқларини озодликка чиқариш ниятида (личина дьявола???)алвасти туморини осиб юради.

Изоҳ: Маъбуд Шиванинг ёвузларга хос, нопок одатлари одамларга уларда нафрат туйғусини уйғотадиган таъсир қилмайди, чунки у Парвардигорнинг самимий содиқларига моддий лаззатлардан вз кечишда ўрناق кўрсатади. Уни Махадева, яъни “фаришталарнинг энг буюғи” деб атайдилар, моддий оламда унга тенг келадиган ёки ундан буюқроқ бўлган ҳеч ким йўқ. У амалда Парвардигор Вишну билан бир поғонада туради. Маъбуд Шива хамиша Майя, Дурга билан мулоқотда

бўлса ҳам, унинг ўзи моддий табиатнинг уч гунаси таъсир қиладиган муҳитда бўлиб ўтадиган кармали фаолият қонунларига бўйсунмайди. Гарчи у ғафлат гунаси таъсири остидаги нопок кучларга раҳнамолик қилаётган бўлса ҳам, бундай алоқалар унга мулақо таъсир қилмайди.

## Текст 28

Бахтиқаро нодон одамлар у хамиша ўзининг ички дунёсига ғарқ бўлиб юришини билмайдилар, шунинг учун унинг устидан куладилар. Ана шу ғофил одамлар фақат ўзларининг итларга ем бўлишга маҳкум этилган танасини ўйлайдилар – улар унга турли либос кийдирадилар, кимматбаҳо тақинчоқ ва гулчамбарлар билан безайдилар, анвойи мойлардан суртадилар.

Изоҳ: Маъбуд Шива чиройли либослар кийиб юрмайди, гулчамбар ва тақинчоқлар тақмайди, анвойи мойлардан фойдаланмайди. Охир-оқибатда итларга ем бўладиган танасини безашни ёктирадиган кишилар танаси учун турли қулайликлар яратиб, уни “ўзим” деб қабул қилиб, танасига ғамхўрлик қиладилар. Ана шундай одамлар маъбуд Шивани тушунмайдилар, лекин барибир моддий бойликлар ато этишини илтижо қилавериш унга тинчлик бермайдилар. Маъбуд Шиванинг содиқлари икки тоифа бўлади. Маъбуд Шивадан моддий бойлик олишдан умидвор бўлиб юрган ашаддий материалистлар биринчи тоифага, у билан қўшилиб кетишга интиладиган содиқлар – иккинчи тоифага киради. Одатда “шива ахам”(“Мен - Шива”, “озодликка чиқиб мен Шива бўламан”) деган мантра зикр қиладиган имперсоналистлар шулар тоифасига киради. Бошқача қилиб айтганда, одатда карми ёки ғянилар маъбуд Шиванинг содиқлари бўладилар, лекин улар ҳам, булар ҳам маъбуд Шиванинг яшашдан ҳақиқий мақсади нима экани ҳақида бирор аниқ тасаввурга эга эмас. Ўзларини маъбуд Шиванинг содиқлари деб юрган кишилар аксарият ҳолларда заҳарли гиёҳванд моддалар истеъмол қилиб унга таклид қиладилар. Бир куни маъбуд Шива бир уммон заҳар ичган эди, шундан унинг бўйни кўкимтир тусга кириб қолган. Сохта “шива”лар эса, заҳарли моддалар истеъмол қилиб, ҳақиқий Шивага таклид қиладилар ва бу билан фақат ўзларини ҳалокатга маҳкум этадилар. Маъбуд Шиванинг ҳақиқий мақсади барча жонларнинг Жонига, Парвардигор Шри Кришнага хизмат қилишдан иборат. Фақат Парвардигор Шри Кришна ҳақиқий лаззатланувчи бўлгани учун у дабдабали, серхашамат нарсаларнинг ҳаммаси – чиройли либослар, гулчамбарлар, тақинчоқлар ва атир-упа, бўёқлар фақат Парвардигор Шри Кришнаники бўлишини истайди. Унинг ўзи булардан фойдаланишдан бош тортади, чунки улар фақат Парвардигор Шри Кришна учун мўлжалланган. Лекин бундан беҳабар бўлган нодонлар ё унинг устидан кулмоқчи бўладилар, ё унга беўхшов таклид қилишга уринадилар.

## Текст 29

Маъбуд Браҳма ва бошқа фаришталар маъбуд Шива ўтказадиган барча маросимларни ўтказадилар. У – моддий оламнинг яратилиш сабаби бўлган моддий қувват ҳукмдори. У – буюк шахс, шунинг учун унинг иблисларга хос турмуш тарзи – шунчаки унинг эрмаги, холос.

Изоҳ: Маъбуд Шива Дурганинг эри, моддий қувват ҳукмдори ҳисобланади. Дурга – моддий қувват тимсоли, маъбуд Шива унинг эри сифатида моддий қувватнинг ҳукмдори ҳисобланади. Бундан ташқари, у ғафлат гунасига маъсул бўлиб, Олий Шахс Худонинг моддий оламдаги уч вакилидан бири. Шу маънода маъбуд Шива Олий Шахс Худодан фарқ қилмайди. У – жуда буюк шахс, унинг моддий лаззатларга бефарқлиги – моддий оламга боғланмасликнинг энг юксак, намунали кўринишидир. Шунинг учун агар биз маъбуд Шиванинг изидан боришни истасак, у кўрсатган мўъжизаларга тақлид қилиб заҳар ичишга уринмасдан биринчи навбатда моддий боғланишлардан халос бўлишга интилишимиз лозим.

#### Текст 30

Майтрея деди: Дити эрининг гапларини тинглаб турди, лекин, севги фариштасининг ундови билан вужудини қамраб олган шахвоний эҳтиросини тўхтата олмади. У худди уят нималигини билмайдиган фоҳишадай буюк донишманд браҳманинг кийимларига ёпишди.

Изоҳ: Эри бор аёл билан фоҳиша аёлнинг бир биридан фарқи шундан иборатки, эри бор аёл муқаддас китобларнинг қонун-қоидалари асосида чекланган тартибли жинсий ҳаёт билан яшайди, фоҳиша аёл эса, ҳеч қандай чеклашларга риоя қилмасдан шахвоний эҳтиросининг кули бўлиб яшайди. Чуқур илмга эга бўлишига қарамасдан буюк донишманд Кашьяпа ўзини фоҳишалардай тутаётган хотинининг шахвоний эҳтиросининг қурбони бўлди. Моддий қувватнинг қудрати ана шундай.

#### Текст 31

Хотинининг ниятини англаб етгандан кейин у таъқиқланган ишни қилишга мажбур бўлди ва ҳар нарсага қодир тақдир олдида бош эгиб, хилват жойга бориб хотини билан қовушди.

Изоҳ: Кашьяпанинг хотини билан қилган суҳбатидан маълумки, донишманд маъбуд Шивага сиғиниб юрган, лекин, таъқиқланган гуноҳ ишни қилиб, маъбуд Шиванинг ғазабига дучор бўлишини билса ҳам, донишманд Кашьяпа хотинининг истагини бажаришга мажбур бўлди, шунинг учун у тақдир олдида бош эгди. У бемаҳалда содир бўлган жинсий алоқадан туғилган фарзанд тақводор инсон бўлиб дунёга келмаслигини яхши биларди, лекин ўзини хотинининг олдида жуда қарздор деб билиб, унинг илтимосини бажаришга мажбур бўлди. Лекин, худди шундай вазиятга тушиб қолган Харидас Тхакур мукамал Кришна онгига эга бўлгани туфайли тун ярмида олдида келган фоҳишанинг илтимосини рад этиб, гуноҳ иш қилишдан ўзини сақлаб қолди. Ҳаётда Кришна онги билан яшайдиган киши бошқалардан шуниси билан фарқ қилади. Кашьяпа Муни чуқур илмга эга бўлган буюк донишманд эди, у тартибга солинган руҳий ҳаётнинг барча қоидаларини яхши биларди, лекин барибир унда ўзини гуноҳ ишдан тўхтатиб қолишга ирода етишмади. Харидас Тхакур браҳман оиласида туғилгани йўқ, ўзи ҳам браҳман эмасди, лекин, Кришна онги билан яшаб юргани туфайли, ўзидаги эҳтирос хуружига бардош бера олди. Харидас Тхакур ҳар куни Парвардигорнинг муқаддас номини уч юз минг марта тақрорларди.

#### Текст 32

Шундан кейин браҳман сувда чўмилиб покланди ва ақлини мангу ёғдуда жамлаб, жазава ҳолатига кириб, ичида муқаддас Гаятри мантрасини зикр қилиб нутқини жиловлаб олди.

Изоҳ: Ведавий муқаддас китобларда инсон ҳар гал катта ҳожат чиқаргандан, шунингдек жинсий алоқа қилгандан, айниқса бемаҳалда бўлган жинсий алоқадан кейин албатта сувда чўмилиб покланиши лозимлиги тавсия қилинган. Ичида Гаятри мантрасини зикр қилиб, Кашьяпа Муни ақлини браҳмажйотининг шахсиятсиз ёғдусида жамлади. Ведавий мантраларни ярим овозда, фақат зикр қилаётган кишининг ўзи эшита оладиган даражада зикр қилиш джапа деб аталади. Мантрани баланд овозда тақрорлаш кирган деб аталади. Ведавий Ҳаре Кришна Ҳаре Кришна Кришна Ҳаре Ҳаре \ Ҳаре Рама Ҳаре Рама Рама Рама Ҳаре Ҳаре мантрасини паст овозда ҳам, баланд овозда ҳам зикр қилиш мумкин, шунинг учун уни маха-мантра, яъни буюк кўшиқ деб атайдилар.

Кўришиб турибдики, Кашьяпа имперсоналист бўлган. Унинг ҳатти-ҳаракатини юқорида эслаб ўтилган Харидас Тхакурнинг ҳатти-ҳаракати билан солиштириб, шундай хулосага келиш мумкинки, персоналист ўз хиссиётини имперсоналистларга нисбатан анча кучлироқ жиловлаб олишга қодир. Бу ҳолат "Бхагавад Гита"да ҳам тушунтирилган: парам дриштва нивартате. Лекин руҳий юксалишда юқори поғонага кўтарилган киши табиий равишда паст даражадаги амаллар билан қизиқмайди. Сувда чўмилиб покланиш ва Гаятри мантрасини зикр қилиш инсонни поклайди, лекин маха-мантра шунчалик қудратлики, уни ичидами, овоз чиқарибми, зикр қилиб юрган киши бу дунёдаги ҳаётнинг ўзига жалб қилувчи барча гуноҳ ишларидан етарлича ҳимояланган бўлади.

#### Текст 33

Эй Бхарата авлоди, кейин Дити эрининг ёнига келди ва ўзи содир қилган гуноҳидан уялганидан бошини эгиб, шундай деди.

Изоҳ: Қилган гуноҳ ишидан уялганида виждонли киши ўзидан ўзи бошини эгади. Эри билан бемаҳалда гуноҳқорона яқинлик қилганидан кейин Дити ниҳоят ўзига келди. Ўз хотини билан ана шундай яқинлик қилиш қораланади ва зино билан тенглаштирилади. Бошқача қилиб айтганда, агар эр-хотин шастраларнинг кўрсатмаларига риоя қилмасалар, уларнинг оилада яшаб юрган жинсий ҳаёти фоҳишабозликдан фарқ қилмайди.

#### Текст 34

Гўзал Дити шундай деди: Эй ҳурматли браҳман, сендан илтимос, барча тирик мавжудотларнинг ҳукмдори бўлган маъбуд Шива уни қаттиқ ҳақорат қилганим учун жазо сифатида менинг қорнимдаги фарзандимни ўлдирмаслиги учун бирор чорасини қил.

Изоҳ: Маъбуд Шивани ҳақорат қилганини англаб етган Дити энди у ўзининг шу гуноҳини кечиретишини истарди. Маъбуд Шиванинг энг машҳур номлари Рудра ва Ашутоша. Маъбуд Шивани осонлик билан мамнун қилиш ҳам, осонлик билан

ғазабини келтириш ҳам мумкин. Шива ғазоби келганидан унинг ноқонуний йўл билан эришган фарзандини нобуд қилиши мумкинлигини Дити яхши биларди. Лекин, маъбуд Шиванинг яна бир машҳур исми Ашүтоша бўлгани учун, Дити брахман-эридан илтимос қилиб, унга Шивани мамнун қилишда ёрдам беришни сўради, чунки у эри маъбуд Шиванинг буюк содиғи эканини биларди. Бошқача қилиб айтганда, Дити эрини гуноҳ иш қилишга мажбур қилгани учун маъбуд Шива ундан ғазабланиши мумкин, лекин у билардики, маъбуд Шива ҳеч қачон Кашьяпанинг илтимосини рад этмайди. Шунинг учун Дити кечирим сўраш учун Шивага эри орқали мурожаат қиларди. У маъбуд Шивани мамнун қилиш учун илтижо қила бошлади.

#### Текст 35

Мен чуқур эҳтиром билан буюк фаришта, ғазабланган маъбуд Шива олдида бош эгаман. Унинг ғазабини келтириш осон, лекин айна пайтда у инсоннинг барча моддий истакларини амалга оширади. У тирик мавжудотларга жуда меҳрибон, саховат билан улардан ўзининг дуосини аямайди, лекин ғазоби келганда гуноҳкор кишини шу ердаёқ қаттиқ жазолаши мумкин.

Изоҳ: Дитининг маъбуд Шивадан раҳм–шафқат сўраб қилган илтижоси жуда моҳирлик билан тизилган. У айтяптики: “Маъбуд Шива мени зор йиғлатиши мумкин, лекин агар у истаса, кўз ёшларимни бир зумда тўхтата олади, чунки у – Ашүтоша. У шунчалик қудратлики, у истаган захоти қорнимдаги ҳомилам ҳалок бўлади, аммо, жуда меҳрибон бўлгани учун, менинг истагимни бажариб, бўлғуси фарзандимнинг ҳаётини сақлаб қолиши мумкин. У саховат билан одамларга ўз марҳаматини кўрсатади, шунинг учун гарчи у ғазабини келтирганим учун ҳозир мени жазолашга тайёр турган бўлса ҳам, осонлик билан менинг гуноҳимни кечириб юбориши ва мени жазодан халос этиши мумкин. Сиртдан қараганда у оддий инсонга ўхшаб кўринса ҳам, аслида у бутун инсоният ҳукмдоридир”.

#### Текст 36

Мен унинг марҳаматидан умидворман, чунки у – менга куёв, синглим Сатининг эри бўлади. Унга барча аёллар сажда қиладилар. У барча эзгу фазилатлар соҳибидир, шу боис ҳатто ёввойи овчилар ҳам шафқат қиладиган аёлларга у албатта меҳрибонлик қилади.

Изоҳ: Маъбуд Шива Дитининг сингилларидан бири бўлган Сатининг эри. Дити Сатига мурожаат қилиб, уни ўзининг эри олдида ҳимоя қилишини сўраяпти. Бундан ташқари маъбуд Шива – ҳамма аёллар сажда қиладиган фаришта, шунинг учун у ҳатто ёввойи-овчилар ҳам раҳм қиладиган аёлларга нисбатан албатта меҳрибон бўлиши керак. Маъбуд Шиванинг ўзи аёллар билан мулоқотда бўлади, шунинг учун у аёлларнинг ожиз томонларини яхши билади, шунинг учун у Дитининг шахвоний эҳтиросини жиловлай олмасдан ўзини тутолмасдан ноилож қолиб, унга нисбатан қилган ҳақоратини жиддий қабул қилмаслиги ҳам мумкин. Ведавий урф-одатларга кўра ҳамма аёллар эрга чикқунча маъбуд Шивага сиғинишлари лозим. Ёшлигида ўзи маъбуд Шивага қандай сиғинганини эслаб, Дити ҳозир ундан шафқат қилишини тилаяпти.

#### Текст 37

Майтрея деди: Шунда донишманд Кашьяпа эрини ҳақорат қилгани туфайли кўркқанидан зир титраб турган хотинига мурожаат қилиб, гапира бошлади. У эрини кундалик руҳий вазифаларини бажаришдан – кечқурунги илтижоларини ўқишдан қўяётганини тушунарди, шунга қарамай барибир ўзининг дунёга келиши керак бўлган фарзандларининг бахтини ўйлаб шу ишни қилишга журъат қилган эди.

#### Текст 38

Донишманд Кашьяпа деди: Ақлинг булғангани сабабли сен фарзанд кўриш учун энг шарофатсиз вақтни танладинг, менинг гапларимга қулоқ солмадинг, фаришталарга ҳурмат-эҳтиром кўрсатмадинг, вазият бутунлай касофатли, қалтис эди.

Изоҳ: Жамиятда яхши фарзандлар дунёга келиши учун эркаклар диний ҳамда инсон ҳаётини тартибга соладиган бошқа қонун-қоидаларга риоя қилиб яшаши, аёллар эса эрига садоқатли бўлишлари керак. “Бхагавад Гита”(7.11)да айтилганки, диний қонунларга зид бўлмаган жинсий алоқа Кришнани онгида қилинадиган фаолиятнинг бир тури. Ана шундай алоқага киришишдан олдин эр-хотин ўзларининг ақлининг ҳолатини ва вақтни ҳисобга олиши, фаришталарга эҳтиром кўрсатишлари, хотин киши ҳамиша эрининг кўрсатмаларига итоат қилиши лозим. Ведалар таълимотига кўра сутканинг маълум бир вақтлари жинсий яқинлик қилиш учун жуда шарофатли ҳисобланади. Ана шундай вақт ораликлари гарбхадхана учун шарофатли вақтлар деб аталади. Дити ана шундай диний кўрсатмаларнинг ҳаммасини инкор этди, шунинг учун яхши фарзандлар кўришга қанчалик интилаётган бўлса ҳам, у дунёга келадиган фарзандлари брахман отасига номуносиб эканини билиб олади. Бу шеърдан кўриниб турибдики, брахманнинг ўғли ҳамиша брахман бўлиб туғилавермайди. Равана ва Хираньякашипу брахманнинг ўғиллари эди, лекин уларнинг ўзларини ҳеч ким брахман деб ҳисобламаган, чунки уларни дунёга келтиришда оталари диний қонунларга риоя қилмаганлар. Ана шундай фарзандларни иблислар ёки рақшаслар деб атайдилар. Аввалги даврларда одамлар шастраларнинг кўрсатмаларини камдан кам ҳолларда бузганлар, шунинг учун ер юзида имонсиз иблислар кўп бўлмаган, лекин биз яшаётган Кали-юга даврида жинсий алоқалар тартибга солинмаган. Шундай экан қандай қилиб яхши фарзандлар дунёга келишидан умидвор бўлиш мумкин? Номуносиб фарзандлар жамиятга фаровонлик келтиришга қодир эмаслар, аммо, Кришнани англаш ҳаракатининг фаолияти туфайли Худонинг муқаддас номларини зикр қила бошласалар, улар ҳам муносиб инсон бўлиб етишишлари мумкин. Чайтаня Махапрабхунинг инсониятга олиб келган ажойиб совғаси, бебаҳо неъматини ана шундан иборат.

#### Текст 39

Эй ўз билганидан қолмайдиган зот, сенинг нопок қорнингдан икки маҳмадона ўғил дунёга келади. Эй бахтиқаро аёл, бу фарзандлар бутун уч олам аҳли учун чексиз мусибатлар манбаига айланади.

Изоҳ: Аёлнинг нопок қорнидан дунёга маҳмадона ўғиллар дунёга келади. "Бҳагавад Гита"(1.40)да шундай дейилган: “Одамлар онгли равишда дин қонунларини буза бошласалар, жамиятдаги аёллар ёмон йўлга кириб кетадилар, натижада номуносиб авлод дунёга кела бошлайди”. Бу айниқса ўғил болаларга тааллуқли: агар фарзанднинг онаси покдомон аёл бўлмаса, у тақводор фарзандларни дунёга келтира олмайди. Донишманд Кашьяпа бемаҳалда нопок Дитининг қорнида қолдирган зурёдидан дунёга келган фарзандлар қандай хулқ-атворга эга бўлишини олдиндан билган эди. Унинг қорни булганган эди, шунинг учун шахвоний эҳтиросга берилиб, у барча кўрсатмаларни ва муқаддас китобларнинг қонунларини бузди. Ана шундай аёллар кўпчиликти ташкил этадиган жамият - янги авлодининг тақводор, виждонли зотлар бўлиб етишишдан умидвор бўла олмайди.

#### Текст 40

Улар бахтиқаро, ҳеч қандай айби йўқ тирик мавжудотларни ўлдирадилар, аёлларни қийнайдилар ва буюк зотларнинг қалбини ғазаб ўтида ёндирадилар.

Изоҳ: Бегуноҳ, беозор тирик мавжудотларни ўлдирадиган, аёлларни қийнайдиган ва маҳатма – Кришна онгида фаолият кўрсатиб юрган олижаноб инсонларнинг ғазабини келтирадиган жамиятда иблисларнинг таъсири кучли бўлади. Имонсиз иблислар жамиятида одамлар ўз нафсининг, яъни тилининг талабини қондириш учун беозор ҳайвонларни ўлдирадилар, ўзларининг тўймас шахвоний эҳтиросини қондириш учун аёлларни қийнайдилар. Аёллар ва гўшт бор жойда албатта вино ва зино ҳам пайдо бўлади. Жамиятда ана шундай ҳолатлар одатдаги ҳол бўлиб қолса, Парвардигорнинг марҳамати билан тез орада жамият тизимида катта ўзгариш рўй беришини кутиш керак. Парвардигор буни Ўзи амалга оширади ё бу вазифани бажаришни Ўзининг ҳақиқий вакилига топширади.

#### Текст 41

Шунда Олий Шахс Худо, барча тирик мавжудотларнинг бахтини ўйлайдиган оламнинг Парвардигори бу дунёда нозил бўлади ва худди Индра ўзининг яшин қуроли билан тоғларни яқсон қилгани сингари, уларни ўлдиради.

Изоҳ: "Бҳагавад Гита"(4.8)да айтилганидек, Парвардигор моддий оламга Худонинг содиқларини озодликка чиқариш ҳамда иблисларни яқсон қилиш учун келади. Олам Парвардигори Ўзининг содиқларига берган азоблари учун жазолаб Дитининг ўғилларини ўлдириш учун келади. Парвардигорнинг ҳар қандай, ҳатто энг буюк ва қудратли иблисни ҳам бемалол яқсон қилишга қодир бўлган Индра, Чандра, Варуна, фаришта Дурга ёки Кали сингари ёрдамчилари кўп. Бутун коинотда тоғлардан мустаҳкамроқ зот йўқ ҳисобланади, шунга қарамай Парвардигорнинг амри билан ҳар қандай тоғ яқсон бўлиши мумкин. Қанчалик қудратли бўлмасин, у ёки бу танани яқсон қилиш учун Олий Шахс Худонинг Ўзи бу дунёга келишининг ҳожати йўқ; Парвардигор бу дунёга фақат Ўзининг содиқлари учун келади. Моддий оламдаги бирор тирик мавжудот мусибатлардан қочиб қутула олмайди, аммо, бегуноҳ одамларни ва ҳайвонларни ўлдириш ёки

аёлларни қийнаш билан имонсиз иблисифат одамлар ҳаммага зарар етказадилар, шунинг учун уларнинг бундай бебошликлари Худонинг содиқлари қалбини қаттиқ изтиробга солади, шунда Парвардигор моддий оламга келади. Парвардигор бу дунёга фақат Ўзининг самимий содиқларининг изтиробларини қамайтириш учун келади. Парвардигор бу дунёга келганида У фақат Ўзининг содиқларига меҳрибонлик қилаётгандай бўлиб кўриниши мумкин, лекин аслини олганда иблисларни ўлдириши ҳам Унинг чексиз меҳрибонлиги ҳисобланади. Парвардигор мутлақ табиатли Зот, шунинг учун Унинг гуноҳқорларни яқсон қилиш билан боғлиқ бўлган фаолияти билан Ўзининг содиқларига меҳрибонлик кўрсатиш учун қилган ишлари орасида ҳеч қандай фарқ йўқ.

#### Текст 42

Дити жавоб берди: Ҳаммага меҳрибон Парвардигор, Олий Шахс Худо, Ўзининг меҳрибон Сударшана чакрасини отиб менинг ўғилларимни Ўз қўли билан ўлдириши қанчалик яхши. Эй азиз ҳукмдорим, фақат улар браҳман содиқларнинг ғазабига учраб ҳалок бўлмасалар, бас.

Изоҳ: Эридан ўғилларининг қароматлари буюк зотларнинг қалбини ғазабга келтиришини эшитиб, Дити қаттиқ хавотирлана бошлади. У ўғиллари браҳманларнинг ғазабига учраб ҳалок бўлади деб ўйлаб кўрқиб кетган эди. Браҳманлар кимдандир ғазабланса, Парвардигорнинг Ўзи бу дунёга келмайди, чунки гуноҳқор одамни жазолаш учун браҳманларнинг ғазабининг ўзи кифоя. Лекин, Парвардигор Ўзининг содиқлари нимадандир хафа бўлиб қаттиқ изтироб чекаётганини кўрса, Унинг Ўзи моддий оламга ташриф буюради. Худонинг содиқлари ҳеч қачон Парвардигорга илтижо қилиб, Ундан бу дунёга келиб уларни имонсизларнинг бераётган азоб-уқубатларидан ҳалос этишни тиламайдилар, ўзларини ҳимоя қилишни сўраб, Парвардигорнинг жонига ҳам тегавермайдилар. Парвардигорнинг Ўзи Ўзининг содиқларини ҳимоя қилишга шошилади. Агар Парвардигорнинг Ўзи ўлдирса, бу Унинг ўғилларига кўрсатган меҳрибонлиги эканини Дити яхши билади, шунинг учун у бу ерда Парвардигорнинг қўлидаги халқани “меҳрибон” деб таърифлади. Парвардигорнинг халқаси ўлдирган киши Унинг қўлларини кўриш бахтига муяссар бўлади, руҳий озодликка эришиш учун эса шунинг ўзи кифоя. Бундай омад ҳатто буюк донишмандларга ҳам камдан кам ҳолларда қулиб боқади.

#### Текст 43

Браҳманнинг ғазабига учраган, бошқа тирик мавжудотларни даҳшатга соладиган кишилардан ҳамма, уларнинг қариндошлари, ҳатто дўзахда яшайдиганлар ҳам нафратландилар.

Изоҳ: Жирканч ҳаёт кечирадиган тирик мавжудотларга итнинг ҳаёти ёрқин мисол бўлиши мумкин. Ҳамма уларни ҳайдаб юборади, ҳамма нафратланади, шундай ачинарли ҳаёт кечириб юрган итлар ҳатто ўз қариндошларини ҳам ёқтирмай талаб оладилар.

#### Текст 44-45

Донишманд Кашьяпа деди: Гуноҳ қилиб қўйганиндан қийналиб, пушаймон бўлаётганинг, тўғри фикрлаётганинг, Олий Шахс Худого чуқур имон келтирганинг, шунингдек маъбуд Шивани ва мени севганинг учун ўглинг(Хираньякашипу)нинг ўғилларидан бири(Прахлада) Парвардигорнинг буюк содиғи бўлиб етишади, унинг шон-шухрати, Олий Шахс Худонинг шухрати сингари, бутун олам бўйлаб кенг тарқалади.

#### Текст 46

Унинг изидан бориб, худди сифати паст олтиннинг сифати поклаш жараёнида яхшилангани сингари, такводор одамлар ўзида унинг сифатларини – тинчликсеварлик ва беозорлик фазилатларини ривожлантиришга интиладилар.

Изоҳ: Инсоннинг ички дунёсини, онгини поклашга мўлжалланган йога машғулотли жараёни биринчи навбатда сезгиларни жиловлаб олиш қондасига асосланган. Сезгиларини жиловлашни ўрганмасдан инсон душманлик ва нафратланиш туйғуларидан халос бўла олмайди. Шартланган рухларнинг ҳаммаси бир бирига ҳасад қилиб, ўзаро душманлик қиладилар, аммо озодликка эришган зотлар бошқаларга нисбатан ҳар қандай душманлик туйғусини йўқотади. Отаси ўзининг ўгли бўлган Прахлад Махаражга шунча азоб-укубат келтирганига қарамай, у ўлгандан кейин Прахлад Махараж Олий Шахс Худодан отасини руҳий озодликка чиқаришни илтимос қилди. У Парвардигордан ўзи учун бирор нарса тиламади, бунинг ўрнига у имонсиз отасини озодликка чиқаришни илтимос қилди. Прахлада отасининг амри билан уни қийнаган ва азоб берган одамлардан нолиб ҳам бир оғиз гап гапирмади.

#### Текст 47

Уни барча тирик мавжудотлар севадилар, чунки Худо Шахси Оламнинг олий ҳукмдори Ўзининг фикру-ҳаёли бутунлай Парвардигорда мужассам бўлган содиқ хизматкоридан ҳамиша мамнун бўлади.

Изоҳ: Олий Шахс Худо Олий Рух кўринишида ҳамма жойда мавжуд, шу боис Ўз хоҳиши билан истаган тирик мавжудотнинг ҳатти-ҳаракатини бошқара олади. Башоратларга қараганда Парвардигорнинг буюк содиғи бўлиб етишадиган Дитининг бўлғуси неварасини ҳамма, ҳатто унинг отасининг душманлари ҳам бирдай севадиган бўлади, чунки у ҳамиша ва ҳамма жойда фақат Олий Шахс Худони кўриб юради. Худонинг асл содиқ хизматкори қаерга қараса ҳам ўзи сизиниб юрган ягона Парвардигорни кўриб юради. Унинг ана шундай муносабатига жавобан Олий Рух сифатида ҳар бир тирик мавжудот қалбида мавжуд бўлган Парвардигор шундай қиладик, барча тирик мавжудотларнинг қалбида асл содиққа нисбатан муҳаббат уйғонади, чунки уларнинг қалбидаги Парвардигор уларни Ўзининг асл содиғига нисбатан дўстона муносабатда бўлишга ундайди. Ҳатто йиртқич ҳайвонлар ҳам Худонинг асл содиғига нисбатан дўстона муносабатда бўлганига тарихдан жуда кўп мисоллар келтириш мумкин.

#### Текст 48

Худонинг содиқлари ичида аълоси бўлган ана шу зот чуқур тафаккурга, чексиз обрў-эътиборга эга бўлади ва барча буюк зотлардан устун бўлади. Худого садоқат билан хизмат қилишнинг юқори поғонасига кўтарилиб, у илоҳий жазава ҳолатига эришади, моддий оламни тарк этиб, руҳий салтанатга қиради.

Изоҳ: Худого садоқат билан хизмат қилишнинг илоҳий жараёни ривожланиш босқичида санскрит тилида стхайи-бхава, анубхава ҳамда махабхава деб аталадиган уч поғона орқали ўтади. Ҳамиша ҳис қилиб юриладиган Худого муҳаббат туйғуси мукамал равишда стхайи-бхава ибораси билан ифодаланади, ана шундай муҳаббат туйғуси ўзаро илоҳий муносабатларда намоён бўлганида анубхава деб аталади. Махабхава поғонасига фақат Парвардигорнинг лаззатланиш қувватининг шахсий қиёфалари эришадилар. Мазкур шеърдан кўришиб турибдики, Дитининг невараси Прахлада Махараж ҳамиша Парвардигорга муроқаба қилиб ва Уни бетиним олқишлаб юради. Прахлада ҳамиша муроқабага ғарқ бўлиб юргани туфайли, моддий танасини тарк этгандан кейин ҳеч қийналмасдан руҳий оламга эришади. Лекин, ана шундай муроқабага ғарқ бўлишнинг энг осон усули Парвардигорнинг муқаддас номларини зикр қилиш ҳисобланади. Бу усул айниқса биз яшаётган Кали-юга одамлари учун алоҳида тавсия қилинган.

#### Текст 49

У эзгулик тимсоли ва барча эзгу фазилатлар манбаи бўлади; унинг бирор душмани бўлмайди, у бошқаларнинг бахтидан қувонади, бошига мусибат тушганларнинг дардига ҳамдард бўлади. Худди ёзнинг жазирама қуёшининг ўрнига келадиган салқин ой сингари, барча коинотларни мусибатдан халос этади.

Изоҳ: Прахлад Махараж Парвардигорнинг намунали содиқ хизматкори бўлиб, инсон эга бўлиши мумкин бўлган барча эзгу фазилатлар соҳиби эди. Ҳатто бутун олам императори бўлиб ҳам у ҳеч қачон ўзининг ҳокимлигини суистеъмол қилмаган. Ёшлигиданоқ Прахлада ўзида энг яхши фазилатларни намоён қила бошлаганди. Кашьяпа Муни Прахлад Махаражнинг фазилатларини санаб ўтирмасдан, фақат у барча эзгу фазилатларга эга бўлади деб айтади. Худонинг асл содиқ хизматкорининг ана шу фазилатлари уни бошқалардан ажратиб туради. Асл содиқнинг асосий сифати шундаки, уни лампата, яъни бемаъни одам деб бўлмайди. Содиқ хизматкорнинг бошқа сифати – унинг қатъий истаги бутун инсониятнинг мусибатларини енгиллатиш. Тирик мавжудотларнинг энг катта бахтсизлиги уларнинг Кришнани эсдан чиқарганидир. Шунинг учун асл содиқ ҳар бир инсоннинг қалбида Кришна онгини уйғотишга ҳаракат қиладди. Тирик мавжудотни барча мусибатлардан халос қилишга кодир бўлган ягона усул мана шундан иборат.

#### Текст 50

Сенинг неваранг ҳамма жойда – ҳам ичида, ҳам сиртида –Олий Шахс Худони, гўзал омад фариштасининг эри бўлган Парвардигорни кўриб юради. Парвардигор Ўзининг содиқ хизматкори Уни қайси қиёфада кўришни истаса, шу қиёфада намоён бўлади, Унинг юзини ҳамиша чиройли сирға безаб туради.

Изоҳ: Бу ерда айтилганки, Дитининг невараси Прахлада Махараж Худо Шахсини фақат ўзининг қалбида кўриб юрмасдан, Парвардигорнинг Ўзи унинг кўз олдида намоён бўлади. Фақат Кришна онги билан яшашнинг энг юқори поғонасига эришган кишигина Парвардигорни яққол кўриш қобилиятига эга бўлади, чунки Парвардигорни моддий кўзлар билан кўришнинг иложи йўқ. Олий Шахс Худо Кришна, Баладева, Санкаршана, Анируддха, Прадьюмна, Васудева, Нараяна, Рама, Нрисимха, Вараха ва Вамана сингари сон-саноксиз мангу қиёфаларга эга бўлиб, Унинг содиқ хизматкори Парвардигорнинг ана шу қиёфаларининг ҳаммасини яхши билади. Асл содиқнинг қалбида Парвардигорнинг мангу қиёфаларидан бирига боғланиш туйғуси ривожланади, Парвардигор чексиз марҳамат кўрсатиб содиқ хизматкор Уни қайси қиёфада кўришни истаса, шу қиёфада унинг олдида пайдо бўлади. Содиқ хизматкор Парвардигорнинг қиёфасини ўзи ўйлаб топмайди, айна пайтда у Парвардигор шахсиятсиз ёки У имонсиз киши Худони қандай қиёфада кўришни истаса, Парвардигор унинг олдида шундай қиёфада намоён бўлади деб ҳисобламайди. Парвардигорнинг қиёфалари ҳақида ҳеч қандай тушунчага эга бўлмаган ҳолда имонсиз киши Парвардигорнинг юқорида санаб ўтилган мангу қиёфаларидан бирортасини тасаввур қила олмайди. Лекин, содиқ хизматкор Парвардигорни кўрганида, Парвардигор унинг олдида ўзининг ажойиб либосларида ва Ўзининг мангу ҳамроҳи – мангу гўзал омад фариштаси билан бирига намоён бўлади.

Текст 51

Донишманд Майтрея деди: Невараси Худонинг буюк содиғи бўлишини, ўғиллари Кришнанинг қўлида ҳалок бўлишини эшитиб, Дити таърифлаб бўлмас даражада қувониб кетди.

Изоҳ: Аввалига, уларнинг бемаҳалда жинсий алоқа қилиши натижасида ундан Парвардигор билан жанг қиладиган имонсиз иблислар дунёга келишини эшитганида, Дити қаттиқ хафа бўлган эди. Лекин, невараси Худонинг буюк содиқ хизматкори бўлиб етишишини, икки ўғли эса Парвардигорнинг қўлида ҳалок бўлишини эшитганда, у жуда хурсанд бўлди. Буюк донишманднинг хотини ва буюк Праджапати, Дакшанинг кизи сифатида Дити Парвардигорнинг қўлидан ҳалок бўлиш – буюк бахт эканини яхши биларди. Парвардигор мутлақ табиатга эга бўлгани учун У нима қилса ҳам – хоҳ жазоласин, хоҳ шафқат қилсин - Унинг шахсан қилган ишлари ҳам мутлақ табиатга эга. Худонинг марҳамати ва Худонинг ғазоби бир биридан фарқ қилмайди. Моддий оламдаги зулм ва беозорлик тушунчаларини Парвардигорнинг кароматларига қўллаб бўлмайди. Унинг қўлида ҳалок бўлган иблислар ҳам кўплаб умрлар давомида руҳий юксалишга интилиб риёзат чекишга, танасини қийнашга берилган ва ниҳоят руҳий озодликка эришган кишининг эришган натижасига эришади. Бу шеърда бхришам ибораси алоҳида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у Дитининг қувончи чексиз эканини билдиради.

"Шримад Бхагаватам"нинг Учинчи Қўшиқ "Дитининг бевакт ҳомиладор бўлиши" деб аталадиган ўн тўртинчи бобига Бхактиведантанинг изоҳлари шундай яқунланади.

## Ўн бешинчи боб Парвардигорнинг салтанатининг таърифи

Текст 1

Шри Майтрея деди: Азизим Видура, донишманд Кашьяпанинг хотини Дити қорнидаги фарзандлари фаришталарга кўплаб мусибатлар келтиришини биларди. Шу боис, у Кашьяпа Мунининг келажакда тирик мавжудотлар учун кўплаб бахтсизликлар манбаи бўлиб дунёга келадиган қудратли зурёдини юз йил давомида қорнида сақлаб юрди.

Изоҳ: Буюк донишманд Шри Майтрея Видурага фаришталарнинг, шу жумладан маъбуд Браҳманинг фаолияти ҳақида гапириб берган эди. Қорнида олиб юрган фарзандлари фаришталарга кўплаб мусибатлар келтириши ҳақида эридан билиб олган Дити қаттиқ афсусланди. Одамларнинг ҳаммаси икки тоифага - имонли ва имонсизларга, содиқлар ва иблисларга бўлинади. Имонсиз одамлар иблислар, Худонинг содиқлари эса – фаришталар деб аталади. Хоҳ эркак бўлсин, хоҳ аёл бўлсин, бирор соғлом фикрлайдиган киши имонсиз одамларнинг Худонинг содиқларини қийноққа солиб озор беришига хотиржам қараб тура олмайди. Шу боис Дити ўзининг қорнидаги фарзандларини дунёга келтиришга шошилмасди; у фаришталарни мусибатлардан ҳеч бўлмаса вақтинча асраб юриш учун юз йил кутди.

Текст 2

Дитининг узокқа чўзилган ҳомиладорлиги сабабли коинотдаги сайёралар қуёш ва ой нуридан деярли бутунлай маҳрум бўлдилар, шу сайёраларнинг фаришталари эса, бу воқеалардан ташвишга тушиб, оламнинг яратувчиси маъбуд Браҳмадан сўрадилар: "Оламнинг ҳамма тарафини қамраб олган бу қоронғу зулматнинг сабаби нимада?"

Изоҳ: "Шримад Бхагаватам"нинг мазкур шеърдан кўриниб турибдики, Қуёш коинотдаги сайёралар ҳаммаси учун ягона ёруғлик манбаи ҳисобланади. Бу шеър замонавий олимларнинг "ҳар бир коинотда кўплаб қуёшлар мавжуд" деган тахминини инкор этади. Ведалар таълимотига кўра, ҳар бир коинотда фақат битта қуёш бор бўлиб, у ўз нурлари билан коинотдаги барча сайёраларга ёруғлик етказиб беради. "Бхагавад Гита"да айтилганки, Ой ҳам юлдузлар туркумига қаради. Сон-саноксиз юлдузлар мавжуд, уларнинг милтираб турганидан хулоса чиқариш мумкинки, улар ўзларига тушиб турган қуёш нурини акс эттириб турадилар. Худди Ойнинг нури Қуёш нурининг унда акс этиб турган шуъласи бўлгани сингари, бошқа сайёралар ҳам қуёш нурини акс эттирадилар, лекин улардан ташқари, коинотда инсон бевосита ўзининг кўзи билан кўра олмайдиган бошқа жуда кўплаб сайёралар мавжуд. Дитининг ҳали қорнида ётган ўғилларининг иблисларга хос таъсири оқибатида бутун коинотни зулмат қоплаганди.

### Текст 3

Худонинг марҳаматига эришган фаришталар шундай дедилар: Эй буюк зот, сабаби сенга маълум бўлган ва бизларни шунчалик ташвишга солган бу зулматга бир кара! Сендан ҳеч нарсани яшириб бўлмайди, чунки замон сенга ўз ҳукмини ўтказа олмайди.

Изоҳ: Бу ерда фаришталар маъбуд Браҳмани Вибху, яъни Олий Шахс Худо деб атаптилар. У Олий Шахс Худонинг моддий оламда эҳтирос гунасини бошқариб турадиган тимсолидир. Парвардигорнинг вакили сифатида у Олий Шахс Худодан фарқ қилмайди, шунинг учун вақт унга ҳеч қандай таъсир кўрсата олмайди. Маъбуд Браҳмага, бошқа фаришталарга. шунингдек, алоҳида қудрат ато этилган тирик мавжудотларга ҳам ўтмиш, ҳозир ва келажак кўринишида намоён бўладиган вақт ўз ҳукмини ўтказа олмайди.. Ана шундай мукамалликка эришган фаришта ва донишмандларни баъзан три-кала-юга деб атайдилар.

### Текст 4

Эй фаришталар ҳукмдори, эй коинот посбони, эй бошқа сайёраларда яшайдиган фаришталар орасида гавҳари, ҳам руҳий оламда, ҳам моддий оламда яшайдиган барча тирик мавжудотларнинг фикрлари сенга маълум.

Изоҳ: Маъбуд Браҳма Худо Шахси билан деярли бир поғонада тургани учун бу ерда уни фаришталарнинг ҳукмдори деб айтптилар, у моддий коинотнинг иккиламчи яратувчиси бўлгани туфайли уни коинот посбони деб атайдилар. У – барча фаришталарнинг ҳукмдори, шунинг учун уни бу ерда фаишталар орасида гавҳари деб атаганлар. Маъбуд Браҳма ҳеч қийналмасдан руҳий ва моддий оламда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларнинг моҳиятини англаб ета олади. Ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбидаги сирлари ва фикрлари унга аён. Шунинг учун фаришталар ундан бу ҳодисанинг маъносини тушунтириб беришни илтимос қиляптилар. Нима сабабдан Дитининг ҳомилдорлиги бутун коинот аҳли учун шунча ташвишлар манбаи бўляпти?

### Текст 5

Бизлар чуқур эҳтиром билан илм ва кучнинг азалий манбаи бўлган сенинг олдинда бош эгамиз. Парвардигорнинг Ўзи ажралган эҳтирос гунасини сенинг ҳукмингга топширди. Ташқи қувват сенинг намоён бўлмаган манбадан дунёга келишингни таъминлади. Шунинг учун бизлар такрор ва такрор чуқур эҳтиром билан сенинг олдинда бош эгамиз!

Изоҳ: Ведалар бутун илм-фаннинг бошланғич манбаидир, чунки уларда илм-фаннинг барча соҳаларига доир маълумотлар берилган. Ана шу ведавий илми олам яратилиш тонгида Парвардигорнинг Ўзи маъбуд Браҳманинг қалбига жойлаб қўйган, шунинг учун Браҳмани илм-фаннинг бошланғич манбаи деб атайдилар. У моддий оламда яшайдиган тирик мавжудотларнинг кўзига кўринмайдиган ва шу боис ҳамиша намоён бўлмаган ҳолатда бўлган Гарбходакашайи Вишнунинг илохий танасидан дунёга келган. Бу шеърда айтилганки, Браҳма намоён бўлмаган

манбадан пайдо бўлган. У – Парвардигорнинг ажралган ташқи қуввати бўлган моддий табиат салтанатида эҳтирос гунасининг тимсолидир.

### Текст 6

Эй ҳукмдор, бу сайёраларнинг ҳаммаси сенинг ичингда жойлашган, барча тирик мавжудотлар ҳам сен туфайли дунёга келадилар. Шундай қилиб, сен мана шу коинотнинг сабабчисан, сенга ҳамиша муруқабат қилиб юрган киши Худога садоқат билан хизмат қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

### Текст 7

Ўзининг нафас олиш жараёнини бошқариб, ақли ва сезгиларини жиловлаб олган ҳолда сеҳрли йогада камолотга эришган кишилар моддий оламда мағлубият нималигини билмай яшайдилар. Бунинг учун улар фақат сендан миннатдор бўлишлари лозим, чунки йогада баркамолликка эришиб, улар сенинг марҳаматинга сазовор бўлдилар.

Изоҳ: Мана шу шеърда сеҳрли йога билан шуғулланишнинг мақсади кўрсатилган. Бу ерда айтилганки, нафас олиш жараёнини бошқариб, тажрибали сеҳргар йог ўзининг ақли ва сезгиларини тўла жиловлаб олади. Шундай қилиб, нафас олиш жараёнини бошқаришни ўрганиш йоганинг охириги мақсади эмас. Йоганинг охириги мақсади ақл ва сезгиларни жиловлаб олишдан иборат. Ана шу мақсадга эришган ҳар қандай кишини комил сеҳргар йог деб ҳисоблаш керак. Бу ерда айтилганки, ақли ва сезгиларини жиловлаб олган йог Парвардигорнинг ҳақиқий марҳаматига эришади ва кўрқув тўғусидан бутунлай халос бўлади. Бошқача қилиб айтганда, ақли ва сезгиларини жиловлашни ўрганмай туриб Парвардигорнинг марҳаматига эришиб, Уни мамнун қилишнинг иложи йўқ. Бунга фақат инсон ҳамиша Кришна онгидаги фаолият билан машғул бўлиб юрагина эриша олади. Сезгилари ва ақли ҳамиша Парвардигорга илохий хизмат қилиш билан банд бўлган киши моддий фаолият билан шуғулланиш имкониятидан маҳрум бўлади. Коинотдаги бирор куч Худонинг содиқларини мағлубиятга учрата олмайди. Нараяна-парах сарве: нараяна-пара, яъни, Олий Шахс Худонинг содиқ хизматкори қаерда бўлса ҳам, жаннатдами, дўзахдами, кўрқув нималигини билмайди("Шримад Бхагаватам",6.17.28).

### Текст 8

Барча тирик мавжудотларнинг ҳаётини тартибга солиб турадиган Ведаларнинг кўрсатмалари худди хўжайини хўкизни бошқариш учун унинг бурнидан ўтказиб олган чилвирга ўхшайди. Ведавий муқаддас китобларда ёзилган қонун-қоидаларни бузган бирор киши жазосиз қолмайди. Бизларга Ведаларни инъом этган, барча тирик мавжудотларнинг сардори бўлган сенинг олдинда бизлар чуқур эҳтиром билан сажда қиламиз.

Изоҳ: Ведавий муқаддас китоблар Олий Шахс Худонинг қонунлари тўпламидан иборат. Худди давлат қонунларини бузиш мумкин бўлмагани сингари, инсон Ведаларнинг кўрсатмаларига зид бўлган иш қилмаслиги керак. Ҳақиқий бахт-саодатга эришишга интилиб юрган ҳар бир инсон ведавий муқаддас китобларнинг

кўрсатмаларига риоя қилиб яшаши лозим. Ведаларда нозил қилинган қонун-қоидалар моддий оламга моддий лаззатланиш учун келган шартланган руҳларнинг ҳаётини тартибга солиб туради. Ҳиссий лаззатлар худди тузга ўхшайди. Овқат ширин бўлиши учун унга тузни кўп эмас, оз эмас, аниқ меъёрида солиш керак. Моддий оламга келган шартланган руҳлар ўзларининг сезгиларидан Ведаларнинг аниқ кўрсатмалари асосида фойдаланишлари лозим, акс ҳолда улар ҳар қадамда янгидан янги мусибатларга дуч келаверадилар. Бирор инсон ёки фаришта Ведавий муқаддас китоблардаги қонунларга ўхшаган қонун яратишга қодир эмас, чунки Ведаларнинг кўрсатмаларини Парвардигорнинг Ўзи яратиб қўйган.

#### Текст 9

Фаришталар маъбуд Браҳмага шундай илтижо қилдилар: Илтимос, бизларга ўзининг меҳрибон назарингни ташла ва мусибатларимиздан хабар ол. Бутун атрофни қоплаб олган қоронғу зулмат сабабли бизларнинг фаолиятимиз бутунлай тўхтаб қолди.

Изоҳ: Коинотни қамраб олган қоронғу зулмат дастидан ҳар хил сайёраларнинг аҳолиси ўзларининг одатдаги фаолиятини ва кундалик машғулотлари амалга ошира олмай қолдилар. Сайёрамизнинг Шимолий ва Жанубий кутбларида кун ва тун қўшилиб кетадиган кунлар бўлади; худди шундай, коинотдаги сайёраларга қуёш нури бормай қўйса, уларда тун билан кунни бир биридан ажратиб бўлмай қолади.

#### Текст 10

Худди кўп ўтин ташлаганда гулханнынг олови ўчиб қолгани сингари, Кашьяпанинг зурёидан Дитининг қорнида ривожланган ҳомила сабабли бутун коинот қоронғу зулматга ғарқ бўлди.

Изоҳ: Мазкур шеърда, коинотни қамраб олган қоронғу зулматнинг сабабчиси Дитининг қорнида Кашьяпанинг зурёидан ривожланаётган ҳомила экани айтилган.

#### Текст 11

Шри Майтрея деди: Фаришталарнинг илтижоларидан мамнун бўлган, илоҳий товуш ёрдамида англаш мумкин бўлган маъбуд Браҳма уларни тинчлантиришга ҳаракат қилди.

Изоҳ: Содир бўлаётган воқеалар ҳақидаги гапларни тинглаб туриб, Дитининг қилган гуноҳидан хабардор бўлган маъбуд Браҳма қулиб қўйди. Кейин у шу ерга тўпланган фаришталарга тушунарли қилиб жавоб бера бошлади.

#### Текст 12

Маъбуд Браҳма деди: Сизлардан анча олдин тўрт ўғлим – Санака, Санатана, Санандана ва Санат-кумар – менинг ақлимдан дунёга келган эдилар. Баъзан улар бирор аниқ истаксиз моддий ва руҳий осмон кенгликлари бўйлаб сайр қилиб юрадилар.

Изоҳ: Истак деганда биз моддий сезгиларни лаззатлантириш истагини назарда тутамиз. Санака, Санандана, Санатана ва Санат-кумар сингари авлиё зотларнинг ҳеч қандай моддий истаги йўқ, лекин, баъзида улар ҳеч кимнинг қистовисиз, тирик мавжудотларга тарғибот қилиб ва уларга Худога садоқат билан хизмат қилиш ҳақида гапириб, бутун коинот бўйлаб сайр қилиб юрадилар.

#### Текст 13

Бутун коинотни айланиб, улар руҳий олам чегараларига бориб етдилар, чунки улар моддий иллатлардан бутунлай пок эдилар. Руҳий олам осмонида Вайкунтха деб аталадиган руҳий сайёралар сузиб юради. Ана шу сайёраларга барча моддий сайёраларнинг аҳолиси сиғинадилар, чунки уларда Парвардигорнинг Ўзи билан бирга Унинг асл содиқлари яшайдилар.

Изоҳ: Моддий олам ташвиш ва хавотирларга тўла. Энг юқори сайёрадан то энг қуйи – Паталагача бўлган сайёраларнинг ҳаммасида барча тирик мавжудотлар ҳамиша хавотирда юрадилар, чунки моддий оламда мангу яшашнинг иложи йўқ. Аслини олганда барча тирик мавжудотлар мангу яшайдилар. Улар мангу уйга, мангу даргоҳга эришишга интиладилар, лекин, ўткинчи моддий оламда яшаётгани сабабли ҳамиша хавотирга тушиб юрадилар. Руҳий оламнинг сайёралари Вайкунтхалар деб аталади, чунки уларда яшайдиган аҳоли ташвиш, хавотир нималигини билмайди. Уларда туғилиш, ўлиш, кексалик ва касаллик бўлмайди, шунинг учун уларнинг ҳаётига ҳеч қандай хавотир ва ташвишлар раҳна солмайди. Аксинча, моддий олам сайёраларининг аҳолиси ҳамиша туғилиш, касаллик, кексалик ва ўлим олдида хавотирга тушиб кўрқиб яшайдилар, шунинг учун уларнинг ҳаётига ҳар хил ташвиш ва хавотирлар раҳна солиб туради.

#### Текст 14

Вайкунтха сайёраларида яшайдиган аҳолининг барчаси ташқи кўринишидан Олий Шахс Худога ўхшайди. Уларнинг ҳаммаси Худога садоқат билан хизмат қиладилар ва ҳиссий лаззатланишга интилмайдилар.

Изоҳ: Бу шеърда Вайкунтхада яшайдиган зотлар ва уларнинг турмуш тарзи таърифланган. Вайкунтханинг барча аҳолиси ташқи кўринишидан Олий Шахс Худо, Нараянага ўхшайди. Вайкунтха сайёраларини бошқарадиган илоҳ Парвардигор Шри Кришнанинг тўла намоён бўлган экспансияси тўрт қўлли Нараяна. Вайкунтхалока аҳолисининг ҳаммаси тўрт қўлли бўлиб, шу билан улар моддий оламда яшайдиган зотлардан ажралиб туради. Биз моддий оламда ҳеч қаердан тўрт қўлли одамни топа олмаймиз. Вайкунтха аҳолисининг Худога садоқат билан хизмат қилишдан бошқа иши йўқ, Унга хизмат қилар экан улар ўзлари учун бирор манфаат кўзламайдилар. Гарчи ҳар қандай хизмат у ёки бу натижага олиб келса ҳам, Худонинг содиқлари ҳеч қачон ўз истакларини амалга оширишга интилмайдилар; уларнинг ҳамма истаклари Парвардигорга илоҳий хизмат қилишга қаратилган.

#### Текст 15

Вайкунтха сайёраларида Олий Шахс Худо – фақат ведавий муқаддас китоблар ёрдамида англаб етиш мумкин бўлган азалий Шахс яшайди. Ҳеч нарса билан булганмаган, эхтирос ва ғафлат иллатидан пок, соф эзгуликка тўла Парвардигорнинг Ўзи содиқларнинг руҳий баркамолликка эришишига ёрдам беради.

Изоҳ: Олий Шахс Худонинг салтанати ҳақида фақат Ведавий муқаддас китобларда келтирилган маълумотлар орқали билиб олиш мумкин. Бирор тирик мавжудот уни ўз кўзи билан кўриб келиш учун у ёққа йўл ололмайди. Ҳатто мана шу ерда, моддий оламда ҳам узоқ мамлакатларга транспорт воситаларида саёҳат қилиш учун пули бўлмаган киши улар ҳақида фақат китобларда келтирилган аниқ маълумотлар орқали билиб олиши мумкин. Руҳий олам осмонида сузиб юрган Вайкунтха сайёралари моддий олам чегараларидан жуда узоқда жойлашган. Моддий коинотни забт этишга уриниб юрган ҳозирги олимларнинг ҳатто бизларга энг яқин сайёрага ҳам боришлари жуда мушкул. Улар ойга, моддий коинотнинг олий сайёраларига бора олмайдилар, моддий олам чегарасидан чиқиш, руҳий оламга бориш ва ўз кўзи билан руҳий сайёраларни кўришни эса, улар ҳатто ҳаёлига ҳам келтирмайдилар. Шунинг учун Парвардигорнинг руҳий оламдаги салтанати ҳақидаги маълумотларни Ведаларда ва Пураналарда берилган ишонарли манбалардан олиш мумкин.

Моддий оламни моддий табиатнинг уч гунаси бошқаради: эзгулик, эхтирос ва ғафлат, - лекин руҳий оламда эхтирос ва ғафлат гунаси умуман мавжуд эмас, у ерда фақат ғафлат ва эхтирос гунасидан заррача ҳам аралашмаган соф эзгулик гунаси мавжуд. Моддий оламда ҳатто фақат эзгулик гунаси таъсири остида юрган киши ҳам баъзан ўзида эхтирос ва ғафлат гунасининг иллатли таъсирини ҳис қилади. Аммо Вайкунтха оламида, руҳий осмонда эзгулик гунаси соф ҳолда мавжуд. Вайкунтха сайёраларида Парвардигор ҳамда худди шундай шуддха-саттва - илоҳий табиатда, яъни соф эзгулик гунасида бўлган Унинг содиқлари яшайдилар. Вайкунтха сайёралари шу жойга қайтиб боришга интилаётган барча вайшнавлар учун жуда азиз, вайшнав-содиқларнинг Худонинг даргоҳига эришишига Парвардигорнинг Ўзи ёрдам беради.

#### Текст 16

Вайкунтха сайёраларида роҳатбахш ўрмонлар бор, улардаги дарахтларнинг ҳаммаси – орзулар дарахти. Йилнинг истаган фаслида бу дарахтлар гул ва меваларга тўла бўлади, чунки Вайкунтха сайёраларида ҳамма нарса руҳий ва шахсий табиатга эга.

Изоҳ: Вайкунтха сайёраларида ҳамма нарса – ер, дарахтлар, мевалар, гуллар ва сигирлар - руҳий ҳамда шахсий сифатларга эга. У жойда ўсадиган дарахтларнинг ҳаммаси - орзулар дарахти. Биз яшаётган моддий сайёрада дарахтлар моддий қувват қонунларига бўйсунган ҳолда гуллаб мева берадилар, аммо Вайкунтха сайёраларида ер, дарахтлар, одамлар ва ҳайвонлар руҳий табиатга эга. У жойда дарахт билан ҳайвон, ҳайвон билан инсон орасида фарқ йўқ. Бу ерда ишлатилган муртимат ибораси шуни кўрсатадики, Вайкунтха сайёраларидаги ҳамма нарса руҳий табиатга эга. Мана шу шеър имперсоналистларнинг “руҳ шакл-шамойилга

эга эмас” деган гапларини инкор этади; гарчи Вайкунтха сайёраларида ҳамма нарса руҳий табиатга эга бўлса ҳам, барибир улар аниқ қиёфага эга. Ана шу сайёраларда дарахтлар ҳам, одамлар ҳам аниқ қиёфага эга, лекин, улар ҳам, булар ҳам, турли қиёфаларга эга бўлишига қарамай руҳий табиатга эга, шунинг учун улар орасида ҳеч қандай фарқ йўқ.

#### Текст 17

Вайкунтха сайёраларининг аҳолиси ўзларининг хотинлари билан самовий ҳаво кемаларида сайр қилиб юрадилар ва тинмасдан ҳеч қандай иллат яқинлаша олмайдиган Парвардигорнинг сифатларини ва кўрсатган кароматларини шарафлаб қуйлаб юрадилар. Парвардигорни шарафлаб қуйлар экан, улар қийғос очилиб гуллаган ва анвойи хид таратиб, асали оғирлигидан ерга эгилиб турган мадҳава гулларига ҳам эътибор бермайдилар.

Изоҳ: Мазкур шеърдан кўришиб турибдики, Вайкунтха сайёралари ҳар хил бойликларга тўла. У жойда ҳаво кемалари бор, Вайкунтхада яшайдиган зотлар уларда ўзларининг севгилилари билан руҳий олам осмонида сайр қилиб юрадилар. Қийғос очилган гулларнинг муаттар ҳидини келтирадиган енгил шабада гуллар нектарини бутун атрофга таратади. Лекин Вайкунтха аҳолиси Парвардигорни шарафлаб қуйлашга шунчалик берилиб кетганларки, ана шу ёқимли шабада уларни чалғитиб, Парвардигорнинг улуғворлигини шарафлаб қуйлашга ҳалақит берса, уларнинг жаҳли чиқади. Бошқача қилиб айтганда, уларнинг ҳаммаси Худонинг асл содиқлари бўлиб, Парвардигорни олқишлаб қуйлашни ўз ҳиссиётини лаззатлантиришдан муҳимроқ деб биладилар. Ҳиссий лаззатланишга интилиш туйғуси Вайкунтха сайёраларида яшайдиганлар учун ёт, бегона бўлган туйғу. Янги очилган гулнинг муаттар атрини хидлаш албатта жуда ёқимли туйғу, лекин аслида бу шунчаки ҳиссий лаззат, холос. Вайкунтхада яшайдиганлар учун ўзларининг сезгиларини лаззатлантиришдан кўра Парвардигорга хизмат қилиш муҳимроқ. Худого садоқат билан хизмат қилиш уларга шундай илоҳий лаззат келтирадики, бу лаззат олдида ҳар қандай ҳиссий лаззат арзимаган нарса бўлиб, уларнинг эътиборини жалб қила олмай қолади.

#### Текст 18

Каптар ва какку, турна ва чакравака, окқуш, тўти, сулгун ва товус Парвардигорни шарафлаб қуйлаётган арилар шохининг жарангдор қўшиқларини эшитган захоти жим бўлиб қоладилар. Ана шу илоҳий қушлар фақат бошқаларнинг Парвардигорни олқишлашларини тинглаш учунгина ўзлари қуйлашдан тўхтаб қоладилар.

Изоҳ: Мазкур шеърда Вайкунтха сайёраларининг илоҳий табиати таърифланган. Руҳий оламда қушлар билан одамлар орасида фарқ йўқ. У жойда ҳамма нарса руҳий табиатга эга ва ранг-барангликка тўла. Руҳий ранг-баранглик ҳақида гапирар эканмиз, биз руҳий оламда ҳамма нарса тирик мавжудот эканини назарда тутамиз. У жойда бирор жонсиз, ўлик нарса йўқ. Вайкунтха сайёраларида ҳатто дарахтлар, ер, ўсимликлар, гуллар, қушлар ва ҳайвонлар ҳам Қришна онгига эга. Вайкунтхалоканинг алоҳида белгиси шундан иборатки, унда яшайдиган зотларда

Ўз хиссиётини лаззатлантириш истаги умуман мавжуд эмас. Моддий оламда ҳатто эшак ҳам ўзининг овозидан лаззатланади, Вайкунтҳада эса, ҳатто товуслар, чакравака ва какку сингари ажойиб қушлар ҳам Парвардигорни олқишлайдиган асалариларнинг кўшигини тинглашни афзал биладилар. Тинглаш ва такрорлашдан бошланадиган Худога садоқат билан хизмат қилиш қоидалари Вайкунтҳа оламида яшашнинг асосини ташкил этади.

#### Текст 19

Гарчи мандара, кунда, курабака, утпала, чампака, арна, пуннага, нагакешара, бакула, лайло ва париджата гуллари ўзлари илоҳий муаттар ҳид таратиб гулласалар ҳам, ҳамиша туласининг чеккан риёзатларини эсдан чиқармайдилар, чунки Парвардигор туласининг барглари билан ясалган гулчамбар билан Ўзини безаш билан унга алоҳида ҳурмат кўрсатаётганини кўриб турадилар.

Изоҳ: Бу шеърда туласи барглари қанчалик муҳим аҳамиятга эга экани айtilган. Туласи дарахти ва унинг барглари Худога садоқат билан хизмат қилишда жуда муҳим роль ўйнайди. Муқаддас китобларда Худонинг содиқларига ҳар куни туласи дарахтига сув куйиб туриш ва Парвардигорга сиғиниш маросими ўтказиш учун унинг баргларини териш тавсия қилинган. Бир имонсиз атеист-свами: “Туласига сув куйишдан нима фойда? Ундан кўра бақлажонга сув куйган яхшироқ. Бақлажон бизга мева беради, лекин туласи нима беради?” - деган эди. Худога садоқат билан хизмат қилишдан беҳабар бўлган ана шундай аҳмоқлар баъзан оддий одамларга руҳий таълим-тарбия бериш ишларига жуда катта зарар етказдилар.

Рухий оламнинг энг муҳим фазилати шундан иборатки, у жойда Худонинг содиқларининг ўзаро муносабатларида ҳасад деган нарсага мутлақо ўрин йўқ. Бундай ҳолат ҳатто ҳар бири туласининг қанчалик улуғвор эканини англаб етган ўсимликларга ҳам тааллуқли. Тўрт Кумар етиб борган Вайкунтҳа сайёраларида ҳатто қушлар ва ўсимликлар ҳам Худога садоқат билан хизмат қиладилар.

#### Текст 20

Вайкунтҳада яшайдиган зотлар лазурит, зумрад ва олтиндан ясалган ҳаво кемаларида саёҳат қилиб юрадилар. Улар ҳатто сонлари бўлиқ, юзларида табассум ўйнаб турган ўзларининг соҳибжамол рафиқалари ёнида ҳам уларнинг табассумига ва кишини лол қолдирадиган гўзаллигига эътибор бермайдилар, эҳтирос туйғуси хуруж қилмайди.

Изоҳ: Моддий оламда барча бойликларнинг манбаи меҳнат ҳисобланади. Фақат тиним билмай меҳнат қилган киши моддий фаровонликка эриша олади. Аммо руҳий оламда, Вайкунтҳада яшайдиган Худонинг содиқлари қимматбаҳо тошлар ва гавҳарларга бой. Олтиндан ясалган ва қимматбаҳо тошлар билан безатилган ҳамо кемаларига улар қилган оғир меҳнатлари натижасида эмас, балки Парвардигорнинг марҳамати билан эришадилар. Бошқача қилиб айтганда, Вайкунтҳа сайёраларида ёки, одамлар орасида тарқалган нотўғри фикрларга қарши, ҳатто моддий оламда ҳам Худонинг содиқлари ҳеч нарсага муҳтож бўлмай яшайдилар. Улар чексиз бойликка эгалар, шу бойликка эга бўлиш учун улар

машаққат билан меҳнат қилишлари шарт эмас. Бу ерда яна айtilганки, Вайкунтҳада яшайдиганларнинг рафиқалари моддий оламда, ҳатто юқори сайёраларда яшайдиган энг чиройли аёллардан ҳам бир неча марта гўзалроқ. Жумладан бу ерда айtilганки, эркакларнинг эҳтиросини уйғотадиган аёлларнинг сонлари чиройли ва бўлиқ, лекин Вайкунтҳанинг энг хайратланарли хусусияти шундан иборатки, унда яшайдиган аёлларнинг бўлиқ сонлари ва чиройли юзларига, уларнинг зумрад ва қимматбаҳо тошлардан ясалган безакларига қарамасдан, у жойдаги эркаклар Кришна онгига шунчалик ғарқ бўлганларки, Вайкунтҳадаги гўзал аёлларнинг ажойиб таналари уларни ўзига мутлақо жалб қила олмайди. Бошқача қилиб айтганда, Вайкунтҳа аҳолиси қарама-қарши жинс билан ҳамсухбат бўлишдан лаззатланадилар, лекин ҳеч қачон улар билан жинсий алоқа қилмайдилар. Улар анча юксакроқ бўлган улуғвор лаззатга ғарқ бўлиб яшайдилар, шунинг учун улар ўзларида жинсий алоқадан лаззатланишга ҳеч қандай эҳтиёж сезмайдилар.

#### Текст 21

Вайкунтҳа сайёраларидаги аёллар омад фариштаси сингари соҳибжамол. Илоҳий гўзалликка эга бўлиб, улар нилуфар гулларини ўйнаб юрадилар, юрганларида уларнинг оёқларидаги тақинчоқлар жаранглайди, баъзан эса, Олий Шахс Худонинг марҳаматига эришиш учун улар олтин карнизлар билан безатилган мрамор деворларнинг чангини артадилар.

Изоҳ: "Брахма-самхита"да айtilганки, Парвардигор Говиндага унинг даргоҳида миллионлаб омад фаришталари хизмат қиладилар. Лакшми-сахасра-шата-самбхрама-севйаманам. Вайкунтҳа сайёраларида яшайдиган ана шу миллионлаган омад фаришталари аниғини айтганда, Парвардигорнинг рафиқалари эмас, балки Унинг содиқларининг Худога садоқат билан хизмат қиладиган хотинларидир. Бу ерда айtilганки, Вайкунтҳадаги сайёралар мрамардан қурилган, "Брахма-самхита"да эса, Вайкунтҳадаги ерлар фалсафа тошидан тўшалган. Демак, у жойда тозалик ҳақида қайғуришнинг ёки кўчаларни супуришнинг ҳожати йўқ, чунки у жойда умуман чанг деган нарсанинг ўзи йўқ. Шунга қарамай, Вайкунтҳадаги аёллар Парвардигорни мамнун қилиш учун ҳамиша мрамар устунларнинг чангини артадилар. Нимага? Улар буни фақат Парвардигорнинг марҳаматига эришиш учун қиладилар.

Бу ерда яна айtilганки, Вайкунтҳада яшайдиган омад фаришталари ўзларининг бенуқсон хулқ-атвори билан ажралиб турадилар. Одатда омад фариштаси бир жойда узоқ вақт тўхтаб тура олмайди. Уни Чанчала, яъни “ўзгарувчан” деб атайдилар. Шунинг учун ҳатто сон-саноксиз бойликка эга бўлган кишилар ҳам баъзан бойлигидан айрилиб энг қашшоқ одамга айланиб қоладилар. Бунга Раванани мисол келтириш мумкин. Равана Ситаджини, яъни Лакшмини ўзининг салтанатига олиб кетган эди, лекин Лакшмининг марҳамати билан бахт-саодатга эришиш ўрнига оиласидан ҳам, салтанатидан ҳам маҳрум бўлди. Шундай қилиб, Равананинг уйига фақат Лакшми-Чанчала, ўзгарувчан Лакшми келиши мумкин. Раванага ўхшаган одамлар Лакшмининг эри Нараянасиз, фақат унинг ўзини олишга интиладилар, аммо Лакшмиджи уларнинг ҳолатини жуда ўзгарувчан қилиб қўяди. Дунёвий одамлар Лакшмини жуда ўзгарувчанликда айблайдилар,

аммо Вайкунтҳада Лакшмиджи ҳамиша Парвардигорга бетиним хизмат қилади. Ҳатто ўзи омад фариштаси бўлса ҳам, у Парвардигорнинг марҳаматисиз бахтиёр бўла олмайди. Бахтли бўлиш учун омад фариштаси Худонинг марҳаматига эришиши керак, шунга қарамай, моддий оламда бахтга эришиш учун ҳатто Браҳма, коинотдаги энг олий тирик мавжудот ҳам Лакшмидан ёрдам сўрайдилар.

#### Текст 22

Омад фаришталари ўзларининг боғларида Парвардигорга сажда қиладилар, илоҳий сув ҳавзаларининг қораллар билан безатилган соҳилларида Унга туласи барглари тақдим этадилар. Парвардигорга сажда қилар экан, улар сув юзида ўзларининг қиррабурун чиройли юзларининг аксини кўрадилар, Парвардигор бўсага кўмиб ташлаганидан уларнинг юзлари яна ҳам гўзалроқ бўлиб кўринади.

Изоҳ: Одатда эри хотинининг юзидан бўса олганида у яна ҳам чиройлироқ бўлиб кетади. Вайкунтҳада ҳам, таърифлаб бўлмас гўзаллик соҳибаси бўлган омад фариштаси қачон Парвардигор ўзининг лабларини унинг юзларига теккизиб, уни яна ҳам чиройлироқ қилишини кутиб юради. Омад фариштаси ўзининг боғларида Парвардигорга сиғиниб, Унга туласи барглари тақдим этганида унинг кишини ҳайратга соладиган чиройли сиймоси илоҳий сув ҳавзасининг марварид сувлари юзида акс этади.

#### Текст 23

Вайкунтҳа сайёраларини таърифлайдиган илоҳий асарларни муҳокама қилиш ўрнига бахтиқаро одамлар кишининг фикрини булғаб, ақлини бузадиган мавзуларда суҳбатлашиб юришлари қанчалик ачинарли. Вайкунтҳа ҳақидаги ҳикояларни тинглашдан бош тортадиган ва моддий олам ҳақидаги суҳбатларга бериладиган кишилар ўзларига ғофилликнинг энг қоронғу жойларига йўл тайёрлайдилар.

Изоҳ: Одамлар ичида энг бахтиқаролари руҳий оламда ҳукм сураётган илоҳий ранг-барангликни англашга қодир бўлмаган имперсоналистлардир. Улар Вайкунтҳа сайёраларининг гўзаллиги ҳақида гапиришдан кўрқадилар, чунки ранг-барангликни улар моддий оламга хос бўлган хусусият деб биладилар. Имперсоналистларнинг фикрига кўра, руҳий олам – бўшликдан иборат, яъни бошқача қилиб айтганда, ранг-барангликдан маҳрум. Ана шундай тасаввур бу ерда ку-катха матигхних, яъни, “бемаъни сафсаталар билан булганган тафаккур” деб айтилган. Шундай қилиб, мазкур шеър кишининг ақлини бузадиган бўшлиқ фалсафасини ҳамда руҳий оламнинг табиати шахсиятсиз деб биладиган таълимотни қоралайди. Қандай қилиб имперсоналистлар ёки буддистлар ранг-барангликка тўла моддий олам ҳақида фикр юритиши, шундан кейин эса руҳий оламнинг ранг-баранглигини инкор этиши мумкин? Маълумки, моддий олам руҳий мавжудликнинг бузилган акси, лекин, агар руҳий олам ранг-барангликдан маҳрум бўлса, унда моддий оламнинг ўткинчи ранг-баранглиги қаердан пайдо бўлган? Инсон моддий олам чегарасидан ташқари чиқиши ва илоҳий поғонага кўтарилиши мумкин экани ҳали илоҳий олам ранг-барангликдан маҳрум дегани эмас.

"Шримад Бхагаватам"да, жумладан мазкур шеърда таъкидлаб айтилганки, руҳий олам ва Вайкунтҳа сайёралари ҳақида гапирадиган ва уларнинг ҳақиқий, руҳий табиатини англаб етишга интилиб юрган кишиларни ғайритабиий равишда омад кулиб боққан кишилар деб ҳисоблаш керак. Вайкунтҳа сайёраларида ҳукм сураётган ранг-баранглик Парвардигорнинг илоҳий эрмаклари билан чамбарчас боғлиқ. Лекин, руҳий оламини ва Парвардигорнинг илоҳий қароматларини англаб етиш ўрнига, одамлар ўзларининг бутун диққат-эътиборини сиёсатга ва иқисодий тараққиётга қаратадилар. Улар ўзлари атиги бир неча йил яшайдиган моддий олам олдида турган муаммоларни ҳал қилишга уриниб, кўплаб съезд, конференция ва музокаралар уюштирадилар, лекин руҳий табиатга эга бўлган Вайкунтҳа олами ҳақида бирор нарса ўрганишга интилмайдилар. Кўпроқ омади юришган кишиларнинг қалбида ўзининг уйига, Худонинг даргоҳига қайтиш истаги пайдо бўлади, лекин, то руҳий оламнинг табиатини тушунмагунча, улар моддий коинот зулматида қолиб кетаверадилар.

#### Текст 24

Маъбуд Браҳма деди: Азиз фаришталар, инсон танасида яшаш шунчалик бебаҳоки, ҳатто бизлар ҳам инсон бўлиб туғилишга интиламиз, чунки диннинг маъносини мукамал тушуниш ва мукамал илмга эга бўлиш қобилияти фақат инсонга ато этилган. Агар инсон танасига эга бўлган тирик мавжудот Олий Шахс Худонинг ва Унинг даргоҳининг табиатини англаб ега олмаган бўлса, демак, у Парвардигорнинг ташки қувватининг кучли таъсири остида юрган бўлади.

Изоҳ: Мазкур шеърда Браҳмаджи Олий Шахс Худо ва Унинг илоҳий даргоҳи билан умуман қизиқмайдиган кишиларни қаттиқ қоралайди. Ҳатто Браҳманинги ўзи ҳам инсон танасида туғилишни орзу қилади. Браҳманинги ва бошқа фаришталарнинг моддий таналари инсон танасига қараганда анча мукамалроқ. Шунга қарамай фаришталар, шу жумладан маъбуд Браҳма ҳам, одамлар орасида туғилишни орзу қиладилар, чунки фақат инсон танасида тирик мавжудот илоҳий илм ўрганиши ва диннинг олий мақсадига эришиши мумкин. Битта ҳаёт давомида Худонинг даргоҳига қайтишнинг илоҳи йўқи, лекин, инсон танасига эга бўлган тирик мавжудот ҳеч бўлмаса, ҳаётнинг, тирикчиликнинг маъносини тушуна олади ва ҳаётда Кришна онги билан яшашни бошлай олади. Инсон танасини тирик мавжудот эга бўлиши мумкин бўлган энг буюк неъмат деб ҳисоблайдилар, чунки у бу тана ғофиллик уммонини кечиби ўтишга қодир бўлган кема ҳисобланади. Руҳий устозни ана шу кемани бошқариб турадиган тажрибали капитан деб ҳисоблайдилар, муқаддас китоблардан олинган илм эса, ғофиллик уммонини кечиби ўтишга ёрдам берадиган шамол ҳисобланади. Ўзига берилган ана шу имкониятлардан фойдаланмайдиган киши аслида инсон сифатида ўзини ўзи ўлдирган киши ҳисобланади. Шундай қилиб, инсон танасига эга бўла туриб, қалбида Кришна онгини ривожлантирмайдиган киши ўзининг ҳаётини Парвардигорнинг алдамчи қувватига топшириб қўйган бўлади. Маъбуд Браҳма ана шундай кишиларнинг тақдирини ачинапти.

#### Текст 25

Парвардигорни шарафлаб куйлаганларини, олқишлаганларини тинглаганида жазавога тушиб, таналарида ўзгариш пайдо бўладиган, нафас олиши тезлашиб, тер босиб кетадиган кишилар, ҳеч қачон муруқаб ва билан шуғулланмаган ва бошқа бирор риёзат чекмаган бўлсалар ҳам Худонинг даргоҳига кирадилар. Парвардигорнинг даргоҳи моддий коинотлардан юқори туради, ҳатто маъбуд Браҳма ва бошқа фаришталар ҳам унга эришишни орзу қиладилар.

Изоҳ: Бу ерда аниқ айтилганки, Худонинг даргоҳи моддий коинотлардан юқорида жойлашган. Худди Ер сайёрасидан юқорида юз минглаб олий сайёралар жойлашгани сингари, улардан юқорида, руҳий осмонда миллион, миллиардлаб руҳий сайёралар сузиб юради. Бу ерда Браҳмаджи айтяптики, руҳий салтанат фаришталарнинг сайёраларидан устун туради. Парвардигорнинг салтанатига фақат барча эзгу фазилатларга эга бўлган киши кира олади. Бу талабга фақат Худонинг содиқлари жавоб беради, чунки уларда аста-секин барча эзгу сифатлар ривожлана боради. "Шримад Бхагаватам"нинг бешинчи кўшиқ ўн саккизинчи боб, ўн иккинчи шеърида айтилганки, Кришнани англаб етган киши фаришталарнинг барча эзгу фазилатларига эга бўлади. Моддий оламда яшайдиган зотлар фаришталарнинг сифатларини юқори баҳолайдилар. Ҳамма яхши биладики, яхши тарбия кўрган киши билан муносабат ўрнатиш ғофил ёки тарбия кўрмаган ёввойи одам билан муносабат ўрнатишга қараганда анча ёқимли. Ўзларининг сифатлари жиҳатидан юқори сайёраларда яшайдиган фаришталар Ер сайёрасида яшайдиган одамлардан анча устун турадилар.

Бу ерда Браҳмаджи тасдиқлаяптики, Худонинг даргоҳига фақат ўзида барча улугвор сифатларни ривожлантира олган киши кира олади. "Чайтанья-чаритамрита"да Худонинг содиқ хизматкори эга бўлган эзгу фазилатларнинг йигирма олти тури санаб кўрсатилган: содиқ жуда меҳрибон; у ҳеч ким билан жанжаллашмайди; у Кришна онги билан яшашни ҳаётининг олий мақсади деб билади; у ҳаммага бир хил муносабатда бўлади; у бенуксон хулқ-атворга эга; у олижаноб, хотиржам ва жисмоний ва руҳий жиҳатдан ҳамиша пок; содиқ бу моддий оламда ўзини бирор нарсанинг эгаси деб ҳисобламайди; у барча тирик мавжудотларга яхшилик қилади; у тинчликсевар, Кришнага ўзини бутунлай топширган; унинг бирор моддий истаги йўқ; у камтар, итоаткор ва ўзгармас; у ҳиссиётини жиловлаб олган; у танасида ҳаётини сақлаб туриш учун етарли бўлганидан ортиқ овқатланмайди; у ўзини тана деб билмайди; у бошқаларни ҳурмат қилади, лекин бошқалардан ўзига илтифот кутмайди; у жуда жиддий, бошқаларнинг дардига ҳамдард ва ҳаммага дўстона муносабатда бўлади; у шоирлардай ширин сўзли, ҳар нарсада эпчил ва мулойим, бекорчи гапларга берилмайди. "Шримад Бхагаватам"нинг учинчи кўшиқ 25-боб, 21-шеърида ҳам авлиёсифат инсоннинг сифатлари санаб ўтилган. Унда айтилганки, Худонинг даргоҳига киришга муносиб инсон сабр-тоқатли, барча тирик мавжудотларга жуда меҳрибон. У ҳеч нарсага боғланмаган, одамларга ҳам, ҳайвонларга ҳам бир хилда раҳм-шафқатли. Унинг ҳаёлига Нараяна-эчкини сўйиб, унинг гўшти билан инсон-Нараянани, даридра-нараянани меҳмон қилиш сингари аҳмоқона фикрлар келмайди. У барча тирик мавжудотларга нисбатан меҳрибон, шунинг учун унинг душмани йўқ, у ҳамиша хотиржам ва осойишта. Инсон Худонинг даргоҳига эришиш учун мана шундай улугвор сифатларга эга бўлиши лозим. Шундай инсон

вақти келиб озодликка чиқиши ва Худонинг даргоҳига кириши "Шримад Бхагаватам"(5.5.2)да тасдиқланган. "Шримад Бхагаватам"(2.3.24)да ҳам айтилганки, агар Парвардигорнинг муқаддас номини ҳақоратларсиз такрорлаётган киши жазавога тушиб йиғламаса ва танасида бошқа ташқи аломатлар сезилмаса, демек, унинг юраги ҳатто Парвардигорнинг муқаддас номини – Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилиш ҳам эрита олмайдиган тошдан бўлади. Инсон танасида рўй берадиган ўзгаришларга Худонинг муқаддас номларини ҳақоратларсиз такрорлаб юрган киши ҳис қилаётган илоҳий жазаво бўлади: Ҳаре Кришна Ҳаре Кришна Кришна Кришна Ҳаре Ҳаре \ Ҳаре Рама Ҳаре Рама Рама Рама Ҳаре Ҳаре.

Бу ерда шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, Парвардигорнинг муқаддас номини зикр қилиб юрган киши содир қилмасликка интилиши лозим бўлган ҳақоратларнинг ўн тури мавжуд. Энг аввало ўзининг бутун умрини Парвардигорнинг шон-шухратини бутун дунёга таратишга бағишлаган кишиларни ҳақорат қилмаслик керак. Одамлар Парвардигорнинг улугворлигини англаб етишга ёрдам берадиган илмга муҳтож, шунинг учун Парвардигорнинг шон-шухратини тарғибот қилиб юрган Худонинг содиқларини ҳеч қачон ҳақорат қилмаслик керак. Бу барча ҳақоратлар ичида энг оғири. Парвардигор Вишнунинг муқаддас номини зикр қилиш инсонга энг катта манфаат келтиради. Парвардигорнинг эрмаклари Унинг муқаддас номидан фарқ қилмайди. Лекин шундай аҳмоқлар ҳам топилиб қоладикки, улар Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилиб юрган киши ҳам, Кали ёки Шива деган фаришталарнинг номини зикр қилиб юрган киши билан бир хил натижага эришади, чунки бу номларнинг ҳаммаси бир бирдан фарқ қилмайди, деб ҳисоблайдилар. Олий Шахс Худонинг муқаддас номи фаришталарнинг номлари ва кароматлари билан бир қаторда туради деб, ёки Парвардигор Вишнунинг номини моддий товуш деб ҳисоблаган киши ҳам муқаддас номни ҳақорат қилган бўлади. Учунчи ҳақорат – Парвардигорнинг шон-шухратини тарғибот қилиб юрган руҳий устозни оддий инсон деб ҳисоблаш. Тўртинчи ҳақорат – Ведалар, Пураналар ва бошқа илоҳий муқаддас китобларни оддий илмий адабиётлар билан бир қаторда қўйиш. Бешинчи ҳақорат – Худонинг содиқлари Худонинг муқаддас номининг аҳамиятини жуда ошириб юборганлар деб ҳисоблаш. Аслида Парвардигор Ўзининг номидан фарқ қилмайди. Муқаддас китобларда айтилганки, биз яшаётган даврда Худонинг муқаддас номларини зикр қилиш – Ҳаре Кришна Ҳаре Кришна Кришна Кришна Ҳаре Ҳаре \ Ҳаре Рама Ҳаре Рама Рама Рама Ҳаре Ҳаре – руҳий баркамолликнинг энг юқори чўққиси ҳисобланади. Олтинчи ҳақорат – Парвардигорнинг муқаддас номини ўзича талқин қилиш. Еттинчи ҳақорат – Худонинг муқаддас номини зикр қилишнинг поклаш кудратига ишониб онгли равишда гуноҳ ишлар қилиш. Маълумки, Худонинг муқаддас номини зикр қилар экан, инсон ўзининг барча гуноҳлари оқибатидан ҳалос бўлади, лекин, бу иши унга оқибатидан кўрқмасдан гуноҳ ишлар қилишда давом этиш ҳуқуқини беради, деб ҳисоблайдиган киши Парвардигорнинг муқаддас номини ҳақорат қилган бўлади. Саккизинчи ҳақорат – Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилишни руҳий фаолиятнинг бошқа турлари: муруқаб, риёзат, қурбонлик маросими ўтказиш билан бир қаторга қўйиш. Уларни ҳеч қачон бир бирига тенглаб бўлмайди. Тўққизинчи ҳақорат – руҳий фаолият билан қизиқмайдиган кишиларга Худонинг муқаддас номларининг улугворлигини таърифлаб бериш.

Ўнинчи ҳақорат – руҳий юксалиш йўлига кириб туриб ҳам, аввалгидай ўзини тана деб ёки ўзини бирор нарсанинг эгаси деб ҳисоблаш.

Худонинг муқаддас номларини зикр қилар экан, мана шу ҳақоратларни содир қилишдан эҳтиёт бўлиб юрган кишида пулакашру деб аталадиган жазаванинг ташқи аломатлари сезила бошлайди. Пулака ибораси “лаззатнинг намоён бўлиши” деган маънони билдиради, ашру ибораси эса, “кўздан оқаётган ёшлар”ни англатади. Худонинг муқаддас номини ҳақоратларсиз зикр қилаётган кишининг олаётган руҳий лаззатининг ташқи аломатлари, шунингдек кўзида ёшлар албатта пайдо бўлади. Мазкур шеърда айтилганки, Парвардигорни шарафлаб қуйлар экан, танасида жазавали лаззат аломатлари сезилиб, йиғлаётган киши Худонинг даргоҳига кириш ҳуқуқига эга бўлади. "Чайтанья-чаритамрита"да айтилганки, Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилаётган инсонда ана шундай аломатлар пайдо бўлмаса, демак у ҳали ҳақоратлар содир этишда давом этаётган бўлади. "Чайтанья-чаритамрита"да Худонинг муқаддас номларига нисбатан бундай ҳақоратли муносабатдан қандай қутулиш ҳақида жуда яхши маслаҳат берилган. Ади-лила(8.31)да айтилганки, Парвардигор Чайтаньянинг паноҳига кириб, Худонинг муқаддас номини, Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилиб юрган киши аста-секин барча ҳақоратлардан покланади.

Текст 26

Шундай қилиб, буюк донишмандлар Санака, Санатана, Санандана ва Санат-кумар сеҳрли йога ёрдамида юқорида таърифланган, руҳий оламда жойлашган Вайкунтҳага етиб борганларида ҳеч нарса билан тенглаб бўлмайдиган лаззат ҳис қилдилар. Улар руҳий олам Вайкунтҳанинг энг аъло содиқлари бошқариб юрган, чиройли безатилган ҳаво кемаларининг ёрқин ёғдусидан ёришиб турганини, у жойда Олий Шахс Худо ҳукмронлик қилаётганини кўрдилар.

Изоҳ: Олий Шахс Худо, Парвардигор ягона, Унга тенг келадиган бошқа бирор Зот йўқ. У барча тирик мавжудотлардан устун туради. Бутун дунёда Унга тенг келадиган ёки Ундан буюк бўлган бирор зот йўқ. Шунинг учун Уни бу ерда вишва-гуру деб атаганлар. У – моддий ва руҳий оламда бош тирик мавжудот, шунинг учун Уни бхуванаика-вандйам, яъни “бутун уч оламда сиғинишга муносиб бўлган ягона зот” деб атайдилар. Вайкунтҳадаги ҳаво кемалари ўзидан нур тарқатиб туради, уларни Парвардигорнинг буюк содиқлари бошқаради. Бошқача қилиб айтганда, Вайкунтҳа сайёраларида бирор жиҳатдан камчилик йўқ, у жойда моддий оламда бор нарсаларнинг ҳаммаси мавжуд, лекин улар бу ердагига нисбатан бутунлай кадрли, чунки руҳий табиатга эга, шу боис мангу ва лаззатга тўла. Вайкунтҳага тушиб қолган донишмандлар ҳеч нарса билан тенглаштириб бўлмайдиган лаззат ҳис қила бошладилар, чунки Вайкунтҳани оддий инсон бошқармайди. Вайкунтҳа сайёраларида Парвардигор Шри Кришнанинг ҳар хил номлар билан аталадиган экспансиялари ҳукмронлик қилади: Мадхусудана, Мадхава, Нараяна, Прадьюмна ва ҳоказо. Бу илоҳий сайёраларга барча тирик мавжудотлар сиғинадилар, чунки уларни Олий Шахс Худо, Парвардигорнинг Ўзи бошқаради.

Бу ерда айтилганки, донишмандлар ўзларининг сеҳр қудрати ёрдамида илоҳий табиатли руҳий оламга эришганлар. Аслини олганда йоганинг энг олий

мақсади мана шундан иборат. Саломатлигини яхшилаш мақсадида бажариб юрган нафас олиш ва жисмоний машқлар йоганинг охириги мақсади ва камолоти эмас. Йога ҳақида гапирганда одатда аштанга-йогани, ёки сиддхи – сеҳрли йоганинг саккиз погонасини назарда тутадилар. Ана шу сиддхидарга эга бўлган киши энг энгил нарсадан энгил, энг оғир нарсадан оғир бўла олади; истаган жойига бора олади, истаган бойлигига эга бўла олади. Шунга ўхшаган сеҳр қудратининг саккиз тури мавжуд. Тўрт Кумар, ришилар энг энгил нарсадан энгил бўлиб, шу тарзда моддий олам чегарасидан чиқиб Вайкунтҳага эришдилар. Бунда ҳозирги космик кемалар бирор натижа бермайди, чунки улар руҳий оламга эришиш нари турсин, ҳатто моддий коинотнинг юқори жойларига ҳам кўтарила олмайдилар. Лекин, йога билан шуғулланган киши нафақат моддий оламда саёҳат қилиш, балки унинг ташқарисига чиқиб, руҳий осмонга эриша олиш имкониятига эга бўлади. Бунга Дурваса Муни билан Амбариша Махараж воқеаси мисол бўлиши мумкин. Дурваса Муни бир йил давомида коинот бўйлаб сайр қилди, ниҳоят руҳий оламга эришиб, у ерда Олий Шахс Худо Нараяна билан учрашди. Замонавий олимларнинг ҳисоб-китобларига кўра, ёруғлик тезлигида ҳаракат қиладиган космик кема моддий оламнинг энг юқори сайёрасига етиб бориши учун қирқ минг йил керак бўлар экан. Аммо йога усули инсонга ҳеч қийналмасдан чексиз масофаларга саёҳат қилиш имконини беради. Мазкур шеърда йогамайа ибораси ишлатилган. Йогамайа-балена викунтхам. Руҳий олам ва ундаги ҳар бир нарса тўлиб ётган илоҳий лаззатни йога-майа, яъни Олий Шахс Худонинг ички қуввати яратган.

Текст 27

Донишмандлар Вайкунтҳа-пурининг ажойиб ҳашаматли безаклари ўзига унчалик жалб қилмаган олти дарвозасидан ўтдилар ва еттинчи дарвоза олдида келдилар. Шу ерда улар юзларидан нур таратиб турган, ёшлари бир хил, чиройли либослар кийиб олган, қўлига гурзи ушлаган, бриллиант ва бошқа қимматбаҳо тошлар билан безанган, қулоқларига сирға тақиб, бошига тож кийган икки зотни учратдилар.

Изоҳ: Донишмандлар Вайкунтҳа-пуридаги Парвардигорни кўришга шунчалик шошилардиларки, ҳатто ўзлари бирин-кетин ўтган олти дарвозанинг илоҳий безакларига ҳам эътибор бермадилар. Лекин, еттинчи дарвоза олдида улар бир хил ёшдаги икки соқчини учратдилар. Вайкунтҳадаги соқчилар бир хил ёшдалигини эслаш билан Браҳма Вайкунтҳа аҳолиси ҳеч қачон қаримаслигини назарда тутяпти, шунинг учун уларнинг қайси бири катта, қайси бири кичик эканини аниқлаб бўлмайди. Вайкунтҳада яшайдиганлар ҳам худди Олий Шахс Худо Нараянадаги сингари тақинчоқлар билан безанган бўлиб, қўлларида шанкха, чакра, гада ва падма(сур, халқа, гурзи ва нилуфар) ушлаб юрадилар.

Текст 28

Уларнинг тўрт қўлининг ўртасида, кўксига янги гуллардан ясалган гулчамбар осилган бўлиб, унинг атрофида гулларнинг атридан маст бўлган асаларилар айланиб юрарди. Чимирилган қошлари, норозилигидан кенгайган бурни ва кизарган кўзлари соқчиларнинг ғазаби келганини билдириб турарди.

Изоҳ: Соқчиларнинг гулчамбарлари асалариларни ўзига жалб этарди, чунки улар янги узилган гуллардан ясалган эди. Вайкунтҳа оламида ҳамма нарса ҳамиша янги, пок ва илохий табиатли. Вайкунтҳа аҳолисининг танаси кўкимтир рангда ва Нараянаники сингари тўрт кўли бор.

#### Текст 29

Санака бошлиқ буюк донишмандлар йўлида учраган дарвозаларни дадил очиб боргандилар. Уларга “ўзимники” ёки “бегона” деган тушунчалар бегона эди. Улар ҳеч ўйланмасдан, қалблари амрига бўйсуниб, олтиндан ясалган ва бриллиантлар билан безатилган аввалги олти дарвозадан қандай ўтган бўлсалар, еттинчи дарвозага ҳам шундай кириб келдилар.

Изоҳ: Гарчи буюк донишмандлар Санака, Санатана. Санандана ва Санат кумар бу пайтга келиб кексалик ёшига етган бўлсалар ҳам, улар худди ёш болалардай кўринардилар. Улар ҳеч нарса ўйламасдан, худди эгалик ҳуқуқидан бутунлай беҳабар бўлган ҳолда ҳар ерда юраверадиган ёш болалар сингари еттинчи дарвозага кирдилар. Ёш болаларнинг табиати шундай бўлади. Ёш бола ҳамма жойга сўроқсиз кириб бораверади, одатда уни ҳеч ким тўхтатмайди, аксинча, ёш боланинг келишини ҳамма ёқтиради, лекин ёш болани бирор сабаб билан қаергадир киритмасалар, у бундан жаҳли чиқиб хафа бўлади. Болаларнинг табиати шундай. Бу ерда ҳам шундай бўлди. Ёш болалардай соддадил авлиё зотлар саройнинг олти дарвозасидан ўтдилар, ҳеч ким уларни тўхтатмади, шунинг учун улар еттинчи дарвозадан ҳам ўтишга уринганларида ўзларининг қуроолларини чўзиб, уларнинг йўлини тўсган икки соқчини кўриб, улар бундан қаттиқ хафа бўлиб ғазабландилар. Оддий ёш бола бундай вазиятда йиғлаб юборган бўларди, аммо донишмандлар оддий болалар эмасдилар, шу боис улар ўзларини ҳақорат қилган соқчиларни шу заҳотиёқ жазолашга қарор қилдилар. Ҳиндистонда ҳатто ҳозирги кунларда ҳам авлиё инсонлар олдида ҳамма эшиклар очик.

#### Текст 30

Либослари фақат ҳаво бўлган тўрт донишманд-бола, гарчи коинотдаги барча тирик мавжудотлардан кекса бўлиб, бу пайтга келиб ўзларининг руҳий табиатини англаб етган зотлар бўлса ҳам, худди беш яшар болалардай кўринарди. Хулқи Парвардигорга ёқимсиз бўлган соқчилар донишмандларни кўриб, Кумарларнинг буюк мартабасига эътибор бермасдан, гарчи донишмандлар уларга бундай муносабатда бўлишга арзигудай бирор иш қилмаган бўлсалар ҳам, кўлидаги қурооллари билан уларнинг йўлини тўсдилар.

Изоҳ: Тўрт донишманд маъбуд Браҳманинг биринчи фарзандлари эди. Бошқа барча тирик мавжудотлар, шу жумладан маъбуд Шива ҳам, кейин дунёга келдилар, демак, тўрт Кумардан ёш эдилар. Кумарлар беш яшар болаларга ўхшагани ва яланғоч ҳолда сайр қилиб юрганига қарамай, улар коинотдаги барча тирик мавжудотлардан кекса ҳамда руҳ(жон)нинг табиатини англаб етган зотлар эди. Ана шундай донишмандларнинг руҳий оламга киришини таъқиқлаб қўйишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ, лекин нимагадир Вайкунтҳа соқчилари уларнинг йўлини тўсди. Ҳеч қачон улар бундай қилмаслиги керак эди. Парвардигор Кумарларга

ўхшаган донишманд ва авлиёларга хизмат қилишдан хурсанд бўлади, аммо, ҳатто шуни билсалар ҳам, Кумарларни ҳайрон қолдириб соқчилар уларнинг йўлини тўсдилар, бу билан донишмандларнинг ғазабига дучор бўлдилар.

#### Текст 31

Шри Харининг бош соқчилари Вайкунтҳанинг барча илохий аҳолисининг кўзи олдида муносиб зотлар ичида энг муносиб бўлган Кумарларнинг йўлини тўсганида, ўзларининг сеvimли ҳукмдорини - Худо Шахси Шри Харини кўришга бетоқат интилиш туфайли юзага келган ғазабдан уларнинг кўзлари бирдан қизариб кетди.

Изоҳ: Ведавий урф одатларга кўра, санньяси, яъни таркидунё қилиб яшашга қасам ичган киши сариқ либос кийиб юради. Сариқ либос – дунё кезиб юрадиган санньяси учун ҳамма эшикларни очиб берадиган ўзига хос ҳужжат ҳисобланади. Санньясининг бурчи – одамларни Кришна онги билан яшашга ўргатишдан иборат. Таркидунё қилиб яшаётган зотларнинг ягона иши – Олий Шахс Худони шарафлаб қуйлашдан иборат. Шунинг учун Ведалар маданиятига асосланган жамиятда санньясининг ҳаракатларини чеклаб қўйиш таъқиқланган; у ўзи истаган жойга бориши мумкин, ҳар бир оилали киши унинг истаган нарсасини бериши шарт. Тўрт Кумар руҳий салтанатга Олий Шахс Худо Нараянани кўриш учун боргандилар. Бу ерда ишлатилган суҳриттама, яъни “энг яқин дўст” ибораси алоҳида муҳим аҳамиятга эга. "Бхагавад Гита"да Парвардигор Шри Кришна Ўзини барча тирик мавжудотларнинг энг яқин дўсти деб айтади: суҳридам сарва-бхутанам. Тирик мавжудотларнинг Олий Шахс Худодан бошқа бирор яхши дўсти ва саодатманди бўлиши мумкин эмас. Парвардигор уларга шунчалик меҳрибонки, бизлар У билан бўлган ўзаро мангу муносабатларимизни эсдан чиқариб юборганимизга қарамай, Унинг Ўзи бизларнинг олдимизга келади – баъзан ер юзида Парвардигор Шри Кришна намоён бўлгандагидай шахсан Ўзи, баъзида эса, ер юзига Парвардигор Чайтанья бўлиб келганидай Ўзининг содиқ хизматкори киёфасида, ёки Ўзининг ҳақиқий содиқларини юбориб, уларга барча адашган руҳларни тавба-газарру қилишга чақиришни буюради. Шундай қилиб, Парвардигор – ҳар кимнинг энг яқин дўсти ва саодатманди. Кумарлар ана шу Зотни кўришни истаган эдилар. Донишмандларнинг шундан бошқа ҳеч қандай нияти йўқлигини соқчилар яхши билиши, шунинг учун донишмандларни Парвардигорнинг саройига ўтказиб юборишлари керак эди.

Бу шеърда рамзий маънода айtilганки, донишмандларга ўзларининг сеvimли Парвардигорини кўришига тўсқинлик қилганларида, шу ерда кутилмаганда эҳтироснинг укаси киёфасидаги зот пайдо бўлди. Эҳтироснинг укаси ғазаб ҳисобланади. Қониктирилмаган истак, яъни эҳтироснинг изидан ҳамиша унинг укаси - ғазаб келади. Бу ерда шуни айтиш лозимки, ҳатто Кумарлар сингари буюк авлиё зотлар ҳам баъзан ғазабланадилар. Лекин улар ўзларининг шахсий манфаатларига эриша олмагани учун эмас, балки уларни саройга кириб Худо Шахсининг жамолини кўришга қўймаганлари учун ғазабланган эдилар. Мазкур шеър “руҳий баркамолликка эришган киши ғазабланмаслиги керак” деган тасаввурни инкор этади. Баъзан ҳатто руҳий озодликка эришган зотлар ҳам ғазабланадилар. Дунё кезиб юрган донишмандлар, Кумарлар озодликка эришган

зотлар эдилар, ҳатто улар ҳам соқчилар уларнинг Худога хизмат қилишига тўсқинлик қилганларида ғазабландилар. Оддий одамнинг ғазоби озодликка чиққан шахснинг ғазабидан шуниси билан фарқ қиладики, оддий инсон ўз сезгиларининг талабларини кондиришга имкон бермаётганлари сабабли ғазабланади, Кумарлар сингари озодликка чиққан зотлар эса, Олий Шахс Худога хизмат қилиш билан боғлиқ бўлган ўз бурчларини бажаришга кимдир тўсқинлик қилганида ғазабланадилар.

Аввалги шеърда айтилган эдики, Кумарлар озодликка эришган зотлар эдилар. видитатма-таттва, яъни “Ўзининг ҳақиқий табиатини англаб етган зот”. Ўзликни англашнинг моҳиятини билмайдиган кишини ғофил одам деб айтадилар, руҳнинг, Олий Руҳнинг табиатини англаб етган, уларнинг ўзаро қандай муносабатда эканини биладиган ва ҳақиқий ўзлигини англаб етиш учун нима қилиш кераклигини биладиган кишини видитатма-таттва деб атайдилар. Кумарлар озодликка чиққан шахслар эди, шунга қарамай улар ғазабландилар. Буни билиш жуда муҳим. Озодликка чиқиш – ҳали сезгиларнинг фаолиятини тўхтатиш дегани эмас. Ҳатто озодликка чиққан зотларнинг ҳам ҳиссиёти, сезгилари фаолият кўрсатишда давом этаверади. Лекин, бунда озодликка чиққан кишининг сезгиларининг фаолияти ҳамиша Кришна онги билан боғлиқ бўлади, шартланган ҳолатда эса, сезгиларнинг фаолияти фақат ўзларини лаззатлантиришга қаратилган бўлади.

#### Текст 32

Донишмандлар дедилар: Дунёқараши Вайкунтха муҳитига умуман бегона бўлган бу икки зот ким ўзи? Улар Парвардигорнинг хизматида шундай катта лавозимни эгаллаб туриб, худди Парвардигорнинг Ўзи сингари улуғвор сифатларга эга бўлишлари лозим эди. Умуман улар Вайкунтхага қандай келиб қолганлар ўзи? Худонинг даргоҳига ҳам душман кириб қолиши мумкинми? Лекин Олий Шахс Худонинг душмани йўқ. Ким ҳам Унга душманлик қила оларди? Аслида бу иккиси бу ерга ўзбошимчалик билан келиб олган зотлар бўлса керак, шу боис улар бошқаларни ҳам ўзларидай гуноҳкор деб ҳисоблайдилар.

Изоҳ: Вайкунтхада яшайдиганлар билан моддий оламда яшайдиганларнинг бир-биридан фарқи шундаки, Вайкунтхада яшайдиганларнинг ҳаммаси Парвардигорнинг Ўзига хизмат қиладилар ва Парвардигор эга бўлган сифатларга эга бўладилар. Буюк ачарялар бу масалани чуқур ўрганиб чиққандан кейин шундай хулосага келганларки, шартланган тирик мавжудот озодликка эришиб, Худонинг содиқ хизматкори бўлганида унинг қалбида Парвардигорнинг Ўзи эга бўлган сифатларни етмиш тўққиз фоизгача ривожлантира олади. Шунинг учун Вайкунтха оламида Парвардигор ва Унинг содиқларида бир-бирига душманлик туйғуси бўлмайди. Бу ерда, моддий оламда фуқаролар одатда ҳукумат вакилларига ёки ҳукумат бошлиғига нафрат кўзи билан қарайдилар, аммо Вайкунтхада яшайдиганларга бундай туйғу, кайфиятлар бегона. Вайкунтхага фақат барча эзгу фазилятларга эга бўлган киши эриша олади. Эзгуликнинг асосини ташкил этадиган асосий қоида тирик мавжудотнинг ўзи Олий Шахс Худога нисбатан бўйсунган ҳолатда эканини англаб етишидир. Шунинг учун донишмандлар уларни саройга қўймаган соқчилар Вайкунтхада яшайдиган бошқа зотларнинг ҳаммасидан

ажралиб турганини кўриб жуда хайрон бўлдилар. Бунга эътироз билдириш мумкин: соқчи кимни саройга киритиш мумкин, кимни киритиш мумкин эмаслигини аниқлаши лозим. Лекин, бу ерда умуман бошқача вазият содир бўлганди, чунки фақат Парвардигорга садоқат билан хизмат қилиш ҳақида ўйлайдиган кишигина Вайкунтхага етиб бора олади. Парвардигорнинг душманларидан ҳеч ким Вайкунтха салтанатига кириб бора олмайди. Шундай қилиб, Кумарлар фақат соқчиларнинг ўзлари гуноҳкор бўлгани учунгина уларни саройга ўтказиб юборишдан бош тортдилар, деган қарорга келдилар.

#### Текст 33

Худди моддий оламдаги катта ва кичик сайёралар орасида ,okufyb сингари, Вайкунтха аҳолиси билан Олий Шахс Худонинг ўзаро муносабатларда ҳам тўла уйғунлик ҳукм суради. Ана шундай уйғунлик салтанатида кўрқув уруғи қаердан пайдо бўлган? Булар иккиси худди Вайкунтхада яшайдиган зотлардай кийиниб олганлар, лекин уларнинг фикрларида зиддият қаердан пайдо бўлган?

Изоҳ: Худди ҳар бир давлатда эркин фуқаролар ишлайдиган корхоналар билан бирга камокхоналар бўлгани сингари, Парвардигор яратган борлик ҳам икки оламга бўлинган. Моддий оламда эркин фуқаролар ишлайдиган корхоналарга қараганда жиноятчилар ишлайдиган корхоналар анча кам. Шунга ўхшаб, жиноятчилар қамаб қўйиладиган камокхона ҳисобланадиган моддий олам ҳам бутун борлиқнинг тўртдан бирини ташкил этади. Моддий оламда яшайдиганларнинг ҳаммаси қандайдир даражада жиноятчилардир, чунки Худонинг қонунларига бўйсунмишдан бош тартадилар ҳамда Парвардигорнинг уйғун фаолиятига ҳалақит берадилар. Олам яралишининг асосида ётган принцип шундан иборатки, табиатан шодлик ва лаззатга тўла Парвардигор, Худо Шахси ана шу илоҳий лаззатни кўпайтириш учун Ўзини сон-саноксиз тирик мавжудотлар сифатида кўпайтиради. Тирик мавжудотлар, шу жумладан бизлар ҳам, Парвардигорнинг сезгиларини лаззатлантириш учун яратилган кичик заррачалармиз. Шунинг учун тирик мавжудот Парвардигор билан бўлган ана шу ўзаро уйғун муносабатларини тарк этган заҳоти майя, алданиш домига тушиб қолади.

Парвардигорнинг ташки қувватини моддий олам деб атайдилар, Унинг ички қуввати салтанати эса – Вайкунтха яъни Парвардигорнинг салтанати деб аталади. Вайкунтха аҳолиси Парвардигор билан уйғунликда яшайдилар, шунинг учун Парвардигор яратган Вайкунтха олами мукамал. Вайкунтхада яшайдиган зотларнинг хавотирга тушишга ва ташвишланишга ҳеч қандай асос йўқ. Парвардигорнинг салтанати шунчалик уйғун, осойиштаки, унда ҳасад ва ўзаро душманлик туйғусига ўрин мутлақо йўқ. У жойда ҳамма нарса мутлақ табиатга эга. Худди танамиз турли аъзолардан иборат бўлса ҳам, уларнинг ҳар бирининг фаолияти ошқозоннинг талабини кондиришга қаратилган бўлганидай, ёки бирор механизмнинг юзлаб деталлари биргаликда ҳаракат қилиб бутун механизмнинг ишлашини таъминлагани сингари, Вайкунтха сайёраларидаги Парвардигор ҳам мукамал, Вайкунтханинг бутун аҳолиси ҳам Унга мукамал равишда хизмат қиладилар.

Майявади-файласуфлар "Шримад Бхагаватам"нинг мазкур шеърини фазонинг кичкина сфераси билан бутун осмон бир-бирига ўхшаш эканлигининг исботи деб биладилар, лекин уларнинг бундай тасавурлари мутлақо асоссиз. Осмондаги катта ва кичик сфераларнинг ўхшашлиги мисолини инсон танасида қўллаш мумкин. Бутун осмон – бутун тана, тананинг ошқозон ва бошқа азолари осмоннинг чекланган қисмлари ҳисобланади. Гарчи бутун тананинг кичик қисмини эгаллаб турса ҳам, тананинг ҳар бир аъзосининг ўзининг алоҳида вазифаси бор. Худди шундай, бутун борлик – Парвардигорнинг танаси, бизлар, тирик мавжудотлар эса, Парвардигор яратган бошқа ҳамма нарсалар сингари, Унинг танасининг кичик бўлакларимиз. Тананинг айрим қисмлари ҳеч қачон бутун тана билан тенглаша олмайди. Ҳеч қандай ҳолатда ҳам бунинг иложи йўқ. "Бхагавад Гита"да айтилганки, Парвардигорнинг ажралмас зарралари бўлган тирик мавжудотлар Унинг мангу заррачалари бўлиб қоладилар. Маявади-файласуфлар айтадиларки, гарчи тирик мавжудот аслида тўла бутун билан бир, унга тенг бўлса ҳам, алданиш таъсири остида ўзини тўла бутуннинг бир заррачаси деб ҳисоблайди. Бундай таълимот мутлақо асоссиз. Бутуннинг бир қисми тўла бутун билан фақат сифат жиҳатидан бир хил. Фазонинг кичик бир бўлаги сифат жиҳатидан унинг катта бўлагидан фарқ қилмайди, лекин бу дегани, кичик бўлак ҳам катта бўлади дегани эмас.

Вайкунтҳа сайёраларида “бўлиб ол ва ҳукмронлик қил” сиёсатига амал қилишнинг ҳождати йўқ; уларда яшайдиган аҳоли қўрқув нималигини билмайди, чунки уларнинг истак-интилишлари Парвардигорнинг истагига бутунлай мос келади. майя, алданиш оламида тирик мавжудотлар билан Парвардигор орасидаги ўзаро муносабатларда мутаносиблик, уйғунлик йўқ, аммо Вайкунтҳада ҳамма нарса умуман бошқача. Аслида Парвардигор олий тирик мавжудот бўлган ҳолда бшқа тирик мавжудотларнинг мавжудлигини қўллаб-қувватлаб, уларнинг барча эҳтиёжини таъминлаб туради. Лекин, аслида олий тирик мавжудот ҳукми остида бўлган аҳмоқ тирик мавжудотлар Унинг мавжудлигини инкор этадилар, уларнинг ана шу ҳолати майя, алданиш деб аталади. Баъзан улар “бутун борлик – бўшлиқдир” деб, Худонинг борлигини инкор этадилар, баъзида эса, ўзларининг шу фикрини бошқача ифодалайдилар: “Худо бор бўлиши ҳам мумкин, лекин Унинг шакл-шамойили йўқ”. Бундай фикрлар фақат Парвардигорнинг амру-иродасига қарши чиққан тирик мавжудотларнинг ақлида пайдо бўлиши мумкин. Токи моддий оламда ана шундай исёнкор кайфият устивор бўлар экан, унда ҳеч қачон уйғунлик, осойишталик вужудга келмайди.

Уйғун ва бузилган муносабатлар ҳақидаги тасавурлар нисбий тушунча бўлиб, у ёки бу жойда ҳаракат қилиб турган маълум қонунлар билан боғлиқ бўлади. Дин – Парвардигор ўрнатган қонун. “Шримад Бхагаватам” дин деганда Худога садоқат билан хизмат қилишни яъни Кришна онги билан яшашни назарда тутати. Парвардигор Шри Кришна: “Барча диний қонунларни тарк эт ва ўзингни Менга топшир!” – дейди. Мана шу ҳақиқий дин. Кришна – олий лаззатланувчи ва ягона Парвардигор эканини тўла англаб етган ва ана шундай онг билан ҳаракат қиладиган киши ҳақиқий диндаги инсон ҳисобланади. Бу қоидага зид бўлган нарсалар дин ҳисобланмайди. Шунинг учун Парвардигор Шри Кришна: “Қолган барча диний қоидаларни тарк эт!” – дейди. Рухий оламда Кришна онгида бўлиш қоидаси теваарак атрофдаги ҳамма нарса билан уйғунлашган ҳолатда, шунинг учун

рухий олами Вайкунтҳа деб атайдилар. Агар одамлар ҳам ўзларининг фаолиятида ана шундай қоидага риоя қилсалар, моддий олам ҳам Вайкунтҳага айланади. Бу қоида одамларнинг ҳар қандай жамиятига, шу жумладан Кришнани англаш Халқаро жамиятига ҳам тааллуқли: агар Кришнани англаш Халқаро жамиятининг аъзолари ўз фаолиятининг марказига Кришнага бўлган ишончни қўйсалар ва "Бхагавад Гита"да берилган қонун ва кўрсатмаларга амал қилиб яшасалар, уларнинг ҳаёти моддий оламда эмас, Вайкунтҳада ўтаётган бўлади.

#### Текст 34

Шунинг учун, бу гуноҳкорлар қандай жазога муносиб эканини аниқлаб олайлик. Бизлар улар учун охир-оқибатда бахт-саодатга айланадиган бирор жазо ўйлаб топишимиз лозим. Вайкунтҳа оламида зиддият топиш билан улар ўзларини нопок қилдилар, шунинг учун уларга бу ерда жой йўқ, улар ҳар бир тирик мавжудот ўзининг уч душмани билан курашиб яшайдиган моддий оламга йўл олишлари керак.

Изоҳ: Пок рухларнинг моддий оламга – Парвардигорнинг қамоқхонасига тушиб қолиш сабаби "Бхагавад Гита"(7.27)да кўрсатилган. Унда айтилганки, токи тирик мавжудот онгининг поклигини сақлаб юрар экан, у Парвардигорнинг истагига мос ҳаракат қилади, лекин у булғаниб нопок бўлганида унинг ҳаракатлари Парвардигорнинг истагига мос келмай қолади. Нопок тирик мавжудотлар моддий оламга йўл олишга мажбур, бу ерда уларни уч душмани қарши олади: истаклар, ғазаб ва очкўзлик. Бу душманлар тирик мавжудотни моддий оламда қолишга мажбур қилади. Тирик мавжудот улардан халос бўлган заҳоти яна Худонинг даргоҳига қайтиш ҳуқуқига эга бўлади. Шунинг учун, агар биз бирор сабабга кўра ўз ҳиссиётимизни лаззатлантира олмасак ёки очкўзлик домига тушиб, керагидан ортиқ нарсаларга интилиб, ниятимизга етолмай қолсак, ғазабланишнинг ҳождати йўқ. Мазкур шеърда аниқ айтилганки, соқчилар моддий оламга – жинойтчилар учун махсус тайёрланган жойга жўнатилади. Жиноий ҳаракатларнинг асосида ўзининг ҳиссиётини лаззатлантириш, ғазаб ва бемаъни очкўзлик иллатлари ётгани сабабли, тирик мавжудотнинг мана шу уч ашаддий душмани ҳукми остида юрган зотларга Вайкунтҳа эшиклари берк ҳисобланади. Одамлар "Бхагавад Гита"ни ўрганишлари ва Олий Шахс Худо, Парвардигор Шри Кришнани, бутун борлиқнинг Парвардигорини тан олиб қабул қилиши лозим; улар ўз ҳиссиётини лаззатлантиришга интилишни тарк этиб, Парвардигорнинг ҳиссиётини лаззатлантириб яшашни ўрганишлари лозим. Шу тариқа, Кришна онгида яшаш илмини ўрганиб, тирик мавжудот Вайкунтҳага эриша олади.

#### Текст 35

Парвардигорнинг содиқ хизматкори бўлган Вайкунтҳанинг соқчилари брахманлар уларни дуои-бад қилишга ҳозирлик кўраётганини сезиб, қўрқиб кетдилар ва қаттиқ ҳаяжонга тушиб, уларнинг оёғига йиқилдилар. Брахманнинг қарғишидан уларни ҳеч қандай қурол ҳимоя қила олмаслигини улар яхши билардилар.

Изоҳ: Гарчи соқчилар тақдир тақозоси билан брахманларнинг Вайкунтҳа дарвозасидан киришларига тўсқинлик қилиб, хатога йўл қўйган бўлсалар ҳам, улар

қарғишга учраши мумкинлигини қанчалик жиддий эканини дарров англаб етдилар. Инсон турли гуноҳлар қилиб қўйиши мумкин, лекин энг оғир гуноҳ Худонинг содиқ хизматкорини ҳақорат қилишдир. Соқчилар ҳам Худонинг содиқлари бўлгани учун, дарров ўзларининг хатосини англаб етдилар ва тўрт Кумар уларни дуои-бад қилишга тайёрланаётганини кўриб, саросимага тушиб қолдилар.

#### Текст 36

Донишмандларнинг қарғишини эшитиб, соқчилар шундай дедилар: Сизлардай донишмандларга ҳурматсизлик қилганимиз учун бизларни жазолаб, жуда тўғри иш қилдинглар. Лекин, илтимос, бизларнинг тавба қилганимизни кўриб, раҳмингиз келсин, бизлар моддий оламга борганда, тирик мавжудотни Олий Шахс Худони унутишга мажбур қиладиган алданиш чанғалига тушиб қоладиган бўлмайлик.

Изоҳ: Худонинг содиқлари Парвардигорни унутишга олиб келадиган жазодан бошқа ҳар қандай жазони камтарлик билан қабул қиладилар. Худонинг содиқлари бўлган соқчилар ўзларини кутаётган жазо қанчалик жиддий эканини англаб етгандилар, чунки донишмандларнинг Вайкунтхалокага киришига тўсқинлик қилиб, улар оғир гуноҳ қилганини тушунар эдилар. Ҳаётнинг қуйи турларида, шунингдек ҳайвонлар танасида юриб, тирик мавжудот одатда Парвардигорни бутунлай эсдан чиқариб юборади. Соқчилар моддий олам қамоқхонасига йўл олиши кераклигини, у ерда ҳаётнинг қуйи шаклларида дунёга келиб Парвардигорни бутунлай унутиб юбориши мумкинлигини билардилар. Шунинг учун улар Кумарларга илтижо қилиб, донишмандларнинг қарғиши сабабли оладиган таналарида шундай бўлмасин деб улардан илтимос қиляптилар. "Бҳагавад Гита"(16.19-20)да айтилганки, Парвардигорга ва Унинг содиқларига ҳасад қиладиган кишилар ҳаётнинг энг жирканч шаклларида дунёга келадилар; ана шундай нодонлар кўплаб умрлар давомида Олий Шахс Худони эслаш имкониятидан маҳрум бўладилар, шунинг учун тобора тубанликка юз тутиб бораверадилар.

#### Текст 37

Киндигидан нилуфар гули ўсиб чиққани учун Падманабха деб аталадиган, такводорларга хотиржамлик олиб келадиган Парвардигор шу заҳотиёқ Ўзининг хизматкорлари буюк авлиё зотларни ҳақорат қилганидан хабар топди. У рафиқаси, омад фариштаси билан бирга воқеа содир бўлган жойга етиб келди, Уни бу ерга буюк донишмандлар ва буюк риёзатчиларнинг нажот макони бўлган нилуфар пойи қадамлари олиб келди.

Изоҳ: "Бҳагавад Гита"да Парвардигор эълон қилиб айтадики, Унинг содиқ хизматкори ҳеч қачон ҳалок бўлмайди. Соқчилар билан донишмандларнинг жанжали бутунлай бошқача тус олиб кетганини кўриб, Парвардигор шу заҳотиёқ Ўз даргоҳини тарк этиб, Ўзининг содиқларини тўла мағлубиятдан сақлаб қолиш учун Вайкунтха дарвозалари олдига келди.

#### Текст 38

Санака Риши бошлиқ донишмандлар Олий Шахс Худо, шу пайтгача фақат илоҳий жазавали лаззат пайтларида ўзларининг қалбида кўриб юрган Парвардигор Вишну ҳозир уларнинг кўз олдида турганини кўрдилар. Парвардигор уларнинг олдига Ўзининг яқин ҳамроҳлари билан бирга келди, улар Унинг бошига соябон тутиб, Уни чамаралар билан елпиб турардилар. Елпиғичлар унинг устида худди икки оққуш сингари энгил ҳаракат қиларди, уларнинг кўтарган майин шабадасидан соябондаги марварид такинчоқлар худди тўлин ой тунларида қумуш ойдан тушадиган шарбат томчилари ёки шамол таъсирида муз устида пайдо бўладиган сув томчилари сингари титраб турарди.

Изоҳ: Бу шеърда ачакшатакша-вишайам ибораси ишлатилган. Моддий кўзлар билан кўриб бўлмайдиган Парвардигор тўрт Кумарнинг кўзлари олдида пайдо бўлди. Эътиборга лойиқ бўлган яна бир ибора – самадхи-бҳагйам. Сехргар-йогларнинг энг омадлилари муроқабга жараёнида ўзининг қалбида Вишну киёфасидаги Парвардигорни кўрадилар. Лекин Парвардигор билан юзма-юз учрашиш – умуман бошқа нарса. Парвардигорни фақат унинг соф содиқлари бевосита кўра оладилар. Шунинг учун ҳам, олдиларига Ўзининг соябон ушлаган ва Уни чамаралар билан елпиб юрган ҳамроҳлари билан бирга яқинлашаётган Парвардигорни кўриб, Кумарлар Уни яққол кўриб турганларидан ҳайратдан қотиб қолдилар. "Брахма-самхита"да айтилганки, қалбида Худога муҳаббат уйғотган содиқлар ўзларининг қалбида Олий Шахс Худо, Шьямасундарани ҳамиша кўриб юрадилар. Лекин улар руҳий баркамолликка эришганларида, Парвардигорни юзма-юз яққол кўриш имкониятига эга бўладилар. Парвардигор оддий одамларнинг назаридан яширинган, лекин инсон Парвардигорнинг муқаддас номининг аҳамиятини англаб етганида ва садоқат билан Унга тилдан бошланадиган хизмат қилиш билан шуғуллана бошлаганида, яъни муқаддас номларни зикр қилиб, прасад еб бошлаганида, Парвардигор аста-секин унга Ўзини ошкор эта бошлайди. Шундай қилиб, содиқ хизматкор ҳамиша ўзининг қалбида Парвардигорни кўриб юради, руҳий юксалишнинг юқори поғоналарида эса, худди биз теварак-атрофимиздаги нарсаларни кўрганимиздек, ўша Парвардигорни бевосита кўра бошлайди.

#### Текст 39

Парвардигор чексиз лаззат манбаидир. Ўзининг шарофатли иштироки билан У ҳаммага бахт келтиради, Унинг жозибали табассуми ва майин нигоҳи эса инсон қалбининг тўрига етиб боради. Парвардигорнинг ажойиб танаси қора рангда, Унинг кенг кўкси – самовий салтанат гултожи бўлган руҳий оламни безаб турадиган омад фариштасининг маконидир. Шунинг учун ҳаммага худди руҳий оламнинг гўзаллик ва фаровонлигини Парвардигорнинг Ўзи таратаётгандай бўлиб кўринди.

Изоҳ: Вайкунтха дарвозаси олдига келиб, Парвардигор шу ердагиларнинг ҳаммасидан мамнун бўлди, буни мазкур шеърда ишлатилган критсна-прасада-сумукхам ибораси кўрсатиб турибди. Ҳатто тақдир тақозоси билан Худонинг содиқларининг пойи қадамларини ҳақорат қилган гуноҳкор соқчилар ҳам Унинг

асл содиқлари эканини Парвардигор биларди. Худонинг содиқ хизматкорини ҳақорат қилиш Худога бўлган садоқат учун энг хатарли таҳдид ҳисобланади, шунинг учун Парвардигор Чайтанья содиқ хизматкорни ҳақорат қилишни эркин юрган қутурган филга киёслайди: ундай фил бокқа кириб, у ердаги ҳамма нарсани пайхон қилади. Худди шундай, Худонинг асл содиқ хизматкорининг пойи қадамларини ҳақорат қилиш инсоннинг Худога садоқат билан хизмат қилишда эришган ҳамма ютуқларидан маҳрум қилади. Парвардигор Ўзини ҳақоратланган хис қилмади, чунки У самимий содиқларининг Ўзига нисбатан билмасдан содир қилган ҳақоратларига эътибор бериб ўтирмайди. Лекин Парвардигорнинг бошқа бир содиқ хизматкорининг пойи қадамларини ҳақорат қилишдан жуда эҳтиёт бўлиш лозим.

Барча тирик мавжудотларга бир хилда меҳрибон бўлган ва Ўзининг содиқларига алоҳида марҳамат кўрсатадиган Парвардигор ҳақорат қилганларга ҳам, ҳақоратланганларга ҳам бир хилда меҳр билан қараб турарди. Парвардигорнинг чексиз илоҳий сифатлари ана шунда намоён бўлиб турарди. Парвардигорнинг бунчалик яхши кайфиятда эканини кўриб, Худонинг содиқлари ич-ичидан мамнун бўлдилар, Парвардигорнинг биргина ширин табассуми уларнинг қалбини Ўзига бутунлай ром этиб олганди. Унинг жозибатор табассуми моддий оламдаги барча юқори сайёраларининг бойлигидан устун туриб қолмасдан, унинг мафтункорлиги олдида ҳатто руҳий оламнинг бойликлари ҳам сўниб қолади. Оддий инсон юқори сайёралардаги, ердаги ҳаётдан ҳамма жиҳатдан устун турадиган ҳаёт ҳақида озгина бўлса ҳам тасаввурга эга эмас, лекин Вайкунтха сайёраларида ҳукм сураётган муҳит шу қадар ширин ва илоҳийки, Вайкунтхани қимматбаҳо тошлардан ясалган маржон ўртасидаги марваридга киёслайдилар.

Мазкур шеърда ишлатилган сприханийа-дхама ибораси шуни билдирадики, Парвардигор – чексиз лаззат манбаи, чунки У барча илоҳий сифатларга эга. Шахсиятсиз Брахманга қўшилиб кетишдан лаззат излаб юрган кишилар, ана шу сифатларнинг фақат баъзи бирларига эга бўлишга интиладилар, лекин илоҳиёт кишиларининг яна бир тоифаси борки, улар Парвардигор билан шахсан мулоқот қилишни орзу қиладилар ва Унинг содиқ хизматкори бўлишни истайдилар. Парвардигор шунчалик меҳрибонки, ҳаммага – имперсоналистларга ҳам, содиқ хизматкорларига ҳам паноҳ беради. Имперсоналистларга У Ўзининг шахсиятсиз нури, Брахманда нажот беради, Худонинг содиқлари эса Унинг Вайкунтхалока деб аталадиган даргоҳларида паноҳ топадилар. Парвардигор Ўзининг содиқларига алоҳида меҳрибонлик кўрсатади: Ўзининг бир табассуми билан ёки бир нигоҳ ташлаш билан У уларнинг қалбини Ўзига бутунлай ром этиб олади. Вайкунтхалокада Парвардигорга юзлаб ва минглаб омад фаришталари мангу хизмат қиладилар, бу ҳақда "Брахма-самхита"да айtilган: лакшми-сахасра-шата-самбхрама-севйаманам. Моддий оламда омад фариштаси ўзининг атиги бир томчи марҳаматини кўрсатган киши ҳамма сажда қиладиган буюк зотга айланади. Парвардигорга ана шундай юзлаб ва минглаб омад фаришталари шахсан хизмат қиладиган Худонинг даргоҳининг қанчалик ажойиблигини тасаввур қилиш мумкин.

Бундан ташқари мазкур шеърда Вайкунтхалоканинг қаерда жойлашгани аниқ айtilган. Бу ерда айtilганки, улар Қуёшдан юқорида, коинотнинг юқори

қисмида жойлашган ва Сатьялока, Брахмалока деб аталадиган жаннатий сайёралардан ҳам юқорида жойлашган. Руҳий олам моддий коинотлар чегарасидан ташқарида, шунинг учун руҳий олам, Вайкунтхалока бу ерда барча сайёралар тизимининг гултожи деб аталган.

#### Текст 40

Уни кенг сонини ўраб турган сариқ мато устида ярқираб турган чиройли камар ҳамда атрофида асаларилар ғувиллаб айланиб юрган, янги узилган гуллардан ясалган ажойиб гулчамбар безаб турарди. Унинг чиройли билакларига билагузук тақилган эди; бир қўли билан Парвардигор Гаруданинг елкасига суяниб, иккинчи қўлига эса нилуфар гулини ушлаб турарди.

Изоҳ: Мазкур шеърда Олий Шахс Худо, Парвардигорнинг таърифи Уни тўрт донишманд қандай киёфада кўрган бўлса, шундайлигича тўла келтирилган. Парвардигор сариқ либос кийиб олган, бели ингичка ва жозибали эди. Қаерда Парвардигорнинг ёки Унинг содиқларининг кўксига осилган гулчамбар ҳақида гап борса, шу ерда унинг атрофида ғувиллаб учиб юрган асаларилар эслаб ўтилади. Уларнинг кўз олдида намоён бўлган Парвардигор шунчалик жозибатор эдики, содиқлар Ундан кўз узолмай турардилар. Парвардигорнинг бир қўли Гаруданинг елкасида, иккинчисида эса У нилуфар гулини ушлаб турарди. Олий Шахс Худо Нараянанинг кўриниши ана шундай.

#### Текст 41

Парвардигорнинг ёноқлари тимсоҳ шаклидаги, яшиндан ҳам кучлироқ ярқираб турган тақинчоқларнинг чиройига соя солиб, юзларига таърифлаб бўлмас тароват бағишлаб турарди. Унинг бурни чиройли, бошида эса ўздан нур таратиб турадиган гавҳарлар билан безанган тож бор эди. Парвардигорнинг кўксига, кучли тўрт қўлининг ўртасига чиройли маржон осилган, бўйинини эса қимматбаҳо гавҳар қаустубҳа безаб турарди.

#### Текст 42

Парвардигорнинг содиқларнинг ақл-идроки билан бир неча марта кўпайтирилган жозибатор гўзаллиги таърифлаб бўлмас даражада тенгсиз эди. Унинг олдида ҳатто ўзининг тенгсиз гўзаллиги билан шунчалик мағрурланиб юрадиган омад фариштаси ҳам сўниб қоларди. Эй фаришталар, Кумарлар олдида пайдо бўлган Парвардигорга мен, маъбуд Шива ва сизларнинг ҳаммангиз сиғинамиз. Парвардигорнинг ҳар бир ҳаракатини ташналик билан кузатиб турган донишмандлар хурсанд бўлиб Унинг нилуфар қадамлари пойига бош эгдилар.

Изоҳ: Парвардигорнинг гўзаллиги шу қадар ғаройиб, жозибаторки, уни ҳеч қандай сўз билан таърифлаб бўлмайди. Одатда Парвардигор яратган руҳий ва моддий олам ичида омад фариштасидан чиройлироқ мавжудот йўқ ҳисобланади, у ўзининг ана шундай гўзаллигини билади, аммо Парвардигор билан бир жойда кўрганларида ҳатто унинг гўзаллиги ҳам хиралашиб қолган эди. Бошқача қилиб айтганда, Парвардигор иштирок этган жойда омад фариштасининг гўзаллиги иккинчи ўринга тушиб қолади. Вайшнав-шоирларнинг таърифига кўра

Парвардигорнинг гўзаллиги юз минглаб Купидонларнинг гўзаллигини ортида қолдиради, шунинг учун Уни мадана-мохана деб айтадилар. Лекин маълумки, баъзан Радхаранининг гўзаллигидан Парвардигорнинг Ўзи ҳам ақлини йўқотиб қўяди. Шoirлар айтадиларки, ана шундай вазиятларда Мадана-мохана деб аталадиган Парвардигор Шри Кришна Мадана-даха – “Радхаранининг гўзаллигига таслим бўлган Зот” бўлиб қолади. Аслида Парвардигорнинг гўзаллиги тенгсиз бўлиб, ҳатто Вайкунтха сайёраларидаги Лакшмининг гўзаллигини ҳам ортида қолдиради. Вайкунтхадаги Парвардигорнинг содиқлари бутун оламдаги энг гўзал Зот Парвардигор бўлишини истайдилар, Гокуладаги яъни Кришналоқадаги Худонинг содиқлари эса, Радхарани ўзининг гўзаллиги билан ҳатто Кришнани ҳам лол қолдиришини истайдилар. Бхакта-ватсала, яъни “Ўзининг содиқларининг истагини бажарадиган зот” деб аталадиган Парвардигор маъбуд Браҳма, маъбуд Шива ва бошқа фаришталар сингари содиқларнинг кўзини қувонтирадиган киёфада намоён бўлади. Бу ерда, содиқ-донишманд Кумарлар олдида ҳам Парвардигор Ўзининг энг гўзал киёфасида намоён бўлди, улар эса, Унинг жамолига тўймай, Парвардигордан кўзларини узолмай турарди.

#### Текст 43

Гарчи ўзлари шахсиятсиз Браҳман ғоясига қаттиқ боғланиб қолган бўлишига қарамай, донишмандлар энгил шабада келтирган, Худо Шахсининг нилуфарсимон оёқларининг бармоқлари устида ётган туласи баргларининг муаттар атрини ҳидлаганида ўзларининг танаси ва ақлида рўй берган ўзгаришни ҳис қилдилар.

Изоҳ: Мазкур шеърдан кўриниб турибдики, Кумарлар имперсоналистлар яъни Парвардигор билан қўшилиб кетишни мақсад қилиб қўядиган монизм фалсафасининг издошлари эдилар. Аммо, Парвардигорга кўзи тушиши билан уларнинг ақлида кескин ўзгариш рўй берди. Бошқача қилиб айтганда, Парвардигор билан қўшилиб кетишга интилишдан илоҳий лаззат олиб юрган имперсоналист Парвардигорнинг илоҳий киёфасини кўрганда “мағлубият”га учрайди, яъни аввал адашиб юрганини билади. Парвардигорнинг нилуфар пойи қадамларининг муаттар ҳиди туласи баргларининг анвойи атри билан қўшилиб, ҳавога кўтарилиб донишмандларнинг ақлида ўзгариш ясади; улар Парвардигор билан қўшилиб кетишга интилгандан кўра Худонинг содиқ хизматкори бўлиш афзал деган қарорга келдилар. Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойига хизмат қилиб юрган хизматкорнинг омади Унга қўшилиб кетган кишининг тақдирдан яхшироқ.

#### Текст 44

Парвардигорнинг ажойиб сиймоси уларнинг хотирасига ҳаворанг нилуфар гулининг киёфасини юзага келтирди, Унинг табассуми эса, уларга жасмин гулининг очилган ғунчасини эслатди. Унинг юзини кўриб, донишмандлар тўла мамнуният ҳосил қилдилар; Парвардигорнинг гўзаллигини томоша қилишга интилиб, улар нигоҳларини Унинг тирноқлари рубин сингари қип-қизил нилуфар қадамлари пойига тикдилар. Нигоҳларини Унинг илоҳий танасидан узмаган ҳолда улар Парвардигор ҳақида чуқур муроқабага ғарқ бўлдилар.

#### Текст 45

Мана шу –сеҳрғар йoғлар чексиз лаззат ҳис қилиб муроқаба қиладиган Парвардигорнинг киёфасидир. У – шунчаки хаёлда ўйлаб топилган алдамчи, сароб шакл эмас, барча буюк йoғлар унинг аниқ мавжудлигини тасдиқлайдилар. Парвардигор мукамалликнинг саккиз турига ҳам тўлиқ эга, бошқа бирор тирик мавжудот бунга қодир эмас.

Изоҳ: Мазкур шеърда йoға билан шуғулланишдан кўзланадиган охирги мақсад ажойиб таърифлаб берилган. Бу ерда алоҳида таъкидлаб ўтилганки, йoға-маргалар Нараянанинг тўрт қўллик киёфасига муроқаба қиладилар. Ҳозирги даврда Нараянанинг тўрт қўлли киёфасига муроқаба қилиш билан шуғулланмайдиган сохта-йoғлар кўпайиб кетган. Уларнинг баъзилари қандайдир шахсиятсиз зотга ёки бўшлиққа муроқаба қилишга уринадилар, лекин ҳақиқий йoға йўлидан бораётган буюк йoғлар бундай муроқабаларни тан олмайдилар. Ҳақиқий йoға билан шуғулланиш усули шундан иборатки, йoғ ўзининг сезгиларини жиловлаб олади, пок, муқаддас саждагоҳда узлатда бўлиб, Парвардигор Нараянанинг мана шу бобда таърифлангандай безанган киёфасига, Унинг тўрт донишманд кўрган киёфасига муроқаба қиладди. Нараяна – Кришнанинг экспансияларидан бири, демак, ҳозир бугун жаҳонга кенг тарқатилаётган Кришнани англаш ҳаракати, йoғанинг олий, ҳақиқий тури ҳисобланади.

Кришнани англаш жараёни – йoғанинг олий тури, у билан махсус тайёргарлик кўрган содиқ-йoғлар шуғулланадилар. Сеҳрли йoға билан шуғулланиш орқали эришишдан кутиладиган мукамалликнинг саккиз турига оддий инсон амалда эриша олмайди. Лекин бу ерда айтилганки, тўрт донишманд олдида пайдо бўлган Парвардигорнинг Ўзи барча сеҳр қудратларига мукамал даражада эга. Йoға-марганинг энг олий мақсади ҳамиша Кришнага муроқаба қилиб юришни ўрганишдан иборат. Ана шундай муроқаба Кришна онги билан яшаш деб аталади. "Шримад Бҳагаватам"да, "Бҳагавад Гита"да ва Патанжаланинг йoға-сутраларида берилган йoға усуллари ҳозирги даврда ғарбий давлатлардаги одамлар шуғулланиб юрган хатха-йoғанинг усуллари билан бутунлай фарқ қиладди. Ҳақиқий йoға усули инсонни ўзининг сезгиларини қандай жиловлаб олишга, ана шу босқичдан ўтгандан кейин эса, ақлини Парвардигор Нараянада, Олий Шахс Худо Парвардигор Шри Кришнада жамлашни ўргатади. Парвардигор Шри Кришна – азалий Худо Шахси, Вишнунинг қўлларига сур, нилуфар гули, гурзи ва халқа ушлаган барча киёфалари эса, Кришнанинг тўлиқ экспансияларидир. "Бҳагавад Гита" Парвардигорнинг айнан мана шу киёфасига муроқаба қилишни тавсия қиладди. Муроқаба билан шуғулланиш учун муқаддас саждагоҳда пок, хилват жой топиб, қалла ва танани бир чизикда тик тутиб ўтириш керак. Йoғ брахмачарилар турмуш-тарзининг қонун-қоидаларига риоя қилиши– жинсий поклигини сақлаши ва ҳиссий лаззатдан ўзини чеклаб яшаши лозим. Аҳоли зич жойлашган шаҳарда яшаб юриб, шахвоний эҳтирос қули бўлган ва ҳар хил бемаъни ҳиссий лаззатларга берилиб юрган киши йoға билан шуғуллана олмайди. Йoғанинг зарурий шарт тилдан бошланадиган ҳиссиётни жиловлаб олишдан иборат. Тилини жиловлай олган киши ўзининг бошқа сезги аъзоларини ҳам жиловлаб олишга қодир бўлади. Бир вақтнинг ўзида тилининг таъқиқланган таомлардан лаззатланиб юришига йўл қўйиш ҳамда йoға билан шуғулланишда

бирор натижага эришишнинг иложи йўқ. Минг афсуски, ҳозирги даврда ғарбий давлатларда одамларнинг йогага бўлган қизиқишларидан фойдаланиб, пул топиш билан шуғулланиб юрган сохта йоглар жуда кўпайиб кетган. Ана шундай сохта йоглар ҳатто очиқдан-очиқ инсон маст қилувчи ичимликлар истеъмол қилиб юриб ҳам муроқабани билан шуғулланиши мумкин, деб эълон қилишга журъат қиладилар.

Беш минг йил аввал Парвардигор Шри Кришна Аржунга йога билан шуғулланишни тавсия қилди, лекин у йоганинг қонун-қоидаларига қатъий риоя қилишга қодир эмаслигини очиқ тан олди. Инсон ҳар қандай ишда амалиётчи, узокни кўра биладиган бўлиши ва қандайдир бемаъни жисмоний машқларни йога деб қабул қилиб, ўзининг қадрли вақтини бекорга сарфламаслиги лозим. Ҳақиқий йога – қалбимизда жойлашган тўрт қўлли Олий Рухни излашдан ва муроқабани жараёнида Уни узлуксиз кўриб юришдан иборат. Ана шундай узлуксиз муроқабани самадхи деб аталади ва бу муроқабани инсон тўрт қўлли Нараянани, танаси "Шримад Бхагаватам"нинг мана шу бобида таърифланган Парвардигорни кўриб юради. Агар инсон бўшлиққа ёки қандайдир шахсиятсиз зотга муроқабани қилаётган бўлса, йоганинг ҳақиқий мақсадига эришиши учун унга жуда кўп вақт керак бўлади. Амалда ақлни бўшлиққа ёки қандайдир шахсиятсиз зотга жамлашнинг иложи йўқ. Ҳақиқий йога – Парвардигорнинг қиёфасига, ҳар бир тирик мавжудот қалбиди мавжуд бўлган Парвардигор тўрт қўлли Нараянани муроқабани қилишдан иборат.

Муроқабани билан шуғулланиш жараёнида инсон аста-секин Парвардигор ўзининг қалбиди эканини англаб етади. Биз бу ҳақда биламизми, йўқми, Парвардигор ҳар биримизнинг қалбимизда мавжуд. У фақат одамларнинг қалбиди эмас, балки ит ва мушукларнинг қалбиди ҳам мавжуд. Бу "Бхагавад Гита"да ҳам тасдиқланган, унда Парвардигор шундай дейди: ишварах сарва-бхутанам хрид-деше. Ишвара, оламнинг олий ҳукмдори, ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбиди мавжуд. Бундан ташқари, У фақат тирик мавжудотларнинг қалбиди эмас, балки ҳар бир атомнинг ичиди ҳам мавжуд. Табиатда Парвардигор мавжуд бўлмаган бирор жой йўқ. "Ишопанишад"да шундай дейилган. Парвардигор ҳамма жойда мавжуд, Унинг эгалик ҳуқуқи бутун борлиққа тегишли, яъни У – бутун борлиқнинг ягона эгаси. Парвардигорнинг ҳамма жойга сингиб кетган жиҳати Параматма деб аталади. Аتما – алоҳида рух, жон, Параматма – алоҳидалиққа эга Олий Рух. Аتما сингари Параматма ҳам шахс ва алоҳида фақат Ўзига хос сифатларга эга. Аتما билан Параматма орасиди фарқ шундан иборатки, аتما, яъни жон, алоҳида рух фақат муайян бир танада мавжуд бўлса, Параматма ҳамма жойда мавжуд. Буни тушунтириш учун қуёшни мисол қилиш мумкин. Шахс сифатига эга бўлган алоҳида тирик мавжудот фақат қандайдир бир жойда мавжуд бўла олади, қуёш эса, ўзининг алоҳидалигини сақлаган ҳолда ҳар бир тирик мавжудотнинг устиди бўла олади. Бу "Бхагавад Гита"да тушунтирилган. Шундай қилиб, барча тирик мавжудотлар, шу жумладан Парвардигор ҳам бир хил сифатга эга бўлишига қарамай, Олий Рух алоҳида руҳдан Ўзини кўпайтира олишга қодирлиги билан фарқ қилади. Парвардигор ёки Олий Рух Ўзини миллионлаган турли қиёфаларда кўпайтира олади, лекин алоҳида руҳлар бунга қодир эмас.

Ҳар бир тирик мавжудот қалбиди мавжуд бўлган ҳолда Олий Рух бизларнинг аввал қилган, ҳозир қилаётган ва келажакда қиладиган ҳар бир ҳаракатимизга гувоҳ бўлиб туради. Олий Рух ҳақида "Упанишад"ларда

айтилганки, У дўст ва гувоҳ сифатида ҳаммиша алоҳида руҳга ҳамроҳ бўлиб бирга юради. Алоҳида руҳнинг дўсти сифатида Парвардигор ҳаммиша уни ўзининг уйига, Худонинг даргоҳига олиб келишга интилади. Гувоҳ сифатида эса У тирик мавжудотларга насиҳат қилиб, уларни ўз фаолиятининг маҳсули билан мукофотлаб юради. Олий Рух алоҳида руҳга моддий оламда лаззатланиш учун истаган ниятига етиш имконини беради, тирик мавжудотнинг бошига тушадиган мусибатлар эса, унинг моддий оламга ҳукмронлик қилишга уринишлари оқибатида келади. Лекин Парвардигор айна пайтда Ўзининг ўғли бўлган дўстига, алоҳида руҳга бошқа барча машғулотларни тарк этишни ва ўз ихтиёрини бутунлай Унга топширишни ва бунинг натижасиди илм ва лаззатга тўла бўлган мангу ҳаётга эришишни маслаҳат беради. "Бхагавад Гита"нинг охириги кўрсатмаси ана шундан иборат. "Бхагавад Гита" энг ишонарли ва оммавий муқаддас китоб, унда йоганинг барча турлари таърифланган, демак, унинг мана шу насиҳатида йоганинг олий мақсади ифодаланган.

"Бхагавад Гита"да айтилганки, ҳаммиша Кришна онги билан яшаб юрган киши энг комил йогдир. Кришна онги нима ўзи? Худди тирик мавжудотнинг бутун танасига алоҳида руҳнинг онги сингиб кетгани сингари, бутун борлиқни Олий Рухнинг олий онги қамраб олган. Чекланган онгга эга бўлган алоҳида рух олий онг қувватига эга бўлган Олий Рухга тенглаша олмайди. Мен ўзимнинг чекланган танам ичиди содир бўлаётган нарсаларни биламан, лекин бошқа тирик мавжудотнинг танасиди бўлаётган нарсаларни ҳис қила олмайман. Онгим билан ўз танамнинг ҳар бир чеккасига кириб боришим мумкин, лекин менинг онгим бошқа бир тирик мавжудотнинг танаси ичига қира олмайди, лекин Олий Рух ёки Параматма, ҳамма жойда ва ҳар бир тирик мавжудот қалбиди мавжуд бўлган ҳолда, бутун борлиқни англаб туради. Алоҳида рух билан Олий Рухнинг бирлиги ҳақидаги тасаввур ишонарли ведавий муқаддас китобларда тасдиқланмайди. Алоҳида руҳнинг онги олий онгдай ҳаракат қила олмайди. Лекин, алоҳида рух онгини Парвардигорнинг онги билан мослаштириб, олий онг поғонасига кўтарилиши мумкин, мана шу жараён ўзини бутунлай Худога топшириш, яъни Кришна онги билан яшаш деб аталади. "Бхагавад Гита"дан биламизки, Аржуна аввалига ўзининг дўстлари ва қариндошлари билан жанг қилишдан бош тортган эди, аммо, "Бхагавад Гита"ни тинглагандан кейин, ўзининг онгини Кришнанинг олий онгига мослаштирди. Ана шу вақтдан бошлаб у Кришна онгиди ҳаракат қила бошлади.

Бутунлай Кришна онгиди бўлган киши Кришнанинг кўрсатмаси бўйича ҳаракат қилади. Кришна онги билан яшашни ривожлантириш жараёнининг аввалиги босқичларида инсон Парвардигорнинг кўрсатмаларини руҳий устоз орқали олади. инсон етарлича тайёргарлик кўриб, ҳақиқий руҳий устоз раҳбарлиги остида Кришнага нисбатан чуқур имон ва муҳаббат билан ҳаракат қила бошлаганида, алоҳида онгининг Парвардигорнинг онги билан мослашуви тобора аниқ ва мустаҳкам бўла боради. Худога садоқат билан хизмат қилишнинг ана шу поғонасига кўтарилиб, Кришна онги билан ҳаракат қилиб юрган содиқ хизматкор йогада олий баркамолликка эришади. Ана шу босқичда Кришна ёки Олий Рух содикни ичидан туриб бошқаради, ташқаридан эса унга руҳий устоз – Кришнанинг ҳақиқий вакили ёрдам беради. Содиқ хизматкорга қалбиди туриб ёрдам бераётган Парвардигор чайтъя деб аталади, чунки У ҳар бир тирик мавжудот қалбиди

мавжуд. Лекин, шунчаки Парвардигор ҳар бир тирик мавжудот қалбида мавжуд эканини англаб етиш ҳали кифоя эмас. Ҳам қалбимизда, ҳам ташқарида мавжуд бўлган Парвардигорни англаб етиш ва ҳам қалбимиздан, ҳам сиртдан Унинг кўрсатмаларини олиб ҳамиша Кришна онги билан ҳаракат қилишимиз лозим. Шунда биз инсон ҳаётининг энг комил ҳолатига ва барча йога тизимларининг камолотига эришамиз.

Комил йог саккиз турли ғайритабиий қобилиятга эга бўлади: у ҳаводан ҳам енгил бўла олади, ўлчамларини атомниқидан ҳам кичик қила олади, тоғдан ҳам қатта бўла олади, истаган нарчасини олиб билади, худди Парвардигордай бошқаларнинг ҳаракатини бошқара олади, ва ҳоказо. Лекин Йоганинг олий поғонасига кўтарилган киши Парвардигорнинг кўрсатмаларини қабул қилиш қобилиятига эга бўлиб, юқорида санаб ўтилган моддий ютуқларнинг ҳаммасидан юқори кўтарилади. Йога билан шуғулланиб юрган кишиларнинг кўплари бажариб юрган жисмоний машқлар ана шу жараённинг энг бошланғич амалларидир. Олий Рухга муҳофаза қилиш – бу йўлда бир қадам олға ташлашдир. Олий Рух билан бевосита мулоқотда бўлиш ва Парвардигордан кўрсатма олишга қодир бўлган киши руҳий баркамолликнинг олий чўққисига кўтарилган бўлади. Муҳофаза қилиш йогасининг нафас олишни бошқариш машқларини бажариш ҳали бундан беш минг йил олдин ҳам жуда қийин эди, акс ҳолда Аржун Кришнанинг унга йога билан шуғулланишни тавсия қилган таклифини рад қилмаган бўларди. Ҳозирги даврни, Кали-югани одамларнинг тубанликка юз тутиш даври деб атайдилар. Ҳозирги даврда одамларнинг аксарият кўпчилиги узоқ умр кўрмайдилар, руҳий ўзликни англаш йўлидан жуда секин ривожланадилар; омад уларга жуда камдан-кам қулиб боқади, шунинг учун агар улардан бирортасида ўзликни англаш жараёнига қизиқиш уйғонса, ҳозирги даврда ҳаддан ташқари қўпайиб кетган фирибгарларнинг бирортаси уни албатта тўғри йўлдан адаштириб кетиши эҳтимоли жуда катта. Йога билан шуғулланишда баркамолликка эришишнинг ягона йўли – худди Парвардигор Чайтанья сингари, "Бхагавад Гита"нинг қонун-қоидаларига риоя қилиб яшашдан иборат. Мана шу йогада баркамолликка эришишнинг энг осон усулидир. Парвардигор Чайтанья "Веданта", "Шримад Бхагаватам", "Бхагавад Гита" ва бошқа энг муҳим Пураналарда кўрсатилганидек, Кришнанинг муқаддас номларини зикр қилиб, Ўзининг ҳаёти мисолида одамларга Кришнани англаш йогасини ҳаётда қандай қўллаш кераклигини кўрсатди.

Ҳиндистонликларнинг жуда кўпчилиги мана шу йога билан шуғулланадилар, аста-секин бу усул Америка Қўшма Штатларида ҳам кенг тарқалди. Бу усул жуда оддий ва ҳозирги даврдаги одамлар учун, айниқса йога билан шуғулланишда ҳақиқатан ҳам муваффақиятга эришишга интилиб юрган кишилар учун жуда қулай. Кали юга даврида бошқа бирор усул йога билан шуғулланишда муваффақият келтира олмайди. Муҳофаза қилиш йогаси билан олтин даврда, одамларнинг умри юз минг йил бўлган Сатья-югада шуғулланиш мумкин эди. Агар инсон йога билан шуғулланишда ҳақиқатан ҳам муваффақият қозонишга интилиб юрган бўлса, у Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилиши лозим: Ҳаре Кришна Ҳаре Кришна Кришна Кришна Ҳаре Ҳаре \ Ҳаре Рама Ҳаре Рама Рама Рама Ҳаре Ҳаре. Шунда у олдига қўйган мақсадига қараб яқинлашиб бораётганини ўзи яққол ҳис қилади. "Бхагавад Гита"да Кришна онги билан яшаш усули раджа-видья, илмлар шоҳи деб аталган.

Кришнага илоҳий муҳаббат ҳолатида холис хизмат қилиш билан шуғулланиб, бхакти-йога йўлидан бораётган содиқлар ҳаётда Кришна онги билан яшаш усули қанчалик осон эканини ва у инсонга чексиз шодлик келтиришини тасдиқлашлари мумкин. Қирк учинчи шеърда тўрт Кумар – Санака, Санатана, Санандана ва Санат-кумарларни ҳам Парвардигорнинг шахсий қиёфаси ва Унинг нилуфар қадамлари пойининг илоҳий муаттар ҳиди ўзига мафтун этгани айтилган эди.

Йога билан шуғулланиб, инсон ўзининг сезгиларини бошқаришни ўрганиши лозим, бхакти-йога, яъни Кришнани англаш – сезгиларни поклаш жараёнидир. Сезгилар покланганида уларни бошқариш осон бўлади. Сунъий йўллар билан сезгиларни фаолият кўрсатишдан тўхтатишнинг иложи йўқ, лекин Худога садоқат билан хизмат қилиш жараёнида сезгиларини поклаб, инсон уларни гуноҳ, иллатли ишлардан чалғитиш ҳамда уларни тўрт донишманд – Санака, Санандана, Санатана ва Санат-кумар интилган Парвардигорга илоҳий хизмат қилишда машғул қилиш имкониятига эга бўлади. Шундай қилиб, бхакти-йога қандайдир файласуфнинг ақлида пайдо бўлган хом-хаёл эмас. Бу - "Бхагавад Гита"(9.34)да тавсия қилинган ишонарли усул: ман-мана бхава мад-бхакто мад-йаджи мам намаскуру.

Текст 46

Кумарлар дедилар: Эй сеvimли Парвардигор, Сен ҳар бир тирик мавжудот қалбида мавжуд бўлсанг ҳам, ярамас ва нодон одамлар Сени кўра олмайдилар. Бизлар эса, гарчи Сен чексиз бўлсанг ҳам, бизлар яққол кўриб турибмиз, бизларнинг кўз олдимизда намоён бўлиб, Сен меҳрибонлик билан бизларга Сен ҳақингда отамиз маъбуд Браҳмадан эшитганларимиз ҳақиқат эканига ишонч ҳосил қилишга имкон бердинг.

Изоҳ: Мазкур шеърда муҳофаза билан шуғулланиб, ақлини қандайдир шахсиятсиз зотда ёки бўшлиқда мужассам қилиб юрган сохта йоглар ҳақида гап боради. "Шримад Бхагаватам"нинг мазкур шеърида ўзларини комил йоглар деб атайдиган ва муҳофаза билан шуғулланадиган, лекин ҳар бир тирик мавжудот қалбида мавжуд бўлган Парвардигорни топа олмайдиган одамлар таърифланган. Кумарлар бу ерда уларни махатмалар – олижаноб қалбли одамларнинг акси, дуратмалар, яъни қалби нопок, калтафаҳм одамлар деб атаганлар. Ана шундай йоглар, ҳатто муҳофаза билан шуғуллансалар ҳам, олижаноб қалбли инсонлар ҳисобланмайдилар, шунинг учун улар гарчи ўзларининг қалбида мавжуд бўлса ҳам, тўрт қўлли Парвардигор Нараянани кўра олмайдилар. Шахсиятсиз Браҳманни англаб етиш Мутлак Ҳақиқатни англашнинг биринчи босқичи ҳисобланади, лекин биз Парвардигорнинг шахсиятсиз нуруни томоша қилиш билан қаноат ҳосил қилиб қолмаслигимиз керак. "Ишопанишад"да содиқ хизматкор Худодан Парвардигорнинг шахсий қиёфасини кўра олиш ва тўла мамнуният ҳосил қила олиш учун Браҳманнинг порлоқ нурдан иборат пардасини олиб туришни илтижо қилади. Шундай қилиб, агар аввалига содиқ танасидан таралаётган порлоқ нур билан тўсилган Парвардигорни кўрмаса ҳам, Парвардигор Ўзини кўришга самимий интилаётган содиқ хизматкорига Ўзини албатта ошкор этади. "Бхагавад Гита"да айтилганки, Парвардигорни бизнинг номукамал кўзларимиз билан

кўришнинг, номукамал кулоқларимиз билан тинглашнинг, Унинг шу ердалигини мукамал бўлмаган сезгиларимиз билан сезишнинг иложи йўқ; лекин Парвардигорга чуқур имон ва садоқат билан хизмат қилиб юрган кишига У Ўзини ошкор этади.

Бу ерда айтилганки, тўрт донишманд Санат-кумар, Санатана, Санандана ва Санака Парвардигорнинг самимий содиқлари эдилар. Гарчи донишмандларнинг отаси маъбуд Браҳма уларга Парвардигорнинг шахсий жиҳати ҳақида гапирган бўлса ҳам, улар Парвардигорнинг фақат шахсиятсиз жиҳати, Браҳманни тушунар эдилар. Лекин, улар Парвардигорни самимий излаб юрганлари учун Парвардигорнинг отасининг айтганларига тўла мос келадиган шахсий қиёфасини кўриш имкониятига эга бўлдилар. Фақат шундагина улар тўла мамнуният ҳосил қилдилар. Бу ерда Кумарлар Парвардигорга миннатдорчилик билдириптилар: аввалига улар калтафаҳм имперсоналистлар бўлса ҳам, Худонинг марҳамати билан улар Парвардигорнинг шахсий қиёфасини кўриш бахтига муяссар бўлдилар. Мазкур шеърнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, донишмандлар бир пайтлар Парвардигорнинг Ўзи дунёга келтирган отаси, маъбуд Браҳманинг гапларини тинглаганини эслаб ўтадилар. Бошқача қилиб айтганда, бу ерда ведалар илми Парвардигордан маъбуд Браҳмага, Браҳмадан Нарада Мунига, Нарада Мунидан Вьясага ва ҳоказо, ўтиб келаётган шогирдлар силсиласи ҳақида гап боряпти. Маъбуд Браҳманинг ўғиллари бўлган ҳолда, Кумарлар ведалар илмини маъбуд Браҳмадан бошланадиган шогирдлар силсиласи орқали олишга муяссар бўлдилар, шунинг учун охир оқибатда улар аввалига руҳий юксалишни имперсоналистлар сифатида бошлаган бўлишига қарамай Парвардигорнинг шахсий қиёфасини бевосита кўришга муваффақ бўлдилар.

#### Текст 47

Бизларга маълумки, Сен – Олий Мутлақ Ҳақиқат, Ўзининг илоҳий қиёфасини булганмаган соф эзгулик гунасида намоён этадиган Худо Шахсисан. Парвардигорнинг ана шу илоҳий ва мангу шахсий қиёфасини фақат Сенинг марҳаматинг билан кўриш мумкин. Сен шундай марҳаматингни Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлидан адашмай бораётган зотларга – қалби Худога садоқат билан покланган буюк донишмандларга ато этасан.

Изоҳ: Мутлақ Ҳақиқатни уч кўринишда англаб этадилар – Шахсиятсиз Браҳман, мужассам бўлган Параматма ва Бхагаван, Олий Шахс Худо. Бу ерда кумарлар Олий Шахс Худо – Мутлақ Ҳақиқатни англаш жараёнининг энг юқори босқичи эканини тан оляптилар. Ҳатто буюк отаси маъбуд Браҳманинг гапларини тинглаб ҳам тўрт Кумар Мутлақ Ҳақиқатни англаб ета олмадилар. Улар Олий Мутлақ Ҳақиқатни фақат Худо Шахсини бевосита кўрганларидан англаб етдилар. Бошқача қилиб айтганда, Олий Шахс Худони кўрган ёки англаб етган киши Мутлақ Ҳақиқатнинг бошқа икки жиҳатини – шахсиятсиз Браҳман ва мужассам бўлган Параматмани ҳам англаб этади. Шунинг учун Кумарлар Парвардигорга: “Сен – Мутлақ Ҳақиқатсан” - деб айтяптилар. Имперсоналист бунга эътироз билдириб, Парвардигор ажойиб безанган бўлгани туфайли Мутлақ Ҳақиқат бўлиши мумкин эмас, деб айтиши мумкин. Лекин мазкур шеърда айтилганки, мутлақ поғонадаги барча ранг-баранглик шуддха-саттвдан, соф эзгуликдан иборат. Моддий оламда

эзгулик, эҳтирос ва ғафлат соф ҳолда мавжуд бўла олмайди. Моддий оламда ҳатто эзгулик сифати ҳам эҳтирос ва ғафлат билан аралашган бўлади. Аммо, илоҳий салтанатда ғафлат ва эҳтирос умуман аралашмаган соф эзгулик мавжуд, шунинг учун Олий Шахс Худонинг қиёфаси ҳам, Унинг ранг-баранг эрмак ва бошқа жиҳатлари сингари, соф саттва-гунадан иборат. Ўзининг асл содиқларини мамнун қилиш учун Парвардигор соф эзгулик гунасида ана шу ранг-барангликни бетиним намоён этиб юради. Содиқ хизматкор Мутлақ Ҳақиқатнинг Олий Шахсида бўшлиқ ёки шахсиятсиз зотни кўришни истамайди. Қандайдир маънода мутлақ илоҳий ранг-баранглик фақат Худонинг содиқлари учун мўлжалланган, чунки руҳий ранг-барангликнинг илоҳий табиатини фақат Парвардигорнинг марҳамати билан англаб етиш мумкин. На фалсафий изланишлар, пастдан юқорига ўсиб борадиган илм олиш жараёни Мутлақ Ҳақиқатни англаб етиш воситаси бўла олмайди. Олий Шахс Худони фақат Парвардигорнинг атиги бир томчи марҳаматига эришган киши англаб ета олади, Парвардигорнинг марҳаматидан маҳрум бўлган киши эса, минглаб йиллар давомида фикр-мулоҳаза юритиши мумкин, лекин Мутлақ Ҳақиқатнинг табиатини англаб ета олмайди. Содиқ хизматкор Худонинг марҳаматига моддий иллатлардан бутунлай покланганида эриша олади. Шунинг учун бу ерда айтилганки, содиқнинг қалбида моддий иллатдан асар ҳам қолмаганда, у моддий боғланишларнинг ҳаммасидан бутунлай халос бўлганида, фақат шундагина у Худонинг марҳаматига сазовор бўлади.

#### Текст 48

Одамлар орасида фақат Ҳақиқатни кўра оладиган, энг етук ва донишманд кишиларгина тинглашга ва гапиришга муносиб бўлган Парвардигорнинг шарофатли эрмак ва кароматлари ҳақидаги ҳикояларни тинглайдилар. Шундай кишилар фақат жаннатдагиларга насиб этадиган моддий бахт, сингари аҳамиятсиз бойликлар нари турсин, моддий ютуқларнинг энг буюғи – озодликка чиқишга ҳам бефарқ қарайдилар.

Изоҳ: Худонинг содиқлари ҳис қиладиган илоҳий лаззат билан калтафаҳм одамлар лаззатланиб юрган моддий бахт орасида ҳеч қандай умумийлик мавжуд эмас. Моддий оламда яшаётган калтафаҳм одамлар дунёвий қадриятнинг тўрт турига – дхарма, артха, кама ва мокшага интиладилар. Одатда улар бирор моддий манфаат кўриш ниятида диний қонун-қоидаларга риоя қиладилар, моддий фаровонлик уларга ҳиссий лаззатланиш имконини беради. Бу йўлда улар ҳафсаласи пир бўлиб, кўпроқ ҳиссий лаззат олишга интилишлари бемаъни эканига ишонч ҳосил қилгандан кейин улар Парвардигор билан қўшилиб кетишга интила бошлайдилар, ўзларича улар бунинг мукти, озодликка чиқиш деб ҳисоблайдилар. Руҳий озодликнинг беш тури мавжуд бўлиб, улар ичида сауджъя, Парвардигорга қўшилиб кетиш аҳамияти бўйича энг юқори туради. Чуқур тафаккурга эга кишилар бўлган Худонинг содиқлари ҳеч қачон ана шундай озодликка чиқишни мақсад қилиб қўймайдилар. Бунинг устига, улар ҳатто руҳий озодликнинг тирик мавжудотга Парвардигор билан бир сайёрада яшаш, Парвардигорнинг яқин ҳамроҳи сифатида ҳамisha Парвардигор билан бирга бўлиш, Парвардигор эга бўлган бойликларга эга бўлиш ва Парвардигорники сингари илоҳий танага эга бўлиш имкониятини берадиган бошқа тўрт турига ҳам бефарқ қарайдилар.

Худонинг содиклари фақат бир нарсага: Парвардигорнинг улуғворлигини шарафлаб куйлаш ва Унинг шарофатли кароматларини олқишлашга интиладилар. Худога соф садоқат билан холис хизмат қилиш – шраванам ва киртанам жараёнидир. Парвардигорнинг улуғворлиги ҳақидаги ҳикояларни тинглаш ва Уни олқишлашдан илоҳий лаззат оладиган Худонинг асл содиклари озодликнинг бирор турига эришишга интилмайди: ҳатто уларга бирданга руҳий озодликнинг беш турини таклиф қилсалар ҳам, "Шримад Бхагаватам"нинг учинчи кўшигида айтилганидек, улар буни рад этадилар. Дунёвий одамлар жаннатий салтанатнинг самовий лаззатларини орзу қиладилар, аммо Худонинг содиклари бундай моддий лаззатлардан бутунлай юз ўгирадилар. Содиқ хизматкорга ҳатто Индранинг тахти ҳам керак эмас. Бу моддий оламда тирик мавжудот қанчалик юқори мартабага эга бўлмасин, эртами, кечми барибир ундан маҳрум бўлишини яхши билади. Ҳатто тирик мавжудот Индра, Чандранинг ёки бошқа бир қудратли фариштанинг тахтини эгалласа ҳам, эртами-кечми барибир ўлишга мажбур бўлади. Содиқ хизматкор бундай ўткинчи моддий лаззатларга интилмайди. Ведавий муқаддас китоблардан биламизки, ҳатто маъбуд Браҳма ва Индра ҳам адашади, тубунликка юз тутуди, аммо Парвардигорнинг илоҳий салтанатига эришган содиқ бошқа ҳеч қачон моддий оламга қайтиб келмайди. Парвардигор Чайтанья ана шундай, инсон илоҳий лаззат ҳис қиладиган илоҳий ҳолатга Парвардигорнинг илоҳий кароматлари, эрмакларини тинглаш орқали эришишни тавсия қилади. Парвардигор Чайтанья Рамананда Рая билан суҳбатлашганида Рамананда руҳий ўзликни англаб етишга олиб борадиган бир неча йўллари санаб ўтди, аммо Парвардигор Чайтанья бирин кетин бу йўллarning ҳаммасини инкор этди, У фақат бир йўлни – Парвардигорнинг улуғворлиги ҳақидаги ҳикояларни Худонинг асл содиклари даврасида тинглашни маъқуллади. Айниқса биз яшаётган даврда бу усулдан ҳар бир инсон фойдалана олади. Одамлар Худонинг асл содикларининг Парвардигорнинг кароматлари ҳақида гапирган ҳикояларини тинглаши лозим. Худонинг асл содикларининг Парвардигор ҳақидаги гапларини тинглаш бутун инсониятга энг олий бахт-саодат келтиради.

#### Текст 49

Эй Парвардигор, бизлар ҳар қандай дўзахда туғилишга тайёرمىз, фақат бизларнинг қалбимиз ва ақлимиз ҳамиша Сенинг нилуфар қадамларинг пойига хизмат қилиб юрса, бас. Худди Сенинг нилуфар қадамларинг пойига тақдим этилганда туласи барглари яна ҳам чиройлироқ бўлиб кетгани сингари, бизларнинг нутқимизни ҳамиша Сенинг кароматларинг ҳақидаги ҳикоялар безаб юрсин, қулоқларимизга эса тинмасдан Сенинг илоҳий сифатларингни шарафлаб куйлайдиган мадҳиялар шарбати куйилиб турсин.

Изоҳ: Бу ерда тўрт донишманд ўзлари дуои бад қилган икки содиққа нисбатан ўзларини катта тутгани учун Парвардигор олдида тавба-газарру қиляптилар. Донишмандларни Вайкунтҳага киритмасдан икки соқчи, Жая ва Виджая, албатта, уларни ҳақорат қилди, лекин вайшнав бўлгани учун тўрт донишманд ғазабланмаслиги ва уларни дуои бад қилмаслиги керак эди. Бўлар иш бўлгандан кейин улар Худонинг содикларини шошилинч дуои бад қилиб нотўғри қилганини тушундилар ва Парвардигордан илтижо қилиб, ҳатто дўзахда ҳам уларнинг ақли

Парвардигор Нараянанинг нилуфар қадамлари пойига хизмат қилишга ғарқ бўлишини тиладилар. Агар ҳамиша Худога садоқат билан хизмат қилиш имконияти бериладиган бўлса, Худонинг содиклари ҳар қандай шароитда яшашга рози бўладилар. Олий Шахс Худо, Нараянанинг содиклари, нараяна-парах, ҳақида шундай дейдилар: на куташчана бибхйати("Шримад Бхагаватам".6.17.28). Худонинг содиклари ҳатто дўзахга боришдан ҳам кўркмайдилар, чунки Парвардигорга илоҳий муҳаббат билан хизмат қилиб юрган киши жаннатда ҳам, дўзахда ҳам ўзини бир хил ҳис қилади. Моддий оламда жаннат билан дўзах, аслида бир бирдан кам фарқ қилади, чунки уларнинг иккиси ҳам моддий табиатга эга: жаннатда ҳам, дўзахда ҳам тирик мавжудотлар Худога садоқат билан хизмат қилмайдилар. Шунинг учун Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган киши жаннат билан дўзахнинг фарқи бормайдилар: фақат дунёвий одамлар уларнинг бирини бирдан афзал биладилар.

Тўрт содиқ хизматкор Парвардигордан илтижо қилиб, Ундан агар Худонинг содикларини дуои бад қилганлари учун жазо сифатида дўзахга борадиган бўлсалар, ҳатто дўзахда ҳам Худога садоқат билан хизмат қилишни эсдан чиқармасликка ёрдам беришни тиладилар. Парвардигорга илоҳий хизмат қилишда тана, ақл ва нутқ иштирок этиши мумкин. Бу ерда донишмандлар Парвардигорга илтижо қилиб, уларнинг нутқи ҳамиша Парвардигорни олқишлаш билан машғул бўлишини тилаяптилар. Инсон гапга чечан бўлиши ёки ўзининг фикрини адабий тилда бенуксон тўғри ифодалай олиши мумкин, аммо агар унинг гаплари Худога садоқат билан хизмат қилиш билан боғлиқ бўлмаса, улар ўзининг нафосатини йўқотиб, шунчаки бемаъни гаплар бўлиб қолади. Бу ерда туласи барглари мисол қилиб кўрсатилган. Доривор гиёҳ ва ажойиб антисептик сифатида туласи жуда кўп бебаҳо фазилатларга эга, унинг барглари муқаддас ҳисобланади ва уларни Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойига тақдим этадилар. Туласи барглари ажойиб сифатларга эга, лекин уларни Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойига тақдим қилмасалар, уларнинг қадри бўлмайди. Худди шундай, инсон ўзининг нутқини дунёвий одамлар ҳурмат қиладиган грамматика ва риторика бўйича барча қоидаларга риоя қилиб тайёрлаши мумкин, лекин агар унинг гаплари Худога садоқат билан хизмат қилиш билан боғлиқ бўлмаса, улар маъносини йўқотиб, ҳеч қандай қадри бўлмай қолади.

Қулоқ тешиклари жуда кичик, уларни ҳар қандай, энг арзимаган товуш тўлдирishi мумкин. Шундай савол туғилади: улар қандай қилиб Парвардигорга айтилган ҳамду-саноларнинг буюк товушини ўзига сиғдира олиши мумкин? Бунга шундай жавоб бериш мумкин: қулоқ тешиклари худди ҳеч қачон тўлдириб бўлмайдиган осмонга ўхшайди. Бизнинг қулоқларимиз шундай тузилганки, агар унга товушлар бетиним оқиб турса ҳам у ўзига чексиз товушларни сиғдира олади. Агар Парвардигорни олқишлайдиган ҳикояларни тинглаш имконияти бўлса, Худонинг содиқ хизматкори дўзахга боришдан ҳам кўркмайди. Ҳаре Кришна мантрани такрорлашнинг инкор этиб бўлмайдиган афзаллиги шунда: Ҳаре Кришна Ҳаре Кришна Кришна Кришна Ҳаре Ҳаре \ Ҳаре Рама Ҳаре Рама Рама Рама Ҳаре Ҳаре. Содиқ хизматкор қандай шароитга тушиб қолса ҳам, Парвардигор ҳамиша унда Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилиш ҳуқуқини қолдиради. Агар қаерда бўлишидан қатъий назар Худонинг муқаддас номларини такрорлашни давом эттирса, у ҳеч қачон ўзини бахтсиз сезмайди.

Шунинг учун, эй Парвардигор, бизлар чуқур эхтиром билан Сенинг мангу қиёфанг, бесабаб марҳаматинг билан Ўзинг бизларга намоён этган Худо Шахсининг қиёфаси олдида бош эгамиз. Ақли чекланган бахтиқаро одамлар Сенинг бизларнинг ақлимизга ва кўзларимизга шунчалик лаззатли мамнуният келтирган олий, мангу қиёфангни кўриш имкониятидан маҳрумдирлар.

Изоҳ: Руҳий фаолиятининг бошида тўрт донишманд имперсоналист эдилар, лекин кейинчалик отаси ва руҳий устози маъбуд Браҳманинг марҳамати билан Парвардигорнинг мангу руҳий қиёфасини англаб етдилар ва бундан тўла мамнуният ҳосил қилдилар. Бошқача қилиб айтганда, фикру-хаёлини шахсиятсиз Браҳманда ёки мужассам бўлган Параматмада жамлайдиган илоҳиёт кишилари қалбида тўла мамнуният ҳосил қила олмайдилар ва ҳамиша нимагадир интилиб юрадилар. Ҳатто улар ақлини қаноатлантира олсалар ҳам уларнинг илоҳий назари қаноатланмай қолаверади. Аммо, Олий Шахс Худони англаб етганда шундай одамлар тўла мамнуният ҳосил қиладилар. Бошқача қилиб айтганда, улар ҳам Худонинг содиқлари бўладилар ва Парвардигорнинг қиёфасини тинмасдан томоша қилиб юришга интиладилар. "Брахма-самхита"да айтилганки. Ўзининг кўзларига муҳаббат малҳами суриб олган киши қалбида Кришнага илоҳий муҳаббат уйғотиб, ҳамиша Парвардигорнинг мангу қиёфасини кўриб юради. Бу ерда ишлатилган анатманам ибораси ақли ва ҳиссиётини жиловлаб олишга қодир бўлмасдан самарасиз фалсафий изланишларга берилиб, Парвардигорга қўшилиб кетишга интилиб юрган кишиларга тегишли. Ана шундай одамлар инсонга Парвардигорнинг мангу қиёфасини бевосита томоша қилиш келтирадиган чексиз илоҳий лаззатдан баҳраманд бўлиш бахтидан маҳрумдирлар. Имперсоналистлар ва сохта йоглардан Парвардигор ҳамиша йогамайя ёрдамида бекиниб олган. "Бхагавад Гита"да айтилганки, ҳатто Парвардигор ер юзида яшаган бўлса ҳам, Уни ҳамма ҳам кўравермаган, чунки улар Худонинг содиқлари эга бўлган илоҳий назардан маҳрум эдилар. Имперсоналистлар ва сохта йоглар Парвардигор фақат майя билан учрашгандагина маълум бир қиёфага эга бўлади, аслида Унинг шахсий қиёфаси йўқ деб биладилар. Имперсоналистлар ва сохта йогларнинг Парвардигор ҳақидаги ана шу тасаввури уларга Олий Шахс Худо, Худо Шахсини қандай бўлса шундайлигича кўриш имкониятидан маҳрум қилади. Шунинг учун Парвардигор ҳамиша имонсиз даҳрийлар кўзидан яширин. Парвардигорга нисбатан ғайритабиий миннатдорчилик билдириб, донишмандлар Унга такрор ва такрор ҳурмат эхтиром кўрсатдилар.

"Шримад Бхагаватам"нинг Учинчи Кўшиқ "Парвардигор салтанатининг таърифи" деб аталадиган ўн бешинчи бобига Бхактиведантанинг изоҳлари шундай яқунланади.

### Ўн олтинчи боб

## Вайкунтҳанинг донишмандлар дуои-бад қилган икки соқчиси Жай ва Вижай

Текст 1

Маъбуд Браҳма деди: Донишмандларга улар айтган олқиш сўзлари учун миннатдорчилик билдириб, даргоҳи илоҳий маконда бўлган, ҳар нарсага қодир Парвардигор шундай деди.

Текст 2

Парвардигор деди: Менинг Жай ва Вижай деган содиқ хизматкорларим сизларни қаттиқ ҳақорат қилиб қўйишларига сабаб уларнинг Менга муносиб эътибор бермаганларидир.

Изоҳ: Худонинг содиқ хизматкорининг пойи қадамларини ҳақорат қилиш туфайли инсон оғир гуноҳга ботади. Ҳатто Вайкунтҳада ҳам тирик мавжудот қандайдир гуноҳ қилиб қўйиши мумкин, лекин Вайкунтҳада яшайдиган зотларнинг бирортаси қандайдир гуноҳ қилиб қўйса, уни Парвардигорнинг Ўзи химоя қилади. Парвардигор билан Унинг хизматкорларининг ўзаро ажойиб муносабатлари ана шундай, бунга Жай билан Вижайни мисол келтириш мумкин. Мазкур шеърда ишлатилган атикрамам ибораси шуни кўрсатадики, биз Худонинг содиқ хизматкорини ҳақорат қилиш билан Парвардигорнинг Ўзига нисбатан ҳурматсизлик қилган бўламыз.

Англашилмовчилик сабабли соқчилар Вайкунтҳа дарвозаси олдида донишмандларнинг йўлини тўсдилар, лекин, улар барибир соқчилар Парвардигорга илоҳий хизмат қилиб юргани сабабли комил содиқлар. Парвардигор уларнинг ҳалокатга учрашига йўл қўймаслигини яхши билардилар. Парвардигорнинг шахсан Ўзи Вайкунтҳа дарвозаси олдида пайдо бўлиши уларнинг қалбини қувончга тўлдирди. Бу ерда бўлиб ўтган можаро донишмандлар Унинг нилуфар қадамлари пойини кўриш имкониятидан маҳрум бўлиб қолгани сабабли юзага келганини Парвардигор биларди, шунинг учун уларни мамнун қилиш учун шахсан Ўзи уларнинг олдида пайдо бўлди. Бундай пайтларда Парвардигорнинг Ўзи аралашиб, шундай қиладикки, содиқ Унинг нилуфар қадамлари пойини кўриш имкониятига эга бўлади. Бунга Харидас Тхакурнинг ҳаёти ёрқин мисол бўлиши мумкин. Чайтанья Махапрабху Жаганнатха-пурида муқим жойлашиб олганида мусулмон оиласидан чиққан Харидас Тхакур ҳам шу ерга кўчиб борди. Ўша даврда Ҳиндистондаги эҳромларга ҳиндлардан бошқа ҳеч кимни киритмасдилар. Гарчи Харидас Тхакур ҳар қандай ҳинддан ҳам покрок турмуш кечираётган бўлса ҳам, у ўзини мусулмон деб ҳисоблар, шунинг учун Парвардигор Жаганнатҳанинг эҳромига кирмасди. Унинг камтарлигини ва эҳромга келмаётганини билиб, Жаганнатҳадан фарқ қилмайдиган Парвардигор Чайтаньянинг Ўзи ҳар куни Харидас Тхакурнинг олдида келар ва у билан суҳбатлашиб ўтирарди. Кўриб турибмизки, бу ерда ҳам Парвардигор худди шундай қиляпти. Худонинг содиқларини Унинг нилуфар қадамлари пойини кўришдан маҳрум қилганларида Парвардигорнинг Ўзи уларнинг олдида борди, бу ерга ҳам Уни тўрт донишманд интилиб юрган пойи қадамлари олиб келган эди.

Унинг бу ерга омад фариштаси билан бирга келиши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Оддий одамлар омад фариштасини кўриш имкониятидан маҳрумдирлар, аммо Парвардигор шунчалик меҳрибонки, гарчи содиқлар бундай эътиборга интизмасалар ҳам, уларнинг олдида омад фариштаси билан бирга пайдо бўлди.

#### Текст 3

Эй буюк донишмандлар, Мен ҳам улар учун сизлар – Менинг содиқларим белгилаган жазони маъкуллайман.

#### Текст 4

Мен учун брахмандан азизроқ зот йўқ, Мен учун брахман ҳаммадан устун туради. Менинг яқин ҳамроҳларимнинг сизларга кўрсатган ҳурматсизлиги аслида Менинг айбимдир, чунки улар – Менинг хизматкорларим. Сизларни ҳақорат қилган улар эмас Мен Ўзим деб ҳисоблайман, шу боис бўлиб ўтган ишлар учун сизлардан кечирим сўрайман.

Изоҳ: Парвардигор брахманларга ва сигирларга алоҳида меҳрибонлик қилади, шунинг учун бир ведавий мантрада шундай дейилган: го-брахмана-хитайа-ча. Ўз навбатида брахманлар Парвардигор Шри Кришнага, яъни Олий Шахс Худо, Парвардигор Вишнуга сиғинадилар. Ведавий муқаддас китобларда, “Риг-веда” мадҳияларида айтилганки, ҳақиқий брахманлар Парвардигор Вишнунинг нилуфар қадамлари пойдан кўз узмайдилар: ом тад вишну парамам падам сада пашйанти сурайах. Ҳақиқий брахманлар фақат Олий Шахс Худонинг вишну-таттва тоифасига мансуб экспансияларига, яъни Кришнага, Рамага ва Парвардигор Вишнунинг сон-саноксиз экспансияларига сажда қиладилар. Брахман оиласида туғилган, лекин ўзлари вайшнавларга қарши фаолият билан шуғулланиб юрган сохта брахманларни брахман деб ҳисобламаслик керак, чунки ҳақиқий брахман – албатта вайшнав, ва аксинча, вайшнав – брахман бўлади. Худонинг содиқ хизматкори бўлган киши ўзидан ўзи брахман бўлади: брахма джанатити брахманах. Брахманни англаб етган киши брахман ҳисобланади, вайшнав эса - Худо Шахсини англаб етган киши. Шунинг учун Худо Шахсини англаб етган киши Парвардигорнинг шахсиятсиз жиҳати – Брахманнинг табиатини ҳам тушуниб етган бўлади. Шунинг учун вайшнав бўлган киши аллақачон брахман бўлган бўлади. Шуни айтиб ўтиш лозимки, бу бобда Парвардигор брахманларни олқишлар экан, У содиқ-брахманларни, яъни вайшнавларни назарда тутяпти. Парвардигор шунчаки ўзларини брахман деб юрган, яъни брахманлар оиласида дунёга келган, лекин брахманларнинг сифатларига эга бўлмаган кишилар ҳақида гапиряпти деб ҳисоблаш хато бўлади.

#### Текст 5

Худди, пес касалига учраган кишининг терисидаги оқ доғлар унинг танасининг каерди бўлишидан қатъий назар бутун танани нопок қилгани сингари, одатда одамлар хизматкорнинг айбини унинг хўжайинига қўядилар.

Изоҳ: Вайшнав ҳар жиҳатдан бенуқсон хулқ-атворга эга бўлиши лозим. "Шримад Бхагаватам"да айтилганки, вайшнав бўлган кишида фаришталарнинг барча эзгу

фазилатлари ривожлана бошлайди. "Чайтанья-чаритамрита"да ана шундай сифатларнинг йигирма олтитаси санаб ўтилган. Худонинг содиқ хизматкори Кришнани англаб етишда тобора юксала бориши билан ўзида ҳақиқий вайшнавларнинг ана шу сифатларини ривожлантиришга ҳаракат қилиб юриши лозим. Содиқ хизматкор намунали инсон бўлиши лозим, чунки унинг қилган ҳар бир гуноҳи Олий Шахс Худонинг танасига бир жароҳат етказди. Содиқ хизматкорнинг бурчи – бошқалар, айниқса Парвардигорнинг бошқа содиқлари билан чуқур ўйлаб, яхши муносабатда бўлишдан иборат.

#### Текст 6

Коинотдаги ҳар қандай тирик мавжудот, ҳатто ит гўшти еб юрган чандала ҳам Менинг муқаддас номларим, Менга айтилган ҳамду-саноларнинг илоҳий товушларига ғарқ бўлган заҳоти гуноҳлардан покланади. Энди сизлар Мени англаб етдинглар, шу боис агар сизларга бирор зиён етказмоқчи бўлса, Мен ҳеч ўйланмасдан, ҳатто Ўзимнинг қўлимни ҳам кесиб ташлайман.

Изоҳ: Одамлар Кришна онгини қабул қилсаларгина инсонлар жамияти ҳақиқатан ҳам покланади. Буни барча ведавий муқаддас китоблар таъкидлайдилар. Ҳатто хулқ-атвори ҳамиша бенуқсон бўлавермаса ҳам, Кришна онгини самимий қабул қилган ҳар қандай киши шу заҳотиёқ барча гуноҳлардан покланади. Гарчи жамиятнинг турли табақаларига мансуб одамларнинг барчаси намунали хулқ-атворга эга бўлмаса ҳам, ҳар қандай муҳитда дунёга келган киши ҳам Худонинг содиқ хизматкори бўла олади. Мазкур шеърда, шунингдек "Бхагавад Гита"нинг кўплаб шеърларида айтилганидек, брахман оиласида дунёга келмаган киши, ҳатто чандала оиласида дунёга келган киши ҳам, агар Кришна онгини қабул қилса, шу заҳотиёқ покланади. "Бхагавад Гита"(9.30-32)да аниқ айтилганки, Кришна онгини қабул қилган кишини, ҳатто унинг хулқ-атвори бенуқсон бўлмаса ҳам, такводор инсон деб ҳисоблаш керак. Токи инсон моддий оламда экан, унинг бошқалар билан ўзаро муносабати икки хил бўлади: моддий ва руҳий. Ҳатто покланиб, руҳий поғонага кўтарилган киши ҳам дунёвий, яъни ижтимоий соҳада ҳаёт ҳақидаги моддий тасаввурга асосланиб ҳаракат қилади. Аммо, ҳатто чандала оиласида дунёга келган содиқ хизматкор баъзан ўзига одат бўлиб қолган беъмани ишларни қилиб қўйса, барибир уни чандала деб ҳисобламаслик керак. Бошқача қилиб айтганда, вайшнавга унинг танасига қараб баҳо бермаслик керак. Шастраларда эҳромга ўрнатилган Илоҳларни ёғоч ёки тошдан ясалган деб, Кришна онгини қабул қилган кишини эса – ўзи дунёга келган табақага мансуб деб ҳисоблаш таъқиқлаб қўйилган. Кришна онгини самимий қабул қилган ҳар қандай кишини бутунлай покланган деб ҳисоблаш керак бўлгани учун ана шундай кўрсатма берилган. У покланишни бошлаган, агар Кришна онги билан яшаш қоидаларига қатъий амал қилиб юрса, тез орада бутунлай покланади. Шундай қилиб, Кришна онгини самимий ва жиддий қабул қилган кишини гуноҳлардан покланган деб ҳисоблаш керак, ана шундай кишига ёрдам беришга Кришна ҳамиша тайёр туради. Бу ерда Парвардигор бизларни ишонтириб айтяптики, У Ўзининг содиқ хизматкорини ҳимоя қилиш учун ҳар нарсага, ҳатто Ўз танасининг аъзосини ҳам кесиб ташлашга тайёр.

#### Текст 7

Парвардигор давом этди: Мен – содиқларимнинг хизматкориман, фақат шу туфайли Менинг нилуфар пойи қадамларим шунчалик муқаддаски, улар тирик мавжудотни бир зумда барча гуноҳларидан поклашга қодир; хулқ-атворим эса, шунчалик ёқимли бўлдики, унга нисбатан умуман бефарқ бўлишимга қарамай, омад фариштаси ҳеч қачон ёнимдан кетмайди. Бошқалар эса, унинг бир томчи марҳаматига эришиш учун унинг гўзаллигини олқишлаб, ҳар хил муқаддас қасамлар ичиб юрадилар.

Изоҳ: Парвардигор билан Унинг содиқ хизматкорининг ўзаро муносабатлари илоҳий гўзалликка тўла. Содиқнинг ишончи комилки, барча яхши фазилатлар унда фақат Худонинг содиқ хизматкори бўлгани шарофати билан ривожланган, Парвардигорни эса, Ўзининг содиқ хизматкорига бўлган садоқати беэба туради. Бошқача қилиб айтганда, худди содиқ хизматкор ҳамиша Худога садоқат билан хизмат қилиш иштиёқида ёнгани сингари, Парвардигор ҳам Ўзининг содиқ хизматкорига хизмат қилишга интилади. Парвардигор шундай сифатга эгаки, Унинг нилуфар қадамлари пойидан тушган гарднинг бир заррасига теккан киши шу заҳотиёқ буюк шахс бўлиш имкониятига эга бўлади, лекин Парвардигор бу ерда тан олаптики, Ундаги ана шу сифатнинг манбаи Унинг Ўз содиқларига бўлган муҳаббатидир. Айнан ана шу муҳаббат омад фариштасини ҳамиша Унинг ёнида ушлаб туради, ана шу муҳаббат туфайли битта эмас, минглаб омад фаришталари Парвардигорга бетиним хизмат қиладилар. Омад фариштасининг атиги бир томчи марҳаматига эришиш учун моддий оламда яшайдиган кишилар руҳий қасамларга риоя қилиб, қаттиқ риёзат чекадилар. Лекин Парвардигор Ўзининг содиқ хизматкори бирор қийинчиликка учрашини истамайди, шу боис У бҳакта-ватсала деган номи билан машҳур.

#### Текст 8

Қурбонлик маросимида Менинг оғизларимдан бири бўлган муқаддас оловга тақдим этиладиган эҳсонлар Менга устида сариёғ сузиб юрган, ўз фаолиятининг бутун маҳсулини Менга бағишлаб, ҳамиша Менинг прасадимдан мамнун бўлиб юрган браҳманларнинг оғзи теккан таомчалик лаззат бағишлай олмайди.

Изоҳ: Худонинг содиқ хизматкори, яъни вайшнав, аввал Парвардигорга тақлиф қилмай туриб бирор нарсани қабул қилмайди. Ўз фаолиятининг бутун маҳсулини Парвардигорга тақдим этгани учун вайшнав ҳеч қачон аввал Парвардигорга тақдим этилмаган нарсадан емайди. Парвардигор эса, Ўзига тақлиф этилган таомларнинг ҳаммасини вайшнавларга беришдан чуқур лаззат олади. Мазкур шеърдан кўриниб турибдики, Парвардигор овқатни қурбонлик олови орқали ҳамда браҳманнинг оғзи орқали қабул қилади. Парвардигорни мамнун қилиш учун одамлар қурбонлик оловига ҳар хил маҳсулотларни эҳсон қиладилар: дон, сариёғ ва ҳоказо. Парвардигор браҳманлар ва Худонинг содиқлари Унга тақдим этган нарсаларнинг ҳаммасини қабул қилади. "Шримад Бхагаватам"нинг бошқа бир жойида айтилганки, Парвардигор одамларнинг браҳманларга ва вайшнавларга эҳсон қилган нарсаларнинг ҳаммасини қабул қилади. Лекин бу ерда айтилганки, браҳман ва вайшнавларнинг оғзига тақлиф этилган таомлар Парвардигорга кўпроқ

лаззат келтиради. Бунга Адвайта Прабху билан Харидас Тхакурнинг ўзаро муносабатлари ёрқин мисол бўла олади. Харидас мусулмон оиладан чиққани учун Адвайта Прабху қурбонлик маросими ўтказиб бўлиб, прасад таомни биринчи бўлиб унга тақдим этди. Адвайта Прабхуга ўзининг мусулмон оиласидан чиққанлигини эслатиб туриб, Харидас Тхакур ундан нимага таомни биринчи бўлиб бирор олийнасаб браҳманга эмас, балки мусулмонга тақлиф қилганининг сабабини сўради. Ўзининг камтарлиги туфайли Харидас ўзини ҳатто муносиб мусулмон ҳам эмас деб ҳисобларди, аммо тажрибали содиқ хизматкор бўлган Адвайта Прабху уни ҳақиқий браҳман деб биларди. Адвайта Прабху жавоб бериб айтдики, биринчи таомни Харидас Тхакурга тақлиф қилиш билан у юз минг браҳманни меҳмон қилишга тенг савоб олди. Бундан келиб чиқадики, юз минглаб қурбонлик маросими ўтказгандан кўра битта браҳманни ёки вайшнавни меҳмон қилган маъқулроқ. Шунинг учун муқаддас китобларда айтилганки, ҳозирги даврда инсон фақат харер нама ва вайшнавларга хизмат қилиш ёрдамида руҳий юксалишга эришиш мумкин.

#### Текст 9

Мен – Ўзимнинг ҳамма жойга сингиб кетган ички қувватимнинг ҳукмдориман, Ганга сувлари эса – Менинг оёқларимни ювгандан қолган сувдир. Ганга сувлари бутун уч оламни, шу жумладан унинг сувларини ўзининг бошида олиб юрадиган маъбуд Шивани ҳам поклайди. Агар, ҳатто Менинг Ўзим ҳам вайшнавларнинг нилуфар қадамлари гарди пойини бошимга суртадиган бўлсам, ким ҳам Мендан ўрнак олишдан бош тортади?

Изоҳ: Олий Шахс Худонинг ички ва ташқи қуввати орасидаги фарқ шундаки, Унинг ички қуввати салтанатидаги яъни руҳий оламдаги ҳамма бойликлар мангу ва ўзгармас бўлса, Унинг ташқи яъни моддий қуввати намоён этган оламда барча бойликлар вақтинчалик, ўткинчи. Парвардигор ҳам руҳий, ҳам моддий оламлар ҳукмдоридир, лекин руҳий оламни Худонинг даргоҳи, моддий оламни эса – майя салтанати деб айтадилар. Майя – аслида йўқ, мавжуд бўлмаган нарсаси. Моддий оламнинг бойликлари фақат ҳақиқий мавжудликнинг акси, холос. "Бхагавад Гита"да айтилганки, моддий олам худди илдири юқорига, шохалари пастга қараб ўсиб турган дарахтга ўхшайди. Бу моддий олам аслида руҳий оламнинг сояси эканини билдиради. Ҳақиқий бойликлар руҳий оламда мавжуд. Руҳий оламга Парвардигорнинг Ўзи ҳукмронлик қилади, моддий оламни эса жуда кўп ҳукдорлар бошқаради. Парвардигорнинг ички ва ташқи қувватининг бир-биридан фарқи шунда. Парвардигор айтадики, гарчи У Ўзининг ички қувватининг ҳукмдори, Унинг оёғи ювилган сув бутун моддий оламни поклайдиган бўлса ҳам, барибир Унинг Ўзи браҳман ва вайшнавларни қаттиқ ҳурмат қилади. Агар Парвардигорнинг Ўзи вайшнав ва браҳманларни шунчалик эъозласа, энг бахтиқаро аҳмоқдан бошқа қайси бир нодон уларга ҳурматсизлик қилиши мумкин?

#### Текст 10

Браҳманлар, сигирлар ва химоясиз мавжудотлар Менинг танамни ташкил этадилар. Фақат қилган гуноҳлари сабабли ақлдан озган кишилар уларни Мендан

фарқ қилади деб ҳисоблаши мумкин. Ундай одамлар қутурган илонга ўхшайдилар, гуноҳкорларни жазолайдиган Ямаражнинг малайлари уларни худди калхатлардай бешафқат тимдалаб ташлайдилар.

Изоҳ: "Брахма-самхита"да сигирлар, брахманлар, аёллар, болалар ва кексалар - ҳимоясиз мавжудотлардир деб аталган. Мазкур шеърда ана шу беш турли тирик мавжудотлар ичида сигир билан брахманлар алоҳида таъкидлаб кўрсатилган, чунки Парвардигор, унга мурожаат қилиб айтиладиган илтижога айтилганидек, ҳамиша сигирлар ва брахманларга ғамхўрлик қилиб юради. Шунинг учун бу ерда Парвардигор одамларни ҳимоясиз қолган тирик мавжудотларга, биринчи навбатда сигирлар ва брахманларга зарар етказмасликка чақиради. "Шримад Бҳагаватам" баъзи бир нусхаларида духатих ибораси ўрнида духитрих ибораси ишлатилган, лекин бу билан шеърнинг мазмуни ўзгармайди. Духатих – сигир дегани, духитрих иборасини ҳам баъзида сигир деб таржима қиладилар, чунки сигир кўёш фариштасининг кизи ҳисобланади. Худди болалар ота-оансининг қарамоғида бўлгани сингари, аёллар ҳам ҳамиша кимнингдир ҳимояси остида бўладилар: отасининг, эрининг ёки катта ўғлининг. Ҳимоясиз тирик мавжудотларга уларнинг ҳомийлари ғамхўрлик қилишлари лозим. Агар улар ўз бурчини бажармасалар, уларни Парвардигор гуноҳкорларнинг ишларини назорат қилиш маъсулиятини юклаб қўйган Ямаражнинг жазоси кутиб туради. Ямаражнинг ёрдамчилари ёки малайлари калхатларга, ўз бурчини бажармай, қарамоғидаги мавжудотларни ҳимоя қилмайдиган одамларни эса - илонларга ўхшатадилар. Калхатлар илонларга шафқат қилмагани сингари, Ямаражнинг малайлари ҳам ўз бурчини бажармайдиган ҳомийларни шафқатсиз жазолайдилар.

#### Текст 11

Лекин, ҳамиша брахманларни эъзозлайдиган, ҳатто брахманларнинг таъна-дашномларини ҳам қалбида қувонч ва нилуфар юзларида ширин табассум билан қабул қиладиган кишилар Мени ўзларига ром қилиб кўядилар. Улар брахманларни Менинг ўрнимда кўриб ҳурмат қиладилар ва уларни, худди фарзанд жаҳли чиққан отасини ёки ҳозир Мен сизларни овутаётгандай, чуқур муҳаббат тўла ширин сўзлар билан овутишга уринадилар.

Изоҳ: Агар Ведавий муқаддас китобларда келтирилган мисолларни таҳлил қиладиган бўлсак, кўриш мумкинки, брахман ёки вайшнава жаҳли чиқиб кимнидир дуои-бад қилса, одатда қарғиш олган киши ҳам уни дуои-бад қилишга уринмайди. Бунга жуда кўп мисол келтириш мумкин. Куверанинг ўғиллари донишманд Нарада Мунининг қарғишига учраганида ундан ўч олишга ёки уни дуои-бад қилишга уринмасдан тақдирга тан бериб унинг қарғишини қабул қилдилар. Бу ерда Жай билан Вижай ҳам, тўрт Кумарнинг гапларини тинглаб туриб, уларга жавобан уларни дуои-бад қилмадилар, аксинча тақдирга тан бердилар. Брахман ва вайшнавларга нисбатан худди ана шундай муносабатда бўлиш керак. Баъзида брахманнинг айби билан биз жуда қийин аҳволга тушиб қолишимиз мумкин, лекин ундан ўч олиш ўрнига уни майин табассум ва мулойим сўзлар билан овутишга ҳаракат қилишимиз лозим. Брахман ва вайшнавларни Парвардигор Нараяннинг ердаги вакили деб билиш керак. Ҳозирги даврда қандайдир нодонлар

даридра-нараяна деган ибора ўйлаб топганларки, унга кўра ҳар бир қашшоқда биз Нараяннинг вакилини кўришимиз лозим. Лекин Ведаларнинг бирор жойида биз ҳар бир қашшоқ одамни Нараяннинг вакили деб қабул қилиш лозим деган кўрсатмани учратмаймиз. Албатта, мазкур шеърда Парвардигор ҳимояга муҳтож тирик мавжудотларни эслаб ўтган, лекин шастраларда бу аниқ талқин қилинган. Қашшоқ одамлар тақдирини ўз ҳолига ҳимоясиз ташлаб қўймаслик керак, лекин фақат брахманларни Парвардигорнинг Ўзидай ҳурмат қилиб, уларни Нараяннинг вакили сифатида қабул қилиш керак. Бу ера таъкидлаб айтилганки, фақат юзлари нилуфар гулига ўхшаган кишигина брахманни мамнун қила олади. Муҳаббат ва мулойимлик билан кулиб турган кишининг юзигина нилуфар гулига ўхшайди. Бу борада ўғли ўзининг ширин сўзлари ва майин табассуми билан овутишга уринаётган ғазабнок ота мисоли жуда ўринли ҳисобланади.

#### Текст 12

Сизларга шундай муомала қилиш билан ўз ҳукмдорининг истагини англай олмаган хизматкорларим чегарадан чиқиб кетдилар. Шунинг учун Мен сизлардан кечирим сўрайман. Илтимос, буюринг, улар шу гуноҳидан покланиб яна Менинг олдимга қайтсинлар, Менинг даргоҳимдан узоқ вақт йўқ бўлиб кетмасинлар.

Изоҳ: Мазкур шеърдан Парвардигорнинг Ўз хизматкорларини орқага, Вайкунтҳага қайтариб олишга бўлган истаги қанчалик кучли эканини билиб олиш мумкин. Шундай қилиб, мана шу лавҳа яна бир марта исботлаб турибдики, бир марта Вайкунтҳага эришган киши бошқа бу дунёга қуламайди. Жай ҳамда Виджай билан бўлиб ўтган бу воқеалар қулаш эмас, балки шунчаки тасодиф эди. Парвардигор ҳамиша ундай содиқларни Вайкунтҳа сайёраларига тезроқ қайтариб олишга интилади. Парвардигор билан Унинг содиқ хизматкори орасида англашилмовчилик бўлиши мумкин эмас, лекин, Худонинг содиқлари орасида англашилмовчилик ёки жанжаллар бўлиб қолса, улар бунинг учун жавоб берадилар, лекин шунда ҳам уларнинг мусибатлари узоқ давом этмайди. Чексиз меҳрибонлигини намоён этиб Парвардигор соқчиларнинг қилган хатосини Ўз бўйнига олди ва донишмандлардан уларга тезроқ Вайкунтҳага қайтишга имкон беришни илтимос қилди.

#### Текст 13

Маъбуд Браҳма давом этди: Донишмандларнинг юрагини ғазаб илони чаққан бўлишига қарамай, уларнинг қалби уларга худди ведавий мадҳиялар оқимидай келаётган Парвардигорнинг ажойиб, ёрқин гапларига тўймас эди.

#### Текст 14

Уларга Парвардигорнинг ажойиб, чуқур маънога эга бўлган гапларининг мазмунини англаб етиш осон эмасди. Унинг гапларини диққат билан тинглаб, донишмандлар Унинг гаплари устида чуқур мулоҳаза юритишдан тўхтамадилар. Аммо, Парвардигорнинг гапларига қулоқ солиб туриб ҳам улар Унинг қандай иш тутиш ниятида эканини билмасдилар.

Изоҳ: Шуни эса тутиш керакки, Парвардигор тенгсиз нотик, воиздир. Парвардигорнинг Ўзи билан Унинг гаплари бир бирдан фарқ қилмайди, чунки уларнинг табиати мутлақ. Парвардигорнинг гапларига кулоқ солиб, донишмандлар унинг оғзидан чиқаётган гапларнинг маъносини англаб етишга уринардилар, гарчи Парвардигорнинг гаплари ифодали ва чуқур маъноли бўлса ҳам, Унинг нима ҳақда гапираётганини улар тушунмадилар. Улар ҳатто Парвардигор Ўзининг бу сўзлари билан нима демоқчи ва қандай иш кўроқчи эканини ҳам билмадилар. Бунинг устига улар Парвардигор улардан ғазабланаётганини ёки мамнун эканини ҳам тушунмасдилар.

#### Текст 15

Лекин, барибир Унга қараб туриб тўрт донишманд браҳман таърифлаб бўлмас даражада ҳайратга тушди, уларнинг вужуди чуқур лаззатдан титраб кетди. Кейин улар Ўзининг ички қуввати, йогамайя ёрдамида уларга Худо Шахсининг ранг-баранг ажойиботини намоён этган Парвардигорга мурожаат қилдилар.

Изоҳ: Аввалига донишмандлар Олий Шахс Худо билан бевосита суҳбатлашиш имконига эга бўлиб турганларидан ҳаяжонланиб кетдилар, қаттиқ қувонгандан уларнинг вужуди титраб, танасидаги туклари хурпайиб кетди. Моддий оламнинг энг катта бойлигини парамештха деб атайдилар, бу - Браҳманинг бойлиги. Аммо, моддий оламнинг энг олий сайёрасида яшайдиган Браҳманинг моддий бойлигини Парвардигорнинг илоҳий хазинаси билан умуман тенглаштириб бўлмайди, чунки руҳий оламнинг илоҳий бойлигининг манбаи йогамайя, моддий оламнинг бойликларини эса махамайя яратган.

#### Текст 16

Донишмандлар дедилар: Эй Олий Шахс Худо, Сен бизлардан нима истаётганингни тушуна олмаяпмиз. Сен – бутун борликнинг олий ҳукмдорисан, шунга қарамай, худди бизлар Сенга қандайдир хизмат қилгандай, бизларни олқишляпсан.

Изоҳ: Донишмандлар тушундиларки, бутун борликнинг эгаси бўлган Парвардигор улар билан худди бўлиб ўтган можаролар учун Ўзини айбдор ҳис қилиб суҳбатлашяпти, шунинг учун улар Унинг гапларининг маъносини тушунмай турардилар. Лекин улар бир нарсани аниқ билиб олдилар: уларга мулоим сўзлар билан мурожаат қилиб, ҳаммага бирдай меҳрибон Парвардигор уларга Ўзининг чексиз марҳаматини кўрсатишни истаяпти.

#### Текст 17

Эй Парвардигор, Сен – браҳманлар маданиятининг олий ҳукмдорисан. Браҳманларнинг олий мартабасини тан олиб, Сен бошқаларга ўрناق кўрсатяпсан. Аслида Сен – фақат барча фаришталар эмас, балки браҳманлар ҳам сиғинадиган олий Илоҳсан.

Изоҳ: "Брахма-самхита"да аниқ айтилганки, Олий Шахс Худо барча сабабларнинг бошланғич сабабчиси. Сон-саноксиз фаришталар мавжуд, уларнинг орасида энг

асосийлари маъбуд Браҳма, Шива ҳисобланади. Аммо Парвардигор Вишну моддий оламда яшайдиган барча браҳманларнинг эмас, ҳатто Браҳма ва Шиванинг ҳам ҳукмдоридир. "Бҳагавад Гита"да айтилганидек, Парвардигор браҳманлар маданияти доирасида кўрсатиладиган, яъни ўзининг ақли ва ҳиссиётини жиловлаб олиш, поклик, сабр-тоқат, муқаддас китобларга имон келтириш, амалий ва назарий илм ўрганишга интилиш сингари сифатларни ривожлантириш билан боғлиқ бўлган ҳар қандай фаолиятни олқишлайди. Парвардигор барча тирик мавжудотларнинг Олий Руҳидир. "Бҳагавад Гита"да айтилганки, бутун борлик Парвардигордан чиққан, демак, Браҳман ва Шива ҳам фақат Парвардигор туфайли мавжуддирлар.

#### Текст 18

Сен – барча тирик мавжудотларнинг мангу фаолиятининг манбаисан, Худо Шахсининг сон-саноксиз киёфаларида намоён бўлиб, Сен ҳамшиша дин қонунларини ҳимоя қиласан. Сен – диний қонун-қоидаларнинг олий мақсадисан, бизлар Сени туганмас ва мангу ўзгармас деб ҳисоблаймиз.

Изоҳ: Мазкур шеърдаги дҳармасйа парамо гухйах ибораси диний қонун-қоидаларнинг энг олий, энг буюк қоидасини ифодалайди. "Бҳагавад Гита"да ҳам шу ҳақда айтилади. Ўзининг Аржунга берган насиҳатларини тамомлар экан, Парвардигор Шри Кришна унга шундай дейди: "Барча диний қонунларни тарк эт ва ўзингни бутунлай Менга топшир!" Мана шу энг олий ҳақиқат ва диннинг энг олий қонуни. "Шримад Бҳагаватам"да ҳам айтилган: агар инсон ўзининг барча диний вазифаларини бажариб юрсаю, лекин Кришна онгини қабул қилмаса, унинг диний қонун-қоидаларга риоя қилишга қаратилган барча уринишлари шунчаки ўз вақтини бекорга сарфлашдан бошқа нарса эмас. Бу ерда донишмандлар барча диний қонунларнинг олий мақсади фаришталар эмас, балки ягона Парвардигор эканини тасдиқляптилар. Кўплаган тарғиботчилар айтадиларки, фаришталарга сиғиниб юрган киши ҳам ҳаётнинг олий мақсадига эриша олади, лекин бундай ғоялар "Шримад Бҳагаватам" ва "Бҳагавад Гита" сингари ишонарли муқаддас китобларда тасдиқланмайди. "Бҳагавад Гита"да айтилганки, у ёки бу фариштага сиғиниш орқали инсон шу фариштанинг сайёрасига эришади, Олий Шахс Худога сиғиниб юрган киши эса, Вайкунтха оламига эришади. Баъзи бир тарғиботчилар айтадиларки, инсон қандай фаолият билан шуғулланмасин, охир-оқибатда барибир Олий Шахс Худонинг даргоҳига эришадилар, лекин бундай гаплар ҳеч қандай манбага асосланмаган. Парвардигор мангу, Унинг хизматкори ҳам, Унинг даргоҳи ҳам мангу. Уларнинг ҳаммаси бу ерда санатана, яъни "мангу" ибораси билан ифодаланган. Шунинг учун Худога садоқат билан хизмат қилишнинг натижаси қандайдир ўткинчи нарса эмас, уни инсон фаришталарга сиғиниш натижасида эришадиган жаннатий сайёралар билан тенглаштириб бўлмайди. Донишмандлар айтмоқчиларки, гарчи Парвардигор Ўзининг чексиз марҳамати билан браҳман ва вайшнавларга сиғинишини айтаётган бўлса ҳам, аслида Парвардигорнинг Ўзи фақат браҳман ва вайшнавлар эмас, балки фаришталар ҳам сиғинадиган Зотдир.

#### Текст 19

Парвардигорнинг марҳамати билан сеҳргар ва илоҳиётчилар барча моддий истаклардан халос бўладилар ва ғофиллик уммонини кечиб ўтадилар. Шу боис Парвардигорнинг Ўзи бирор тирик мавжудотнинг марҳаматига муҳтож эмас.

Изоҳ: Парвардигорнинг ёрдамисиз ҳеч ким ғофиллик уммонини кечиб ўтишга, туғилиш ва ўлишлар чархпалагидан қутулишга қодир эмас. Бу ерда айтилганки, йоглар ва сеҳргарлар ғофиллик уммонини фақат Олий Шахс Худонинг марҳамати билан кечиб ўтадилар. Ҳар хил сеҳргарлар бор: карма-йоглар, гйана-йоглар, дхьяна-йоглар ва бхакти-йоглар. Кармилар асосан фаришталарнинг марҳаматига интиладилар, гйанилар Олий Мутлақ Ҳақиқатга қўшилиб кетишни орзу қиладилар, йоглар эса, Параматма қиёфасида Олий Шахс Худонинг қисман намоён бўлган жиҳатини томоша қилиш билан қаноатланидилар ва оқибат-натижада улар ҳам Парвардигорга қўшилиб кетишга интиладилар. Лекин бхактилар, яъни Худонинг содиқлари Парвардигор билан мангу мулоқотда бўлишга ва Унга узлуксиз хизмат қилишга интиладилар. Аввал айтилганидек, Парвардигор мангу, Унинг мангу марҳаматига интилиб юрган киши ҳам мангу бўлади. Шунинг учун мазкур шеърда йога ибораси “содиқлар” деган маънони билдиради. Худонинг марҳамати билан содиқлар ҳеч қийналмасдан туғилиш ва ўлишлар уммонидан ўтиб, Парвардигорнинг мангу даргоҳига эришадилар. Шундай қилиб, Парвардигор ҳеч кимнинг марҳаматига муҳтож эмас, чунки бутун борлиқда Унга тенг келадиган ёки бирор жиҳатдан Ундан устун бўлган бирор мавжудот йўқ. Аслида бизлар Парвардигорнинг марҳаматига муҳтожмиз, Унинг марҳаматисиз инсон ҳаётининг олий мақсадига эришиб бўлмайди.

#### Текст 20

Одамлар омад фариштаси Лакшмининг гарди пойини ўзларининг бошига сурадилар, у эса белгиланган вақтда Сен билан учрашишни кутади ва омадли содиқларингдан бири Сенинг нилуфар қадамларинг пойига қўйган янги туласи баргларида ясалган гулчамбар устида айланиб юрган асаларилар шохининг даргоҳида мангу қолишни орзу қилади.

Изоҳ: Аввал айтганимиздек, туласи ўзининг ажойиб сифатларига фақат Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойида бўлгани шарофати билан эришган. Бу ерда жуда яхши ўхшатиш келтирилган. Худди, асаларилар шоҳи Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойига тақдим этилган туласи барглари устида айланиб юрганидек, брахманлар, фаришталар, вайшнавлар ва бошқа тирик мавжудотлар марҳаматига интилиб юрган омад фариштаси Лакшми ҳам, тиним билмасдан Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойига хизмат қилади. Демак, ҳеч ким Парвардигорнинг саодатманди бўлолмайди: аслида бизларнинг ҳар биримиз Унинг хизматкорининг хизматкоримиз.

#### Текст 21

Эй Парвардигор, Сен Ўзингнинг асл содиқларингнинг ишларига қаттиқ боғлангансан, айна пайтда Сенга илоҳий муҳаббат билан хизмат қилиб юрган омад фаришталарига умуман бефарқсан. Қандай қилиб брахманлар ўтган йўлда

ётган чанг Сени поклаши мумкин, қандай қилиб Сенинг кўксингни безаб турган шриватса белгиси Сенинг улуғворлигинг ва шарофатинг манбаи бўлиши мумкин?

Изоҳ: "Брахма-самхита"да айтилганки, Вайкунтха сайёраларида Парвардигорга юз минглаб омад фаришталари тиним билмасдан хизмат қиладилар, аммо У бойликларга бефарқ бўлгани учун уларнинг бирортасига қаттиқ боғланган эмас. Парвардигор баркамолликнинг олти турига мукамал эга: чексиз бойлик, чексиз шон-шухрат, чексиз қудрат, чексиз гўзаллик, чексиз илм ва боғланмаслик(эркинлик). Барча фаришталар ва бошқа тирик мавжудотлар омад фариштаси Лакшмининг марҳаматига интилиб, унга сиғинадилар, аммо Парвардигор унга мутлақо бефарқ, чунки У Ўзига худди шундай илоҳий хизмат қила оладиган сон-саноксиз фаришталарни яратишга қодир. Омад фариштаси Лакшми баъзан Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойини безаб турган туласи баргларига ҳавас қилади, чунки улар шу ерда мангу қолади, Парвардигорнинг кўксидан жой олган Лакшмиджи эса, унинг марҳаматини кутиб юрган Худонинг содиқларига марҳамат кўрсатиш учун вақти-вақти билан бу жойни тарк этиши керак бўлади. Баъзан Лакшмиджи, ўзининг кўплаб содиқларининг истагини бажо келтириш учун Парвардигорни тарк этишга мажбур бўлади, туласи барглари эса ҳамиша ўзининг жойида қолади, шунинг учун Парвардигор Лакшмининг хизматидан кўра туласининг хизматини кўпроқ қадрлайди. Шундай қилиб, Парвардигор Лакшмиджи Уни фақат брахманларнинг марҳамати билан тарк этмайди деганида, биз тушунишимиз лозимки, аслида Лакшмиджини брахманларнинг Парвардигорга қилган дуолари эмас, балки Парвардигорнинг бойликлари жалб этади. Парвардигор Ўзининг бойликларига кимнингдир дуоси билан эришмаган, У ҳамиша Ўзига тўла бутун. У Ўзининг бойликларининг манбаи брахман ва вайшнавлар деб айтганида фақат одамларни брахман ва вайшнавларга, Худонинг содиқларига муносиб ҳурмат-эътибор кўрсатишга чакиради.

#### Текст 22

Эй Парвардигор, Сен ҳақиқий дин тимсолисан. Шунинг учун уч даврнинг ҳар бирида Сен моддий оламда пайдо бўласан ва кўзгалувчан ва кўзгалмас тирик мавжудотлар яшайдиган коинотни ҳимоя қиласан. Бизлар Сендан Ўзингнинг соф эзгуликдан иборат бўлган ва барчага саодат келтирадиган шахсий қиёфани намоён этиб, фаришталар ва иккибор туғилганларнинг бахт-саодатини ўйлаб раджа ва тамас таъсирини бартараф этишингни илтижо қилиб сўраймиз.

Изоҳ: Бу шеърда Парвардигорни три-йуга деб атаганлар, бу ибора “уч давр – Сатъя, Двапара- ва Трета-юганинг ҳар бирида пайдо бўладиган Зот” деган маънони билдиради. Бу ерда Парвардигор тўртинчи даврда, Кали-югада келадими, йўқми, айтилмаган. Бошқа ведавий муқаддас китобларда айтилганки, Кали-югада У ер юзига чханна-аватара, яъни яширин аватара бўлиб келади дейилган. Бу даврда Парвардигор Ўзининг намоён бўлган қиёфасида келмайди. Лекин бошқа даврларда У моддий оламга намоён бўлган қиёфада тушади, шунинг учун Уни три-йуга – уч даврда пайдо бўладиган Парвардигор деб айтадилар.

Шриддхара Свами три-йуга иборасини қуйидагича тушунтиради: йуга ибораси “жуфтлик”, три ибораси – “уч” деганни билдиради. Ўзининг олти

мукаммаллиги кўринишида Парвардигор уч жуфтликда, яъни уч жуфт мукаммалликда пайдо бўлади, шунинг учун Уни три-юга деб атайдилар.

Парвардигор диний конун-қоидалар тимсолидир. Уч даврнинг ҳар бирида диний конунлар рухий фаолиятнинг уч тури билан ҳимояланган – риёзат, поклик ва меҳрибонлик. Три-йуга иборасининг яна бир таърифи шундай. Кали-югада рухий маданиятнинг ана шу уч таркибий қисми деярли йўқолиб кетган, лекин, Парвардигор шунчалик меҳрибонки, Кали-юга давридаги одамларда ана шу уч рухий фазилатнинг йўқлигига қарамай, бу даврда Чайтанья – Парвардигорнинг яширин қиёфаси бўлиб келади ва уларни Ўз ҳимоясига олади. Парвардигор Чайтаньяни “Парвардигорнинг яширин мужассам бўлган қиёфаси” деб айтадилар, чунки У, аслида Шри Кришнанинг Ўзи бўлса ҳам, Кришнанинг содиқ хизматкори ролини ўйнайди. Шунинг учун Худонинг содиқлари Парвардигор Чайтаньядан уларни Кали-югада жуда кучли бўлган ғафлат ва эҳтирос гуналари таъсирдан қутқаришни илтижо қиладилар. Парвардигор Чайтаньянинг насихатларига амал қилиб, Кришнани англаш ҳаракати аъзолари Парвардигорнинг муқаддас номларини такрорлаш ёрдамида ғафлат ва эҳтирос гуналари таъсирдан халос бўладилар: Ҳаре Кришна Ҳаре Кришна Кришна Кришна Кришна Ҳаре Ҳаре \ Ҳаре Рама Ҳаре Рама Рама Рама Ҳаре Ҳаре.

Тўрт Кумар ўзларининг ғафлат ва эҳтирос гуналари билан булганган эканини англаб етгандилар, чунки улар ҳатто Вайкунтҳада туриб ҳам, Худонинг содиқларини дуо-бад қилмоқчи бўлдилар. Ўзларининг ана шу камчилигини англаган ҳолда, улар Парвардигордан эҳтирос ва ғафлат гуналари таъсирдан уларни халос этишни илтижо қилдилар. Уч илоҳий сифат – поклик, риёзат ва меҳрибонлик – фақат икки бор туғилганларга ва фаришталарга хос бўлган фазилатлардир. Эзгулик гунасида бўлмаган кишилар рухий маданиятнинг ана шу уч қондасига риога кила олмайдилар. Шунинг учун Кришнани англаш ҳаракатида гуноҳ ишларнинг уч тури: ноқонуний жинсий алоқа, маст қиладиган нарсалар истеъмол қилиш ҳамда прасадамдан бошқа бирор нарса истеъмол қилиш таъқиқланган. Ана шу таъқиқ риёзат, поклик ва меҳрибонлик қоидаларига асосланган. Худонинг содиқлари меҳрибон, чунки бахтиқаро ҳайвонларга раҳм-шафқат қиладилар, улар пок, чунки ўзларини нопок таомлар ва бемаъни одатлар билан булғамайдилар. Риёзат эса, жинсий алоқанинг қатъий чекланганлигида намоён бўлади. Тўрт Кумарнинг Парвардигорга қилган илтижоларидан келиб чиқадиган ана шу қоидаларга Кришнани англаш ҳаракатининг аъзоси бўлган содиқларнинг ҳаммаси қатъий амал қилишлари лозим.

#### Текст 23

Эй Парвардигор, Сен иккибор туғилганларнинг энг яхшиларига ҳомийлик қиласан. Агар Сен улар олдида тиз чўкиб, уларни олқишлаб, уларга ҳомийлик қилмасанг, Сенинг ҳукминг остида бўлган ва Сендан ўрناق оладиган одамлар Худого сиғинишнинг эзгу йўлини унутиб юборган бўлардилар.

Изоҳ: "Бҳагавад Гита"да Парвардигорнинг Ўзи айтадики, буюк зотлар ўзларининг ҳатти-ҳаракатлари ва эзгу сифатлари билан оддий одамларга ўрناق кўрсатадилар. Шунинг учун жамиятга намунали эзгу сифатларга эга бўлган раҳбар, йўлбошчилар керак. Олий Шахс Худо, Парвардигор Шри Кришна моддий оламда айнан комил

ҳукмдор намунасини кўрсатиш учун пайдо бўлди, шунинг учун барча одамлар Парвардигор кўрсатган йўлдан боришлари лозим. Ведаларда айтилганки, Мутлак Ҳақиқатни на фалсафий изланишлар ёрдамида, на мантикий фикр-мулоҳазалар ёрдамида англаб бўлмайди. Бунинг учун буюк мўътабар зотлар изидан бориш керак. Маҳаджано йени гатаҳ са пантхах. Бизлар мўътабар зотларнинг кўрсатмаларига амал қилиб яшашимиз лозим, акс ҳолда, агар бизлар муқаддас китобларни мустақил ҳолда ўргансак, бизларни ё қандайдир ярамас фирибгарлар йўлдан адаштириб юборадилар, ё ўзларимиз муқаддас китобларнинг қарама-қарши кўрсатмаларининг асл мазмунини тўғри тушуна олмасдан чалкашиб кетамиз. Шунинг учун энг ишончли йўл – ишонарли мўътабар зотлар изидан бориш. Тўрт донишманд браҳман бу ерда айтяптики, Кришна сигирлар ва браҳманларга ҳомийлик қилади: го-браҳмана-хитайа ча. Ер юзида юрган пайтида Кришна буни тасдиқлади. У сигирларни боқар ва браҳман ва содиқларга чуқур ҳурмат-эҳтиром кўрсатар эди.

Мазкур шеър яна шуни тасдиқлайдики, браҳманлар иккибор туғилганлар орасида энг аъло инсонлардир. Иккибор туғилганлар тоифасига браҳманлар, қшатрийлар ва вайшйалар киради, аммо улар орасида энг аълоси браҳманлар ҳисобланади. Икки киши ўзаро жанжаллашиб қолса, уларнинг ҳар бири танасининг юқори қисмини – калласини, қўлларини ва қорнини ҳимоя қилишга ҳаракат қилади. Худди шундай, инсонлар жамияти рухий жиҳатдан ривожланиши учун биринчи навбатда ижтимоий организмнинг энг муҳим қисми – браҳманларга, қшатрийларга ва вайшйаларга ғамхўрлик қилиш лозим. Бу, албатта, жамиятдаги ишчилар ўз ҳолига ташлаб қўйилиши лозим дегани эмас, лекин жамиятнинг олий табақаларига алоҳида эътибор бериш керак. Ҳар хил тоифадаги одамлар орасида браҳманлар ҳамда вайшнавлар алоҳида ғамхўрликка муҳтож зотлардир. Улар жамиятда одамлар сажда қиладиган зотлар бўлиши лозим. Уларга ғамхўрлик қилиш – Худого сиғиниш билан баробардир. Бу шунчаки ғамхўрлик эмас, бу – бурч. Одамлар ҳар хил эҳсонлар совға қилиб, уларни олқишлаб браҳманларга ва вайшнавларга сажда қилишлари лозим; уларга бирор нарса эҳсон қилишга қодир бўлмаган кишилар уларни ҳеч бўлмаса ширин сўзлари билан мамнун қилишга интилишлари лозим. Парвардигорнинг Ўзи тўрт Кумарга нисбатан ана шундай муносабатда бўлиб одамларга ўрناق кўрсатди.

Агар жамият раҳбарлари ана шундай тартиб ўрнатмасалар, бутун инсоният ҳалокатга учрайди. Худонинг содиқларига, олий даражада ақлли ва рухий ҳаёт ҳақида чуқур илмга эга кишиларга ғамхўрлик қилмайдиган жамият ҳалокатга маҳкум. Нанкшйати ибораси бундай жамият тубанликка юз тутиб, аста-секин ҳалок бўлишини билдиради. Инсонлар жамиятининг муқаддас китобларда кўрсатилган рухий юксалиш йўли дева-патха, яъни “фаришталарнинг буюк йўли” деб аталади. Фаришталар – ўзининг бутун фикру-хаёлини Худого садоқат билан хизмат қилишга яъни Кришна онгида яшашга қаратган зотлардир, ана шу саодатли йўлдан бораётган одамлар албатта жамиятда юқори мартабада бўлишлари лозим. Токи ҳукумат ёки жамият раҳбарлари браҳман ва вайшнавларга фақат тилда эмас, амалда алоҳида ғамхўрлик қилмас эканлар, инсоният рухий баркамолликка олиб борадиган йўлни топа олмайди. Парвардигор бизларга браҳманларга қандай муносабатда бўлиш кераклигини кўрсатмоқчи эди, шунинг учун У тўрт Кумарни олқишларга қўмиб ташлади.

#### Текст 24

Эй азиз Парвардигор, эзгулик манбаи бўлган ҳолда Сен саодатли йўлни яқсон бўлишдан сақлаб қоласан. Барча одамларнинг бахтини ўйлаб, ҳар нарсага қодир қувватинг ёрдамида Сен зулми яқсон қиласан. Сен – уч олам ҳукмдори ва коинот посбонисан. Шунинг учун бу камтарлигинг Сенинг қудратингни заррача ҳам камайтирмайди. Аксинча, шундай камтарлик кўсатишдан Сен илоҳий лаззат оласан.

Изоҳ: Подачи болакай ролини ўйнаб ёки браҳман Судамага ва бошқа содиқларига – Нанда Махаражга, Васудевага, Махараж Юдҳиштҳирага ва Пандузодаларнинг онаси Кунтига, хурмат-эҳтиром кўрсатиш билан Кришна Ўзининг олий мартабасини камситгани йўқ. У – Олий Шахс Худо эканини ҳамма биларди, лекин шунга қарамай, У бошқалар Ундан ўрнак оладиган даражада бенуқсон, намунали хулқ-атворини кўрсатарди. Олий Шахс Худо - сач-чид-ананда-виграха; Парвардигорнинг қиёфаси бутунлай руҳий, мангу, илм ва лаззатга тўла. Парвардигорнинг ажралмас заррачалари сифатида тирик мавжудотлар сифат жиҳатидан Унинг мангу қиёфаси билан бир, аммо, майя, моддий қувват таъсири остига тушиб, улар ўзларининг асл табиатини унутиб юбордилар. Парвардигор Шри Кришнанинг хулқ-атворини, ҳатти-ҳаракатларини тўғри тушуниш учун тўрт Кумарнинг илтижолари қандай руҳда бўлса, бизлар ҳам ана шундай онга ғарқ бўлишимиз лозим. У Вриндаванда подачи болакай бўлиб, Курукшетрадаги жангда жангчилар сардори бўлиб, Дварақанинг афсонавий бадавлат шоҳи бўлиб, шунингдек Вриндаванлик подачи қизларнинг севгилисидан бўлиб мангу қолади; Кришнанинг ана шу қиёфаларининг ҳаммаси чуқур маънога эга, чунки Парвардигор билан ўзаро мангу муносабатларини эсдан чиқариб юборган шартланган руҳларга Унинг ҳақиқий сифатларини очиқ беради. У нима иш қилса ҳам, уларнинг бахти учун қилади. Кришнанинг истаги билан бўлиб ўтган Курукшетрадаги жанг майдонида Аржун амалга оширган киргинбарот уруш ҳам зарур эди, чунки одамлар имонсизликка, худосизликка жуда қаттиқ берилиб кетганда куч ишлатмасликнинг иложи йўқ. Бундай вазиятда беозорлик қилиб ўтириш кечириб бўлмас нодонлик бўлган бўларди.

#### Текст 26

Эй Парвардигор, бу икки бегуноҳ зотларга ёки бизларга Сен қандай жазо белгиласанг, бизлар уни сўзсиз қабул қиламиз, бизлар бу икки бегуноҳ зотни дуои-бад қилиб қўйганимизни англаб етдик.

Изоҳ: Бу ерда донишмандлар, тўрт Кумар ўзларининг икки соқчи Жай билан Вижаини дуои-бад қилган қарғишидан воз кечяптилар, чунки улар тушуниб етгандиларки, Худога хизмат қилиб юрган кишилар ҳеч қачон ногўғри ҳаракат қилмайдилар. Худога хизмат қилишга чуқур имон келтирган ёки ўзи Парвардигорга илоҳий муҳаббат билан хизмат қилиб юрган ҳар бир киши фаришталарнинг барча фазилатларига эга бўлади. Шунинг учун Худонинг содиқлари ҳеч қачон хатолашиши мумкин эмас. Агар тасодифан ёки вазият тақозоси билан содиқ хизматкор баъзан бирор хатога йўл қўйса ҳам, уларни

жиддий қабул қилмаслик керак. Бу ерда донишмандлар Жай ва Виджайни дуои-бад қилганидан афсусланаптилар. Улар ўзларининг бу ҳатти-ҳаракатини улардаги эҳтирос ва ғафлат гунасининг намоён бўлиши деб, Парвардигорнинг ҳар қандай жазосини қабул қилишга тайёрлигини билдириптилар. Худонинг содиқлари билан ҳамсуҳбат бўлганда улардан бирор камчилик, нуқсон излашга интилмаслик керак. "Бҳагавад Гита"да ҳам айтилганки, Парвардигорга чуқур имон ва виждон билан самимий хизмат қилиб юрган содиқ ҳатто қандайдир кўпол хато қилса ҳам уни барибир садху, бегуноҳ, авлиё инсон деб ҳисоблаш лозим. Аввалги ўрганиб қолган одатларига кўра содиқ баъзан адашиши мумкин, аммо, у Парвардигорга хизмат қилиб юргани учун унинг хатоларига жиддий эътибор бермаслик керак.

#### Текст 26

Парвардигор жавоб берди: Эй браҳманлар, сизларнинг улар учун танлаган жазоингизни Мен Ўзим олдиндан белгилаб қўйган эдим, шунинг учун улар моддий оламга тушиб, иблислар хонадоида туғилдилар. Лекин уларнинг бутун фикру-хаёли ҳамиша Менда мужассам бўлиб юради, ақлнинг бир жойга ана шундай жамланиши ғазаб туйғуси билан кучайган ҳолда уларни Менга мустаҳкам ришталар билан боғлаб қўяди ва уларнинг Менинг даргоҳимга тезроқ қайтишига ёрдам беради.

Изоҳ: Бу ерда Парвардигор айтяптики, донишмандларнинг икки соқчи - Жай билан Виджайга танлаган жазосини Унинг Ўзи аввалдан белгилаб қўйган. Бу дунёда рўй берадиган воқеа-ҳодисаларнинг ҳаммаси Худонинг амри билан бўлади. Бошқача қилиб айтганда, Вайкунтҳанинг соқчилари Парвардигорнинг шубҳасиз ишонарли мўътабар содиқларнинг асарларида баён этилган аниқ режаси асосида қарғишга учрагандилар. Баъзан Парвардигорда ким биландир жанг қилиш истаги пайдо бўлиб қолади. Агар ана шундай жанговор руҳ азалдан Парвардигорга хос фазилат бўлмаса, одамларда жанг қилиш истаги қаердан пайдо бўларди? Парвардигор бутун борлиқнинг манбаи, шунинг учун Унга ғазаб туйғуси ҳам, жанговорлик ҳам бегона эмас. Парвардигор жанг қилишни истаса, Ўзига бирор душман топиши керак, аммо Вайкунтҳада Унинг душмани йўқ, чунки у ерда яшайдиганларнинг ҳаммаси Унга муҳаббат билан хизмат қилишга ғарқ бўлганлар. Шунинг учун Ўзининг жанговор руҳини намоён этиш учун Парвардигор баъзан моддий оламда пайдо бўлади.

"Бҳагавад Гита"(4.8)да айтилганки, Парвардигор Худонинг содиқларини ҳимоя қилиш ҳамда имонсизларни яқсон қилиш учун моддий оламга келади. Имонсизлар фақат моддий оламда яшайдилар, руҳий оламда имонсизлар йўқ, шунинг учун Парвардигор жанг қилишни истаганида моддий оламга тушишга мажбур бўлади. Лекин, Парвардигор билан ким ҳам жанг қила оларди? Ҳеч ким у билан беллашишга, курашишга қодир эмас! Парвардигорнинг моддий оламда намоён этадиган эрмақларининг ҳаммасида Унинг яқин ҳамроҳлари ва мангу йўлдошлари иштирок этгани туфайли У бу дунёда Ўзининг душмани ролини ижро этадиган бирор содиқ хизматкори топиши керак. "Бҳагавад Гита"да Парвардигор Аржунга шундай дейди: "Азизим Аржун, сен ҳам, Мен ҳам бу дунёда жуда кўп марта пайдо бўлганмиз, лекин сен буларни унутиб юборгансан, Мен эса уларни биламан". Шундай қилиб, моддий оламда жанг қилиш учун Ўзига рақиб қилиб

Жай билан Виджайни танлади. Айнан шунинг учун донишмандлар Парвардигор билан учрашиш учун Вайкунтхага келдилар ва билмасдан соқчиларни дуои-бад қилдилар. Парвардигорнинг Ўзи уларни мангу эмас, бироз вақтга моддий оламга жўнатишни истаган эди. Худди шундай, гарчи аслида хўжайин ва хизматкор орасида ҳеч қандай душманлик бўлмаса ва сахна асари узоқ давом этмаса ҳам баъзан театрда актер театр директорининг душмани ролини ижро этади. Шундай қилиб, донишмандларнинг қарғишига учраган сура-джан(содик)лар асура-джан(имонсиз)ларнинг оиласида дунёга келишлари лозим эди. Худонинг содиқларининг имонсизлар оиласида дунёга келишининг ўзиёқ ғайритабиий ҳол, лекин буларнинг ҳаммаси шунчаки бир вақтинчалик сахнадан бошқа нарса эмас. Ўзларининг сахнадаги жангини тамом қилиб Худонинг содиқлари бир бири билан яна руҳий оламда учрашадилар. Буларнинг ҳаммаси мазкур шеърда батафсил тушунтирилган. Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, руҳий оламда, Вайкунтха оламида яшайдиган руҳлар ҳеч қачон моддий оламга тушмайдилар, чунки Вайкунтха олами мангу. Лекин, Парвардигорнинг ҳар қандай амрига сўзсиз итоат этадиган содиқлар баъзида тарғиботчилар ёки атеистлар ролида моддий оламга келадилар. Ҳамиша шуни эсда тутиш керакки, уларнинг бу дунёга келишининг ортида Парвардигорнинг қандайдир режалари яширинган бўлади. Масалан, Будда Парвардигорнинг мужассам бўлган қиёфаси эди, шунга қарамай У: “Худо йўк!”-деб, атеизм таълимотини тарғибот қилган: Лекин, "Шримад Бхагаватам"да тушунтирилганидек, аслида буларнинг ҳаммаси Парвардигорнинг аниқ режалари асоида бўлаётган ишлар эди.

#### Текст 27

Маъбуд Браҳма деди: Ўзидан нур таратиб турган Вайкунтхада яшайдиган Олий Шахс Худо, Вайкунтханинг ҳукмдори бўлган Парвардигор билан учрашиб, донишмандлар илоҳий даргоҳни тарк этдилар.

Изоҳ: "Бхагавад Гита"да айtilгани ва мазкур шеърда тасдиқланганидек, Олий Шахс Худонинг илоҳий даргоҳи Ўзидан таралиб турган нур билан ёритилган. "Бхагавад Гита"да айtilганки, руҳий оламда на қуёш, на ой, на электрга ҳожат йўк. Бу шундан далолат берадики, руҳий оламдаги сайёраларнинг ҳаммаси ўзидан нур таратиб турадилар, ўзига тўла бутун ва мустақил; руҳий оламнинг мутлақ табиати шундай. Парвардигор Шри Кришна айтадики, Вайкунтха сайёрасига тушган одам ҳеч қачон моддий оламга қайтиб келмайди. Вайкунтхада яшайдиган зотлар ҳеч қачон моддий оламга қайтиб келмайдилар, Жай билан Виджай бундан мустасно. Улар моддий оламга вақтинчалик келганлар ва кейин яна Вайкунтха салтанатига қайтиб борганлар.

#### Текст 28

Донишмандлар Парвардигорнинг атрофини айланиб ўтдилар, Унга сажда қилдилар ва вайшнавларнинг илоҳий фазилатларини кўрганидан ғайритабиий равишда хайратга тушиб, бу ерни тарк этдилар.

Изоҳ: Ҳиндуларнинг эҳромларида ҳозиргача Парвардигорнинг атрофини айланиб ўтиш одати сақланиб қолган. Бу одатга айниқса вайшнавларнинг эҳромларида

қатъий риюя қилдилар, уларда эҳромга келган кишилар аввал Парвардигорга сажда қилиши, кейин эҳром атрофини камида уч марта айланишлари лозим бўлган тартиб ўрнатилган.

#### Текст 29

Кейин, Ўзининг хизматкорлари Жай билан Виджайга мурожаат қилиб, Парвардигор деди: Бу жойдан кетинглар ва ҳеч нарсадан кўркманглар. Сизларга олқиш ва шон-шарафлар бўлсин! Мен брахманларнинг қарғиши кучини қайтаришим мумкин эди, лекин бундай қилмайман. Аксинча, Мен уларни тўла қўллаб қувватлайман.

Изоҳ: Йигирма олтинчи шеърда ёзилган изоҳда айtilганки, бу воқеаларнинг ҳаммаси Парвардигорнинг режаси билан бўляпти. Одатдаги ҳолларда донишмандларнинг соқчилардан қаттиқ ғазабланиши, Парвардигор Ўзининг содиқларини, Вайкунтха соқчиларини ўз ҳолига ташлаб қўйиши, ёки кимнингдир бир марта Вайкунтхада туғилиб, кейин моддий оламга қайтишини тасаввур қилиш мумкин эмас. Демак, буларнинг ҳаммасини – моддий оламда Ўзининг эрмақларини намоён қилишга ҳозирлик кўраётган Парвардигор режалаштирган. Бу ерда У очик айтяптики, ҳаммаси Унинг рухсати билан бўляпти. Акс ҳолда Вайкунтхада яшайдиган зотлар брахманлар дуои-бад қилгани сабабли ҳеч қачон моддий оламга тушмаган бўлардилар. Бунинг устига Парвардигорнинг Ўзи “гуноҳкорлар”ни дуо қияпти: “Сизларга олқиш ва шон-шарафлар бўлсин!” Хизматини бир марта Парвардигор тан олган содиқ хизматкор ҳеч қачон тубанликка юз тутмайди. Юқорида ҳикоя қилинган воқеалардан шундай хулоса чиқариш мумкин.

#### Текст 30

Сизларнинг Вайкунтхадан кетишингизни омад фариштаси Лакшми айтган. У бир куни менинг олдимдан чиқиб кетган, кейин яна қайтиб кирмоқчи бўлганида, уни дарвоза олдида тўхтадиб, то Мен уйқудан уйғонмагунча саройга киритмаганларингиз учун сизлардан қаттиқ хафа бўлган.

#### Текст 31

Парвардигор Вайкунтхада яшайдиган икки зот, Жай ва Виджайни ишонтириб шундай деди: Ғазаб ичида сеҳрли йога билан шуғулланиб, сизлар брахманларга ҳурматсизлик қилиб, қилган гуноҳингиздан покланасизлар ва жуда тез орада Менинг олдимга қайтиб келасизлар.

Изоҳ: Парвардигор, Олий Шахс Худо Вайкунтха соқчилари Жай билан Виджайга айтдики, ғазаб ичида бхакти-йога билан шуғулланиб, улар брахманларнинг қарғишидан озодликка эришадилар. Бу ҳақда Шрила Мадхава Муни айтадики, бхакти-йога билан шуғулланиб юрган киши ўзининг аввал қилган барча гуноҳлари оқибатидан халос бўлади. Бхакти-йога ҳатто брахма-шапа, ҳеч қандай йўл билан қайтариб бўлмайдиган брахманларнинг қарғишини ҳам қайтара олади.

Бхакти-йога билан турли расаларда шуғулланиш мумкин. Ҳаммаси бўлиб ўн икки раса – бешта асосий ва еттита иккинчи даражали раса мавжуд. Беш асосий

раса бхакти-йогани ташкил этади, етти иккинчи даражали раса, гарчи бхакти-йога билан бевосита боғлиқ бўлмаса ҳам, барибир, агар Худога садоқат билан хизмат қилишда ишлатилса, уларни бхакти-йога таркибига киритадилар. Бошқача қилиб айтганда, бхакти-йога – ҳаммабоп, ҳамма нарсани ўз ичига оладиган усулдир. "Шримад Бхагаватам"(10.29.15)да айтилганидек, камам кродхам бхайам, агар инсон ўзининг қалбида Олий Шахс Худога боғланиш туйғусини ривожлантирган бўлса, бу боғланиш қандай кўринишда намоён бўлишидан қатъий назар, унинг фаолияти бхакти-йога бўлади. Гопилар Кришна билан бхакти-йога ришталари ёрдамида боғланган эди, уларнинг боғланиши асосан эхтирос(кама)га асосланган эди. Камса ҳам бхакти-йога билан шуғулланган эди, бунга уни ўлимдан қўрқиш туйғуси боғлаб қўйган эди. Шундай қилиб, бхакти-йога шунчалик қудратлики, ҳатто Парвардигорнинг душмани сифатида ҳамиша Уни ўйлаб юрган киши ҳам тез вақт ичида руҳий озодликка эришади. Вишну-бхактаҳ смрито даива асурас тад-випанайах: “Парвардигор Вишнунинг содиқларини фаришталар, имонсизларни эса - асуралар деб айтадилар”. Лекин бхакти-йога шунчалик қудратлики, агар ҳамиша Худо Шахси ҳақида ўйлаб юрсалар, фаришталар ҳам, асураларга ҳам бахт келтиради. Бхакти-йоганинг асосий қондаси ҳамиша Парвардигорни эслаб юришдан иборат. "Бхагавад Гита"(18.65)да Парвардигор шундай дейди: ман-мана бхава мад бхактаҳ – “Ҳамиша Мен ҳақимда ўйла”. Бунда инсон Парвардигор ҳақида қандай ўйлашининг аҳамияти йўқ; У ҳақида ўйлашининг ўзи бхакти-йоганинг асосий қондаси ҳисобланади.

Моддий олам сайёраларида яшайдиган тирик мавжудотлар ҳар хил гуноҳ ишлар қилишлари мумкин, гуноҳлар ичида энг оғир гуноҳ – браҳман ва вайшнавни ҳурмат қилмасликдир. Лекин бу ерда аниқ айтилганки, ҳатто ана шундай оғир гуноҳни ҳам Парвардигор Вишну ҳақида бетиним албатта муҳаббат билан эмас, ғазаб билан ўйлаш орқали ювиш мумкин. Кришна онгида юриш - ўйлаш, фикрлашнинг энг олий шакли. Биз яшаётган даврда Парвардигор Вишну ҳақида ўйлаш – Ҳаре Кришна мантрани зикр қилиш демакдир: Ҳаре Кришна Ҳаре Кришна Кришна Кришна Ҳаре Ҳаре \ Ҳаре Рама Ҳаре Рама Рама Рама Ҳаре Ҳаре. "Шримад Бхагаватам"да айтилганки, ҳатто инсон Кришна ҳақида ўзининг душмани сифатида ўйласа ҳам, шу жараён – Вишну, яъни Кришна ҳақида ўйлашининг ўзиёқ – унинг барча гуноҳларини ювиб юборади.

#### Текст 32

Вайкунтҳа дарвозаси олдида соқчиларга шу ҳақда гапириб, Парвардигор Ўзининг илоҳий ҳаво кемалари учиб юрган даргоҳига, бойлиги ва ҳашамати оламдаги барча мўъжизаларни ортда қолдирадиган салтанатига қайтиб кетди.

Изоҳ: Мазкур шеърдан кўриниб турибдики, юкорида таърифланган воқеаларнинг ҳаммаси Вайкунтҳалока дарвозаси олдида содир бўлган. Бошқача қилиб айтганда, донишмандлар Вайкунтҳалокада эмас, балки унинг дарвозасига борган эдилар. шундай савол туғилиши мумкин: агар улар Вайкунтҳалокага борган бўлсалар, нимага улар яна моддий оламга қайтиб кетдилар? Лекин, аслида улар Вайкунтҳага кирмаганлар, шунинг учун улар орқага қайтиб кетдилар. Буюк йог ва браҳманларнинг сеҳрли йога усулидан фойдаланиб, моддий оламни тарк этгани ва Вайкунтҳага боргани, лекин, улар ҳали руҳий оламда яшашга муносиб

бўлмаганлари учун яна орқага қайтиб кетишга мажбур бўлганлари ҳақида жуда кўп мисоллар келтириш мумкин. Мазкур шеър ҳам тасдиқлаб турибдики, Парвардигорни сон-саноксиз ҳаво кемалари ўраб юради. Бу ерда яна айтилганки, Вайкунтҳа хазиналари моддий оламнинг барча бойликларидан анча устун туради.

Тирик мавжудотларни, шу жумладан фаришталарни ҳам маъбуд Браҳма яратган, ўз навбатида маъбуд Браҳмани Парвардигор Вишну дунёга келтирган. "Бхагавад Гита"нинг ўнинчи бобида Парвардигор Шри Кришна шундай дейди: ахам сарвасйа прабхавах – Парвардигор Вишну моддий оламдаги мавжуд ҳамма нарсанинг манбаидир. Парвардигор Вишну бутун борлиқнинг манбаи эканини биладиган, коинот қандай қилиб яратилганини билган киши ва Парвардигор Вишну яъни Парвардигор Шри Кришна – сиғинишга ҳаммадан ҳам муносиброқ Зот эканини тушунади ва вайшнав бўлиб, Парвардигор Вишнуга сиғина бошлайди. Буни ведавий мадҳиялар ҳам тасдиқлайди: ом тад вишноҳ парамам падам. Яшашдан мақсад Парвардигор Вишнунинг англаб етиш. "Шримад Бхагаватам"нинг бошқа жойида ҳам шу ҳақиқат тасдиқланади. Сиғиниш лозим бўлган олий Зот Парвардигор Вишну эканидан беҳабар нодонлар сиғиниш учун ўзларига моддий оламдан илоҳ ўйлаб топадилар ва шу боис тубанликка юз тутадилар.

#### Текст 33

Айни пайтда фаришталар орасида аълоси бўлган, гўзаллиги ва ажойиблиги браҳманларнинг қарғиши сабабли сўна бошлаган икки соқчининг юзлари хиралашди ва Парвардигорнинг даргоҳи Вайкунтҳани тарк этиб моддий оламга куладилар.

#### Текст 34

Ажойиб ҳаво кемаларида ўтириб Жай билан Виджайнинг Вайкунтҳадан қулашининг гувоҳи бўлган фаришталарнинг ҳаммаси жўр бўлиб, уларни ачиниб кузатиб қолдилар.

#### Текст 35

Маъбуд Браҳма давом этди: Вайкунтҳанинг ана шу икки соқчиси, Худо Шахсининг хизматкорлари Кашьяпа Мунининг қудратли уруғи билан қопланиб, хозир Дитининг қорнига кирган.

Изоҳ: Мазкур шеърда шу пайтгача Вайкунтҳалокада яшаган тирик мавжудотни моддий унсурлар қандай қилиб қоплаб олиши аниқ тасвирланган. Тирик мавжудот отанинг уруғлигига киради, уруғлик онага ўтади, аёлнинг бачадонига тушиб, маълум турдаги танани ривожлантира бошлайди. Бу борада шуни эслаб ўтиш лозимки, Кашьяпа Муни хотини билан қўшилиб ўғиллари Хираньякша ва Хираньякашипу зурёдини қолдираётган пайтда унинг онги булганган, нопок эди, шунинг учун ундан чиққан уруғлик ҳам ғайритабиий қудратга эга бўлиш билан бирга ғазабга тўла эди. Бундан кўриниб турибдики, зурёд қолдиришдан аввал инсон ақлини хотиржам қилиб олиши ва уни Худога садоқат билан хизмат қилиш ҳақидаги ўйларда жамлаши лозим. Бунинг учун ведавий муқаддас китоблар гарбхадхана-самскара маросимини ўтказишни тавсия қиладилар. Агар отанинг ақли безовта бўлса, бу унинг зурёдига салбий таъсир кўрсатади, шундай ота билан

она дунёга келтирган тирик мавжудот Хираньякша ва Хираньякашипу сингари иблис бўлиб етишади. Шундай қилиб, зурёд қолдиришдан олдин биринчи навбатда шарофат келтирадиган ёқимли муҳит яратиш керак. Бу - буюк илм, санъат.

#### Текст 36

Сизларнинг хавотирга тушишингизга эгизак-асур(иблис)ларнинг қудрати сабаб бўлди, чунки уларнинг қудрати бизнинг ҳокимлигимизни хавф остига солиб қўйди. Лекин, мен сизларга ёрдам бера олмайман, чунки буларнинг ҳаммаси Парвардигорнинг Ўзининг амру-иродаси билан бўлаётган ишлардир.

Изоҳ: Гарчи, аввал Жая билан Виджая бўлган Хираньякашипу ва Хираньякша энди асурларга айланган бўлсалар ҳам, моддий оламда яшайдиган фаришталар уларга ҳукмронлик қила олмасдилар. Шунинг учун маъбуд Браҳма айтяптики, на у, на бошқа фаришталар бу иблислар сабабли коинотда рўй бераётган табиий офатларни бартараф қила олмайдилар. Улар моддий оламда Олий Шахс Худонинг амри билан пайдо бўлдилар, шунинг учун фақат Парвардигорнинг Ўзи уларга бас келиши мумкин. Бошқача қилиб айтганда, гарчи Жая билан Виджая асурларнинг танасини олган бўлсалар ҳам, барибир улар энг қудратли тирик мавжудот бўлиб қолавердилар, шунинг ўзиёқ тасдиқлаб турибдики, Парвардигор ким биландир жанг қилишни истаяпти, чунки Унда ҳам жанговорлик руҳи мавжуд. Парвардигор – бутун борлиқнинг манбаи, лекин У жанг қилишни истаганида фақат Унинг содиқ хизматкори Унга рақиб бўла олади. Шунинг учун Кумарларнинг Жайя билан Виджаяни дуои-бад қилишига фақат Парвардигорнинг хоҳиши сабаб бўлган. Парвардигор улар билан жанг қилиш ҳамда шу тариха содиқлари ёрдамида Ўзининг жанг қилиш истагини амалга ошириш учун соқчиларига моддий оламга тушишни ва Унинг рақиби бўлишни буюрди.

Маъбуд Браҳма фаришталарга тушунтирдик, уларни хавотирга солган қоронғу зулмат Парвардигорнинг амри билан коинотни қамраб олди. Парвардигор уларга кўрсатмоқчи эдик, гарчи Худонинг содиқлари моддий оламда иблис қиёфасида дунёга келган бўлсалар ҳам, улар фаришталарнинг қудратидан бир неча бор катта бўлган қудратга эга эдилар, шунинг учун уларга фаришталарнинг ҳукми ўтмасди. Бирор тирик мавжудот Парвардигорнинг амрига қарши чиқа олмайди. Браҳма фаришталарга бу вазиятни яхшилашга ҳатто уриниб ҳам ўтирмасликни маслаҳат берди, чунки бу воқеаларнинг ҳаммаси Худонинг хоҳиши билан содир бўлаётган эди. Худди шундай, Парвардигор моддий оламда бирор вазифа юклаган кишига, айниқса агар бу вазифа Парвардигорнинг шон-шухратини тарғибот қилиш билан боғлиқ бўлса, ундай вазифани бажаришни буюрган кишига бу дунёда ҳеч ким халақит бера олмайди.

#### Текст 37

Эй азиз ўғилларим, Парвардигор моддий оламнинг уч гунасини бошқариб туради ва моддий оламни яратиш, мавжудлигини таъминлаб туриш ва яқсон қилишга маъсул. Унинг ажойиб яратувчи қуввати, йогамайяни ҳатто йогада баркамолликка эришганлар ҳам англаб етиши қийин бўлади. Бизларни фақат барча тирик

мавжудотлар ичида энг қадимийси бўлган Парвардигорнинг Ўзи қутқара олади. Бу воқеалар устида фикр-мулоҳаза юритиб, бизлар нимага эришамиз?

Изоҳ: Олий Шахс Худонинг амри билан бирор воқеа содир бўлганида, ҳатто бу воқеа оғир бахтсизликдай бўлиб туюлса ҳам, биз қаттиқ қайғурмаслигимиз керак. Масалан, баъзан кўрамизки, қайсидир бир буюк тарғиботчини ўлдирдилар ёки у, Харидас Тхакурга ўхшаб, жуда оғир вазиятга тушиб қолади. Харидас Тхакур – бу дунёга Парвардигорнинг шон-шухрати ҳақида одамларга хабар бериш учун Худонинг амри билан келган буюк содиқ эди. Шунга қарамай, бир куни Қозининг амри билан Харидас Тхакурни йигирма икки бозорда қалтак билан савалаганлар. Исо пайғамбарни осиб ўлдирдилар. Прахлад Махараж жуда кўп оғир синовларни бошидан кечирди. Кришнанинг яқин дўстлари бўлган Пандузодалар эса ўз салтанатидан маҳрум бўлдилар, уларнинг хотинини шарманда қилиб, устидан қулдилар, уларнинг бошига кетма-кет мусибатлар ёғилди. Лекин биз, Худонинг содиқлари бошига тушадиган бундай қулфатлардан ҳеч қачон нолимаслигимиз керак; шунчаки буларнинг ҳаммасининг ортида Олий Шахс Худонинг қандайдир режаси борлигини тушуниш керак. "Шримад Бхагаватам"да айтилганки, бундай қулфатлар Худонинг ҳақиқий содиқ хизматкорини мувозанатдан чиқара олмайди. Аксинча, ҳақиқий содиқ хизматкор уларни Худонинг марҳамати сифатида қабул қилади. Ҳатто бошига мусибат тушган оғир қулфатларда ҳам чуқур имон билан Худого садоқат билан хизмат қилишда давом этаверган киши албатта Худонинг даргоҳига, Вайкунтха сайёраларига қайтиб боради. Маъбуд Браҳма фаришталарни ишонтириб айтдики, уларни ташвишга солаётган қоронғу зулматнинг сабаби ҳақида фикр-мулоҳаза юритишнинг ҳеч қандай маъноси йўқ, чунки Парвардигорнинг амри билан бутун коинотни қоронғу зулмат қоплаб олган эди. Маъбуд Браҳма бу ҳақда биларди, чунки у Худонинг буюк содиқ хизматкори бўлиб, Унинг ниятини англаб етган эди.

"Шримад Бхагаватам"нинг Учинчи Кўшиқ "Вайкунтханинг донишмандлар дуои-бад қилган икки соқчиси Жай ва Виджай" деб аталадиган ўн олтинчи бобига Бхактиведантанинг изоҳлари шундай яқунланади.

### Ўн еттинчи боб

#### Хираньякша оламнинг ҳамма тарафини забт этиб, бутун коинотни эгаллаб олади

#### Текст 1

Шри Майтрея деди: Парвардигор Вишнудан дунёга келган маъбуд Браҳма олий сайёраларда яшайдиган фаришталарга оламни қоплаб олган зулматнинг сабабини тушунтиргандан кейин улар кўрқувдан халос бўлиб ўз сайёраларига қайтиб кетдилар.

Изоҳ: Олий сайёраларда яшайдиган фаришталар ҳам бутун коинотни қамраб олган қоронғу зулмат сингари табиий офатлардан кўрқадилар, шунинг учун улар маъбуд Браҳмага савол билан мурожаат қилдилар. Бу шундан далолат берадики, моддий оламда ҳар бир тирик мавжудотда кўрқув туйғуси бор. Овқатланиш, ухлаш, ўзини муҳофаза қилиш ва жинсий алоқа қилиш - моддий оламда тирик мавжудотлар машғул бўлган фаолиятнинг асосий тўрт тури шундан иборат. Ҳатто фаришталар ҳам кўрқув туйғусидан озод эмас. Коинотнинг барча сайёраларида, шу жумладан Ой ва Қуёш сингари олий сайёраларда ҳам худди Ер сайёрасидагига ўхшаган ҳаёт қонуниятлари амал қилади. Акс ҳолда фаришталар коинотни қоплаб олган қоронғу зулматдан кўрқиб ўтирармидилар? Лекин, оддий одамлардан фарқли равишда фаришталар бундай вазиятларда ҳамиша ишонарли мўътабар зотларга мурожаат қиладилар, Ер сайёрасида яшайдиган аҳоли эса, ҳеч кимнинг обрўсини тан олгиси келмайди. Агар одамлар ҳамиша ёрдам сўраб обрўли зотларга мурожаат қилсалар, ҳар қандай қийин вазиятдан ҳам осон чиқиш йўлини топиш мумкин бўларди. Аржуна ҳам Курукшетрада жанг бошланишидан олдин саросимага тушиб қолган эди, лекин у обрўли Зотга, Кришнага мурожаат қилди, шунинг учун унинг барча муаммолари ҳал бўлди. Бу воқеадан шундай хулоса чиқариб олиш мумкин: агар бизлар қийин аҳволга тушиб қолганда, воқеа-ҳодисани тўғри тушунтириб бера оладиган ишонарли мўътабар зотга мурожаат қилсак, муаммомиз дарров ҳал бўлади. Фаришталар коинотда рўй берган воқеанинг сабабини тушунтириб беришни илтимос қилиб маъбуд Браҳмага мурожаат қилдилар; маъбуд Браҳманинг гаплари уларни тўла қаноатлантирди, улар хотиржам бўлиб ўзларининг сайёраларига қайтиб кетдилар.

#### Текст 2

Эзгу ниятли Дити қорнида олиб юрган фарзандлари фаришталарга озмунча мусибат келтирмаслигини биларди. Ўз вақтида эри ҳам шуни башорат қилган эди. Унинг юз йиллик ҳомиладорлик вақти тугагандан кейин у икки эгизак бола туғди.

#### Текст 3

Икки иблис дунёга келганида жаннатий сайёраларда ва ерсимон сайёраларда, шунингдек, улар орасидаги космик фазода бирин-кетин кишини даҳшатга соладиган кўрқинчли табиий офатлар рўй бера бошлади.

#### Текст 4

Ер юзидаги тоғлар зилзиладан титрай бошладилар, бутун сайёрани ёнгин қоплаб олгандай эди. Бирор фалокатдан хабар бериб осмонда Сатурн ва бошқа касофатли сайёралар пайдо бўлди; кометалар, метеорлар ва яшинлар осмонни тинмай чизғилардилар.

Изоҳ: Сайёрада табиий офатлар рўй бера бошласа, демак, яна бир иблис дунёга келган бўлади. Кали-югада имонсиз иблислар тобора кўпайиб бораверади, шунинг учун бирин-кетин турли табиий офатлар инсоният бошига кулфат келтираверади. "Шримад Бҳагаватам"да келтирилган далиллар бунга заррача шубҳа қолдирмайди.

#### Текст 5

Ҳамма жойда тинмасдан қудратли дарахтларни ҳам томири билан кўпориб оладиган кучли изғирин шамоллар эсарди. Тўфонлар уларнинг кўшинлари, булутлар эса – жанговор байроғи эди.

Изоҳ: Ҳар гал, инсоният бошига табиий офатлар: кучли бўрон, қалин қор, дарахтларни томири билан кўпорадиган бўрон ёғилганда, ер юзида имонсиз иблис одамлар дунёга келган бўлади, уларнинг туғилиши ҳамиша табиий офатлар билан биргаликда бўлади. Ҳозир ер шарининг жуда кўп жойларида табиий офатлар ва ҳар хил касофатлар одатдаги ҳол бўлиб қолган. Бундан деярли бирорта мамлакат мустасно эмас. одамларга қуёш нури етишмайди, осмонни ҳамиша булут қоплаган, қишда эса қалин қор ёғиб, изғирин совуқлар бўлади. Буларнинг ҳаммаси шундай жойларда гуноҳга ботган имонсиз одамлар яшашидан аниқ далолат берадиган белгилардир.

#### Текст 6

Осмонда момақалдиноқ гумбурлаб яшин чакнаган, ёритгичларни кўрғошиндай қора булутлар қоплаб олган эди. Бутун олам кўз илғамас қоронғу зулмат қаърига фарқ бўлган эди.

#### Текст 7

Сув юзида катта-катта тўлқинлар кўтаришган уммон худди қайғуга ботгандай каттиқ инграр, унда яшайдиган тирик мавжудотлар саросимага тушган эди. Қутурган дарё ва кўллар ҳам тошиб қирғоқларидан чиқиб кетди, уларни безаб турган нилуфар гуллари сўлиб қолди.

#### Текст 8

Қуёш ва Ой тутилган пайтларда Ой ва Қуёш атрофини такрор ва такрор туман парда қоплаб олди. Момоқалдиноқнинг гумбурлаган овози ҳатто тиниқ осмонда ҳам эшитилиб турар, тоғлардаги ёрлардан эса чопиб бораётган арава товушига ўхшаган овозлар эшитиларди.

#### Текст 9

Қишлоқ кўчаларида оғизларидан олов пуркаб, урғочи шоғоллар касофатли увиллар, уларга шоғоллар ва уккилар жўр бўларди.

#### Текст 10

Гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда, бошини осмонга кўтариб итлар увилларди, уларнинг овозлари гоҳо кўшиқ, гоҳида йиғи овозини эслатарди.

#### Текст 11

Эй Видура, ҳамма жойда чинкириб ҳанграб, каттиқ туёқлари билан ер тепкилаб ёввойи эшаклар тўдаси кезиб юрарди.

Изоҳ: Эшакларда ҳам ўз кадрини билиш туйғуси кучли бўлади, уларнинг тўда-тўда бўлиб, эшакларга хос яйраб, ҳар ерда санғиб юришлари касофатли аломат ҳисобланади.

#### Текст 12

Эшакларнинг овозларидан кўрқиб кетган қушлар чинқирик овоз чиқариб, ўз уяларидан учиб чиқдилар, оғилхона ва ўрмонлардаги сигир ва хўкизлар кўрққанидан турган жойида ҳожат чиқариб юборардилар.

#### Текст 13

Даҳшатга тушган сигирларнинг елинларидан сут ўрнига кон оқарди, булутлар ерга йиринг ёғдирарди, эҳромларда ўрнатилган Илоҳларнинг кўзларидан ёш оқарди, дарахтлар эса ҳатто шамолсиз кунда ҳам ерга қулардилар.

#### Текст 14

Марс ва Сатурн сингари ёвуз таъсирли сайёралар тобора ёркинроқ порлаб, шарофатли таъсир қиладиган сайёралар(Меркурий, Юпитер ва Венера)ни ҳамда баъзи бир ой уйларини тўсиб қўйдилар. Гўё сайёралар тескари айланиб, бир бири билан рақобатлашаётгандай эдилар.

Изоҳ: Коинотнинг фаолиятини моддий табиатнинг уч гунаси бошқариб туради. Эзгулик гунасидаги тирик мавжудотлар олижаноб, эзгу ниятли зотлар деб аталади, улар мамлакатлар, дарахтлар ва ҳоказо зотлар бўлиши мумкин. Сайёралар ҳам шундай: баъзи сайёралар эзгу, ижобий ниятли, баъзилари эса қора ниятли бўлиши мумкин. Марс ва Сатурн салбий таъсир қиладиган сайёралар тоифасига киради. Олижаноб сайёралар ёркин порлаб турса - яхши аломат, лекин салбий таъсир кўрсатадиган сайёралар ёркин порлаб турса, бу – ёмон аломат бўлади.

#### Текст 15

Охир замон кириб келаётганидан дарак берадиган мана шу ва бошқа кўплаб аломатларни кўриб, маъбуд Браҳманинг Жая билан Виджаянинг қулаши ва бу дунёда Дитининг ўғиллари қиёфасида туғилишидан хабардор бўлган тўрт донишманд ўғлидан бошқа коинотнинг бутун аҳолиси таърифлаб бўлмас даражада даҳшатга туша бошладилар. Мана шу касофатли аломатлар қандай офатлардан дарак беришини билмай, улар ўзларича “коинотнинг яксон бўлиши бошланди” деган қарорга келдилар.

Изоҳ: "Бҳагавад Гита"нинг еттинчи бобида айтилганидек, табиат қонунлари шу қадар бешафқат ва ўзгармаски, тирик мавжудот уларнинг ҳукми остидан чиқишга қодир эмас. Шу ерда яна айтилганки, фақат Кришнага ўзини бутунлай топшириб, Кришна онгига эга бўлганларгина нажот топадилар. "Шримад Бҳагаватам"дан биламизки, икки иблиснинг бу дунёга келиши кўплаб табиий офатлар билан бирга содир бўлди. Аввал айтганимиздек, бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, ер юзини тинмай ларзага солиб турган турли табиий офатлар кўплаб иблисларнинг туғилишидан, иблисифат аҳоли сонининг кўпайиб бораётганидан дарак беради. Ўша даврда коинотда фақат икки иблис - Дитининг болалари бор эди, лекин, ҳатто уларнинг дунёга келиши ҳам кўплаб табиий офатлар билан бирга рўй берганди. Ҳозир, айниқса ҳозирги Кали-юга даврида инсоният бошига бирин-кетин турли

табиий офатлар ёғилляпти, албатта бу ер юзида имонсиз аҳоли сонининг тобора кўпайиб бораётганидан дарак беради.

Имонсиз аҳоли сонининг кўпайиб кетишининг олдини олиш учун Ведалар маданиятида жамият ҳаётини тартибга солиб турадиган кўплаб қоида ва кўрсатмалар мавжуд бўлган, улардан энг муҳими – такводор фарзандларни дунёга келтиришга қаратилган гарбхадхана маросими ҳисобланади. "Бҳагавад Гита"да Аржун Кришнага айтадики, ер юзида номаъқул аҳоли(варна-санкара) сони ошиб кетганда, бутун жаҳон дўзахга айланади. Одамлар ҳамма жойда тинчлик, ҳамжихатлик бўлишини орзу қиладилар, аммо ер юзида гарбхадхана покланиш маросими ўтказилмасдан бунёд этилган, гуноҳ қилишга интиладиган, Дитидан дунёга келган иблисларга ўхшаган фарзандлар кўплаб туғила бошлайди. Шахвоний эҳтиросга берилиб, Дити эрини бундай ишлар учун шарофатли бўлмаган вақтда ўзи билан қовушишга мажбур қилди, шунинг учун кўп мусибатларнинг сабабчиси бўлган иблислар дунёга келди. Зурёд қолдириш ниятида жинсий алоқа қилишдан олдин ота-оналар яхши фарзанд дунёга келишини таъминлайдиган покланиш маросими ўтказиши лозим. Агар ҳар бир хонадон эгаси ва ҳар бир оила ана шу ведавий маданиятга амал қила бошласа, имонсиз иблислар эмас, балки яхши фазилатли фарзандлар дунёга келадилар, шунда ер юзида ўзидан ўзи тинчлик, ҳамжихатлик юзага келади. Токи бизлар жамиятнинг тинчлик, осойишталигини таъминлаш учун зарур бўлган кўрсатмаларга қатъий амал қилмас эканмиз, тинчлик ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Бунинг устига, бешафқат табиат қонунларига бўйсуниб, уларнинг ҳаммасидан азоб чекишга мажбурмиз.

#### Текст 16

Қадим ўтган замонларда дунёга келган бу икки иблис туғилганидан бошлаб ғайритабиий равишда мустаҳкам тана тузилишига эга эдилар; уларнинг худди пўлатдан қуйилгандай таналари худди икки катта тоғдай ўса бошлади.

Изоҳ: Бутун жаҳонда икки тоифага мансуб одамлар яшайди: уларнинг бир тоифаси иблислар деб аталади, иккинчи тоифаси – фаришталар. Фаришталар инсонлар жамиятининг руҳий юксалиши ҳақида ўйлайдилар, иблисларни эса, фақат жисмоний ва моддий фаровонлик қизиқтиради. Дити дунёга келтирган икки иблис таналари худди пўлатдай кучли ва мустаҳкам бўлиши учун машқ қила бошладилар, уларнинг танаси шундай ривожланиб кетдики, гўё калласи осмонга тегиб тургандай эди. Улар қимматбаҳо безаклар тақиб олдилар, улар ўзларини ҳаётда яшашнинг олий мақсадига эришган деб ишонардилар. Аввалдан тақдирига ёзилган эдики, Вайкунтҳанинг икки соқчиси Жая билан Виджая моддий оламда туғиладилар ва донишмандларнинг қарғиши билан Олий Шахс Худонинг душмани ролини ижро этадилар. Табиатан иблисифат бўлиб, улар қалбидаги Парвардигорга нисбатан нафрат туйғуси таъсирида шунчалик кўр бўлиб қолган эдиларки, улар Худонинг борлигини бутунлай инкор этар ва ҳаётда фақат жисмоний баркамолликка эришиш ҳамда ўзларига барча қулайликлар яратиш билан машғул эдилар.

#### Текст 17

Иблисларнинг бўйи шу қадар баланд эдики, бошидаги олтин тожлари билан гўё осмонга тегиб тургандай кўринарди. Улар танаси билан уфқни бекитиб қўяр, юрганида эса, уларнинг ҳар бир қадамидан ер ларзага келарди. Уларнинг кўлларида ярқираган чиройли билагузаклар бор эди, улар қаддини тиклаганида ажойиб камар ўралган бели билан қуёшни тўсиб қўярдилар.

Изоҳ: Иблислар жамиятида одамлар шундай қудратли танага эга бўлишни истайдиларки, кўчада юрганда уларнинг оёғи остида ер титраганини, қаддини тик тутганда эса танаси билан қуёш ва уфқни тўсиб қўйганини ҳис қилсинлар. Агар қайси бир давлатнинг халқида одамларнинг таналари бақувват бўлса, ана шу мамлакатни жаҳондаги гуллаб-яшнаётган ва моддий фаровонликка эришган давлат ҳисоблайдилар.

#### Текст 18

Тирик мавжудотларнинг бобокалони Праджапати Кашьяпа ўзларининг эгизак ўғилларига исм қўйди: биринчи туғилган ўғлини Хираньякша деб атади, уруғи Дитининг қорнига биринчи тушган ўғли эса, Хираньякашипу бўлди.

Изоҳ: Зурёд қолдириш ва ҳомиладорлик жараёнлари илмий равишда мўътабар ведавий муқаддас китоб “Пинд-сиддхи”да батафсил таърифланган. Унда айтилганки, агар эркакнинг уруғлиги аёл бачадонидан ажралиб чиқадиган суюқлик ичига икки томчи бўлиб кирса, она қорнида икки ҳомила пайдо бўлади, шунда аёл эгизакларни уруғлик кирганига тескари тартибда туғади; уруғлиги она қорнига биринчи тушган фарзанд иккинчи бўлиб туғилади, уруғлиги она қорнида иккинчи боланинг ортида туради, шунинг учун туғилган пайтда уруғлиги она қорнига иккинчи бўлиб кирган фарзанд биринчи бўлиб дунёга келади. Бу ерда уруғлиги она қорнига иккинчи бўлиб кирган Хираньякша биринчи бўлиб дунёга келди, онаси қорнида унинг ортида бўлган, уруғлиги биринчи қўйилган Хираньякашипу эса, дунёга иккинчи бўлиб келди.

#### Текст 19

Унинг тўнғич ўғли, Хираньякашипу ўлимдан қўрқмасди, чунки маъбуд Браҳмадан олган дуоси шарофати билан бутун уч оламда уни ўлдиришга қодир бўлган бирор тирик мавжудот йўқ деб ҳисобларди. Ана шундай дуои-фотиҳа олгандан кейин, у жуда мағрурланиб кетди ва бутун уч оламни ўз ҳукмига бўйсундира олди.

Изоҳ: Кейинги бобларда маъбуд Браҳмани мамнун қилиш ва мангу барҳаётликка эришиш учун унинг қанчалик риёзат чеккани ва танасини қийноққа солгани ҳақида ҳикоя қилинади. Аслида эса, маъбуд Браҳма тирик мавжудотга мангу барҳаётлик ато этишга қодир эмас, лекин барибир, Хираньякашипу бошқа йўллар билан маъбуд Браҳмадан моддий оламда яшайдиган тирик мавжудотларнинг бирортаси уни ўлдира олмаслигига дуо олди. Бошқача қилиб айтганда, Хираньякашипу моддий оламга Вайкунтҳа оламидан келгани учун моддий оламда яшайдиган бирор тирик мавжудот уни ўлдира олмас эди. Инсон моддий илм-фан ютуқлари билан қанчалик мағрурланмасин, ҳеч қандай илмий ютуқлар уни моддий

ҳаётнинг туғилиш, ўлиш, касаллик ва кексаликка маҳкум этадиган бешафқат қонунлари ҳукмидан қутқара олмайди. Парвардигор одамларга кўрсатмоқчи эдики, ҳатто ғайритабиий қудратга ва мустаҳкам баҳайбат танага эга бўлган Хираньякашипу ҳам ўзи учун белгиланган умрдан бир дақиқа ҳам кўп яшай олмади. Ҳатто Хираньякашипу сингари кучли ва мағрур бўлиб, бутун уч оламни ўзига бўйсундириб ҳам, инсон мангу яшай олмайди, тўплаган бойлигига мангу эга бўлолмайди. Инсоният тарихида жуда катта ҳокимиятни қўлга киритган жуда кўп буюк ҳукмдорлар ўтган, лекин ҳозир тарихчилардан бошқа ким уларни эсга олади?

#### Текст 20

Хираньякашипунинг укаси Хираньякша ҳамшиша акасининг қўнглини олишга интиларди. У Хираньякашипуни мамнун қилиш учун ҳар қандай рақиб билан жанг қилишга тайёр бўлиб, гурзисини елкасига ташлаб, бутун коинотни айланиб чиқди.

Изоҳ: Оила аъзоларини коинотнинг барча табиий бойликларидан ўз ҳиссиётини лаззатлантириш йўлида фойдаланишга ўргатиш барча иблисларга хос бўлган хусусият. Улардан фарқи равишда такводор инсонлар ҳамма нарсдан фақат Худога хизмат қилишда фойдаланишга интиладилар. Ғайритабиий куч-қудратга эга бўлиб, укаси унга душманлар билан курашишда ва моддий оламга иложи борича узоқроқ ҳукмронлик қилишга ёрдам бериши учун Хираньякашипу укаси Хираньякшани ҳам шундай қудратли қилди. Агар қўлидан келса, у оламга мангу ҳукмрон бўлиб турган бўларди. Буларнинг ҳаммаси – ҳаёт ҳақида иблистабиат одамларга хос бўлган фикрларнинг намоён бўлишидир.

#### Текст 21

Хираньякша асов, жиловланмаган хулқ-атворга эга эди. Унинг билакларига юрганида жаранглаб турадиган олтин билагузаклар осилган эди, кўксини катта гулчамбар безаб турарди, елкасида ўзининг қудратли гурзисини олиб юрарди.

#### Текст 22

Танасининг ва аклининг қудрати, олган дуои-фотиҳаларидан Хираньякша жуда мағрурланиб, димоғдор бўлиб кетди. У ўзини ҳеч ким ўлдира олмаслигига қаттиқ ишонарди, бутун коинотда бу иблисни тўхтатишга қодир бўлган куч йўқ эди. Шунинг учун Хираньякшани кўрган заҳоти фаришталар кўрқувдан титраб, худди Гарудадан кўрққан илонлар сингари ҳар ким ҳар ёққа яшириниб оларди.

Изоҳ: Одатда асурларнинг танаси қудратли бўлади, шунинг учун уларнинг ақли тиник, қудратли жисмоний кучга эга бўладилар, буни мазкур шеър ҳам тасдиқлаб турибди. Уларни коинотда яшайдиган бирор тирик мавжудот ўлдира олмаслигига дуо олиб, Хираньякша ва Хираньякашипу амалда мангу барҳаётликка эришган, шунинг учун ҳеч нарсдан кўрқмасдилар.

#### Текст 23

Аввал ўзларининг ҳокимияти билан маст бўлиб юрган Индра ва бошқа фаришталарни тополмай, Дайтъяларнинг сардори тушундики, уларнинг ҳаммаси

унинг кудратидан кўрканидан яшириниб олган, шунинг учун унинг кўксидан тантанали хайқирик отилиб чиқди.

Текст 24

Жаннатий сайёралардан қайтиб келиб, кудратли иблис бироз билакларини машқ қилиш учун кутуриб турган уммон қаърига ўзини отди.

Текст 25

У сув остига тушганида денгизда яшайдиган барча мавжудотлар – Варунанинг сон-саноксиз қўшини – даҳшатга тушиб ундан яширина бошладилар. Шу тарика, бирор зарба бермасдан Хираньякша ўзининг тенгсиз жасоратини бутун оламга намоён этди.

Изоҳ: Баъзан имонсиз иблис-материалистлар шу қадар кудратли бўлиб кетадиларки, бутун оламни ўз ҳукмига бўйсундириб оладилар. Мазкур шеърдан кўриниб турибдики, Хираньякша ҳам ўзининг иблисларга хос кудрати билан бутун коинотни ўзига бўйсундириб олган эди. Ҳатто фаришталар ҳам унинг ғайритабиий кудрати олдида даҳшатдан титраб турардилар. Иблис Хираньякша ва Хираньякашипудан фақат космик фазода яшайдиган фаришталар эмас, балки сув остида яшайдиган аҳоли ҳам кўрқардилар.

Текст 26

Кудратли Хираньякша кўп йиллар давомида йўлида дуч келган катта тўлқинларни ўзининг кудратли гурзиси билан яксон қилиб, уммон бўйлаб кезиб юрди ва ниҳоят Вибхаварига, Варунанинг пойтахтига етиб келди.

Изоҳ: Варуна – коинотдаги сувларга ҳукмронлик қиладиган фаришта; унинг пойтахти Вибхавири сув ости салтанатида жойлашган.

Текст 27

Вибхавири – сувда яшайдиган мавжудотларнинг ҳукмдори бўлган Варунанинг даргоҳи бўлиб, коинотнинг асосан иблислар яшайдиган қуйи қатламлари унинг ҳукми остида. Шу ерда Хираньякша худди жирканч қулга ўхшаб, Варунанинг устидан кулмоқчи бўлиб, унинг оёқларига йиқилиб сажда қилди ва киноя билан деди: “Мен билан жанг қил, эй Парвардигор!”

Изоҳ: Иблислар ҳамиша бошқалар билан жанжаллашишга баҳона қидириб юрадилар ва бошқаларнинг мулкани куч билан тортиб олишга уринадилар. Умуман жанг қилишни истамаган зотни ўзи билан жанг қилишга чақириб турган Хираньякшанинг хулқ-атвори буни жуда яхши тасдиқлаб турибди.

Текст 28

Сен – бутун бир сайёранинг ҳукмдорисан, сенинг шон-шуҳратинг бутун оламга тарқалган. Манман ва димоғдор жангчиларни ҳамда Дайтья ва Данаваларнинг барчасини мағлуб қилиб, сен бир вақтлар Парвардигорга атаб Раджасуя курбонлик маросими ўтказган эдинг.

Текст 29

Димоғдорлиги чегара билмайдиган душманининг киноя гапларини тинглаб туриб, ҳамма ҳурмат қиладиган сув ҳукмдорининг қаттиқ жаҳли чиқди, лекин у ўзининг кучли тафаккури билан вужудини қамраб олган ғазабини жиловлаб олди ва иблисга жавобан шундай деди: Эй дўстим, биз жанг қилишни тарк этдик, чунки энди жанговор ишлар учун кексалик қиламиз.

Изоҳ: Кўриб турибмизки, агрессив материалистлар ҳатто ҳеч қандай сабаб бўлмаса ҳам, ҳамиша уруш бошлашга тайёр турадилар.

Текст 30

Сенинг жанг қилишга қанчалик мохир эканингни билганим учун айтаманки, сенга энг қадимий тирик мавжудот Парвардигор Вишнудан бошқа бирор зот муносиб рақиб бўла олмайди. Шунинг учун, эй асурлар сардори, ҳатто сенга ўхшаган қаҳрамонлар ҳам олқишлайдиган шу Зотга мурожаат қил.

Изоҳ: Парвардигор ҳамиша ҳеч қандай сабаб бўлмаса ҳам коинотнинг тинчлигини бузиб юргани учун агрессив материалистларни жазолайди. Шунинг учун Варуна Хираньякшага айтдики, фақат Парвардигор Вишну билан жанг қилиб у ўзининг бутун жасоратини ишга сола олади, шунинг учун у иблисга Парвардигор Вишнунинг топиб, Уни жангга чақиритишни маслаҳат берди.

Текст 31

Варуна давом этди: Унинг олдида борганинда сен шу заҳотиёқ ўзининг бу димоғдорлигингни ташлайсан. Жанг майдонида мағлуб бўлиб, атрофингни итлар ўраб олиб, ўзинг мангу уйкуга кетасан. Парвардигор фақат сенга ўхшаган солим иблисларни яксон қилиш ҳамда такводорларга Ўз марҳаматини кўрсатиш учун Ўзининг Вараха ва бошқа мужассам бўлган қиёфаларида коинотга келади.

Изоҳ: Асурлар ўзларининг танаси беш моддий унсурдан таркиб топганини, ўлганидан кейин уларнинг танаси ит ва қузқунларга ем бўлишини билмайдилар. Иблиснинг жанговор руҳи бироз сўниши ва кудрати яксон бўлиши учун Варуна Хираньякшага моддий оламда тўнғиз қиёфасида мужассам бўлган Парвардигор Вишну билан учрашишни маслаҳат берди.

"Шримад Бҳагаватам"нинг Учинчи Қўшиқ “Хираньякша оламнинг ҳамма тарафини забт этиб, бутун коинотни эгаллаб олади” деб аталадиган ўн еттинчи бобига Бҳактиведантанинг изоҳлари шундай яқунланади.

**Ўн саккизинчи боб**

**Тўнғиз қиёфасида мужассам бўлган Парвардигорнинг иблис  
Хираньякша билан жанги**

### Текст 1

Майтрея деди: Қалбини манманлик ва ғурур камраб олган Дайтья Варунанинг гапларига заррача эътибор бермади. Эй Видура, Нарада Мунидан Олий Шахс Худонинг қаердалигини билиб олиб, у ўзини уммон сувлари ичига урди.

Изоҳ: Жанговор материалистлар ҳатто энг қудратли рақиб – Олий Шахс Худо билан ҳам жангга киришишдан қўрмайдилар. Варунадан бу дунёда ўзига муносиб рақиб бўла оладиган жангчи бор эканини эшитиб, иблис ғайритабиий равишда қувониб кетди ва жангга киришиш учун Олий Шахс Худо, Вишнуни излаб топиш иштиёқида ёна бошлади. У Парвардигор Вишну билан жангга кириб, ит, шоғол ва калхатларга ем бўлишини башорат қилган Варунанинг гапларига заррача ҳам эътибор бермади. Калтафаҳмлиги сабабли иблислар Аджита, яъни “енгилмас” деб аталадиган Парвардигор Вишну билан ҳам жанг қилишга журъат қиладилар.

### Текст 2

Шу ерда у Худо Шахсини, тўнғиз қиёфасида мужассам бўлиб, Ўзининг қудратли куракларида Ер сайёрасини кўтариб бораётган ҳар нарсага қодир Парвардигорни кўрди. Унинг қизғиш кўзлари нигоҳи остида Хираньякшанинг жилоси ва ажойиблиги сўниб қолди. “Ҳой ерда ҳам, сувда ҳам яшайдиган ҳайвон!” ҳайқирди қулиб иблис.

Изоҳ: Аввалги боблардан бирида биз Олий Шахс Худонинг Вараха, вепрь, тўнғиз қиёфасида мужассам бўлгани ҳақида гапирган эдик. Парвардигор Вараха Ер сайёрасини уммон қаъридан олиб чиқиб, уни Ўзининг қудратли куракларида кўтариб кетиб бораётганида Уни “ҳайвон” деб атаб, жангга чорлаган Хираньякша Унинг йўлини тўсди. Иблислар Парвардигор мужассам бўлган қиёфаларнинг табиатини англаб етишга қодир эмаслар: улар Парвардигор мужассам бўлган балиқ, тўнғиз ёки тошбақа сингари қиёфалар – шунчаки баҳайбат кўринишдаги ҳайвонлар деб биладилар. Олий Шахс Худонинг танасининг табиати ҳақида сохта тасаввурга эга бўлиб, улар ҳатто Парвардигор инсон қиёфасида келганда ҳам Худо Шахси мужассам бўлган қиёфалар устидан куладилар. Чайтанья-сампрадаянинг баъзи бир издошлари Нитьянанда Прабху ҳақида ана шундай сохта, иблисларга хос тасаввуларни тарқатиб юрадилар. Нитьянанда Прабхунинг танаси руҳий табиатга эга, аммо имонсиз иблислар Олий Шахс Худонинг танасини ҳам ўзлариники сингари моддий деб биладилар. Аваджананти мам мудҳаҳ: ақл-идрокини йўқотган одамлар Парвардигорнинг илоҳий қиёфасини моддий деб, Унинг устидан куладилар.

### Текст 3

Парвардигорга мурожаат қилиб, иблис шундай деди: Эй, тўнғиз қиёфасига кириб олган фаришталар ичида аълоси, менга қулоқ сол! Ерга ҳамхўрлик қилиш бизларга, яъни қуйи сайёраларда яшайдиган зотларга юклатилган, Сен уни менинг кўз олдимда, ҳеч қандай жазо олмасдан ўғирлаб кета олмайсан.

Изоҳ: Мазкур шеърни изоҳлар экан, Шриддхара Свами ёзадики, гарчи иблис тўнғиз қиёфасида мужассам бўлган Худо Шахсини масҳара қилмоқчи бўлган бўлсада, у ишлатган ибораларининг баъзилари аслида Парвардигорни олқишлайди. Масалан, у Парвардигорни вана-гочараҳ, “ўрмонда яшайдиган зот” деб атайди, лекин, вана-гочараҳ ибораси “сув устида ястаниб ётган Зот” деган маънони ҳам англатади. Парвардигор Вишну ҳақиқатан ҳам сув устида ястаниб ётади, шунинг учун Олий Шахс Худога бемалол шундай ибора билан мурожаат қилиш мумкин. Иблис яна Уни мригаҳ ибораси билан таърифлайди, бу билан у ўзи ҳам билмаган ҳолда Олий Шахс Худони барча буюк авлиёлар, донишманд ва илоҳиётчилар излашига ишора қилади. Шриддхара Свами айтадики, джна бу - илм. Бутун оламда Олий Шахс Худо билмаган илм йўқ, шундай қилиб, иблис Парвардигор Вишну ҳамма нарсани билади деб тасдиқлапти. Иблис яна Уни сурадҳама деб таърифлайди. Сура дегани “фаришта”, адҳама эса – “бутун борлиқ Хукмдори” деганни билдиради. Парвардигор барча фаришталарнинг хукмдоридир, демак, У – фаришталарнинг энг аълоси, яъни Худо. “Менинг кўз олдимда” деган гапни ишлатиш билан иблис гўё: “Мен шу ерда бўлсам ҳам, Сен бу ердан бемалол Ер сайёрасини олиб кетишинг мумкин” – деяётгандай бўлади. На свасти йасйаси: “Токи Сен Ўз марҳаматинг билан бизлардан Ерни тортиб олмас экансан, биз омад нималигини билолмаймиз”.

### Текст 4

Ҳой ярамас, душманларимиз Сени бизларни ҳалок қилиш учун вояга етказдилар, Сен кўзга кўринмай юриб, жуда кўп иблисларни яқсон қилдинг. Ҳой нодон, Сенинг қудратинг сири – Сен ишлатадиган сеҳр-жодуларингда, лекин мен бугун Сени ўлдириб қариндошларимни хурсанд қиламан ва буларнинг ҳаммасига биратўла чек қўяман.

Изоҳ: Иблис бу ерда абхавайа – “ўлдириш учун” иборасини ишлатяпти. Шриддхара Свами тушунтирадики, бу ерда “ўлдириш” дегани “озод қилиш” яъни кетма-кет туғилиш ва ўлишлар занжирига чек қўйишни билдиради. Парвардигор бизнинг кўзимизга кўринмаган ҳолда туғилиш ва ўлишларга чек қўяди. Парвардигорнинг ички қувватининг қудратини англаб бўлмади, лекин ана шу қувватидан фойдаланиб, Парвардигор Ўзининг марҳамати билан бизларни ғофиллик чангалидан озодликка чиқаради. шучаҳ ибораси “мусибатлар” деганни билдиради: Парвардигорнинг ички қуввати, йогамайя, моддий ҳаётнинг мусибатлар оловини ўчира олади. Упанишадларда(Шветашватара-уп.6.8) шундай ёзилган: парасйа шактри вивиджаива шруйате. Парвардигорнинг Ўзи оддий инсонлар кўзидан яширинган, аммо Унинг ҳар хил қувватлари ҳамма жойда ҳаракат қилади. Иблисларнинг бошига ҳар хил бахтсизлик ва мусибатлар ёғилганида улар Худонинг Ўзи уларнинг кўзидан яшириниб олган ҳолда Ўзининг сеҳр қудратини ишга солиб ҳаракат қиляпти деб ҳисоблайдилар. Улар агар Худони топа олсалар ўзларининг бир нигоҳи билан Уни бир сиким қулга айлантирган бўлардилар деб ўйлайдилар. Парвардигорни жангга чақирганида Хираньякша ҳам шундай деб ўйлади: “Фаришталарнинг тарафини олиб, Сен бизларнинг хонадонимизга катта зарар етказдинг. Сен Ўзинг кўзга кўринмай қолган ҳолда, бирин-кетин менинг қариндошларимни ўлдирдинг. Энди бизлар юзма-юз учрашиб

турибмиз, мен Сенинг тирик кетишинга йўқ қўймайман. Бугун мен Сени ўлдираман ва бу билан қариндошларимни Сенинг сеҳр-жодуларингдан халос этаман”.

Иблислар ҳамиша Худони ўлдиришга интиладилар, бунда улар Уни фақат ўзларининг сўзлари ёки фалсафий таълимотлари билан эмас, балки, етарли моддий қудрат тўплаб олиб, Парвардигорни бирор қирғин келтирадиган қурол ёрдамида ўлдира оламиз, деб ўйлайдилар. Камса, Равана, Хираньякашипу ва уларга ўхшаган иблислар Парвардигорни ўлдиришга бемалол кучларимиз етади деб ўйлаганлар. Иблислар Парвардигорнинг сон-саноксиз қувватлари Унга ҳар хил мўъжизалар яратиш имконини беришини тушунмайдилар; Ўзи яратган оламнинг ҳар бир бурчагида мавжуд бўлган ҳолда У айна пайтда ҳамиша Ўзининг мангу даргоҳида, Голока Вриндаванда яшайди.

#### Текст 5

Иблис давом этди: Мен улоқтирган гурзи Сенинг каллангни янчиб ташлаганида, Сен жон таслим қилиб ерга йиқилганингда, Сенга садоқат билан хизмат қилиб, қурбонлик маросими ўтказиб, Сенга эҳсонлар тақдим этиб юрган фаришталар ва донишмандлар ҳам худди илдизи чопилган дарахтдай ҳаётдан кўз юмадилар.

Изоҳ: Худонинг содиқлари муқаддас китобларнинг кўрсатмаларига риоя қилиб Парвардигорга сизиниб юрганини кўрганда иблисларнинг фиғони фалакка чиқиб кетади. Янги содиқларга Ведалар Худого садоқат билан хизмат қилишнинг тўққиз тури билан шуғулланишни тавсия қилади – Парвардигорнинг муқаддас номини тинглаш ва қуйлаш, ҳамиша Уни эслаб юриш, тасбеҳда Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилиш –Ҳаре Кришна Ҳаре Кришна Кришна Кришна Ҳаре Ҳаре \ Ҳаре Рама Ҳаре Рама Рама Рама Ҳаре Ҳаре, эҳромда ўрнатилган Илоҳга сажда қилиш, ер юзида тақводор инсонлар сонини кўпайтириш ва мустаҳкам тинчлик ўрнатиш учун Кришнани англаш таълимотини тарғибот қилиш билан боғлиқ ҳар хил фаолият билан шуғулланиш. Лекин иблислар бундай фаолият билан шуғулланишни истамайдилар. Улар ҳамиша Худого ва Унинг содиқларига душманлик қиладилар. Қадим замонлардан бери улар одамларни эҳромларда, черковларда Худого сизинишни бас қилиб, бунинг ўрнига ҳиссий лаззатларни кўпайтириш учун моддий тараққиёт учун курашишга чақирадилар. Парвардигорни, Худо Шахсини кўриб, иблис Хираньякаша ўзининг баҳайбат гурзиси билан Парвардигорни ўлдириб, буларнинг ҳаммасига биратўла чек қўйишга қарор қилди. Бу ерда томири чопилган дарахтни мисол келтириш алоҳида аҳамиятга эга. Худонинг содиқлари Парвардигорни бутун борлиқнинг илдизи деб биладилар. Улар буни қуйидаги мисол билан тушунтирадилар: худди ошқозон бутун тананинг тириклигини таъминлаб турган қувват манбаи бўлгани сингари, Парвардигор ҳам ҳам моддий, ҳам рухий оламда ҳаракат қилиб турган қувватларнинг бошланғич манбаидир. Ошқозонни овқат билан таъминлар эканмиз, бизлар тананинг қолган бошқа аъзоларини қувват билан таъминлаймиз, худди шундай, Кришна онгида яшаб, қалбимизда Кришнага муҳаббат туйғусини ривожлантирар эканмиз, биз бахт ва лаззатнинг бошланғич манбаини мамнун қилган бўламиз. Иблис ана шу манбани яқсон қилмоқчи эди, чунки у билардики, агар томири қирқилса, яъни агар Парвардигорни ўлдирса, Парвардигор ва Унинг

содиқларининг фаолияти ўзидан-ўзи тўхтаб қолади. Агар жамиятда ана шундай вазият юзага келса, иблис бундан чексиз лаззат олган бўларди. Ҳеч қандай тўсиққа учрамасдан ҳиссий лаззатларга берилиб яшаш учун иблислар ҳамиша инсонлар жамиятини имонсиз иблислар жамиятига айлантиришга интиладилар. Шридхара Свамининг фикрига кўра, мазкур шеърнинг мазмуни шундай: Олий Шахс Худо, Парвардигор иблиснинг қўлидан гурзисини тортиб олганида нафақат шу замондаги содиқлар, балки қадимда яшаган, узоқ тажрибаси туфайли донишмандликка эришган содиқлар ҳам чексиз хурсанд бўладилар.

#### Текст 6

Гарчи иблиснинг ўткир гаплари пайкони Парвардигорга қаттиқ жароҳат етказган бўлса ҳам, У бу оғриққа чидам билан бардош берди. Лекин, Ўзининг куракларида турган Ер сайёраси кўрқувдан зир титраётганини кўриб, Парвардигор сувдан чиқди. Тимсоҳ таъкиб қилаётган фил ҳам ўзининг жуфти билан ана шундай шошилиш сувдан қирғоққа чиқади.

Изоҳ: Майявади файласуфлар Парвардигорнинг ҳам ҳис-туйғулари борлигини тушунишга қодир эмаслар. Кимдир Парвардигорга самимий илтижо қилганида, Парвардигор бундан жуда мамнун бўлади, агар кимдир Унинг мавжудлигини инкор этса, ёки Уни ҳақорат қила бошласа, - У хафа бўлади. Майявадилар Парвардигорнинг калласи ҳам, танаси ҳам, қўллари ҳам, оёқлари ҳам, танасининг бошқа органлари ҳам йўқ, умуман Парвардигор шахс сифатида мавжуд эмас, деб биладилар. Бошқача қилиб айтганда, улар Худони қандайдир бир мажруҳ зотга ёки ўликка чиқариб қўядилар. Парвардигор ҳақида ана шундай нотўғри, бузуқ тасаввурлар албатта Худого ёқмайди ва Уни мамнун қила олмайди. Бу ерда гарчи Парвардигор иблиснинг ачиқ гапларидан қийналган бўлса ҳам, Ўзининг мангу содиқлари бўлган фаришталарни қувонтириш учун Ерни сувдан кўтариб чиқди. Шундай қилиб, Парвардигор ҳам худди бизлар сингари онгли, ҳис-туйғуга эга бўлган Зот. У бизларнинг илтижоларимиздан қувонади, Уни ҳақорат қилсақ хафа бўлади. Лекин, Ўзининг содиқларини ҳимоя қилиш учун, У имонсиз даҳрийларнинг ҳар қандай ҳақоратларига чидашга тайёр.

#### Текст 7

Сочлари олтинранг, оғзидан курак тишлари чиқиб турган иблис сувдан чиққан Парвардигорнинг изидан чопа бошлади. Бунда у худди филни қувиб бораётган тимсоҳга ўхшарди. У гулдурос овоз билан наъра тортди: “Сени жангга чақирганларида жавоб бермасдан қочиб кетишга уялмайсанми? Ҳақиқатан ҳам, уятсиз ҳайвонларга тана-дашнолар таъсир қилмайди!”

Изоҳ: Парвардигор Ер сайёрасини қутқариб сувдан чиққанида, иблис Уни ўзининг таъна-дашнолари билан кўмиб ташлади, лекин Ўз бурчини бажариш билан жиддий машғул бўлган Парвардигор унга заррача эътибор бермади. Худди қудратли инсон душманларининг ҳақорат ва дашноларидан кўрқмагани сингари, ўз бурчини ҳалол бажариб юрган киши кўрқув нималигини билмайди. Парвардигор ҳеч кимдан кўрқмайди, лекин У душманининг ҳақоратларига эътибор бермай, унга Ўз ҳимматини кўрсатди. Бир қараганда Парвардигор иблис

душманининг таклифидан кўриб, қочиб кетаётгандай туюларди, лекин аслида У фақат Ер сайёрасини унга таҳдид солаётган фалокатдан қутқариш учун Хираньякшанинг ҳақоратларига сабр билан чидади.

#### Текст 8

Парвардигор Ерни Ўзининг олдида сув устига қўйди ва унинг ичига Ўзининг қувватини киритиб, уни сув устида турадиган қилди. Душман бўлаётган воқеаларни кузатиб турар экан, коинот яратувчиси маъбуд Браҳма Парвардигорни олқишлай бошлади, бошқа фаришталар эса Уни гулларга кўмиб ташладилар.

Изоҳ: Олий Шахс Худо, Парвардигор қандай қилиб Ер сайёрасини сув устида турадиган қилганини тушунишга қодир эмаслар, аммо Худонинг содиқлари бундан умуман ҳайратланмайдилар. Фақат Ер шари эмас, бошқа сон-саноксиз сайёралар ҳам осмондаги ҳавода сузиб юрадилар, уларга бундай қобилиятни Парвардигор ато этади; буни бошқача тушунтириб бўлмайди. Дунёвий олимлар коинотдаги сайёралар бутун олам тортишиш қонунини асосида коинотда сузиб юрадилар, деб айтадилар, аммо ана шу қонуннинг ўзи Парвардигорнинг назорати остида ҳаракат қилади. бу "Бҳагавад Гита" да тасдиқланади, унда Парвардигор айтадики, моддий олам қонунлари, яъни сайёралар тизимининг шаклланиши, мавжуд бўлиб туриши, пайдо бўлиши ва ривожланиш жараёнларини бошқарадиган табиат қонунлари Парвардигорнинг ҳукми остида, яъни бошқача қилиб айтганда, бутун моддий олам механизми Парвардигорнинг назорати остида ҳаракат қилади. Парвардигорнинг қароматларини фақат маъбуд Браҳма бошлиқ фаришталар муносиб баҳолай оладилар, шунинг учун Парвардигор мўъжиза кўрсатиб, Ер сайёрасини сув устида турадиган қилган заҳоти улар Парвардигорнинг илоҳий жасоратидан ҳайратга тушиб, Унга гуллар ёғдира бошладилар.

#### Текст 9

Қиматбаҳо тақинчоқлар билан безаниб, билагузуклар тақиб олган, олтин қурол-аслаҳалар билан қуролланган иблис ўзининг қудратли гурзисини ўйнатиб Парвардигор изидан кува бошлади. Парвардигор чидам билан иблиснинг барча аччиқ таъна ва ҳақоратларини тинглаб турди, лекин, энди унинг гапларини жавобсиз қолдирмаслик учун, Ўзининг барча тирик мавжудотларни даҳшатга соладиган ғазабини намоён этди.

Изоҳ: Парвардигор иблис Уни ҳақорат қила бошлаган заҳоти унга жавоб бериши мумкин эди, лекин фаришталарни мамнун қилиш ҳамда уларга ўз бурчини бажаришда улар иблислардан кўрқмаслиги лозимлигини кўрсатиш учун, У Хираньякшанинг барча ҳақоратларига чидам билан сабр қилиб турди. Биринчи навбатда У Парвардигор ҳамиша уларнинг ёнида ва истаган пайтда уларга ёрдамга келишга тайёр эканини билиши лозим бўлган фаришталарни кўрқув туйғусидан халос этмоқчи эди. Иблиснинг Парвардигорга ёғдираётган ҳақоратлари худди итларнинг ақиллашига ўхшарди; Парвардигор унга мутлақо аҳамият бермади, чунки У Ер сайёрасини уммон қаъридан кўтариб чиқар экан, Ўз бурчини бажарарди. Иблис-материалистлар олтин, жисмоний куч ва шон-шухрати уларни

Олий Шахс Худонинг ғазабидан ҳимоя қилишидан умидвор бўлиб, ҳамиша кўплаб олтин ва олтиндан ясалган нарсаларни тўплаб юрадилар.

#### Текст 10

Худо Шахси, Парвардигор деди: Ҳа, биз ўрмонда яшайдиганлар ҳамиша сенга ўхшаган овчи итлар билан учрашишни кутиб юрамиз. Ажал чангалидан қутулган киши сенинг бемаъни гапларингдан кўрқмайди, чунки сенинг ўзинг ажал қонунининг ҳукми остидасан.

Изоҳ: Иблислар ва имонсиз даҳрийлар Олий Шахс Худони истаганча ҳақорат қилишлари мумкин, лекин улар ўзлари туғилиш ва ўлиш қонунларининг ҳукми остида эканини унутиб қўядилар. Улар, Парвардигорнинг мавжудлигини инкор этиш ёки Унинг муқаррар ҳаракат қиладиган қонунларини тан олмаслик билан такрор ва такрор туғилиш ва ўлиш заруратидан халос бўлиш мумкин деб ўйлайдилар. "Бҳагавад Гита"да айтилганки, инсон ўзининг уйига, Худонинг даргоҳига қайтиб кетиш учун Парвардигорнинг илоҳий табиатини англаб етишнинг ўзи кифоя. Лекин, иблислар ва имонсиз даҳрийлар Парвардигорнинг табиатини англаб етишга интилмайдилар, шунинг учун туғилиш ва ўлишнинг бешафқат қонунлари ҳукми остида мангу қолиб кетаверадилар.

#### Текст 11

Расатала аҳолисининг қарамоғида бўлган Ерни ўғирлаб кетиб, биз уят деган нарсани умуман йўқотиб қўйдик. Мен ана шундай қудратли рақибнинг ғазабига дучор бўлган эканман, энди сенинг қудратли гурзинг зарбаларини қабул қилишга мажбурман, лекин Мен барибир сувда туравераман, чунки бошқа борадиган жойим йўқ.

Изоҳ: Парвардигорни оламнинг бирор жойидан қувиб чиқаришнинг илоҳий йўқлигини, чунки У ҳамма ерда мавжудлигини иблис билиб қўйиши керак эди. Иблисларнинг ишончи қомилки, уларнинг бойлиги, мулки фақат уларнинг ўзларига тегишли, лекин аслида бутун борликнинг ҳаммаси Олий Шахс Худонинг, истаган пайтда тирик мавжудотни бор нарсасидан маҳрум қила оладиган Парвардигорнинг мулки.

#### Текст 12

Сен сон-саноксиз пиёда аскарларнинг сардори сифатида шуҳрат қозонгансан, шунинг учун имилламасдан Менинг устимдан қалаба қозониш учун қўлингдан келган ишни қил. Бемаъни, аҳмоқона гапларингни йиғиштирда, қариндошларингни хавотирдан қутқариш учун Бизни ўлдир. Инсон қанчалик ўзини мақтамасин, агар берган ваъдасининг устидан чиқа олмаса, унинг маданиятли инсонлар орасида юришга ҳаққи йўқ.

Изоҳ: Иблис ҳатто буюк жангчи ва сон-саноксиз пиёда аскарларнинг сардори бўлса ҳам, Олий Шахс Худо билан юзма-юз тўқнаш келганида у бутунлай ноилоҳ аҳволга тушиб қолади ва унинг ҳалокати муқаррар бўлади. Шунинг учун

Парвардигор иблисни кочиб кетиш хақида ўйламасдан ўзининг берган ваъдасининг устидан чиқишга ва Уни ўлдиришга чақирди.

Текст 13

Шри Майтрея деди: Худо Шахсининг бу таклифини эшитиб, иблис қутуриб кетди ва худди жаҳли чиққан кобра илонидай ғазабдан титрай бошлади.

Изоҳ: Оддий инсон олдида кобра илони кўрқинчли ва қутурган кўринади, аммо уни истаганча ҳаракат қилишга мажбур қила оладиган илон ўргатувчининг олдида шу илон худди ўйинчоққа ўхшаб қолади. Иблис ҳам, ўзининг салтанатида қанчалик қудратли ва кўрқинчли бўлмасин, Парвардигорнинг олдида арзимас ва ачинарли зот бўлиб қолади. Иблис Равана барча фаришталарни даҳшатга солиб юрарди, лекин Парвардигор Рамачандранинг олдида пайдо бўлганида кўрққанидан титраб, ўзи сиғиниб юрган маъбуд Шивани ёрдамга чақира бошлади, лекин бу ҳам унга ёрдам бермади.

Текст 14

Нима қиларини билмасдан вишиллаб, ғзаби қайнаганидан қутуриб, иблис шиддат билан Парвардигорга ташланди ва Унга ўзининг қудратли гурзиси билан зарба туширди.

Текст 15

Лекин Парвардигор сал чекиниб, Ўз рақибининг тўғри кўксига йўналган қақшатгич зарбасидан Ўзини четга олди. Рухий баркамолликка етган йог ҳам худди шундай ажал чангалидан қутулиб қолади.

Изоҳ: Мазкур шеърда келтирилган мисолда айтилганки, рухий баркамолликка эришган йог ҳатто табиат қонуни асосида белгилаб қўйилган ажал чангалидан ҳам қутула олади. Иблис ўзининг қудратли гурзиси билан Парвардигорнинг илоҳий кўксига зарба уришининг ҳеч қандай маъноси йўқ, чунки ҳеч ким Парвардигордан қудратлироқ бўла олмайди. Рухий баркамоллик чўққисига эришган илоҳиёт кишилари моддий табиат қонунларига бўйсунмайдилар, уларга ҳатто ажал ҳам ўз ҳукмини ўтказа олмайди. Сиртдан қараганда йог ҳам ҳалокат келтирувчи зарбага учрагандай бўлиб туюлиши мумкин, аммо Худонинг марҳамати билан у бундай зарбаларнинг кўпларига бардош беришга ва Худога садоқат билан хизмат қилишда давом этишга қодир бўлади. Парвардигор Ўзининг ҳар нарсага қодир қудрати туфайли мавжуд бўлгани сингари, Худонинг содиқлари ҳам Худонинг марҳамати билан фақат Унга хизмат қилиш учун яшайдилар.

Текст 16

Шунда Худо Шахси чиндан ҳам ғзабланиб кетди ва иблисга ташланди, иблис эса лабларини тишлаб, яна гурзисини кўтариб, ҳужумга ўтди.

Текст 17

Шунда Парвардигор гурзиси билан унинг ўнг қошини мўлжаллаб зарба туширди, эй Видура, аммо моҳир жангчи бўлган иблис ўзининг гурзиси билан Унинг зарбасини қайтариб, ўзини ҳимоя қилди.

Текст 18

Шу тарзда иблис Харьякша ва Олий Шахс Худо, Парвардигор бир бирига баҳайбат гурзилари билан зарба тушира бошладилар, улар ғзабга тўлиб, бир бирини мағлуб қилишга интилардилар.

Изоҳ: Харьякша – иблис Хираньякшанинг яна бир номи.

Текст 19

Икки рақиб орасидаги жанг тобора шиддат олиб борарди, уларнинг бирортаси рақибидан бўш келишни истамасди. Уларнинг учлари ўткир гурзи билан бир бирига туширган зарбаларидан таналари жароҳатларга тўлиб кетди, ўзларининг қонининг ҳиди уларнинг ғзабини баттар кучайтирарди. Ғолиб бўлиш истагида ёниб, уларнинг ҳар бири рақибига қарши турли хил усулларни ишлатар, уларнинг ўзаро жанги худди бир сигирни таллашиб ўзаро жанг қилаётган икки қудратли хўкизнинг жангини эслатарди.

Изоҳ: Олий Шахс Худо, Парвардигор билан иблис орасидаги жанг мазкур шеърда сигир таллашиб уришаётган икки хўкизнинг жангига ўхшатишган. Ерни баъзан го, яъни “сигир” деб атайдилар. Худди баъзан сигирга эгалик қилиш учун хўкизлар бир бири билан уришгани сингари, иблислар билан Олий Шахс Худо ёки Унинг вакиллари орасида ер сайёрасига ҳукмронлик қилиш учун бетиним кураш бўлиб туради. Мазкур шеърда Парвардигорнинг жиҳатини ифодалаш учун ишлатилган йаджнавайа иборасига алоҳида эътибор бериш керак. Парвардигорнинг танаси оддий тўнғизнинг танасидан фарқ қилмайди деб ўйламаслик керак. Парвардигор истаган киёфада мужассам бўлиши мумкин, Унинг ана шундай киёфаларининг ҳаммаси мангу. Аслини олганда Парвардигор барча киёфаларнинг манбаидир. Бу тўнғизни оддий тўнғиз деб ўйламаслик керак; Унинг танаси ягъялардан, яъни қурбонлик қилинган эҳсонлардан таркиб топган. Қурбонлик маросимлари Парвардигор Вишну учун мўлжалланган. Ягъя, қурбонлик маросими Парвардигор Вишнунинг танасидир. Унинг танаси моддий эмас, шунинг учун Уни оддий тўнғиз деб ўйламаслик керак.

Бу ерда маъбуд Браҳма сварат деб аталган. Аслида мутлақ мустақиллик фақат Парвардигорга хос бўлган сифат, аммо, Парвардигорнинг ажралмас заррачалари бўлган ҳолда, тирик мавжудотлар ҳам Унинг мустақиллигининг қандайдир улушига эга. Коинотдаги тирик мавжудотларнинг ҳаммаси мустақилликка эга, лекин барча тирик мавжудотларнинг сардори маъбуд Браҳма бошқа тирик мавжудотларга қараганда анча кўпроқ мустақилликка эга. У – Олий Шахс Худо, Парвардигор Шри Кришнанинг вакили, унга Парвардигор коинот ишларини бошқаришни топшириб қўйган. Бошқа фаришталарнинг ҳаммаси унинг раҳбарлиги остида фаолият кўрсатадилар, шунинг учун уни бу ерда сварат деб атаганлар. Маъбуд Браҳмага ҳамиша донишманд ва илоҳиёт кишилари ҳамроҳ

бўлиб юрадилар, уларнинг ҳаммаси ҳозир иблис билан Парвардигорнинг яккама-якка жангини томоша қилгани келган.

#### Текст 21

Жанг бўлиб турган жойга келиб, кўп минглаб донишманд ва илоҳиётчиларнинг сардори маъбуд Браҳма бу дунёда ҳеч ким бас кела олмайдиган ғаройиб қудратга эга бўлган иблисни кўрди. Шунда Браҳма биринчи марта тўнғиз қиёфасида мужассам бўлган Парвардигор Нараянага мурожаат қилди.

#### Текст 22-23

Маъбуд Браҳма деди: Эй азиз Парвардигор, бу иблис худди танага санчилган тикондай фаришталарга, браҳманларга, сигирлар ва қалби пок, ҳамиша Сенинг нилуфар қадамларинг пойига сиғиниб юрган бегуноҳ одамларга тинчлик бермаяпти. Иблис уларни таъқиб қилиб, сиқувга олиб, улар учун бетиним кўрқув манбаига айланган. Мендан дуо олгандан бери у ўзига муносиб рақиб излаб топишга интиладиган, шундай пасткаш мақсад билан бутун коинотни айланиб юрган иблисга айланди.

Изоҳ: Тирик мавжудотлар икки тоифага бўлинади: уларнинг бир тоифаси сура(фаришталар), иккинчи тоифаси – асура(иблис)лар деб аталади. Иблислар кўпинча қаттиқ берилиб фаришталарга сиғинадилар, уларнинг фаришталарга сиғиниб, ғайритабиий қудратга ва ўз ҳиссиётини лаззатлантириш учун чексиз имкониятларга эришганига кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Кейинчалик булар ҳамиша браҳманлар, фаришталар ва бошқа бегуноҳ зотлар учун кўплаб мусибатлар манбаига айланади. Иблислар одатда фаришталарни, браҳманларни ва бегуноҳ инсонларни таъқиб қиладилар, шу боис иблислар улар учун ҳамиша кўрқув, хавотир манбаи бўладилар. Одатда, бирор фариштадан уларни ғайритабиий равишда қудратли қилиб юборадиган дуо олиб, иблислар ўз қудратини шу фаришталарнинг ўзига қарши ишлатадилар. Маъбуд Шиванинг бир буюк содиғи бир вақтлар ундан унга кўли кимнинг бошига тегса, шу заҳотиёқ ўша зотнинг боши танасидан жуда бўладиган қудрат берадиган дуо олган эди. Иблис шундай дуо олган заҳоти дуонинг кучини маъбуд Шиванинг ўзида синаб кўрмоқчи бўлди. Иблисларнинг табиати шундай. Аммо Олий Шахс Худонинг содиқ хизматкорлари ҳеч қачон ҳиссий лаззатланишга имкон беришини тилаб Парвардигорни безовта қилмайдилар. Улар Парвардигорга илоҳий муҳаббат билан хизмат қилишдан баҳиёр бўлиб, ҳатто руҳий озодликка чиқишдан ҳам бош тортадилар.

#### Текст 24

Маъбуд Браҳма давом этди: Эй азиз Парвардигор, ўзининг сеҳр-жодулари билан шуҳрат қозонган, ўзига бино қўйганлиги, ёвуз характери ва урушқоқлиги билан ажралиб турадиган, мана шу илондай маккор иблис билан ўйнашиб ўтиришнинг Сенга нима кераги бор?

Изоҳ: Илоннинг ўлганини ҳеч ким қайғурмайди. Қишлоқ болалари одатда илонни қуйруғидан ушлаб олиб, истаганча ўйнаб бўлгандан кейин ўлдириб ташлайдилар.

Иблисни дарров ўлдириб ташлаш қийин бўлмаса ҳам, худди илон ўйнаб юрган болалар сингари, Парвардигор иблис билан эрмак учун жанг қиларди. Аммо, бу иблис илонга нисбатан анча маккорроқ ва зарарлироқ бўлгани учун Браҳма Парвардигордан у билан ўйнашни бас қилишни илтимос қилди. У Парвардигор иблисни шу заҳотиёқ ўлдириб ташлашини истарди.

#### Текст 25

Браҳма давом этди: Эй азиз Парвардигор, биз биламизки, Сен – бегуноҳ Зотсан. У яна кучга тўлиб, ўзи учун қулай шароитга тушиб қоладиган иблислар вақти етиб келмасдан олдин бу имонсиз иблисни ўлдириб ташла. Ўзининг ички қувватинг ёрдами билан уни ўлдириб ташлаш Сен учун ҳеч гап эмас.

#### Текст 26

Эй Парвардигор, тез орада кеч кириб, бутун оламни зулмат қоплайди. Сен – барча тирик зотларнинг Жонисан, шунинг учун илтимос, фаришталар ғалабани тантанали нишонлай олишлари учун уни ўлдир.

#### Текст 27

Абхиджит деб аталадиган шарофатли ва душман устидан ғалаба қилиш учун энг қулай вақт кун ўртасида бошланган ва ҳозир ниҳоясига етпти, шунинг учун Сендан илтимос, Ўзининг дўстларинг бахти учун тезроқ бу ёвуз душмanning таъзирини бер.

#### Текст 28

Баҳтимизга бу иблиснинг ўзи Сени излаб топди. Унинг ажали аллақачон аниқ ҳал бўлган. Шундай экан, бутун уч оламда яна тинчлик ҳукмрон бўлиши учун жасоратингни намойиш этиб, бу жангда уни ўлдир.

"Шримад Бҳагаватам"нинг Учтинчи Кўшиқ "Тўнғиз қиёфасида мужассам бўлган Парвардигорнинг иблис Хираньякша билан жанги" деб аталадиган ўн саккизинчи бобига Бҳактиведантанинг изоҳлари шундай яқунланади.

## **Ўн тўққизинчи боб Иблис Хираньякшанинг ўлими**

#### Текст 1

Шри Майтрея деди: Яратувчининг нектардай ширин, ҳеч қандай гуноҳ мақсадни кўзламайдиган гапларини эшитиб, Парвардигор қувонганидан кулиб юборди ва Браҳманинг илтижоларини инобатга олиб, унга Ўзининг меҳр-муҳаббат тўла нигоҳини ташлаб қўйди.

Изоҳ: Бу ерда нирвйалика иборасига алоҳида эътибор бериш керак. Ҳамиша гуноҳли истакларга асосланиб илтижо қиладиган иблислардан фарқли равишда, фаришталар ва Худонинг содиқлари ўзларининг илтижоларида ҳеч қандай

гуноҳли ниятларни кўзламайдилар. Маъбуд Брахмадан ўзига дуо тилаб олиб, иблис Хираньякша ғайритабиий қудратга эга бўлди, шундан бошлаб у ҳеч кимга тинчлик бермай бошлади, чунки бу дуони тилашда у гуноҳ ишларни мақсад қилган эди. Маъбуд Брахма ва фаришталарнинг илтижолари билан иблисларнинг илтижолари орасида ҳеч қандай умумийлик йўқ. Фаришталарнинг илтижо қилишдан мақсади – Парвардигорни мамнун қилиш, шунинг учун Парвардигор кулиб қўйди ва Ундан иблисни яқсон қилишни илтимос қилган маъбуд Брахманинг илтижосини қабул қилди. Иблисларнинг хаёлига ҳеч қачон Олий Шахс Худони олқишлаш фикри келмайди, чунки улар Парвардигор ҳақида ҳеч нарса билмайдилар. Шунинг учун улар одатда фаришталарга илтижо билан мурожаат қиладилар, "Бҳагавад Гита" бундай ишларни қоралайди. Унда ўзларининг гуноҳ ишларида муваффақият қозонишларига ёрдам беришни илтимос қилиб фаришталарга мурожаат қиладиган кишилар ақл-идрокидан маҳрум бўлган одамлар деб аталган. Иблислар ақлдан бутунлай маҳрум бўлганлар, чунки улар ўзларига нима ҳақиқий саодат келтиришини билмайдилар. Ҳатто улардан Олий Шахс Худонинг мавжудлигини биладиганлари ҳам Унга мурожаат қилишни истамайдилар, уларнинг нияти гуноҳ бўлгани учун Парвардигор ҳам ҳеч қачон улар истаган дуоларни бермайди. Айтишларига қараганда, қадимда Бенгалиялик қароқчилар ўзларининг талон-тарож ва босқинчилик билан боғлиқ бўлган гуноҳ ишларида ёрдам беради деган умидда Кали фариштасига сиғинганлар, лекин улар ҳеч қачон Парвардигор Вишнунинг эҳромларига ҳатто яқин ҳам йўламаганлар, чунки Вишну уларнинг илтимосларини бажаришидан умидвор бўлмаганлар. Шунинг учун Олий Шахс Худога илтижо қилар экан, фаришталар ва Худонинг содиқлари ҳеч қачон олдига гуноҳ ишларни мақсад қилиб қўймайдилар.

#### Текст 2

Брахманинг бурнидан дунёга келган Парвардигор сакраб Ўзининг гурзисини ўқталиб, Унинг олдида қўркмасдан айланиб юрган рақиби иблис Хираньякшанинг кўксини мўлжалга олди.

#### Текст 3

Лекин, иблиснинг гурзисининг қарши зарбасидан Парвардигорнинг гурзиси кўлидан чиқиб кетди ва бутун атрофни ёритиб, айлана ҳаракат билан пастга туша бошлади. Бу ҳақиқатан ҳам ажойиб манзара эди, чунки Парвардигорнинг гурзисидан бутун атрофга ғаройиб ёғду таралиб турарди.

#### Текст 4

Гарчи Хираньякшада қуролсиз қолган рақибига, ҳеч қандай қаршиликка учрамасдан ҳужум қилиш имконияти пайдо бўлган бўлсада, иблис яккама-якка жанг қоидаларини ҳурмат қилган ҳолда бу ажойиб имкониятдан фойдаланмади, бу билан у Парвардигорнинг ғзабини баттар кучайтириб юборди.

#### Текст 5

Парвардигорнинг гурзиси ерга бориб урилганида ва жангни кузатиб турган фаришта ва ришилар орасидан хавотирга тўла хитоблар эшитила бошлаганда

Парвардигор, Худо Шахси иблиснинг адолатни севишига тан бериб, Ўзининг Сударшана халқасини чақирди.

#### Текст 6

Парвардигорнинг кўлида айланиб турган халқа пайдо бўлганида ва У бу дунёда Дитининг ахлоқсиз ўғли Хираньякша бўлиб туғилган Вайкунтҳанинг бош соқчисига яқинлашганида ҳар тарафдан ҳаво кемаларида ўтириб жангни кузатиб турган зотларнинг ғалати хитоблари эшитила бошлади. Парвардигорнинг асл табиатидан беҳабар ҳолда улар: “Сенга зафар ёр бўлсин! Тезроқ бу золимни яқсон қил! У билан шунча ўйнаганинг етар!” – деб қичқира бошладилар.

#### Текст 7

Иблис кўзлари нилуфар гулбаргларига ўхшайдиган Парвардигор Сударшана билан қуролланган ҳолда нақ ўзининг олдида турганини кўрганида, уни қаттиқ саросима ва ғзаб туйғулари қамраб олди. У худди захарли илондай вишиллаш бошлади ва ноилоҳ ҳолда жаҳл билан лабини тишлаш бошлади.

#### Текст 8

Кишини даҳшатга соладиган куракларини ярқиратиб, иблис Парвардигорга худди ёндириб кул қилиб юборгудай бўлиб қаради. Кейин: “Тамом бўлдинг!” - деб хайқирганча у Парвардигорга гурзисини отди.

#### Текст 9

Эй покдомон Видура, қурбонлик меҳробига эҳсон қилинадиган ҳамма нарсадан лаззатланадиган Парвардигор рақибинининг кўзи олдида чап оёғи билан ўйнаганча Унга бўрондай шиддат билан яқинлашиб келаётган гурзини тепиб юборди.

#### Текст 10

Кейин Парвардигор шундай деди: “Қуролнинг кўтариб ол, агар Мени мағлуб қилишни шунчалик истаётган бўлсанг, яна бир марта уриниб кўр!” Бу таклифни эшитиб, иблис яна қаттиқ хайқирди ва Парвардигорга ўзининг қудратли гурзисини отди.

#### Текст 11

Ўзига қараб шиддат билан учиб келаётган гурзини кўриб, Парвардигор жойидан жилмади ва худди, илонларни осонлик билан ушлаб оладиган қушлар шоҳи Гаруда сингари, осонлик билан гурзини ушлаб олди.

#### Текст 12

Масхара бўлган буюк иблис шармандалик азобини татиб кўрди, энди унинг ўзига бўлган ишончи йўқола бошлаганди, Парвардигор унга гурзисини узатганида иблис уни кўлига олишдан бош тортди.

#### Текст 13

Бу гал у кўлига ловуллаб турган оловдай тўймас санчқисини олди ва уни барча қурбонликлар эгаси бўлган Парвардигорга отди. Худди шундай, имонсиз одамлар ҳам баъзан фақат олижаноб браҳманга зарар етказиш ниятида риёзатга берилдилар.

#### Текст 14

Ўзининг бор кучини тўплаб, қудратли иблис санчқисини Парвардигорга отди, санчки учиб борар экан, ўзининг ёғдуси билан осмонни ёритди. Аммо Парвардигор, худди бир пайтлар Индра Гаруданинг қанотини парчалаганидай, Ўзининг Сударшана халқаси билан иблиснинг санчқисини майда бўлақларга бўлиб ташлади.

Изоҳ: Бу ерда эслаб ўтилган Гаруда билан Индра орасидаги тўқнашув шундай бўлган эди: бир куни Гаруда, Парвардигорни олиб юрадиган илоҳий қуш, ўзининг онаси Винатани илонларнинг онаси, ўзининг ўғай онаси Кадруга кул бўлиб юришдан қутқариш мақсадида жаннатда яшайдиган фаришталардан нектар солинган идишни ўғирлаб кетди. Бундан хабар топган Индра унга ўзининг яшин қуролини отди. Индранинг енгилмас яшин қуролига ҳурмат билдириб, елкасида Парвардигорни олиб юрадиган ва шу боис мағлубият нималигини билмайдиган Гаруда қанотидан битта пат ташлади, яшин ана шу патни парчалаб ташлади. Олий сайёраларда яшайдиган зотлар шу қадар олижанобки, ҳатто бир бири билан жанг қилганда ҳам ўзаро ҳурмат қонунларини бузмайдилар. Бу ерда Гаруда Индрага ҳурмат билдирмоқчи эди; Индранинг яшин қуроли албатта бирор нишонга бориб тегиши кераклигини билган ҳолда, у бунинг учун ўзининг битта патини қурбон қилишга қарор қилди.

#### Текст 15

Худо Шахсининг халқаси унинг санчқисини майда бўлақларга парчалаб ташлаганида Хираньякша таърифлаб бўлмас даражада қутуриб кетди. У Парвардигорга ташланди, даҳшатли овозда хайқирганча ўзининг темирдай мушти билан Унинг Шриватса белгиси безаб турган кенг кўксига битта зарба туширди ва кўздан ғойиб бўлди.

Изоҳ: Парвардигорнинг кўксини безаб турган ва Олий Шахс Худони бошқалардан ажратиб турадиган оқ туклар тўплами шриватса белгиси деб аталади. Вайкунтхалока, яъни Голока Вриндаванда яшайдиган зотлар Худо Шахсига худди икки томчидай ўхшайдилар, фақат Парвардигорнинг кўксидаги шриватса белгиси Уни бошқалардан ажратиб туради.

#### Текст 16

Эй Видура, иблиснинг зарбасига дуч келган, коинотдаги биринчи тўнғиз бўлган Парвардигор ҳатто ўрнидан ҳам кўзғалмади. Худди филни гуллардан ясалган супурги билан ургандай, У ҳеч нарса бўлмагандай хотиржам турарди.

Изоҳ: Аввал айтганимиздай, Хираньякша бир пайтлар Вайкунтҳада Парвардигорга хизмат қилар, кейин моддий оламга тушиб иблис бўлиб туғилган эди. Парвардигор

билан жанг қилиш уни озодликка чиқариши лозим эди. Парвардигорнинг илоҳий танасига иблиснинг зарбаси тушганида Парвардигор бундан худди ўзининг кичкина ўғли билан кураш тушайтган отадай лаззат оларди. Баъзан ота ўғли билан ҳазиллашиб кураш тушиб ўйнайди; худди шундай Хираньякшанинг зарбалари Парвардигор учун худди Унга сиғинаётган содиқлари тақдим этган гуллардай ёқимли эди. Бошқача қилиб айтганда, Парвардигор бу жангни илоҳий лаззат олиш учун уюштирган эди, шунинг учун рақибининг зарбалари Унга лаззат бағишларди.

#### Текст 17

Шундан кейин иблис, йогамайянинг ҳукмдори бўлган Парвардигорни алдаш учун жоду қудратини ишга сола бошлади. Буни кўрган одамлар жуда кўрқиб кетдилар ва охир замон яқинлашаётган бўлса керак деб ўйладилар.

Изоҳ: Парвардигорнинг эрмак учун уюштирган, Ўзининг иблисга айланган содиқ хизматкори билан бўлиб ўтаётган бу жанг шу қадар қақшатғич ва шиддатли эдики, бемалол бутун коинотнинг ҳалокатига олиб келиши мумкин эди. Олий Шахс Худонинг буюклиги шундай: Унинг ҳатто жимжилоғини ўйнатиши ҳам бутун коинот аҳолиси учун улғувор ва даҳшатли бўлиб кўринади.

#### Текст 18

Бирданига кучли бўрон турди. Шамол кўтарган чанг-тўзон ва тинмай қуяётган жала туфайли бутун атрофни зулмат қоплади. Худди замбаракдан отилгандай, ҳар тарафдан катта-катта тошлар ёғила бошлади.

#### Текст 19

Қора булутлар осмондаги ёритгичларни тўсиб, бутун осмонни қамраб олди. Момоқалдирак гумбурлаб, яшин чакнай бошлади. Осмондан ерга сочлар ва суяқлар тўкила бошлади, йиринг, қон ва ахлат ёғила бошлади.

#### Текст 20

Эй бегуноҳ Видура, тоғлардан худди қуролларнинг барча тури отилиб чиқаётгандай эди. Қаердандир қўлларига санчки ушлаган ва сочлари тўзиган яланғоч иблис аёллар пайдо бўлди.

#### Текст 21

Пиёдалардан ва отлик, филга минган ва жанг араваларига чиқиб олган яқша ва рақашлар қўшини ўзларининг ёвуз ва кўрқинчли хайқириқлари билан ҳавони ларзага солди.

#### Текст 22

Шунда, барча қурбонлик қилинган эҳсонлардан лаззатланадиган Парвардигор Ўзининг севимли халқаси - иблиснинг жодуларини осонлик билан тарқатиб юборишга қодир бўлган Сударшани отди.

Изоҳ: Кудратли йог ва иблислар баъзида ўзларининг сеҳр кудратидан фойдаланиб, буюк мўъжизалар яратадилар, лекин Парвардигор Ўзининг сударшана-чакрасини ишга солиши билан уларнинг барча сеҳр-жодулари худди тутундай таркалиб кетади. Бунга Дурваса Муни билан Махараж Амбариша орасида бўлиб ўтган жанжал яққол мисол бўлиши мумкин. Дурваса кўплаб мўъжизалар кўрсатмоқчи бўлиб турган эди, лекин ўзига яқинлашиб келаётган Сударшана-чакрани кўриб, кўриб кетди ва жонини сақлаб қолиш учун коинотнинг турли сайёраларидан ўзига нажот излай бошлади. Парвардигорни бу ерда три-пат деб атаганлар, бу ибора “қурбонлик қилинган эҳсонларнинг уч тури билан лаззатланадиган Зот” деганни англатади. "Бҳагавад Гита"да Парвардигор айтганки, У барча қурбонлик маросимларининг, риёзатларнинг ва руҳий қасамлар маҳсулидан лаззатланади. Парвардигор уч турли қурбонлик маросимидан лаззатланади. "Бҳагавад Гита" тушунтирадики, садақа эҳсон қилиш, муруқаба ва фалсафий изланишлар қурбонлик маросими ҳисобланади. Гяна, йога ва карма йўлидан бораётганларнинг ҳаммаси охир-оқибатда Парвардигорга эришадилар, чунки васудеваҳ сарвам ити: Парвардигор бутун борлиқнинг эгаси ва ҳукмдори. Барча қурбонлик маросимларининг мукамаллиги ҳам шундан иборат.

#### Текст 23

Ана шу пайтда Хираньякшанинг онаси Дитининг юраги бирдан ларзага келиб кетди. У эри Кашьяпанинг айтган гапларини эслади ва унинг кўксидан қон оқа бошлади.

Изоҳ: Хираньякшанинг умрининг охириги лаҳзаларида унинг онаси Дити эрининг башоратини эслади: гарчи унинг ўғиллари иблис бўлса ҳам, улар Парвардигорнинг қўлида ҳалок бўлиш бахтига муяссар бўладилар. Худонинг марҳамати билан бирдан унинг хотирасига ана шу гаплар келди, унинг кўксидан сут ўрнига қон оқа бошлади. Онанинг қалби ўз ўғилларига нисбатан муҳаббат билан тўлганида унинг кўксидан сут оқа бошлайди. Лекин бу ерда, иблисларнинг онасининг қони сутга айлана олмайди ва соф ҳолида унинг кўксидан оқа бошлади. Маълумки, сут қондан пайдо бўлади. Сут билан қон аслида бир унсур бўлса ҳам, сут ичиш жуда фойдали, лекин қон ичиш мумкин эмас. Сигирнинг сути ҳам шундай фойдали.

#### Текст 24

Кўрсатган сеҳр-жодуларидан асар ҳам қолмаганини кўриб, иблис яна Худо Шахси Кешава олдида пайдо бўлди ва ғазабдан титраб, Уни кучоқлаб олиб, қисиб, янчиб ташлашга уринди. Аммо, ҳайратга тушиб Парвардигор унинг қўллари юзага келтирган ҳалқадан ташқарида турганини кўди.

Изоҳ: Бу ерда Парвардигорни Кешава деб атаганлар, чунки У оламнинг яраллиш тонгида иблис Кешани ўлдирган эди. Кешава – Кришнанинг номларидан бири. Кришна – Парвардигорнинг мужассам бўлган барча қиёфаларининг манбаи, "Брахма-самхита"да айтилганидек, Олий Шахс Худо, барча сабаблар сабабчиси Говиндада бир вақтнинг ўзида Ўзи мужассам бўлган қиёфаларнинг ва экспансияларининг ҳаммасида мавжуд. Иблиснинг Олий Шахс Худони ўзининг қўллари билан кучоқлаб олишга уриниши ҳам эътиборга лойиқ. Иблис ўзининг

чекланган қўллари, яъни моддий кучи билан Парвардигорни, чексиз Мутлак Ҳақиқатни кучоқлаб олмоқчи эди. У Парвардигор бир вақтнинг ўзида энг катта нарсадан катта, энг кичик нарсадан кичик эканини билмасди. Парвардигорни кучоқлаб, қамраб олишга ёки Унинг ўзининг амрига бўйсундиришга ҳеч ким қодир эмас. Шунга қарамай, иблислар Парвардигорнинг узунини ва энини ўлчашга уринишни бас қилмайдилар. "Бҳагавад Гита"да тушунтирилганидек, Парвардигорнинг англаб бўлмас қувватлари Унга ҳам чексиз фазовий қиёфада, айни пайтда, содиқ хизматкори Илоҳини сақлаб қўядиган кичкина қутича ичида жойлашиш имконини беради. Кўплаб содиқлар Илоҳни кичкина қутича ичига жойлаб қўядилар ва ҳеч қачон ундан ажралмайдилар, улар ҳар қуни эрталаб қутичада жойлашган ана шу Парвардигорга сиғинадилар. Парвардигор Кешава, яъни Худо Шахси Кришна бизларнинг тасаввуримизга сиғмайди. У содиқ хизматкори истаган кўринишда ҳаммиша Ўзининг содиқ хизматкори билан бирга бўлади, айни пайтда иблислар Уни ўлчашга қанчалик уринмасинлар, У иблислар кўзидан йироқ бўлиб қолаверади.

#### Текст 25

Шунда иблис Парвардигорга ўзининг темирдай муштуми билан зарба беришга киришди, лекин Парвардигор Адхокшаджа, худди бир пайтлар Марутлар сардори Индра иблис Вритрани урганидай, иблиснинг қулоғи тагига бир зарба туширди.

Изоҳ: Бу ерда Парвардигорни моддий мезонлар билан ўлчаб бўлмаслигини назарда тутиб, Адхокшаджа деб атаганлар. Акшаджа ибораси “моддий сезгилар чегараси” деганни билдиради, адхокшаджа эса – “моддий сезгилар ёрдамида қабул қилиб ёки ўлчаб бўлмайдган Зот”.

#### Текст 26

Гарчи енгилмас Парвардигор иблисга шунчаки истамай зарба туширган бўлса ҳам, Унинг зарбасидан иблис ҳавода бир неча марта айланди. Унинг кўзлари хонасидан чиқиб кетди, қўл-оёқлари синган, сочи тўзғиб кетганди, худди қудратли бўрон томири билан кўпориб ташлаган дарахт сингари, иблис жон таслим қилганча ерга қулади.

Изоҳ: Ҳатто Хираньякша сингари қудратли иблисни яқсон қилиш учун ҳам Парвардигорга лаҳзанинг бир қисми ҳам кифоя. Парвардигор аллақачон уни яқсон қилган бўларди, лекин У иблисга ўзининг бутун сеҳр қудратини намоён этиш имконини берди. Шуни яхши билиб қўйиш керакки, на сеҳр қудрати, на илм-фан тараққиёти, на моддий қудрат ҳеч кимнинг Парвардигор билан тенглашишига ёрдам бера олмайди. У биргина имо қилса бас, бизларнинг барча уринишларимиз чиппакка чиқади. Мазкур лавҳадан кўриниб турганидек, Парвардигорнинг англаб бўлмас қудрати шунчалик буюкки, У истаган зоҳоти, иблиснинг шунча усул ва қудратига қарамай бир зарба билан уни яқсон қилиб ташлади.

#### Текст 27

Мағлуб бўлган иблиснинг атрофига тўпланиб, Ажда(Брахма) ва бошқалар унинг ерда узала тушиб ётган танасини кўрдилар. Иблис лабини тишлаб ётар, унинг

оғзидан дахшатли кураклари чиқиб турарди. Ҳали унинг ёнокларидаги қизиллик кетмаган эди, Брахма ҳайратга тушиб шундай хитоб қилди: “Ана шундай шарафли ўлимга мушарраф бўлиш бахти яна кимга насиб этаркан?”

Изоҳ: Гарчи иблис ўлган бўлса ҳам, унинг танаси ўзининг аввалги рангини ўзгартирмаган. Бу жуда эътиборга лойиқ ҳолат, чунки инсон ёки ҳайвон ўлганида, унинг танаси оқариб кетади, у ўзининг табиий ҳолатини йўқотиб, бузила бошлайди. Лекин бу ерда Хираньякша ўлган бўлишига қарамай, унинг танаси ўзининг аввалги рангини сақлаб қолган, чунки Унга Парвардигорнинг Ўзи, бутун борлиқнинг Олий Руҳи қўлини текқизди. Токи ичида жон бор экан, тана ўзининг соғлом рангини сақлаб туради. Гарчи иблиснинг жони танасидан чиқиб кетган бўлса ҳам, унинг танасининг ранги ўзгармади, чунки унга Олий Руҳ теккан эди. Алоҳида руҳ ҳамиша Олий Шахс Худодан ажралган, мустақил. Танасини тарк этиб кетаётиб, Олий Шахс Худони кўриш бахтига муяссар бўлган киши ҳақиқатан ҳам энг бахтиёр инсондир, шунинг учун Брахма ва бошқа фаришталар иблиснинг ана шундай бахтли ўлимини олқишлардилар.

#### Текст 28

Брахма давом этди: У алдамчи моддий танадан халос бўлишга интилиб юрган йоглар хилват жойга бориб, сеҳрли жазави ҳолатида муруқабани қиладиган Парвардигорнинг олдинги оёғи зарбидан ҳалок бўлди. Дитининг ўғиллари ичида аълоси бу ўткинчи дунёни Парвардигорнинг жамолини кўриб турган ҳолда тарк этди.

Изоҳ: "Шримад Бхагаватам"нинг мазкур шеърисида йога усули тўла таърифлаб берилган. Бу ерда айтилганки, муруқабани билан шуғулланганидан сеҳрлар ва йогларнинг охириги мақсади – моддий танадан халос бўлиш. Ана шу мақсадга эришиш йўлида улар хилват жойга бориб, сеҳрли жазави ҳолатига ғарқ бўлишга интиладилар. Йога билан ҳозирги сохта йогларга ўхшаб, одамлар олдида ёки сахнада эмас, хилват жойда шуғулланиш лозим. Ҳақиқий йоганинг мақсади – моддий тана чангалидан озонликка чиқиш. Йога усули танани ёш ва соғлом ҳолатда сақлаб туриш учун мўлжалланмаган. Ҳақиқий йоганинг бирор йўналиши ҳозирги сохта йогларнинг кўплаб одамларни жалб қилиш учун ишлатадиган ана шундай мақсадини қўллаб қувватламайди. Мазкур шеърисида йогада муруқабани қилиш лозим бўлган зот –Худо Шахси эканини кўрсатадиган йам – “Унга” ибораси алоҳида таъкидланган. Ҳатто инсон ақлини тўнғиз қиёфасида мужассам бўлган Парвардигорда жамласа ҳам, у йога билан шуғулланган бўлади. "Бхагавад Гита"да айтилганки, ақли ҳамиша Худо Шахсида, Парвардигорнинг сон-саноксиз қиёфаларидан бирида мужассам бўлган киши энг олий даражадаги йог ҳисобланади: Парвардигорнинг шахсий қиёфасига муруқабани қилиш билан шундай йог осонлик билан транс ҳолатига эришади. Агар у ажали келган пайтда ўзининг ақлини Парвардигорнинг шахсий қиёфасида жамлай олса, у моддий танасидан бутунлай халос бўлади ва Худонинг даргоҳига эришади. Парвардигор ана шундай имкониятни иблис Хираньякшага ато этди, ана шу ҳолат маъбуд Брахма ва бошқа фаришталарни ҳайратга солган эди. Бошқача қилиб айтганда, ҳатто иблис ҳам

йогада баркамолликка эриша олиши учун Парвардигорнинг оёғининг битта зарбаси кифоя.

#### Текст 29

Парвардигорнинг бу икки хизматкори доғишмандларнинг қарғиши сабабли иблислар оиласида туғилган эдилар. Бир неча марта шу тарзда туғилгандан кейин улар яна ўзларининг аввалги ўрнини эгаллайдилар.

#### Текст 30

Парвардигорга муружаат қилиб фаришталар шундай дедилар: Эй Парвардигор, бизлар такрор ва такрор Сенинг нилуфар қадамларинг пойига сажда қиламиз. Сен – барча қурбонлик маросимларининг эгасисан. Коинотни ҳимоя қилиш учун Сен соф эзгулик тимсоли бўлган тўнғиз қиёфасида мужассам бўлдинг. Бизнинг бахтимизга Сен бутун уч оламга шунча мусибатлар келтирган бу иблисни ўлдирдинг ва бизлар, Сенинг содиқ хизматкорларинг, Сенинг нилуфар қадамларинг пойида хотиржамликка эришдик.

Изоҳ: Моддий оламини моддий табиатнинг уч гунаси – эзгулик, эҳтирос ва ғафлат гуналари бошқаради, аммо руҳий оламда фақат соф эзгулик мавжуд. Бу ерда айтилганки, Парвардигорнинг танаси соф эзгуликдан иборат, демак, Унинг танаси моддий эмас. Моддий оламда эзгулик соф ҳолда учрамайди. "Шримад Бхагаватам"да соф эзгулик поғонаси саттвам вишуддхам деб аталади. Вишуддхам ибораси “пок”, “соф” деган маънони англатади. Соф эзгулик икки қуйи сифатлар – эҳтирос ва ғафлат билан бўлганмаган. Демак, Парвардигор мужассам бўлиб келган тўнғизнинг қиёфаси моддий оламининг бир қисми эмас. Парвардигорнинг жуда кўп қиёфалари мавжуд, лекин уларнинг бирортаси моддий табиат гуналари билан боғланган эмас. Бу қиёфаларнинг ҳаммаси барча қурбонлик маросимлари ҳукмдори бўлган Парвардигор Вишунинг қиёфасидан фарқ қилмайди.

Ведаларда тавсия қилинган қурбонлик маросимларининг ҳаммаси Олий Шахс Худони мамнун қилиш учун мўлжалланган. Фақат ўзининг ғофиллиги туфайли одамлар яшашдан асосий мақсад Парвардигор Вишунинг мамнун қилиш эканини эсдан чиқариб, Худонинг маълум бир ваколатлар берилган сон-саноксиз вакиллари мамнун қилишга интиладилар. Барча қурбонлик маросимлари фақат Парвардигорни мамнун қилиш учун ўтказилади. Ана шуни билган кишилар фаришталар, яъни амалда Парвардигор билан бир қаторда турадиган илоҳий табиатга эга бўлган зотлар деб аталадилар. Тирик мавжудот Парвардигорнинг ажралмас бир зарраси бўлгани туфайли, унинг бурчи Парвардигорга хизмат қилишдан иборат. Фаришталарнинг ҳаммаси Худо Шахсига боғланган, уларни мамнун қилиш учун Парвардигор оламга шунча мусибат келтирган иблисни ўлдирди. Ўзининг асл ҳолида тирик мавжудотнинг ягона истаги бўлади – Парвардигорни мамнун қилиш, ана шу мақсадга эришиш йўлида унинг ўтказган барча қурбонлик маросимлари Кришнани англаш, Кришна онги билан яшаш деб аталади. Мазкур шеърисида аниқ айтилганки, Олий Шахс Худога садоқат билан хизмат қилиш орқали инсон қалбида Кришна онгини ривожлантира олади.

#### Текст 31

Шри Майтрея давом этди: Ғайритабиий қудратга эга бўлган иблис Хираньякшани ўлдириб, тўнғизлар туркумининг бобокалони Парвардигор Хари ҳаёт – узлуксиз байрамлардан иборат бўлган Ўзининг даргоҳига қайтиб кетди. Маъбуд Браҳма бошлиқ фаришталарнинг ҳаммаси ўзларининг илтижоларида Парвардигорни олқишладилар.

Изоҳ: Бу ерда Парвардигорни тўнғизлар туркумининг бобокалони деб атаганлар. "Веданта-сутра"(1.1.2)да айтилганидек, Мутлак Ҳақиқат бутун борлиқнинг манбаи ва бошланғич сабабчиси. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, ҳаётнинг 8.400.000 турдан иборат бўлган барча шакллари, ҳамма нарсанинг аввали, яъни *ади* бўлган Парвардигордан бошланади. "Бҳагавад Гита"да Аржун Парвардигорни айдям, яъни азалий, бошланғич деб атайди, "Брахма-самхита"да эса Парвардигор ади-пурушам, азалий шахс деб аталган. Бунинг устига "Бҳагавад Гита"(10.8)да Парвардигорнинг Ўзи: маттах сарвам правартате – “Ҳамма нарса Мендан чиқади” деб айтган.

Бу ерда Парвардигор иблис Хираньякшани ўлдириш ҳамда Ер сайёрасини Гарбха уммони қаъридан олиб чиқиш мақсадида тўнғиз қиёфасига кирган. Шу тариқа У ади-сукара, бошланғич тўнғиз бўлди. Моддий оламда тўнғиз ёки чўчка энг жирканч хайвон ҳисобланади, аммо ади-сукарага, Олий Шахс Худони ҳеч ким оддий тўнғиз деб ҳисобламаган. Ҳатто маъбуд Браҳма ва бошқа фаришталар тўнғиз қиёфасидаги Парвардигорни ўзларининг илтижоларида олқишлаганлар.

Мазкур шеърда ҳам "Бҳагавад Гита"да айтилган, Парвардигор Ўзининг илоҳий даргоҳидан моддий оламга гуноҳкорларни яқсон қилиш ҳамда Худонинг содиқларини мусибатлардан қутқариш учун келади, деган гаплар тасдиқланади. Иблис Хираньякшани ўлдириб, У иблисларни яқсон қилишга ва маъбуд Браҳма бошлиқ фаришталарга ҳомийлик қилишга берган ваъдасининг устидан чиқди. Бу шеърда Парвардигорнинг даргоҳига қайтиб кетгани ҳам эслаб ўтилган, демак, Парвардигорнинг Ўзининг илоҳий сайёраси мавжуд. Барча қувватларнинг манбаи бўлган ҳолда У бутун борлиққа сингиб кетган, айни пайтда худди коинотнинг бир жойида турган ҳолда, ўзининг нурлари билан унинг ҳамма жойини қамраб оладиган куёш сингари, У ҳеч қачон Голока Вриндаванни тарк этмайди.

Гарчи Парвардигорнинг Ўзи мангу яшайдиган даргоҳи бўлса ҳам, У ҳамма жойда мавжуд ҳисобланади. Имперсоналистлар Парвардигорнинг фақат ҳамма жойга сингиб кетган жихатини қабул қиладилар, лекин Парвардигорнинг Ўзи ҳаммиша Ўзининг илоҳий даргоҳида яшашини, шу даргоҳда У Ўзининг хилма-хил эрмаклари билан машғул эканини тушуна олмайдилар. Мазкур шеърда акхандитотсавам ибораси муҳим аҳамиятга эга. утсава ибораси “лаззат” деган маънони билдиради. Хурсандчилик қилиш ва ўзининг бахтиёрлигини намоён этиш мақсадида уюштирилдиган ҳар қандай байрам, шодиёна мана шу ибора билан ифодаланади. Утсава – ҳамма нарсани қамраб оладиган бахтиёрлик муҳити бўлиб, одамлар сингари арзимаган зотлар эмас, ҳатто маъбуд Браҳма ва бошқа фаришталар ҳам сажда қиладиган Парвардигорнинг даргоҳи Вайкунтха ҳаммиша ана шундай муҳитда бўладиган даргоҳ ҳисобланади.

Парвардигор бу дунёга Ўзининг даргоҳидан тушиб келади, шунинг учун Уни аватара, яъни “тушиб келган Зот” деб айтадилар. Баъзан, аватара ибораси тана ва қондан иборат бўлган моддий қиёфаларни ифодалайди деб ҳисоблайдилар,

лекин аслида, аватара ибораси олий даргоҳдан тушиб келган зотни билдиради. Парвардигорнинг даргоҳи моддий оламдан чексиз юқорида жойлашган, шунинг учун Парвардигор моддий оламга тушганида Уни аватара деб атайдилар.

Текст 32

Майтрея давом этди: Эй Видура, мен сенга қандай қилиб Худо Шахси, Парвардигор бу дунёга тўнғиз қиёфасида мужассам бўлиб келгани ва буюк жангда таърифлаб бўлмас қудратга эга бўлган иблисни, гўё иблис Унинг қўлидаги бир ўйинчоқдай, осонлик билан ўлдиргани ҳақида гапириб бердим. Мен сенга бу гапларни руҳий устоздан қандай эшитган бўлсам, шундайлигича гапириб бердим.

Изоҳ: Бу ерда Майтрея Парвардигор ўлдирган иблис Хираньякшаниннг ўлими билан боғлиқ воқеаларни у жуда аниқ гапириб берганини айтяпти; у ўздан бирор нарса ўйлаб топмаган ёки кўшмаган, у фақат руҳий устозидан эшитган гапларини қайтадан гапириб берган. Бу билан у парампара тизимини – илоҳий илми шогирдлар силсиласи орқали ўрганиш усулини тан оляпти. Агар бу гапларни аввал у ҳақиқий руҳий устоздан эшитмаган бўлса, ачарьянинг, яъни руҳий устознинг гапларининг ҳеч қандай кадр-қимматга эга бўлмайди.

Мазкур шеърда яна айтилганки, амалда чексиз қудратга эга бўлса ҳам, иблис Хираньякша Парвардигорнинг қўлида шунчаки бир ўйинчоқдай эди. Ёш бола ҳеч қийналмасдан ўйинчоқни синдириб ташлаши мумкин. Худди шундай, Парвардигор ҳам ҳатто моддий оламда яшайдиган оддий киши учун бу иблис жуда қудратли ва енгилмасдай бўлиб кўринса ҳам, ҳар қандай иблисни осонлик билан яқсон қилиши мумкин. Худди ёш бола ўзининг ўйинчоқларини синдириб ташлагани сингари, Парвардигор ҳам миллионлаб иблисларни осонлик билан яқсон қилишга қодир.

Текст 33

Шри Сута давом этди: Эй азиз браҳман, Олий Шахс Худонинг эрмаклари ҳақида ишонарли манбадан – донишманд Каушарава(Майтрея)дан тинглаган ҳикояси Парвардигорнинг буюк содиғи Қшатта(Видура)га илоҳий лаззат келтирди. Унинг гапларини тинглаб, у жуда мамнун бўлди.

Изоҳ: Парвардигор ҳақидаги ҳикояларни тинглашдан лаззат олишни истаган киши мазкур шеърда айтилганидай, уларни ишонарли мўътабар кишилар оғзидан тинглаши лозим. Майтрея уларни ҳақиқий руҳий устоз оғзидан тинглаган эди, ўз навбатида Видура ҳам уларни Майтреядан тингларди. Бошқаларга шунчаки руҳий устозининг гапларини аниқ етказиш билан инсоннинг ўзи ҳам ишонарли мўътабар зотга айланади, ва аксинча, ҳақиқий руҳий устози бўлмаган киши ишонарли мўътабар зот бўлолмайди. Бу ҳақда мазкур шеърда аниқ айтилган. Илоҳий лаззат олишни истаган киши ишонарли зотга мурожаат қилиши лозим. "Шримад Бҳагаватам"да ҳам айтилганки, ишонарли мўътабар зотларнинг гапларига чуқур имон билан қулоқ солган киши Парвардигорнинг эрмакларининг нектардай ширин таъмини ҳис қилади; бунинг бошқа йўли йўқ. Шунинг учун Санатана Госвами бизларни огоҳлантириб айтадики, Худо Шахси ҳақидаги ҳикояларни имонсиз одамлар оғзидан тинглаш жуда хатарли. Имонсиз одамларни баъзан илонларга

Ўхшатадилар: илон тотиб кўрган сут захарга айланади, худди шундай, Парвардигор ҳақидаги худди сутдай пок ҳикоялар ҳам, уларни илонга ўхшаган имонсиз одамлар гапирганида захарга айланади. Шунда улар инсониятга илоҳий лаззат эмас, балки катта зарар етказиши мумкин. Бизларни огоҳлантириш учун Парвардигор Чайтанья ҳам айтган эдики, бизлар Парвардигорнинг эрмаклари ҳақидаги ҳикояларни майявади ва имперсоналистлар оғзидан тингламаслигимиз лозим. У жуда аниқ қилиб шундай деган: майявади-бхашья шуниле хайа сарва наша – яъни, “Майявадиларнинг Парвардигорнинг эрмакларини қандай тушунтиришини, шунингдек уларнинг "Бҳагавад Гита" ва "Шримад Бҳагаватам" ёки бошқа ҳар қандай ведавий муқаддас китобларни қандай изоҳлашини тинглаган киши - ҳалокатга маҳкум инсондир”. Имперсоналистлар билан суҳбатдош бўлиб, у ўзини Парвардигорнинг шахсий жиҳатини ҳамда Унинг илоҳий эрмакларини англаб етиш имкониятидан маҳрум қилади.

Сута Госвами Шаунака Риши бошлиқ донишмандларга мурожаат қилиб тургани боис бу шеърда у донишмандларни двиджа, яъни икки бор туғилганлар деб атайди. Наймишараньяда Сута Госвамида "Шримад Бҳагаватам"ни тинглаш учун тўпанган донишмандларнинг ҳаммаси брахманлар эди, лекин шунчаки брахман бўлишнинг ўзи кифоя эмас. Икки бор туғилиш ҳали инсон руҳий баркамолликка эришди деган гап эмас. Руҳий баркамолликка эришиш учун Парвардигорнинг эрмаклари ва кароматлари ҳақидаги ҳикояларни ишонарли зотлар оғзидан тинглаш лозим.

#### Текст 34

Агар инсон ҳатто шон-шухрати ҳақиқатан ҳам сўнмас бўлган Парвардигорнинг содиқларининг кароматлари ҳақидаги ҳикояларни тинглаб ҳам илоҳий лаззат ҳис қила оладиган бўлса, кўкси Шриватса белгиси билан безанган Парвардигор ҳақида ҳикояларни тинглаш ҳақида нима дейиш мумкин?

Изоҳ: бҳагаватам ибораси “Парвардигорнинг ҳамда Худонинг содиқларининг эрмаклари” деганни англатади. "Шримад Бҳагаватам"да Парвардигор Шри Кришна ва Унинг буюк содиқлари ҳақидаги ҳикоялар тўпланган: Прахлада, Дхрува, Амбариша Махаражлар ва ҳоказо. Бу ҳикояларнинг ҳаммасида Олий Шахс Худо таърифланади, чунки Худонинг содиқларининг эрмаклари ҳамиша Парвардигор билан боғлиқ бўлади. Масалан, Пандузодаларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳикоя қиладиган "Маҳобҳорат" ҳам муқаддас китоблар қаторига киритилган, чунки Пандузодалар бевосита Олий Шахс Худо билан суҳбатдош бўлиб юрганлар.

#### Текст 35

Худо Шахси, Парвардигор тимсоҳнинг чангалига тушиб қолиб, ақлини Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойида жамлаган филлар шохини ҳалокатдан қутқариб олди. Филга ҳамроҳ бўлган урғочи филлар бу ҳалокатдан изтироб чекиб йиғлардилар, аммо Парвардигор уларни бу мусибатдан халос этди.

Изоҳ: Бу ерда бошига мусибат тушиб қолган ва Парвардигор қутқариб олган фил бекорга мисол кетирилмаган. Сута Госвами бу билан таъкидлаб айтмоқчи

бўляптики, агар Худога садоқат билан хизмат қила бошласа, ҳатто хайвон ҳам Худо Шахсига яқинлаша олади, аммо агар Худонинг содиқ хизматкори бўлмаса, ҳатто фаришта ҳам Худо Шахсига яқинлаша олмайди.

#### Текст 36

Қайси бир олижаноб зот муҳаббат ва садоқат билан Худо Шахсидай буюк хўжайинга хизмат қилишдан бош тортади? Фақат Унинг паноҳидан ўзларига нажот излаб юрган асл содиқлар Парвардигорни осонлик билан мамнун қила оладилар, аммо гуноҳкор одамлар Худонинг марҳаматига эришиш имкониятидан маҳрум.

Изоҳ: Ҳар бир тирик мавжудот, айниқса у инсон танасида туғилган бўлса, унга ато этиб қўйган барча ноз-неъматлари учун Парвардигордан чексиз миннатдор бўлишлари лозим. Шунинг учун қалби пок ва миннатдорчилик ҳис қила олишга қодир бўлган ҳар бир инсон Кришна онги билан яшашга ҳаракат қилиши ва Худога муҳаббат ва садоқат билан хизмат қилиши лозим. Фақат ашаддий ўғри ва фирибгар одамлар уларга Парвардигор ато этиб қўйган неъматларни муносиб кадрламайдилар ва Худога садоқат билан хизмат қилишни истамайдилар. Нимага у Парвардигордан миннатдор бўлиши кераклигини тушунмайдиган киши – шунчаки яхшилик нималигини билмайдиган кўрнамақдир. У ҳеч ўйламасдан қуёш ва ой нуридан фойдаланади, Парвардигордан текинга сув олади, лекин қалбида заррача бўлса ҳам миннатдорчилик туйғусини ҳис қилмасдан Худонинг бериб қўйган неъматларидан лаззатланишда давом этаверади. Шунинг учун ана шундай одамларни ашаддий ўғри ва фирибгардан бошқа ном билан атаб бўлмайди.

#### Текст 37

Эй брахманлар, Парвардигор оламни ҳалокатдан қутқариш учун қандай қилиб тўнғиз киёфасида мужассам бўлгани ва иблис Хираньякшани ўлдиргани ҳақидаги ғаройиб ҳикояни диққат билан тинглаган ёки бошқаларга гапириб берган ҳар қандай инсон, ҳатто у брахманни ўлдиришдай оғир гуноҳ қилган бўлса ҳам, шу заҳотиёқ ўзининг барча гуноҳларидан покланади.

Изоҳ: Худо Шахси, Парвардигор мутлақ Зот бўлгани боис, Унинг эрмаклари ва Унинг Ўзи орасида ҳеч қандай фарқ йўқ. Парвардигорнинг эрмаклари ҳақидаги ҳикояларни тинглаётган ҳар бир инсон Унинг Ўзи билан суҳбатлашаётган бўлади, Парвардигор билан бўлган ана шундай суҳбатлар инсонни барча гуноҳлардан поклайди; ундай инсон ҳатто моддий оламда энг оғир гуноҳ ҳисобланган брахманни ўлдириш гуноҳидан ҳам покланади. Биз ишонарли манба бўлган Парвардигорнинг асл содиғи оғзидан Худо Шахсининг кароматлари ҳақидаги ҳикояларни тинглаш истаги билан ёниб яшашимиз лозим. Парвардигорнинг улуғворлигини тан оладиган, Парвардигор ҳақидаги ҳикояларни тинглашга самимий интиладиган ҳар бир инсон уларнинг мазмунини тушуна олади. аммо имперсоналист-файласуфлар Парвардигорнинг илоҳий кароматларининг мазмунини тушуна олмайдилар. Улар Парвардигорнинг барча эрмакларини майя деб биладилар, шу боис уларни майявади деб атайдилар. Уларнинг фикрига кўра, ҳамма нарса майя, шунинг учун Парвардигор ҳақидаги ҳикоялар улар учун эмас.

Баъзи бир имперсоналистлар "Шримад Бхагаватам"ни умуман тан олмайдилар, лекин, кейинги пайтларда уларнинг орасида "Шримад Бхагаватам" орқали пул ишлаш мумкинлигини билиб олган баъзи бирлари "Шримад Бхагаватам" билан кизиқа бошладилар. Лекин аслида уларнинг ўзлари "Шримад Бхагаватам"да ёзилган гапларга ишонмайдилар. Бунинг устига улар Парвардигорнинг эрмакларини ўзларича ҳикоя қиладилар ва Унинг кароматларини ўзларича талқин қиладилар. Шунинг учун бизлар майявадиларнинг изоҳларини тингламаслигимиз лозим. Бизлар Парвардигорнинг эрмаклари қандай бўлса шундайлигича ҳикоя қилиб берадиган Сута Госвами ва Майтреяни тинглашимиз лозим, фақат шунда биз Парвардигорнинг эрмакларининг нектардай ширин таъмини ҳис қила оламиз; акс ҳолда Парвардигорнинг эрмаклари ҳақидаги шу ҳикояларнинг ўзи содда тингловчилар учун заҳарга ўхшаган бўлади.

#### Текст 38

Бу муқаддас ҳикоя уни тингловчилар қалбида эзгулик туйғусини уйғотади, уларга бойлик, шон-шухрат, узоқ умр ато этади ва барча истакларини рўёбга чиқаради. Жанг майдонидаги жангчининг барча аъзоларига ва танасининг ҳаёт учун муҳим қисмларига куч бағишлайди. Эй Шаунака, бу ҳикояни умрининг охирида тинглаган киши Парвардигорнинг олий даргоҳига эришади.

Изоҳ: Худонинг содиқлари одатда Парвардигорнинг эрмаклари ҳақидаги ҳикояларни тинглашни ёқтирадилар, ҳатто улар қаттиқ риёзатларга берилмасалар, муруқба билан шуғалланмасалар ҳам, Парвардигорнинг эрмаклари ҳақидаги ҳикояларни диққат билан тинглашнинг ўзиёқ уларга чексиз бахт келтиради – бойлик, шон-шухрат, узоқ умр ҳамда уларнинг барча истаклари амалга ошади. Ҳамиша мунтазам равишда Парвардигорнинг эрмаклари ҳақидаги ҳикоялар тўпланган "Шримад Бхагаватам"ни тинглаб юрган киши умрининг охирида Парвардигорнинг мангу илоҳий даргоҳига эришади. Шундай қилиб, "Шримад Бхагаватам"даги ҳикояларни тинглаб юриш инсоннинг бу ҳаётида унга бахт келтиради, кейинги ҳаётида эса энг олий бахтга эриштиради. Худога садоқат билан хизмат қилишдан келадиган улугвор бахт ана шундай. Худога садоқат билан хизмат қилиш шундан бошланадики, инсон ҳар куни ишонарли мўътабар зот оғзидан "Шримад Бхагаватам"ни тинглаш учун алоҳида вақт ажрата бошлайди. Парвардигор Чайтаня Махапрабху ҳам Худога садоқат билан хизмат қилишнинг беш асосий тури ҳақида айтган эди: Худонинг содиқларига хизмат қилиш, Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилиш, "Шримад Бхагаватам"ни тинглаш, эҳромда Илоҳга сиғиниш, бирор муқаддас зиёратгоҳда яшаш. Рухий фаолиятнинг ана шу беш тури билан шуғулланиб, инсон моддий ҳаётнинг барча мусибатларидан бутунлай халос бўла олади.

"Шримад Бхагаватам"нинг Учинчи Қўшиқ "Иблис Хираньякшанинг ўлими" деб аталадиган ўн тўққизинчи бобига Бхактиведантанинг изоҳлари шундай яқунланади.

## Йигирманчи боб

## Майтрея билан Видуранинг суҳбати

Шри Шаунака деди: Эй Сута Госвами, Ер сайёраси ўзининг орбитасидан жой олгандан кейин авлодларига руҳий озодликка чиқиш йўлини кўрстиш учун Сваямбхува Ману нима ишлар қилди?

Изоҳ: Парвардигор биринчи марта тўнғиз қиёфасида мужассам бўлганида бу дунёга Сваямбхува Ману даврида келган эди, биз ҳозир Вайвасвата Ману даврида яшаймиз. Ҳар бир Манунинг даври етмиш бир калпа давом этади, бир калпа 4.320.000 кўш йилига тенг. Шундай қилиб, ҳар бир Ману 4.320.000x71 йил давомида оламга бир ҳукмронлик қилади. Ҳар бир Манунинг ҳукмронлик даврида оламда жуда кўп ўзгаришлар рўй беради. Маъбуд Браҳманинг бир куни давомида ўн тўрт ману келиб кетади. Мазкур шеърда Ману(Одам ато)нинг моддий оламга лаззатланиш ниятида келган шартланган руҳларнинг моддий ҳаёт асирлигидан қутулишига ёрдам берадиган муқаддас қонунлар яратиши назарда тутиляпти. Парвардигор шунчалик меҳрибонки, моддий оламда лаззатланишни истаган ҳар бир тирик мавжудот учун У лаззатланиш учун барча имкониятларни яратиб беради ва айни пайтда руҳий озодликка чиқиш йўлини ҳам кўрсатиб қўяди. Шунинг учун Шаунака Риши Сута Госвамидан: "Ер сайёраси ўз орбитасидан жой олгандан кейин Сваямбхува Ману нима қилди?" деб сўради.

#### Текст 2

Кейин Шаунака Риши Парвардигор Шри Кришнанинг буюк содиғи ва дўсти, акаси ўз ўғиллари билан биргаликда Худонинг хоҳишининг амалга ошишига халақит берадиган режалар тузиб юргани сабабли унинг уйини ташлаб кетган Видура ҳақида сўради.

Изоҳ: Бу ерда Видура акаси Дхритараштранинг уйини тарк этиб, муқаддас саждагоҳларни зиёрат қилиш учун йўлга чиққани ва Хардварда Майтрея Риши билан учрашгани ҳақида гап боради. Шаунака Риши Сута Госвамидан Майтрея Риши билан Видура нималар ҳақида суҳбатлашганини сўраяпти. Видура шунчаки Парвардигорнинг дўсти бўлиб қолмасдан Унинг буюк содиқ хизматкори ҳам эди. Парвардигор Шри Кришна амакиваччалар орасидаги жанжалларга чек қўйиб, уларни яраштиришга ҳаракат қилганида улар Унинг гапларига қулоқ солмадилар, шунинг учун Кшатта(Видура) улардан норози бўлиб, саройни тарк этишга қарор қилди. Парвардигорнинг содиқ хизматкори бўлган Видура ўзининг бу ҳатти-ҳаракати билан кўрсатдики, Кришнани ҳурмат қилмайдиган имонсиз кишилар яшайдиган жой имонли содиқлар яшаши учун яроқсиз ҳисобланади. Худонинг содиқлари ўзларини ҳақорат қилишларига эътибор бермасликлари мумкин, лекин у ҳеч қачон Парвардигорни ёки Унинг содиқ хизматкорларини ҳақорат қилишларига чидаб турмаслиги керак. Мазкур шеърда ишлатилган агхаван иборасига алоҳида эътибор бериш керак, бу ибора Кауравлар, яъни Дхритараштранинг ўғиллари Кришнанинг амрига бўйсунмагани учун жангда мағлубиятга учраганини кўрсатади.

#### Текст 3

Ведавьясаннинг танасидан дунёга келган Видура ҳам ўзининг отаси сингари буюк зот эди, шунинг учун у Кришнанинг нилуфар қадамлари пойидан паноҳ топиб, бутун қалби билан Унга қаттиқ боғланган ва Унинг содиқларини хурмат қилар эди.

Изоҳ: Видуранинг онаси *шудрани*, уни дунёга келтирган отаси эса Вьясадева эди, шунинг учун Видура бирор жиҳатдан Вьясадевадан қолишмасди. Парвардигор Нараянанинг мужассам бўлган қиёфаси ҳисобланадиган ва Ведавий муқаддас китобларни яратган буюк отасидан туғилган Видура ҳам буюк шахс эди. У Парвардигор Шри Кришнага сиғинар ва Унинг кўрсатмаларига самимий риоя қилиб яшарди.

#### Текст 4

Муқаддас саждагоҳларни айланиб чиқиб, Видура эҳтирос гунаси таъсиридан бутунлай халос бўлди. Ниҳоят у Хардварга етиб келди. Шу ерда Видура руҳий илмнинг барча сирларини биладиган буюк донишмандни учратди ва унга ўзининг саволларини берди. Шунинг учун Шаунака Риши: “Видура Майтреяга яна қандай саволлар берди?” деб сўраётган эди.

Изоҳ: Бу ерда ишлатилган вираджас тиртха-севайа ибораси муқаддас саждагоҳларни зиёрат қилиб чиқиб, моддий иллатлардан бутунлай покланган Видурани билдиради. Ҳиндистонда юзлаб муқаддас жойлар мавжуд, уларнинг ичида энг асосийлари Праяг, Хардвар, Вриндаван ва Рамешварам ҳисобланади. Видура ҳамшиша бетиним сиёсий машмашалар бўлиб турадиган саройни тарк этиб, покланишга қарор қилди ва борган киши шу заҳотиёқ моддий иллатлардан покланадиган тарзда жойлашган муқаддас саждагоҳларни зиёрат қилишга йўл олди. Гуноҳлардан поклаш хусусияти айниқса Вриндаванда жуда кучли; ҳатто у ерга борган гуноҳкор одам ҳам бутунлай руҳий ҳаёт ҳукм сураётган муҳитга тушиб қолиб, ўзи ҳам билмаган ҳолда Радха ва Кришнанинг муқаддас номларини зикр қила бошлайди. Биз буни ўз кўзимиз билан кўрганмиз ва бунга шахсий ҳаёт тажрибамизда ишонч ҳосил қилганмиз. Шастраларда оилавий ташвишларни тарк этиб, ванапрастха турмуш тарзига ўтган кишига моддий иллатлардан покланиш учун муқаддас саждагоҳларни зиёрат қилиш тавсия қилинган. Видура ҳам зиёрат қилиш бурчини адо этиб, ниҳоят Майтрея яшайдиган Кушаварти, яъни Хардварга етиб келди.

Шуни эсда тутиш лозимки, муқаддас жойларни фақат у ерда сувда чўмилиш учун эмас, балки Майтрея сингари донишманд кишиларни топиш ва улардан насиҳат олиш учун зиёрат қилиш лозим. Муқаддас саждагоҳга бориб шундай қилмаган киши шунчаки вақтини бекорга кетказган бўлади. Вайшнавларнинг буюк ачарьяси Наротгама дас Тхакур бизга муқаддас зиёратгоҳларни зиёрат қилишни умуман таъқиқлаб қўйган, чунки ҳозир замон ўзгариб кетган, муқаддас жойларда яшаётган кишиларнинг ҳатти-ҳаракатларини кузатиб туриб, самимий одамлар муқаддас зиёратгоҳлар ҳақида нотўғри тасаввурга эга бўлишлари мумкин. Наротгама дас Тхакур айтадики, инсон муқаддас саждагоҳларни зиёрат қилишга вақтини сарфлагандан кўра ақлини Говиндада жамлагани маъқул. Албатта, фақат руҳий юксалишда руҳий

баркамолликка эришган кишилар ҳар қандай жойда ҳам ақлини Говиндада жамлаб, Кришна ҳақида ўйлаб юра олади; оддий одамлар бунга кодир эмаслар. Шунинг учун оддий инсонлар Праяг, Матхура, Вриндаван ва Хардвар сингари муқаддас жойларга зиёратга бориб ўзлари учун маълум даражада руҳий манфаат олишлари мумкин.

Мазкур шеърда Парвардигор ҳақидаги илмга эга бўлган кишини топиш маслаҳат берилган. Санскрит тилида шундай киши таттва-вит деб аталади. Таттва-вит дегани “Мутлақ Ҳақиқатни англаб етган зот” деганни билдиради. Ҳатто муқаддас саждагоҳларда ҳам сохта илоҳиёт одамларини учратиш мумкин. Улар ҳамма жойда мавжуд, шу боис, бизга ҳақиқатан ҳам яхши насиҳат бера оладиган зотни топа олиш учун ҳар бир инсоннинг ўзи етарлича ақл-идроқка эга бўлиши лозим; фақат шундагина биз зиёратимиз муваффақиятли бўлди деб ҳисоблашимиз мумкин. Зиёрат қилишдан мақсад – моддий иллатлардан покланиш ва айна пайтда Кришна ҳақида илмни биладиган кишини топиш. Самимий интилаётган кишига Кришнанинг Ўзи ёрдам беради; “Чайтанья-чаритамрита”да айтилганидек, гуру-кришна-прасаде: инсон фақат руҳий устознинг ва Парвардигор Шри Кришнанинг марҳамати билан руҳий озодликка олиб борадиган йўлга, Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлига чиқади. Руҳий озодликка чиқишга самимий интилаётган кишига, унинг қалбида мавжуд бўлган Кришна ҳақиқий руҳий устознинг олдига олиб борадиган ақл-идроқ беради. Майтрея сингари руҳий устознинг марҳамати билан инсон зарур бўлган кўрсатмалар олади ва вақти келиб руҳий баркамолликка эришади.

#### Текст 5

Шаунака Сута Госвамидан Видура билан Майтреянинг суҳбати қандай ўтгани ҳақида сўради: Видура Майтреядан Парвардигорнинг бенуксон кароматлари ҳақида жуда кўп ҳикоялар тинглаган бўлиши керак. Ана шундай ҳикояларни тинглаш – муқаддас Ганга сувларида ювиниб покланиш билан баробар, чунки улар инсонни барча гуноҳлардан поклайди.

Изоҳ: Ганганинг сувлари пок, чунки Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойидан оқиб тушади. “Бҳагавад Гита” ҳам Ганга сувлари сингари пок, чунки у Парвардигорнинг оғзидан чиққан. Парвардигорнинг эрмаклари ёки Унинг илоҳий кароматлари ҳақидаги ҳикоялар ҳақида ҳам шундай деб айтиш мумкин. Парвардигор мутлақ табиатга эга, шу боис Унинг нутқи, Унинг танаси, Унинг эрмаклари орасида ҳеч қандай фарқ йўқ. Ганга сувлари, Парвардигорнинг эрмаклари ҳақидаги ҳикоялар, Унинг Ўзи айтган гаплар ҳаммаси мутлақ поғонада туради, шунинг учун уларнинг ҳаммаси бирдай шарофатлидир. Шрила Рупа Госвами кўрсатган қоидага кўра Кришна билан боғлиқ бўлган нарсаларнинг ҳаммаси илоҳий табиатга эга. Агар бизлар ўзларимизнинг ҳамма ишларимизни Кришна билан боғлай олсак, биз моддий оламда яшашни тарк этган ва ҳамшиша руҳий оламда юрган бўламиз.

#### Текст 6

Эй Сута Госвами, сенга омад ёр бўлсин! Илтимос, бизларга Парвардигорнинг олижаноб ва шарофатли кароматлари ҳақида гапириб бер. Қайси бир содиқ Парвардигорнинг эрмаклари ҳақидаги ҳикояларни тинглашдан тўйиши мумкин?

Изоҳ: Худонинг содиқлари Парвардигорнинг илоҳий табиатга эга бўлган эрмаклари ҳақидаги ҳикояларни ҳаяжон билан тинглаши лозим. Ҳақиқатан ҳам илоҳий поғонага кўтарилган киши ҳеч қачон Парвардигор ҳақидаги ҳикоялардан тўймайди. "Бҳагавад Гита"ни ўқир экан, ўзини англаб етган жон ҳеч қачон унга тўймайди. "Бҳагавад Гита" ва "Шримад Бҳагаватам"ни такрор ва такрор ўқийвериб, содиқ хизматкор ҳар гал улардан янгидан-янги маънолар топади ва ҳамиша бу илоҳий асарларни ўрганишдан чуқур илоҳий лаззат олади.

#### Текст 7

Наймишараньяда тўпланган барча буюк донишмандларнинг илтимосини тинглаб туриб, Ромахаршананинг ўғли, фикру-хаёли ҳамиша Парвардигорнинг илоҳий эрмаклари билан банд бўлган Сута Госвами шундай деди: Мен гапириб берадиган ҳикояларга қулоқ солинглар.

#### Текст 8

Сута Госвами давом этди: Бхарат авлоди Видура Парвардигор Ўзининг илоҳий қуввати ёрдамида тўнғиз қиёфасида мужассам бўлган ва эрмак учун Ер сайёрасини Гарбходака уммони қаъридан олиб чиққани, кейин иблис Хираньякшани худди ўйнагандек осонлик билан ўлдиргани ҳақидаги ҳикояни тинглаб ҳаяжонга тушди. Бу ҳикояни тинглаб бўлиб, Видура донишмандга шундай савол билан мурожаат қилди.

Изоҳ: Бу ерда Парвардигор Ўзининг қуввати ёрдамида тўнғиз қиёфасига киргани айтилган. Парвардигорнинг танаси оддий шартланган руҳларнинг танасидан фарқ қилади. Шартланган руҳлар моддий табиат қонунлари ҳукмига бўйсуниб, маълум бир танада мужассам бўлишга мажбур, лекин мазкур шеърда аниқ айтилганки, Парвардигор қандайдир ташқи кучлар таъсири остида мажбур бўлганидан тўнғиз қиёфасида мужассам бўлган эмас. Буни "Бҳагавад Гита" ҳам тасдиқлайди, унда айтилганки, ерга тушар экан, Парвардигор Ўзининг ички қуввати ёрдамида у ёки бу қиёфада мужассам бўлади. Шундай қилиб, Парвардигорнинг танаси билан моддий қувват орасида ҳеч қандай умумийлик йўқ. Шахсиятсиз Брахман қандайдир қиёфага кирар экан, шу танани У майядан олади деб ҳисоблайдиган майявадиларнинг ғояси ҳеч қандай асосга эга эмас, чунки майя Олий Шахс Худога нисбатан бўйсунган ҳолатда. Шартланган руҳлар майянинг ҳукми остида, аммо майянинг ўзи Парвардигорнинг ҳукми остида, бу "Бҳагавад Гита"да ҳам тасдиқланган. Майя Парвардигорнинг назорати остида ҳаракат қилади ва у Парвардигорни енгишга қодир эмас. Майявадиларнинг тирик мавжудот вақтинча майя таъсири остига тушиб қолган Олий Мутлақ Ҳақиқатдир деган тасаввури мутлақо асоссиз, чунки майя Парвардигор қоплаб олишга қодир қудратга эга эмас. Майя Олий Брахманнинг заррачаларини қоплаб олиши мумкин, лекин Унинг Ўзини қоплаб ололмайди.

#### Текст 9

Видура деди: Эй табаррук авлиё зот, бизлар билмаган нарсалар сенга аён бўлгани учун бизга маъбуд Брахма қандай қилиб тирик мавжудотларнинг бобокалонлари Праджапатиларни яратгани ҳақида гапириб бер.

Изоҳ: Мазкур шеърдаги “бизнинг сезиш чегарамиздан ташқаридаги нарсаларни биладиган зот” деган маънони билдирадиган авйакта-марга-вит ибораси алоҳида муҳим аҳамиятга эга. Бизнинг билиш доирамиздан ташқаридаги нарсалар ҳақида илм олиш учун шогирдлар силсиласида турган ишонарли руҳий устозга мурожаат қилиш лозим. Биз ўзимиз ҳатто отамиз ким эканини ҳам аниқлай олмаимиз. Бунинг учун биз бу соҳада ишонарли мўътабар зот бўлган онамизга мурожаат қилишимиз лозим. Худди шундай, бизнинг билиш чегарамиздан ташқарида бўлган ҳамма нарсани фақат ишонарли зотдан – ҳақиқий илмга эга бўлган зотдан билиб олиш мумкин. Шогирдлар силсиласида турган биринчи авйакта-марга-вит, яъни ишонарли манба – Брахма, ундан кейин Нарада. Майтрея Риши ҳам ана шу шогирдлар силсиласига мансуб, шунинг учун Видура уни ҳам авйакта-марга-вит деб айтган. Ишонарли шогирдлар силсиласига мансуб бўлган ҳар бир киши оддий одамлар била олмайдиган нарсаларни билади, шунинг учун авйакта-марга-вит деб аталади.

#### Текст 10

Видура сўради: Қандай қилиб Праджапатилар маъбуд Брахманинг кўрсатмасига амал қилиб тирик мавжудотларни яратдилар ва улар билан намоён бўлган коинотни тўлдирдилар.

#### Текст 11

Уларнинг бу ишни хотинлари билан биргаликда амалга оширгани ростми ёки улар ўзлари мустақил ҳаракат қилдиларми? Балки барча праджапатилар биргалашиб авлод қолдиргандирлар?

#### Текст 12

Майтрея деди: Тирик мавжудотларнинг намоён бўлмаган фаолияти, Маха-Вишну ва замон(вақт) кучи биргаликда моддий табиатнинг уч гунаси бирикмасини мувозанатдан чиқарганида моддий унсурлар бирикмаси(махат-таттва) пайдо бўлди.

Изоҳ: Мазкур шеърда моддий олам яралишининг сабаби аниқ кўрсатилган. Моддий олам яралишининг бошланғич сабаби дайва, яъни шартланган руҳларнинг тақдиридир. Моддий олам моддий табиат устидан алдамчи ҳукмронликка эришишни истаётган ва ҳиссий лаззатларга интилаётган шартланган руҳлар учун яратилади. Тирик мавжудотда биринчи марта қачон моддий табиатга ҳукмронлик қилиш истаги пайдо бўлганини аниқлаш қийин, лекин барча ведавий муқаддас китобларда айтилганки, моддий оламни яратишдан мақсад – шартланган руҳларга ўз ҳиссиётини лаззатлантириш имконини беришдан иборат. Шартланган руҳнинг ҳиссий лаззатининг моҳияти бир ажойиб шеърда таърифланган. Унда айтилганки, тирик мавжудот ўзининг асосий бурчи Худога хизмат қилиш эканини унутган

захоти у майя деб аталадиган ҳиссий лаззатланиш муҳитини яратади; моддий олам яралишининг бошланғич сабаби мана шу ҳисобланади.

Бу шеърда бурвитарқийена ибораси ишлатилган. Қачон ва қандай қилиб тирик мавжудотда ўз хиссиётини лаззатлантириш истаги пайдо бўлганини ҳеч ким аниқлай олмайди, лекин ана шу истак моддий олам яралишининг бошланғич сабаби бўлди. Моддий табиатнинг ягона вазифаси – шартланган руҳга ўзининг сезгиларини лаззатлантириш имконини бериш, Парвардигор шунинг учун моддий оламни яратади. Бу ерда айтилганки. Олам яралиши олдидан Худо Шахси, Парвардигор моддий табиатни, яъни пракритини ҳаракатга келтиради. Муқаддас китобларда уч Вишну ҳақида маълумот берилган: Маха-Вишну, Гарбходакашайи Вишну, Кширодакашайи Вишну. Бу уч Вишну "Шримад Бхагаватам"нинг биринчи Қўшиғида таърифланган, мазкур шеър ҳам тасдиқлаптики, моддий олам яралишининг сабабчиси Вишну. "Бхагавад Гита"дан ҳам биламизки, пракрити Парвардигор Шри Кришна яъни Вишнунинг назорати остида ҳаракат қила бошлайди ва фаолият кўрсатади, лекин бунда Парвардигорнинг Ўзи ўзгармай қолаверади. Моддий олам Олий Шахс Худодан чиққани учун Парвардигорнинг Ўзи моддий оламга айланади деган нотўғри тасаввурга борадиган одамлар ҳам бор. Аслида Парвардигор Ўзининг шахсий қиёфасида ҳамиша мавжуд, моддий оламни эса Унинг англаб бўлмас қуввати яратади. Ана шу қувватнинг қандай ҳаракат қилишини тушуниш жуда қийин, лекин ведавий асарлардан тушуниб олиш мумкинки, шартланган руҳ ўз тақдирини ўзи яратади, Параматма шаклида ҳамиша тирик мавжудотга ҳамроҳ бўлиб юрадиган Олий Шахс Худонинг назорати остида бўлган табиат эса, унга маълум шаклдаги тана беради.

#### Текст 13

Тирик мавжудотларнинг тақдири ҳаракатга келтирган, раджас устивор бўлган махат-таттва уч турли кўринишда мавжуд бўлган сохта ўзликни яратди. Ўз навбатида эгодан ҳар бири беш унсурдан таркиб топган бир неча гуруҳ юзага келди.

Изоҳ: Бошланғич модда яъни пракрити, уч гунадан таркиб топган моддий табиат ҳар бири беш унсурдан таркиб топган тўрт гуруҳни юзага келтиради. Биринчи гуруҳга беш унсур: ер, сув, олов, ҳаво ва эфир киради. тан-матра деб аталадиган иккинчи гуруҳ нафис унсурлардан(сезиладиган нарсалардан) иборат: товуш, шакл, таъм, ҳид ва тегиш. Учинчи гуруҳ беш турли билиш(сезиш) органидан таркиб топган: кўзлар, қулоқлар, бурун, тил ва тери. Тўртинчи гуруҳ бешта ҳаракат қилиш органидан таркиб топган: нутқ, қўллар, оёқлар, анус ва жинсий органлар. Баъзида ҳар бири беш таркибий қисмдан иборат беш гуруҳ бор деб айтадилар. Биринчи гуруҳ беш сезиладиган нарсалардан иборат, иккинчи гуруҳ – беш моддий унсур, учинчи гуруҳ – беш билиш органи, тўртинчи гуруҳ – беш ҳаракатланиш органи, бешинчи гуруҳ – ана шу гуруҳларни бошқарадиган беш илоҳдан иборат.

#### Текст 14

Ҳар бир унсур алоҳида ўзи моддий оламни яратишга қодир бўлмагани сабабли улар Парвардигорнинг қуввати ёрдамида бирлашдилар ва тухум шаклидаги ярқираган танани дунёга келтирдилар.

#### Текст 15

Ана шу ярқираган тухум ҳеч қандай ҳаёт аломатларини намоён этмасдан минг йилдан кўпроқ вақт Сабаблар уммонида ётди. Кейин Парвардигор Гарбходакашайи қиёфасида унинг ичига кирди.

Изоҳ: бундан кўриниб турибдики, барча коинотлар Сабаблар уммонида сузиб юрадилар.

#### Текст 16.

Парвардигор Гарбходакашайи Вишнунинг киндигидан худди минглаган қуёшдай порлаб нур таратиб турган нилуфар гули ўсиб чиқди. Ана шу нилуфар гулида барча шартланган руҳлар жойлашган эди, ундан дунёга келган биринчи тирик мавжудот ҳар нарсага қодир бўлган қудратли маъбуд Браҳма бўлди.

Изоҳ: Мазкур шеърдан кўриниб турибдики, олам яқсон бўлгандан кейин Худо Шахсининг танасида жойлашадиган шартланган руҳлар, бутун олам нилуфар гули таркибида дунёга келар экан. Ана шу нилуфар гули хираньягарбха деб аталади. Ундан чиққан биринчи тирик мавжудот намоён бўлган коинотни яратиш ишларини ниҳоясига етказиш қобилияти ато этилган маъбуд Браҳма бўлди. Бу ерда айтилганки, коинот нилуфар гули минг қуёш сингари порлаб нур таратиб туради. Бу шундан далолат берадики, тирик мавжудотлар Парвардигорнинг заррачалари бўлган ҳолда сифат жиҳатидан У билан бир хил, чунки Парвардигорнинг танасидан ҳам брахмажйоти деб аталадиган нур таралиб туради. Мазкур шеър "Бхагавад Гита" ва бошқа муқаддас китобларда келтирилган Вайкунтхалоканинг таърифлари тўғри эканини тасдиқлайди. Вайкунтхада, руҳий оламда қуёш, ой ёки электр нурига ҳожат йўқ. Руҳий оламдаги ҳар бир сайёра худди қуёшдай ўзидан нур таратиб туради.

#### Текст 17

Олий Шахс Худо, Гарбходака сувларида ястаниб ётган Парвардигор Браҳманинг қалбига кириб унга ақл-идрок берди, шундан кейин маъбуд Браҳма коинот аввал қандай бўлса шундай қилиб яратишни бошлади.

Изоҳ: Маълум бир вақтда Худо Шахси, Карана уммони сувларида ястаниб ётган Каранадокашайи Вишнунинг нафасидан минг-минглаб коинотлар пайдо бўлади, кейин Парвардигор Гарбходакашайи Вишну қиёфасида уларнинг ҳар бири ичига киради ва коинотнинг ярмини Ўзининг тери билан тўлдиради. Коинотнинг иккинчи ярми бўш қолади, коинотнинг ана шу ярми космик фазо, осмон деб аталади. Кейин Парвардигорнинг киндигидан нилуфар гули ўсиб чиқади, унда коинотдаги биринчи тирик мавжудот Браҳма дунёга келади. Шундан кейин Парвардигор Кширодакашайи Вишну қиёфасида ҳар бир тирик мавжудотнинг, шу жумладан маъбуд Браҳманинг қалбига ҳам киради. Буни "Бхагавад Гита"нинг ўн бешинчи бобидаги шеър ҳам тасдиқлайди, унда Парвардигор: “Мен ҳар бир тирик мавжудот қалбида мавжудман, хотира ва унутиш Мендан чиқади” – дейди. Тирик мавжудотларнинг барча ҳатти-ҳаракати ва амалларининг гувоҳи сифатида

Парвардигор, тирик мавжудотлар ўзларининг аввалги даврдаги охириги туғилишидан қолган истакларини амалга ошира олишлари учун уларнинг ҳар бирига хотира ва тафаккур ато этади. Ана шу тафаккур тирик мавжудотда унинг олган танасига мос равишда, яъни карма қонуни бўйича намоён бўлади.

Маъбуд Браҳма коинотдаги биринчи тирик мавжудот эди, Парвардигор унга эҳтирос гунасини бошқаришни топширди. Бунинг учун Парвардигор маъбуд Браҳмага шу қадар чуқур ва қудратли тафаккур ато этдики, натижада маъбуд Браҳма эркин, Олий Шахс Худонинг ҳукмидан деярли мустақил бўлди. Фирманинг директори ҳам деярли фирманинг эгаси сингари мустақил ва эркин бўлади. Шунга ўхшаб, маъбуд Браҳма бу ерда мустақил деб аталган, чунки Парвардигорнинг коинотни бошқариш топширилган вакили сифатида у деярли Олий Шахс Худоник сингари мустақиллик ва қудратга эга. Маъбуд Браҳманинг қалбида Олий Рух сифатида мавжуд бўлиб, Парвардигор унга коинотни яратиш учун зарур бўлган тафаккур ато этади. Шундай қилиб, ҳар бир тирик мавжудотдаги ижодий, яратиш қобилияти аслида унинг ўзиники эмас; тирик мавжудотга яратиш қобилиятини Парвардигор ато этади. Моддий оламда кўплаб олимлар ва жуда қудратли яратиш қобилиятига эга бўлган кишилар мавжуд, лекин уларнинг ҳаммаси фақат Парвардигорнинг раҳбарлиги остида яратадилар ва ҳаракат қиладилар. Парвардигорнинг ёрдами билан олим кўплаб ажойиб кашфиётлар қилиши мумкин, лекин унинг тафаккури унга моддий табиатнинг бешафқат қонунларини енгишда ёрдам бера олмайди, Парвардигор ҳам, Ўзининг ҳокимлигини ҳар хил таҳдидлардан ҳимоя қилиш учун унга бунинг учун зарур бўлган тафаккур ато этмайди. Бу ерда айтилганки, маъбуд Браҳма коинотни аввал у қандай бўлса, шундай яратган, яъни у яратган нарсаларнинг ҳаммаси коинотнинг аввал мавжуд бўлган давридаги номларига ва хусусиятларига, қиёфаларига эга бўлган.

#### Текст 18

Браҳма коинотни яратишни бошлаб, ўзининг соясидан шартланган руҳларнинг ҳар бирини қоплаб оладиган ғофиллик пардасини яратди. Ана шундай пардалар бешта: тамисра, андха-тамисра, тамас, моха ва маха-моха.

Изоҳ: Шартланган руҳлар, яъни моддий оламга лаззатланиш учун келадиган тирик мавжудотлар аввалига беш парда билан ўраладилар. Биринчи парда тамисра – ғазаб пардаси. Ҳар бир тирик мавжудот табиатан маълум даражада мустақилликка эга, лекин, уни суистеъмол қилиб, тирик мавжудот Парвардигор билан тенг лаззатлана оламан деб ҳисоблай бошлайди ёки: “Мен ҳам худди Парвардигордай, мустақил ҳолда лаззатлансам бўлмайдими?” - деб ўйлайди. Тирик мавжудот ўзининг асосий вазифаси нимадан иборат эканини унутишининг сабаби ғазаб ёки ҳасад ҳисобланади. Тирик мавжудот ўзининг асл табиатига кўра Парвардигорнинг ажралмас заррачаси ва Унинг мангу хизматкори бўлгани сабабли Парвардигор билан тенг лаззатланишга қодир эмас. Лекин, унинг буни эсидан чиқариб, Худо билан тенглашишга ҳаракат қиладиган ҳолати тамисра деб аталади. Ҳатто руҳий юксалиш, руҳий ўзлигини англаш йўлидан бораётган кишининг ҳам тамисра тирик мавжудотга мажбуран тикиштирадиган ўй-фикрлардан халос бўлиши жуда қийин. Моддий ҳаёт чангалидан қутулишга уриниб юрган одамларнинг кўплари

Парвардигор билан қўшилиб кетишга интиладилар. Шундай қилиб, ҳатто руҳий фаолиятда ҳам улар тамисра мажбур қиладиган пасткаш ниятларга интиладилар.

Андха-тамисра тирик мавжудотни тана ўлгандан кейин ҳаммаси тамом бўлади, деган тасаввур остида тугиб туради. Одатда имонсиз даҳрийлар танасини “ўзим” деб биладилар, шунинг учун улар одам ўлиши билан ҳаммаси тамом бўлади, деб ҳисоблайдилар. Шунинг учун токи тана бор экан, улар моддий ҳаётдан иложи борича кўпроқ лаззат олиб қолишга интиладилар. Уларнинг ҳаёт фалсафаси оддий: “То тирик экансан – бой-бадавлат, дабдаба билан яша! Бунинг учун қандайдир гуноҳ ишлар қилишдан тортинма. Иложи борича кўпроқ еб-ич! Тиламчилик қил, қарз ол, ўғирла. Агар миянгга қарзга ботиб, ўғирлаб гуноҳга ботасан, кейин ҳаммаси учун жавоб берасан, деган фикрлар келса, уларни қаллангдан чиқариб ташла, чунки ажал келиши билан ҳаммаси тамом бўлади. Инсон бу ҳаётида нимаики иш қилса ҳам, у ҳеч нарсага жавобгар бўлмайди”. Имонсиз одамларнинг ҳаёт ҳақидаги ана шундай тасаввурлари инсониятни ҳалокатга олиб келади, чунки улар одамларни ҳаёт аслида мангу экани ҳақидаги илмдан маҳрум қиладилар.

Андха-тамисра ғофиллигининг манбаи тамас ҳисобланади. Тирик мавжудотнинг руҳий табиатга эга бўлган жон эканини билмайдиган ҳолати тамас деб аталади. Бугун моддий оламни ҳам баъзида тамас деб атайдилар, чунки унда яшайдиган мавжудотларнинг тўқсон тўққиз фоизи ўзлари аслида руҳий табиатга эга бўлган жон эканини билмайдилар. Бу дунёда деярли ҳар бир инсон ўзини танага киёслайди ва руҳий табиатга эга бўлган жон ҳақида ҳеч нарса билмайди. Ана шундай сохта тасаввурларга асосланиб, инсон: “Бу менинг танам, танам билан боғлиқ бўлган нарсаларнинг ҳаммаси меники!” - деб ўйлайди. Ана шундай адашган тирик мавжудотларнинг моддий тирикчилигининг асосини жинсий ҳаёт ташкил этади. Аслида, моддий оламда ғофиллик таъсири остида юрган шартланган руҳлар фақат жинсий алоқа қилиш учун яшайдилар, ўзларининг шахвоний эҳтиросини қондириш имкониятига эга бўлган заҳоти улар уйига, ватанига, бола-чақасига ва тўплаган бойлигига боғланиб қоладилар. Ана шу боғланишлар кучая борган сари улар ўзларини танасига кучлироқ қиёслай бошлайдилар, ана шу ҳолат моха деб аталади. Шу тарзда тирик мавжудот “мен – танаман, тана билан боғлиқ нарсаларнинг ҳаммаси меники” деган тасаввурларга боғланиб қолади, бутун олам Мохага ғарқ бўлади, шу тариқа алоҳида одамларнинг, оила ва миллатларнинг бирлашмалари юзага келади ва улар бир бири билан бетиним жанжаллашиб юрадилар. Маха-моха – моддий лаззатларга қаттиқ интилиш истаги. Айниқса ҳозирги Кали-юга даврида ҳамма моддий ҳаётдан лаззатланиб қолиш учун кўпроқ бойлик орттиришга ақлдан озгандай интилиш касалига учраган. Ана шундай тоифадаги одамлар "Вишну-пурана"да таърифланган:

#### Текст 19

Жирканганидан Браҳма титраб кетди ва ғафлат гунасидан таркиб топган танасини тарк этди. Бундан фойдаланиб, яқша ва рақшаслар эгаллаб олиш ниятида тун қоронғулиги шаклига кирган ана шу танага ташландилар. Тун очлик ва чанқокнинг манбаи ҳисобланади.

#### Текст 20

Очлик ва чанқокликдан қийналиб кетган иблислар Браҳмага ташландилар, улар уни бўлаклаб ташлашга тайёр эдилар. “Унга раҳм қилма! Уни еб ташла!” – қичқиришарди улар бир бирига.

Изоҳ: Якша ва рақшаслар қабиласи ҳали ҳозиргача жаҳоннинг баъзи бир давлатларида сақланиб қолган. Бундай ёввойи одамлар одатда ўзларининг боболарини ўлдириб, уларнинг гулханда пиширилган гўштидан лаззатланиб “муҳаббат зиёфати” уюштирадилар.

#### Текст 21

Қаттиқ саросимага тушган фаришталар сардори маъбуд Браҳма илтижо қила бошлади: “Мени еманглар, аксинча мени ҳимоя қилинглар. Мендан туғилганингиз учун сизлар менинг фарзандларим бўласизлар, шунинг учун сизларни энди якша ва рақшаслар деб атайдилар”.

Изоҳ: Браҳманинг танасидан дунёга келган иблисларни якша ва рақшаслар деб атай бошладилар, чунки уларнинг бирлари Браҳмани ейишга чақирдилар, бошқалари эса, унга раҳм қилмасликка чақирдилар. Браҳмани емоқчи бўлганларни якшалар деб атай бошладилар, шафқатсизликка чақирган иблисларни эса – рақшас яъни одамхўрлар деб атай бошладилар. Якша ва рақшаслар Браҳма яратган биринчи тирик мавжудотлар эди, улар ҳозиргача ёввойи одамлар қиёфасида коинотнинг турли сайёраларида яшайдилар. Ғафлат гунаҳидан туғилган бу иблислар ўзларининг ҳатти-ҳаракатлари учун рақшас, яъни одамхўр деган номга эга бўлдилар.

#### Текст 22

Кейин Браҳма эзгулик билан порлаб нур таратиб турган асосий фаришталарни яратди. У уларнинг олдига куннинг порлаб турган қиёфасини ташлади, фаришталар қувониб уни эгаллаб олдилар.

Изоҳ: Иблислар тун қоронғулиги билан бирга дунёга келдилар, фаришталар эса, кундузнинг ёруғлигидан яратилган. Бошқача қилиб айтганда, якша ва рақшаслар сингари иблислар ғафлат гунаҳидан дунёга келдилар, фаришталар эса - эзгулик гунаҳидан.

#### Текст 23

Кейин маъбуд Браҳманинг тос(қуймич)ининг биттасидан шахватга жуда кучли берилган иблислар дунёга келди. Шаҳвоний эҳтиросга берилиб, улар қовушишни ният қилиб Браҳмага яқинлаша бошладилар.

Изоҳ: Жинсой алоқа моддий ҳаётнинг асосини ташкил этади. Бу ерда бизлар бир неча бор иблисларнинг жинсий алоқадан лаззатланишга қаттиқ интилиши ҳақида ўқидик. Инсонни жинсий алоқа қилиш истаги қанча кам безовта қилса, у шунчалик фаришталарга яқин бўлади, аксинча, у шаҳвоний эҳтиросли лаззатларга

қанчалик боғланган бўлса, иблислар даражасига тушиб, шунчалик тубанликка юз тутади.

#### Текст 24

Хурматли Браҳма аввалига уларнинг бу нодонлигидан кулди, аммо, уятсиз асурлар тобора яқинлашиб келаётганини кўриб, кўрққанидан саросимага тушиб қоча бошлади.

Изоҳ: Шаҳвоний эҳтиросга берилган иблислар ҳатто ўз отасини ҳам хурмат қилмайдилар, шунинг учун Браҳмадай олижаноб ота бундай фарзандлар даврасини шу заҳотиёқ тарк этгани маъқул.

#### Текст 25

У Худо Шаҳсининг, Ўзининг содиқларининг ва Унинг нилуфар қадамлари пойи паноҳига кирган зотларнинг ғам-ғуссасини тарқатиб юборадиган ва дуои-фотиҳалар берадиган Парвардигорнинг олдига йўл олди. Содиқларига бўлган чексиз муҳаббатидан У Ўзининг сон-саноксиз илоҳий қиёфаларини намоён этади.

Изоҳ: Мазкур шеърда ишлатилган бхактанам анурупатма-даршанам ибораси Парвардигор, Худо Шаҳси Ўзининг содиқ хизматкорларининг истагини амалга ошириб, Ўзининг сон-саноксиз қиёфаларини намоён этишини билдиради. Масалан, Хануманжи(Ваджрангаджи) Парвардигорни Рамачандра қиёфасида кўришни истади, бошқа вайшнавлар Радха-Қришнанинг ёки Лакшми-Нараяна қиёфасини кўришни истайдилар. Майявади-файласуфларнинг фикрига кўра, гарчи Парвардигор Ўзининг содиқ хизматкорларининг истагини бажариб ана шу қиёфаларда мужассам бўлса ҳам, аслида Унинг Ўзи шакл-қиёфага эга эмас. Лекин "Брахма-самхита" бундай тасаввурларни инкор этиб, Парвардигор сон-саноксиз қиёфаларга эга эканини тасдиқлайди: адвайтам ачйутам. Содиқ хизматкорининг олдига намоён бўладиган Парвардигор ҳечам унинг ҳаёлида пайдо бўлган сароб эмас. "Брахма-самхита" яна ҳам аниқроқ тасдиқланганки, Парвардигор сон-саноксиз қиёфаларга эга: рамади, муртишу кала-нийамена тиштхам. Парвардигорнинг миллионлаб қиёфалари мавжуд. Коинотда 8.400.000 турли ҳаёт шакли мавжуд, аммо Парвардигор мужассам бўлган қиёфаларнинг сон-саногии йўқ. "Шримад Бхагаватам"да айтилганки, Парвардигор мужассам бўлган қиёфалар худди денгиздаги кетма-кет пайдо бўлиб, йўқолиб турадиган тўлқинлар сингари сон-саноксиз. Ҳар бир содиқ хизматкор Парвардигорнинг маълум бир қиёфасига боғланган, у айнан Парвардигорнинг шу қиёфасига сиғинади. Биз Парвардигорнинг тўнғиз қиёфасида биринчи марта мужассам бўлиб бу дунёда намоён бўлгани ҳақида гапирдик. Бизларники сингари коинотларнинг сон-саногии йўқ, ҳозир Парвардигор тўнғиз қиёфасида ана шу коинотларнинг бирида Ўзининг илоҳий эрмакларини ўтказяпти. Парвардигорнинг барча қиёфалари мангу. Аммо содиқ уларнинг бирортасига қаттиқ боғланиб қолиб, Унга муҳаббат ва садоқат билан хизмат қилади. “Рамаяна”нинг шеърларидан бирида Парвардигор Раманинг буюк содиғи Хануман шундай дейди: “Мен Парвардигорнинг Сита-Рама билан Лакшми-Нараяна қиёфалари орасида ҳеч қандай фарқ йўқлигини яхши биламан, униси ҳам, буниси ҳам Олий Шаҳс Худо мужассам бўлган қиёфалардир, лекин

барибир менинг қалбимни Унинг Рама ва Сита қиёфаси ром этган, шунинг учун мен ҳамиша Парвардигорни Рама ва Сита қиёфасида кўришни истайман”. Худди шундай, Гаудия вайшнавлар Парвардигорнинг Радха ва Кришна қиёфасига, шунингдек Дваракадаги Кришна ва Рукмини қиёфасига боғланганлар. Бхактанам анурупатма-даршанам сўзлари шуни билдирадики, Парвардигор содигининг олдида у сажда ва хизмат қилишни истаган қиёфада намоён бўлиб, унга Ўз марҳаматини кўрсатишдан мамнун бўлади. Мазкур шеърда айтилганки, маъбуд Браҳма Олий Шахс Худо, Харининг олдида йўл олди. Парвардигорнинг бу қиёфаси Кширодакашайи Вишну ҳисобланади. Коинотда бирор муаммо пайдо бўлиб, маъбуд Браҳма Парвардигорга мурожаат қилиши зарур бўлиб қолса, у Кширодакашайи Вишнунинг олдида боради, ҳар гал Парвардигор Ўз марҳаматини кўрсатиб, унга ёрдам беради.

#### Текст 26

Парвардигорнинг олдида бориб, Браҳма Унга шундай сўзлар билан мурожаат қилди: Эй Парвардигор, илтимос, Сенинг амринг билан мен дунёга келтирган бу гуноҳкор ва ярамас иблислардан мени ҳимоя қил. Шаҳвоний эҳтиросга берилиб улар менга ҳамла қилиптилар.

Изоҳ: Эркак одамлар орасида бесоқолбозлик иллоти Браҳма ана шу иблисларни дунёга келтирган пайтдан бошланган кўринади. Бошқача қилиб айтганда, эркак кишининг бошқа эркак билан қовушишга интилиши фақат иблисифат одамларда бўлади, соғлом турмуш тарзи билан яшайдиган маданиятли одамларда бундай жирканч интилишлар юзага келмайди.

#### Текст 27

Эй Худойим, изтироб чекаётган кишиларни барча мусибатлардан халос этишга ва ҳеч қачон Сенинг нилуфар қадамларинг пойига сажда қилмайдиган кишиларни мусибат чекишга мажбур қиладиган ягона Зот - Сен Ўзингсан.

Изоҳ: клешадас тешам анасанна-падам тава сўзлари Парвардигорнинг икки вазифаси борлигини кўрсатади: У Ўзининг нилуфар қадамлари пойидан нажот топган кишиларни ҳимоя қилади; Унга қарши чиқадиған имонсиз иблисларни жазолайди. Майяга Худонинг содиқлари бўлмаган кишиларнинг бошига мусибат келтириб жазолаш вазифаси юклатилган. Бу ерда Браҳма: “Сен – ўзини Сенга топширган кишиларнинг ҳимоячиси ва халоскорисан, шунинг учун мен Сенинг нилуфар қадамларинг пойидан нажот излайман. Илтимос, мени бу иблислардан ҳимоя қил!” – деб айтяпти.

#### Текст 28

Бошқаларнинг қалбида кечаётган фикрлардан хабардор бўлган Парвардигор маъбуд Браҳманинг қанчалик чуқур мусибатга тушганини тушунди ва унга: “Бу нопок танангни тарк эт!” – деди. Парвардигорнинг амрини эшитиб, Браҳма танасини алмаштирди.

Изоҳ: Бу ерда Парвардигор вивиктадхйатма-даршанаҳ деб аталган. Фақат ягона Парвардигоргина бошқа бир тирик мавжудотнинг қанчалик изтироб чекаётганини била олади. Бошига оғир мусибат тушган киши дўстларининг бирортасидан нажот кутганида, дўстлари одатда унинг қанчалик изтироб чекаётганини тушунмайдилар. Аммо, Парвардигор учун буни билиш қийин эмас. Парвардигор Параматма қиёфасида ҳар бир тирик мавжудот қалбида мавжуд бўлиб, у мусибатларнинг сабабини аниқ кўра олади. "Бхагавад Гита"да Парвардигор шундай дейди: сарвасйа чахам хриди саннивиштах – “Мен ҳар бир тирик мавжудот қалбида мавжуд бўлиб, унга хотира ва унутиш ато этаман”. Инсон Парвардигорга ўз ихтиёрини бутунлай топширганида у Парвардигор ўзининг қалбида эканини сезади. Парвардигор қалбимизда туриб бизга руҳий юксалиш йўлидаги тўсиқларни қандай четлаб ўтиш ҳамда Худога садоқат билан хизмат қилиб Унинг даргоҳига эришиш мумкинлигини айтиб туради. Шунга қарамай Парвардигор маъбуд Браҳмага танасини тарк этишни буюрди, чунки у иблисларга хос одатларни бошлаб берган эди. Шриддхара Свамининг фикрига кўра, Браҳманинг вақти-вақти билан танасини ташлагани ҳақида гап борганида, шу нарса назарда тутиладики, у аслида танасини бутунлай ташламайди, фақат ақлида пайдо бўлган маълум ўй-фикрларни тарк этади. Ақл тирик мавжудотнинг нафис танаси ҳисобланади. Баъзан ақлимизни қандайдир гуноҳ иш қилиш фикри қамраб олади, биз ақлимизни жиловлаб олиб, ана шундай фикрдан халос бўлсак, танамизни ташладик деб ҳисоблашимиз мумкин. Браҳма иблисларни дунёга келтирганида унинг ақли жойида эмасди. Шу пайтда унинг ақли эҳтиросга берилган кўринади, чунки у пайтда бутун коинотда эҳтирос гунаси устивор эди. Шунинг учун Браҳмадан дунёга келган фарзандлар ҳам эҳтиросга берилган эди. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, фарзанд кўриш ниятида жинсий алоқа қиладиган ота-оналар жуда эҳтиёт бўлишлари лозим. Бўлғуси фарзанднинг хулқ-атвори ота-онанинг жинсий алоқа пайтидаги ақлининг ҳолатига мос бўлади. Шунинг учун ведаларда гарбхадхана-самскара – зурёд қолдириш учун мўлжалланган покланиш маросими ўтказиш тавсия қилинади. Зурёд қолдиришдан олдин ота-оналар ўзларининг эҳтиросга берилган ақлини поклаши ва руҳий даражага кўтаришлари лозим. Агар зурёд қолдириш пайтида ота-онанинг фикру-хаёли Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойида бўлса, улардан тақводор фарзандлар дунёга келади ва кейинчалик у Худонинг содиқ хизматкори бўлиб етишади; жамият асосан имонли тақводор инсонлардан иборат бўлса, иблисларга хос бўлган ўй-фикрлар одамлар учун чексиз мусибатлар ва бахтсизликлар манбаи бўлмай қолади.

#### Текст 29

Браҳма қолдирган тана кечкурунги ғира-шира қиёфасига кирди, бу вақт кун билан тун орасидаги вақт бўлиб, тирик мавжудотларда шаҳвоний эҳтирос уйғотади. Табиатан эҳтиросга берилган асурлар, раджас таъсири остида ана шу ғира-ширани нилуфар гулидай майин оёқларида қўнғироқчалар жаранглаб турган чиройли қиз деб ўйладилар; уларга бу қизнинг кўзлари мастликдан катта очилгандай кўринди, унинг сонлари нафис шаффоф мато билан ўралган, хипча белига эса, ярқираган камар тақилган эди.

Изоҳ: Худди эрта тонг рухий фаолият учун шарофатли вақт бўлгани сингари, кечкурунги ғира-шира дунёда эҳтирос авжига чиқадиған вақт ҳисобланади. Одатда иблис табиатли зотлар жинсий алоқадан лаззатланишга қаттиқ боғланиб қолган бўладилар, шунинг учун улар ҳамиша кеч киришини тоқатсизлик билан кутадилар. Кечкурунги ғира-ширани иблислар чиройли аёл деб ўйладилар ва унинг кўнглини овлаш учун ҳар тарафдан олқишлай бошладилар. Ғира-шира уларга эртақлардагидай чиройли қиз бўлиб кўринди, унинг оёқларида кўнгиракчалар жиринглар, белига камар тақилган эди. Чиройли қизнинг қоматига шаҳвоний эҳтиросини қондиришга интилаётган иблисларнинг ҳаёлида пайдо бўлган бўлик кўкраклар ўзгача тароват бериб турарди.

#### Текст 30

Унинг кўкраклари юқори кўтарилган ва бир бирига шу қадар яқин эдики, улар орасида очик жой қолмаган эди. Чиройли бурни, ажойиб тишлари ва лабларида кулиб турган жозибали табассуми билан соҳибжамол қиз иблисларга ўзининг мафтункор ва маккор нигоҳини ташлади.

#### Текст 31

Унинг узун чиройли тим-қора сочи безаб турар, ясама ибос билан юзини сочлари билан чала тўсиб олганди. Бу соҳибжамол гўзални кўриб, асурлар шаҳвоний эҳтиросдан ақлини бутунлай йўқотиб қўйдилар.

Изоҳ: Иблислар билан фаришталар орасидаги фарқ шундан иборатки, иблислар бирор чиройли аёлни кўрганда дарров ақлини йўқотиб қўядилар, тақводор одамларнинг фикрини эса чиройли аёллар қалғита олмайди. Тақводор инсонлар илмга эга, иблислар эса ғофиллик ботқоғига ботган бўладилар. Худди ёш боланинг диққатини кўғирчоқ ўзига тортгани сингари, шаҳвоний эҳтиросга берилган ғофил, қалтафаҳм иблисларни моддий тананинг гўзаллиги ўзига ром этади. Тақводор инсон биладикки, чиройли либослар кийиб, ҳар хил тақинчоқлар тақиб олган, сонлари бўлик, кўкраги баланд, бурни чиройли ва оқ танли жозибали аёл – майя, алдамчи сароб нарса. Аёлнинг чиройли кўринган танаси аслида қон ва гўштдан бошқа нарса эмас. Шри Шанкарачарья одамларга ана шу қон ва гўштни бирикмасига маҳлиё бўлиб, алданиб қолмасликни насиҳат қилган. Бизларни рухий мавжудликнинг ҳақиқий гўзаллиги мафтун қилсин. Ҳақиқий гўзаллик - Радха ва Кришна. Радха ва Кришнанинг гўзаллиги мафтун этган кишини моддий оламнинг алдамчи гўзаллиги ўзига мафтун этолмайди. Иблис билан тақводор инсоннинг, яъни Худонинг содиқ хизматкори орасидаги фарқ шундан иборат.

#### Текст 32

Бу қандай гўзал! – ҳайратга тушди иблислар. – Қандай нодир жиддийлик!(самообладание???) У қанчалик ёш ва гуллаган! У эҳтирос билан унга тикилиб турган бизларнинг олдимиздан худди ўзида эҳтиросдан асар ҳам йўқдай ибос билан ўтиб кетяпти.

#### Текст 33

Кўзларига чиройли ёш қиз бўлиб кўринган кечки ғира-шира ҳақида шундай фикр-мулоҳазаларга бориб, ёвуз ниятли ва бузуқи асурлар уни ҳурмат билан қарши олдилар ва ҳайратга тушиб, унга шундай гаплар билан муурожаат қила бошладилар.

#### Текст 34

Ҳой соҳибжамол қиз, сен кимсан? Сен кимнинг хотини ё қизисан, бу ерга нима мақсадда келдинг? Шундоқ ҳам бахтиқаро бўлган бизларни нимага сен ҳам ўзининг бебаҳо гўзаллик неъматинг билан бунчалик қийнайсан?

Изоҳ: Мазкур шеърда моддий оламнинг алдамчи гўзаллигидан ҳайратга тушган иблисларнинг фикр-мулоҳазалари таърифланган. Иблис табиатли одамлар моддий оламнинг ташки гўзаллиги учун ҳар қандай қатта баҳо тўлашга тайёр. Улар фақат жинсий алоқа қилиб лаззатланиш учун туну-қун тиним билмасдан оғир меҳнат қиладилар. Баъзан, йога иборасининг мазмунини тушунмасдан улар ўзларини карма-йоглар деб атайдилар. Йога ибораси Олий Шахс Худо билан боғланишни, яъни Кришна онги билан фаолият кўрсатишни назарда тутди. Карма-йог – ўзининг соҳасида тинмасдан меҳнат қилиб, ўз меҳнатининг барча маҳсулини Олий Шахс Худо, Парвардигор Шри Кришнага хизмат қилишга сарфлайдиган кишидир.

#### Текст 35

Эй соҳибжамол қиз, сен ким бўлсанг ҳам сени ўзларимиз билан бирга кўришдан бахтиёримиз. Коптоқни чиройли ўйнашинг билан сенга мафтун бўлганларнинг ҳаммасининг ақлини олиб қўйдинг.

Изоҳ: Иблислар ўзларига ажойиб аёлларнинг гўзаллигидан лаззатланиш имконини берадиган турли усулларни ўйлаб топадилар. Бу ерда иблислар қиз боланинг коптоқ ўйнаганини томоша қилиб тургани ҳақида айтилган. Баъзан иблислар аёлларни ўзи билан бирга ўйнашга, масалан, теннис ўйнашга таклиф қиладилар. Аслида бундай таклифлар фақат бир мақсадда – чиройли қизларнинг қелишган қоматини томоша қилиб лаззатланиш, яъни у билан нафис сатҳда, ақл поғонасида жинсий алоқа қилиб лаззатланиш учун қилинади. Ҳатто ўзларини йог деб юрган сохта йоглар ҳам баъзан иблисларга хос бўлган, асосида моддий лаззатланиш истаги ётган ана шундай фикрларни қўллаб қувватлайдилар. Ана шундай фирибгарлар одамларни жинсий алоқанинг хилма-хил тури билан лаззатланишга қақирадилар ва айни пайтда очикдан очик улар ўзлари ўйлаб топган бирор мантрага мууроқаба қилиш орқали инсон бирор ярим йилдан кейин Худо бўлиб қолади, деб эълон қиладилар. Одамларнинг ўзлари алданишни истайдилар, шунинг учун Кришна йоганинг маъносини бузиб, одамларни йўлдан адаштирадиган ана шундай алдоқчиларни яратади. Аслини олганда бундай фирибгарларнинг бирортаси ҳеч қандай йог эмаслар, балки шунчаки дунёвий лаззатларга интилиб юрган, лекин йогларнинг либосини кийиб олган оддий одамлар, холос. Лекин "Бҳагавад Гита"да айтилганки, ҳаётдан лаззатланишни истаган киши ҳеч қачон ўзининг истакларини жисмоний сезгилар ёрдамида амалга ошира олмайди. Таҷрибали врач одатда касал одамга даволаниш даврида лаззатлардан ўзини тийиб юришни тавсия қилади. Касал одамга лаззат ва бошқа

ортиқча нарсалар қатъий таъқиқланади; агар у саломатлигини тиклаб олишни истаса, у шу нарсалардан ўзини тийиб юриши лозим. Бизнинг моддий оламдаги ҳаётимиз беморнинг касал ҳолатига ўхшайди. Ҳақиқий лаззат нималигини татиб кўришни истаган киши аввал моддий ҳаёт чангалидан қутулиши лозим. Руҳий ҳаётда лаззат мангу давом этади. Моддий лаззат руҳий лаззатдан шуниси билан фарқ қиладики, моддий лаззат чекланган. Ҳатто инсон моддий жинсий алоқадан қандайдир лаззат олса ҳам, барибир бу лаззат узоқ вақт давом этмайди. Аммо, бу дунёда жинсий алоқа лаззатидан воз кечган киши мангу давом этадиган руҳий ҳаётга эриша олади. "Шримад Бхагаватам"(5.5.1)да айтилганки, браҳма-саукхйа, руҳий лаззат чексиз давом этади, ананта. Калтафаҳм тирик мавжудотлар модданинг гўзаллигига махлиё бўлиб қолганлар, шунинг учун моддий лаззатларни ҳақиқий лаззат деб ҳисоблайдилар, лекин аслида бу лаззатлар алдамчи лаззатлардир.

#### Текст 36

Эй соҳибжамол киз, сен сакраётган коптокни қўлларинг билан такрор-такрор урганинга, нилуфар қадамларинг бир жойда турмайди. Оғир кўкракларинг дастидан сонларинг тез чарчаб қолади, тиник нигоҳинг гўё хиралашгандай бўлади. Чиройли сочларингни ўриб ол.

Изоҳ: Иблислар гўзал кизнинг ҳар бир қадамни ва ҳаракатини очкўзлик билан кузатардилар. Бу ерда улар унинг бўлик кўкракларидан, тўзиган сочларидан ва танасининг копток ўйнаган пайтдаги нозик ҳаракатларидан хайратга тушяптилар. Унинг ҳар бир ҳаракатидан лаззатланиб, унинг аёлларга хос гўзаллиги мафтун бўладилар, бундан уларнинг қизиган ақлида шаҳвоний истаклар юзага келади. Чиройли аёлнинг коптокдай юмалоқ кўкрагининг чайқалиши иблисларга, худди кечаси ёниб турган олов ўзининг ажали сари чопадиган парвоналарни мафтун қилганидай таъсир кўрсатади. Гўзал аёлнинг тўзиган сочи ҳам лаззатланишни ёктирадиган иблисларнинг қалбини ларзага солади.

#### Текст 37

Мияси айниб қолган асурлар кечки ғира-ширани жозибали, ўзига ром қиладиган аёл деб ўйладилар ва очкўзлик билан унга ташландилар.

Изоҳ: Бу ерда асуралар мудха-дхйах, яъни “худди эшаклардай ғофил” деб аталган. Қизнинг моддий танасининг гўзаллиги ва алдамчи жилвасига учиб, улар уни кучоклай бошладилар.

#### Текст 38

Буюк Браҳма чуқур маъноли кулиб юборди ва ўзининг, ўзи билан ўзи лаззатланиб юргандай кўринадиган гўзаллигидан гандҳарва ва апсараларни дунёга келтирди.

Изоҳ: Олий сайёраларда яшайдиган машшоқлар гандҳарвалар, самовий раққосалар эса – апсаралар деб аталади. Иблисларнинг ҳамласига учраб, ғира-ширада ажойиб аёл қиёфасини яратгандан кейин Браҳма гандҳарва ва апсарларни дунёга келтирди. Ҳиссий лаззат келтирадиган мусиқа ва рақс иблисларга хос нарсалар ҳисобланади,

лекин Парвардигорни олқишлаш учун қўлланиладиган худди шундай мусиқа ва рақс илоҳий табиатли бўлади ва инсонга руҳий лаззат тўла янги ҳаёт бағишлайди.

#### Текст 39

Кейин Браҳма порлаб турган ва ўзига азиз бўлган, ой нури рангидаги қиёфасини тарк этди, уни Вишвавасу ва бошқа гандҳарвалар эгаллаб олдилар.

#### Текст 40

Кейин буюк Браҳма ўзининг дангасалигидан арвоҳ ва ёвуз руҳларни яратди, аммо уларни – яланғоч, сочлари тўзиган ҳолда кўриб, кўзларини юмиб олди.

Изоҳ: Арвоҳлар ва ёвуз руҳлар ҳам Браҳма яратган мавжудотлардир; уларни сароб, алдамчи ёки аслида йўқ нарса деб ўйламаслик керак. Улар шартланган руҳларга ҳар хил мусибат келтириш учун яратилган. Маъбуд Браҳма уларни Парвардигорнинг амри билан яратган.

#### Текст 41

Арвоҳлар ва ёвуз руҳлар барча тирик мавжудотларнинг яратувчиси бўлган Браҳма ташлаган, унинг эснашидан иборат танасини эгаллаб олдилар. Бу танани инсон оғзидан сув оқиб қотиб ухлагандаги уйқу деб ҳам атайдилар. Ёвуз руҳлар ва арвоҳлар ҳаром, нопок юрган одамларга ҳамла қиладилар, танасини шундай руҳлар эгаллаб олган кишини “жинни” деб айтадилар.

Изоҳ: Инсон касалланганида ёки нопок, ҳаром юрган пайтида руҳларнинг ҳамласига дучор бўлади ёки ақлдан озади. Бу ерда аниқ айтилганки, инсон оғзидан сув оқадиган даражада қаттиқ уйқуга кетганида арвоҳлар бундай имкониятдан фойдаланиб, унинг танасини эгаллаб олишга уринадилар. Бошқача қилиб айтганда, уйқусида оғзидан сув оқадиган киши нопок, ҳаром ҳисобланади ва у ёвуз руҳларнинг ўлжасига айланади ёки ақлдан озади.

#### Текст 42

Ўзида истаклар қайнаб ётганини ва қуввати тошиб кетаётганини англаган ҳолда ҳурматли Браҳма, барча тирик мавжудотларнинг яратувчиси ўзининг кўринмас қиёфасидан сон-саноксиз садхья ва питаларни яратди, улар унинг киндигидан дунёга келдилар.

Изоҳ: Садхья ва питалар – ўлган одамларнинг руҳларининг кўринмас қиёфаси, уларни ҳам Браҳма яратган.

#### Текст 43

Питалар ўзлари дунёга келган кўринмас танани ўзлари эгаллаб олдилар. Айнан мана шу кўринмас тана орқали тажрибали руҳонийлар шраддха қурбонлик маросими пайтида (ўлган авлодлар қиёфасидаги)садхья ва питаларга эҳсон таклиф қиладилар.

Изоҳ: Шраддха – Ведавий маданият издошлари ўтказадиган қурбонлик маросимларининг бир тури. Бу маросимни йилда бир марта, ўн беш кун давом этадиган вақт оралиғида ўтказадилар. Бунда диний маросимларни ўтказишга қаттиқ берилган кишилар ўлган аждодларининг рухларига ҳар хил эҳсонлар тақлиф этадилар. Натижада, авлодлари ўтказган шраддха қурбонлик маросимининг шарофати билан уларнинг тақдир тақозоси билан ҳиссий лаззатланиш имконини берадиган қўпол моддий тана ололмай юрган қариндошлари яна моддий танага эга бўладилар. Бундай урф-одат Ҳиндистонда, айниқса Гая шаҳрида ҳозиргача сақланиб қолган, у ерда Парвардигор Вишнунинг бутун Ҳиндистонга машҳур эҳромиди Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойига эҳсон тақдим этадилар. Ўлган кишиларнинг авлодлари қилаётган хизматидан мамнун бўлган Парвардигор Ўз марҳамати билан уларнинг қўпол моддий тана олмаган қариндошларини озодликка чиқаради ва уларга руҳий юксалиш имкониятини бериб, яна моддий тана ато этади.

Афсуски, майя таъсири остида шартланган руҳ шундай йўл билан олган танасидан ўзининг ҳиссиётини лаззатлантириш учун фойдаланади, у бундай фаолият яна уни кўринмас тана олишга маҳкум этиши мумкинлигини эсдан чиқариб юборади. Лекин, Худонинг содиқ хизматкори ёки Кришна онгида яшаб юрган кишининг шраддха ва бошқа маросимларни ўтказиб юришининг ҳожати йўқ, чунки содиқ хизматкор ҳар бир ишини фақат Парвардигорни мамнун қилиш учун қилади. Шунинг учун унинг оғир аҳволга тушиб қолган қариндошлари шраддха маросими ўтказмасданок озодликка эришадилар. Бунга Прахлад Махараж ёрқин мисол бўла олади. Прахлад Махараж Парвардигордан Унинг нилуфар қадамлари пойини сон-саноксиз марта ҳақорат қилган гуноҳкор отасини руҳий озодликка чиқаришни илтимос қилганди. Бунга жавобан Парвардигор айтдики, Прахлад Махараждай содиқ хизматкор туғилган хонадоннинг фақат отаси эмас, балки отасининг отаси, шунингдек то ўн тўртинчи авлодгача бўлган барча қариндошлари шу заҳотиёқ озодликка эришадилар. Шундай қилиб, Кришна онги билан яшаш оилага, жамиятга ва барча тирик мавжудотларга энг катта бахт-саодат келтиради. "Чайтанья-чаритамрита"нинг муаллифи айтадики, Кришнани англаш илмини эгаллаган киши ҳеч қандай маросим ўтказмайди, чунки у тўла Кришна онгида Кришнага хизмат қилиш барча маросим ва удумларнинг ўрнини босиб кетишини яхши билади.

#### Текст 44

Кейин маъбуд Браҳма ўзининг кўзга кўринмас бўла олиш қобилиятидан сиддха ва видьядхараларни дунёга келтирди, уларга ўзининг Антардхана деб аталадиган ғаройиб қиёфасини берди.

Изоҳ: Антрадхана ибораси шуни билдирадики, бу мавжудотларнинг мавжудлигини ҳис қилиш мумкин, аммо уларни кўз билан кўришнинг иложи йўқ.

#### Текст 45

Бир куни тирик мавжудотларнинг яратувчиси маъбуд Браҳма ўзининг сувдаги аксини томоша қилиб туриб, ҳайратга тушди ва ана шу аксидан кимпуруша ва киннарларни яратди.

#### Текст 46

Кимпуруша ва киннарлар маъбуд Браҳма қолдирган, сувда акс этиб турган ана шу қиёфани олдилар. Шунинг учун ҳар куни тонгда улар ўзларининг рафиқалари билан бирга маъбуд Браҳманинги ишлари ҳақида оламга хабар бериб, уни олқишлайдилар.

Изоҳ: Тонг отишига тахминан бир ярим соат қолган пайтда браҳма-мухурта деб аталадиган шарофатли вақт бошланади. Ана шу вақт руҳий фаолият билан шуғулланиш учун жуда фойдали ҳисобланади. Эрта тонгда руҳий фаолият билан шуғулланиш сутканинги бошқа ҳар қандай вақтидагидан кўра кўпроқ самара беради.

#### Текст 47

Бир куни Браҳма узала тушиб чўзилиб ётарди. У оламни яратиш жараёни жуда секин бораётганидан ташвишланарди, у хомуш кайфиятда бўлиб, ўзининг шу танасини ҳам тарк этди.

#### Текст 48

Азизим Видура, Браҳманинги танасидан тушган туклар илонларга айланди, унинг қўл-оёқлари билан бирга танаси судрала бошлаганида, ундан ёвуз илонлар ва капгири очилган нага(аждар)лар чиқа бошлади.

#### Текст 49

Ажойиб кунларнинг бирида коинотдаги биринчи тирик мавжудот бўлган маъбуд Браҳма ўзини яшашдан олдиға қўйган мақсадға эришган ҳис қила бошлади. Шунда у ўзининг аклидан Мануни яратди, у коинотнинг фаровонлигини таъминлаши лозим эди.

#### Текст 50

Коинотнинг ҳамиша онгли равишда ҳаракат қиладиган яратувчиси унга ўзининг инсон қиёфасидаги танасини берди. Мануни кўрганда, аввал дунёга келган мавжудотлар – фаришталар, гандҳарвалар ва бошқалар – маъбуд Браҳманинги маҳоратига қойил қолиб, уни олқишлай бошладилар.

#### Текст 51

Улар шундай илтижо қилдилар: Эй коинотни яратган зот, бизларнинг қалбимиз қувончға тўлди; сен яратган зот ҳар қандай олқишға сазовордир. Инсонни дунёга келтириш билан сен барча маросим ва удумларни ўтказишнинг ишончли асосини яратдинг, шунинг учун бизларнинг ҳар биримизға қурбонлик маросими оловига эҳсон қилинган ҳамма нарсалардан ўз улушимизни оламиз.

Изоҳ: Қурбонлик маросимларининг аҳамияти ҳақида ҳам "Бхагавад Гита"(3.20)да айтилган. Парвардигор айтадики, оламни яратиш тонгида маъбуд Браҳма Ману ва бошқа фаришталарни яратди, улар билан бирга у урф-одатлар ва қурбонлик маросимлари ўтказиш тизимини белгилади. Уларни дуо қилиб, маъбуд Браҳма

шундай деди: “Қурбонлик маросими ўтказиб юринглар, бу сизларга рухий юксалиш, аста-секин рухий ўзлигингизни англаб етиш ҳамда моддий бахтдан лаззатланиб яшаш имконини беради”. Маъбуд Брахма яратган тирик мавжудотларнинг ҳаммаси моддий табиат устидан ҳукмронлик қилишга интиладиган шартланган руҳлардир. Қурбонлик маросими тирик мавжудот қалбида аста-секин рухий ўзлигини англаш истагини уйғотиш учун мўлжалланган. Коинотда ҳаёт шундан бошланади. Лекин, охир-оқибатда барча қурбонлик маросимларининг асосий мақсади - Парвардигорни мамнун қилиш. Токи инсон Парвардигорни мамнун қилмас экан, яъни, бошқача қилиб айтганда, у Кришнани англаб етмаса, у бахтга – на ҳиссий лаззатланиш бахтига, на рухий ўзлигини англаш бахтига эриша олмайди.

#### Текст 52

Туғилмаган маъбуд Брахма қаттиқ риёзат чеккандан ва Парвардигорга сиғиниш маросими ўтказиб бўлгандан кейин муруқабга санъатини ўрганди, ўзининг бутун фикру-хаёлини Худога садоқат билан хизмат қилишда жамлади, эҳтиросини босиб, ҳиссиётини жиловлаб олгандан кейин у ўзининг сеvimли ўғиллари бўлган буюк донишмандларни дунёга келтирди.

Изоҳ: Қурбонлик маросимлари инсонга моддий фаровонликка эришишда ёрдам бериш учун мўлжалланган: бошқача қилиб айтганда, қурбонлик маросими бизга рухий фаолият билан шуғулланиш учун зарур бўлган танамизнинг саломатлигини таъминлаб туришга ёрдам беради. Лекин, рухий илмга эга бўлиш учун фақат қурбонлик маросими ўтказишнинг ўзи камлик қилади. Рухий илм видья, яъни Парвардигорга сиғиниш билан чамбарчас боғлиқ. Баъзан, йога деганда ақлни жиловлаб олиш учун қўлланиладиган жисмоний машқлар ва турли жисмоний ҳолатлар тизимини назарда тутадилар. Қалтафаҳм одамлар йоганинг бутун тизими шундай машқ ва ҳолатлардан иборат деб ўйлайдилар, аслида эса, бу машқларнинг ҳаммаси инсонга ўз ақлини Олий Рухда жамлашга ёрдам бериш учун мўлжалланган. Оламнинг моддий фаровонлигини таъминлаб турадиган зотларни яратиб, маъбуд Брахма рухий ўзликни англаш илмини қандай эгаллаш кераклигини ўз ҳаёти мисолида кўрсатиб одамларга қандай рухий фаолият билан шуғулланишни ўргатадиган буюк донишмандларни яратди.

#### Текст 53

Ана шу ўғилларининг ҳар бирига коинот яратувчиси ўзининг чуқур муруқабга қилиш, риёзат чекиш, диққатини бир жойга жамлаш ва боғланмаслик қобилятига, ғайритабиий кучга, рухий илмга эга бўлган танасининг бир қисмини берди.

Изоҳ: Бу ерда ишлатилган вирактимат ибораси “боғланмаслик қобилятига эга” деганни билдиради. Дунёвий одамлар рухий ўзлигини англаб ета олмайдилар. Ҳиссий лаззатга боғланиб қолган кишилар ўзларининг рухий табиатини англай олмайдилар. "Бхагавад-гита"да айтилганки, дунёвий бойликка, моддий лаззатга интилиб юрган кишилар йога-самадхи, яъни Кришна онгига бутунлай фарқ бўлиш ҳолатига эриша олмайдилар. Инсон моддий ҳаётдан лаззатланиб юриши ва айни пайтда рухий юксалишга эришиши мумкин деб ўргатадиган таълимот – ғирт ёлғон

таълимотдир. Бу дунёга боғланмаслик(виракти) куйидаги тўрт ишни таъқиқлайдиган қоидага асосланган: 1. зино; 2. гўшт истеъмол қилиш; 3. маст қиладиган нарсалар истеъмол қилиш; 4. кимор ўйнаш. Ана шу қоидаларга риоя қилиб яшаш тапасья, яъни риёзат деб аталади. Рухий ўзликни англаш деганда Кришнани англаб ақлни Парвардигорда жамлаш назарда тутилади.

"Шримад Бхагаватам"нинг Учинчи Қўшиқ “Майтрея билан Видуранинг суҳбати” деб аталадиган йигирманчи бобига Бхактиведантининг изоҳлари шундай яқунланади.

## Йигирма биринчи боб Ману билан Кардаманинг суҳбати

#### Текст 1

Видура деди: Сваямбхува Манунинг авлоди энг катта ҳурматга сазовор зотлар эди. Эй ҳурматли донишманд, илтимос, менга унинг бир бири билан жинсий алоқа қилиб кўпайиб кетган авлодлари ҳақида гапириб бер.

Изоҳ: Худонинг қонунлари доирасида тақводор фарзандларни дунёга келтириш мақсадида жинсий алоқа қилиш руҳсат этилади. Аслида Видура бир бири билан жинсий алоқа қилиб юрган зотлар ҳақида эмас, балки Сваямбхува Ману авлодларининг тарихи ҳақидаги ҳикояларни тинглашни истарди, чунки унинг авлоди бутун жаҳонга чуқур рухий илмга эга бўлган ва ўз фуқароларининг бахтини ўйлаб ғамхўрлик қиладиган жуда кўп тақводор шоҳ-қшатрийларни етказиб берган. Уларнинг кароматлари ҳақидаги ҳикояларни тинглаб инсон ўзининг илмини кенгайтиради. Бу борада мазкур шеърда ишлатилган парама-самматах ибораси алоҳида эътиборга лойиқ бўлиб, у буюк мўътабар зотлар Сваямбхува Манунинг авлодларининг илоҳий сифатларини жуда ҳурмат қилганини кўрсатади. Бошқача қилиб айтганда, барча донишманд ва ведавий муқаддас китобларнинг билимдонларининг фикрига кўра, одамларнинг тақводор фарзандларни дунёга келтириш мақсадида бир бири билан жинсий алоқа қилиши ҳеч қандай гуноҳ ҳисобланмайди.

#### Текст 2

Сваямбхува Манунинг икки буюк ўғли – Прияврата ва Уттанапада етти оролдан иборат оламга ҳақиқий дин қонунларига асосида ҳукмронлик қилдилар.

Изоҳ: Бошқа илмлар билан бир қаторда "Шримад Бхагаватам"да коинотнинг ҳар хил жойларида ҳукмронлик қилган буюк ҳукмдорлар ҳақида ҳикоя қилинади. Мазкур шеърда Прияврата ва Уттанападанинг номлари тилга олинган. Улар ҳозиргача сақланиб қолган етти оролга бўлинган Ер юзига ҳукмронлик қилганлар. Бу ороллар Осиё, Европа, Африка, Америка, Австралия, шунингдек Шимолий ва Жанубий кутблар. "Шримад Бхагаватам" тартиб билан Ҳиндистоннинг барча

ҳукмдорлари тарихини ҳикоя қиладиган дунёвий илмий асар эмас. Унда фақат уларнинг энг машҳурлари ҳақида, масалан, Прияврата ва Уттанапада, Парвардигор Рамачандра ва Махараж Юдҳиштҳира сингари бошқа кўплаб ҳукмдорлар ҳақида ҳикоя қилинган, чунки бу такводор шоҳларнинг кароматлари улар ҳақида одамлар тинглашига лойиқ; ана шу шоҳларнинг ҳукмдорлик тарихини ўрганиш уларга албатта катта фойда келтиради.

#### Текст 3

Эй табаррук браҳман, эй бегуноҳ зот, сен айтдингки, унинг Девахути деган қизи дунёга келган тирик мавжудотларнинг ҳукмдори донишманд Кардаманинг хотини бўлган.

Изоҳ: Мазкур шеърда Сваямбҳува Ману ҳақида гап боради, "Бхагавад-гита"да эса Вайвасвата Ману эслаб ўтилган. Ҳозир биз Вайвасвата Ману даврида яшаймиз. Сваямбҳува Ману ундан олдин ҳукмронлик қилган, унинг ҳукмронлик даври Парвардигор бу дунёга тўнғиз қиёфасида келган Вараха даврида бошланган. Маъбуд Браҳманинг бир куни давомида коинотда ўн тўрт Ману алмашади, уларнинг ҳар бирининг ҳукмронлик даврида маълум бир воқеа-ҳодисалар бўлиб ўтади. Сваямбҳува Ману ва "Бхагавад-гита"да эслатиб ўтилган Вайвасвата Ману – бошқа бошқа шахслардир.

#### Текст 4

Ана шу буюк йог саккиз турли сеҳр қудратига эга бўлган малика билан нечта фарзандни дунёга келтирган. Илтимос, менга шу ҳақда гапириб бер, мен сенинг ҳикояларингни тинглаш иштиёқида ёняпман.

Изоҳ: Мазкур шеърда Видура Майтреядан донишманд Кардама Муни ва унинг хотини Девахути ва уларнинг фарзандлари ҳақида сўряпти. Бу ерда айтилганки, Девахути сеҳрли йогада камолотга эришган. Йога билан шуғулланиш жараёни саккиз босқичдан иборат: 1. Ҳиссиётни жиловлаб олиш; 2. Худонинг қонун-қоидаларига қатъий амал қилиб юриш; 3. Ҳар турли асана ҳолатларини бажариш; 4. Нафас олиш жараёнини бошқариш; 5. Сезгиларни улар сезадиган нарсалардан чалғитиш; 6. Ақлни жамлаш; 7. Муҳофаза; 8. Руҳий ўзлигини англаб етиш. Руҳий ўзлигини англаб етгандан кейин, йога-сиддхи деб аталадиган навбатдаги саккиз босқич келади. Эр-хотин Кардама билан Девахути олий даражадаги йоглар эди; эри маха-йог, яъни буюк сеҳргар, хотини эса – йога-лакшана, яъни, йогада баркамолликнинг маълум даражасига эришган йог эди. Оила қуриб улар бир неча фарзандларни дунёга келтирдилар. Қадимда буюк донишманд ва авлиё зотлар фақат ўзлари руҳий баркамолликка эришгандан кейингина фарзанд дунёга келтирганлар; шунгача улар жинсий поклигини сақлаш қасамига қатъий риоя қилганлар. Браҳмачарья қасамига риоя қилмай туриб руҳий ўзликни англашнинг ва сеҳр қудратига эга бўлишнинг иложи йўқ. Ведавий муқаддас китобларнинг бирор жойида биз инсон ўз нафсининг қули бўлиб, ҳиссий лаззат изидан қувиб юришда давом этавериши, хоҳлаган ишини қилиб юриши ва айни пайтда қандайдир бир фирибгарнинг айтган пулини тўлаб, буюк йог бўлиши мумкин деб ёзилган жойини тополмаймиз.

#### Текст 5

Эй авлиё донишманд, илтимос, менга ҳурматли Ручи ва Браҳманинг ўғли Дакша Сваямбҳува Манунинг бошқа икки қизига уйланиб авлодларини дунёга келтиргани ҳақида гапириб бер.

Изоҳ: Олам яралиши тонгида бўм-бўш сайёрани аҳоли билан тўлдириш учун авлодларни дунёга келтирган барча буюк шахслар Праджапатилар деб аталадилар. Маъбуд Браҳма ва унинг ўғилларидан баъзилари ҳам шундай унвонга эга. Сваямбҳува Ману ва маъбуд Браҳманинг яна бир ўғли – Дакшани ҳам шундай деб атайдилар. Сваямбҳува Манунинг икки қизи Акути ва Прасути бор эди. Праджапати Ручи Акутига уйланди, Дакша эса Прасутини хотинликка олди. Ана шу эр-хотинлар жуда кўп авлодларни дунёга келтирдилар, улар бутун коинотни тўлдирдилар. Видура Майтреядан улар коинотнинг яралиш тонгида қандай қилиб авлодларни дунёга келтиргани ҳақида гапириб беришни илтимос қиляпти.

#### Текст 6

Буюк донишманд Майтрея жавоб берди: маъбуд Браҳма Кардама Мунига фарзандларни дунёга келтиришни буюргандан кейин ҳурматли Кардама Сарасвати дарёси соҳилига бориб, шу жойда ўн минг йил давомида қаттиқ риёзат чекди.

Изоҳ: Бундан кўриниб турибдики, руҳий баркамолликка эришишдан олдин Кардама Муни ўн минг йил давомида муҳофаза билан машғул бўлган. Яна маълумки, Валмики Муни олтмиш минг йил давомида муҳофаза билан машғул бўлган ва фақат шундан кейин қонинг йог бўлиб етишган. Шундай қилиб, йогада фақат жуда узоқ, юз минг йилча умр кўрадиган кишилар камолотга эриша оладилар; фақат ана шундай зотлар йога илмини мукамал эгаллай оладилар. Шундан кам вақтда йога билан шуғулланиш орқали камолотга эришишнинг умуман иложи йўқ. Йоганинг баъзи бир қоидаларига риоя қилиб юриш – ҳиссиётни жиловлаш ва ҳар хил асаналарни бажариш – йоганинг шунчаки бошланғич поғоналари, ҳолос. Одамларнинг, ҳар куни ўн беш минут давомида муҳофаза қилиб, инсон йогада баркамолликка эришиши ва Худо билан бир бўлиши мумкин деб юрган сохта йог-фирибгарларнинг гапларига қандай ишониб юрганини тушуниб бўлмайди. Ҳозир биз яшаётган давр, Кали-юга – жанжаллар ва алдовлар даври ҳисобланади. Бундай сохта усулларнинг бирортаси инсонга руҳий баркамолликка эришишда ёрдам беролмайди. Мана шу фикрни алоҳида таъкидлаш учун Ведаларда Кали югада руҳий баркамолликка эришишнинг Худонинг муқаддас номларини зикр қилишдан бошқа йўл йўли йўқлиги уч марта такрорлаб айтилган: харер нама харер нама харер нама эва кевалам калау настй калау настй эва настй эва гатир аниятха.

#### Текст 7

Риёзатларга берилиб ва илохий жазава ҳолатида Худо Шахсига садоқат билан хизмат қилиб, донишманд Кардама ниҳоят Унинг паноҳидан нажот излайдиган зотларга саховат билан Ўз марҳаматини берадиган Парвардигорнинг марҳаматига эришди.

Изоҳ: Мазкур шеърда мууроқаба жараёнининг аҳамияти ҳақида айтилган. Сеҳрли йога билан шуғулланиб, Худо Шахси Харининг марҳаматига эришиш учун Кардама Муни ўн минг йил мууроқаба билан шуғулланди. Демак, инсон йога билан шуғулланиши ёки Худони фалсафий изланишлар ёрдамида топишга интиладими – ўз интилишларида у албатта ўзини Худога топшириши, қалбида Унга садоқат бўлиши лозим. Ўз ихтиёрини Худога топширмай туриб, руҳий юксалишнинг бирор соҳасида руҳий баркамолликка эришиб бўлмайди. Руҳий баркамолликка ва руҳий ўзлигини англаб етишда камолотга эришишдан мақсад – Олий Шахс Худони англаб етишдан иборат. "Бҳагавад-гита"нинг олтинчи бобида аниқ айтилганки, ҳамиша Кришна онгидаги фаолият билан шуғулланиб юрган киши йогларнинг ичида энг аълоси ҳисобланади. Бундан ташқари, Худо Шахси Хари ҳамиша Ўзининг самимий содиқларининг барча истакларини бажаради. Шунинг учун ҳаётда ҳақиқий муваффақиятга эришиш учун инсон ўз ихтиёрини Худо Шахси Харининг яъни Парвардигор Шри Кришнанинг нилуфар қадамлари пойига топшириши лозим. Худога садоқат билан хизмат қилиш, яъни Кришнани англаш йўлидаги фаолият – инсонга ҳақиқий муваффақит келтирадиган тўғри йўлдир, бошқа йўлларнинг ҳаммаси, ҳатто улар муқаддас китобларда тавсия қилинган бўлса ҳам, узоқ йўллар ҳисобланади. Кали юга даврида узоқ йўллардан кўра ана шу тўғри йўлдан борган маъқул, чунки одамлар бу даврда узоқ умр кўрмайдилар, чуқур тафаккурга эга эмаслар, ҳамиша муҳтожликда яшайдилар ҳамда кўплаб оғир ташвиш ва муаммоларга дуч келадилар. Шунинг учун Парвардигор Чайтанья ҳаётда Худонинг муқаддас номларини зикр қилиш орқали руҳий баркамолликка эришиш имкониятини бериш билан ҳозирги давр одамларига энг буюк саодат бериб кетган.

Сампрапедде харим ибораси шуни кўрсатадики, Худога садоқат билан хизмат қилиб, Кардама Муни Олий Шахс Худо, Харининг марҳаматига эришган. Мазкур шеърда Худога садоқат билан хизмат қилиш ғояси ҳам крийа-йогена ибораси билан ифодаланган. Кардама Муни фақат мууроқаба билан шуғулланмаган, у Худога садоқат билан хизмат қилган: йога ёки мууроқаба қилишда баркамолликка эришиш учун Худога садоқат билан хизмат қилиш доирасида ҳаракат қилиш лозим, яъни Парвардигор ҳақида тинглаш, Унинг муқаддас номларини зикр қилиш, Уни эслаш ва ҳоказо амаллаб билан шуғулланиш лозим. Эслаш ҳам мууроқаба ҳисобланади. Кимни эслаш керак? Олий Шахс Худони эслаш керак. Биз фақат Олий Шахс Худони эслашимиз эмас, балки Парвардигорнинг кароматлари ҳақида тинглашимиз, Уни олқишлашимиз лозим. Барча муқаддас китоблар шуни тасдиқлайдилар. Ўн минг йил давомида Худога садоқат билан хизмат қилишнинг турли усуллари билан машғул бўлиб, Кардама Муни мууроқаба йогасида баркамолликка эришди. Кали югада яшайдиган, ошиб борса юз йил умр кўрадиган кишилар бундай баркамолликка эриша олмайдилар. Ҳозирги даврда ким ҳам йоганинг кўплаб қоида ва кўрсатмаларига қатъий амал қилиб яшай оларди? Бунинг устига, фақат ўзини бутунлай Худога топширган зотлар йогада баркамолликка эриша оладилар. Аммо, агар йога соҳасидаги устозлари Парвардигор ҳақида бирор гап айтмаса, инсон қандай қилиб ўзини Худога бутунлай топшириши мумкин? Худо Шахсига мууроқаба қилишни назарда тутмайдиган усулларни қандай қилиб йога деб аташ мумкин? Афсуски, Кали

югада яшайдиган, айниқса иблис табиатли одамлар ўзлари алданишни истайдилар. Шунинг учун Олий Шахс Худо уларнинг олдига йога ниқоби остида алдаб, уларни бемаъни ва ачинарли аҳволга солиб кўядиган буюк фирибгарларни юборади. Бу ҳақда "Бҳагавад-гита"(16.17)да аниқ айтилган: ўзларининг ҳаром йўллар билан орттирган бойлиги билан мағрурланиб юрган ўзбилармон фирибгарлар йога билан шуғулланишда ишонарли муқаддас китобларнинг кўрсатмаларига амал қилмайдилар. Улар ўзларининг алданишни ўзлари истаган оддий, содда одамларни алдаб топган бойлиги билан жуда мағрурландилар.

#### Текст 8

Кейин, Сатья-югада нилуфар кўзли Парвардигор, Олий Шахс Худо, Кардама Мунининг қилган хизматларидан мамнун бўлиб, унинг олдига пайдо бўлди ва унга Ўзининг фақат Ведалар ёрдамида англаб олиш мумкин бўлган илоҳий қиёфасини кўрсатди.

Изоҳ: Бу шеърда икки нарсага алоҳида эътибор бериш лозим. Биринчидан, одамларнинг умри юз минг йил бўлган Сатья-йуга бошланган даврда Кардама Мунининг йога билан шуғулланиб руҳий баркамолликка эришгани жуда муҳим. Кардама Муни руҳий баркамолликка эришди, ундан мамнун бўлган Парвардигор унга Ўзининг шунчаки инсон ҳаёлида юзага келган сароб бўлмаган ҳақиқий илоҳий қиёфасини кўрсатди. Имперсоналистлар баъзан одамларга ақлини ўзлари ўйлаб топган, ўзларига ёқадиган бирор қиёфада мужжасам қилишни тавсия қиладилар. Лекин бу ерда айтилганки, Парвардигор Ўзининг илоҳий марҳамати билан Кардамага намоён этган қиёфаси шастраларда, ведавий муқаддас китобларда таърифланган. Шабдам браҳма: Ведаларда Парвардигор қиёфаси батафсил таърифланган. Алдоқчи фирибгарларнинг қуруқ гапларидан фарқли равишда Парвардигорнинг Кардама Муни кўрган қиёфаси унинг ўзи ўйлаб топган қиёфа эмасди; у Парвардигорнинг ҳақиқий, мангу, лаззатга тўла ва илоҳий қиёфасини кўрди.

#### Текст 9

Кардама Муни Олий Шахс Худони, моддий иллатлардан бутунлай пок бўлган Парвардигорни кўриб турарди. Парвардигор унинг олдига Ўзининг мангу қиёфасида намоён бўлди, Унинг оппоқ нилуфар гуллари ва сувда ўсадиган лайло гулларида ясалган гулчамбар билан безанган танаси худди куёшдан нур таратиб турарди. Парвардигор сариқ ипакдан тикилган бенуқсон пок либос кийиб олган эди, Унинг нилуфарга ўхшаган юзини ярқираган қоп-қора тўлқин сочлар ўраб турарди.

#### Текст 10

Тож ва сирғалар билан безаниб, У уч қўлида Ўзининг анжомларини ушлаб турарди: сур, халқа ва гурзи. Унинг тўртинчи қўлида эса, оппоқ лайло гули бор эди. Парвардигор Кардама Мунига юзида ҳамма содиқларнинг қалбини ўзига мафтун этадиган бахтиёр табассум билан қараб турарди.

#### Текст 11

Кўксида олтинранг чизик ва машхур Каустубха гавҳари билан У Ўзининг нилуфар қадамлари пойини Гаруданинг елкасига кўйганча ҳавода муаллақ турарди.

Изоҳ: Парвардигорнинг 9-11 шеърларда келтирилган таърифи ҳамма тан оладиган ведавий муқаддас китоблар таркибига кирадиган "Шримад Бхагаватам"нинг мўътабар обрўси билан тасдиқланади. Парвардигорнинг бу таърифини ҳеч қачон Кардама Мунининг ҳаёлида юзага келган сароб деб ҳисобламаслик керак. Парвардигорнинг танасидаги безаклар моддий эмас, буни ҳатто имперсоналистлар ҳам тан оладилар, масалан, Шанкарачарйа айтганки, Олий Шахс Худо, Нараяна моддий оламдан эмас, деб айтган. Илоҳий табиатга эга бўлган Парвардигорнинг намоён бўлган ҳар хил кўринишлари: Унинг танаси, Унинг қиёфаси, кийимлари, насихатлари, нутқи – моддий қувват яратган нарсалар эмас, лекин уларнинг ҳаммаси Ведаларда таърифлаб ёзилган. Йога билан шуғулланиш натижасида Кардама Муни Парвардигорни асл ҳолида кўрди. Парвардигорнинг ҳаёлда пайдо қилиш мумкин бўлган қандайдир ўткинчи сароб қиёфасини кўриш учун ким ҳам ўн минг йил давомида риёзат чекиб йога билан шуғулланарди?

Шундай қилиб, йогада баркамолликка эришиш шунчаки бўшлиқни ёки Парвардигорнинг шахсиятсиз қиёфасини томоша қилишдан иборат эмас: инсоннинг йогада баркамолликка эришганини унинг Парвардигорни мангу ўзгармас илоҳий қиёфада кўра олиш қобилиятига қараб баҳолайдилар. Кришнани англаш усули шундан иборатки, у инсонга Парвардигор Шри Кришнанинг илоҳий қиёфасини кўриш имкониятини беради. Парвардигорнинг илоҳий қиёфаси ишонарли ведавий муқаддас китоб "Брахма-самхита"да таърифланган. Унда айтилганки, Парвардигорнинг даргоҳи чинтамани деб аталадиган тошлардан ясалган, Унинг Ўзи подачи болақай қиёфасида ўйнаб юради, Унга минг-минглаб гопилар хизмат қилади. Парвардигорнинг ана шундай таърифи ишонарли манбадан олинган, Кришнанинг содиқлари уларни шундайлигича қабул қиладилар, уларга асосланиб ҳаракат қиладилар, бошқаларга шундай таърифлаб гапирдилар ҳамда ишонарли муқаддас китобларнинг кўрсатмалари асосида Худога садоқат билан хизмат қиладилар.

#### Текст 12

Кардама Муни Парвардигорнинг шахсий жиҳатини англаб етганида қалбида чуқур мамнуният ҳосил қилди, чунки шу пайт унинг илоҳий истаги амалга ошган эди. У Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойига эҳтиром кўрсатиш учун саждага йиқилди. Унинг қалби Парвардигорга муҳаббат туйғуси билан лиммо-лим тўла эди, у қўлларини ковуштириб Уни ўзининг ширин илтижолари билан мамнун қила бошлади.

Изоҳ: Парвардигорнинг шахсий қиёфасини кўриш йога камолотининг энг олий поғонаси ҳисобланади. "Бхагавад-гита"нинг сеҳрли йога таърифланган олтинчи бобида ҳам Парвардигорнинг шахсий жиҳатини англаб етиш йоганинг комил ҳолати деб айтилган. Ҳар хил асаналарни бажариб, йога тизимининг бошқа қонун-қоидаларга риоя қилиб, инсон охир-оқибатда самадхи ҳолатига эришади, яъни, Парвардигорнинг борлиғига ғарқ бўлади. Самадхи ҳолатида бўлиб, йог Олий Шахс Худони Унинг Параматма қиёфасида кўриб туради, яъни Парвардигорнинг

Ўзини яққол кўради. Йога билан шуғулланиш тизими таърифланган ишонарли китобларда, масалан, "Патанжали-сутра"да, самадхи ҳолати илоҳий лаззат ҳолати деб таърифланган. Патанжали асарларида ёзилган йога жараёни ишонарли тизим ҳисобланади, йогада ўз усулларини ўйлаб топган ва барча ишонарли манбаларни инкор этадиган ҳозирги сохта йогларнинг йога тизими эса - кулгили ва нотўғри. Патанжаланинг йога тизими аштанга йога деб аталади. Баъзан имперсоналистлар Патанжаланинг йога тизимига монизм ғояларини тиқиштириб, уни нотўғри талқин қиладилар. Патанжали айтадики, алоҳида руҳ Олий Руҳ билан учрашиб, Уни томоша қилганида илоҳий лаззат олади. Агар алоҳида руҳ билан Олий Руҳнинг мавжудлигини тан олсак, имперсоналистлар тарғибот қиладиган монизм ғоясининг ҳеч қандай маъноси бўлмайди. Шунинг учун баъзи бир имперсоналистлар ва бўшлиқ фалсафасининг издошлари Патанжали сутраларини ўзларича нотўғри талқин қиладилар ва шу билан бутун йога тизимини бузиб юбоардилар.

Патанжаланинг фикрига кўра, барча моддий истаклардан халос бўлган киши ўзининг ҳақиқий илоҳий ҳолатига қайтади. Ана шу поғонага кўтарилишни Патанжали руҳий қувватга эга бўлиш деб атаган. Моддий фаолият билан шуғулланиб юрган киши моддий табиат гуналари таъсири остида бўлади. Шундай одамлар одатда: 1. Диний қоидаларга риоя қилиб яшашга; 2. Моддий фаровонликка эришишга; 3. Ҳиссиётларини лаззатлантириш имкониятига эга бўлишга ва ниҳоят 4. Парвардигор билан кўшилиб кетишга интиладилар. Монистлар таълимотга кўра, йог Парвардигор билан кўшилиб алоҳида мавжудлигини йўқотганида у камолотнинг кайвалья деб аталадиган олий поғонасига эришади. Лекин, аслида кайвалья – руҳий юксалишнинг тирик мавжудот Худо Шахсини томоша қиладиган поғонасидир. Кайвалья, яъни зиддиятсизлик(недвойственность???) деб Парвардигор бутунлай руҳий табиатга эга эканини тушуниб етишни айтадилар ва руҳий ўзлигини тўла англаб етган инсон Парвардигор Олий Шахс Худо эканини англаб етади. Ана шу ҳолат Патанжали тилида руҳий қувватга эга бўлиш деб аталади. Патанжали айтадики, моддий истаклардан халос бўлиб, алоҳида руҳнинг ва Олий Руҳнинг руҳий табиатини англаб етиб, инсон чит-шактига эга бўлади. Ўзининг руҳий табиатини англаб етган тирик мавжудот илоҳий лаззат ҳис қилади, бу лаззат "Бхагавад-гита"(6.21)да моддий сезгилар ҳис қила олмайдиган олий лаззат деб аталган. Жазава ҳолати икки хил бўлади – сампрагьята ва асампрагьята, яъни фалсафий фикр-мулоҳазалар ва руҳий ўзлигини англаб етиш. Самадхи, яъни асампрагьята ҳолатида тирик мавжудот ўзининг руҳий сезгилари ёрдамида Парвардигорнинг илоҳий қиёфасини ҳис қилади. Руҳий ўзликни англаш жараёнининг якуний мақсади мана шундай иборат.

Патанжаланинг фикрига кўра, Кардама Муни сингари хамиша Парвардигорнинг илоҳий қиёфасини кўриб юрган йог руҳий баркамолликнинг олий поғонасига эришган бўлади. Токи инсон йоганинг аввалги барча поғоналаридан ўтиб, ана шу олий поғонага кўтарилмас экан, уни руҳий ўзлигини англашнинг якуний мақсадига эришган киши деб бўлмайди. Аштанга – йога билан шуғулланиш жараёнининг маълум бир поғонасида инсон саккиз турли мукамалликка эришади. Шундай мукамалликка эришган киши ҳамма нарсадан энгил, ҳамма нарсадан катта бўла олиш, истаган нарсасига эришиш қобилиятига

эга бўлади. Лекин, йога билан шуғулланиш жараёнининг якуний мақсади мана шу моддий қобилиятларга эришишдан иборат эмас. Йоганинг олий мақсади мазкур шеърда таърифланган: Кардама Муни Парвардигорни, Олий Шахс Худони Унинг мангу қиёфасида кўрди. Худога садоқат билан хизмат қилиш шундан бошланадики, алоҳида руҳ билан Олий Рух, яъни Кришнанинг содиқ хизматкори билан Парвардигор Шри Кришна орасида маълум бир муносабат ўрнатилади, ана шу поғонага эришган киши ҳеч қачон йўлдан адашмайди. Агар инсон Олий Шахс Худони яққол кўриш имкониятига эга бўлиш учун йога билан шуғуллана бошласа, лекин кейинроқ у қайсидир кўринишдаги сеҳр қудратига эга бўлишга боғланиб қолса, руҳий юксалишдан тўхтаб, боши берк кўчага кириб қолади. Сохта йоглар қўллаб-қувватлайдиган моддий нарсалардан лаззатланиш билан руҳий фаолиятдан келадиган руҳий лаззат орасида ҳеч қандай умумийлик йўқ. Бхакти-йога йўлидан бораётган ҳақиқий йоглар танасида жон сақлаб туриш учун зарур бўлган моддий эҳтиёжларини қондириш билан чекланадилар; улар ортикча нарсаларнинг барчасидан ва бемаъни моддий лаззатлардан бутунлай воз кечадилар. Улар Олий Шахс Худони яққол кўра оладиган лаҳзани яқинлаштириш учун ҳар қандай қийинчиликларга бардош беришга ва ҳар қандай риёзат чекишга тайёрдилар.

#### Текст 13

Буюк донишманд Кардама шундай деди: Эй барча эзгуликлар маркази бўлган Парвардигор, менинг кўзларим ҳозир энг олий баркамолликка эришиб, ўз вазифасини бажара бошлади, чунки мен бутун борлиқнинг манбаи бўлган Сени кўриб турибман. Буюк йоглар фақат чуқур муроқаблага жуда кўп умрларларини бағишлагандан кейин Сенинг мана шу илоҳий қиёфангни кўриш имкониятига эга бўладилар.

Изоҳ: Мазкур шеърда Олий Шахс Худони эзгулик ва лаззатнинг туганмас манбаи деб таърифляпти. Токи инсон эзгулик гунасида мустаҳкам туриб олмас экан, у ҳақиқий лаззатни ҳис қила олмайди. Шунинг учун инсоннинг танаси, ақли ва ҳаракатлари Худога садоқат билан хизмат қилишда машғул бўлса, у эзгулик гунасининг энг олий ва энг комил ҳолатида бўлади. Кардама Муни шундай дейди: “Сенинг марҳаматинг эзгулик гунасига мансуб бўлган барча нарсаларнинг марказидир, энди, Сени ўз кўзим билан кўриб турганимда, менинг кўзларим баркамолликка эришиб, ўз бурчини бажара бошлади”. Фақат ўз сезгиларини комил ҳолатга етказиш – уларни Худога хизмат қилиш билан машғул қилиш деб биладиган Худонинг асл содиқ хизматкори шундай деб айтиши мумкин. Бизларнинг кўзларимиз Парвардигорнинг гўзал сиймосини кўриб турганда комил ҳолатда бўлади, қулоқларимиз – Парвардигорнинг улуғворлиги ҳақидаги ҳикояларни тинглаётганда, таъм билиш қобилиятимиз – прасад еб лаззатланаётганда комил ҳолатда бўлади. Инсоннинг барча сезгилари Худо Шахси билан боғлиқ фаолият билан машғул бўлганида у руҳий баркамолликка эришади, ана шу ҳолат шастралар тилида бхакти-йога деб аталади; ана шу поғонада инсон ўзининг барча сезгиларини моддий фаолиятдан тортиб олади ва Парвардигорга хизмат қилиш билан машғул қилади. Инсон ўзини шартланган ҳаёт мажбур қиладиган барча қиёслашлардан халос бўлиб, ўзини Худога хизмат қилишга бағишлаганда унинг фаолияти бхакти-йога деб аталади. Кардама Муни айтадики,

бхакти-йога билан шуғулланиб юрган киши учун Парвардигорни юзма-юз кўриш – ўзининг кўзларини, кўриш қобилиятини мукаммал ҳолатга етказиш демакдир. Парвардигорни кўриш – олий баркамоллик деб айтиш билан у муболага қилаётгани йўқ, буни тасдиқлаш учун у атадики, йоганинг олий поғонасига эришган кишилар Худо Шахсининг илоҳий қиёфасини умрлаш оша кўриб юришга интиладилар. Кардама Муни фирибгар-йоглардан бири эмас. Йога билан шуғулланишда ҳақиқатан ҳам баркамолликка эришишни истаган кишилар фақат бир мақсадга – Парвардигорнинг мангу қиёфасини ҳамиша кўриб юришга интиладилар.

#### Текст 14

Сенинг нилуфар пойи қадамларинг – моддий ғофиллик уммонини кечиб ўтиш мумкин бўлган кема. Фақат ақл-идрокини Парвардигорнинг алдамчи қуввати ўғирлаб қўйган одамлар ана шу пойи қадамларинга арзимаган, ҳатто дўзахда чириб ётган мавжудотларга ҳам бериб қўйилган ўткинчи ҳиссий лаззатларга эришиш учун хизмат қиладилар. Аммо Сен, эй азиз Худойим, шунчалик меҳрибонсанки, ҳатто шундай одамлардан ҳам Ўз марҳаматингни аямайсан.

Изоҳ: "Бҳагавад-гита"нинг еттинчи бобида Худонинг содиқларининг икки тоифаси таърифланган – моддий лаззат излайдиган ва Худога садоқат билан хизмат қилишдан бошқа ҳеч нарса истамайдиган содиқлар. Моддий нарсалардан лаззатланиш имконияти ҳатто ҳаёти дўзахдагиларнинг ҳаётидан фарқ қилмайдиган чўчка ва итларга ҳам берилган. Чўчка ҳам овқатланади, ухлайди, истаганча жинсий алоқа қилади, шу билан у ўзининг ҳаётидан ва ундан оладиган жирканч лаззатларидан тўла мамнуният ҳосил қилиб яшайди. Ҳозирги йогларнинг фикрига кўра, одамларда сезги аъзолари, ҳиссиёти бўлгани учун улар ит-мушукларга ўхшаб ҳиссий лаззатга берилиб яшашлари лозим ва уларнинг бу ишлари йога билан шуғулланишга тўсқинлик қилмайди. Мазкур шеърда Кардама Муни ана шундай нотўғри тасаввурларни қоралайди ва бундай лаззатлар ҳатто дўзахий шароитларда яшайдиган ит-мушукларга ҳам берилганлигини айтади. Парвардигор барча тирик мавжудотларга чексиз меҳрибон, шу боис ана шундай дўзахий лаззатлар сохта йогларни мамнун қилишини кўриб, У уларнинг ўзлари интилаётган барча моддий лаззатлардан фойдаланиш имкониятини беради, лекин уларга Кардама Муни эришган руҳий баркамоллик йўлини бекитиб қўяди.

Иблис табиатли кишилар руҳий баркамолликнинг олий поғонаси ҳақида ҳеч нарса билмайдилар, шу боис инсон ҳаётининг асосий мақсади ҳиссиётини лаззатлантириш деб ҳисоблайдилар. Улар айтадиларки, инсон ҳиссий лаззатларга берилиб юриши, айна пайтда қандайдир мантрани зикр қилиш ёки бирор жисмоний машқни бажариш билан руҳий баркамолликка эриша олади. Ана шундай одамларни Кардама Муни бу ерда хата-медхасах, яъни “аклини йўқотган” деб атаган. Улар фақат ўзларининг моддий ҳиссиётини лаззатлантириш мақсадида йогада ёки муроқабга қилишда баркамолликка эришишга интиладилар. "Бҳагавад-гита"да Парвардигор фаришталарга сиғинадиган кишиларни ақл-идрокдан маҳрум бўлган кишилар деб атайди. Мазкур шеърда Кардама Муни ҳам айтяптики, фақат ақлдан озган киши моддий лаззатланиш имкониятига эга бўлиш учун йога билан шуғулланади деб айтяпти. Етарлича ақл-фаросатга эга бўлган йог

Худо Шахсига сиғиниш орқали ғофиллик уммонини кечиб ўтишга ва Парвардигорнинг нилуфар кадамлари пойини кўришга интилиб яшаши лозим. Лекин Парвардигор шунчалик марҳаматлики, ҳатто ҳозирги кунда ҳам ақлдан озган одамларга жинсий алоқа билан истаганча шуғулланиш ва ҳиссиётини лаззатлантириш билан ит, мушук ва чўқаларга айланиш имкониятини бериб қўйган. "Бҳагавад-гита"да буни Парвардигорнинг Ўзи ҳам тасдиқлайди: "Инсон Менга нима тилаб илтижо қилса ҳам, Мен унинг ўзи истаган нарсасини бераман".

#### Текст 15

Шунинг учун мен, хулқ-атвори меникига яқин, оилада ҳамма истақларни бажарадиган сигирга ўхшаган ва эҳтиросимни қондирадиган қизга уйланиш ниятида, Сенинг бутун борлиқнинг манбаи бўлган нилуфар кадамларинг пойидан нажот излайман, чунки Сен худди орзулар дарахтига ўхшайсан.

Изоҳ: Худога моддий нарсаларга эришиш ниятида мурожаат қиладиган одамларни қоралаб бўлиб, Кардама Муни ўзининг ҳам ожизлигини тан олиб, бу ерда қалбадаги моддий истақларини баён этади. "Сендан бирор моддий нарса тилаш керак эмаслигини биламан, - дейди у. – лекин мен барибир хулқ-атвори меникига ўхшаган қизга уйланишни истайман". Бу ерда ишлатилган "хулқ-атвори меникига яқин бўлган" ибораси алоҳида эътиборга эга. Аввалги даврларда хулқ-атвори бир бирига ўхшаш бўлган йигит қизлар оила қурганлар, уларнинг хулқ-атворидаги ана шундай ўхшашлик уларнинг оилавий ҳаётини бахтиёр қилган. Ҳиндистонда ҳали тўрт аср аввал ота-оналар қиз билан йигитнинг гороскоп(???)ларини ўрганиб, аввало уларнинг хулқ-атворлари ўхшашлигини аниқлаганлар. Бўлғуси эр-хотинларнинг хулқ-атвори бир бирига мослигини аниқлашнинг аҳамияти жуда катта. Ҳозирги даврда одамлар мунажжимлардан маслаҳат сўрамайдилар, шунинг учун оила қургандан кейин орадан сал вақт ўтмасдан улар ажралиб кетадилар. Авваллари эр билан хотин бир умр бирга тинч ва осойишта умр кечирганлар.

Кардама муни ўзига хулқ-атвори ўзиникига ўхшаш бўлган қизга уйланишни орзу қиларди, чунки хотиннинг вазифаси – эрининг моддий ва руҳий фаолиятида ёрдам беришдан иборат. Хотин киши эрининг дин, иқтисод ва ҳиссий лаззатланиш соҳасидаги барча истақларининг амалга ошишига ёрдам беради, деб айтадилар. Яхши хотинга тушган киши энг омадли инсон ҳисобланади. Астрологияда(???) мол-дунёси, муносиб фарзандлари кўп ва яхши хотини бор киши омадли инсон ҳисобланади. ана шундай омадли одамлар орасида яхши хотини бўлган киши энг омадли инсон бўлади. Уйланишдан олдин қизларнинг гўзаллиги ва фақат ҳиссий лаззат берадиган бошқа сифатларига учмасдан, инсон ўзига хулқ-атвори ўзиникига ўхшаш бўлган қизни излаши керак. "Шримад Бҳагаватам"нинг ўн иккинчи кўшиғида айтилганки, Кали-йугада одамлар орасида никоҳларнинг ҳаммаси фақат жинсий алоқага асосланган бўлади, эр билан хотин бир бирининг жинсий алоқага бўлган эҳтиёжини қондиришни бас қилган заҳоти улар орасида ажралиш масаласи кўндаланг туради.

Бундай илтимос билан Кардама Муни фаришта Умага мурожаат қилса ҳам бўларди, чунки муқаддас китобларда яхши хотинга уйланишни истаган кишига фаришта Умага илтижо қилиш тавсия қилинган. Лекин Кардама Муни Олий Шахс Худога илтижо қилишни афзал билди, чунки "Шримад Бҳагаватам"да аниқ

айтилганки, ҳар бир инсон - қалби моддий истақларга тўлаи ёки моддий истақлардан бутунлай покми, ёки руҳий озодликка интиладими, - ягона Парвардигорга илтижо қилиши лозим деб айтилган. Одамларнинг ана шу уч тоифаси ичида бировлар моддий истақларига эришиб бахтли бўлишга интиладилар, яна бирлари Парвардигор билан қўшилиб кетишга интиладилар, учинчи бирлари эса Худонинг содиқ хизматкори бўладилар ва ҳақиқий руҳий баркамолликка эришадилар. Содиқ хизматкорга Худо Шахсидан ҳеч нарса керак эмас, у фақат бир нарсага – Парвардигорга илоҳий муҳаббат билан хизмат қилишга интилади. Нима бўлганда ҳам, одамларнинг ҳаммаси Олий Шахс Худога, ягона Парвардигорга сиғинишлари лозим, Парвардигор уларнинг барча истақларини амалга оширади. Ягона Парвардигорга сиғинишнинг афзаллиги шундаки, агар инсон ҳатто моддий лаззатланиш истагида сиғинса ҳам, вақти келиб у ҳам Худонинг асл содиқ хизматкори бўлиб етишади ва барча моддий истақларидан халос бўлади.

#### Текст 16

Эй Парвардигор, Сен – барча тирик мавжудотларнинг сардори ва ҳукмдорисан. Сенинг амрингга бўйсунган ҳолда барча шартланган руҳлар худди ипга боғлангандай, ҳамиша ўзларининг истақларини амалга ошириш билан машғул бўлиб юрибдилар. Улар билан бир қаторда мен ҳам Сенга – мангу замонга эҳсон қиламан, эй дин тимсоли.

Изоҳ: "Катха-упанишад"да, Парвардигор барча тирик мавжудотларнинг боши, аввали деб айтилган. У барча тирик мавжудотларнинг мавжудлигини таъминлаб туради ва уларнинг эҳтиёжларини қондириб, барча истақларини амалга оширади. Бирор тирик мавжудот мустақил эмас; биз ҳаммамиз Парвардигорнинг марҳаматига муҳтожмиз. Шунинг учун Ведалар биздан Худо Шахси, Парвардигорнинг кўрсатмаларига амал қилиб ҳаётдан лаззатланиб яшашни талаб қилади. Ведавий муқаддас китобларда, масалан, "Ишопанишад"да айтилганки, бутун борлиқ Парвардигорнинг мулки, шунинг учун инсон бировнинг мулкига кўз олайтирмасдан, ўз улуши сифатида ўзига ажратиб берилган нарсаларга қаноат қилиб яшаши лозим. Ҳар бир тирик мавжудот учун энг яхши амал – моддий ёки руҳий ҳаётга фақат Худонинг кўрсатмалари асосида лаззатланиб яшашдан иборат.

Шундай савол туғилиши мумкин: агар Кардама Муни руҳий баркамолликка эришган бўлса, нимага у Парвардигордан уни руҳий озодликка чиқаришни тиламади? Нимага у ўз кўзлари билан Парвардигорни кўрганга қарамасдан моддий ҳаётдан лаззатланишни истади? Гап шундаки, моддий олам тутқунлигидан озодликка чиқишга ҳамма бирдай қодир бўлавермайди. Шунинг учун ҳар бир инсон ўзининг ҳозирги ҳолатига мос равишда Худонинг ёки муқаддас китобларнинг кўрсатмаларига риоя қилган ҳолда ҳаётдан лаззатланиб яшаши лозим. Ведалар – Парвардигорнинг Ўзи айтган гаплар ҳисобланади. Бизларга моддий оламда лаззатланиш имкониятини берган ҳолда, Парвардигор айни пайтда бизларга вақти келиб моддий олам тутқунлигидан озодликка эришиш учун Ведавий муқаддас китобларнинг кўрсатмаларига қандай амал қилиб яшаш лозимлигини тушунтиради. Моддий оламга ўзларининг моддий истақларини амалга ошириш ва моддий табиат устидан ҳукмронлик қилиш учун келган

шартланган рухлар ўзлари моддий табиат қонунлари ҳукми остига тушиб қоладилар. Шунинг учун улар учун энг тўғри йўл – Ведаларнинг кўрсатмаларига амал қилиш ва шу тарзда аста-секин руҳий озодликка эришиш.

Кардама Муни Парвардигорни шукла, яъни “дин ҳукмдори” деб атаган. Такводор инсон ҳақиқий дин қонунларига риоя қилиб яшаши лозим, чунки уларни Парвардигорнинг Ўзи инсонлар учун яратиб қўйибди. Бирор тирик мавжудот дин яратишга ёки ўйлаб топишга қодир эмас; “дин” ибораси “Худонинг қонунлари” ёки “Худонинг кўрсатмалари” деган маънони англатади. Парвардигор "Бхагавад-гита"да айтадики, ҳақиқий динга эътиқод қилиш – Унга ўз ихтиёрини топширишдан иборат. Шунинг учун ҳар бир инсон Ведаларнинг кўрсатмаларини бажариши ва ўзини Худонинг ихтиёрига топшириши лозим, чунки инсон ҳаётининг олий мақсади ва энг олий руҳий баркамоллик шундан иборат. Инсон ҳаётда такводор бўлиб, барча диний кўрсатмаларга риоя қилиб уйланиши ва руҳий ўзлигини англаб етиш учун руҳий баркамолликка интилиб тинч, осойишта умр кечириши лозим.

#### Текст 17

Машаққатли дунёвий фаолиятдан воз кечган ва ҳайвонлардай яшайдиган дунёвий одамлар билан ҳамсухбат бўлишни тарк этган; Сенинг нилуфар қадамларинг пойидан нажот топган ва ўзаро суҳбатларида Сенинг сифатларинг ва кароматларинг ҳақидаги кишини маст қиладиган ҳикоялардан лаззатланиб юрган кишилар ўзларининг моддий танасининг эҳтиёжларини қондириш заруратидан халос бўладилар.

Изоҳ: Оилавий ҳаётнинг зарурлиги ҳақида гапириб бўлиб, Кардама Муни алоҳида таъкидлаб айтадики, инсонлар жамиятидаги бошқа ҳар қандай машаққатли иш сингари никоҳ ҳам моддий лаззатларга боғланиб қолган кишилар учун мўлжалланган. Ҳайвонларга хос бўлган ҳаёт: овқатланиш, ухлаш, бола-қача қилиш ва ҳаётини ҳимоя қилиш – моддий тананинг эҳтиёжларидир, аммо жамиятда оддий одамлар учун мўлжалланган қонун-қоидалар ўзининг бутун ҳаётини Кришна онгида амалга ошириладиган илоҳий фаолиятга бағишлаган ва одатда одамлар бу дунёда машғул бўлиб юрган моддий фаолиятни бутунлай тарк этган кишиларга тааллуқли эмас. Шартланган рухлар моддий қувватнинг, яъни, ўтмиш, ҳозир ва келажакдан иборат мангу замон чангалида асирликда, аммо Кришна онгида фаолият кўрсатиб юрган кишилар ўтмиш ва ҳозир чегараларидан ташқари чиқадиладар ва ўзларини руҳнинг мангу фаолиятига бағишлайдилар. Моддий ҳаётдан лаззатланиб яшаш учун Ведаларнинг кўрсатмаларига риоя қилиб яшаш лозим, лекин, Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган кишига моддий оламда ҳукм сураётган қонунлар таъсир қилмайди. Ана шундай содиқлар моддий фаолият қонун-қоидаларига риоя қилмайдилар; улар ҳеч иккиланмасдан уларни худди соябондай туғилиш ва ўлишларнинг жазирама иссиғидан халос этадиган Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойи паноҳи остига қирадилар.

Рухнинг ҳамиша бир танадан иккинчи танага кўчиб юриши бизнинг моддий оламдаги барча мусибатларимизнинг асосий сабабидир. Моддий оламдаги шартланган ҳаёт самсара деб аталади. Аввалги ҳаётда кўплаб савоб ишлар қилган киши яхши моддий шароитларда туғилиши мумкин, лекин тирик мавжудотларни

туғилиш ва ўлишга маҳкум этадиган бешафқат қонун уларнинг ҳаётини ловуллаб ёниб турган ёнғинга айлантириб қўяди. Шри Вишванатха Чакраварти Тхакур бу ҳақда ўзининг руҳий устозига қилган илтижосида айтган. Самсара, туғилиш ва ўлишлар чархпалаги худди ўрмонга кетган ёнғинга ўхшайди. Ўрмонга биров атайлаб ўт қўймайди – ўрмондаги ёнғин ўзидан ўзи қуруқ шохаларнинг бир бирига ишқаланиши сабабли келиб чиқади, ана шу ёнғинни на ўт ўчириш машинаси, на бирор фидойи йўловчи ўчиришга қодир эмас. Бу қутурган оловни фақат қалин булутлардан қўйилаётган кучли ёмғир ўчира олади. Руҳий устознинг марҳаматини ана шундай булутларга ўхшатадилар. Руҳий устознинг марҳамати билан моддий ҳаёт осмонида Парвардигорнинг марҳамати булутлари пайдо бўлади, инсон бошига Кришна онгининг ёмғири ёғилгандан кейин, унинг моддий ҳаёт олови сўниб қолади. Мазкур шеърда ҳам ана шу ҳақда айтилган. Шартланган ҳаёт чангалидан қутулиш ва моддий оламда яшашни тарк этиши учун инсон Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойи паноҳига кириши лозим. Лекин буни имперсоналистларга ўхшаб эмас, балки Худога садоқат билан хизмат қилиш, яъни Парвардигорнинг кароматлари ҳақидаги ҳикояларни тинглаш ва такрорлаш орқали амалга ошириш керак. Фақат шунда инсон дунёвий кармали фаолият исканжасидан қутулиб кетиши мумкин. Мазкур шеърда Кардама Муни бизларни моддий оламдаги шартланган ҳаётни тарк этишга ҳамда, ташқи кўринишлари қанчалик ярқироқ бўлмасин, аслида еб-ичиш, ухлаш, бола-қача қилиш ва ўзини ҳимоя қилишдан иборат бўлган ҳайвоний ҳаёт кечириб юрган кишилар билан ҳамсухбат бўлишдан воз кечишга чакиради. Парвардигорни олқишлайдиган ҳикояларни тинглаш ва такрорлаш бу ерда твад-гуна-вада-сидху деб аталган. Фақат Парвардигорнинг эрмаклари ҳақидаги ҳикоялар нектарини ичиб юрган кишигина моддий ҳаётнинг ўткинчи лаззатларига боғланишдан халос бўла олади.

#### Текст 18

Сенинг уч айлана(ступица???)ли ғилдирагинг ўзгармас Браҳман ўки атрофида айланиб туради. Унинг ўн уч кегайи(спица), уч юз олтмиш бўлаги ва олти гупчаги(обод???) бор, унинг юзига сон-саноксиз япроқлар қизилган. Гарчи, катта тезликда айланаётган бу ғилдиракнинг ҳаракати бутун борлиқнинг мавжудлик даврини қисқартираётган бўлса ҳам, у Худонинг содиқларининг умрига таъсир ўтказа олмайди.

Изоҳ: Замон, вақт мезони Худонинг содиқларининг ҳаётига таъсир қилмайди. "Бхагавад-гита"да айтилганки, ҳатто Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлида қилинган озгина ҳаракат ҳам инсонни бу дунёдаги энг катта фалокатдан асраб қолади. Ана шундай фалокат руҳнинг бир танадан иккинчи танага кўчиб юриши ҳисобланади, ана шу ҳалокатли жараёни фақат Худога садоқат билан хизмат қилиш орқали тўхтатиш мумкин. Ведавий муқаддас китобларда шундай дейилган: харим вана на сритим таранти – Парвардигорнинг марҳаматисиз туғилиш ва ўлишлар чархпалагидан қутулишнинг иложи йўқ. "Бхагавад-гита"да ҳам тасдиқланганки, фақат Парвардигорнинг ва Унинг кароматларининг, Унинг моддий оламга келиш ва кетишларининг илоҳий табиатини англаб етган киши туғилиш ва ўлишлар чархпалагидан қутулиб, Худонинг даргоҳига эриша олади. Вақт лахзаларга, дақиқаларга, соатларга, кунлар, ойлар, фасллар, йиллар ва

ҳоказоларга бўлинади. Вақтнинг мазкур шеърда келтирилган санаб ўтилган таркибий қисмлари Ведаларда келтирилган астрономик ҳисоб-китобларга асосланган. Ведаларга риту деб аталадиган йил олти фаслга бўлинади. Тўрт ой давом этадиган вақт чатурмасья деб аталади. Тўрт ойдан таркиб топган уч давр бир йилни ташкил этади. Ведавий календарь йили ўн икки ёки ўн уч ойдан иборат бўлади. Адхи-маса, мала-маса деб аталадиган ўн учинчи ой ҳар учинчи йилда қўшилади. Лекин, Худонинг содиқларининг ҳаётига вақт мезони умуман таъсир қилмайди. "Шримад Бхагаватам"нинг бошқа бир жойида айтилганки, қуёш ўзининг ҳар бир чиқиши ва ботиши билан барча тирик мавжудотларнинг умрини қискартиради, аммо Худого садоқат билан хизмат қилиб юрган содиқлар ҳаётига ўз ҳукмини ўткази олмайди. Мазкур шеърда вақт уч юз олтмиш бўлими, йил фаслларини билдирадиган олти айланаси, сон-саноксиз лаҳза, дақиқаларни билдирадиган япроқлардан иборат катта ғилдиракка қиёсланган. Ана шу замон, ғилдирак мангу мавжудлик, яъни Браҳман атрофида айланиб туради.

#### Текст 19

Эй Парвардигор, Сен бир Ўзинг барча коинотларни яратасан. Эй Олий Шахс Худо, худди ўргимчак аввалига ўз қуввати ёрдамида тўр тўқигани ва кейин уни яна ўзи йиғиштириб олгани сингари, Сен ҳам коинотларни яратиш мақсадида уларни дунёга келтирасан, уларнинг мавжудлигини таъминлаб турасан, кейин эса, Ўзингнинг иккинчи қувватинг – йогамайя ҳукмронлик қиладиган қувватинг ёрдамида уларни йиғиб оласан.

Изоҳ: Мазкур шеърда имперсоналистларнинг Худо - бутун борликдан иборат деган назариясини инкор этадиган жуда муҳим аҳамиятга эга икки ибора келтирилган. Кардама Муни шундай дейди: “Эй Парвардигор, эй Худо Шахси, Сен ягонасан, аммо Сенинг сон-саноксиз қувватларинг мавжуд”. Ўргимчак мисоли ҳам жуда муҳим. Ўргимчак – алоҳида тирик мавжудот; ўз қуввати ёрдамида у тўр ясайди, бироз вақт унда ўйнаб юради, кейин, истаган пайтда тўрини йиғиб олади ва ўйинларини тамомлайди. Ўзининг сўлагидан тўр ясар экан ўргимчак алоҳида мавжудлигини йўқотмайди. Худди шундай, Ўз қуввати ёрдамида оламни яратиш ёки намоён этиш билан уни яратган Зот ҳам Ўзининг шахс сифатини йўқотмайди. Мана шу илтижонинг ўзиёқ Парвардигорнинг онги мавжудлигини кўрсатиб турибди. У Худонинг содиқларининг илтижоларини тинглайди, уларнинг истакларини амалга оширади. Шунинг учун Уни сач-чид-ананда-виграха, яъни илм, лаззат ва мангуликдан иборат қиёфа деб атайдилар.

#### Текст 20

Эй азиз Парвардигор, Сен кўпол ва нафис унсурлардан иборат бу борликни ўз истагинг билан эмас, балки фақат бизларга ўз ҳиссиётимизни лаззатлантириш имконини бериш учун яратасан. Илоё бизларга Сенинг бесабаб марҳаматинг ёғилган бўлсин, чунки Сен бизнинг кўз олдимизда Ўзингнинг туласи баргларида ясалган чиройли гулчамбар безаб турган мангу қиёфанга пайдо бўлдинг.

Изоҳ: Бу ерда аниқ айтилганки, моддий олам Парвардигорнинг Ўз хоҳиши билан яралган эмас; уни Парвардигорнинг ташқи қуввати яратади, чунки унда тирик

мавжудотлар лаззатланишни истайдилар. Моддий олам ҳиссий лаззатларга бефарқ бўлган, ҳамиша Худого илоҳий муҳаббат билан хизмат қилиб юрган ва Кришна онгида мангу яшаб юрган кишилар учун яратилган эмас. Улар учун илм ва лаззатга тўла мангу ҳаёт ҳукм сурадиган руҳий олам мавжуд. "Шримад Бхагаватам"нинг бошқа бир жойида айтиладики, Олий Шахс Худонинг нилуфар қадамлари пойидан паноҳ топган киши моддий оламнинг арзимас мато эканини тушунади; инсонни ҳар қадамда турли хавф-хатар кутиб турадиган бу моддий олам Худонинг содиқлари учун эмас, балки ўз ҳаётини хавф-хатарга қўйиб, моддий қувватни ўзига бўйсундиришга интилиб юрган зотлар учун яратилган. Кришна шу қадар меҳрибонки, лаззатланишга интилиб юрган тирик мавжудотлар учун алоҳида бир олам яратиб қўйибди, шу ерда улар ўзлари истаганча лаззатлана оладилар, айна пайтда Кришнанинг Ўзи ҳам бу дунёга Ўзининг шахсий қиёфасида келади. Ўзи истамаган ҳолда моддий оламни яратиб, Парвардигорнинг Ўзи унга келади ёки Ўзининг сеvimли ўғиллари ёки хизматкорларидан бирини юборади ёки Ўзининг ишончини қозонган бирор ёзувчига, масалан Вьясадевага, Ўз насиҳатларини китоб қилиб ёзишни топширади. Парвардигорнинг Ўзи ҳам "Бхагавад-гита"да одамларга насиҳат беради. Моддий оламда чириб юрган адашган тирик мавжудотларни Худонинг даргоҳига қайтишга ва Унга ўз ихтиёрини топширишга ундаш мақсадида ана шундай тарғибот ишлари моддий оламни яратиш билан бир вақтнинг ўзида олиб борилади. Шунинг учун "Бхагавад-гита"нинг якуний насиҳатида шундай дейилган: “Моддий оламда ўзинг ўйлаб топган барча бурч ва вазифаларингни тарк эт ва ўзингни бутунлай Менга топшир. Мен сени барча гуноҳларинг оқибатидан халос этаман”.

#### Текст 21

Мен такрор ва такрор Сенинг ишончли нажот макони бўлган нилуфар қадамларинг пойига сажда қиламан, чунки Сен бу дунёдаги ноилож тирик мавжудотларга бахт-саодат келтирасан. Барча тирик мавжудотларга Сени англаб етиш ва шу билан кармали фаолиятга боғланиш ришталаридан озод бўлиш имкониятини бериш учун Сен Ўз қувватинг ёрдамида бу моддий оламларни яратиб қўйгансан.

Изоҳ: Ҳар бир инсон – у моддий лаззатга интилиб юрибдими, озодликка чиқишга интиладими ёки Худо Шахсига илоҳий муҳаббат билан хизмат қилишни истайдими – ягона Парвардигорга сажда қилиши лозим, чунки Парвардигор ҳар қандай истакни амалга оширишга қодир. "Бхагавад-гита"да Парвардигор айтганки, йе йатха мам прападйанте – Парвардигор моддий оламда лаззатланишни истаган ҳар бир инсонга лаззатланиш имконини беради; моддий олам тутқунлигидан озодликка чиқишни истаган ҳар бир кишига Парвардигор руҳий озодлик ато этади, Парвардигор ҳамиша тўлиқ Кришна онгида Худого садоқат билан хизмат қилиб яшашни истаган кишига ҳам имкон яратиб беради. Моддий лаззатланишга интилиб юрган кишилар учун Парвардигор Ведаларда кўплаб қурбонлик маросимларини тавсия қилиб қўйибди, ана шу қурбонлик маросимларини ўтказиб юрган киши кейинги ҳаётида жаннатий сайёраларда моддий ҳаётдан лаззатланиб яшаш имкониятига эга бўлади ёки ер юзидаги бадавлат оилаларда туғилади. Ведаларда буларнинг ҳаммаси баён этилган, истаган киши Ведаларнинг

кўрсатмаларидан фойдаланиши мумкин. Моддий олам тутқунлигидан озодликка чиқишга интилиб юрган одамлар ҳам Ведаларга мурожаат қилиши мумкин.

Токи инсон моддий лаззатлардан тўймас экан, у рухий озодликка чиқишга интилмайди. Фақат моддий нарсалар берадиган лаззатлар қалбида жирканишдан бошқа бирор туйғу уйғотмайдиган кишиларгина рухий озодликка интиладилар. Шунинг учун "Веданта-сутра"да шундай дейилган: атхато брахма джиджнаса - моддий оламда бахт топишга интилишни бас қилган киши Мутлақ Ҳақиқат ҳақида савол бера бошлайди. Мутлақ Ҳақиқатни англаб етишни истаган ҳар бир инсон "Веданта-сутра"га ёки унга ишонарли изоҳ сифатида ёзилган "Шримад Бхагаватам"га мурожаат қилиши мумкин. "Бхагавад-гита"ни ҳам "Веданта-сутра" деб аташ мумкин, шунинг учун "Шримад Бхагаватам", "Веданта-сутра" ёки "Бхагавад-гита"нинг мазмунини тушунган киши ҳақиқий илмга эга бўлади. Ҳақиқий илмга эга бўлган киши назарий жиҳатдан Парвардигор билан бир ҳолатга эришади, Браҳманга хизмат қилишни, яъни Кришна онгида ҳаракат қилишни бошлаш билан у шунчаки рухий озодликка эришиб қолмасдан, рухий яъни илоҳий поғонага кўтарилади. Худди шундай, моддий табиат устидан ҳукмронлик қилишга интилиб юрган одамлар учун моддий лаззатларнинг турли хил ва шакллари мавжуд; моддий илм, моддий фан, улар билан лаззатланишни истаган кишилар учун Парвардигор ҳамма шароитларни яратиб беради. Шундай қилиб, инсон ҳаётда нимага интилиб юрган бўлса ҳам, у Олий Шахс Худога сажда қилиши лозим. Бу ерда ишлатилган кама-варшам ибораси муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у Парвардигор Ёзидан ёрдам сўраб мурожаат қилган ҳар бир инсоннинг истагини бажаради. Лекин, Кришнани самимий севадиган ва айни пайтда моддий лаззатланишга интилиб юрган киши жуда қийин аҳволга тушиб қолади. Парвардигор Шри Кришна шундай кишига алоҳида меҳрибонлик кўрсатиб унга Худога илоҳий муҳаббат билан хизмат қилиш имкониятини беради, шунда у аста-секин алданишлардан халос бўлиб, барча гумонлари тарқалиб кетади.

#### Текст 22

Майтрея давом этди: Ёзидан ғаройиб нур таратиб Гаруданинг елкасида турган Парвардигор Вишну бу самимий олқишларни тинглаб туриб, унга худди нектардай ширин сўзлар билан жавоб берди. У донишмандга нигоҳ ташлаганида, чиройли қошлари бироз кўтарилди, юзида эса майин табассум пайдо бўлди.

Изоҳ: Мазкур шеърдаги вачасамритена ибораси алоҳида муҳим аҳамиятга эга. Ҳар гал Парвардигор гапира бошлаганида Унинг гаплари илоҳий даргоҳдан келади. Парвардигорнинг нутки моддий оламга тегишли эмас. У илоҳий табиатга эга бўлгани учун Унинг нутқи ва қароматлари ҳам илоҳийдир; Парвардигор билан боғлиқ бўлган ҳамма нарса илоҳий табиатга эга бўлади. Амрита ибораси ўлим, яксон бўлишдан озод нарсани ифодалайди. Парвардигорнинг гаплари ва қароматлари мангу, барҳаёт, демак, улар моддий олам яратган нарсалар эмас. Моддий оламнинг товушларининг табиати билан рухий оламнинг товушлари бир биридан жуда катта фарқ қилади. Рухий оламнинг мангу товушлари ҳамиша ёқимли, моддий оламнинг ўткинчи товушлари эса дарров жонга тегиб кетади. Ҳаре Кришна мантрасининг товушлари – Ҳаре Кришна Ҳаре Кришна Кришна Кришна Ҳаре Ҳаре \ Ҳаре Рама Ҳаре Рама Рама Рама Ҳаре Ҳаре – бу номларни

зикр қилиб юрган кишини уларни яна ҳам кўпроқ такрорлашга илҳомлантиради. Бир хилдаги моддий товушлар эса кишини бир пасда чарчатиб қўяди, аммо Ҳаре Кришна мантрасини туну-кун зикр қилиш мумкин; бундан инсон чарчаб қолмайди, аксинча, унинг Худонинг муқаддас номларини зикр қилишга бўлган ихлоси тобора ортиб бораверади. Парвардигорнинг донишманд Кардамага берган жавоблари ҳақида гапирар экан, Майтрея вачасамритена иборасини ишлатади, бу билан у Парвардигор донишмандга рухий оламдан мурожаат қилиб турганини алоҳида таъкилламоқчи бўляпти. Парвардигорнинг гаплари илоҳий табиатга эга эди; У гапираётганда Унинг қошлари бироз кўтарилди, унинг бу ҳаракатида чуқур меҳр-муҳаббат сезилиб турарди. Содиқ хизматкор Парвардигорни олқишлаганида Парвардигор бундан чуқур лаззат олади ва Ёзининг содиқ хизматкорига илоҳий бахт ато этади, чунки Парвардигор ўз ихтиёрини Унга топширган зотларга марҳамат кўрсатишга ҳамиша тайёр.

#### Текст 23

Парвардигор деди: Сенинг қалбингдаги фикру-хаёлингдан хабардор бўлганим учун, қандай ният билан ақлингни ва ҳиссиётингни жиловлаб Менга сажда қилиб юрган бўлсанг, Мен сен учун шу нарсани тайёрлаб қўйганман.

Изоҳ: Парвардигор Параматма киёфасида ҳар бир тирик мавжудот қалбида мавжуд, шунинг учун У ҳар бир инсоннинг ўтмиши, ҳозир ва келажagini, шунингдек унинг барча истакларини, улар билан боғлиқ бўлган ҳамма нарсани жуда яхши билади. "Бхагавад-гита"да айтилганки, қалбимизда мавжуд бўлган Парвардигор бизнинг ҳар бир ишимизни кузатиб туради. Худо Шахси, Кардама Мунининг қалбидаги ниятини яхши билган Парвардигор унинг ўз ниятига етишига ёрдам берди. Парвардигор ҳеч қачон Ёзининг самимий содиқ хизматкорининг ҳафсаласини пир қилмайди. У содиқ хизматкорининг барча истакларини амалга оширади, лекин бунда У содиқ хизматкорини унинг Худога садоқат билан хизмат қилишига ҳалақит берадиган нарсаларга дучор бўлишига йўл қўймайди.

#### Текст 24

Парвардигор давом этди: Эй азиз риши, эй тирик мавжудотларнинг сардори, билиб қўйки, Менга сажда қилиб ва садоқат билан хизмат қилиб юрган, айниқса сенга ўхшаб, ўзининг бутун борлигини Менга топширган кишилар ҳеч қачон афсус-надомат дарди қандай бўлишини билмайдилар.

Изоҳ: Ҳатто Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган инсоннинг қалбида қандайдир моддий истаклари бўлса ҳам, ҳеч қачон унинг ҳафсаласи пир бўлмайди. Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган кишиларни сакама ва акама деб айтадилар. Сакама – моддий лаззатланиш ниятида Худога мурожаат қилиб юрган, акама эса – моддий лаззатга интилмайдиган, Парвардигорга муҳаббат юзасидан хизмат қилиб юрган одамлар. Худонинг сакама тоифасидаги содиқлари тўрт хил бўлади: бошига мусибат тушганлар; пулга муҳтож бўлганлар; илм ўрганишга интилиб юрганлар ва донишмандлар. Бировлар Парвардигорга қандайдир моддий ва рухий мусибатлардан халос бўлиш учун сажда қиладилар, бировлар пулга

мухтож бўлганда Худога сажда қила бошлайдилар, бировлар Худонинг ким эканини билиб олиш учун қизиққанидан Унга сизгина бошлайдилар, яна бировлар ўзининг ақл кучига ишониб, Парвардигорни фалсафий изланишлар ёрдамида англаб етишга интиладилар. Лекин Парвардигор уларнинг бирортасининг ҳам ҳафсаласини пир қилмайди, У ким Унга қандай ниятда сизиниб юрган бўлса, шу ниятини амалга оширади.

#### Текст 25

Маъбуд Браҳманинг ўғли, ўзининг садоқати билан машҳур император Сваямбхува Ману Браҳмавартада яшайди ва шу ерда туриб етти океан ўраган бутун ер юзини бошқариб туради.

Изоҳ: Бировларнинг фикрига кўра Браҳмаварта Курукшетранинг бир қисми ёки Курукшетранинг ўзи Браҳмавартада жойлашган, чунки фаришталарга Курукшетрада рухий маросимларни ўтказиш тавсия қилинган. Бошқа бировларнинг фикрига кўра Браҳмаварта – Браҳмалоканинг бир қисми бўлиб, Сваямбхува Ману шу ерда ҳукмронлик қилган. Номлари олий сайёраларда ҳам машҳур бўлган жойлар Ер юзида жуда кўп. Масалан, Вриндаван, Дварака ва Матхура бизнинг сайёрамизда жойлашган, аммо улар Кришналокада ҳам мангу мавжуд. Ер юзида бунга ўхшаган жойлар жуда кўп, шунинг учун Парвардигор Вараха даврида, мазкур шеърда айтилганидек, Ер юзига Сваямбхува Ману ҳукмронлик қилган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Мазкур шеърда ишлатилган мангалах ибораси муҳим аҳамиятга эга. Одатда бу ибора билан барча диний қонун-қоидаларга ихлос билан амал қиладиган, ҳокимликка эга, покликка риоя қиладиган ва барча эзгу фазилатларга эга бўлган кишини ифодалайдилар. Вихйата дегани “шон-шухрат қозонган” деган маънони билдиради. Сваямбхува Ману ўзининг эзгу фазилатлари ва бойлиги билан машҳур бўлган.

#### Текст 26

Эй браҳман, бир кундан кейин диний урф-одатлар билимдони бўлган ана шу машҳур император сен билан учрашиш учун хотини Шатарупа билан бирга шу ерда бўлади.

#### Текст 27

Унинг қора кўз, чиройли бир қизи бор. У балоғат ёшига етган, итоаткор ва барча эзгу фазилатларга эга. Ана шу қиз ҳам ўзига муносиб куёв ахтариб юрибди. Эй ҳукмдорим, унинг ота-онаси қизини сенга хотинликка бериш учун келадилар, чунки қизи учун сендан муносиброқ номзод йўқ.

Изоҳ: Қизи учун яхши куёв танлаш ҳамиша ота-онанинг иши бўлган. Бу ерда аниқ айтилганки, Ману ва унинг хотини Кардама Мунининг олдига келиб, унга ўзларининг қизини хотинликка беришни таклиф қилмоқчилар; уларнинг қизи барча эзгу фазилатларга эга эди, шу боис ота-онаси унга муносиб куёв излаб юрган эдилар. Ота-онанинг бурчи шундан иборат. Ота-она қиз фарзандини кўчага чиқариб юбориб, уни куёв излашга мажбур қилмаслиги керак. Балоғат ёшига етган қиз ўзига куёв излар экан, у бўлғуси куёв унга тўғри келиш-келмаслиги ҳақида

ўйлаб ўтирмайди. Эҳтиросга берилган қиз дуч келган йигитни “севиб” қолаверади, аммо унга куёвни ота-она танлаганида, улар биринчи навбатда куёвнинг қизига мос келиш-келмаслигини ўйлайдилар. Шунинг учун Ведалар маданиятида қиз болани ҳамиша унга муносиб куёв танлаб, ота-онаси эрга берганлар; қиз боланинг ўзи ўзига куёв танлашига ҳеч қачон йўл қўймаганлар.

#### Текст 28

Эй авлиё донишманд, ана шу малика – сен қалбинг тўрида шунча вақтдан бери орзу қилиб юрган қиз бўлади. Тез орада у сенинг хотининг бўлади ва ихлос билан хизмат қилиб сени мамнун қилади.

Изоҳ: Парвардигор ўзининг содиқ хизматкорининг барча эзгу ниятларини амалга оширади, шунинг учун, Кардама Мунига мурожаат қилар экан, Парвардигор деди: “Сенга хотин бўладиган қиз – малика, император Сваямбхуванинг қизи, шунинг учун у сен учун муносиб жуфт бўлади”. Фақат Худонинг марҳамати билан эркак киши ўзи орзу қилган яхши хотинга эга бўла олади. Худди шундай, фақат Худонинг марҳамати билан қиз бола ўзи қалбининг тўрида интилиб юрган куёвга турмушга чиқа олади. Шунинг учун айтилганки, агар инсон моддий оламдаги ўзининг ҳар бир ишини бошлашдан олдин Парвардигорга ёрдам сўраб илтижо қилиб юрса, унга ҳамиша омад ёр бўлади ва унинг ҳамма истаклари албатта амалга ошади. Бошқача қилиб айтганда, ҳар қандай вазиятда ҳам бизлар Олий Шахс Худонинг паноҳига киришимиз ва ҳамиша Унга таваккал қилишимиз лозим. Инсон фақат ният қилиши мумкин, аммо у фақат Худонинг марҳамати билан ниятига ета олади. Шунинг учун истакларимизнинг амалга ошишини Худога топшириш лозим, мана шу энг доно қарор бўлади. Кардама Муни уйланишни ният қилган эди, аммо Худонинг содиқ хизматкори бўлгани учун Парвардигор унга буюк императорнинг қизи бўлган маликани танлади. Шундай қилиб, Кардама Муни унинг барча умидларини ортиғи билан оклаган қизга уйланди. Танлаш ҳуқуқини Парвардигорнинг ўзига топшириш билан биз ўзимиз ҳатто тасаввур ҳам қила олмайдиган бахт-саодатга эришамиз.

Бундан ташқари, айтиш жоизки, Кардама Муни браҳман эди, император Сваямбхува эса – кшатрий. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, ҳатто қадим завоңларда ҳам ҳар хил табақаларга мансуб одамлар оила қурганлар. Одатда, браҳман кшатрийнинг қизига уйланиши мумкин бўлган, аммо кшатрийнинг браҳманнинг қизига уйланишга ҳаққи йўқ. Ведалар маданияти тарихидан биз биламизки, Шукрачарья ўзининг қизини Махараж Яятига хотинликка беришни таклиф қилганида, шоҳ аввал унинг қизига уйланишдан бош тортди; улар фақат бунга қизнинг отасидан махсус руҳсат олгандан кейин уйландилар. Шундай қилиб, ҳатто қадим завоңларда, миллион йиллар илгари ҳам, турли табақага мансуб одамларнинг оила қуриши таъқиқланмаган, аммо ведалар жамиятида бундай никоҳлар жамиятнинг барча аъзолари бирдай риоя қиладиган қонун-қоидалар асосида қурилган.

#### Текст 29

Сен ундан тўққиз қиз фарзанд кўрасан, сенинг зурёдинг бўлган бу қизлар вақти келиб буюк донишмандларга сон-саноксиз авлодлар етиштириб берадилар.

### Текст 30

Менинг амримни намунали бажариб ва ўз фаолиятининг барча маҳсулини Менга бағишлаб, сен қалбингни поклайсан ва охир-окибатда Менга эришасан.

Изоҳ: Бу шеърдаги тиртхаи-криташеша-крийартха ибораси муҳим аҳамиятга эга. тиртха – садақа эҳсон қилинадиган муқаддас жой. Қадимда одамлар муқаддас жойларга бориб, шу ерда Худо йўлида хизмат қилиб юрган кишиларга саховат билан садақа эҳсон қилганлар. Ана шу урф-одат ҳалигача сақланиб қолган, шунинг учун Парвардигор: “Ўзининг фаолиятини ва унинг маҳсулини поклаш учун сен Менга уларнинг ҳаммасини эҳсон қиласан” - дейди. Бу қонун "Бҳагавад-гита"да ҳам тасдиқланади: “Нима иш қилсанг ҳам, нима есанг ҳам, нима эҳсон қилсанг ҳам, қилган барча ишларинг маҳсулини Менга, фақат Менга эҳсон қилишинг лозим”. "Бҳагавад-гита"нинг бошқа бир жойида Парвардигор шундай дейди: “Барча қурбонлик маросимларининг маҳсули билан, барча риёзатлар, жамият ёки инсоният бахт-саодати учун қилинадиган ҳар қандай фаолиятнинг натижалари билан Мен лаззатланаман”. Шунинг учун биз оиламиз, жамиятимиз, мамлакатимиз ёки бутун инсоният бахтини ўйлаб қиладиган ҳар бир ишимизни Кришна онгида қилишимиз лозим. Кардама Муни Парвардигордан ана шундай кўрсатма олди. Нарада Мунини олқишлаб Махараж Юдхитхира шундай деган эди: “Ўз иштирокинг билан сен ҳар қандай жойни поклаб, муқаддас даргоҳга айлантирасан, чунки сенинг қалбингда ҳамиша Парвардигорнинг Ўзи мавжуд”. Худди шундай, агар биз Кришна онгида, Кришнанинг ва Унинг вакилининг кўрсатмаларига риоя қилиб ҳаракат қилиб юрсак, ҳар бир ишимизни Парвардигорнинг Ўзи поклаб туради. Парвардигорнинг бу ерда Кардама Мунига берган кўрсатмаларининг маъноси шундан иборат. Парвардигорнинг маслаҳатига риоя қилиб, у энг яхши хотинга ва энг ажойиб ўғилга эга бўлди, буни биз кейинги шеърлардан билиб оламиз.

### Текст 31

Барча тирик мавжудотларга қалбингда ҳамдардлик туйғусини уйғотиб, сен ўзингни англаб етасан. Бошқаларга жасоратли бўлишни ўргатиб, сен ўзинг барча коинотлар Менда, Мен эса сенинг қалбингда эканимни кўрасан.

Изоҳ: Мазкур шеърда руҳий ўзликни англашнинг энг осон йўли кўрсатилган, бу усулдан ҳар бир тирик мавжудот фойдаланиши мумкин. Руҳий ўзлигини англаш учун инсон биринчи навбатда биз яшаётган олам Олий Зотнинг амри билан яратилган эканини тушуниб олишимиз лозим. Қандайдир маънода бу олам Парвардигорнинг Ўзидан фарқ қилмайди. Бу ерда нима назарда тутилаётганини имперсоналистлар нотўғри тушунадилар. Уларнинг фикрига кўра, коинотга айланиш билан Олий Мутлақ Ҳақиқат Ўзининг алоҳида мавжудлигини тарк этади. Шунинг учун уларнинг тасавурида моддий олам ва ундаги мавжуд ҳамма нарса – Парвардигордир. Пантеизм фалсафасининг таълимоти шундан иборат, унга асосан ҳамма нарса, бутун борлик – Худо. Ҳамма имперсоналистлар ана шу нуқтаи-назарни қўллаб қувватлайдилар. Аммо, Парвардигорнинг шахсий аспектига сажда қиладиган содиқлар бутун борликни Олий Шахс Худонинг мулки деб

ҳисоблайдилар. Биз кўриб турган нарсаларнинг ҳаммаси Парвардигор намоён этган нарсалардир, шунинг учун уларнинг ҳаммаси Унга хизмат қилиш учун ишлатилиши лозим. Бутун борлиқнинг бирлиги мана шундан иборат. Парвардигорнинг алоҳида мавжудлигини тан олмайдиган имперсоналистлардан фарқли равишда персоналист Худо Шахсининг мавжудлигига ишонади, У Ўзининг сон-саноксиз қиёфаларда кўпайтириб, Парвардигор барибир алоҳида шахс сифатида мавжуд бўлиб қолаверишни тушунади. "Бҳагавад-гита"да ҳам шу ҳақда айтилган: “Ўзимнинг шахсиятсиз қиёфамда Мен бутун борлиққа сингиб кетганман. Бутун борлиқ Менда мужассам, аммо Мен ундан ташқаридаман”. Бу ерда қуёш ва қуёш нурини мисол келтириш ўринли бўлади. Қуёш ўзининг нурули билан бутун коинотга сингиб кетган, коинотдаги барча сайёралар унинг нурули ичида жойлашган. Аммо ана шу сайёраларнинг ҳар бири қуёшдан фарқ қилади; сайёралар ҳам қуёшдир, чунки улар қуёш нурулига фарқ бўлган, деб айтиб бўлмайди. Худди шундай, имперсоналистлар ёки пантеистларнинг бутун борлик – Худодир, деган гаплари мутлақо асоссиздир. Парвардигорнинг Ўзи айтган гапларга кўра ҳақиқат шундай: бутун борлиқда Ундан мустақил ҳолда мавжуд ҳеч нарса йўқ, айна пайтда бутун борлиқни Худо деб ҳисоблаш хато. Парвардигорнинг Ўзи бошқа ҳамма нарсдан фарқ қилади. Бу ерда Парвардигор такрор айтяпти: “Сен бу дунёдаги ҳамма нарса Менда эканини кўрасан”. Демак, бутун борликни Парвардигорнинг қуввати яратган, шу боис уларнинг ҳаммасини Кришнага хизмат қилиш учун ишлатиш лозим. Кимнингдир мулки бўлган қувват фақат ўз эгасининг фойдаси учун ишлатилиши лозим. Қувватдан самарали фойдаланишнинг энг тўғри йўли шундан иборат.

Парвардигорнинг қувватини олий бахт йўлида ишлатишга фақат қалбида бошқаларга ҳамдардлик туйғуси бўлган киши қодир бўла олади. Ҳамдардлик, ачиниш туйғуси Худонинг содиқ хизматкорини бошқалардан ажратиб турадиган алоҳида фазилатдир. Худонинг содиқ хизматкори фақат ўзи содиқ бўлгани билан қаноатланиб қолмайди, у Худога садоқат билан хизмат қилиш ҳақида бошқа тирик мавжудотларга ҳам гапириб беришга ҳаракат қилади. Одамларга Худога садоқат билан хизмат қилиш, бҳакти-йога ҳақида гапирар экан, Худонинг содиқлари турли қийинчиликларга учрайдилар, аммо, шунга қарамай, бундай тарғибот ҳеч қачон тўхтамаслиги керак.

Яна айтилганки, чуқур садоқат билан эҳромда Парвардигорга сажда қиладиган, аммо қалбида оддий одамларга нисбатан ҳамдардлик билдирмайдиган ёки бошқа содиқларни ҳурмат қилмайдиган кишини Худонинг учинчи даражали хизматкори деб ҳисоблаш лозим. Худонинг иккинчи даражали содиқ хизматкори барча адашган руҳларга нисбатан меҳрибон ва ҳамдард. Шундай содиқ хизматкор ўзи Худонинг мангу содиқ хизматкори эканини ҳамиша эсида сақлаб юради. Шунинг учун у бошқа содиқлар билан дўстона муносабатда бўлади, оддий одамларнинг мусибатларига ҳамдардлик билдиради ва уларга Худога садоқат билан хизмат қилиш илмини ўргатишга ҳаракат қилади, имонсиз одамлардан четда юриб, улар билан ҳамкорлик қилишдан бош тортади. Худога хизмат қилиб юратуриб, бошқа одамларга меҳрибонлик қилмайдиган киши учинчи даражали содиқдир. Биринчи нав содиқ эса, ҳар бир инсонни моддий ҳаётдан қўрқишга ҳеч қандай асос йўқлигига ишонтиришга ҳаракат қилади: “Моддий олам ғофиллигидан халос бўлиб, Кришна онгида яшаймиз”.

Мазкур шеърда Парвардигор Кардама Мунига айтадики, оилавий турмуш кечирар экан, инсон бошқаларга нисбатан ҳамдардлик билдириши ва олийҳиммат бўлиши кераклигини, таркидунё қилиб яшашга қасам ичгандан кейин эса, бошқаларга кўрқув туйғусини енгилга ёрдамлашиши кераклигини айтади. Санньясининг вазифаси одамларга илм ўргатишдан иборат. У олам бўйлаб айланиб юриши, эшикма-эшик юриб, одамларга руҳий илм ўргатиши лозим. Майянинг чангалига тушиб қолиб, оилали кишилар уй ишларига бутунлай ғарқ бўлиб кетадилар ва Кришна билан ўзаро муносабатларини бутунлай унутиб юборадилар. Агар улар ит ва мушукларга ўхшаб, Кришнани эсламасдан ўлиб кетсалар, уларнинг бутун умри бекорга кетган бўлади. Шунинг учун санньясининг бурчи – ҳамма жойда айланиб юриб, унутувчан руҳларни Худога садоқат билан хизмат қилишга чақириб, уларнинг Парвардигор билан ўзаро муносабатлари ҳақида эслатиб юришдан иборат. Худонинг содиқлари адашган руҳларга нисбатан ҳамдард бўлиши ва уларга кўрқувдан халос бўлишда ёрдам беришлари лозим. Инсон Худонинг содиқ хизматкори бўлган заҳоти ўзи ҳамиша Парвардигорнинг ҳимояси остида эканини ҳис қила бошлайди. Кўрқувнинг ўзи Парвардигордан кўрқади, шундай экан Худонинг содиқ хизматкори нимадан кўрқиши мумкин?

Инсоннинг кўрқув туйғусини енгилда ёрдам берган киши унга бебаҳо ёрдам кўрсатган бўлади. Санньяси яъни таркидунё қилган киши, эшикма-эшик, қишлоқма-қишлоқ, шаҳарма-шаҳар, бир давлатдан иккинчи давлатга ўтиб, имкони борича бутун жаҳон бўйлаб айланиб юриши ва Кришнани англаш илми ҳақида гапириб, одамларга руҳий илм бериши лозим. Уйда оиласи билан яшаб юрган, аммо бирор санньясидан руҳий ҳаётга фотиҳа олган киши Кришнани англаш илмини уйда тарғибот қилиши лозим; у иложи борича уйига дўстларини, қўшнилари меймонга чақириб туриши, ҳар қил дастурлар уюштириб, одамларга Кришнани англаш ҳақида гапириши лозим. Ана шундай тадбирлар пайтида Кришнанинг муқаддас номларини қуйлаш, "Бхагавад-гита" ёки "Шримад Бхагаватам"ни ўқиш лозим. Кришнани англаш илмини ўрганиш мумкин бўлган жуда кўп китоблар мавжуд, ҳар бир оилали кишининг бурчи – ўзининг санньяси устозининг гапларини тинглаб, Кришнани англаб етишдан иборат. Худога садоқат билан хизмат қилишда меҳнатни тақсимлаш тартиби қуйидагича: Оилали кишининг бурчи пул ишлаб топишдан иборат, чунки санньяси бундай ишлар билан шуғулланмаслиги керак. У бутунлай оилали кишининг қарамоғида бўлади. Оилали киши савдо-сотик билан шуғулланиб ёки ёлланиб ишлаб пул ишлаб топиши мумкин, у топган даромадининг камида эллик фоизини Кришнани англаш илмини тарқатишга сарфлаши лозим. Оилали киши даромадининг йигирма беш фоизини оиласининг эҳтиёжларига сарфлаши мумкин, қолган йигирма беш фоизини у қутилмаган харажатлар учун сақлаб қўйиши лозим. Шрила Рупа Госвами бизларга ана шундай ўрнак кўрсатиб кетган, Худонинг барча содиқлари унинг изидан боришлари лозим.

Тирик мавжудот билан Парвардигорнинг бирлиги аслида уларнинг манфаатларининг бирлигидан иборат. Парвардигор билан бир бўлиш деганда Парвардигор сингари буюк, улуғвор бўлишни назарда тутмаслик керак. Бунинг умуман иложи йўқ, бўлак ҳеч қачон бутун билан бир бўла олмайди. Тирик мавжудот ҳамиша Парвардигорнинг арзимаган бир зарраси бўлиб қолаверади. Шунинг учун унинг Парвардигор билан бирлиги – унинг манфаати билан

Парвардигорнинг манфаати бир эканида. Парвардигор тирик мавжудотлар ҳамиша У ҳақида ўйлашини, Унинг содиқ хизматкори бўлишини, Унга сажда қилишини истайди. Бу ҳақда "Бхагавад-гита"да айтилган: ман-мана бхава мад-бхактах. Кришна бизларнинг ҳар биримиз ҳамиша У ҳақда ўйлашимизни истайди. Биз ҳамиша Кришна олдида чуқур эҳтиром билан бош эгишимиз лозим. Парвардигорнинг истаги шундай, Худонинг содиқлари Унинг истагини бажо келтиришга интилиб яшашлари лозим. Парвардигор чексиз бўлгани боис, Унинг истаги ҳам чексиз. Уларнинг чегараси йўқ, шунинг учун содиқ хизматкорнинг хизмати ҳам чексиз давом этади. Илоҳий оламда Парвардигор билан Унинг содиқ хизматкори ўртасида бетиним мусобақа давом этади. Парвардигор Ўз истаklarини чексиз амалга оширишга интилади, содиқ хизматкор эса Унинг чексиз истаklarини амалга оширишга интилиб, Унга хизмат қилади. Парвардигор билан Унинг содиқ хизматкорининг манфаатлари чексиз бирлиги мана шундан иборат.

### Текст 32

Эй буюк донишманд, хотининг Девахути тўққиз қиз туққандан кейин, Мен Ўзимнинг тўла намоён бўлган қиёфамда унинг ўғли бўлиб дунёга келаман ва унга олий қонуларни таҳлил қиладиган фалсафий тизимни тушунтириб бераман.

Изоҳ: Мазкур шеърда ишлатилган свамша-калайя ибораси шуни билдирадики, Парвардигор бу дунёга Девахути ва Кардаманинг ўғли Капиладева қиёфасида келиб, бу ерда таттва-самхита деб аталган санкхья фалсафасининг биринчи тарғиботчиси бўлади. Парвардигор Кардама Мунига айтиб қўйяптики, У Капиладева қиёфасида мужассам бўлиб келади ва одамларга санкхья фалсафасини ўргатади. Жаҳонда бошқа бир Капиладеванинг санкхья фалсафаси ҳам мавжуд, аммо унинг фалсафаси билан Парвардигорнинг Ўзи бу дунёга олиб келган санкхья фалсафаси орасида ҳеч қандай умумийлик йўқ. Санкхья фалсафасининг икки тури мавжуд: атеистик санкхья ва теистик санкхья. Девахутининг ўғли Капиладева тарғибот қилган санкхья теистик фалсафий таълимот ҳисобланади.

Парвардигор Ўзини жуда кўп қиёфаларда мужассам бўлиб намоён этади. Худо бир, аммо У Ўзини жуда кўп қиёфаларда тарқатади. Парвардигорнинг барча қиёфалари икки тоифасини эса – вибхиннамша. Оддий тирик мавжудотлар Парвардигорнинг қиёфаларининг вибхиннамша тоифасига мансуб, Вамана, Говинда, Нараяна, Прадьюмна, Васудева ва Ананта сингари чексиз вишну-таттва экспансиялари эса свамша-кала тоифасига мансуб бўлади. Свамша деб Парвардигорнинг бевосита экспансияларини айтадилар, қала ибораси эса, бошланғич Парвардигорнинг ҳосила экспансияларини билдиради. Баладева бевосита Парвардигор Шри Кришнанинг экспансияси, Баладевадан Санкаршана экспансияси пайдо бўлади, демак, Санкаршана Парвардигорнинг қала тоифасига қирадиган экспансияси, Баладева эса – свамша экспансияси, лекин аслида Парвардигорнинг сон-саноксиз экспансиялари орасида ҳеч қандай фарқ йўқ. Бу ҳақда "Брахма-самхита"(5.46)да аниқ айтилган: дипарчир эва хи дашантарам абхйупетйа. Бир шамчирокдан иккинчи шамчирокни туташтириб ёқиш мумкин, иккинчидан учинчи шамчирокни, кейин тўртинчини, ва ҳоказо, лекин уларнинг ҳаммаси бир хил ёғду таратади. Шамларнинг ҳаммаси бир хилда ёруғлик тарқатиш

хусусиятига эга, лекин барибир улар шу жиҳатдан бир биридан фарқ қиладики, бир шам биринчи бўлиб ёқилган, иккинчиси -иккинчи, учинчиси – учинчи бўлиб ва ҳоказо. Худди шундай, Парвардигорнинг бевосита экспансияси Унинг иккиламчи экспансияси билан бир. Худонинг номлари ҳам шундай; Парвардигор муғлақ табиатга эга бўлгани учун Унинг номи, Унинг қиёфаси, Унинг эрмаклари, Унинг анжомлари ва сифатлари бир хил қудратга эга. Муғлақ оламда Кришна деган ном Парвардигорнинг илоҳий товуш қиёфасидир. Парвардигорнинг сифатлари ҳам Унинг номи, қиёфаси ва бошқа нарсалари сингари қудратга эга. Парвардигорнинг биз зикр қиладиган номлари, Ҳаре Кришна мантраси ҳам Парвардигорнинг Ўзи сингари чексиз қудратга эга. Парвардигорнинг бизлар сажда қилиб юрган тасвирлари ва Унинг эҳромда ўрнатилган Илоҳ қиёфаси бир хил қудратга эга. Гарчи бировлар Кришнанинг эҳромда ўрнатилган Илоҳларини оддий ҳайкал деб ҳисобласалар ҳам, бизлар бут, санамларга сиғинамиз деб ўйламаслик керак. Парвардигорнинг муртиси билан Ўзи бир хил қудратга эга бўлгани учун биз Унинг эҳромда ўрнатилган муртисига сиғиниш билан худди Унинг Ўзига сиғингандагидай натижага эришамиз. Кришнани англаш илми мана шу қоидага асосланади.

### Текст 33

Майтрея давом этди: Бу ҳақда Кардама Мунига хабар бериб, Ўзини фақат бутун ҳиссиёти Кришна онгига фарқ бўлган содиқларга ошкор этадиган Парвардигор Сарасвати дарёси билан ўралган Бинду-саровара қўлининг соҳилини тарқ этди.

Изоҳ: Мазкур шеърда Парвардигорга тааллуқли бўлган пратйаг-акшаджа ибораси муҳим аҳамиятга эга. Парвардигорни моддий сезгилар билан қабул қилишнинг иложи йўқ, лекин барибир Уни кўрса бўлади. Бир қараганда бундай деб айтиш зиддиятлидай бўлиб кўриниши мумкин. Биз ўзимизнинг моддий сезгиларимиз билан Парвардигорни қандай кўра оламиз? Уни адхокшаджа деб атайдилар, бу дегани, Парвардигорни моддий кўзлар билан кўриб бўлмайди. Акшаджа – “моддий сезгилар ёрдамида олинган илм” деганни англатади. Парвардигор ақл ёки моддий сезгилар ёрдамида ўрганиш мумкин бўлган нарса бўлмагани учун Уни баъзан аджита деб атайдилар: У ҳамма нарсани ва ҳаммани енгишга қодир, аммо ҳеч ким Уни мағлуб қила олмайди. Унда Парвардигорни кўриш мумкин деган гапни қандай тушуниш керак? Ҳеч ким Парвардигор Шри Кришнанинг илоҳий номини эшита олмайди, ҳеч ким Унинг илоҳий қиёфасини англаб ета олмайди ёки ҳеч ким Унинг илоҳий эрмаклари мазмунини тушуна олмайди, деган гап бор. Бунинг иложи йўқ. Унда қандай қилиб Парвардигорни кўриш ёки англаб етиш мумкин? Худога садоқат билан хизмат қилиш илмини англаб етган киши Парвардигорга хизмат қилганида унинг сезгилари аста-секин моддий иллатлардан поклана бошлайди. Сезгилари покланган киши Парвардигорни кўриш, тушуниш, тинглаш қобилиятига эга бўлади. Моддий сезгиларни поклаш ва Парвардигор Шри Кришнанинг илоҳий қиёфасини, номларини ва сифатларини қабул қилиш жараёни мазкур шеърда битта ибора билан ифодаланган – пратйаг-акшаджа.

### Текст 34

Донишманднинг кўзи олдида Парвардигор барча буюк озод руҳлар олқишлайдиган, Вайкунтха сайёраларига олиб борадиган йўл билан бу ердан узоклашиб кетди. Донишманд эса Парвардигорни олиб кетган Гаруданинг қанот қоқишидан таралаётган, “Сама-веда”нинг асосини ташкил этадиган мадҳияларнинг овозига қулоқ солиб турарди.

Изоҳ: Ведавий битикларда айтилганки, Парвардигорни ўзининг елкасида олиб юрадиган илоҳий куш Гаруданинг икки қаноти – “Сама-веда”нинг брихат ва ратхантара деб аталадиган икки бўлимидир. Гаруда елкасида Парвардигорнинг Ўзини олиб юради, шу боис уни барча жиловдорларнинг илоҳий сардори деб атайдилар. Гаруданинг қанот қоқишидан чиққан овозлар “Сама-веда”нинг мадҳияларига айландилар, уларни буюк донишмандлар Парвардигорни мамнун қилиш учун кироат билан тиловат қиладилар. Маъбуд Брахма, Шива, Гаруда ва бошқа фаришталар ажойиб мадҳияларни тиловат қилиб Парвардигорга сажда қиладилар, буюк донишмандлар Парвардигорга сажда қилиш билан бирга “Упанишада” ва “Сама-веда” сингари ведавий асарлардан мадҳиялар ўқийдилар. Парвардигорнинг буюк содиқ хизматкори Гаруда қанотларини қоққанида Худонинг содиқлари унинг қанотларидан чиққан товушларда “Сама-веда” мадҳияларини эшитадилар.

Бу ерда аниқ айтилганки, донишманд Кардама Муни Вайкунтха оламига кетган Парвардигорнинг изидан қараб қолди. Мана шу ҳолат Парвардигор Гаруданинг елкасида моддий оламга Ўзининг руҳий оламдаги Вайкунтха даргоҳидан тушиб келганини тасдиқлайди. Вайкунтхага олиб борадиган йўлга илоҳиёт одамларининг барчаси бирдай сиғинмайдилар. Фақат моддий олам тутқунлигидан озодликка чиққан киши Худонинг содиқ хизматкори бўла олади. моддий ҳаёт чанғалида қолишда давом этаётган киши Парвардигорга илоҳий садоқат билан хизмат қилишнинг маъносини англаб етишга қодир эмас. “Бҳагавад-гита”да тасдиқланганки, йататам апи сиддханам. Жуда кўп одамлар руҳий баркамолликка эришишга ва моддий олам тутқунлигидан озодликка чиқишга интиладилар; улардан озодликка чиққан зотларни брахма-бхута ёки сиддхи деб атайдилар. Фақат сиддхилар, яъни моддий олам асирлигидан озодликка чиққан кишилар Худонинг содиқлари бўла оладилар. Буни “Бҳагавад-гита” ҳам тасдиқлайди: Худога садоқат билан хизмат қилиб ёки Кришна онгида ҳаракат қилиб юрган ҳар бир инсон моддий табиат гуналари таъсири остидан чиқади. Шунингдек бу ерда айтилганки, Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлига барча шартланган руҳлар эмас, балки фақат озодликка эришган зотлар сиғинадилар. Шартланган руҳ Парвардигорга садоқат билан хизмат қилиш илмини англаб ета олмайди. Албатта Парвардигорнинг яққол кўрган Кардама Муни, ҳеч шубҳа йўқки, руҳий озодликка эришган зот эди. Шунинг учун у Гаруданинг қандай қилиб Парвардигорни олиб кетаётганини кўрди ва Гаруданинг қанот қоқишларидан чиқаётган товушларда “Сама-веда”нинг қаймоғи бўлган Ҳаре Кришна мадҳиясининг товушларини эшитди.

### Текст 35

Парвардигор кетгандан кейин буюк донишманд Кардама Муни Бинду-саровара қўлининг бўйида, Парвардигор айтган вақт келишини кутиб ўтирди.

#### Текст 36

Айни пайтда Сваямбхува Ману ва унинг хотини олтиндан нақш қўйилган жанг аравасига чиқдилар. Унга қизини ҳам ўтқазиб, улар бутун ер юзини айланиш ниятида йўлга чиқдилар.

Изоҳ: Бутун олам ҳукмдори бўлган император Ману малика учун муносиб куёв танлашни ўзининг яқин ҳамроҳларидан бирига топшириши мумкин эди. Аммо, ҳар бир ота сингари, у ўз қизини жуда севарди, шунинг учун унга муносиб куёв танлаш учун ўзи олтин аравада хотини билан бирга мамлакатдан чиқиб кетди.

#### Текст 37

Эй Видура, улар донишманднинг кулбасига айни унинг риёзат чекиб бўлган пайтида етиб бордилар. Ўша кун Парвардигор башорат қилган кун эди.

#### Текст 38-39

Сарасвати дарёси ўзининг сувларини олиб борадиган муқаддас Бинду-саровара кўли соҳилига кўплаб буюк донишмандлар келадилар. Унинг табаррук сувлари шунчаки шифобахш бўлиб қолмасдан, нектардай ширин ҳам. Бу кўл Бинду-саровара деб аталади, чунки унинг сувларига Ўзидан паноҳ излаётган донишмандга чуқур ҳамдардлик билдирган Парвардигорнинг кўзларидан оққан табаррук ёшлари томган.

Изоҳ: Кардама Парвардигорнинг бесабаб марҳаматига эришиш ниятида риёзатга берилган эди, Парвардигор донишманднинг олдида пайдо бўлганда Унга нисбатан ҳамдардлик билдириб, кўзларидан қувонч ёшлари оқа бошлади, Парвардигорнинг ана шу кўз ёшларидан Бинду-саровара кўли пайдо бўлди. Шундан бери буюк донишманд ва файласуфлар Бинду-саровара кўлига сиғинадилар, чунки Мутлақ Ҳақиқат фалсафасига асосан Парвардигор ва Унинг кўзларидан оққан ёшлар бир биридан фарқ қилмайди. Худди Парвардигорнинг оёғининг катта бармоғидан оққан бир томчи тер Ганганинг муқаддас сувларига айлангани сингари, Унинг илохий кўзларидан оққан кўз ёшлари ҳам Бинду-саровара кўлига айланди. Ганга ҳам, Бинду-саровара кўли ҳам илохий табиатга эга, шунинг учун барча буюк донишманд ва файласуфлар уларга сажда қилиб сиғинадилар. Бинду-саровара кўлининг сувлари бу ерда шивамрита-джала деб аталган. Шива дегани “даволовчи” деган маънони англатади. Бинду-саровара кўлининг сувидан ичган ҳар қандай инсон ҳам худди муқаддас Ганга сувларида ювинган киши сингари, барча моддий иллатлардан халос бўлади. Бу ҳақиқатларни барча буюк олимлар ва ишонарли мўътабар зотлар тан оладилар ва ҳатто ҳозирги кунда, ҳамма тубанликка юз тутган Кали-юга даврида ҳам ана шу қондаларга риоя қилиб иш тутадилар.

#### Текст 40

Кўл атрофида йил бўйи гуллаб мева берадиган олий насаб дарахт ва чирмовуқлар ўсиб ётарди. Ана шу дарахтлар соясида олийнасаб ҳайвонлар яшар, дарахт шохаларида эса ўрмонни ўзларининг чуғур-чуғурлари билан тўлдириб, олийнасаб

қушлар ин қурган эдилар. Кўл атрофида ястаниб ётган соя-салкин бутазорлар уни яна ҳам гўзал қилиб кўрсатарди.

Изоҳ: Бу ерда айтилганки, Бинду-саровара кўли атрофида олийнасаб дарахтлар ўсиб ётар, олийнасаб қушлар яшарди. Инсонлар жамияти ҳам бирлари олий насаб ва эзгу ниятли, бирлари эса гуноҳкор ва пасткаш бўлган турли табақалардан иборат бўлгани сингари, дарахт ва қушлар орасида ҳам олижаноб ва пасткашлари бўлади. Пасткаш дарахтлар тоифасига одамлар ейиши учун ёки анвойи хид таратадиган гуллар бермайдиган дарахтлар киради; қарғалар сингари ифлос ва бадбашара қушлар ҳам пасткаш қушлар тоифасига киради. Бинду-саровара кўли атрофида бирорта ҳам олийнасабли бўлмаган қуш ёки дарахт йўқ эди. Ҳар бир дарахт гул ва меваларга бурканган, ҳар бир қуш Парвардигорни олқишларди – Ҳаре Кришна Ҳаре Кришна Кришна Кришна Ҳаре Ҳаре \ Ҳаре Рама Ҳаре Рама Рама Рама Ҳаре Ҳаре.

#### Текст 41

Кўл устидаги ҳаво ҳам яйраб учаётган қушларнинг овозлари ва сармаст асалариларнинг ғувиллаши билан тўлган эди. Бутазорларда мағрур товуслар ўзларини йўқотиб рақсга тушар, каккулар қувноқ сайрашарди.

Изоҳ: Бу ерда Бинду-саровара кўли атрофида эшитилиб турган сеҳрли товушларнинг гўзаллиги таърифланган. Асалдан тўйган қовоғарилар сармаст бўлиб, ўзларининг ширакайф ғувиллаши билан ҳавони тўлдирган эдилар. Шодликдан яйраган товуслар худди сахнадагидай мағрур рақсга тушардилар, қувноқ каккулар эса, чиройли овозлари билан бир-бирларини сайраб қақирардилар.

#### Текст 42-43

Бинду-саровара кўли соҳилида кадамба, чампака, ашока, каранджа, бакула, асана, кунда, мандара, кутаджа ва ёш манго дарахтлари гуллаб ётарди. Кўл устидаги ҳаво карандава, плав, оққуш, скоп, сувда сузадиган қушларнинг, лайлак, турна, чакравака ва чакорларнинг овозлари билан тўла эди.

Изоҳ: Мазкур шеърда Бинду-саровара кўли соҳилидаги дарахт, гул, мева ва қушларнинг номлари санаб ўтилган. Уларнинг кўпларининг исмини ўзбек тилига таржима қилишнинг иложи йўқ. Бу ерда келтирилган дарахтларнинг ҳаммаси олинасаб дарахтлар. Масалан, чампака, кадамба ва бакула буталари ўзларининг анвойи хид таратадиган гуллари билан машҳур. Сувда сузадиган қушлар ва турналарнинг ширин овозлари бу ерда ажойиб ёқимли муҳит яратиб, рухий фаолият учун жуда шарофатли шароит яратарди.

#### Текст 44

Унинг қирғоқларида лан, тўнғиз, дикобораз, гаван, фил, бабуин, арслон, маймун, мангуста ва мускус кийиклари яшарди.

Изоҳ: Мускус кийиклари ҳамма ўрмонларда ҳам бўлавермайди, улар фақат Биндусаровар кўли атрофидаги сингари пок ўрмонларда яшайдилар. Улар ҳамisha ўзларининг киндигидан оқиб турадиган мускус ҳиддан маст бўлиб юрадилар. Гавайи(сигир тури)лар шуни билан ажралиб турадики, уларнинг қуйруғининг учиди чиройли узун қалин соч бўлади. Ана шу сочлардан эҳромларда Илоҳга сизиниш маросими ўтказишда ишлатиладиган чамар, яъни елпигичлар ясалади. Баъзида чамар деб ҳам аталадиган гавайлар муқаддас ҳайвон ҳисобланади. Ҳиндистонда ҳозир ҳам ўрмонда яшайдиган, чамарларнинг мускуси ва қуйруғини сотиб анча даромад оладиган лўли ва бошқа қабилалари мавжуд. Бундай нарсаларга Ҳиндистоннинг олий табақаларга мансуб аҳолиси орасида эҳтиёж катта, улар билан савдо-сотиқ қилиш ҳозир ҳам Ҳиндистоннинг катта шаҳар ва қишлоқларида анча ривожланган.

#### Текст 45-47

Ана шу муқаддас жойга келиб, Кардама Мунининг олдида яқин бориб, оламнинг биринчи императори Сваямбхува Ману ва унинг кизи ўз кулбасида ўтирган донишмандни кўрдилар. У эндигина сариеғ эҳсон қилиб муқаддас оловни мамнун қилган эди. Кардаманинг танасидан ёрқин нур таралиб турарди, гарчи донишманд узок вақт каттиқ риёзат чеккан бўлса ҳам, у каттиқ чарчаган кўринмасди, чунки Парвардигор унга кўз қирини ташлаб, уни Ўзининг меҳрибон нигоҳидан ва ой нуридай ширин сўзлари нектаридан баҳраманд қилган эди. Донишманд баланд бўйли, кўзлари нилуфар гулини эслатар, тўзиган узун сочлари елкасига тушиб турарди. У жулдур либосларга ўраниб олган эди. Донишманднинг олдида бориб, Сваямбхува Ману унинг худди ҳали ишлов берилмаган гавҳар сингари бироз кир босганини кўрди.

Изоҳ: Мазкур шеърларда йога-брахмачари таърифланган. Рухий фаолият билан шуғулланиб юрган брахмачарининг эрталаб қиладиган биринчи вазифаси хута-хуташана, Парвардигорга эҳсон қилиш ҳисобланади. Брахмачари бўлишга қасам ичган киши эрталаб етти-саккизгача ухлаб ётмаслиги керак. Улар эрта тонгда, тонг отишидан икки соат олдин уйқудан туриши ва қурбонлик маросими ўтказишлари лозим. Кали-юга даврида Парвардигорнинг муқаддас номларини, Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилиш қурбонлик маросими ҳисобланади. Парвардигор Чайтанья муқаддас китобдан мисол келтириб, шундай деган эди: калау насти эва настй эва настй эва гатир аниятха – ҳозирги даврда Парвардигорнинг муқаддас номларини зикр қилишдан бошқа йўл йўқ, бошқа йўл йўқ, бошқа йўл йўқ. Брахмачари эрта туриши, хотиржам, осойишта муҳитда Худонинг муқаддас номларини зикр қилиши лозим.

Донишманд чеккан қаттиқ риёзатлари унинг ташқи кўринишида акс этиб турарди; брахмачари қоидаларига риоя қилиб юрган, яъни жинсий поклигини сақлашга қасам ичган кишининг белгилари шундай бўлади. Жинсий поклигини сақламайдиган кишининг юзида ва танасида шахвоний эҳтирос тамгалари сезилиб туради. Видйотаманам ибораси шуни кўрсатадики, донишманднинг брахмачари қоидаларига риоя қилиб юриши унинг юзида акс этиб турарди. Ана шу белгиларга қараб ким қаттиқ риёзатларга берилиб яшаб юрганини билиб олса бўлади. Маст қиладиган нарсалар истеъмол қиладиган, чекадиган, тартибсиз равишда жинсий

ҳаёт кечирадиган киши ҳеч қачон йога билан шуғуллана олмайди. Одатда йоглар жуда озгин бўладилар, чунки улар жуда ноқулай шароитларда яшайдилар, аммо Кардама Муни ундай кўринмасди, чунки у ўз кўзлари билан Олий Шахс Худони кўрган эди. Бу ерда ишлатилган снингдхапангавалоканат ибораси шуни билдирадики, у Парвардигорни бевосита ўз кўзлари билан кўриш бахтига муяссар бўлган. У соғлом ва бақувват кўринарди, чунки Парвардигорнинг оғзидан чиқаётган нектардай ширин сўзлар овозини эшитган эди. Худди шундай, Парвардигорнинг муқаддас номларини, Ҳаре Кришна мантрасининг товушларини тинглаб юрган киши ҳам, соғлом ва бақувват бўлади. Кришнани англаш Халқаро жамиятига аъзо бўлган ёш грихастха ва брахмачариларнинг аксарият кўпчилигининг саломатлиги яхшиланиб, ёноқларида саломатлик аломатини билдирадиган кизиллик пайдо бўлганини биз ўзимиз ҳам кузатганмиз. Мустақкам саломатлик ва юзининг тиниқлиги рухий фаолият билан шуғулланиб юрган ҳар бир брахмачарини бошқалардан ажратиб турадиган аломатлар ҳисобланади. Бу ерда келтирилган, донишмандни ҳали ишлов берилмаган гавҳартошга ўхшатиш жуда ўринли бўлган. Гарчи энди топиб олинган қимматбаҳо гавҳартош ҳали ишлов берилмаган бўлса ҳам, барибир ўзидан нур таратиб туради. Жулдур либосларга ўраниб олган Кардама ҳам кир босгандай кўринарди, лекин барибир ташқи кўринишидан гавҳартошни эслатарди.

#### Текст 48

Шоҳнинг ўзи унинг кулбасига келиб, олдида чуқур эҳтиром билан сажда қилиб турганини кўриб, донишманд ўрнидан туриб унга пешвоз чиқди, уни дуо қилди ва муносиб ҳурмат эҳтиром билан кутиб олди.

Изоҳ: Император Сваямбхува Ману Кардаманинг курук шох-шаббалардан ясалган кулбаси олдида келиб турмасдан, унинг олдида чуқур эҳтиром билан сажда қилди. Хилватда таркидунё қилиб яшаётган киши шохлар унинг кулбасига келганида уларни дуо қилиши лозим.

#### Текст 49

Донишманднинг шундай ҳурмат-эҳтиромларини қабул қилиб, шох бироз сукут сақлаб ўтирди. Шунда Кардама Муни Парвардигорнинг айтган гапларини эслади ва тилининг ширинлиги билан уларга лаззат бағишлаб, шохга мурожаат қилиб гапира бошлади.

#### Текст 50

Эй ҳукмдор, ҳеч шубҳа йўқки, сен такводдорларни ҳимоя қилиш ҳамда имонсиз иблисларни яқсон қилиш мақсадида саёҳатга чиққансан, чунки сен Шри Харининг ҳимоя қувватининг тимсоли бўласан.

Изоҳ: Ведавий муқаддас китоблардан, хусусан, "Шримад Бҳагаватам" ва бошқа Пураналар сингари тарихий асарлардан биламизки, қадимги замонларда такводдор шохлар такводдор зотларни ҳимоя қилиш ва имонсиз золимларни жазолаш ёки яқсон қилиш мақсадида вақти вақти билан ўз ҳукми остида бўлган ерларни айланиб чиққанлар. Баъзан улар камондан ўқ отишни машқ қилиш учун ўрмонда

ов қилганлар, чунки ана шундай машқларсиз улар ўзларининг бурчини бажариб, жамиятни имонсиз ва золим одамлардан ҳимоя қила олмас эдилар. Кшатрийларга куч ишлатиш, зўравонлик қилиш рухсат этилган, чунки эзгу мақсадга эришиш йўлида куч ишлатиш уларнинг бурчи ҳисобланади. Мазкур шеърда бу гапларнинг ҳақиқат эканлигига шубҳа қолдирмайдиган икки ибора ишлатилган: вадхайа – “яксон қилиш учун” ҳамда асатам – “ёқимсиз унсурлар”. Ўз фуқароларини ҳимоя қилиш учун шоҳ Парвардигорнинг ҳимоя қувватидан фойдаланади. "Бҳагавад-гита"(4.8)да шундай дейилган: паритранайа садхунам винашайа ча душкритам. Парвардигор бу дунёга тақводорларни ҳимоя қилиш ҳамда иблис ёки имонсизларни яксон қилиш учун келади. Шундай қилиб, инсонга иблис ва имонсизларни яксон қилиш ёки тақводорларни ҳимоя қилиш учун зарур бўлган қудратни фақат Парвардигорнинг Ўзи ато этади, ҳар бир шоҳ ёки ҳукумат раҳбари ана шундай қудратга эга бўлиши лозим. Лекин биз яшаётган даврда имонсиз золим одамларга жазо беришга қодир бўлган ҳукмдорни топиш амри маҳол. Ҳозирги даврда ҳукумат раҳбарлари ўзларининг ҳашаматли саройларини тарк этишни истамайдилар ва бирор сабабсиз ўзларининг қўл остидаги бегуноҳ фуқароларни бу дунёда яшашдан маҳрум қиладилар.

#### Текст 51

Зарурат туғилганда сен Қуёш фариштасининг, Ой фариштасининг, олов фариштаси Агнининг, осмон шоҳи Индранинг, шамол фариштаси Ваюнинг, гуноҳкорларни жазолайдиган фаришта Яма(Азроил)нинг, дин посбони Дҳарманинг ва сувлар ҳукмдори Варунанинг вазифасини бажарасан. Мен чуқур эҳтиром билан сенинг олдинда бош эгаман, чунки сен бошқа ҳеч ким эмас, Парвардигор Вишнунинг Ўзисан!

Изоҳ: Донишманд Кардама браҳман эди, Сваямбхува Ману эса, кшатрийлар табақасига мансуб, шунинг учун донишманд шоҳга таъзим қилмаслиги лозим эди, чунки жамиятдаги мартабасига кўра у шоҳдан устун турарди. Лекин, шунга қарамай Кардама Сваямбхува Манунинг пойи қадамларига сажда қилди, чунки шоҳ ва император Ману, Парвардигорнинг ердаги вакили эди. Парвардигорни ҳамма – браҳманлар, кшатрийлар, вайшья ва шудраларнинг ҳаммаси ҳурмат қилиши ва Унга сажда қилишлари лозим. Шоҳ Парвардигорнинг ердаги вакили бўлгани учун унинг барча фуқаролари уни ҳурмат қилишлари лозим.

#### Текст 52-54

Агар сен ўзининг кимматбаҳо тошлар билан безатилган, кўриниши жиноятчиларни кўрқувдан титратиб юборадиган енгилмас жанг араванга ўтирмасанг, агар сен, қуёшдай порлаб нур таратиб, ўзинг билан бирга оёқлари остида ер титрайдиган сон-саноксиз қўшинингни олиб жаҳон бўйлаб юрмасанг – ярамас ва фирибгарлар Парвардигорнинг Ўзи яратган варнашрама жамиятидаги одамларнинг барчаси амал қилиши лозим бўлган одоб-ахлоқ қонунларини оёқости қилиб юборган бўлардилар.

Изоҳ: Маъсулиятни ҳис қилиш қобилиятига эга бўлган ҳар бир шоҳ жамиятнинг ижтимоий ва руҳий кадриятлари тизимини ҳимоя қилиши лозим. Руҳий

кадриятлар тизимига тўрт ашрам киради – брахмачарья, грихастха, ванапрастха ва санньяса, жамиятдаги одамларнинг касби ва шахсий сифатлари асосида тузилган ижтимоий табақалар тизими эса, браҳманлар, кшатрийлар, вайшьялар ва шудралардан иборат. Инсоннинг қайси табақага мансублиги унинг касби ва шахсий сифатлари асосида аниқланадиган ижтимоий табақалар "Бҳагавад-гита"да таърифланган. Афсуски, ҳозирги даврда жамиятнинг ижтимоий ва руҳий кадриятларини ҳимоя қиладиган маъсулиятли шоҳлар йўқлиги сабабли, бу тизим одамларнинг ижтимоий келиб чиқиши асосида аниқланадиган табақаларга айланиб кетган. Лекин бундай табақалар ҳақиқий табақа ҳисобланмайди. Инсонлар жамияти деб аталишга муносиб бўлиш учун жамият руҳий юксалиш, ўзликни англаш йўлидан бориши лозим. Инсонлар жамиятининг энг илғор маданияти арийлар маданияти эди; арийлар – жамиятнинг руҳий юксалишини биринчи ўринга қўядиган инсонлардир. Шундай савол туғилади: қандай жамият илғор, маданиятли жамият ҳисобланади? Жамиятнинг илғор маданияти унда сунъий равишда ўйлаб топилган ижтимоий “эҳтиёжлар” ва инсонларнинг қувватини моддий қулайликларни яратишга бекорга сарфлаш билан белгиланмайди. Одамлар руҳий ўзлигини англашга интилиб яшайдиган жамиятгина ҳақиқий илғор маданиятли жамият ҳисобланади, ўз олдига айнан мана шу мақсадни қўйган жамият арийлар маданияти ҳисобланади. Зиёли кишилар, браҳманлар, Кардама Муни мисолида кўрганимиздек, руҳий ўзлигини англаб етишга, руҳий юксалишга интилиб яшаган Сваямбхува Ману сингари кшатрийлар эса, давлатни бошқарганлар ва қўл остидаги фуқароларига руҳий юксалиш учун барча қулай шароитлар яратилишини назорат қилганлар. Шоҳ вақти вақти билан ўз салтанатини айланиб, жамият тартибини сақлаб туриши лозим. Ҳиндистондаги тўрт ижтимоий табақа(варна) ва тўрт руҳий ашрамга асосланган ижтимоий тизими варнашрама қонунларига риоя қилмайдиган чет эллик ҳукмдорларга қарам бўлиб қолгани сабабли таназзулга юз тугган. Натижада муқаммал варнашрама тизими ҳозирги даврдаги ижтимоий табақаларга айланиб қолган.

Мазкур шеър тўрт варна ва тўрт ашрам тизимини Олий Шахс Худонинг Ўзи яратганини исботлайди. Буни бҳагавад-рачита ибораси кўрсатиб турибди. "Бҳагавад-гита"да ҳам шу тасдиқланган: чатур-варнйам майа сриштам. Парвардигор шундай дейди: “Жамиятнинг варна ва ашрамлар тизимини Мен яратганман”. Парвардигор яратган қонунни бекор қилишнинг ёки таъқиқлаб қўйишнинг иложи йўқ. Жамиятнинг варна ва ашрамларга бўлиниши ҳаммаша сақланиб қолаверади – ё ўзининг бошланғич соф кўринишида, ё бузилган кўринишда. Бу тизимни Парвардигор, Олий Шахс Худонинг Ўзи яратгани учун уни яксон қилишнинг иложи йўқ. Худди қуёш сингари бу тизим Парвардигор яратган тартиб бўлиб, мангу мавжуд бўлиб қолаверади. Осмонни булут қоплаб кўринмай қолганда ҳам, тиниқ осмонда кўриниб турганда ҳам қуёш ҳаммаша ўзгармай ўз ўрнида тураверади. Худди шундай варнашрама тизими ҳам, тартиб бузилган пайтда табақалар тизимига айланади, аммо барибир, ҳар қандай жамиятда зиёлилар табақаси, ҳарбийлар ва ҳукмдорлар табақаси, савдогар ва ишбилармонлар табақаси ҳамда ишчилар синфи ҳаммаша мавжуд бўлиб қолаверади. Жамиятда ана шу ижтимоий табақалар ведавий қонун-қоидалар асосида ўзаро ҳамкорлик қилганда жамиятда тинчлик ва осойишталик ҳукм суриб, унда яшаётган одамлар руҳий юксала бошлайдилар. Варнашрама тизимининг

ўрнини бир бирига душманлик қиладиган ва ўзининг ижтимоий ҳолатини суистеъмол қиладиган табақаларга бўлинган маданиятсиз, ўзаро ишончсизлик ҳукм сурган тизим эгаллаганда эса, бутун жамият таназулга юз тутуди ва жуда ачинарли аҳволга тушиб қолади. Ҳозир бутун жаҳон ана шундай ачинарли аҳволга тушиб қолган, чунки ҳар хил ижтимоий қатлам ва гуруҳлар бир бирлари билан ўзларининг тор манфаатларини таллашиб ўзаро кураш олиб борадилар. Буларнинг ҳаммасига сабаб тўрт варна ва тўрт ашрам тизимининг таназулга юз тутишидир.

**ТЕКШИРДИ,**

Текст 55

Агар сен жаҳоннинг аҳволига ғамхўрлик қилишни тарк этсанг, унда қонунсизлик ҳукм сура бошлайди, чунки унда пулдан бошқа нарса қизиқтирмайдиган очофат одамларни ҳеч ким бошқара олмай қолади. Ана шундай ноинсоф одамлар тобора кўпайиб кетади ва бутун олам ҳалокатга маҳкум бўлади.

Изоҳ: Ҳозирги даврда жамиятнинг илмий асосланган тўрт варна ва тўрт ашрам тизими амалда бутунлай йўқолиб кетган, шунинг учун бутун олам аҳли дин, сиёсат ва жамиятнинг ижтимоий тизими ҳақида ҳеч нарса билмайдиган ва махсус тайёргарликдан ўтмаган одамларнинг ҳукми остига тушиб, жуда ачинарли аҳволга келиб қолган. Тўрт варна ва тўрт ашрам тизимида турли табақа ва ашрам аъзолари махсус тайёргарликдан ўтадилар. Худди ҳозирги даврда турли ўқув муассасалари жамиятнинг муҳандис, тиббиёт ходимлари ва электрикларга бўлган эҳтиёжини қондириш учун мутахассислар тайёрлаб бергани сингари, қадимда ҳам жамиятнинг олий табақаларининг вакиллари – зиёли(браҳман)лар, ҳукмдор(кшатрий)лар ва ишбилармон ва савдогар(вайшья)лар махсус тайёргарликдан ўтганлар. Браҳман, кшатрий, вайшья ва шудраларнинг вазибалари "Бхагавад-гита"да белгилаб берилган. Ана шу синфларга мансуб одамлар махсус тайёргарликдан ўтмаса, улар инсоннинг браҳман ёки кшатрийлар табақасига мансублиги, улар ҳатто шудраларнинг ишини бажариб юрган бўлса ҳам, уларнинг ижтимоий келиб чиқишига асосан белгиланади деб даъво қила бошлайдилар. Одамларнинг олий табақага мансубликни асосиз равишда ана шундай даъво қилишлари натижасида жамиятнинг илмий асосланган бўлиниш тизими табақаларга бўлинишга олиб келади ва жамиятнинг бошланғич тизими бутунлай таназулга юз тутуди. Шунинг учун ҳозирги жамиятда пала-партишлик ҳукм сурапти, одамлар тинчлик ва осойишталик нималигини бутунлай унутиб юборганлар. Бу ерда аниқ айтилганки, қудратли шоҳ ҳукумати бўлмаса, гуноҳкор, имонсиз, зарур сифатларга эга бўлмаган одамлар жамиятда юқори мартабаларга даъвогарлик қила бошлайдилар, натижада жамият ҳалокатга маҳкум бўлади.

Текст 56

Аммо, шунга қарамай, эй жасоратли шоҳ, барибир сендан сўрашга руҳсат бер: менинг олдимга келишга сени нима мажбур қилди? Қандай ниятда келган бўлсанг ҳам биз уни албатта амалга оширамиз.

Изоҳ: Инсон, албатта, ўз дўстининг уйига боришдан бирор мақсадни кўзлайди. Буюк шоҳ Сваямбхува Ману ўз салтанатини айланиб юриб, ҳеч қандай сабабсиз унинг кулбасига келмаслигини Кардама Муни тушунарди, шунинг учун у

шоҳнинг истагини бажо келтиришга ҳозирлана бошлади. Ўша даврларда донишмандлар шоҳнинг саройига бориб туришлари, шоҳ эса донишмандларнинг кулбаларига бориб туриши одатдаги ҳол эди, бунда улар меҳмоннинг ҳар қандай истагини амалга оширишдан хурсанд эдилар. Ана шундай ўзаро илиқ муносабатлар бхакти-карья деб аталади. Браҳманлар билан кшатрийлар орасидаги ўзаро манфаатли муносабатлар бир шеърда жуда аниқ ифодаланган: кшатрам двиджатвам. Кшатрам – “шоҳлар хонадони”, двиджатвам эса – “браҳманлар табақаси”. Ведалар жамиятида браҳманлар ва кшатрийлар бир бирига ёрдам берганлар. Шоҳлар браҳманларга ғамхўрлик қилганлар, улар жамиятнинг руҳий жиҳатдан ривожланишига ёрдам беришлари учун имконият яратиб берганлар, браҳманлар эса, жамиятдаги фуқаролар руҳий баркамолликка эриша олишларини таъминлаш учун шоҳларга доно насихатлар бериб турганлар.

"Шримад Бхагаватам"нинг Учинчи Кўшиқ “Ману билан Кардаманинг суҳбати” деб аталадиган йигирма биринчи бобига Бхактиведантанинг изоҳлари шундай яқунланади.

## **Йигирма иккинчи боб Кардама Мунининг Девахутига уйланиши**

Текст 1

Шри Майтрея деди: Императорнинг кўплаган эзгу сифатлари ва кароматларини олқишлаб, донишманд жим қолди. Шунда бироз уялиқираб қолган император гапира бошлади.

Текст 2

Ману жавоб берди: Ведалар тимсоли бўлган маъбуд Браҳма ведалар илмини тарқатиш ниятида ўзининг юзидан сизларни – илм соҳиби, сеҳр қудратига эга, риёзатга берилган ҳамда ҳиссий лаззатларга бефарқ бўлган браҳманларни яратди.

Изоҳ: Ведаларнинг мақсади Мутлақ Ҳақиқат ҳақидаги илоҳий илми тарқатишдан иборат. Браҳманлар Олий Шахс Худонинг оғзидан яратилган, шунинг учун уларнинг бурчи Ведалар илмини, шу билан бирга Парвардигорнинг шон-шухратини тарқатишдан иборат. "Бхагавад-гита"да ҳам Парвардигор Шри Кришна айтганки, барча Ведаларнинг мақсади – одамларга Олий Шахс Худо ҳақида илм бериш. Бу ерда алоҳида таъкидлаб айтилганки, браҳманлар сеҳр қудратига эга ва ҳиссий лаззатларга бефарқ(йога-йуктан алампатан). Аслини олганда дунёда фақат икки хил фаолият мавжуд. Моддий фаолият ҳиссий лаззатланишдан, руҳий фаолият эса - Парвардигорни олқишлаш ва Унинг ҳиссиётини лаззатлантиришдан иборат. Фақат ўз ҳиссиётини лаззатлантириш ҳақида ўйлаб юрган кишилар иблис, Парвардигорнинг шон-шухратини тарқатиб ёки Унинг илоҳий ҳиссиётини лаззатлантириб юрган кишилар эса – фаришталар деб аталадилар. Мазкур шеърда айтилганки, браҳманлар космик шахс яъни, вират-рупанинг юзидан пайдо

бўлганлар; худди шундай кшатрийлар Парвардигорнинг қўлларидан, вайшялар – унинг белидан, шудралар – Унинг оёқларидан пайдо бўлган. Браҳманларнинг бурчи – риёзат чекиш, илм ўрганиш, бошқаларга илм ўргатиш ҳамда барча хиссий лаззатларга нисбатан бефарқлиги билан бошқаларга ўрناق кўрсатишдан иборат.

### Текст 3

Браҳманларни ҳимоя қилиш учун минглаб оёқлари ва минглаб қўллари бўлган Олий Зот Ўзининг қўлларидан биз кшатрийларни дунёга келтирди. Шунинг учун браҳманларни Парвардигорнинг юраги, кшатрийларни эса – Унинг қўллари деб атайдилар.

Изоҳ: Кшатрийларнинг асосий вазифаси браҳманларни ҳимоя қилишдан иборат, чунки браҳманларни ҳимоя қилиш билан улар жамиятнинг калласини ҳимоя қилган бўладилар. Браҳманлар жамият организмнинг калласи ҳисобланади; агар калла тиниқ ва зийрак бўлса, бутун организм соғлом бўлади. Парвардигор ҳақида намо браҳманя-девайа го-браҳмана-хитайа ча – деб айтадилар. Бу илтижога айтилганки, Парвардигор биринчи навбатда браҳманларга ва сигирларга ғамхўрлик қилади, фақат ундан кейин жамиятнинг бошқа аъзоларини ҳимоя қилади(жагад-хитайа). Парвардигорнинг Ўзи ўрнатган тартиб шундан иборат - оламнинг фаровонлиги биринчи навбатда сигир ва браҳманларнинг фаровонлигига боғлиқ бўлади, шунинг учун браҳманлар маданиятини қўллаб қувватлаш ва сигирларга ғамхўрлик қилиш жамият тараққиётининг асосий қонуни ҳисобланади. Кшатрийлар эса, Парвардигорнинг амри билан браҳманларни ҳимоя қилиш учун яратилган: го-браҳмана-хитайа ча. Инсон организмда юрак жуда муҳим вазифа бажаради, браҳманлар ҳам инсонлар жамиятида ана шундай муҳим аҳамиятга эга. Кшатрийлар одатда тананинг ўзига ўхшайдилар; гарчи тананинг ўлчамлари юракнинг ўлчамларидан бир неча марта катта бўлса ҳам, юрак муҳимроқ вазифани бажаради.

### Текст 4

Шу тариқа браҳманлар ва кшатрийлар бир-бирларини ҳамда ўзларини ҳимоя қиладилар, бир вақтнинг ўзида ҳам сабаб, ҳам оқибат бўлган ҳолда мангу ўзгармай қолаверадиган Парвардигор эса, уларни бир бирларига ғамхўрлик қилишга ундаш билан ҳимоя қилади.

Изоҳ: Варнашрама жамияти ҳар хил табақа вакилларининг ўзаро ҳамкорлик қилишига асосланган, бутун ижтимоий тизимнинг мақсади эса – одамларга руҳий ўзликни англашнинг энг юқори поғонасига кўтарилишга ёрдам беришдан иборат. Кшатрийлар браҳманларни ҳимоя қилишлари, браҳманлар – кшатрийларни ҳимоя қилишлари лозим. Агар браҳманлар ва кшатрийлар ўзаро ҳамкорлик қилиб яшасалар, уларнинг қўл остидаги табақалар: вайшялар ва шудралар ҳам фаровонликда гуллаб-яшнаб яшайдилар. Шундай қилиб, Ведалар жамиятининг мураккаб ижтимоий тизимининг нормал фаолият кўрсатиши биринчи навбатда браҳманларга ва кшатрийларга боғлиқ. Барча тирик мавжудотларнинг ҳақиқий ҳимоячиси Парвардигордир, лекин бу ҳар кимни шахсан Унинг Ўзи ҳимоя қилади дегани эмас. Кшатрийларни ҳимоя қилиш учун Парвардигор браҳманларни

яратади, браҳманларни ҳимоя қилиш учун эса, кшатрийларни дунёга келтиради. Лекин Унинг Ўзи ҳар қандай фаолиятга аралашмай қолаверади, шунинг учун Уни нирвикара, яъни “фаолиятсиз” деб атайдилар. Парвардигорнинг ҳеч қандай вазифаси йўқ. У шунчалик буюкки, Ўзи ҳеч нарса қилмайди, ҳамма ишни Унинг қувватлари амалга оширади. Атрофимизни ўраб турган бутун олам сингари браҳманлар ва кшатрийлар ҳам Парвардигорнинг ўзаро фаолият кўрсатадиган ҳар хил қувватларидир.

Гарчи барча алоҳида руҳлар бир бирига ўхшамасалар ҳам, Олий Руҳ, яъни Параматма ягона Парвардигор, Олий Шахс Худо. Ҳар хил сифатларга эга бўлиб, турли фаолият билан машғул бўлган алоҳида руҳлар албатта бир биридан фарқ қиладилар, аммо, ҳар хил руҳлар ўзаро тинч-тотувликда ҳамкорлик қилиб яшасалар, Олий Руҳ, Параматма қиёфасида ҳар бир тирик мавжудот қалбида мавжуд бўлган ҳолда ягона Парвардигор улардан мамнун бўлиб, уларнинг ҳаммасини Ўз ҳимояси остига олади. Аввал айтганимиздек, браҳманлар Парвардигорнинг оғзидан дунёга келганлар, кшатрийлар Унинг кўкси ва қўлидан пайдо бўлганлар. Ҳар хил фаолият билан машғул бўлишларига қарамай, жамиятнинг турли табақа ва ижтимоий синфлари орасида ўзаро яқин ҳамкорлик муносабатлари ўрнатилса, Парвардигор бундан жуда мамнун бўлади. Жамиятни тўрт варна ва тўрт ашрамга бўлишнинг моҳияти шундан иборат. Жамиятнинг турли варна ва ашрамларига мансуб аъзолари Парвардигор Шри Кришнани мамнун қилиш мақсадида ўзаро ҳамкорлик қилиб яшасалар, бутун жамиятни Парвардигор албатта Ўзининг ишончли ҳимояси остига олади.

"Бхагавад-гита"да айтилганки, барча тирик мавжудотларнинг таналари Парвардигорнинг мулки ҳисобланади. Алоҳида руҳ ўзининг алоҳида танасига эгалик қилади, аммо Парвардигор аниқ қилиб шундай дейди: “Эй азиз Бхарата, билиб қўйки, Мен ҳам кшетра-джна-ман”. Кшетра-джна ибораси “танани биладиган, яъни тананинг эгаси бўлган зот”ни билдиради. Алоҳида руҳ ўзининг алоҳида танасига эга бўлади, Парвардигор Шри Кришна, Олий Руҳ эса, қаерда бўлишидан қатъий назар барча таналарнинг эгаси ҳисобланади. Фақат бу сайёрадаги одамларнинг эмас, балки бошқа барча сайёралардаги барча қушларнинг, ҳайвонларнинг ва бошқа ҳамма тирик мавжудотларнинг таналари Унинг мулки ҳисобланади. У – бутун борлиқнинг олий эгаси, шунинг учун ҳар хил алоҳида руҳларни ҳимоя қилар экан, Унинг Ўзи Ўзининг тўла бутунлигини ҳимоя қилиб, ўзгармай қолаверади. Куёш тепада бўлганда у ҳар биримизнинг устимизда турган бўлади, лекин бу - куёш жуда кўп бўлақларга бўлиниб кетди - дегани эмас. Биз куёш фақат менинг устимда нур сочиб турибди деб ўйлаймиз, аммо биздан беш чакирим узокда турган бошқа бир одам ҳам худди шундай деб ўйлайди. Худди шундай, Парвардигор, Олий Руҳ, Олий Шахс Худо ҳам – битта, аммо У ҳар бир алоҳида руҳни кузатиб туради. Лекин бу, алоҳида руҳ билан Олий Руҳ бир биридан фарқ қилмайди, дегани эмас. Улар сифат жиҳатидан бир бирига ўхшаш, чунки иккиси ҳам руҳий табиатга эга, лекин барибир алоҳида руҳ билан Олий Руҳ хамиша бир биридан фарқ қилганча қолаверади.

### Текст 5

Мен сени кўришим билан барча шубҳаю-гумонларим тарқаб кетди, чунки сен, эй ҳукмдорим, ўз фуқароларини ҳимоя қилиш ниятида юрган шохнинг бурчи нимадан иборат эканини менга тушунтириб бердинг.

Изоҳ: Бу ерда Ману буюк авлиё билан учрашиш инсонга қандай бахт-саодат келтириши ҳақида гапиряпти. Парвардигор Чайтанья айтадики, ҳар бир инсон тақводор авлиё зотлар билан учрашишга интилиб яшаши лозим, чунки бундай суҳбатлар ҳатто бир лаҳза давом этса ҳам, инсонга руҳий баркамоллик чўккисига эришиш имконини беради. Агар умр йўлида кимдир авлиё зот билан учрашиш ва унинг марҳаматига эришиш бахтига муяссар бўлса, у инсон бўлиб яшашдан ўзининг олдига қўйилган олий мақсадга эришади. Манунинг сўзларининг ҳақиқат эканига ана шу сатрларни ёзган муаллиф ҳам ўз ҳаётида чуқур ишонч ҳосил қилди. Мен тақдиримда Вишнупада Шри Шримад Бхактисиддханта Сарасвати Госвами Махаражни учратдим, биринчи учрашув пайтидаёқ у мендан унинг таълимотини ғарбий давлат халқлари орасида тарғибот қилишни илтимос қилди. Бу мен учун умуман кутилмаган ҳодиса эди, лекин у барибир шунини истаган эди, энди, руҳий устозимнинг марҳамати билан мен унинг амрини бажаряпман. Шу тариқа мен Худога илоҳий хизмат қилиш имкониятига эга бўлдим, бу мени кутқарди ва моддий фаолият билан шуғулланиш заруратидан халос этди. Бу яна бир марта шунини исботлайдики, умрини Худога садоқат билан хизмат қилишга бағишлаган авлиё инсон билан учрашиб, унинг марҳаматига эриша олсак, биз ҳаётда инсон олдига қўйилган бурчни адо этиш имконига эга бўламиз. Агар биз авлиё инсон билан учрашсак, минглаб умрлар давомида эриша олмаган мақсадга бир лаҳзада эриша оламиз. Шунинг учун Ведалар бизни оддий, дунёвий одамлардан узоқроқ юриб, авлиё зотлар билан учрашишга чақиради, чунки авлиё инсон айтган биргина сўз ҳам бизни моддий олам тутқунлигидан озодликка чиқаришга қодир. Ана шундай авлиё инсон эришган руҳий баркамоллик унга шартланган руҳни бир зумда озодликка чиқара олишга қодир бўлган илоҳий қудрат ато этади. Ману тан оляптики, унинг барча гумонлари тарқаб кетган, чунки Кардама Муни унга алоҳида руҳларнинг ҳар хил бурч ва вазибаларини гапириб берган.

#### Текст 6

Сен билан учрашиш имкониятини мен ўзим учун энг катта омад деб биламан, чунки ақлини ва ҳиссиётини жиловлаб олмаган кишининг сени учратиши амри маҳол. Мен таърифлаб бўлмас даражада омадлиман, чунки сенинг табаррук гарди пойларинг бошимга тегди.

Изоҳ: Руҳий баркамолликка эришиш учун инсон авлиё зотнинг нилуфар қадамлари пойининг гардини бошига сурса, бас. "Шримад Бхагаватам"да шундай дейилган: махат-пада-раджо-бххишекам – яъни, "Парвардигорнинг буюк содигининг нилуфар қадамлари пойининг муқаддас гарди пойи билан бахтга эришинг". "Бхагавад-гита"да айтганидек, махатманас ту – буюк зотлар руҳий қувват паноҳи остида бўладилар ва ҳамиша Кришна онгидаги фаолият яъни Худога садоқатли хизмат қилиш билан машғул бўладилар. Шунинг учун уларни махат деб атайдилар. Токи инсон ўзининг бошига махатмаларнинг нилуфар

қадамлари пойи гардидан суриш бахтига эришмас экан, у руҳий баркамолликка эриша олмайди.

Руҳий юксалиш йўлида парампара, шогирдлар силсиласи қондаси жуда муҳим аҳамиятга эга. Инсон бошқа бир махатманинг – руҳий устозининг марҳамати билан махатма даражасига эришади. Буюк зотнинг нилуфар қадамлари пойидан паноҳ топган кишининг ўзи ҳам буюк зот бўлиш имкониятига эга бўлади. Махараж Рахугана Жада Бхаратдан қандай мўъжиза билан у руҳий баркамолликка эришганини сўраганида, у шохнинг саволига жавоб бериб айтдики, руҳий баркамолликка диний маросимларни ўтказиш, санньяси қабул қилиш ёки Ведаларда тавсия қилинган қурбонлик маросимларини ўтказиш ёрдамида эришиб бўлмайди. Албатта, бу усулларнинг ҳаммаси инсоннинг руҳий юксалишига ёрдам беради, лекин руҳий баркамолликка фақат махатманинг марҳамати билан эришиш мумкин. Руҳий устозга мурожаат қилиб айтилган саккиз мисра шеърда Вишванатха Чакраварти Тхакур очикдан очик айтдики, руҳий устозининг марҳаматига эришган киши ўз мақсадига осонлик билан эришади, аксинча, руҳий устозини мамнун қила олмаган киши, ҳатто барча диний маросим ва удумларга қатъий билан амал қилиб юрса ҳам, ҳеч қачон руҳий баркамолликка эриша олмайди. Мазкур шеърда акритатманам ибораси алоҳида муҳим аҳамиятга эга. Санскрит тилида атма ибораси "тана", "руҳ" ёки "ақл" деган маъноларни англатиши мумкин, шунинг учун акритатма ибораси билан одатда ўзининг ҳиссиёти ва ақлини жиловлаб олмаган оддий инсон ифодаланади. Оддий инсон ҳиссиёти ва ақлини жиловлай олмагани учун у буюк зотнинг ёки Парвардигорнинг буюк содик хизматкорининг паноҳига кириши ва хизмати билан уни мамнун қилиб, унинг марҳаматига эришиши лозим. Шунда унинг ҳаёти мукамал даражага етади. Руҳий баркамолликнинг олий поғонасига кўтарилиш учун шунчаки диний қонун-қоидаларга риоя қилиш ва барча маросимларни ўтказиб юришнинг ўзи етарли эмас. Оддий инсонга албатта руҳий устоз керак, агар унинг барча кўрсатмаларини чуқур ишонч билан бажаришга самимий интилиб юрса, у албатта руҳий баркамолликка эришади.

#### Текст 7

Омадим келиб, мен сендан насиҳатлар тингладим, улар билан бирга сенинг буюк марҳаматингга эришдим. Мен сенинг пок сўзларингга қулоқ солганим учун Парвардигорга миннатдорчилик билдираман.

Изоҳ: "Бхакти-расамрита-синдху"да Шрила Рупа Госвами қандай қилиб руҳий устоз қабул қилиш ва у билан қандай қилиб ўзаро муносабат ўрнатиш ҳақида насиҳат беради. Руҳий баркамолликка эришишга интилиб юрган киши биринчи навбатда ҳақиқий руҳий устозни топиши, кейин унинг насиҳатларига диққат билан қулоқ солиши ва уларга амал қилишга ҳаракат қилиши лозим. Руҳий устоз билан шогирд орасида ўзаро хизмат алмашиш шу тарзда рўй беради. Ҳақиқий руҳий устоз ёки авлиё зот ўзига мурожаат қилган кишиларга руҳий юксалиш йўлида ёрдам беришга ҳамиша тайёр туради. Алданиш, майя чангалига тушиб қолиб, бизлар ўзимизнинг энг асосий бурчимизни – Кришнани англаб яшашни эсдан чиқариб қўямиз, шунинг учун авлиё инсон ҳамиша бир нарсага интилиб яшайди – у бизларнинг ҳар биримиз тақводор авлиё инсон бўлишимизни истайди. Авлиё

инсон Худони эсдан чиқарган ҳар бир инсоннинг қалбида Кришна онгини уйғотишни ўзининг бурчи деб билади.

Ману айтадики, Кардама Мунининг насиҳат ва маслаҳатлари унга буюк бахт-саодат келтирди. У донишманднинг насиҳатларини шахсан ўзи бевосита тинглаш бахтига муяссар бўлганидан ўзини жуда омадли деб билади. Бу ерда алоҳида таъкидлаб айтилганки, инсон руҳий илм эгаллашга ва ана шу илмнинг ишонарли манбаи бўлган ҳақиқий руҳий устознинг гапларини тинглашга интилиши лозим. Илоҳий илмни қандай ўрганиш мумкин? Илоҳий илмга фақат тинглаш орқали эришиш мумкин. қарна-рандхраих ибораси “қулоқ тешиклари орқали” деган маънони англатади. Руҳий устознинг марҳаматини фақат қулоқ орқали қабул қилиш мумкин. Лекин бу, руҳий устоз ўзининг шогирдига қандайдир сирли мантра беради, шогирди шу мантрани тинглаб, унга пул тўлайди, кейин ана шу мантрага мувожаба қилиб, ярим йилдан кейин руҳий баркамолликка эришади ва ўзи Худо бўлади, дегани эмас. Бундай йўл билан тинглаш шунчаки фирибгарлик, холос. Ҳақиқий тинглаш жараёни шундан иборатки, ҳақиқий руҳий устоз ҳар бир шогирдининг қобилиятини ва мойиллигини, унинг Кришна онгида қандай ишлар бажара олишини яхши билади ва шунга қараб унга кўрсатма, насиҳатлар беради. Шогирд руҳий устозининг гапларини тинглайди, у шогирдига ёлғиз қолиб, хилватда эмас, балки бошқалар олдида кўрсатмалар беради: “Сен Кришна онгида шундай ишларни қилишга қодирсан. Сен шу-шу ишларни амалга оширишинг лозим”. У бир шогирдига Илоҳларга сиғиниб, бошқа бирига – китоб ва журналларни таҳрир қилиб, яна бирига тарғибот қилиш билан, яна бирига ошхонада ишлаш билан Кришнага хизмат қилишни буюради. Кришна онгида хилма-хил фаолият билан шуғулланиш мумкин, руҳий устоз ҳар бир муайян шогирдининг қобилияти ва имкониятларини билган ҳолда, ўзининг кўрсатмасини бажариш орқали шогирди руҳий баркамолликка эриша олиши учун, унинг туғма қобилиятига мос бўлган аниқ бир ишни буюради. "Бхагавад-гита"да ҳам айтилганки, худди Аржун ўзининг жанг қилиш қобилиятидан фойдаланиб Кришнага хизмат қилгани сингари, руҳий фаолиятда фақат ўзининг табиатига, туғма қобилияти ва мойиллигига мос хизмат тури билан шуғулланиб юрган киши руҳий баркамолликка эришади. Ўзининг табиатига мос бўлган жангчилик бурчини охиригача адо этиш билан Аржун руҳий баркамолликка эришди. Худди шундай, руҳий устоз раҳбарлиги остида ҳар хил картиналар яратиш билан ҳатто расом ҳам руҳий баркамолликка эриша олади. Ижод қилиш қобилиятига эга бўлган иқтидорли шогирд Кришнага хизмат қилиб, руҳий устозининг кўрсатмаларига амал қилиб шеър ва мақолалар ёзиши мумкин. Шогирд руҳий устозидан ўзининг қобилиятини амалда қандай қўллаш борасида насиҳатлар олиши лозим, чунки руҳий устоз ана шундай насиҳатлар беришга қодир бўлган қобилиятга эга бўлади.

Руҳий устознинг насиҳатлари, шу насиҳатларга сўзсиз амал қилиш билан биргаликда руҳий ўзликни англаш жараёнини мукамал поғонага кўтаради. "Бхагавад-гита"даги вйавасайатмика буддхих деб бошланадиган шеърни изоҳлар экан, Шрила Вишванатха Чакраварти Тхакура айтадики, руҳий юксалишда ҳақиқатан ҳам муваффақиятга эришишга интилиб юрган киши руҳий устозидан нима билан шуғулланиш борасида аниқ бир кўрсатма олиши лозим. У руҳий устозидан олган кўрсатмасига сўзсиз амал қилиб, уни бутун умрининг асосий иши қилиб олиши лозим. Руҳий устознинг амрини сўзсиз бажариш – ҳар бир

шогирднинг ҳаётдаги ягона ва асосий бурчидир; фақат шу билан шогирд руҳий баркамолликка эриша олади. Инсон қандай қилиб бўлса ҳам руҳий устознинг насиҳатларини тинглаши, кейин унинг амрини сўзсиз бажариб яшаши лозим. Мана шу унга инсон ҳаётининг олий мақсадига эришиш имкониятини беради.

#### Текст 8

Эй буюк донишманд, марҳамат қилиб камтарин хизматкоринг илтимосини тинглашингни ўтиниб сўрайман, чунки кизимга бўлган боғланиш туйғуси менга сира тинчлик бермаяпти.

Изоҳ: Шогирд билан руҳий устоз орасида ўзаро яхши муносабат ўрнатилиб, улар бир бирини тўла тушуниб, шогирд руҳий устозидан кўрсатма олгандан ва унинг кўрсатмасини шижоат ва ғайрат билан бажаришга кириша бошлагандан кейин руҳий устозидан ўзининг ишларига ривож тилаб дуои-фотиҳа сўраши мумкин. Парвардигорнинг асл содиқ хизматкори ёки ҳақиқий руҳий устознинг ҳақиқий шогирди на Парвардигордан, на руҳий устозидан бирор дуои-фотиҳа ёки бошқа бирор ёрдам сўрамайди, лекин, агар шогирд руҳий устозидан бирор дуои-фотиҳа сўрашга зарурат ҳис қилса, аввал ўзининг бирор хизмати билан руҳий устозини мамнун қилгандан кейин руҳий устозига шундай илтимос билан мувожаат қилиши мумкин. Сваямбхува Ману донишмандга ўзининг ниятини ошқор қилмоқчи ва кизига бўлган чуқур оталик меҳри туфайли нима ишлар қилмоқчи эканини айтмоқчи эди.

#### Текст 9

Менинг кизим – Прияврата ва Уттанападаннинг синглиси бўлади. У ҳозир ёши, хулқ-атвори жиҳатидан мос келадиган, ўзига ўхшаган эзгу ниятли куёв излаб юрибди.

Изоҳ: Сваямбхува Манунинг Девахути деган, балоғат ёшига етган бенуқсон одоб-ахлокли, барча эзгу фазилатларга эга кизи бор эди. У ўзига муносиб, ёши, сифатлари ва хулқ-атвори жиҳатидан мос келадиган куёв излаб юрганди. Қизини икки буюк шоҳ – Прияврата ва Уттанападаннинг синглиси эканини айтиб, Ману донишмандга қизи Девахути шоҳлар хонадонига мансуб эканини билдириб қўймоқчи эди. У насл-насаби номаълум оддий киз эмас, балки кшатрийларнинг кизи ва синглиси эди. Ману Кардама Мунига уни хотинликка олишни таклиф қилди, чунки донишмандга айнан шундай хотин керак эди. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, гарчи Манунинг қизи балоғатга етган ва жуда кўп эзгу фазилатларга эга бўлса ҳам, у ўзига ўзи куёв ахтара бошламади. Девахути ўзига муносиб, характери, ёши ва сифатлари ўзиникига мос бўлган кишига эрга чиқиш нияти борлигини отасига билдирди, отаси эса, кизига нисбатан муҳаббати юзасидан унга муносиб куёв излаб топишни ўз зиммасига олди.

#### Текст 10

Донишманд Нарада Мунидан сенинг олижаноблигинг, билимдонлигинг, гўзаллигинг, навқиронлигинг ва бошқа эзгу фазилатларинг ҳақида эшитгандан кейин у бошқа ҳеч кимни ўйламай қўйди.

Изоҳ: Девахути аввал Кардама билан ҳеч қачон учрашмаган, унинг хулқ-атворини ўрганиб, эзгу фазилатларига ўзи ишонч ҳосил қилмаган эди, чунки жамиятдаги урф-одатлар бунга йўл қўймасди. Аммо у Кардама ҳақида ишончли манбадан – Нарада Мунидан билиб олган эди. Ҳар бир нарсада инсон ўзи ишонч ҳосил қилишга ҳаракат қилгандан кўра, шу соҳада тажрибали кишининг гапларига кулоқ солиш анча катта фойда беради. Девахути Нарада Мунидан Кардама Муни унинг учун энг яхши куёв бўла олишини билиб олди, шунинг учун у Кардама Мунига бутун қалбини топширди ва фақат унга эрга чиқишга қатъий қарор қилди; шундай қарорга келиб, у қарорини отасига билдирди. Отаси уни донишманднинг кулбасига олиб келди.

#### Текст 11

Шунинг учун, сендан илтимос, эй брахманлар ичида аълоси, қизимни қабул қилиб ол, мен чуқур ишонч билан уни сенга топшираман; у ҳамма жиҳатдан сенга хотин бўлишга ҳамда оилангидagi барча ташвишларини ўз зиммасига олишга муносиб.

Изоҳ: Грихамедхишу кармасу дегани “оилали кишининг вазифалари” деган маънони билдиради. Мазкур шеърда сарватмана-нурупам ибораси ҳам ишлатилган. Бунда хотин киши ўзининг ёши, характери, сифатлари жиҳатидан эрига мос келиб қолмасдан, оилали кишининг вазифаларини бажаришида эрига ёрдам бериши лозимлиги назарда тутилган. Оилали кишининг бурчи фақат оиласида хотини ва фарзандлари билан бирга лаззатланиб яшаш эмас, балки айна пайтда руҳий юксалишга эришишдан иборат. Шундай қилмаган одам оилали киши эмас, грихамедха ҳисобланади. Санскрит тилида оилали киши грихастха ёки грихамедха деб аталади. Грихастха билан грихамедханинг бир биридан фарқи шундаки, грихастха – ашрамларнинг бири, яъни руҳий юксалиш зинапоясининг бир поғонаси ҳисобланади, грихамедхи эса – фақат ўзининг ҳиссиётини лаззатлантириш учун оиласи билан бирга яшайдиган киши. Грихамедха хотинига ўзига лаззат келтирадиган манба сифатида қарайди, грихастха учун эса, эзгу ниятли хотини – руҳий юксалиш йўлида унинг ишончли таянчи ҳисобланади. Хотиннинг бурчи – эри билан рақобатлашмасдан уй ишларини ўз зиммасига олишдан иборат. Хотин ҳамма нарсада эрига ёрдам бериши лозим, аммо, фақат ёши, характери ва сифатлари эрига мос бўлган хотин шундай қила олади.

#### Текст 12

Ҳиссий лаззатларга боғланиб қолган киши эмас, ҳатто барча дунёвий боғланишлардан бутунлай озод бўлган киши ҳам ўзидан ўзи келадиган нарсалардан юз ўгирмаслиги керак.

Изоҳ: Моддий ҳаётда ҳар бир одам ўз ҳиссиётини лаззатлантиришга интилади; шу боис у, ўзи бирор ҳаракат қилмаса ҳам, ўзидан ўзи келадиган лаззатлардан юз ўгирмаслиги керак. Кардама Муни ҳиссий лаззатланишга интилмаган эди, лекин барибир, уйланишни истаган ва Худога илтижо қилиб, унга муносиб хотин бўладиган қизни юборишни тилаган эди. Сваямбхува Ману бун биларди, шунинг учун у: “Сен менинг қизимга ўхшаган муносиб қизга уйланишни орзу қилган

эдинг, мана энди у сенинг олдингга турибди. Сен уни қабул қилишинг, Худога қилган илтижоларинг натижасини инкор этмаслигинг лозим” – дегандай, Кардама Мунини бунга ишонтирмоқчи эди.

#### Текст 13

Ўзидан ўзи қўлига келган нарсани рад этадиган, кейин ҳасис одамлардан садақа сўрайдиган киши ўзининг обрўсидан айрилади. Кейин эса, одамлар унинг мағрурлигини тан олмасдан уни масҳара қила бошлайдилар.

Изоҳ: Ведавий жамиятда оила қурганда қизнинг отаси муносиб йигитга қизини ўзи таклиф қилган. Ана шундай никоҳ жуда обрўли никоҳ ҳисобланади. Йигит ўзи бориб, қизнинг отасидан унинг қўлини сўраб юрмаган. Бундай қилиш ёш йигитнинг обрўсига путур етказидиган иш ҳисобланган. Кардама Муни ўзига муносиб қизга уйланиш ниятида эканини билиб, Сваямбхува Ману донишмандни ишонтиришга ҳаракат қиларди: “Мен сенга ўзинг орзу қилиб юрган қизни таклиф қиляпман. Менинг таклифимни рад этма, акс ҳолда, барибир уйланиш учун сен бошқа жойлардан қиз излашга, кимнингдир қизини сўраб боришга мажбур бўласан, улар сени муносиб ҳурмат қилмаслиги мумкин, шунда шарманда бўлиб бу қилган ишингдан пушаймон бўласан”.

Бу лавҳанинг яна бир аҳамияти шундан иборатки, гарчи Сваямбхува Ману император бўлса ҳам, у ўзининг покдомон қизини хотинликка олишни таклиф қилиб қашшоқ брахманнинг олдига келди. Кардама Мунининг ҳеч нарсаси йўқ эди – у ўрмонда риёзат чекиб яшарди, лекин айна пайтда у юксак маданиятли инсон эди. Демак, қиз болани кимгадир хотинликка таклиф қилганда биринчи навбатда бўлғуси куёвнинг бойлиги ва бошқа моддий нарсаларига эмас, балки унинг маданияти ва хулқ-атворига эътибор бериш лозим.

#### Текст 14

Сваямбхува Ману давом этди: Эй донишманд, мен сенинг уйланиш ниятида эканингни эшитдим. Шундай экан, менинг таклифим билан қизимнинг қўлини ол, биламанки сен бутун умр жинсий поклигингни сақлашга муқаддас қасам ичмагансан.

Изоҳ: Брахмачарининг асосий қоидаси жинсий поклигини сақлаш ҳисобланади. Брахмачарилар икки тоифа бўлади, бирлари найштхика-брахмачари – бутун умр жинсий поклигини сақлашга онт ичганлар, иккинчи тоифаси - упакурвана-брахмачари, маълум ёшгача жинсий поклигини сақлайдиган шогирдлар. Ана шундай брахмачари маълум ёшгача, масалан, 25 ёшгача жинсий поклигини сақлаб юриши мумкин, кейин руҳий устозининг руҳсати билан оила қуриши мумкин. Брахмачарья – шогирдлик даври, руҳий турмуш тарзининг биринчи поғонаси бўлиб, брахмачарининг асосий қоидаси жинсий поклик ҳисобланади. Оилали кишидан фарқли равишда брахмачари ҳиссий лаззатларга берилмаслиги ёки жинсий алоқа қилмаслиги керак. Сваямбхува Ману Кардама Мунидан унинг қизини хотинликка олишни илтимос қилди, чунки Кардама Муни найштхика-брахмачарья бўлишга қасам ичмаган эди. Унинг уйланиш нияти бор эди, ҳозир унинг олдига олий табақали хонадонга мансуб бўлган муносиб қиз турарди.

#### Текст 15

Буюк донишманд шундай жавоб берди: Албатта, мен ҳақиқатан ҳам уйланишни истайман, сенинг қизинг ҳали эрга тегмаган, ҳеч кимга фотиҳа қилинмаган. Шунинг учун мен ведавий покланиш маросими ўтказиб, уни ўз никоҳимга олишим мумкин.

Изоҳ: Сваямбхува Манунинг қизини хотинликка олишдан олдин Кардама Муни ҳар томонлама ўйлаб, кўп ҳолатларга эътибор берди. Уларнинг энг муҳими Девахутининг фақат унга турмушга чиқишга қарор қилгани ҳисобланади. У ҳеч қачон бошқа бировга турмушга чиқиш ҳақида ўйламаган эди. Бу жуда муҳим, чунки аёлнинг психологияси шундайки, агар у ўзининг қалбини бировга изҳор этган бўлса, қалбини ундан совутиши, меҳр-муҳаббатини қайтариб олиши жуда қийин бўлади. Бундан ташқари, Девахути аввал ҳеч кимга турмушга чиқмаган, бокира қиз эди. Ана шу ҳолатлар Кардама Мунида уни хотинликка олиш истагини уйғотди. Шунинг учун Сваямбхува Мануга мурожаат қилиб, у шундай деди: “Майли, мен диний қонун-қоидаларга риоя қилган ҳолда сенинг қизингга уйланаман”. Никоҳнинг бир неча тури бор, аммо уларнинг энг яхшиси, қизнинг отаси қизига муносиб йигитни уйига чақириб, унга ўзининг чиройли либослар кийиб, қимматбаҳо тақинчоқлар тақиб олган бокира қизини эвазига ҳеч қандай бадал ёки қалин сўрамасдан бериши ҳисобланади. Отаси ўзининг имкониятига қараб қизига сеп қилади. Никоҳ қуришнинг бошқа турлари ҳам мавжуд, масалан, гандхарвалар одати бўйича никоҳдан ўтиш, муҳаббатга асосланган никоҳ ҳам бўлади. Ҳатто, куёв қизни зўравонлик билан куч ишлатиб ўғирлаб кетса, кейин никоҳдан ўтиб унга уйланса ҳам бўлади, уларнинг никоҳи ҳам қонуний никоҳ ҳисобланади. Аммо, Кардама Мунининг ҳозирги никоҳи уйланишнинг энг яхши тури эди, чунки келиннинг отасининг истаги бўйича қурилган никоҳ бўлиш билан бирга келин ҳам ҳар жиҳатдан унга муносиб қиз эди. У ҳеч қачон қалбини бошқа бировга изҳор этмаган эди. Ана шу фикр-мулоҳазаларнинг барчаси Кардама Мунини Сваямбхува Манунинг қизига уйланишга рози бўлишга ундади.

#### Текст 16

Қизингнинг ишончли ведавий маросимлар орқали покланиб никоҳдан ўтиш орзуси ушала қолсин. Ким ҳам унинг қўлини рад эта оларди? У шунчалик гўзалки, ундан таралаётган ёғду ўзи тақиб олган чиройли тақинчоқларнинг жилвасини сўндириб қўйяпти.

Изоҳ: Кардама Муни муқаддас китобларда берилган барча қонун-қоидаларга риоя қилган ҳолда Девахути билан никоҳ қурмоқчи эди. Ведаларда айтилганки, никоҳнинг энг яхшиси – бўлғуси келиннинг отаси куёвни уйига чақириб, ундан бадал талаб қилмасдан ўзининг қизини тақинчоқлар, олтин, уй жиҳозлари ва рўзғор учун керакли бошқа анжомлардан иборат сепи билан бирга унга топширади. Ҳиндистонда олий табақага мансуб одамлар орасида никоҳнинг ана шу тури ҳозирги даврда ҳам кенг тарқалган, шастраларга асосан ана шундай никоҳ қизнинг отасига буюк бахт келтиради. Ўзининг қизини қалин сўрамасдан муносиб куёвга узатиш муқаддас китобларда оилали кишига тавсия қилинган эзгу, савоб

ишларнинг бир тури ҳисобланади. “Ману-сморити”да никоҳнинг саккиз тури таърифланган, лекин ҳозирги даврда уларнинг фақат бир туридан – брахма, яъни раджасика туридан фойдаланиш мумкин. Никоҳнинг бошқа турлари: муҳаббатга асосланган никоҳ, гулчамбар алмашиш билан бўладиган никоҳ, қизни ўғирлаб кетиш – Кали югада таъқиқланган. Аввалги даврларда қшатрийлар эрмак учун бошқа шоҳ хонадонининг қизини ўғирлаб кетган, кейин қизнинг хонадони аъзолари билан жанг қилган, агар ғалаба қозонса, қизни унга хотинликка берганлар. Кришна ҳам ана шу йўл билан Рукминига уйлانган, Унинг бир неча ўғиллари ва неваралари ҳам никоҳнинг шу тури билан уйлانганлар. Кришнанинг неваралари Дурйодхананинг қизини ўғирлаб кетганлар, натижада Ядавлар билан Курулар хонадони ўртасида жанг бўлиб ўтган. Курулар хонадонининг ёши катта аъзоларининг аралашуви билан рақиблар ўзаро муроасага келганлар. Ўтган даврларда ана шундай никоҳлар кенг тарқалган эди, аммо ҳозирги даврда улардан фойдаланиб бўлмайди, чунки қшатрийларнинг турмуш тарзини белгилайдиган қонун-қоидалар ҳозир унутилиб кетган. Ҳиндистон чет эллик мустамлакачиларга қарам бўлгандан кейин, ҳиндлар жамиятининг таркибий қисми бўлган ҳар хил табақаларга мансуб одамлар ўзининг жамиятдаги аввалги мавқеини йўқотиб қўйганлар. Ведавий муқаддас китобларга кўра ҳар бир инсон шудра бўлиб туғилади. Браҳманлар, қшатрийлар ва вайшйалар ўзларининг муқаддас бурчларини бажармай қўйганлар, шунинг учун уларнинг шудралардан фарқи қолмаган. Қалау шудра-самбхавах – муқаддас китобларда шундай дейилган: Кали юга давридаги одамларнинг ҳаммаси шудрасифат бўлади. Ҳозирги даврда одамлар аввал қатъий риоя қилиб келган умуминсоний қадриятларга амал қилмай қўйганлар.

#### Текст 17

Айтишларига қараганда, буюк гандхари Вишвавасу қизинг томда копток ўйнаётганини кўриб қолиб, унга махлиё бўлганидан хайратга тушиб, уни севиб қолганидан ақлини йўқотиб, ҳаво кемасидан йиқилиб тушган. Қизинг ҳақиқатан ҳам жуда чиройли эди: унинг оёқларидаги кўнғирокчалар майин жиринглар, кўзлари эса копток ҳаракатини кузатиб, бетиним ўйнаб турарди.

Изоҳ: Мазкур шеърдан кўриниб турибдики, ўша даврда ҳам ер юзида осмонўпар баланд иморатлар бўлган. Бу ерда хармйаприште ибораси ишлатилган. Хармйа ибораси “жуда баланд сарой” деган маънони англатади. Свад виминат ибораси “ўзининг ҳаво кемасидан” деганини билдиради. Бундан кўриниб турибдики, ҳатто ўша даврларда ҳам шахсий аэропланлар бўлган. Осмонда учиб бораётиб, гандхарва Вишвавасу саройининг томида копток ўйнаб юрган Девахутини кўриб қолган. Ўша даврларда ҳам қизлар орасида копток ўйини одат бўлган, аммо ҳеч қачон обрўли хонадондан чиққан қизлар одамларнинг кўзи олдида копток ўйнамаган. Копток ўйнаш ва шунга ўхшаган бошқа эрмаклар билан ҳамма бирдай шуғуллана олмаган, бундай эрмаклар билан Девахути сингари маликалар шуғулланганлар. Бу ерда Вишвавасу ҳаво кемасида ўтиб бораётганида сарой томида ўйнаб юрган Девахутини кўриб қолган дейилган. Демак, сарой жуда баланд бўлган, акс ҳолда қандай қилиб Вишвавасу ҳаво кемасидан Девахутини кўра оларди? У қизни шунчалик аниқ кўрганки, унинг жамолига мафтун бўлиб

қолган. Маликага қараб, унинг оёғидаги қўнғироқчаларнинг жириглаганини эшитиб, у ҳаво кемасидан кулаб тушган. Кардама Муни бошқалардан эшитган бу воқеани ўзи гапириб бераётган эди.

#### Текст 18

Қайси бир соғлом фикрли киши уни – инсоният ярмининг ажойиб безаги, Сваямбхува Манунинг қизи ва Уттанападанинг синглисини рад этарди? Омад фариштасининг марҳаматли пойи қадамларига ҳеч қачон сажда қилмаган киши ҳатто унинг жамолини кўришга ҳам муяссар бўла олмайди, аммо, унинг ўзи менинг олдимга келиб, мандан уни хотинликка олишимни илтимос қилиб турибди.

Изоҳ: Бу ерда Кардама Муни қимматбаҳо тақинчоқлар билан безанган барча гўзалларни ортда қолдирадиган Девахутининг гўзаллигини ва эзгу фазилатларини олқишлаяпти. Тақинчоқ тақиб олган қиз яна ҳам гўзалроқ кўринади, аммо Девахути ўзи барча тақинчоқлардан ҳам гўзалроқ эди: унинг ўзини барча тақинчоқлар билан безаниб олган гўзалларнинг безаги деб айтардилар. Девахутининг гўзаллиги ҳатто гандҳарва ва фаришталарни ҳам ўзига мафтун этарди. Гарчи Кардама Муни буюк донишманд бўлса ҳам, у жаннатда яшайдиган зотлардан эмасди, лекин аввалги шеърда айтилган эдики, Девахутининг гўзаллиги ҳатто жаннатда яшайдиган Вишвавасуни ҳам лол қолдирган эди. Самовий гўзалликка эга бўлган Девахути Сваямбхува Манунинг қизи ва шох Уттанападанинг синглиси эди. Ана шундай кизнинг кўлини ким ҳам қайтара оларди?

#### Текст 19

Шунинг учун мен бу покдомон қизни хотинликка оламан, лекин шундай шарт билан: мен у билан фарзанд дунёга келтиргандан кейин, инсониятнинг энг комил вакилларида ўрнак олиб, ҳаётимни бутунлай Худога садоқат билан хизмат қилишга бағишлайман. Ҳасад ва зулмдан бутунлай пок бўлган Худога садоқат билан хизмат қилиш ҳақида менга Парвардигор Вишнунинг Ўзи айтган.

Изоҳ: Сваямбхува Мануга чиройли қизга уйланиш нияти борлигини айтиб, Кардама Муни унинг қизини хотинликка олишга рози бўлди. Брахмачари бўлгани учун донишманд Кардама риёзат чекиб кун кечирар ва жинсий поклигини сақлаб юрарди. Гарчи унинг уйланиш нияти бўлса ҳам, у умрининг охиригача оилали киши бўлиб қолмоқчи эмасди, чунки инсон ҳаётининг Ведаларда баён этилган қонун-қоидаларини яхши биларди. Ана шу қоидаларга кўра инсон ўзида руҳий фазилатлар ва ўзгармас хулқ-атвор шакллантириб олиши учун умрининг биринчи поғонасида брахмачари қоидасига қатъий риоя қилиб яшаши лозим. Кейинги поғонасида у уйланиб, бола-чақа қилиши мумкин, лекин бунда у фарзандларини худди ит-мушукларга ўхшаб дунёга келтирмаслиги лозим.

Кардама Муни Олий Шахс Худонинг нури бўлган фарзандга ота бўлишни орзу қиларди. Инсон Парвардигор Вишну олдидаги ўзининг инсоний бурчини адо этишга қодир бўлган фарзандларни дунёга келтириши лозим, акс ҳолда бола-чақа қилишнинг умуман ҳожати йўқ. Тақводор ота-оналардан икки турли фарзандлар дунёга келади: бир тоифа фарзандлар Кришна онгида тарбия кўрадилар ва ҳозирги

ҳаётининг ўзидаёқ майя чангалидан халос бўладилар, иккинчи тоифа фарзандлар эса, Олий Шахс Худонинг нури бўлиб одамларга инсон ҳаётининг олий мақсади ҳақидаги илми таркатади. Кейинги боблардан билиб оламизки, Кардама Мунидан худди шундай фарзанд дунёга келади – Олий Шахс Худо мужассам бўлган, санкхья фалсафасини таърифлаб берган Капила. Буюк грихастхалар Парвардигордан илтижо қилиб, бутун инсониятга бахт-саодат келтирадиган руҳий ҳаракатни бошлаб берадиган Ўзининг бирор вакилини юборишни илтижо қиладилар. Фарзанд кўришни кўллаб-қувватлайдиган асослардан бири мана шундан иборат. Фарзанд кўришнинг яна бир асоси шундан иборатки, руҳий илмга эга бўлган ота ўз фарзандини Кришна онгида тарбия қилишга ва уни мусибатларга тўла бу дунёга қайтиб келишдан озод қилишга қодир бўлади. Ота-онанинг бурчи – фарзандининг яна она қорнига тушмаслигини таъминлашдан иборат. Ўз фарзандларини руҳий озодликка чиқаришга қодир бўлмаган кишининг уйланиб юриши ва бола-чақа қилиши керак эмас. Одамлар худди ит-мушуклардай тартибсиз ҳолда бола-чақа қилаверсалар, жамият тартиби бузилиб кетади, бутун олам худди ҳозирги Кали юга давридагидай дўзахга айланади. Ҳозирги даврда на ота-оналар, на уларнинг фарзандлари инсонларга муносиб таълим-тарбия олмайдилар; худди ҳайвонлардай кун кечириб, уларнинг қиладиган ишлари фақат еб-ичиш, ухлаш, бола-чақа қилиш ва ҳиссий лаззатларга берилиб яшашдан иборат. Токи инсонлар жамиятида аҳвол шундай бўлиб қолар экан унда на тинчликка, на осойишталикка эришиб бўлмайди. Кардама Муни бошидан огоҳлантириб қўйяптики, у Девахути билан умрининг охиригача бирга қолмайди. Улар фақат Девахутининг фарзанди бўлгунча бирга яшайдилар. Бошқача қилиб айтганда, эр билан хотин ҳиссий лаззатланиш учун эмас, балки фақат тақводор фарзанд кўриш учун жинсий алоқа қилиши мумкин. Ҳар бир инсоннинг бу дунёда яшашдан бурчи Худога садоқат билан хизмат қилиш орқали руҳий баркамолликка эришишдан иборат. Парвардигор Чайтанья одамларга шуни ўргатиб кетган.

Ўз бурчини бажариб, тақводор фарзандларни дунёга келтириб, оиланинг отаси санньяса турмуш тарзини қабул қилиши ва аста-секин парамахамса даражасига етиши лозим. Парамахамса – руҳий баркамолликнинг энг олий поғонаси. Санньяси турмуш тарзи тўрт поғонадан иборат бўлади, уларнинг энг юқори поғонаси парамахамса ҳисобланади. "Шримад Бҳагаватам" парамахамса-самхита, яъни “энг улуғвор зотлар учун мўлжалланган трактат” деб атайдилар. Парамахамса даражасига етган кишининг қалби ҳасад туйғусидан бутунлай пок бўлади. Инсон ҳаётининг бошқа поғоналарида, айниқса оилавий ҳаёт поғонасида инсон одатда ҳасад ва бошқалар билан рақобат асосида ҳаракат қилади, лекин парамахамса поғонасига кўтарилган киши фақат Кришна онгидаги фаолият билан шуғулланади, яъни фақат Худога садоқат билан хизмат қилиб яшайди, шунинг учун унинг қалбида ҳасадга ўрин қолмайди. Юз йилча илгари худди Кардама Муни сингари грихастха бўлиб яшаган Бхактивинода Тхакур ҳам бутун жаҳон бўйлаб Кришнани англаш илмини ва Парвардигор Чайтанья таълимотини тарғибот қиладиган фарзандга ота бўлишни орзу қилган эди. Унинг илтижоларини инобатга олиб, Парвардигор унга муносиб ўғил, Бхактисиддханта Сарасвати Госвами Махаражни юборди. У ҳозирги даврда ўзининг ҳақиқий шогирдлари орқали ҳаракат қилиб, Парвардигор Чайтанья таълимотини бутун дунёга тарқатяпти.

## Текст 20

Мен учун энг ишончли зот Олий Шахс Худо ҳисобланади, мана шу ажойиб олам Ундан чиқади, У мана шу оламнинг мавжудлигининг ва яксон бўлишининг сабабчисидир. У – оламни тирик мавжудотлар билан тўлдириш учун яратилган барча Праджапатиларнинг манбаидир.

Изоҳ: Кардама Мунининг отаси, Праджапати унга авлодларни дунёга келтиришни буюрган эди. Олам яралишининг тонгида Праджапатилар кўплаб тирик мавжудотларни дунёга келтиришлари, улар эса ўз навбатида бу чексиз коинотнинг барча сайёраларини тирик мавжудотлар билан тўлдиришлари лозим эди. Лекин бу ерда Кардама Муни айтяптики, гарчи отаси унинг авлодлар дунёга келтиришини истаган Праджапати бўлса ҳам, у ўзининг ҳақиқий манбаини Вишну, Олий Шахс Худо деб ҳисоблайди, чунки Парвардигор Вишну бутун борликнинг манбаи ҳисобланади; У – бутун оламнинг ҳақиқий яратувчиси; У – оламнинг мавжудлигини таъминлаб турган Зот, олам яксон бўлгандан кейин, бутун борлик яна Унинг ичига киради. "Шримад Бхагаватам"нинг хулосаси шундай. Моддий оламни яратиш, мавжудлигини таъминлаш ва яксон қилиш жараёнини уч илоҳ Брахма, Вишну ва Махешвара бошқариб туради, аммо Брахма ва Махешвара Парвардигор Вишнунинг сифатларининг экспансиялари ҳисобланади. Асосий зот Парвардигор Вишну ҳисобланади, шунинг учун У оламнинг мавжудлигини таъминлаб туришни ўз зиммасига олади. Ундан бошқа ҳеч ким оламнинг мавжудлигини таъминлаб туришга қодир эмас. Оламда сон-саноксиз тирик мавжудотлар яшайди, уларнинг ҳар бирининг сон-саноксиз истаклари бор, Парвардигор Вишнудан бошқа ҳеч ким, ана шу сон-саноксиз тирик мавжудотларнинг сон-саноксиз талабларига жавоб бера олмайди. Маъбуд Брахмага моддий оламни яратиш вазифаси юклатилган, маъбуд Шивага эса – уни яксон қилиш. Оралиқ функцияни, оламнинг мавжудлигини таъминлаш вазифасини Парвардигор Вишну Ўз зиммасига олган. Кардама Муни рухий баркамолликка эришган зот, шунинг учун у ўзи сиғиниб юрган зот Парвардигор Вишну, Худо Шахси эканини яхши биларди. У ўзининг ҳаётдаги асосий бурчи Парвардигор Вишнунинг амрини бажариш деб ҳисобларди. Донишманд катта оиланинг отаси бўлишга тайёр эмасди. У фақат битта, Парвардигор Вишнунинг вазифасини амалга оширадиган фарзандни дунёга келтиришни истарди. "Бхагавад-гита"да айтилганидек, ҳар гал ер юзида дин қонунлари поймол бўла бошлаганида, дин қонунларини ҳимоя қилиш ва золим имонсизларни яксон қилиш учун Парвардигорнинг Ўзи бу дунёга келади.

Уйланиш ва фарзанд дунёга келтириш –ўз оиласи олдидаги бурчини бажариш демакдир. Инсон бу дунёга келган кундан бошлаб ўзининг оиласи, фаришталар, питалар, донишмандлар ва бошқа тирик мавжудотлар олдида қарздор бўлиб қолади. Аммо, инсон Худо Шахсига, ҳақиқатан ҳам сиғиниш лозим бўлган Парвардигорга хизмат қилиб юрган бўлса, ҳатто бошқа тирик мавжудотлар олдидаги қарзини узишга ҳаракат қилмаса ҳам, у барча қарзларидан озод ҳисобланади. Шунинг учун Кардама Муни ўзининг бутун ҳаётини парамахамса поғонасида Худога садоқат билан хизмат қилишга бағишламоқчи, фақат шу мақсадга эришиш ниятида у фарзанд дунёга келтирмоқчи эди; коинотнинг бўшаб

ётган жойларини тўлдириш ниятида сон-саноксиз фарзандларни дунёга келтириш унинг режасига кирмаган эди.

ТЕКШИРДИ,

## Текст 21

Шри Майтрея деди: Эй буюк жангчи Видура, Кардама Муни шу гапларни айтиб, киндигидан нилуфар гули ўсиб чиқадиган Парвардигор Вишну ҳақидаги ўйларга ғарқ бўлиб жим қолди. У сукут сақлаб ўтирар экан, унинг майин табассум ўйнаб турган чиройли юзи буюк донишманд ҳақида фикр юрита бошлаган Девахутининг ақлини ўзига мафтун қилди.

Изоҳ: Мазкур шеърдан кўриниб турибдики, Кардама Муни бутунлай Кришна онгига ғарқ бўлган зот эди – у гапиришдан тўхтаган заҳоти Парвардигор Вишну ҳақида ўйлай бошларди. Кришна онгида бўлган кишининг бошқалардан фарқи шундай бўлади. Асл содиклар Кришна ҳақидаги ўйларга шунчалик ғарқ бўлиб кетганларки, улар бутун умрини кечаю-кундуз Парвардигор ҳақидаги фикр-мулоҳазалар билан ўтказадилар; ҳатто улар сиртдан қараганда бутунлай бошқа нарсалар ҳақида ўйлаётгандай ёки бошқа ишлар билан шуғулланиб юргандай бўлиб кўринсалар ҳам, уларнинг ақли ҳамиша Шри Кришна ҳақидаги ўйлар билан банд. Кришна онгидаги кишининг табассуми шу қадар жозибадорки, шу биттагина табассуми билан у ўзининг сон-саноксиз шогирдларининг, издошларининг қалбини ўзига бутунлай ром қилиб қўяди.

## Текст 22

Маликанинг розилигини олиб, Девахутининг қарори қатъийлигига ишонч ҳосил қилиб, император қалби қувончга тўлиб қизини унинг ўзидай эзгу ниятли бўлган донишмандга топширди.

## Текст 23

Малика Шатарупа ёш келин-куёвларга чуқур муҳаббат билан шундай ҳолларда жоиз бўлган турли совғалар инъом қилди. Ёш келин-куёвлар қизнинг сепи сифатида қимматбаҳо тақинчоқлар, кийим-кечак ва уй анжомлари олдилар.

Изоҳ: Ҳиндистонда ҳали ҳозиргача қиз болани сепи билан, эвазига қалин олмасдан узатиш одати сақланиб қолган. Қизнинг сепи унинг отасининг бойлиги ва жамиятдаги обрўсига боғлиқ бўлади. парибархан маха-дханан ибораси “куёвнинг никоҳ тўйи пайтида оладигани сепи” деган маънони англатади. Мазкур шеърда ишлатилган маха-дханан ибораси Девахутининг сепи императорнинг қизига муносиб бўлган жуда қимматбаҳо совғалардан иборат эканини билдиради. Бу шеърда бхуша-васах париччхадан ибораси ишлатилган. Бхуша дегани “тақинчоқ”, васах – “либослар”, париччхадан – “уй жиҳозлари” деганни билдиради. Шу пайтгача брахмачари бўлиб яшаган Кардама Муни Девахутини императорнинг қизига муносиб бўлган сепи билан бирга қабул қилди. Келин Девахути чиройли либослар кийиб, қимматбаҳо тақинчоқлар тақиб олган эди.

Шу тарика Кардама Мунининг никоҳ тўйини дабдабали қилиб ўтказдилар. У муносиб қизга уйланди ва оилавий ҳаёт кечирдиш учун зарур бўлган ҳамма нарсага эга бўлди. Ҳозир ҳам ёш келин-куёвлар Ведалар маданияти асосида

турмуш курганларида, отаси кизга сеп беради; ҳатто Ҳиндистондаги ҳозирги қашшоқлик ҳолатида ҳам келинга юз минглаб рупий турадиган сеп бериб никоҳ тўйи ўтказадилар. Баъзи бир кишилар исботлашга уриниб юрганидай, киз болага сеп бериш одати ноқонуний ҳисобланмайди. Сеп – кизнинг отасининг ёш келин-куёвларни тан олганини билдириб уларга ҳурмат, муҳаббат юзасидан берадиган совғаси ҳисобланади, ана шундай совғасиз биронта никоҳ тўйи нишонланмайди. Отаси кизига сеп бера олмайдиган ноилож ҳолларда, муқаддас китобларга кўра, у ёш келин-куёвларга бирор мева ёки гул совға қилиши лозим. "Бҳагавад-гита"да айтилганки, гул ёки мева тақдим қилиб инсон ҳатто Парвардигорни ҳам мамнун қилиши мумкин. Шунинг учун агар кизнинг отаси қашшоқ, бошқа йўллар билан сеп йиғишга қурби етмаса, куёвни мамнун қилиш учун унга мева ёки гул тақдим қилиши мумкин.

#### Текст 24

Девахутини муносиб куёвга эрга бериб, шу тариқа унинг тақдири учун маъсулиятдан озод бўлиб, Сваямбхува Ману уни олдинда кутиб турган ҳижрон азобини ҳис қилиб, қаттиқ севадиган кизини бағрига босди.

Изоҳ: Токи отаси кизини муносиб куёвга эрга бермас экан, у ҳамиша ташвишланиб хавотирда юради. Ота-она то ўзларига муносиб жуфтлар топиб, фарзандларини уйли-жойли қилмагунча уларнинг тақдирига маъсул бўладилар; шу тариқа ўз бурчини бажариб, ота ўз маъсулиятдан озод бўлади.

#### Текст 25

Қадрдон қизи билан айрилиш ҳақидаги фикр император учун жуда оғир эди. Унинг кўзларидан тинмай ёш оқиб, Девахутининг бошига тушарди. "Она кизим!" – пичирларди император.

Изоҳ: Бу ерда ишлатилган амба иборасига алоҳида эътибор бериш лозим. Оталик меҳри жўш уриб кетганида отаси кизини "онажон" ёки "азизим" деб чақиради. Қиз бола то никоҳ тўйигача ўз оиласининг аъзоси бўлади, никоҳ тўйидан кейин эса у оиланинг аъзоси ҳисобланмайди, шу боис ота қалбида ҳижрон туйғуси пайдо бўлади; киз бола никоҳ тўйидан кейин эрининг уйига бориб яшаши лозим, чунки у энди эрининг мулки ҳисобланади. "Ману-самхита"га асосан, аёл зоти ҳамиша кимнингдир ҳимояси остида бўлиши лозим. Турмушга чиққунча киз бола отасининг қарамоғида бўлади, эрга чиққандан кейин эрининг қарамоғига ўтади ва то фарзандларини вояга етказиб, кексайгунча унинг қўл остида бўлади. Кексайганида, эри санньяси олиб уйни тарк этганида эса, у ўз ўғилларининг қарамоғида қолади. Шундай қилиб, аёл ҳамиша ҳимоя остида бўлади – ё отасининг, ё эрининг, ё балоғатга етган ўғилларининг. Бунга Девахутининг ҳаёти ёрқин мисол бўла олади. Отаси Девахутини эрининг, Кардама Мунининг қўлига топширди; ўз навбатида Кардама Муни уйини тарк этиб кетишдан олдин уни ўғли Капиладеванинг ҳимоясига топширди. Кейинги бобларда бу воқеалар бирин кетин хикоя қилинади.

#### Текст 26-27

Буюк донишманддан ижозат сўраб, кетишга рухсат олгандан кейин шоҳ билан унинг хотини жанг аравасига чиқдилар ва орқага, пойтахтга қараб йўлга тушдилар. Уйига қайтар экан, император қалби хотиржам ва осойишталикка эришган донишмандларнинг тақводор зотлар учун жуда азиз бўлган Сарасвати дарёси соҳилида жойлашган шинам кулбаларини кўрди.

Изоҳ: Ҳозирги даврда одамлар муҳандислик ва меъморлик санъатининг мўъжизаси бўлган кўплаб иморатлар қургани сингари, қадим замонларда ҳам, буюк авлиё зотлар яшайдиган риши-кула деб аталадиган кишлоқлар бўлган. Ҳиндистонда ҳали ҳозиргача руҳий фаолият билан шуғулланиш учун жуда қулай бўлган жойлар сақланиб қолган; кўплаб риши ва авлиё зотлар ҳозир ҳам Ганга, Ямуна дарёлари соҳилидаги шинам кулбаларда руҳий фаолият билан шуғулланиб яшайдилар. Риши-кула ёнидан ўтар экан, шоҳ ва унинг ҳамроҳлари уларнинг кулбаларининг гўзаллигини томоша қилардилар. Мазкур шеърда пашйанн ашрама-сампадаҳ деб айтилган. Буюк донишмандлар ўзларига осмонўпар бинолар қурмаганлар, аммо уларнинг кулбалари шу қадар чиройли эдики, шоҳ улардан кўз узолмасди.

#### Текст 28

Шоҳ келаётганини эшитиб, унинг фуқарolari жуда хурсанд бўлдилар ва ўзларининг қайтиб келаётган ҳукмдорини кўшиқлар, ширин сўзлар ва мусиқа билан муносиб қарши олиш учун Браҳмаварта дарвозаси олдига чиқдилар.

Изоҳ: Пойтахт шаҳрида яшайдиганлар учун саёҳатдан қайиб келаётган шохни дабдаба билан кутиб олиш одат тусига кириб қолган. Бунга ўхшаган воқеалар Курукшетрадаги уруш тугагандан кейин Кришнанинг Дваракага кириб келишини таърифлайдиган бобда ҳам ёзилган. Шунда Уни шаҳар дарвозаси олдида жамиятнинг барча табақа ва синфларининг вакиллари муносиб кутиб олган эдилар. Ўша даврларда пойтахт шаҳар бир неча дарвозалари бўлган катта кўрғонлар билан ўралган бўлиб, одамлар шу дарвозалар орқали шаҳарга кирар эдилар. Дехлида ҳали ҳозиргача эски шаҳар дарвозалари сақланиб қолган; бундай дарвозалар бошқа эски шаҳарларда ҳам мавжуд, одамлар шохни кутиб олиш учун ана шу дарвозалар олдига тўпланишган. Мазкур шеърда Сваямбхуванинг салтанати Браҳмавартанинг пойтахти бўлган Бархшмати шаҳри аҳолиси ҳам чиройли либослар кийиб, қўлларига байроқча, гулчамбар ва мусиқа асбобларини олиб, императорни кутиб олгани чиқдилар.

#### Текст 29-30

Ўзининг чексиз бойликлари билан машҳур бўлган бу шаҳар, бир вақтлар тўнғиз қиёфасида мужассам бўлган Парвардигор Вишнунинг бир тола сочи тушган жойда барпо бўлгани учун шундай деб аталарди. Парвардигор устидаги сувини силкинганида унинг бир тола сочи ерга тушиб, мангу яшил бўлиб турадиган куша ва каша деб аталадиган майсаларга айланган; буюк донишмандлар ана шу майсадан Парвардигор Вишну уларга қурбонлик маросими ўтказишга ҳалақит бериб юрган иблислар устидан ғалаба қозонгандан кейин, Парвардигорга сиғиниш маросимлари ўтказишда фойдаланганлар.

Изоҳ: Парвардигор билан бевосита боғлиқ бўлган ҳар қандай жой питха-стхана деб аталади. Сваямбхува Манунинг пойтахти Бархишмати ҳамма учун ўзининг бойликлари учун эмас, балки Парвардигор Вараханинг бир тола сочи тушган жойда жойлашгани учун азиз эди. Парвардигорнинг сочи кейинчалик мангу яшил майсага айланган, Парвардигор иблис Хираньякшани ўлдиргандан кейин донишмандлар шу майсадан Парвардигор Вишнуга атаб ўтказиладиган сиғиниш маросимларида фойдалана бошлаганлар. Йаджна ибораси “Вишну, Олий Шахс Худо” деганни билдиради. "Бхагавад-гита"да карма ибораси йаджнартха деб ифодаланган. Йаджнартха-карма – Парвардигор Вишнуни мамнун қилишга қаратилган фаолият. Ўзининг ҳиссиётини лаззатлантириш ёки бошқа бирор мақсадга эришиш учун ҳаракат қилар экан, тирик мавжудот карма оқибатлари чангалига тушиб қолади. Карма асирлигидан озодликка чиқишга интилиб юрган киши ҳар бир ишини фақат Парвардигор Вишнуни, яъни Ягьяни мамнун қилиш учун қилиши лозим. Сваямбхува Манунинг пойтахтида ана шу маросимларни буюк донишманд ва авлиё зотлар ўтказардилар.

### Тексти 31

Ерга куша ва каша майсаларидан тўқилган тўшакчалар тўшаб, Ману Худо Шахсига, марҳамати билан бутун ер юзининг императори бўлган Парвардигорга сажда қила бошлади.

Изоҳ: Ману инсоният бобокалони ҳисобланади. Инглиз тилида ман ва санскрит тилидаги манушйа иборалари ману деган илдиздан келиб чиқади. Ҳозирги бадавлат кишилар Манудан иборат олишлари лозим. Ману ўзининг бутун салтанатини ва бутун бойлигини Олий Шахс Худонинг унга бериб қўйган инъоми деб билган ва шунинг учун ҳаммаша Худога садоқат билан хизмат қилиб яшаган. Манудан ўрнак олиб, унинг авлодлари, айниқса бадавлат ва амалдор кишилар ўзларининг бутун бойлигини Олий Шахс Худонинг уларга кўрсатган марҳамати деб ҳисоблашлари лозим. Улар ана шу бойликларини Худога хизмат қилиш йўлида –Парвардигорни мамнун қилиш учун ўтказиладиган қурбонлик маросими ўтказишда ишлатишлари лозим. Инсон ўз бойлигидан фойдаланиши лозим бўлган ягона мақсад шундан иборат. Агар Худонинг Ўзи марҳамат кўрсатмаса, инсон бойликка эга бўлиши, обрўли хонадонда туғилиши, чиройли қоматга эга бўлиши ёки яхши таълим-тарбия олишининг иложи йўқ. Шунинг учун Худонинг марҳамати билан ана шундай неъматларга эга бўлган киши Парвардигорга миннатдорчилик юзасидан Худога сиғинишлари ва Ундан олган нарсаларининг ҳаммасини Унга қурбонлик сифатида эҳсон қилишлари лозим. Бир оиланинг, бир миллатнинг ёки бутун жамиятнинг барча аъзолари Парвардигорга шундай миннатдорчилик билдирсалар, улар яшайдиган жой Вайкунтхага айланади ва моддий оламда муқаррар мавжуд бўладиган уч турли мусибатлар у жойни бутунлай тарк этади. Ҳозирги даврда Кришнани англаш Халқаро ҳаракатининг вазифаси ҳар бир инсонни Парвардигор Шри Кришна – олий ҳукмдор эканига ишонтиришдан иборат; инсон қанча бойликка эга бўлмасин, ўзининг бутун бойлигини Парвардигорнинг унга бериб қўйган неъматини деб билиши лозим. Шу боис ҳар биримизнинг бурчимиз – Кришна онгида Худога садоқат билан хизмат

қилишдан иборат. Бу дунёда бахтга эришиб, ўзининг оиласида, мамлакатда ёки бутун жаҳонда тинчлик ўрнатишни истаган киши Парвардигорни мамнун қилиш ниятида Худога садоқат билан хизмат қилиш илмини тарғибот қилиши лозим.

### Текст 32

Ўзи аввал яшаган Бархишмати шаҳрига келиб, Ману ўзининг муҳити билан инсонни бу дунёнинг уч турли мусибатларидан халос этадиган саройига кирди.

Изоҳ: Моддий олам ёки моддий тирикчилик уч турли – инсоннинг танаси ва ақли олиб келадиган, табиий офатлар келтирадиган ҳамда бошқа тирик мавжудотлар сабабли келадиган мусибатларнинг макони ҳисобланади. Инсоннинг бурчи – Кришнани англаш илмини кенг тарқатиш орқали ўзининг атрофида руҳий муҳит ташкил қилишдан иборат. Кришнани англаб етган киши моддий тирикчиликнинг мусибатларига дучор бўлмайди. Бу дегани, Кришнани англаб етган киши моддий изтиробларни ҳис қилмайдиган бўлиб қолади, дегани эмас; мусибатлар қолади, лекин энди улар унга аввалгидай ўз ҳукмини ўтказолмайди. Моддий мусибатлар мавжуд ва улар ҳаммаша бўлади, аммо Кришнани англаш тирик мавжудотни уларнинг таъсиридан ҳимоя қиладиган восита ҳисобланади. Кришнани англаб етган киши учун қаерда яшаш барибир – дўзахдами ёки жаннатдами. Қандай қилиб Сваямбхува Ману ўзини моддий мусибатлардан ҳимоя қиладиган муҳит яратгани кейинги шеърларда таърифланади.

### Текст 33

Император Сваямбхува Ману ўзининг хотини ва қўл остидаги фуқаролари билан биргаликда ҳаётдан лаззатланиб, дин қонунларидан четга чиқмай ўз истаklarини қондириб яшарди. Унинг тинч-тотув ҳаётига ана шу қонунларга зид бўлган бирор нарса раҳна сололмасди. Самовий машшоқлар рафикалари билан бирга императорнинг бенуқсон шон-шухратини олқишларди, ҳар куни эрталаб у ўзининг қалбига роҳат ва ором бағишлайдиган Олий Шахс Худонинг эрмаклари ҳақидаги хикояларни тингларди.

Изоҳ: Инсоннинг ҳаётда яшашдан ҳақиқий мақсади Кришнани англаб етишда баркамолликка эришишдан иборат. У хотини ва болалари билан биргаликда яшаши мумкин, лекин бунда у турмуш тарзини дин қонунлари, иқтисодий фаровонлик, тартибга солинган ҳиссий лаззатлар ва ниҳоят моддий ҳаёт асирлигидан озодликка чиқиш асосида қуриши лозим. Ведавий қонун-қоидалар шундай тузилганки, агар моддий оламга келиб қолган шартланган руҳлар уларга рия қилиб юрсалар, ўзларининг моддий истаklarини ҳам амалга ошириши, айни пайтда озодликка эришиб, ўзининг уйига. Худонинг даргоҳига қайтиб кетиши мумкин.

Мазкур шеърдан кўришиб турибдики, император Сваямбхува Ману ана шу қоидаларга қатъий рия қилган ҳолда оилавий турмуш кечирарди. Бу ерда айтилганки, эрта билан шохнинг ётоқхонасига машшоқлар келиб, мусиқа асбоблари жўрлигида Парвардигорнинг эрмакларини олқишлаганлар, император ўзининг оиласи билан биргаликда Олий Шахс Худонинг эрмаклари ҳақидаги хикояларни тинглаган. Ҳиндистондаги баъзи бир эҳромларида ва шохлар

хонадонида ана шу урф-одат ханузгача сақланиб қолган. Машшоқлар шахная асбоби жўрлигида маҳорат билан Парвардигорга мадҳиялар куйлайдилар, оила аъзолари бирин-кетин яхши кайфиятда ухлаб ётган ўринларидан турадилар. Кечкурун ухлаш вақти келганда эса, машшоқлар шахная жўрлигида яна Парвардигорнинг эрмаклари ҳақида ҳикоя қиладиган кўшиқларни куйлайдилар, шоҳ хонадони аъзолари Парвардигорнинг шавкатли эрмаклари ҳақидаги фикрларга ғарқ бўлиб уйкуга кетадилар. Ҳар бир хонадонда мусиқали дастурдан ташқари ҳар куни кечкурун "Шримад Бҳагаватам" ўқилади; оила аъзолари биргаликда Ҳаре Кришна мантрасини куйлайдилар, "Шримад Бҳагаватам" ёки "Бҳагавад-гита" ўқийдилар, уйкуга кетишдан олдин мусиқа тинглайдилар. Санкиртана яратган илоҳий муҳит уларнинг қалбига сингиб кетади, улар уйкусида ҳам Парвардигорни олқишлаб куйлашни давом эттирадилар. Шу тарзда улар аста-секин Кришнани англашда баркамолликка эришадилар. Бу жуда қадимдан келаётган маданият, мазкур шеърдан кўриниб турибдики, миллион йиллар илгари Сваямбхува Ману ҳам ўзининг умрини шу тарзда, Кришна онгидаги муҳитдаги тинч ва осойишта оилавий ҳаёт билан ўтказган.

Эҳромларга келсак, ҳар бир саройда ва ҳар бир бадавлат хонадонда албатта чиройли эҳром бўлган. Эрталаб уйқудан туриб оиланинг барча аъзолари мангаларатрика маросимида иштирок этиш учун шу ерга борганлар. Мангаларатрика – эҳромдаги биринчи эрталабки сиғиниш маросими. Аратрика маросими пайтида руҳоний айлана ҳаракатлар билан Илоҳга олов, сур, гуллар ва еллиғич таклиф этади. Парвардигорни эрталаб уйғотишади, енгил нонушта қилиб олгандан кейин У содиқлари олдида намоён бўлади. Ана шу сиғиниш маросимидан кейин содиқлар уйларига қайтиб кетадилар ёки эҳромда қолиб Парвардигорни олқишлашда давом эттирадилар. Ҳатто ҳозирги кунда ҳам Ҳиндистоннинг барча сарой ва эҳромларида эрталабки сиғиниш маросимлари ўтказилади. Оддий эҳромларнинг эшиклари ҳамма учун очиқ, сарой эҳромлари эса, фақат шоҳ хонадони аъзолари учун очиқ бўлади, баъзилар уларга оддий одамларни ҳам киритаверадилар. Жайпур вилояти шохининг эҳроми сарой ичида жойлашган, лекин унга оддий фуқаролар ҳам кириши мумкин. Ана шу эҳромда бўлган кишилар биладиларки, ҳар куни эрталаб унда камида беш юз содиқ сиғиниш маросимида иштирок этади. Мангаларатрика тамом бўлганида Худонинг содиқлари бирга ўтириб, мусиқа асбоблари жўрлигида Парвардигорни олқишлайдилар, шу тариқа ҳаётдан лаззатланиб яшайдилар. Шоҳ хонадонида ўтказиладиган сиғиниш маросимлари ҳақида "Бҳагавад-гита"да ҳам айтилган, унда айтилганки, ҳозирги ҳаётида бхакти-йоганинг мақсадига эриша олмаган киши кейинги ҳаётида бой-бадавлат ёки шоҳ хонадонида, ёки билимдон браҳманлар ва Худонинг содиқлари хонадонида дунёга келади. Ана шундай оилаларда дунёга келиш бахтига муяссар бўлган кишилар туғилганидан бошлаб у ерда ҳукм сураётган Кришна онгидаги муҳит имкониятларидан баҳраманд бўлиб яшайди. Ана шундай муҳитда тарбия олган фарзанд албатта қалбида Кришна онгини ривожлантиради. Унга аввалги ҳаётида эриша олмаган имконият ҳозирги ҳаётида берилади ва унинг шу имкониятдан фойдаланишига ҳеч нарса тўсқинлик қила олмайди.

Текст 34

Сваямбхува Ману тақводор шоҳлар тоифасига кирарди. Гарчи у моддий лаззатларга ғарқ бўлиб яшаса ҳам, у моддий ҳаёт чуқурига тушиб кетмаган эди, чунки Кришна онги сингиб кетган муҳитда яшарди.

Изоҳ: Моддий лаззатларга тўла шоҳона ҳаёт кўпинча шоҳни тубанликка маҳкум этади; ўз ҳиссиётини лаззатлантиришга чексиз имкониятга эга бўлиб, у ҳайвон даражасига тушиб кетиши мумкин. Лекин Сваямбхува Ману авлиё донишмандлардан бири ҳисобланади, чунки унинг давлатидаги муҳитга Кришна онги сингиб кетган эди. Барча тирик мавжудотлар ана шундай шароитда яшайдилар; шартланган руҳлар моддий оламга ўз ҳиссиётига лаззат бериш учун келадилар, лекин, улар эҳромда ёки уйда Илоҳга сажда қилиб, ўзининг атрофида бу ерда таърифлангани ва шастраларда кўрсатилганидек, Кришна онгидаги муҳитни яратсалар, ҳеч шубҳа йўқки, ҳатто моддий ҳаётдан лаззатланиб юриб ҳам улар соф Кришна онгига эриша оладилар. Ҳозирги одамлар дунёвий турмуш тарзига, яъни моддий лаззатларга қаттиқ боғланиб қолганлар. Кришнани англаш ҳаракати одамларга ана шу моддий лаззатлардан воз кечмаган ҳолда инсон бўлиб яшаш бурчини ҳам мукамал адо этиш имкониятини таклиф этади. Кришнани англаш таълимоти улардан қалбидаги моддий лаззатланишга бўлган интилиш туйғусини бутунлай бўғиб қўйишни талаб қилмайди, бу таълимот ҳиссий лаззат билан боғлиқ фаолиятни фақат тартибга солади, холос. Ҳатто моддий лаззатлар билан лаззатланишни давом эттириб ҳам, агар қалбида Кришна онгини ривожлантириб борса, инсон ҳозирги ҳаётидаёқ руҳий озодликка эришиш имкониятига эга бўлади. Бунга оддий усул – Ҳаре Кришна мантрасини мунтазам зикр қилиб юриш билан эришиш мумкин: Ҳаре Кришна Ҳаре Кришна Кришна Кришна Ҳаре Ҳаре \ Ҳаре Рама Ҳаре Рама Рама Рама Ҳаре Ҳаре.

Текст 38

Бир манвантара давом этадиган умри аста-секин ниҳоясига етиб бораётган бўлса ҳам, у умрини бекорга яшамагани, чунки у ҳамиша Парвардигорни олқишлар, Унинг кароматларини таърифлаб гапирар, улар ҳақида тинглар ва фикр юритарди.

Изоҳ: Айниқса ҳозиргина оловдан олинган таом бизга жуда ширин бўлиб туюлади, бир-икки соатдан кейин у ўзининг аввалги таъминини йўқотади. Моддий лаззатлар ҳам инсонга фақат унинг ёшлик пайтида чуқур лаззат бағишлайди, ёши ўтгандан кейин эса унга бу дунёдаги ҳаёт бемаза, бемаъни ва машаққатли бўлиб туюла бошлайди. Аммо император Ману учун бу дунёдаги ҳаёт ўзининг жозибадорлигини йўқотмади; у кексайиб борарди, аммо унинг ҳаёти худди аввалгидай лаззатли ва роҳатбахш бўлиб қолаверди, чунки унинг ҳаёти Кришна онги сингиб кетган муҳитда ўтарди. Кришна онгида бўлган киши учун ҳаёт ҳеч қачон ўзининг лаззатбахшлигини йўқотмайди. Айтадиларки, куёш ҳар куни чиқиб ботиши билан барча тирик мавжудотларнинг умрини қисқартириб боради. Аммо, куёшнинг чиқиши ва ботиши Кришна онгидаги фаолият билан машғул бўлиб юрган кишига таъсир қилмайди. Сваямбхуванинг умри ҳатто охирига етиб қолган бўлса ҳам, бу дунёдаги ҳаёт унга машаққат олиб келмасди, чунки у ҳамиша Парвардигор Вишнунинг улуғворлигини куйлаб, Худони эслаб юрарди. У буюк йог эди, шунинг учун бир лаҳза вақтини ҳам бекор кеткизмасди. Мазкур шеърда

шу ҳақда айтилган – вишнох курвато бриватаҳ катҳаҳ. У гапирса фақат Кришна яъни Парвардигор Вишну, Худо Шахси ҳақида гапирарди; фақат Парвардигор Шри Кришна ҳақидаги ҳикояларни тингларди, ўйласа ҳам фақат Кришна ва Унинг кароматлари ҳақида ўйларди.

Бу ерда айтилганки, Сваямбхува Ману етмиш бир югадан иборат жуда узок умр кўрган. Бир йуга 4320000 йил давом этади, ҳар бир Ману етмиш бир йуга умр кўради, маъбуд Браҳманинг бир куни давомида ўн тўрт Ману алмашади. Ўзининг бутун умри давомида, яъни 4.320.000x71 йил мобайнида Ману Парвардигорни олқишлаб, Кришнанинг кароматлари ҳақидаги ҳикояларни тинглаб, бошқаларга гапириб бериб, Кришнани эслаб юриб, Кришна онгидаги фаолият билан машғул бўлди, шунинг учун у ўз умрини бекорга яшамаган, ҳатто кексайиб қолганда ҳам бу дунёдаги ҳаёт унинг учун гўзал ва жозибадор бўлиб қолаверган эди.

#### Текст 36

У ўзининг ҳар бири тўрт югадан иборат етмиш бир цикл(71x4.320.000 йил) давом этган умрини Васудева ҳақида бетиним фикр юритиб, ўзининг бутун амалларини Унга бағишлаб ўтказди. Шу тарика у ҳаётнинг уч мақсадидан юқори кўтарилди.

Изоҳ: Мазкур шеърда эслатиб ўтилган уч мақсад моддий табиатнинг уч гунаси таъсири остида юрган кишилар учун мўлжалланган. Ана шу мақсадларни баъзан қуйидагича ифодалядилар: кишининг зийраклик, уйку ва ҳушидан кетиш ҳолати. "Бҳагавад-гита"да уч мақсад деганда эзгулик, эҳтирос ва ғафлат гунасидаги одамлар эришадиган мақсадлар назарда тутилади. "Бҳагавад-гита"да айтилганки, эзгулик гунасидаги одамлар яшаш шароити ердагига қараганда анча юқори бўлган олий сайёраларга эришадилар; эҳтирос гунасидаги одамлар моддий оламда, ерсимон сайёраларда қоладилар ёки жаннатга эришадилар; ғафлат гунасидаги одамлар эса, тубанликка юз тутиб, ҳайвонлар орасида ёки пасткаш тирик мавжудотлар яшайдиган сайёраларда туғиладилар. Лекин, Кришна онгига эга бўлган киши моддий табиат гуналаридан юқори кўтарилади. "Бҳагавад-гита"да айтилганки, Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган ҳар бир инсон моддий табиатдан юқори кўтарилиб, браҳма-бхуга поғонасига кўтарилади, яъни ўзининг руҳий табиатига эришади. Сваямбхува Ману моддий оламга ҳукмронлик қилаётганига ва моддий бахтга фарқ бўлиб яшагандай бўлишига қарамай, ҳамиша илоҳий поғонада бўлиб, эзгулик, эҳтирос ва ғафлат гуналарига ҳеч қандай алоқаси йўқ эди.

Шундай қилиб, ҳаётини Худога садоқат билан хизмат қилишга бағишлаган киши руҳий озодликка эришган руҳ ҳисобланади. Парвардигорнинг буюк содиғи Билвамангала Тхакур шундай дейди: “Қалбимдаги Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойига боғланиш туйғуси чексиз ва ўзгармас даражага етганида озодлик онам менга бетиним хизмат қила бошлайди, моддий лаззатланиш, диний фаолият, моддий фаровонлик соҳасидаги ҳамма бойликлар менинг ҳукмим остида бўлади”. Одамлар асосан дхарма(такво), артха(бойлик), кама(лаззат) ва мокша(озодлик)га интиладилар. Одамларнинг аксарият кўпчилиги қандайдир дунёвий мақсадга эришиш мақсадида руҳий фаолият билан шуғулланадилар, ўз ҳиссиётини лаззатлантириш мақсадида бирор моддий фаолият

билан шуғулланадилар. Моддий лаззатлардан бутунлай ҳафсаласи пир бўлган киши руҳий озодликка ёки Мутлак Ҳақиқатга қўшилиб кетишга интила бошлайди. Узокни кўра олмайдиган калтафаҳм кишилар танлайдиган илоҳий йўл асосида мана шу тўрт мақсад ётади. Ҳақиқий ақл-идрокка эга киши ана шу йўлдан бораётган кишилар интилаётган мақсадларга эътибор бериб ўтирмасдан Кришна онгидаги фаолият билан машғул бўлиб яшайди. Ана шундай киши шу заҳотиёқ руҳий озодликка эришиш поғонасидан анча устун турадиган илоҳий поғонага кўтарилади. Худонинг содиқлари назарида Худонинг қонунлари асосида бажариладиган диний амаллар, моддий фаровонлик ёки ҳиссий лаззатлар келтирадиган натижа эмас, ҳатто улардан анча устун турадиган руҳий озодликка эришиш ҳам унчалик катта ютуқ ҳисобланмайди. Буларнинг бирортаси ҳамиша браҳма-бхуга – руҳий ўзлигини англашнинг илоҳий поғонасида турган Худонинг содиқларини ўзига жалб қила олмайди.

#### Текст 37

Шунинг учун, о Видура, ўзини бутунлай Худога садоқат билан хизмат қилишга бағишлаган ва Парвардигор Шри Кришнанинг ҳимояси остида юрган содиқлар қандай қилиб танаси, ақли, моддий табиат, бошқа одамлар ёки бошқа тирик мавжудотлар келтирадиган азоб-уқубатлар таъсири остига тушиб қолиши мумкин?

Изоҳ: Моддий оламда ҳар бир тирик мавжудот ҳамиша у ёки бу турдаги мусибатларга дучор бўлиб юради. Ана шу мусибатларга унинг ўзининг ақли ёки танаси, ёки моддий табиат кучлари сабаб бўлиши мумкин. Қишнинг қаҳратон совуқлари, ёзнинг жазирама иссиқлари тирик мавжудотлар учун бетиним азоб-уқубатлар манбаи бўлиши мумкин, аммо Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойи паноҳига кирган ва Кришна онгига эга бўлган киши моддий ҳаётнинг барча мусибатларидан юқори кўтарилади; инсоннинг моддий танаси ва ақли, кишнинг совуғи, ёзнинг иссиғи уни безовта қилмайди, чунки у моддий мусибатлар таъсир қилмайдиган илоҳий поғонага кўтарилади.

#### Текст 38

Донишмандларнинг саволларига жавоб бера туриб, у(Сваямбхува Ману) барча тирик мавжудотларга ачинганидан бу дунёдаги одамларнинг ҳаммаси амал қилиши лозим бўлган диний қонун-қоидалар ҳақида ҳамда турли варна ва ашрамга мансуб кишиларга юклатилган вазифалар ҳақида гапириб берди.

#### Текст 39

Мен сенга Ер сайёрасининг биринчи императори Сваямбхува Манунинг ғаройиб сифатлари ҳақида гапириб бердим, чунки унинг кўрсатган кароматлари одамлар шарафлаб қуйласа арзийдиган ишлардир. Энди эса, унинг қизининг бахтли тақдири ҳақида эшит.

"Шримад Бҳагаватам"нинг Учинчи Кўшик "Қардама Мунининг Девахутига уйланиши" деб аталадиган йигирма иккинчи бобига Бҳактиведантанинг изоҳлари шундай яқунланади.

## Йигирма учинчи боб Девахутининг нолишлари

### Текст 1

Майтрея давом этди: Ота-онаси кетгандан кейин эзгу ниятли Девахути донишмандга чуқур муҳаббат ва садоқат билан, худди маъбуд Шиванинг рафиқаси Бхавани эрига хизмат қилганидай, унинг барча барча истакларини олдиндан билиб хизмат қилди.

Изоҳ: Мазкур шеърдаги Бхаванининг хизматини мисол келтиришга алоҳида эътибор бериш керак. Бхавани дегани “Бхава(маъбуд Шива)нинг хотини” деган маънони англатади. Бхавани, яъни Ҳимолай тоғининг қизи Парвати қашшоқларникига ўхшаган турмуш тарзи билан яшайдиган маъбуд Шивани ўзига эр қилиб танлади. Бхаванининг ўзи шохнинг қизи бўлишига қарамасдан, у ҳатто бошпанаси ҳам бўлмаган, бутун вақтини дарахт тагида муроқабага берилиб ўтказадиган эри маъбуд Шива билан биргаликда яшаб, қашшоқликнинг барча қийинчиликларини у билан бирга баҳам кўриб келади. Бхавани, буюк шохнинг қизи маъбуд Шивага худди камбағал хизматкордай садоқат билан хизмат қиларди. Худди шундай, император Сваямбхува Манунинг қизи Девахути ҳам ўзига куёв қилиб қашшоқ Кардама Мунини танлашга қарор қилганди. У эрига муҳаббат ва садоқат билан хизмат қилар, уни қандай мамнун қилишни биларди. Шунинг учун уни бу ерда садхва, яъни “поқдомон, садоқатли хотин” деб атаганлар. Девахути эга бўлган нодир эзгу фазилатлар уни ведавий аёл намунаси даражасига кўтарди. Ҳар бир аёл Девахути ва Бхавани сингари садоқатли, поқдомон ва эзгу ниятли бўлиши лозим. Ҳатто ҳозирги кунда ҳам, ҳали эрга чиқмаган ёш қизлар худди Шивага ўхшаган йигитга эрга чиқишни ният қилиб унга сифнадилар. Маъбуд Шива, хотинига чексиз бойлик келтиришга, ҳамда унинг ҳиссиётини лаззатлантириш учун барча имкониятларни яратишга қодир бўлган учун эмас, балки Парвардигорнинг буюк содиқ хизматкори бўлгани учун намунали эр ҳисобланади. вайшнавам йатха шамбхух: Шамбху, яъни маъбуд Шива намунали вайшнаводир. У ҳамиша Парвардигор Рамага муроқаба қилиб: Харе Рама Харе Рама, Рама Рама Харе Харе - деб куйлаб юради. Маъбуд Шива ҳозирги даврда Вишнусвами сампрадаяси деб аталадиган шогирдлар силсиласининг асосчиси ҳисобланади. Эрга чиқмаган ёш қизлар бўлғуси куёвлари ҳам худди маъбуд Шива сингари комил вайшнав бўлишларини ният қилиб маъбуд Шивага сифнадилар. Ҳиндистоннинг юксак маданиятли оилаларида қиз болаларни ёшлиқдан ўзлари учун куёв қилиб бой-бадавлат ёки ҳиссий лаззатланиш учун чексиз имкониятга эга қизларни эмас, балки, маъбуд Шива сингари Парвардигорнинг буюк содиқ хизматкорини танлашга ўргатадилар, чунки фақат шундагина унинг ҳаёти комил инсон ҳаёти даражасига етади. Хотин ҳар жиҳатдан эрига қарам, агар унинг эри вайшнав бўлса, эрига хизмат қилиб, у ҳам эри билан бирга Худога садоқат билан хизмат қилади. Эр билан хотин орасидаги ўзаро хизмат ва муҳаббатга асосланган ана шундай муносабатлар ўрнатилса арзийдиган оилавий турмуш намунаси ҳисобланади.

### Текст 2

О Видура, эрига хизмат қилар экан Девахути у билан ўзаро жуда яқин муносабатда бўлар, айти пайтда уни чуқур ҳурмат қилар, ўзининг ширин сўзлари билан унга ҳамиша лаззат бағишларди.

Изоҳ: Мазкур шеърда ишлатилган икки ибора муҳим аҳамиятга эга. Девахути эрига нисбатан икки хил туйғу ҳис қилиб хизмат қиларди: вишрамбхена ва гауравена. Олий Шахс Худога хизмат қилгандагидай, хотиннинг ўз эрига хизмат қилишида ҳам мана шу икки туйғу энг муҳим аҳамиятга эга. Вишрамбхена дегани “ўзаро ишончга асосланган яқин муносабатлар”, гауравена ибораси эса – “ҳаяжонли” деган маънони англатади. Эр аёл кишининг энг яқин дўсти ҳисобланади, шунинг учун хотин киши эрига худди ўз дўстидай хизмат қилиши лозим, лекин айти пайтда у эри ҳамиша ундан юқори поғонада эканини эсида сақлаши ва шунинг билан холда унга муносиб ҳурмат-эҳтиром кўрсатиши лозим. Эракнинг табиати аёлнинг табиатидан фарқ қилади. Эрак кишининг тузилиши уни хотинига ҳукмронлик қилишга ундайди, аёл киши эса ўзининг табиатига кўра эрига бўйсунганини истайди. Туғма, табиий мойиллиги таъсири остида эрак киши оилада бош бўлишга интилади, хотини ана шу тартибга сўзсиз амал қилиш лозим. Ҳатто эр бирор масалада ноҳақ бўлса ҳам, хотини буни унинг юзига солмаслиги керак, шунда эр-хотин орасида ҳеч қачон жанжал чиқмайди. Вишрамбхена дегани “ўзаро яқин муносабатда бўлиш”ни билдиради, лекин эр-хотиннинг ўзаро яқинлиги бир бирини писанд қилмай кўядиган сертакаллуфликка, ҳурматсизликка айланиб кетмаслиги керак. Ведалар маданиятига асосланган урф-одатларга кўра аёл киши ҳеч қачон эрининг исмини айтиб чақирмаслиги керак. Ҳозирги жаҳмиётда аёллар эрининг исмини айтиб муурожаат қиладилар, маданиятли ҳиндуларда бундай қилиш асло мумкин эмас. Оилада шу тарзда эрнинг устунлиги ва хотиннинг унга қарамлиги тан олинади. Дамена ча: оилада хотин ўзини тутат билишга ўрганиши, ҳатто эри билан бўлиб турадиган ўзаро келишмовчиликларда ҳам ҳиссиёт(тил)ига эрк бермаслиги лозим. Саухридена вача мадхурайа дегани “эрига фақат яхшилик тилаб, унга мулоим гапириш”ни билдиради. Эрак киши уйдан ташқарида ишлар экан, бегона одамлар билан бўладиган ҳар хил дунёвий муносабатлар унга жуда кўп ташвиш келтиради, шунинг учун хотини уни ҳамиша ширин сўзлар билан қарши олиши лозим.

### Текст 3

Ақл-идрок ва ихлос билан меҳнат қилиб, у шахвоний эҳтирос, манманлик, ҳасад, очкўзлик, гуноҳ ва димоғдорлик иллатларидан покланди. Натижада у ўзининг қудратли эрининг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлди.

Изоҳ: Бу ерда эрига муносиб бўлиш учун буюк инсоннинг хотини қандай сифатларга эга бўлиши лозимлиги санаб ўтилган. Рухий баркамолликка эришиб, Кардама Муни буюк зот бўлиб етишди. Шундай эр теджийамсам, энг қудратли зот деб аталади. Гарчи хотин ҳам, эри қандай поғонада бўлса, рухий юксалишнинг худди шундай поғонасида турган бўлса ҳам, у ҳеч қачон бундан мағрурланмаслиги керак. Баъзан, император Сваямбхува Манунинг қизи Девахути сингари, хотин киши жуда бадавлат оиладан чиққан бўлади. Ана шундай оиладан чиққан қиз

мағрурликка осон берилиб кетиши мумкин, лекин бунга асло йўл қўймаслик керак. Хотин киши ҳеч қачон ўз ота-онасининг мартабаси билан гердаймаслиги керак. Хотин киши ўзининг димоғдорлигини тарк этиб, ҳамиша ва ҳамма нарсада эрига сўзсиз бўйсуниб яшаши лозим. Хотин киши мағрурлана бошлаган заҳоти унинг манманлиги эр-хотин орасида келишмовчиликка сабаб бўлиб, уларнинг оиладаги турмушини заҳарлайди. Девахути ана шундан жуда кўрқарди, шунинг учун мазкур шеърда айтилганки, у манманлик туйғусидан бутунлай покланди. Девахути садоқатли хотин эди. Хотин киши қилиши мумкин бўлган энг катта гуноҳ – бошқа бировга эрга тегиш ёки ўзига ўйнаш орттириш. Чанакья Пандит инсонни ўзининг уйида кутиб турадиган тўрт душмани бўлишини айтган эди. Бундай душманлар – қарзга ботган ота, балоғатга етган фарзандлари бўлатуриб яна эрга тегадиган она, эри билан кўпол муносабатда бўладиган, мураса қила олмайдиган хотин ва нодон ўғил. Ота, она, хотин ва фарзандлар грихастханинг бойлиги ҳисобланади, аммо эри ёки ўғли тирик бўла туриб, аёл киши бегона бировга эрга чиқса, вадалар маданияти қоидаларига кўра у оиланинг душмани ҳисобланади. Эзгу ниятли ва садоқатли хотин ҳеч қачон эрига хиёнат қилмаслиги керак, чунки, эрига хиёнат қилиш билан аёл киши энг оғир гуноҳ содир қилган бўлади.

#### Текст 4-5

Ўзининг эрига чексиз садоқатли бўлган Манунинг қизи эрини ҳатто тақдирдан ҳам қудратли деб ҳисобларди. Шунинг учун у эридан мўъжизавий бахт-саодат кутарди. Кўп йиллар давомида унга хизмат қилиб, барча диний амалларни ихлос билан бажариб, Девахути жуда заифлашиб, озиб кетди. Унинг бу ҳолатини кузатар экан, барча самовий донишмандлар ичида энг буюги бўлган Кардама Мунининг қалбида Девахутига нисбатан ачиниш, ҳамдардлик туйғуси жўш уриб кетди ва у чуқур меҳр-муҳаббат таъсирдан титраган овозда унга мурожаат қилди.

Изоҳ: Хотин киши эрининг фикрига қўшилиши лозим. У эри амал қиладиган қонун-қоидаларга амал қилишга тайёр бўлиши лозим, чунки фақат шундагина оилавий турмуш уларга бахт келтиради. Агар Худонинг содиқ хизматкори бўлган эркак киши имонсиз хотини билан бирга яшаса, уларнинг уйида тинчлик бўлмайди. Эри нимага интилиб яшашини хотини яхши билиши ва унга эргашишга тайёр бўлиши лозим. "Маҳобҳорат"да айтилганки, Гандҳари бўлғуси эри Дхритараштранинг кўзи кўр эканини эшитган заҳоти кўзи кўр одамлардай яшашни ўргана бошлади. Кўзларини боғлаб олиб, у ўз ихтиёри билан кўзи кўр кишининг ролини ўйнай бошлади. У, агар унинг эрининг кўзи кўр бўлса, кўзи очиклигидан мағрурланиб, кўзи кўрлиги учун эрини камситиб қўймаслик учун у ҳам ўзини худди кўзи кўр кишидай тутиши лозим, деган қарорга келди. Самануврата ибораси эри қандай бўлса хотини ҳам шундай турмуш кечириши лозимлигини билдиради. Албатта, эри Кардама Муни сингари буюк шахс бўлса, хотини ҳам, унинг изидан бориб, жуда катта ютуққа эришади. Ҳатто эри шундай буюк шахс бўлмаса ҳам, хотини унинг дунёқарашини қабул қилиб яшаши лозим. Фақат шундагина уларнинг никоҳи бахтли бўлади. Мазкур шеърда яна айтилганки, ҳар бир покдомон аёл албатта бажариши лозим бўлган ишларни ва диний урф-одатларни бажариб юриб, Девахути жуда озиб кетганид, буни сезган эри унинг аҳволига

ачиниб кетди. У буюк шохнинг қизи бўлган Девахути унга худди оддий хизматкордай хизмат қилиб юрганини кўрди. Оғир меҳнат унинг саломатлигига путур етказганид, унга қаттиқ ачинганидан Кардама Муни унга шундай сўзлар билан мурожаат қилди.

#### Текст 6

Кардама Муни деди: Эй Сваямбхува Манунинг ҳурматли қизи, мен сендан жуда мамнунман, чунки сен менга буюк муҳаббат ва садоқат билан хизмат қиляпсан. Танага мужассам бўлган тирик мавжудотлар ўзларининг танасини қанчалик эъозлашини билган ҳолда, сенинг мени деб ўз танангни бутунлай эсдан чиқариб қўйганингдан мен хайратга тушяпман.

Изоҳ: Бу ерда айтилганки, ҳар бир тирик мавжудот ўзининг танасини жуда қадрлайди, аммо, Девахути эрига шунчалик садоқатли эдики, унга жон-жаҳди билан, чуқур ҳурмат-эҳтиром ва муҳаббат билан хизмат қилибгина қолмасдан, фақат эрига ғамхўрлик қилиб юриб, ўзининг саломатлигини бутунлай эсдан чиқариб қўйган эди. Ана шундай хизмат қилиш беминнат, холис хизмат деб аталади. Бу шеърдан кўриниб турибдики, ҳатто эри билан яшаб юриб ҳам, Девахути ҳиссий лаззатлардан маҳрум эди, акс ҳолда унинг саломатлиги ана шундай ачинарли аҳволга келиб қолмаган бўларди. Кардама Мунига руҳий баркамолликка эришиш йўлида ёрдам берар экан, у ҳамиша унга ғамхўрлик қилар, ўзи ҳақида умуман ўйламасди. Садоқатли ва меҳрибон хотиннинг бурчи – эрига, айниқса эри Кришна онгидаги фаолият билан машғул бўлса, ҳар томонлама ёрдам беришдан иборат. Бу ерда эри хотинининг хизматига муносиб миннатдорчилик билдирипти, аммо, оддий кишига эрга чиққан аёл ҳам шундай миннатдорчиликдан умидвор бўлмаслиги керак.

#### Текст 7

Кардама Муни давом этди: Мен диний қонун-қоидаларга риоя қилиб яшаганим – риёзат чекканим, мууроқаба билан шуғулланиб, қалбимда Кришна онгини ривожлантирганим шарофати билан Парвардигор менга Ўз марҳаматини кўрсатди. Гарчи сен ҳали Парвардигорнинг инсонни ҳар қандай кўрқув ва мусибатдан ҳалос этадиган бундай марҳаматига эришмаган бўлсанг ҳам, қилган хизматларинг эвазига мукофот сифатида мен Парвардигорнинг шу марҳаматини сенга ҳам соғва қиламан. Уларга бир назар сол. Мен сенга илоҳий назар ато этаман, чунки сен уларнинг қанчалик ғаройиб эканини тушундинг.

Изоҳ: Девахутининг ягона иши эрига хизмат қилиш эди. У қаттиқ риёзат ҳам чекмади, жазавали руҳий ҳолатларга ҳам тушиб қолмади, мууроқаба қилиш ёки Кришна онгидаги фаолият билан шуғулланмади, лекин шунга қарамай, гарчи буни ҳали ўзи кўрмаса ва ҳис қилмаса ҳам, эрининг эришган барча ютуқларига шерик бўлди. Бунга эришиш учун ҳеч қандай ҳаракат қилмасдан, эри Парвардигорнинг қандай марҳаматига эришган бўлса, у ҳам шундай марҳаматга эришди.

Парвардигор унга қандай бахт-саодат берди? Бу ерда айтилганки, Парвардигорнинг инсонга ато этадиган марҳамати -абхайа, жасорат, кўрқмаслик туйғусидир. Моддий оламда кимдир миллиард доллар бойлик тўпласа, у ҳамиша

кўрқув остида юради: “Бу пулларимни йўқотиб қўйсам нима бўлади?” Лекин Худонинг марҳаматини, бхагават-прасадани сиздан ҳеч ким тортиб ололмайди. У инсонга фақат лаззат келтиради, бу лаззатга уни йўқотиб қўйишдан ҳадиксираш, кўрқиш туйғуси рахна соллолмайди. Инсон Худонинг марҳаматига эришади ва бундан фақат лаззат олади. Буни "Бхагавад-гита" ҳам тасдиқлайди: Инсон Худонинг марҳаматига эришганида унинг барча мусибатлари(сарва-духхани) изсиз йўқолиб кетади. Илоҳий поғонага кўтарилиб, тирик мавжудот икки хил моддий иллатдан – истак ва изтиробдан халос бўлади. Бу ҳақда ҳам "Бхагавад-гита"да айтилган. Худога садоқат билан хизмат қилиб биз қалбимизда Худога нисбатан ҳамма нарсени қамраб олувчи чуқур муҳаббат туйғусини ривожлантира оламиз. Кришнага муҳаббат Худонинг марҳаматининг, бхагават-прасаданинг энг олий ҳолати ҳисобланади. Ана шу илоҳий ютуқ шу қадар қимматлики, уни ҳеч қандай дунёвий бахт билан тенглаштириб бўлмайди. Прабодхананда Сарасвати шундай деган: Парвардигор Чайтаньянинг марҳаматига эришган киши шунчалик буюк зот бўладики, у ҳатто фаришталар билан ҳам қизиқмай қўяди, монизм фалсафасини худди дўзахий хом-хаёлдай инкор этади ва ўзининг ҳиссиётини осонлик билан жиловлаб олади. Жаннатдаги лаззатлар унга қуруқ гапдай бўлиб қолади. Аслида моддий бахт билан илоҳий лаззатни бирор жихатдан тенглаштириб бўлмайди.

Девахути шунчаки эрига садоқат билан хизмат қилиб юриб унинг марҳамати билан руҳий ўзлигини англаб етди. Бунга Нарада Муни ҳам мисол бўлиши мумкин. Ўзининг аввалги ҳаётида Нарада Муни оддий чўрининг ўғли бўлган эди, аммо унинг онаси Парвардигорнинг буюк содиқларига хизмат қиларди. Шунинг учун унинг ўзи ҳам Худонинг содиқларига хизмат қилиш имкониятига эга бўлди; улардан қолган овқат қолдиқларини еб, уларнинг ҳар хил кўрсатмаларини бажариб, болакай руҳий юксалишда шунчалик юқори поғонага кўтарилдики, кейинги ҳаётида буюк шахс – Нарада бўлиб етишди. Шундай қилиб, руҳий юксалишга эришишнинг энг осон йўли – ҳақиқий руҳий устоз паноҳига кириш ва унга бутун қалби ва вужуди билан хизмат қилишдан иборат. Руҳий юксалишда муваффақият қозонишнинг сирини шунда. Руҳий устозга аталган саккиз мисра шеърда Шрила Вишванатха Чакраварти Тхакура шундай дейди: йасйа прасадад бхагават-прасадаҳ – руҳий устознинг марҳамати билан инсон Парвардигорнинг марҳаматига эришади. Худонинг содиқ хизматкори бўлган эрига, Кардама Мунига хизмат қилиб, Девахути эри билан тенг натижага эришди. Худди шундай, ҳақиқий руҳий устозга хизмат қилиш билан самимий шогирд ҳам бир вақтнинг ўзида ҳам руҳий устознинг, ҳам Худонинг марҳаматига эриша олади.

#### Текст 8

Кардама Муни давом этди: Худонинг марҳаматидан лаззатланишдан бошқа лаззатнинг нима кераги бор? Олий Шахс Худо, Парвардигор Вишну қошларини бир чимириш билан барча моддий ютуқларни йўққа чиқара олади. Эрингга бўлган садоқатинг туфайли сен илоҳий неъматларга эга бўлдинг, энди сен ўзларининг олий табақага мансублиги ва моддий бойликлари билан гардайиб юрганлар орасида камдан-кам одам эриша оладиган бойликлар билан лаззатланиб яшай оласан.

Изоҳ: Парвардигор Чайтанья айтганки, инсон ҳаётида эришиш мумкин бўлган энг олий ютуқ Худонинг марҳаматига эришиш, қалбида Худога муҳаббат уйғотишдан иборат. У шундай деганди: према пумартхо махан – Худога муҳаббат – руҳий баркамолликнинг энг юқори поғонасидир. Кардама Муни ҳам хотинига шу ҳақда айтяпти. Унинг хотини жуда машҳур шоҳ хонадонидан чиққан эди. Ашаддий материалистлар, шунингдек, бой ва омади юришиб турган кишилар одатда Худога бўлган илоҳий муҳаббатни муносиб қадрлай олмайдилар. Гарчи Девахути малика ва машҳур шоҳ хонадонидан чиққан бўлса ҳам, у буюк донишманд Кардама Мунининг паноҳига кириш бахтига муяссар бўлди, эри унга инсон эришиши мумкин бўлган энг буюк инъом – Худонинг марҳаматини, яъни Худога муҳаббат туйғусини инъом этди. Девахути Худонинг марҳаматига унинг хизматидан мамнун бўлган эрининг марҳамати билан эришди. У ўзини бутунлай топшириб, чексиз муҳаббат ва садоқат билан Худонинг буюк содиқ хизматкори ва буюк донишманд бўлган эрига самимий хизмат қилди, Кардама Муни унинг хизматидан жуда мамнун эди. У севинч билан Девахутига Худога муҳаббат туйғусини инъом этди ва унга ана шу муҳаббатни қабул қилиб олишни ва ундан лаззатланиб яшашни буюрди, чунки унинг ўзи ана шундай ҳолатга эришган эди.

Худога муҳаббат туйғуси – оддий совға эмас. Рупа Госвами Чайтанья Махапрабхуга У Худога муҳаббат, Кришна-према туйғусини ҳаммага бирдай улашиб юргани учун сажда қилишини айтади. Парвардигор Чайтаньяни олқишлаб, Рупа Госвами Уни маха-ваданайа, Парвардигорнинг энг олийҳиммат қиёфаси деб атайди, чунки У одамларга саховат билан, ҳатто донишмандлар ҳам фақат кўплаб умрлар давомида эриша оладиган Худога муҳаббат туйғусини улашган. Кришна-према, Кришна онги – биз ўзимиз севган кишига инъом эта олишимиз мумкин бўлган энг буюк, энг бебаҳо неъматдир.

Бу ерда ишлатилган ниджа-дхарма-дохан ибораси муҳим аҳамиятга эга. Кардама Мунининг хотини бўлган ҳолда, Девахути ўзининг садоқати эвазига ундан энг буюк неъмат олган эди. Аёл киши учун эрига садоқат биринчи диний қонун ҳисобланади. Агар унинг бахтига эри Худонинг буюк содиқ хизматкори бўлса, уларнинг оилавий ҳаёти мукамал бўлади ва улар иккиси ҳам инсон ҳаётининг олий мақсадига эришадилар.

#### Текст 9

Илоҳий илмнинг барча соҳаларини мукамал биладиган эрининг гаплари бегуноҳ Девахутининг қалбига чуқур лаззат бағишларди. У бироз уялиб, юзида табассум билан эрига қараб туриб гапира бошлади, уялганидан ва вужудини қамраб олган муҳаббат туйғусидан унинг овози титрарди.

Изоҳ: Агар инсон Кришна онгига эга бўлса ва Парвардигорга илоҳий муҳаббат билан хизмат қилиб юрган бўлса, демак, у муқаддас китобларда кўрсатилган барча риёзатлардан ўтган, барча диний қасамларга риоя қилган, сеҳрли йогада ва муроқабада камолотга эришган бўлади. Девахутининг эри илоҳий илмни шу қадар чуқур эгаллаган эдики, унинг фикрини ҳеч ким инкор эта олмасди; Унинг гапларини тинглар экан, Девахути унинг Худога садоқат билан хизмат қилишда камолотга эришганини, демак, илоҳий илмнинг барча соҳаларини эгаллаганини хамиша эсида тутарди. Эри ўзи айтган бебаҳо неъматни унга ато этишга қодир

эканига у заррача шубҳа қилмасди; эри ана шундай бебаҳо неъматни истаган кишига инъом этишга қодир эканини Девахути яхши биларди, у эри ўзига қанчалик буюк неъмат ато этганини тушуниб, қалби чексиз шодликка тўлди. Қалбини тўлдирган илохий жазавали муҳаббат туйғусидан у ҳатто гапира олмай қолди. Кейин, Кардаманинг ажойиб хотини Девахути уялиб, тугила-тугила гапира бошлади.

#### Текст 10

Шри Девахути деди: Эй азиз рвфикам, эй брахманлар аълоси, мен сенинг рухий баркамолликка эришганингни биламан. Илохий қувват, йогамайя паноҳига кириб, сен барча сеҳр қудратларига эга бўлдинг. Лекин сен қачонлардир бир ваъда берган эдинг, энди мен билан қўшилиб ана ваъдангни бажаришинг керак, чунки шавкатли эри бўлган покдомон аёлнинг энг буюк бойлиги фарзанд ҳисобланади.

Изоҳ: Девахутининг қувончини бата ибораси ифодалаб турибди: у эрининг рухий юксалишда энг юқори илохий поғонага кўтарилганига ва йогамайя ҳимояси остида эканига заррача шубҳа қилмасди. "Бҳагавад-гита"да айтилганидай, буюк зотларга, махатмаларга моддий қувват ўз ҳукмини ўтказа олмайди. Парвардигорнинг икки қуввати бор – моддий ва рухий қувват. Тирик мавжудотлар Парвардигорнинг оралиқ қувватига мансуб. Парвардигорнинг оралиқ қувватига мансуб бўлгани туфайли инсон ё моддий қувватнинг ё рухий қувват(йогамайя)нинг ҳукми остида бўлиши мумкин. Кардама Муни буюк зот эди, шу боис у рухий қувватнинг ҳукми остида, яъни Олий Шахс Худо билан бевосита боғланган эди. Ана шундай алоқанинг мавжудлиги Кришна онгида фаолият кўрсатиш, яъни Худога садоқат билан бетиним хизмат қилишда намоён бўлади. Буни Девахути яхши биларди, лекин шунга карамай у донишманд ваъда қилган ўғил фарзандни орзу қиларди. У эрига унинг ота-оналари олдида: "Мен Девахути билан то у хомиладор бўлгунча бирга яшайман" – деб берган ваъдасини эслатиб қўйди. У яна айтдики, покдомон аёлнинг энг катта бойлиги унинг буюк зотдан кўрган фарзанди ҳисобланади. Девахути хомиладор бўлишни орзу қилар, шунинг учун эридан илтимос қилаётганди. Стри ибораси "давоми" деган маънони англатади. Эр билан хотиннинг жинсий яқинлиги натижасида уларнинг сифатлари кенгайиб, давом этади, яъни такводор инсонлардан дунёга келган фарзандлар ҳам уларнинг эзгу фазилатларига ва хулқ-атвориغا эга бўладилар. Кардама Муни ҳам, Девахути ҳам рухий юксалишнинг юқори поғоналарига кўтарилган эдилар, шунинг учун аввалданок Девахути олдин хомиладор бўлишни, кейин Худонинг марҳаматига эришишни ва қалбида Худога муҳаббат туйғусини ривожлантиришни истаган эди. Ҳар қандай аёлнинг ҳам энг буюк орзуси худди отасидек эзгу фазилатларга эга бўлган ўғил фарзандга она бўлиш ҳисобланади. Девахути Кардама Мунининг хотини бўлиш бахтига муяссар бўлгани учун у ҳам ундан ўғил фарзанд кўришни истарди.

#### Текст 11

Девахути давом этди: Эй ҳукмдорим, менда сенга нисбатан кучли эҳтирос уйғонди. Шунинг учун, шахвоний эҳтирос домига тушиб қуриб қолган танам

ўзинга муносиб бўлиши учун муқаддас китобларда нима кўрсатилган бўлса, шуни қил. Эй ҳукмдорим, кейин ўзимиз учун бирор бошпана топиш ҳақида ҳам ўйла.

Изоҳ: Ведавий муқаддас китобларда фақат рухий фаолиятга доир насиҳатлар эмас, балки инсон ҳаётининг олий мақсади – рухий баркамолликка эришиш учун инсон моддий оламда қандай яшаши лозимлиги ҳақида ҳам кўрсатмалар мавжуд. Шунинг учун Девахути эридан муқаддас китобларда жинсий яқинлик қилишдан олдин нима қилиш кераклиги кўрсатилганини сўради. Жинсий алоқа қилишдан асосий мақсад такводор фарзандларни дунёга келтиришдан иборат. Ана шундай муносиб зурёд қолдириш учун шарофатли муҳитни қандай яратиш "Кама-сутра"да ёзилган. Унда жинсий алоқани ҳақиқатан ҳам улуғвор юксак даражага кўтариши учун нима қилиш кераклиги ёзилган. Унда бунинг учун нима қилиш кераклиги батафсил ёзилган: қандай уй танлаш, уни қандай безатиш, хотин киши эрига ёқиши учун устида қандай либос бўлиши керак, у қандай атирлардан, мойлардан фойдаланиши лозим ва ҳоказо. Шунда эр хотинининг гўзаллигига мафтун бўлиб, унинг ақли жинсий алоқа учун зарур бўлган ҳолатга келади. Эр-хотиннинг ақли жинсий алоқа пайтида яхши ҳолатда бўлиши аёлнинг ички организмда қулай шароитни юзага келтиради, натижада улардан яхши фарзанд дунёга келади. Мазкур шеърда Девахутининг ташқи кўринишига алоҳида эътибор берилган. Жуда озиб-тўзиб кетган Девахути ўзининг танаси эрига жуда хунук бўлиб кўринишидан ҳадиксирарди. У эри унга аввалгидай чиройли бўлиши ва унга ёқиши учун нималар қилиши лозимлигини ўргатишини истарди. Эркак киши хотинига нисбатан эҳтироси кучли бўлса, уларнинг жинсий алоқаси натижасида ўғил фарзанд туғилади, агар эрига нисбатан хотинида эҳтирос кучли бўлса, аксарият ҳолларда қиз бола туғилади. Бу ҳақда "Аюр-веда"да ёзилган. Хотиннинг эҳтироси эриникига қараганда кучлироқ бўлса, улардан қиз фарзанд туғилиш эҳтимоли кўпроқ. Аксинча, агар эрининг эҳтироси кучлироқ бўлса, ўғил фарзанд кўпроқ бўлади. Девахути эрида кучли эҳтирос уйғотиш учун "Кама-сутра"да ёзилган барча кўрсатмаларга қатъий амал қилишни истарди. Шунинг учун у Кардама Мунидан унга зарур бўлган кўрсатмалар беришни илтимос қиларди. Бундан ташқари Девахути эрига айтдики, уларга муносиб бир бошпана керак, чунки Кардама Мунининг қулбаси оддий ва кўримсиз бўлиб, унда рухий муҳит ҳукм сураб, шу боис унда Девахути эрида ўзига нисбатан шахвоний эҳтирос туйғусини уйғота олиши амри маҳол эди.

#### Текст 12

Майтрея давом этди: Эй Видура, ўзининг севимли хотинини мамнун қилиш учун Кардама Муни сеҳр қудратини ёрдамга чақириб, бир зумда ўзининг амрига бўйсуниб осмонда уча оладиган катта сарой қурди.

Изоҳ: Мазкур шеърда ишлатилган йогама астхитах ибораси муҳим аҳамиятга эга. Донишманд Кардама Муни йогада баркамолликка эришган эди. Йога билан шуғулланган киши сеҳр қудратининг саккиз турига эга бўлади: камолотга эришган йог энг кичик нарсдан кичик, энг катта нарсдан катта, енгил нарсдан енгил бўла олади; у ўзи истаган нарсани қўлга кирита олади, ҳатто бирор сайёрани яратиши мумкин, ҳар қандай тирик мавжудотни ўзига бўйсундира олади ва ҳоказо. Ўзида

ана шундай қобилиятларни ривожлантириб, у йогада камолотга эришади, шундан сўнг унда руҳий баркамолликка эришиш имконияти пайдо бўлади. Шундай қилиб, хотинининг истагини бажариш учун Кардама Мунининг бир зумда катта сарой қуриши ажабланарли ҳодиса эмас. У кўз очиб юмгунча кейинги шеърларда батафсил таърифланадиган чиройли сарой яратди.

#### Текст 13

Бу – устунлари ўзидан нур таратиб турадиган гавҳартошлардан қурилган, қимматбаҳо тошлар билан безатилган, ҳар қандай истакни амалга ошира оладиган ғаройиб бино эди. Саройга ҳар хил уй жиҳозлари қўйилган, омборлари тобора кўпайиб борадиган турли хазиналарга тўла эди.

Изоҳ: Кардама Муни яратган саройни “самовий қаср” деб ҳисоблаш мумкин, аммо ўзининг сеҳр қудрати билан йог Кардама ҳаққатан ҳам ҳавода муаллақ тура оладиган катта сарой қурди. Бизларнинг тор дунёқарашимиз учун ҳавода учиб юрадиган қаср албатта мўъжиза бўлиб кўринади, аммо озгина фикр-мулоҳаза юритсак, бунинг ҳақиқат эканига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Агар Парвардигор ҳавода учиб юрадиган, устида миллионлаб сарой ва қасрлар бор сон-саноксиз сайёраларни яратишга қодир бўлса, камолотга эришган йог Кардама Муни учун ҳавода учиб юрадиган битта қаср қуриш қийин иш эмас. Кардама Мунининг қасри бу ерда сарва-кама-дугхам, яъни “барча истакларни амалга оширадиган” деб аталган. У қимматбаҳо тошларга тўла эди. Ҳатто саройдаги устунлар ҳам марварид ва ўзидан нур таратиб турадиган гавҳарлардан қурилган бўлиб, уларни замона зайли яксон қила олмас эди. Бу қасрнинг бойликлари мангу бўлиб, вақт ўтган сайин улар кўпая борарди. Муқаддас китоблардан маълумки, қимматбаҳо тошлар билан безатилган саройлар бир пайтлар ер юзида ҳам бўлган. Парвардигор Шри Кришнанинг Ўзининг 16108 маликаси учун қурдирган саройлари қимматбаҳо тошлар билан шунчалик кўп безатилган эдики, уларда кечаси шамчирок ёқишга зарурат йўқ эди.

#### Текст 14-15

Кардаманинг қасрида ҳаёт кечириш учун зарур бўлган ҳамма нарса мавжуд бўлиб, унда кишини хайратга соладиган ёқимли муҳит ҳукм суради. Ундаги ҳар бир хонага турли рангдаги ипак байроқчалар ва чиройли гиламлар осилган эди. Қаср ғаройиб гулчамбарлар билан безатилган бўлиб, уларнинг атрофида маст асаларилар айланиб, ёқимли ғувиллаб юрарди. Хоналарнинг деворларига ипак ва бошқа манзарали матолар тортилган эди.

#### Текст 16

Саройнинг гўзаллиги киши тасаввурини лол қолдирарди. Унинг етти қаватининг ҳар бирида каравотлар, ўтирғичлар қўйилган, елпиғичлар ва ёнбошлаб ўтириш учун болишлар қўйилган эди.

Изоҳ: Бундан кўриниб турибдики, Кардама Мунининг саройи бир неча қават бўлган. Упарй упари винийаста деган иборалар шунини кўрсатадики, осмонўпар бинолар фақат биз яшаётган даврда ўйлаб топилган эмас. Ҳатто ўша даврларда,

миллион йиллар илгари ҳам одамлар кўп қаватли бинолар қурган, уларда бир-икки эмас, ҳар бирида каравот, ўтирғичлар, ёстик ва гиламлар билан безатилган бир неча хоналар бўлган.

#### Текст 17

Сарой деворларига чизилган манзаралар уни яна ҳам гўзалроқ қилиб кўрсатарди. Сарой залларининг полига зумрад тошлари ётқизилган бўлиб, ҳар ер ҳар ерда коралл супачалар турарди.

Изоҳ: Ҳозирги одамлар меъморлик ва шаҳарсозликда эришган ютуқлари билан фахрланадилар, уйларида эса полни рангли цементдан қиладилар. Мазкур шеърдан кўриниб турибдики, саройдаги поллар зумраддан, улар устидаги супачалар эса қимматбаҳо коралл тошларидан қилинган.

#### Текст 18

Сарой ўзининг гўзаллиги билан кишини хайратга соларди. Унинг бўлимлари коралл тошларидан, кириш эшикларига эса бриллиант нақшлар қўйилган эди. Саройнинг сапфир гумбазлари устига олтин найзалар қўйилган эди.

#### Текст 19

Бриллиант деворлардаги чиройли рубинлар худди кўздай ярқираб турарди. Унинг катта-катта хоналарини ғаройиб балдахин(?)лар ва соф олтиндан қуйилган аркалар бегаб турарди.

Изоҳ: Худди кўзга ўхшайдиган нодир қимматбаҳо тошлар ва тақинчоқлар – хом-хаёл эмас. Ҳали яқин тарихда Буюк Моголлар сулоласининг ҳукмдорлари ўзларининг сарой деворларига кўзларига рубин қўйилган, қимматбаҳо тошлар билан безатилган қушларнинг тасвирини чизиб қўярдилар. Кейинчалик шаҳар ҳукмдорининг кўрсатмаси билан шу қимматбаҳо рубинлар олиб қўйилган, аммо қушларнинг тасвири ҳатто ҳозирги кунгача Янги Дехлидаги Могол императорлари қурдирган саройларда сақланиб қолган. Шохлар саройларини ўзларидан нур таратиб турадиган гавҳар тошлар билан бегаганлар, уларнинг деворларида худди кўздай бриллиант, сапфир, рубин ва зумрад тошлар ярқираб турган, тунда шох саройининг ичи ана шу гавҳартошларнинг ярқирашидан ёруғ бўлиб турган.

#### Текст 20

Саройнинг ҳар жой-ҳар жойида тирик оққуш ва каптарларни, шунингдек худди уларга ўхшаган сунъий ясалган каптар ва оққушларни кўриш мумкин эдики, тирик оққушлар уларни ҳам ўзларидай тирик деб, улар атрофида айланиб юрарди. Ана шу қушларнинг сайраган овозлари саройнинг ҳамма жойида эшитилиб турарди.

#### Текст 21

Саройда ҳар хил ўйин ва эрмаклар учун майдончалар, дам олиш, ухлаш учун алоҳида хоналар, шунингдек ички ва ташқи шинам ҳовлилар бор эди. Буларнинг ҳаммасини кўриб, донишманднинг ўзи хайратдан қотиб қолди.

Изоҳ: Кардама Муни авлиё одамларга хос жуда оддий кулбада яшарди, аммо ўзининг сеҳр қудрати барпо этган, кўплаб дам олиш хоналари, ички ва ташқи ҳовлилари, ишқий эрмаклар учун шинам хоналари бўлган ғаройиб саройни кўриб, унинг ўзи хайратдан қотиб қолди. Худонинг марҳаматига эришган кишиларда тез-тез бундай ҳолатлар бўлиб туради. Хотинининг илтимоси билан Парвардигорнинг буюк содиги Кардама Муни ўзининг сеҳр қудрати ёрдамида ғайритабиий равишда ҳашаматли сарой ва бойлик яратди, кейин ўзи яратган мўъжизани кўриб, бунга қандай қодир бўлганини тушуна олмай ўзи хайратга тушди. Ўзининг сеҳр қудратини намоиш этиб, баъзан йогнинг ўзи хайратга тушади.

#### Текст 22

Девахути бу ҳашаматли саройни кўрганида ичидан зил кетганини кўриб, Кардама Муни унинг қалбини қандай туйғулар эгаллаб олганини дарров тушунди, чунки у бошқалар қалбидаги сирни билиш қобилиятига эга эди. Хотинига мурожаат қилиб у шундай деди.

Изоҳ: Девахути кўп йиллар давомида донишманднинг кулбасида ўзининг танасига умуман эътибор бермасдан яшади. Унинг танасини кир босиб кетган, кийимлари эскириб кетган эди. Самода пайдо бўлган ҳашаматли сарой Кардама Мунини хайратга солган эди, уни кўриб Девахути ҳам хайратга тушган эди. У қандай қилиб мана шундай ҳашаматли саройда яшайди? Унинг нима сабабдан бундай хавотирга тушиб қолганини тушуниб Кардама Муни унга шундай деди.

#### Текст 23

Азизим Девахути, мен сенинг юзингда хавотир аломатларини кўриб турибман. Аввал Парвардигор Вишнунинг Ўзи яратган ва инсоннинг ҳар қандай истагини бажаришга қодир бўлган Бинду-саровар кўлида чўмилиб ол, кейин мана шу ҳаво кемасига чиқ.

Изоҳ: Муқаддас саждагоҳлардаги сувларда чўмилиш одати ҳалигача сақланиб қолган. Вриндаванга келган зиёратчилар Ямуна дарёсида чўмиладилар, бошқа саждагоҳларда эса, масалан, Праяг шаҳрида, муқаддас Ганга сувларида чўмиладилар. Тиртхам ашишам йапакам: Муқаддас зиёратгоҳда чўмилиш билан инсон барча орзуларига эришади. Кардама Муни ўзининг покдомон хотини аввалги гўзал ҳолига келиши, териси аввалгидай силлиқ ва майин бўлиши учун унга Бинду-саровара кўлида чўмилиб чиқишни буюрди.

#### Текст 24

Нилуфар кўзли Девахути эрининг амрини бажарди. Кир босган либосларда, сочи тўзиган ҳолда у кўзга ёқимли кўринмасди.

Изоҳ: Мазкур шеърдан кўриниб турибдики, Девахути кўп йиллардан бери сочини тарамган, шунинг учун унинг сочи тўзиган эди. Бошқача қилиб айтганда, эрига хизмат қилишга бутунлай ғарқ бўлиб, у ўзига умуман қарамай қўйган эди.

#### Текст 25

Унинг танаси кирлаб кетган, кўкраклари аввалги рангини йўқотган эди. Шундай қилиб, у Сарасвати сувларидан тўлиб турган кўл сувига кирди.

#### Текст 26

Кўл ичидаги сув тагида у сув ости қасрини учратди, қасрда эса худди нилуфар гулидай муаттар хид таратиб турган минглаб ёш қизларни учратди.

#### Текст 27

Уни кўриб, қизлар дарров ўринларидан турдилар ва қўлларини ковуштириб: “Бизлар сенинг канизакларинг бўламиз. Буюринг, амрингизга мунтазирмиз” – дедилар.

Изоҳ: Девахути шундай кир аҳволда ҳашаматли саройда нима қиламан деб ўйлаб турар экан, унинг олдида Кардама Мунининг сеҳр қудрати яратган ва унинг истаган амрини бажаришга тайёр турган минглаб канизаклар пайдо бўлди. Улар Девахути кўли сувига кирган пайтда унинг олдида пайдо бўлдилар ва маликанинг амрини кутиб турдилар.

#### Текст 28

Канизаклар чуқур ҳурмат-эҳтиром билан Девахутининг қўлларидан ушлаб, уни яхшилаб ювинтирдилар, танасига қимматбаҳо мойлардан сурдилар, кейин уни янги ва ҳарир ипак либослар билан кийинтирдилар.

#### Текст 29

Шундан сўнг қизлар унга қимматбаҳо гавҳартошлардан ясалган ва ярқираб турган чиройли тақинчоқлар тақдилар. Кейин улар уни энг ширин таъмли таомлар билан меҳмон қилдилар ва кишини сармаст қиладиган ширин асавам ичимлигидан ичирдилар.

Изоҳ: асавам – кишини маст қиладиган вино эмас, балки аюр-ведага оид дармонларнинг бири. Бу ичимлик доривор гиёҳвандларнинг қайнатмаси бўлиб, организмда модда алмашиш жараёнини яхшилайти ва кишига қувват беради.

#### Текст 30

Кейин у ойнада ўз аксини кўрди. Унинг танаси топ-тоза, бўйнига гулчамбар осилган эди. Янги ҳарир либослар кийиб олган, танасига шарофатли тилакалар кўйиб олган Девахутига канизак-қизлар ҳурмат билан хизмат қилардилар.

#### Текст 31

Девахутининг танаси ва боши яхшилаб ювилган, қимматбаҳо безаклар билан безанган эди. Унинг бўйнида чиройли маржон осилган, билакларида чиройли билагузук, оёкларида эса олтин кўнғироқчалар жирингларди.

Изоҳ: Бу шеърда крита-ширах-снанами сўзи ишлатилган. Одамларнинг кундалик турмушини белгилайдиган смрити-шастраларнинг кўрсатмаси бўйича, аёлларга ҳар кун сочини ювмасдан, фақат танасини ювиш руҳсат этилган. Улар сочини ҳар

куни ювиб юришлари шарт эмас, чунки сувда ҳўл бўлган узун сочи қуритиш кийин бўлиб, шамоллашга сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун аёлларга сочи ювмасдан ҳар куни фақат танасини ювиш рухсат этилган, фақат маълум кунларда улар сочи билан бирга бутун танасини ювишлари мумкин. Бу ерда Девахути бутун танасини, сочи билан бирга ювган. Аёлларнинг ҳар куни чўмилиши мала-снана деб, сочи билан бирга танасини тўла ювиши эса ширах-снана деб аталади. Соци билан бирга тўла ювингандан кейин аёл киши бошига атирмой суртиши лозим. Бу ҳақда смрити-шастраларда ёзилган.

#### Текст 32

Девахутининг белида қимматбаҳо гавҳарлардан нақш қўйилган чиройли камар бор эди. Унинг бўйнида қиммабаҳо марварид маржон осилган, танасига эса муаттар атирмойлар сурилган эди.

Изоҳ: Танага ижобий таъсир кўрсатадиган атир мой таркибига шафран ва сандал пастаси қиради. Ювинишдан олдин танага бошқа фойдали нарса, одатда қантал уруғининг мойига аралашган куркума сурадилар. Девахутини бошдан-оёқ ювинтириш учун атирмойларнинг ҳамма турлари ишлатилган эди.

#### Текст 33

Девахутининг юзидан ғаройиб нур таралиб турарди, унинг оппоқ тишлари ярқираб турар, қошлари чиройли қайрилган эди. Девахутининг қирралари насланган чиройли кўзлари нилуфар гулгунчасининг гўзаллигини сўндирар, юзини тим қора тўлқин сочлар ўраб турарди.

Изоҳ: Ведалар маданиятида қордай оппоқ тишлар аёлнинг чиройига чирой қўшадиган безак ҳисобланади. Оппоқ тишлар Девахутининг чиройли юзини яна ҳам чиройлироқ қилиб, уни нилуфар гулининг гунчасига ўхшатарди. Юзи чиройли кишининг кўзларини одатда нилуфар гулбаргларига қиёслайдилар, бутун сиймосини эса нилуфар гулига ўхшатадилар.

#### Текст 34

Девахути ўзининг буюк эри, қалбига жуда яқин бўлиб қолган донишмандлар аълоси Кардама Муни ҳақида ўйлаган захоти ўзининг барча канизаклари билан бирга унинг ёнида пайдо бўлди.

Изоҳ: Мазкур шеърдан кўриниб турибдики, аввал Девахути ўзини кир, жулдур кийимда деб ҳисобларди. Эрининг амрини бажариб у сувга кирганида унинг ювиниб, кийинишига, ўзини тартибга келтириб олишига ёрдам беришга тайёр турган канизакларни учратди. Бу ишларнинг ҳаммаси сув остида бўлиб ўтди, лекин, Девахути ўзининг суюкли эри, Кардама ҳақида ўйлаган захоти унинг олдида пайдо бўлди. Мана шу камолотга эришган йоғлар эришадиган сеҳр қобилятидан бири ҳисобланади – уларнинг ҳар қандай истаги шу захотиёқ амалга ошади.

#### Текст 35

У ўзини минглаб канизаклари билан бирга эрининг олдида кўриб ва унинг сеҳр қудратини кузатиб ҳайратга тушди.

Изоҳ: Девахути ўзининг кўз олдида рўй бераётган мўъжизаларни кўриб ҳайратга тушарди, аммо, ўзининг бир зумда эрининг ёнида турганини кўриб, у буларнинг ҳаммаси эрининг сеҳр қудрати натижасида содир бўлаётганини тушунди. У Кардама Муни сингари камолотга эришган йоғ ҳар нарсага қодир эканини тушуниб етди.

#### Текст 36-37

Девахутини ювиниб чиққандан кейин пок ва гўзаллиги барқ уриб порлаб турган ҳолда кўриб, донишманд Кардама унинг ўзининг хотини эканига зўрға таниди. Шохнинг қизига аввалги гўзаллиги қайтиб келганди. Ажойиб либослар кийиб олган, кўкраги баланд, белида чиройли камари билан, у ўзининг амрига мунтазир бўлиб турган гандҳарва-парилар орасида турарди. Эй душманларни мағлуб қилувчи зот, донишманд Девахутининг гўзаллигига маҳлиё бўлиб, уни самовий қаср ичига олиб кирди.

Изоҳ: Ота-оналари Девахутини биринчи марта донишманд Кардама Мунининг олдида олиб келганларида, донишманд кўз олдида нодир гўзаллик соҳиби бўлган соҳибжамол маликани кўриб турарди. Ўшанда хотини қанчалик гўзал эканини Кардама Муни унутмаган эди. Аммо, эрга чиққандан кейин, Девахути Кардама Мунига хизмат қилишга бутунлай ғарқ бўлиб, ўзига шохнинг қизига муносиб пардоз-андоз бермай қўйди, чунки бунга имконияти ҳам йўқ эди; Унинг эри фақирона кулбада яшар, хотини эса унга кечаю-кундуз хизмат қилиб, ўзининг маликаларга хос гўзаллигини йўқотган ва оддий чўриларга ўхшаб қолган эди. Энди эса, Кардама Мунининг сеҳр қудратига бўйсуниб, гандҳарва-парилар Девахутини ювинтиргандан кейин, унга ўзининг аввалги гўзаллиги қайтиб келганида, донишманд хотинини аввалгидай сарвқомат соҳибжамол ҳолатда кўриб, унга маҳлиё бўлиб қолди. Ёш аёлнинг ҳақиқий безаги унинг кўкраклари ҳисобланади. Хотинини яна ҳам гўзал қилиб турган, ажойиб безатилган чиройли кўкракларини кўриб, Кардама буюк донишманд бўлишига қарамай, унинг кишини мафтун қиладиган нозу-ишваларига бардош беролмай қолди. Шунинг учун ҳам Шрипада Шанқарачарйя руҳий юксалиш йўлига кирган кишиларни огоҳлантриб шундай деган эди: “Илохий илм эгаллашга интилиб юрган киши аёлнинг баланд кўкрагига учмаслиги, аслида аёлнинг кўкраги шунчаки гўшт билан қон аралашмаси эканини унутмаслиги лозим”.

#### Текст 38

Гарчи донишманд гандҳарва-парилар хизматини қилиб юрган севимли хотинининг гўзаллигига маҳлиё бўлган бўлса ҳам, у ўзини тута билишда намоен бўлган улуғворлигини йўқотмади. Ўзи яратган самовий қасрда Кардама Муни ва унинг хотини худди юлдуз тўла осмонда ярақлаб турадиган, нурида ховузлардаги лайло гуллари очиладиган тўлин ойдай порлаб турардилар.

Изоҳ: Кардама Мунининг саройи осмонда муаллақ турарди, шунинг учун мазкур шеърда уларни юлдузлар ва ойга ўхшатиш жуда ўринли ишлатилган. Бу ерда Кардама Муни тўлини ойга, унинг хотини Девахутини ўраб олган канизакларни эса – юлдузларга ўхшатганлар. Юлдузлар тўла тиниқ осмонда порлаб турган тўлини ой жуда гўзал кўринади; худди шундай, Кардаманинг самовий қасри ичида Кардаманинг ўзи ва унинг канизаклар даврасидаги чиройли хотини худди тўлини ой кечаси юлдузлар тўла осмонда порлаб турган ойга ўхшардилар.

#### Текст 39

Ана шу самовий қасрда у Меру тоғининг этакларидаги истироҳат боғи жойлашган адирга йўл олди. Енгил эсиб турган, кишининг истакларини уйғотадиган ёкимли шабада уларни яна ҳам гўзалроқ қилиб кўрсатарди. Мана шу жойда минглаб чиройли аёллар даврасида сиддхаларнинг куй-қўшиқларини тинглаб, фаришталарнинг хазинабони Кувера лаззатланиб хордиқ чиқаради. Кардама Муни ҳам ўзининг хотини ва ёш гўзал канизаклар билан бирга шу ерга йўл олди ва кўп йиллар давомида шу жойда ҳаётдан лаззатланиб яшади.

Изоҳ: Кувера – моддий олам томонларини бошқариб турадиган саккиз фариштанинг бири. Маълумки, Индра коинотнинг шарқий томонида жойлашган жаннатий сайёраларга ҳукмронлик қилади. Агни жанубий шарқ томонга, Яма – жануб томонга, Ниррити – жанубий-ғарб томонга ҳукмрон, сувлар ҳукмдори Варуна эса – коинотнинг ғарбий томони берилган; Ваю, ҳавони бошқарадиган, ҳавода қаноти билан учиб юрадиган фаришта коинотнинг шимолий ғарб томонида ҳукмрон, ниҳоят Кувера, фаришталар хазинабони, коинотнинг шимолий тарафига ҳукмронлик қилади. Ана шу фаришталарнинг ҳаммаси Қуёш билан Ер орасида жойлашган Меру тоғининг этакларида хордиқ чиқарадилар. Кардама Муни ўзининг самовий қасрида коинотнинг юқорида санаб ўтилган фаришталар бошқарадиган ҳамма саккиз томонини айланиб чиқди, кейин, улардан ўрнак олиб, ҳаётдан лаззатланиб яшаш учун Меру тоғига йўл олди. Эркак кишининг атрофида ёш гўзал кизлар юрганида, унда табиий равишда шахвоний эҳтирос туйғуси уйғонади. Ана шундай истак таъсири остида Кардама Муни узоқ йиллар давомида Меру тоғининг этакларида хотини билан лаззатланиб яшади. Аммо унинг ишқий эрмакларини минглаб сиддхалар шарафлаб қуйлардилар, чунки у, ўзининг хотини билан ўзаро яқин жинсий алоқа қилишдан кейин бутун коинотни тўлдирадиган тақводор фарзандларни дунёга келтиришни ният қилган эди.

#### Текст 40

Хотинидан мамнун бўлиб, Кардама ўзининг самовий қасрида фақат Меру тоғининг этагида эмас, шунингдек Вайшрамбхака, Сурасана, Нандана, Пушпабхадрака ҳамда Чайтрататхья боғларида, Манаса-саровара қўли бўйида ҳам лаззатланиб яшади.

#### Текст 41

Шу тариқа у худди бирор тўсиққа учрамай ҳамма жойда эсиб турадиган шамол сингари бир сайёрадан иккинчи сайёрага кўчиб саёҳат қилиб юрди. Ўзининг

амрига бўйсуниб, порлаб нур таратиб турган ғаройиб самовий қасрида осмонда сайр қилар экан у ҳатто фаришталарни ҳам ортда қолдириб кетган эди.

Изоҳ: Фаришталар яшайдиган сайёралар фақат ўз орбитаси бўйлаб ҳаракат қила оладилар, Аммо Кардама Муни ўзининг сеҳр қудрати ёрдамида бутун коинот бўйлаб бирор тўсиққа учрамасдан ҳаракат қиларди. Бу коинотда яшайдиган тирик мавжудотлар шартланган руҳлар деб аталади; демак, улар эркин ҳаракат қилиш имкониятидан маҳрум. Ер сайёрасида яшайдиган бизлар бошқа сайёраларга саёҳат қила олмаймиз. Ҳозир одамлар коинотнинг бошқа сайёраларига боришга интиляптилар, аммо уларнинг уринишлари ҳали бирор натижа берганича йўқ. Бошқа сайёраларга боришнинг амалда иложи йўқ – моддий табиат қонунлари ҳатто фаришталарга ҳам бир сайёрадан иккинчи сайёрага кўчиб ўтишга руҳсат бермайди. Лекин, ўзининг сеҳр қудрати ёрдамида Кардама Муни фаришталардан ҳам устун бўла олди ва бутун коинот бўйлаб сайр қилиб чиқди. Бу ерда жуда ажойиб ўхшатиш келтирилган. Йатха ибораси шамол ҳамма жойда бирор тўсиққа учрамай эсиб туришини билдиради; шамолдай эркин ҳаракат қилиб, Кардама Муни ҳам бутун коинот бўйлаб сайр қилиб юрди.

#### Текст 42

Олий Шахс Худонинг нилуфар қадамлари пойидан нажот топган шижоатли киши ҳар нарсага қодир бўлади. Парвардигорнинг пойи қадамларидан Ганга ва бошқа муқаддас дарёлар оқиб тушади ва улар инсонни моддий ҳаётда учрайдиган барча хавф-хатарларни бартараф этадилар.

Изоҳ: Мазкур шеърда йаир ашритас тиртха-падаш чарана иборалари муҳим аҳамиятга эга. Тиртха-пада – Олий Шахс Худонинг номларидан бири. Фақат Парвардигор Вишнунинг оёғининг бармоқларидан оқиб тушаётгани туфайли Ганга дарёси муқаддас ҳисобланади. Унинг вазифаси – шартланган руҳларга барча моддий мусибатлардаг халос бўлишда ёрдамлашишдан иборат. Шу боис, Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойи паноҳига кирган киши ҳар нарсага қодир бўлади. Кардама Муни шунчаки сеҳр қудратига эга бўлган учун эмас, балки Парвардигорнинг буюк содиқ хизматкори бўлгани учун оддий инсон эмасди. Бу ерда айтилганки, Парвардигорнинг Кардама Мунида буюк содиғи учун иложи бўлмаган ишнинг ўзи йўқ. Гарчи, Кардама мисолида кўрганимиздай, йоглар ҳар хил мўъжиза яратишга қодир бўлсалар ҳам, Кардама шунчаки йог эмасди, аини пайтда у Парвардигорнинг буюк содиқларидан бири эди. Шунинг учун Кардама Муни оддий йоглардан анча устун туради. "Бҳагавад-гита"да айтилганидек, "барча йоглар ичида Худонинг содиқ хизматкори энг аъло йог ҳисобланади". Кардама муни сингари шахсни ҳеч қачон оддий шартланган руҳлар каторига қўшмаслик керак, у аллақачон руҳий озодликка эришган, у ҳатто шартланган руҳлар таркибига кирадиган фаришталардан ҳам юқори поғонада туради. Ҳатто ўзининг хотини ва минглаб гўзал аёллар даврасида лаззатланиб яшаб юриб ҳам Кардама Муни моддий шартланган ҳаётга нисбатан илоҳий поғонада қолаверди. Шунинг учун мазкур шеърда Кардама Мунининг оддий шартланган руҳларга мансуб эмаслигини ифодалайдиган вйасанатгайаҳ ибораси ишлатилган. У моддий оламнинг ҳар қандай чеклашлари чегарасидан устун турарди.

#### Текст 43

Хотинига ғаройибларга тўла шарсимон коинотнинг ичидаги ҳамма нарсаларини кўрсатиб бўлиб, буюк йог Кардама Муни яна ўзининг кулбасига қайтиб келди.

Изоҳ: Коинотдаги сайёралар бу ерда гола, юмалоқ деб таърифланган. Уларнинг ҳар бири шар шаклига эга бўлиб, худди чексиз уммон бўйлаб жойлашган оролларга ўхшаб, ҳар бири алоҳида мустақил тизимга эга. Сайёралар баъзан двипа ёки варша деб аталади. Масалан, Ер сайёраси Бхарата-варша деб аталади, чунки бир пайтлар унга шоҳ Бхарата ҳукмронлик қилган, Бу шеърда алоҳида эътибор бериш лозим бўлган яна бир ибора ишлатилган – бахв-ашчарйам, яъни “кўплаб мўъжизалар”. Бу ибора коинотнинг саккиз томонининг ҳар бирида жойлашган сайёраларнинг ҳар биттаси ўзига хос бетакрор гўзалликка эга эканини билдиради. Ҳар бир сайёрада ўзига хос об-ҳаво, муҳит, ҳаёт шакллари бўлиб, уларнинг ҳар бирида ҳаёт учун зарур бўлган ҳамма нарса мавжуд, шу жумладан ўзининг бетакрор гўзалликлари билан йил фасллари ҳам бор. "Брахма-самхита"(5.40)да ҳам бу тасдиқланади: вибхута-бхиннам – ҳар бир сайёрада, фақат унинг ўзига хос бўлган бойликлар мавжуд. Ҳамма сайёралар бир бирига ўхшайди деб ўйламаслик керак. Моддий табиат Худонинг марҳамати билан ҳар бир сайёрани ўзига хос, бетакрор гўзаллик билан яратган.

Ўзининг хотини билан бирга саёҳат қилар экан, Кардама Муни ана шу мўъжизаларнинг ҳаммасини ўз кўзи билан кўрган бўлса ҳам барибир ўзининг кулбасига қайтиб келди. Донишманд ўзининг малика хотинига кўрсатдики, гарчи у бир кулда яшаётган бўлса ҳам, ўзининг сеҳр қудрати ёрдамида истаган жойига бориши ва истаган ишини қила олиши мумкин. Баъзи бир йоглар айтганидек, асана ва муруқабалар ёрдамида Худо бўлиб олишнинг иложи бўлмагани сингари, у ёки бу асаналарни бажариш билан инсон комил йог бўла олмайди. Муруқаба ёки йога машқларига ўхшаган қандайдир амалларни бажариб юриш ёрдамида инсон бирор олти ой ичида Худо бўла олади деб фақат онгсиз калтафаҳм одамларни алдайдилар.

Биз бу ерда бутун коинотни айланиб чиққан комил йогни кўриб турибмиз. Маълумки, Дурваса Муни ҳам космик олам бўйлаб саёҳат қила оларди. Камолотга эришган йог ҳақиқатан ҳам бунга қодир. Аммо, ҳатто бутун коинот бўйлаб саёҳат қила оладиган, Кардама Мунига ўхшаб турли мўъжизалар кўрсата оладиган киши ҳам Олий Шахс Худо билан тенглаша олмайди; бирор шартланган ёки озодликка чиққан руҳ ҳеч қачон Худо билан тенг қудратга эриша олмайди ва Уники сингари англаб бўлмас қувватларга эга бўла олмайди. Кардама Мунининг барча амаллари шундан далолат берадики, ўзининг ғайритабиий қудратига қарамасдан, у барибир Худонинг содиқ хизматкори бўлиб қолаверди. Ҳар бир тирик мавжудотнинг ҳақиқий ҳолати ана шундай.

#### Текст 44

Уйига қайтиб келгандан кейин у ўзи билан жинсий яқинлик қилган Девахути - Манунинг қизини мамнун қилиш учун ўзини тўққиз қиёфада кўпайтирди. Шу тарзда у Девахути билан узоқ йиллар давомида лаззатланиб яшади. Бу йиллар унинг учун худди бир лаҳзадай жуда тез ўтиб кетди.

Изоҳ: Мазкур шеърда Сваямбхуванинг қизи суратотсука деб аталган. Девахути эри билан бирга бутун коинотни айланиб чиққандан, Меру тоғининг этакларида ва жаннатий салтанатнинг ажойиб боғларида бўлиб келгандан кейин унда табиий равишда шахвоний эҳтирос туйғуси уйғонди, уни шу эҳтиёжини қондириш учун Кардама Муни ўзини тўққиз қиёфада кўпайтирди. Шунда бир донишманд ўрнига тўққиз донишманд пайдо бўлди ва Девахути билан жинсий яқинлик қилиб узоқ йиллар давомида лаззатланиб яшади. Аёлнинг шахвоний эҳтироси эрақнинг шахвоний эҳтиёжидан тўққиз марта кўп ҳисобланади, буни мазкур шеър ҳам тасдиқлаб турибди. Акс ҳолда Кардама Муни ўзини тўққиз қиёфада кўпайтириб ўтиришмасди. Ўзини тўққиз қиёфада кўпайтириб у ўзининг сеҳр қудратини яна бир бор намоёиш этди. Ўзини миллионлаб қиёфаларда намоён қила оладиган Олий Шахс Худо сингари, йоглар ҳам ўзларини кўпайтира оладилар, лекин улар фақат тўққиз қиёфага кўпая оладилар. Саубхари Муни ҳам бунга мисол бўла олади, у ҳам ўзини саккиз қиёфада кўпайтирган эди. Лекин энг қудратли йог ҳам саккиз ёки тўққиздан кўп қиёфада ўзини тарқата олмайди, Олий Шахс Худо эса Ўзини миллионлаб қиёфаларда тарқатади, "Брахма-самхита"да айтилганидек, У ананта-рупа – сон-саноксиз кўп қиёфаларда намоён бўлади. Ҳеч ким Олий Шахс Худо билан тенг қудратга эга бўла олмайди.

#### Текст 45

Ана шу самовий қасрда Девахути ўзининг чиройли эри билан ишқий ҳис-туйғуларни уйғотадиган юмшоқ тўшақларда ётар, вақтнинг қанчалик тез ўтиб бораётганини ҳам сезмасди.

Изоҳ: Ишқий айш-ишратлар, майин ҳис-туйғулар моддий оламдаги одамларга шунчалик лаззат келтирадики, улар вақтнинг қанчалик тез ўтганини сезмай қоладилар. Ишқий лаззатларга берилиб кетган Кардама ва Девахути ҳам вақт ўтганини сезмай қолдилар.

#### Текст 46

Эр-хотинлар ўзларининг сеҳр қудратидан фойдаланиб ишқий лаззатга берилиб яшар экан, орадан уларга бир лаҳзадай туюлган юз куз ўтиб кетди.

#### Текст 47

Қудратли Кардама Муни ҳар қандай тирик мавжудотнинг қалбида қандай истаги борлигини билар ва унинг шу истагини амалга ошира оларди. Руҳнинг табиатини билгани учун у хотинини ўзининг танасининг ярми деб ҳисобларди. Ўзини тўққиз қиёфада тарқатиб, донишманд ўзидан тўққиз зурёд қолдирди.

Изоҳ: Девахутининг кўплаб фарзандларга эга бўлиш истагини билиб, Кардама Муни унда бирданига тўққиз зурёд қолдирди. Бу шеърда уни вибху, яъни “ғайритабиий қудратга эга” деб атаганлар. Ўзининг сеҳр қудрати ёрдамида у Девахути билан бирданига тўққиз фарзанд дунёга келтира оларди.

#### Текст 48

Девахути шу куниёк нодир гўзалликка эга бўлган ва кизил нилуфар гулидай муаттар хид таратиб турган тўққиз киз фарзанд туғди.

Изоҳ: Девахутининг шахвоний истаги шу қадар кучли эдики, унда эрига нисбатан кўп уруғлик ажралиб чиқди, шу боис у тўққиз киз туғди. Смрити-шастрада, шунингдек “Аюр-веда”да айтилганки, эркакнинг ажралиб чиққан уруғлиги аёлликдан кўп бўлса, ўғил фарзанд туғилади, акс ҳолда эса, киз фарзанд туғилади. Кўриниб турибдики, бу ерда Девахутининг шахвоний эхтироси эриникдан кучли бўлган, шунинг учун у бирданига тўққиз киз туғди. Унинг ҳамма кизлари ғайритабиий равишда чиройли ва сарвкомат эди; уларнинг ҳар бири нилуфар гулидай майин ва муаттар хид таратиб турарди.

Текст 49

Эрининг уйдан кетишга ҳозирланаётганини кўриб, Девахути кулиб турарди, лекин унинг қалбида оғир маюслик ва хавотир бор эди.

Изоҳ: Сехр кудратидан фойдаланиб Кардама Муни барча оилавий ишларини тез орада ниҳоясига етказди. У самовий қаср курди, хотини ва ёш канизақлар билан биргаликда бугун коинотни айланиб чиқди ва ўздан зурёд қолдирди. Энди эса, бир вақтлар берган ваъдасига кўра, инсон ҳаётининг асосий мақсадига эришиш – рухий ўзлигини англаб етиш учун у уйини ташлаб кетишга ҳозирланаётган эди. Эрининг кетишга тайёрланаётганини кўриб, Девахути қаттиқ хавотирга тушди, лекин эрини хафа қилмаслик учун кулиб турарди. Кардама Муни кўрсатган намунани тўғри тушуниш керак: асосий мақсади Кришнани англаб етиш бўлган инсон оилавий турмуш чангалига тушиб қолса ҳам, у оиласини ва оилавий ҳаётнинг бошқа шодликларини тарк этишга ҳамиша тайёр туриши лозим.

Текст 50

Девахути худди қимматбаҳо тошлардай нур таратиб турган тирнокларидан таралаётган ёғду туфайли атрофини ёритиб турган оёғи билан ер чизиб турарди. У бошини эккан ҳолда, кўз ёшларини зўрға тўхтатиб, чиройли овози билан секин гапира бошлади.

Изоҳ: Девахути шу қадар ғаройиб гўзаллик соҳибаси эдики, ҳатто унинг оёқларидаги бармоқларининг тирноклари ҳам худди марваридларга ўхшарди, у оёғи билан ер чизиб турганида гўё шу марваридлар ерга сочилаётгандай кўринарди. Аёл киши оёғи билан ер чиза бошласа, демак унинг қалбини қандайдир хавотир эгаллаб олган бўлади. Баъан Кришнанинги ёнида турган гопиларнинг қалбидаги ҳаяжонли хавотирлари уларнинг шундай ҳаракатларида намоён бўларди. Бир куни қоронғу тун ярмида гопилар Кришна билан учрашувга келганларида, У гопиларга дарров уйларига қайтиб кетишни буюрди, шунда гопилар ҳам оёқлари билан ер чизиб қалбларини хавотир камраб олганини билдирган эдилар.

Текст 51

Шри Девахути деди: Эй ҳукмдорим, сен берган ваъдаларингнинг ҳаммасини бажардинг, аммо, энди сен менга жасорат ҳам ато этишинг лозим, чунки мен сенга ўзимни бутунлай топшириб қўйган жонман.

Изоҳ: Девахути эридан ўзига жасорат ато этишни илтимос қилди. Кардаманинги хотини бўлган ҳолда у ўзини бутунлай эрининг ихтиёрига топшириб қўйган эди, эрининг вазифаси эса – хотинининг ҳеч қандай хавотирга тушмай жасорат билан яшашини таъминлашдан иборат. Бу ҳақда "Шримад Бҳагаватам"нинг бешинчи кўшиғида айтилган, унда ёзилганки, ҳали ажал чангалидан халос бўлмаган киши ҳақиқий рухий озодликка эришмаган зот ҳисобланади, шу боис у рухий устоз, эр, қариндош, ота, она бўлишга ҳаққи йўқ. Катталарнинг бурчи – қўл остидагиларни кўрқувдан халос этишдан иборат. Шунинг учун ота, она, рухий устоз, қариндош ёки эр бўлишни ва бошқа бир тирик мавжудотнинг тақдирини ўз зиммасига олишни истаган киши қўл остидаги, ўз ихтиёрини унга топширган зотларни моддий оламдаги тирикчилик даҳшатидан қандай халос қилишни билиши лозим. Моддий оламда яшаш ҳамиша ҳар хил кўрқув ва хавотирларга тўла бўлади. Эрига мурожаат қилар экан, Девахути шундай дейди: “Сехр кудратинг шарофати билан сен менга ҳар хил моддий бойликлар ато этдинг, лекин энди кетишингдан олдин сен менга охириги бир совға инъом қилиб кетишинг - мени моддий олам чангалидан бутунлай халос бўлишимга ёрдам беришинг керак”.

Текст 52

Эй азиз браҳман, кизларинг ўзларига муносиб куёвларни топиб, ҳар бири ўзининг янги уйига равона бўладилар. Сен санньяси қабул қилиб, уйдан кетганидан кейин менга ким ғамхўрлик қилади?

Изоҳ: Отанинги ҳаёти унинг ўғлининг ҳаётида давом этади, деган гап бор. Шу жиҳатдан қараганда ота билан ўғилнинг моҳияти бир. Ўғил фарзанди бор бева аёл тўла маънода бева ҳисобланмайди, чунки унинг ёнида ҳамиша эрининг вакили бўлади. Бу гапларни айтиш билан Девахути эридан у йўқлигида унинг муносиб ўғли уни ҳимоя қила олиши учун унинг ёнига ўзининг вакилини қолдириб кетишни илтимос қиляпти. Грихастха умрининг охиригача оиласи билан бирга яшамаслиги керак. Ўғилларини уйлантириб, кизларини эрга бергандан кейин у хотинига ғамхўрлик қилишни ўғилларига топшириб, оиласини тарк этиши мумкин. Ведалар маданиятига асосланган урф-одатлар шундай. Бу ерда Девахути эридан у кетгандан кейин унинг оғирини енгил қиладиган атиги бирор ўғил фарзанд қолдириб кетишни илтимос қиляпти. Бировнинг оғирини енгил қилиш – унга моддий жиҳатдан ёрдам бериш эмас, балки рухий илм бериш демақдир. Моддий тана ҳалок бўлгандан кейин ўткинчи моддий қулайликлар ҳам ғойиб бўлади, рухий илм эса мангу, у руҳ билан бирга мангу қолади. Ҳар бир инсонга рухий илм керак, лекин муносиб ўғил фарзанди бўлмаган Девахути кимдан илм ўрганади? Эркак киши хотини олдидаги ана шу бурчини бажариши лозим. Хотин эрига холис ва самимий хизмат қилади, шунинг учун у хотини олдида қаздор, чунки ҳеч ким қўл остидаги кишининг хизматини текинга қабул қилиши мумкин эмас. Рухий устоз ўзининг шогирдига фақат рухий илм бериш эвазига хизмат қилишига рухсат беради. Рухий устоз билан шогирд орасида ўзаро хизмат ва

муҳаббат алмашиш шундан иборат. Шунинг учун Девахути эри Кардама Мунига унга садоқат билан холис хизмат қилганини эслатиб қўйяпти. Бу масалани ҳатто хотинининг қилган хизматлари учун миннатдорчилик билдириш зарурлиги нуқтаи-назаридан қарасак ҳам, Кардама Муни уйдан кетишдан олдин Девахутига ўғил фарзанд қолдириб кетиши лозим эди. Девахути бу гаплари билан эридан уйда яна бироз вақт, ҳеч бўлмаса то у ўғил фарзанднинг онаси бўлгунча қолишни илтимос қиляпти.

#### Текст 53

Шу вақтгача бизлар ҳиссий лаззатларга берилиб ва Худони англаб етишга интилмасдан вақтимизни бекорга кетказдик.

Изоҳ: Инсоннинг умри унга ҳайвонларга ўхшаб уни ҳиссий лаззатларга сарфлаш учун берилмайди. Ҳайвонлар ўзининг бутун умрини фақат сезгиларининг лаззатланишга бўлган талабини қондиришга сарфлайдилар – еб-ичадилар, ухлайдилар, жинсий алоқа қилиб бола-чақа орттирадилар ва ўзларини ҳимоя қиладилар. Аммо, сезгилар барибир муқаддас китобларда турли қонун-қоидалар билан чеклаб қўйилган ана шу лаззатларга эҳтиёж сезса ҳам, инсон аслида бунинг учун яратилган эмас. Шунинг учун Девахути эрига шу гапларни айтяпти: “Шу пайтгача бизлар фақат қиз фарзандлар кўрдик. Биз самовий қасрда бутун коинот бўйлаб сайр қилиб, моддий ҳаётдан лаззатланиб яшадик. Сен ўз марҳаматинг билан менга ана шундай бахт-саодат келтирдинг, лекин буларнинг ҳаммаси моддий лаззатлар эди. Энди эса сендан менинг руҳий юксалишимга ёрдам берадиган совға кутяпман”.

#### Текст 54

Сенинг эришган илоҳий мартабангдан заррача шубҳа қилмасдан, ен қалбимда лаззат берадиган нарсаларга боғланиш туйғусини сақлаб қолган ҳолда сени қаттиқ севиб яшадим. Энди бизларнинг ана шу яқинлигимиз менинг бу дунёдаги барча кўрқув-хавотирлардан халос бўлишимга ёрдам берсин.

Изоҳ: Бу ерда Девахути ўз тақдиридан нолияпти. Унинг қалбида ҳар бир аёл зотига хос бўлган, кимнидир севиш туйғуси мавжуд эди. Тақдир тақозоси билан у Кардама Мунининг илоҳий ҳолатини билмаган ҳолда, уни севиб қолган эди. Девахутининг истаги Кардама учун сир эмасди. Барча аёллар асосан моддий лаззатга интиладилар. Улар эркакларга қараганда ақли паст ҳисобланади, шунинг учун асосан моддий ҳаётдан лаззатланиб яшашга интиладилар. Энди Девахути эрининг унга моддий лаззатланиш учун имконият яратиб берганидан афсусланияпти, аммо у ўзининг руҳий юксалишда шунчалик юксак поғонага кўтарилганини билмайди. Эрининг улуғвор мартабасига заррача шубҳа қилмаган ҳолда, Девахути барибир унинг паноҳи остига кирди, шунинг учун эри энди уни моддий олам тутқунлигидан озодликка чиқариши лозим эди, у Кардама Мунидан шуни илтимос қиларди. Буюк шахс билан ҳамсуҳбат бўлишнинг қанчалик муҳим эканини таърифлашнинг илоҳи йўқ. "Чайтанья-чаритамрита"да Парвардигор Чайтанья айтадики, садху-санга, буюк авлиё зот билан учрашиш, ҳатто инсон чуқур руҳий илмга эга бўлмаса ҳам, унинг тез орада руҳий юксалишига ёрдам

беради. Оддий аёл, Кардама Мунининг хотини бўлгани учун Девахути эри унга ҳиссий лаззат беради ва ўзининг барча моддий эҳтиёжларини қондиради деган умидда унга қаттиқ боғланиб қолган эди, лекин аслида у буюк шахснинг хизматини қилиб юрган эди. Энди у буни англаб етди, шу боис у шундай буюк зот билан учрашиш берадиган нодир имкониятдан фойдаланиб қолишни истарди.

#### Текст 55

Одамлар фақат ҳиссий лаззатланиш учун бир бири билан учрашганда, бу учрашув уларни моддий оламга асир қилиб қўяди. Аммо, буюк авлиё зот билан бўладиган учрашув, ҳатто у буни ўзи билмаса ҳам, инсонни руҳий озодликка чиқиш йўлига олиб чиқади.

Изоҳ: Авлиё инсон билан бўладиган ҳар қандай учрашув бир хил натижага олиб келади. Масалан, Парвардигор Шри Кришна жуда кўп тирик мавжудотла билан учрашди: улар орасида Уни ўзининг душмани деб биладиганлар ҳам, Уни ўзига лаззат келтирадиган Зот деб ҳисоблаган зотлар ҳам бор эди. Одатда гопиларни Кришнага ҳиссий лаззатланиш учун боғланиб қолган деб айтадилар, лекин уларнинг бу истаги барибир уларнинг буюк содиқлар бўлиб етишишига тўсқинлик қилмади. Камса, Шисупала, Дантавакра ва бошқа иблислар Кришнани ўзларининг душмани деб ҳисобладилар. Лекин, одамлар Кришнага қанчалик хилма-хил муносабатда бўлмасин – душманлик билан, эҳтирос билан, ҳаяжон билан ёки асл содиқ сифатида – Кришна билан учрашиш уларнинг ҳаммасига бирдай руҳий озодликка эришиш имконини берди. Парвардигор билан учрашишнинг натижаси шундай бўлади. Ҳатто инсон олдида Парвардигорнинг Шахсан Ўзи турганини билмаса ҳам, Худо билан учрашиш унга энг юксак натижа келтиради. Худди инсон оловга билибми, билмайми, қандай яқин борса ҳам олов барибир уни қиздиргани сингари, буюк авлиё зот билан учрашиш ҳам инсонни руҳий озодликка чиқаради. Бу ерда Девахути эрига ўзининг миннатдорчилигини изҳор этяпти; унинг Кардама Муни билан ҳамсуҳбат бўлиш истаги ҳиссий лаззатга интилишга асосланган бўлса ҳам, унинг руҳий юксаклиги шарофати билан у бундан чексиз руҳий манфаат кўрди ва озодликка эришишга муносиб бўлди.

#### Текст 56

Агар инсоннинг қилиб юрган ишлари уни дин йўлига олиб келмаса, агар дин йўлида қилиб юрган амаллари унинг қалбида таркидунёлик туйғусини ривожлантирмаса ва агар таркидунёлиги уни Худога садоқат билан хизмат қилишга олиб келмаса, ҳатто нафас олиб юрган бўлса ҳам, ундай одамни ўлик деб ҳисоблаш керак.

Изоҳ: Бу ерда Девахути айтяптики, унинг эри билан бирга, уни руҳий озодликка чиқара олмайдиган ўткинчи ҳиссий лаззатга берилиб ўтказган вақти – умрини бекорга хазон қилиш эди. Агар инсонни Худонинг одамлар учун яратиб қўйган диний қонунларига бўйсуниб яшашга олиб келмайдиган бўлса, ҳар қандай амал ҳам мутлақо бемаъни фаолият ҳисобланади. Ҳар биримизда қандайдир фаолият билан шуғулланишга табиий мойиллик бор, агар биз ўзимизга ёқадиган ана шу фаолият билан дин қонунлари асосида шуғулланиб юрсак, Худонинг қонунлари

асосида яшаш қалбимизда таркидунёлик руҳини ривожлантирса, таркидунёлик эса бизни Худога садоқат билан хизмат қилишга олиб келса, биз шуғулланиб юрган фаолият мукамал фаолият ҳисобланади. "Бҳагавад-гита"да айтилганки, оқибат-натижада инсонни Худога садоқат билан хизмат қилиш поғонасига кўтармайдиган ҳар қандай фаолият унинг моддий оламда тутқун бўлиб қолишига сабаб бўлади.

Токи инсон Худога садоқат билан хизмат қилиш доирасида бўлган, табиий равишда ўзи ёқтирадиган фаолият билан шуғулланиб яшамас экан, уни ўлик одам деб ҳисоблаш лозим. Инсонни Кришнани англашга яқинлаштирамайдиган ишлар билан шуғулланиш шунчаки бемаъни фаолият, нодир инсон умрини бекорга сарфлашдир.

#### Текст 57

Эй ҳукмдорим, албатта, мен Олий Шахс Худонинг алдамчи қуввати таъсирида қаттиқ адашган эдим, чунки, моддий олам тутқунлигидан озодликка чиқиш имкониятини берадиган сен билан учрашиш имкониятига эга бўлиб ҳам, мен озодликка чиқишга интилмадим.

Изоҳ: Оқил инсон ўзида бор имкониятлардан тўлиқ фойдаланиши лозим. Ана шундай имкониятларнинг биринчиси – инсон танасида туғилиш ҳисобланади, иккинчи имконият – руҳий фаолият билан шуғулланадиган оилада туғилиш; бу икки имконият ҳам тирик мавжудотнинг тақдирида камдан-кам ҳолларда учрайди. Лекин, бу дунёдаги энг нодир имконият – авлиё инсон билан учрашиш имконияти ҳисобланади. Девахути ўзининг отаси буюк император эканини яхши биларди. У етарли таълим-тарбия олган маданиятли қиз эди, ниҳоят у буюк донишманд ва буюк йог Кардама Мунига эрга чиққан эди. Айни пайтда у, агар шунча имконияти бўла туриб моддий олам тутқунлигидан озодликка чиқа олмаса, Парвардигорнинг алдамчи қуввати уни шафқатсиз равишда алдаган эканини тушунарди. Аслида Парвардигорнинг алдамчи қуввати ҳаммани, ҳар кимни алдаб қўйибди. Одамлар бирор моддий бойликка эришиш ниятида Кали ёки Дурга киёфасидаги Парвардигорнинг моддий қуввати тимсолига сиғинар экан, бу иши билан ўзлари нима қилаётганини тушунмайдилар. “Эй буюк Онажон, менга чексиз бойлик бер, менга яхши хотин бер, менга шон-шуҳрат келтир, мени ҳар ишда ғолиб қил!” – деб илтижо қиладилар. Лекин, Майя, яъни Дурганинг содиқ хизматкорлари у уларни шунчаки алдаб юрганини ҳатто хаёлига ҳам келтирмайдилар. Ҳеч қандай моддий бойликни асл маънода бойлик деб бўлмайди, чунки моддий бойликка эга бўлган киши алданиш домига тобора чуқурроқ ботиб бораверади, моддий оламга тутқун қиладиган тўрларга тобора чигалроқ ўралаверади ва руҳий озодликка чиқишдан бутунлай маҳрум бўлади. Моддий бойликлардан фақат руҳий юксалиш, руҳий ўзлигини англаб етиш йўлида фойдаланиш учун инсон етарлича ақл-фаросатга эга бўлиши лозим. Бунга имконият берадиган йўл карма-йога ёки гйана-йога деб аталади. Ўзимизда бор нарсаларнинг ҳаммасини Олий Шахс Худога хизмат қилиш йўлида ишлатишимиз лозим. "Бҳагавад-гита"да шу ҳақда айтилган: сва-кармана там абхйарча – ўзингизда бор нарсаларнинг ҳаммасидан фойдаланиб Олий Шахс Худога хизмат қилинг. Худога садоқат билан хизмат қилишнинг турлари кўп, ўз имкониятига қараб ҳар ким ҳам Худога хизмат қила олади.

"Шримад Бҳагаватам"нинг Учинчи Кўшиқ “Девахутининг нолишлари” деб аталадиган йигирма учинчи бобига Бҳактиведантанинг изоҳлари шундай ақунланади.